

НАЖМИДДИН КОМИЛОВ

ХИЗР ЧАШМАСИ

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2005

Алишер Навоий ижоди – маънолар уммони, бебаҳо хазина. Улуғ шоирнинг тафаккур гавҳарларини кашф этиш, улардан баҳраманд бўлиш дилга қувват, руҳга мадад бағишлайди, бизни комиллик сари етаклайди.

Н. Комилов ўз тадқиқотларида шоир ижодининг айнан шу томонларига эътиборни қаратиб, ўқувчиларга мутлақо янгилик бўлган жиҳатларни очади, Навоий эътиқодининг жавҳари – тасаввуф ғоялари ва инсон қалби, шоҳу гадо ҳикмати, инсоннинг маънавий камолоти, Қўнгул ва гайб олами, ахлоқий покланиш ва Илоҳ ишқи сирри хусусида фикр юритади, ардоқли, нажиб туйғуларнинг абадияти ва бугунги ҳаётимизга таъсири ҳақида сўзлайди.

Маъсул муҳаррир: С. Олимов

К 64

Комилов, Нажмиддин.

Хизр чашмаси / Н. Комилов; Маъсул муҳаррир: С. Олимов. – Т.: «Маънавият», 2005. – 320 б.

ББК 83.3(5Ў)

К 4702620204–29
М25(05)–05

«Маънавият», 2005

ЎЗ ВУЖУДУНГА ТАФАККУР АЙЛАҒИЛ

Муқаддима

Навоий ижоди — ҳикмат ва тамсиллар, ҳар замон, ҳар давр учун ҳам сабоқ бўладиган ўлмас гоёлар, фикр-қарашлар уммони. Шоирнинг эҳтиросли ёниқ каломи ҳамон қалбимизга нур сочиб, юксакликларга чорлайди, инсонийлик мулкига етаклайди. У ўз замони дардини қаламга олди, адолат ва инсоф тантанаси учун курашди. Гоҳ тарихни ибрат қилиб, гоҳ валисифат замондошлари образини яратиб, гоҳ улуғ идеалларга ҳавола қилиб, инсонларга таъсир этиш, уларни хайр ва савоб ишларга даъват қилиш билан жамиятни ўнглаш, инсон зотини шарафлаш учун қайғурди, бутун истеъдоди, илмини шунга сарфлади.

Аммо, агар Навоий дунёқарашини яхлит бир тизим сифатида олиб қарайдиган бўлсак, унинг марказида, шубҳасиз, ислом аҳкоми ва тасаввуф таълимоти ётади. Зеро, шоирнинг оташин гуманизми, одамийлик концепцияси, адлу инсоф, саховат ва муҳаббат ҳақидаги фикр-ўйлари, эзгуликка пайваст буюк тафаккур олами шу таълимот негизида шаклланди. Тасаввуфга меҳр унда болаликдан бошланган; кўпроқ фақр аҳли билан дўстлашгани, сўфиёна асарлар мутолаасига берилиши (чунончи, «Мантиқут тайр»ни ёд олгани), «солики мажзуб»ни орзу қилгани шундан. У нақшбандия сулукини танлаб, Абдураҳмон Жомийни пир деб қабул қилиб, унинг ҳузурида ваҳдат ул-вужуд фалсафасидан сабоқ олди, шайх Муҳаммад Табодгоний суҳбатларини қозониб, «илтифотлар» кўрди. Жомий Навоий илтимоси билан ориф шайхлар тазкираси «Нафаҳотул-унс» китобини ёзди ва Фахриддин Ироқийнинг «Ламаот» асарини шарҳлади. Навоий «Нафаҳот ул-унс»ни қисқартириб, ўзбек тилига таржима қилди, турк машойихидан кўпини ва замондош дарвешларни киритди. Натижада, Навоий қалбан ва ботинан «фақру фано жодасида иқбол топган» (Жомий) одамга айланди. Азалий ва абадий Тангри таолони Ҳақ ва ҳақиқат ҳисоб-

лаб, нафс талабларини ўлдирди бориб, дилни поклаш, ўзни таниб, ўзликни фидо этиш орқали илоҳий маърифат топган ориф сўфийлар маслаги Навоий маслагига айланади. Натижада тасаввуф ғоялари унинг ижодининг мағз-мағзига сингиб кетади. Сўфиёна ишқ оламини илоҳий нур тажаллисиди кўриш, ҳол мастоналиги шоирнинг валийларча истеъдодига қувват бағишлар, романтик тахайюлини яшнатарди.

Айни вақтда, шуни ҳам биламизки, Навоий реал дунё гўзаллигини куйлаган оташқалб шоир. У ижтимоий-сиёсий воқеаларга фаол иштирок этди, давлат арбоби сифатида турли мансабларни эгаллаб, ўз идеалларини ҳаётга татбиқ этишга интилди. Навоий ҳаётни бутун мураккаблиги билан қаламга олади, ёниқ сўз воситасида кишилар қалбига таъсир этиш, уларни ёмон ишлардан қайтариб, эзгу амаллар сари сафарбар этишга чоғланади. Хуллас, Навоий ижодида илоҳийлик ва дунёвийлик уйғунлашиб кетган. Илоҳий ғоялар, тимсоллар унинг учун инсон ҳаммаша интиладиган идеал олам бўлса, дунё шу идеал оламнинг кўзгуси, ибрат ва сабоқ майдони. Зеро, инсонда коинотнинг, илоҳий оламнинг ҳикматлари, моҳияти акс этган. «Неки олами куброда бор – олами суғрода бор», дейди Навоий. Олами кубро – катта олам, яъни коинот, борлиқ. Олами суғро – кичик олам, яъни инсон. Бундай қараш аслида Одам Атонинг яратилиши ҳақидаги ривоятга бориб тақалади. Одам Ато, Куръони каримда айтилишича, тупроқдан яратилиб, кейин унга Аллоҳ ўз руҳини юбориб, жон ато этади. Демак, инсон молда ва руҳ ёки табиат ва илоҳдан вужудга келган. Шу боис инсон тийнатиининг ўзида мажоз ва ҳақиқат, илоҳийлик ва дунёвийлик мужассам. Бу олам ягоналиги ҳақидаги ваҳдат ул-вужуд таълимотига мувофиқдир.

Яъни:

Ўз вужудунгга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсан, ўзунгдин истагил.

Шунга кўра, инсон аввало ўзини, кейин Аллоҳ яратган жамики илму ҳикмат, маърифат-маънавийетини билиб, ўз Холиқини таниб, мусаффо руҳ ҳолида қайта ваҳдониятта

қўшилмоғи даркор. Шу йўлда инсон ахлоқи покланади ва у комиллик даражасига кўтарилади.

Комил инсон сийрати, бу йўлга кирган солиқнинг ишқи ва шавқи, дард-изтироблари Алишер Навоий асарларида турли тимсоллар, образларда ҳар хил услубда тасвирланади.

Навоий ижоди – бамисоли бир обиҳаёт – Хизр чашмаси. Ундан ичган сари қалбингиз тозаланиб, нурланиб боради, маънан ва руҳан улғаяди, куч оласиз. Шундай, буюк шоирни бизга ато этган Парвардигорга минг бора шукр қилиб, бу зоти мукаррамдан бир умр ибрат олиб яшаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

НАВОИЙ ВА ЗАМОНАМИЗ

Шўролар даврида Навоий асарлари гарчи ўрганилган бўлса-да, аммо кўпроқ ўша давр мафкурасига мослаштириш, Навоийни коммунистик ғояларни тасдиқлашга хизмат қилдириш бор эди. Аммо биз учун Навоий бор бўйи билан қадрдон ва зарур, биз энди Навоийни «керакли» ва «кераксиз» қисмларга ажратмаймиз. Эндиликда биз унинг меросхўрлари шўролар мафкураси оқибатида йўқотган қадриятларимиз, лат еган, кемтик бўлиб қолган маънавиятимизни қайта тиклашда Навоий каби улуғ зотларимиз ижодидан мадад ва куч оламиз, уни тўлиқ ҳолда, холисона ўрганиб, баҳраманд бўламиз. Бунга тўла имкониятлар мавжуд. Миллий-маънавий тикланиш сиёсатимизнинг устувор йўналиши қилиб белгиланган экан, бунда биринчи навбатда Навоийни ўзлаштириш, Навоий маънавий хазинасини янгидан кашф этиб, ҳаётимизга олиб кириш асосий вазифа бўлиши лозим. Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис минбаридан туриб, «Навоийни чуқурроқ ўрганайлик, унинг асарларини ёшларга етказайлик», деган шиорни ташлаши бежиз бўлган эмас. Бу Навоийни ўрганиш, Навоий ғояларини ўзлаштириш улкан ижтимоий вазифа, умуммиллий бурч эканлигини таъкидлашдир.

Мен аминманки, инсоният янги XXI асрда Навоий сингари улуғ мутафаккир ижодкорларга янада кўпроқ муҳтож бўлади. Чунки ҳозир инсоннинг ақлий кашфиёти беҳисоб ва ҳайратланарли. Аммо инсоният маънавий камолот жиҳатидан жуда ҳам олдинга борган эмас, аксинча, Навоий маънавияти чўққисидан қарайдиган бўлсак, анчагина орқага қараб кетганимиз маълум бўлади. Шу учун ҳам Навоийга қайтиш, Навоий оламини янгидан кашф этишнинг зарурати ва аҳамияти катта. Навоийдан Инсонга муҳаббатни, ҳаётга муҳаббатни, футувват ва жавонмардликни, вафо ва садоқатни ўрганишимиз лозим. Алишер Навоийда ҳамма нарса инсон қалби гўзаллиги, инсон ахлоқи камолоти нуқтаи назаридан олиб қаралади.

Олайлик, шоирнинг исломга муносабатини. Навоий учун Парвардигор – олам яратувчиси, оламни яратишдан мақсад эса – одамни – махлуқот гултожини яратиш. Шоир мана шуни англашни имоннинг асоси деб билади ва исломга буюк бир маърифат деб қарайди, яъни дунёни, Илоҳни ва ўзликни билиш маърифати. Навоийнинг барча дostonлари, девонлари аввал Парвардигори оламга наът билан бошланади, сўнгра Пайғамбаримиз (САВ) ҳамдлари келади. Кейин сўфийлар, пирларга бағишланган боблар бошланади ва уни кетидан асар воқеалари бошланади. Девонларда эса сўфиёна ғазаллардан сўнг «ишқи илоҳий» ва «ишқи мажозий»ни бирга олиб куйлаган ғазаллар келтирилган.

Бу нимага ишора?

Биринчидан, шунга ишораким, Навоий дунёқараши яхлитдир, у ҳеч қачон ва ҳеч ерда моддийликни илоҳийликка, дунёвийликни охиратга қарама-қарши қўйган эмас. У комил мусулмон, имон мустаҳкамлигини, илоҳий қудратнинг чексизлигини куйлаган шоир. Аммо Навоий шариат ва унинг аҳкомларини назмга солган, гўру қиёмат азоби билан одамларни қўрқитувчи шоир эмас. У дунёни ва Илоҳни тасаввуф ва тариқат ғоялари орқали идрок этади. Наът-ҳамдлар ҳам, коинот ашёлари тасвири ҳам ваҳдатул вужуд фалсафаси ғоялари асосида талқин этилади, яъни шоирнинг эътиқоди шуки, Парвардигор оламни ўз жамолига кўзгу сифатида яратди ва инсонни шу кўзгунинг мазҳари (фокуси)га айлантирди. Парвардигор ўз қудратини Инсон кўнгли товланишларида намоён этади. Инсон эса буни англаши керак ва шунга муносиб бўлмоғи даркор.

Иккинчидан, бу орқали Навоий олам ягоналиги, жисм ва руҳнинг ўзаро вобасталигини ифодалаб берган.

«Ҳайратул-аброр» дostonида наът ва ҳамдлардан кейин учта «ҳайрат» боблари келтирилган. Тадқиқотчилар бу бобларни негадир четлаб ўтадилар. Ҳолбуки, дostonнинг мағиз-моҳияти шу бобларда акс этган. Шунга мувофиқ асар «Ҳайратул-аброр» (Пок руҳнинг ҳайратланиши) деб номланган. Бу бобларда Кўнглининг «йўқлик олами» – адамдан пайдо бўлиб, илоҳий олам, фаришталар олами, мулк (коинот) олами ва инсон бадани оламини сайр этиб чиқи-

ши тасвирланади. (Бундан олдинги бобда Навоий кўнгилнинг ўзи нима эканини тушунтиради.) Кўнгил ўз сайри давомида барча борлиқ, бутун мавжудотнинг Аллоҳга зикр айтишини, Аллоҳ нури билан ёритилганини кўради. Жумладан, инсон аъзолари ҳам ўз Яратувчисига тасбеҳ айтади, деб тасвирлайди Навоий. Бу билан шоир айтмоқچики, инсон кўнгли (кўнгил – бу руҳ) – Аллоҳ яратган олий хилқат, у – илоҳий нур макони. Уни ифлослаш мумкин эмас. Инсон ўзини англаш учун аввал ўз кўнглини англаши керак. Кўнгил юқори олам – руҳоний оламлар билан ўзаро вобаста ва бу Инсон деган хилқатда тажассум топган. Шу боис инсон бутун руҳий ва моддий оламларни ўзаро боғловчи тугун ва у Парвардигорини моддий оламини англаш орқали, ўзини комил этиш орқали англайди.

Шу боис ҳам Алишер Навоий сохта диндорлик, диндан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш, ботиний оламга қарамай, зоҳирий расм-русумларни бажариш билан керилиш, риёкорлик, шафқатсизликни қоралади. Инсон аввало яхши ахлоқи, ниятининг (ҳимматининг) улуғворлиги, илоҳийлиги билан инсон. Агар бундай бўлмаса, яъни киши қалбида эзгуликка, хайрга муҳаббат бўлмаса, унинг имонига ишониш қийин. Имон ботиний оламнинг тозалиги ва бутунлиги, Ҳаққа яқинлигини намоён этиб туриши керак. Шу заминда Навоийнинг бутун ижоди ақидапарастлик, диний схоластика ва жаҳолатни рад этади.

Бугина эмас, ҳазрат Навоий динни ўз нафсига қурбон этган, бойлик ва мансаб орттириш қуролига айлантирган кимсаларни нафрат билан тилга олади, ғазабкор ҳажв қамчиси билан савалайди. Бунини «Ҳайратул-аброр» достонидаги «риёйи шайхлар» бобида, «Маҳбубул-қулуб»да ва «Ситтаи зарурия» номи остида жамланган форсий қасидаларда яққол кўриш мумкин. Агар риёкор шайх назр ундириш, элни алдаш учун турли найранг тўқиса, фирибгар муфти «Бир дирам учун юз ҳақни ноҳақ этади», озгина ришва учун «кўп «ло» (йўқ)ни «наам» (бор) деб хат битади», деб ёзади Навоий «Маҳбубул-қулуб»да. Мазкур асарда нопок қозилар, қонунбузар фақиҳ-муфтилар, ҳийлачи садр ва шайхул исломларнинг ғайри шаръий ишлари, дину имонни сотиб, мол-дунё орттиришлари фош

этилади. «Омий қозиким, май ичгай – ўлтургулукдур ва дўзах ўтига етмасдин бурун куйдургулукдур», деб ҳукм чиқаради Навоий. Агар ислом биносига устун бўлган қози адолат қилиш ўрнига, тамагирлик билан қонунни бузса, шариатга ўзи риоя этмаса, унда бошқалардан нимани талаб қилиш мумкин, унда қонун нима бўлади, бундай қози Худо олдида нима деб жавоб беради?

Навоийнинг бу саволлари ҳамон долзарб, зеро гарчи улуғ гуманист инсон ўз даври кишиларини кузатиб, фикр билдирган бўлса-да, аммо у танқид остига олган одамлар ҳамон орамизда, ҳамон жиғилдонни ҳақиқат ва адолатдан устун қўйгувчилар йўқолгани йўқ.

«Минҳожун нажот» (Нажот йўли) номли форсий қасидасидаги мана бу байтларга диққат қилинг:

Ва-гар аз ғояти ислом майли ҳаж куни ногоҳ,
Матои Макка пурси аз гарони ёхуд арзонӣ.
Агар суди накӯ уммед бошад, бор барбандӣ,
Дар ин ҳаж кай фарқ бошад дар исломияу насроний?!

(Агар ислом талаби билан ногоҳ ҳажга бормоқчи бўлсанг, аввал Маккадаги матоларнинг қиммат ёки арзонлигини сўрайсан. Агар яхши фойда олиш умиди бўлса, юкни ортиб йўлга тушасан. Бундай ҳажда мусулмонлик билан насронийлик орасида қандай фарқ бор?!)

Ахир ҳажга тижорат учун эмас, холисанлиллоҳ Каъба зиёратига бориш керак-ку! Навоий фош этишни давом эттириб, бундай одамлар агар тижоратдан наф кўришни умид қилмасалар, «йўл хавфу хатари ва жисмоний заифлик»ни баҳона қилиб, ҳажга бормаи қўя қоладилар, дейди.

Модомики, XV асрда Навоий замонида шунақа тижоратчи «ҳожилар» бўлган экан, демак иллатнинг тарихи узоқ ва бизнинг замондаги «тожир» ҳожилар ўшаларнинг давомчиси бўлиб чиқади. Навоий назарида бу нафақат шариатга, балки одамийлик ахлоқига ҳам зиддир:

Бувад имонат он, исломат ин, эй «мўмини муслим»,
Жуз ин ҳам кофириҳо бошадат дар парда пинҳоний.

(Имонинг шуми, исломинг буми. ҳайф сенга эй «мўмину муслим» номини кўтариб юрган. Сенда бундан бошқа

кофирликлар ҳам яшириндир). Бундай одамлар рўзани ҳам хасислик юзасидан, бошқалар дастурхонидан қорин тўйгазиш учун тутадилар, Куръонни уй безаги учун сақлайдилар, аммо унинг маъносидан беҳабарлар. Намозда саждага бош урадилару, аммо бошларида минг хил савдойи фикр.

Нафс домига тушган одам бир хиёнат кетидан иккинчисини қилаверади. Алдаш, ёлгон сўзлаш, найранг ишлатишни ўзининг «хунарига» айлантиради. Мазкур қасидада шоир бир қиёсни келтиради: агар, масалан, фаришта одам суратида пайдо бўлса, шайтон ниятли одам дарров уни меҳмон қилишга тушади, унга жом тўла шароб ичиради, беҳуш қиладиган дорини майга қўшиб беради, шундай маккорлик билан бадният киши мақсадига эришмоқчи бўлади. Шоир ёмон одамларнинг психологиясини чуқур ўргангани кўриниб турибди. Содда кишилар, пок одамларни ҳам бу нопоклар булғашни мумкин. Инсон найранги олдида шайтон ҳам ожиз. Бу – бир жиҳати.

Иккинчи жиҳати шуки, Навоий инсондаги бундай нуқсонларни қаттиқ танқид остига олса-да, аммо барибир муҳокамалари замирида ачиниш бор. У инсон қисматига, унинг Нафс домига гирифтор бўлиб қолганига қайғуради, дард билан сўзлайди. Унинг тасвирича, инсон жаннатда эканлигида тоза хилқат, пок руҳ эди. Аммо шайтон гапига кириб, жаннатдан қувилди – моддий оламга бадарға қилинди. Бироқ бу фожиани тузатишнинг иложи бор: Парвардигор инсонга покланиб, ақлу заковати, илму амалини кўпайтириб, маънавий-руҳий жиҳатдан юксалса – ўз аслига қайтишга, яъни Жаннатга киришга ваъда берган. Демак, ҳамма нарса инсоннинг ўзига боғлиқ. Инсонга имконият берилган. Агар инсон буни англаса, маънавий такомиллашса, аслига – Поклик оламига, Ҳақ хузурига мушарраф бўлади. Аммо агар уни англамаса, интилмаса, тубанлашиб, ҳайвонлар қаторига қўшилади, инсонлик шарафи ундан буткул кетади.

Мана шу ғоя асосида инсон ахлоқини поклаш, Комил инсон идеалига интилиш шавқи Навоий асарлари мағзини ташкил этган.

Жамиятни тузатиш учун, давлатни маънавият нури билан порлатиш учун ҳам аввало шахсни камол топтириш керак. Шахс эса Навоий назарида тасаввуф ва тариқат та-

лаблари билан камол топиши мумкин. Шу боис тасаввуф ғояларини берилиб куйлаган, унинг идеал қаҳрамонлари ҳам софдил сўфийлар ёки шунга талабгор ошиқлар, қалби Илоҳ ишқи билан ғарқ ориф инсонлардир. Сўфийнинг қалби гўё бир кўзгу, бу кўзгуда Ҳақ жамоли акс этади, шу боис сўфийнинг ўзи ҳам Ҳақнинг борлиги ва буюклигини исботловчи гувоҳ (тимсол)га айланади. Сўфий ҳамма вақт яхшилиқни ўйлайди, у шу дунёнинг ўзида яхшилиқ тантана қилиши учун фаолиятда бўлади. Сўфий ҳамма нарсада Аллоҳ жамолини ҳис этади, у хоксор, фақир ва қаноатли:

Бошдин-оёқ ҳар бири кўзгу бўлуб,
Шоҳиди мақсудга ўтру бўлуб.
Кўзгуву шоҳид кўрунуб ҳар тараф,
Кўзга ямон кўрмак ўлуб бартараф.
Ҳар сориқим нозир ўлуб ҳақ кўруб,
Қилгучини Фоили Мутлақ кўруб.

Навоий Баҳоуддин Нақшбанд, Абдураҳмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер сиймоларида маърифат нури қалбини порлатган инсонлар мисолини кўради. Унинг тасвирига кўра, фақирлик — бу ўта қашшоқлик ва гадойлик эмас. Сўфий мол-мулк эгаси бўлиши ҳам мумкин, аммо ҳамма гап ахлоқда: агар мол-мулкни ҳаёт мазмуни деб, шунга қўлдай сажда қилса, ҳирс қўйса, бахил, паст табиат бўлса, фақшу разолатга берилса, унда бу инсонийликни йўқотишдир. Лекин бойлиги бўла туриб, саховат йўлини тутса, уни илм олиш, маърифатли бўлишга сарфласа, умуман ишқни мулкни кўпайтиришга эмас, балки маънавий камолотга қўйса — бундай киши учун мол-мулк комиллигига халақит бермайди. Чунончи, Алишер Навоийнинг мана бу қитъасига эътибор беринг:

Солики озодани кўрсанг ганий, қилғай дебон
Мол анинг манъи сулуки, қилмағил инкор анга;
Кема тийри мол аро бўлмиш муқайяд демағил,
Кўрки, онча мол ўлурму монъи рафтор анга.

Яъни: тариқат йўлига кирган озод кишини бой деб таъна қилма, мол-мулки унга халақит беради деб ўйлама. Мол ортган кеманинг ўқи молга боғланиб қолади дема. Қарагин: шунча мол ортган бўлса ҳам кема суръат билан олдинга қараб бормоқда.

Бутина эмас, Навоий наздида мансаб эгаси бўлиб ёхуд ҳатто тахтда ўтириб қалбан дарвеш бўлиш мумкин (бунга шоир Искандарни мисол қилиб кўрсатади ва Ҳусайн Бойқарода ҳам шу хислат борлигини қайд этади), чунки софдил дарвешлар поклик ва ҳақгўйлик рамзи экан, улар инсон қалби тубида яшириниб турган илоҳий эътиқод ва ҳурриятнинг ифодачисидирлар ва шу боис ҳар бир одам уларни севиши ва уларга эргашиши мумкин. Шундай қилиб, Навоийда дарвешчилик ғояси таркидунёчилик ва зоҳидлик ғояси ҳам, ночор ва қашшоқ кишилар мафкураси ҳам эмас, балки ботиний маънавий юксалиш ғояси, яъни **КОМИЛ ИНСОН** маънавиятидир. Навоий **Комил инсон** ахлоқидан ибрат олишга даъват этади. Чин инсонийлик сари бориш йўли шу деб талқин этади.

Ҳўш, ҳар гал эҳтирос ва муҳаббат билан изчил тараннум этилган комил инсон ахлоқига нималар киради? Навоий назарида инсонни шарафловчи жамики фазилатларни бунга киритиш мумкин. Аммо булар орасида у имон, қаноат, саховат, илм-маърифат, вафо, ҳиммат, хоксорлик, адолат, адаб каби сифатларни ажратиб олиб, қарийб ҳамма асарларида қайта-қайта турли воқеалар тасвири муносабати билан таъкидлаб ўтган. Бу сифатлар наинки одамни улуғвор, фозил ва мўтабар этади, балки Илоҳга яқинлаштиради, илоҳий хислатларга мойил қилади, дейди улуғ мутафаккир.

Албатта бу ахлоқий талаблар Навоий даври мафкурасидан келиб чиқади, аниқроғи, асрлар давомида ишланган, қоидага киритилган, таълим-тарбияга сингдирилган ғоялардир. Бундан ташқари, Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ҳам ушбу ахлоқий фазилатларни кенг ёйишда катта рол ўйнади. Бироқ ҳамма гап шундаки, ушбу ахлоқий сифатлар фақат бир давр ёки замон билан чегараланадиган қадрият эмас, балки бемалол айтиш мумкинки, улар боқий қадриятлардир. Бу, қолаверса, фақат Шарқ учун муҳим бўлган десак хато бўлади, бутун дунё гуманист адиблари, мутафаккирлар бу каби инсоний сифатларни ҳимоя қилганлар, улуғлаганлар. Аммо Шарқда бу алоҳида аҳамият касб этган; ҳалим, адабли, мўмин, меҳрибон одамлар эъзозланган. Бунинг ўзи айни пайтда жамият руҳиятига, оила тутиш, тартиб-интизомни сақлаш, таълим-таҳсил ва ҳоказоларга таъсир этиб турган.

Шу ўринда қайд этмоқчимизки, шўролар даври адабиётшунослигида Навоий ва бошқа мумтоз шоирлар ижоди таҳлилида уларнинг шахс ахлоқига эътибор қилишлари «чекланганлик», «тушунмаслик» деб талқин қилинди. Яъни, Навоий алоҳида одамларнинг ахлоқини тузатиш, адолатли шоҳни мақташ билан жамият иллатларини бартараф этишга чақиради. Бу эса тўғри эмас, жамиятни яхшилаш, одамларни бахтиёр қилиш учун шахс ахлоқига эътибор қилмасдан, инқилоб йўли билан эксплуататор синфларни йўқ қилиш керак, дердилар коммунизм мафкурачилари. Улар назарида гўё синфий зиддият йўқ бўлса, ахлоқ ҳам тузалади, ҳамма шафқатли, меҳрибон, меҳнаткаш бўлади. К. Маркс, Ф. Энгельс шу нуқтаи назардан француз маърифатпарварларининг, Т. Мор, Р. Оуэн, Л. Фейербах кабиларни танқид қилиб, уларни хаёлпарастларга чиқарадилар.

Лекин бир асрлик дунё тарихи шуни кўрсатдики, маърифатпарварлар эмас, балки социалист инқилобчиларнинг ўзи адашган, уларнинг ғояси ҳаётдан узоқ ва хаёлий экан. Зеро на инқилоб, на пролетар диктатураси инсонни чинакам озод этмади, инсон ахлоқини тузатмади, аксинча, алдов, сохтакорлик, ҳирс ва фаҳш, ҳаромхўрлик баттар авж олди. Коммунизм доҳийлари инсон табиатини англамай, зўрликка зўрликни қарши қўйдилар ва бунинг оқибатида мудҳиш қирғинлар, қатағонларни юзага келтирдилар.

Шу учун шўролар мафкурасининг емирилиши ҳазрат Навоийнинг қарашлари айна ҳақиқат эканини исботлади: инсон ахлоқини тузатмасдан инсоният жамиятини яхшилаш мумкин эмас, бошқача айтганда, маънавий баркамол жамият маънавий баркамол инсонларнинг баҳамжиҳат, ҳамкор ва ҳамдаст бўлиб яшашидир. Шуниси ҳам борки, Навоий бой ва қамбағал, тоифа ва табақаларнинг бўлишини инкор этган эмас. Ҳазрати Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» асарида ҳамма аъзолари қаноатли дарвешлардан иборат жамият ҳақида боб бор. Бу дарвешлар шоҳлик ва бошқарувни инкор этадилар. Лекин Навоийнинг «Садди Искандарий» асарида бундай ғоя йўқ, бунинг ўрнига Навоий, юқорида айтганимиздай, дарвеш ахлоқини қабул қилган одил шоҳ бошқарувини тақдим этади. Яъни, жамият бўлгандан кейин унинг бошқаруви бўли-

ши керак. Бироқ, бошқарувчи ҳокимлар ўзларини раият хизматкори, раият «чўпони» деб ҳисоблаши, ҳамиша доно ҳокимлар, пок ниятли инсонлар билан бамаслаҳат иш юритиши лозим. Акс ҳолда раият билан подшо, подшо билан лашкар орасида зиддият келиб чиқади. Демак, Навоий давлат масалаларига, подшо лавозими ва аъёнларга муносабатда ҳам шахс сифатларини биринчи ўринга қўяди. Шу боис «Маҳбубул-қулуб»да жуда кўп тоифалар ҳақида ёзганда ҳам Навоий фалон тоифа яхши, фалон тоифа ёмон, фалон тоифа фалон тоифани эзиш ҳисобига яшамокда, деган фикр билдирмасдан, ҳар бир тоифа намояндаларининг ахлоқини таҳлил қилади, уларнинг бошқаларга наф ёки зарари, фазилат ёки нуқсонлари хусусида тўхталди ва айни касб эгасига хос ноҳўя, ғайри шаръий, зарарли ишларни танқид остига олади. Одил шоҳ, золим шоҳ; яхши вазир, ёмон вазир; инсоф-диёнатли қози ва порахўр, қонунбузар қози ва ҳоказо ҳақида гапирди. Бу тўғри ҳам, жамиятни қандай асосларга суяниб қайта қурманг, инсондаги эътиқод, имон ва инсоф бош кўрсаткич бўлиб қолаверади. Маънавий етуклик бўлмаса, қонун (Навоий даврида шарият) ҳам иш бермай қолади.

Алишер Навоий ижодида инсон турли томондан олиб тасвирланган, турли хил хислат ва хусусиятлар, амал ва ишлар кўздан кечирилади, яхши ва ёмон жиҳатлар қиёсланиб, инсонлар фаолиятининг бутун бир манзараси чизилиб, яхлит одамийлик концепцияси баён этилади. Бу концепциянинг ўзаги ислом ва тасаввуф ғоялари, шоирнинг юрагидан чуқур жой олган, унинг қалбига ИШҚ бўлиб, Мутлақ эзгулик бўлиб сингиб кетган инсонпарварлик ғояларидир.

Шоир тилга олган одамийлик хислатларининг бир нечтаси устида тўхтаб ўтсак.

ҚАНОАТ. Бу нақшбандия тариқатининг бош талаби. Яъни, агар кишида қаноат бўлмаса, бориға шукр этмаса, Аллоҳ берган ризққа кўнмаса, у тамагир бўлади, бошқалар молиға кўз олайтиради, натижада тўғри, ҳалол яшашдан чекинади. Тамаъ — бу қуллик, чунки бировдан доим бир нарса кутиб ўтирган одам ўз нафсининг қулиға айланади. Бундай одамдан наинки сўфийликни, балки росмана яхшиликни ҳам кутиш қийин. Тамаъ нафсни семир-

тирса, нафс ҳирсни кучайтиради, бу ўз навбатида ҳасад, кўролмаслик, ғаламисликни келтириб чиқаради. Шу учун Навоий:

Топса қаноат сари ҳар кимса йўл,
Шоҳ бу тақдир била ул бўлғай, ул, —

деб ёзар экан, қаноат кишига эрк-хуррият бағишлаши, бировга қарам бўлиш, бировнинг миннатини тортишдан халос этишини айтади. Қаноатли одам илм билан, маърифат билан шуғуллана олади, у дунё ва охиратни ўйлайди. Тамагир, ҳарис одамда илм билан шуғулланишга, маърифат эгаллашга вақт йўқ. У туну кун олтин ҳирсида яшайди. Яратган Парвардигори ҳам эсига тушмайди, демак, маънавий дунёси ҳам қашшоқ бўлиб, қалби қотади, тошбағир махлуққа айланади. Навоий бу мавзуни кенг олиб шуни таъкидлайдики, дунё ҳирсининг чегараси йўқ, дунёдан тўйиб бўлмайди, дунё шодлиги унинг ғам ва ташвишларига арзимайди. Агар дунёдан тўйганда эди, жаҳонгир Искандар тўйган бўларди — ер юзи ва сув остини ҳам эгаллади, аммо тўймади. Охири қўли бўм-бўш жаҳондан кетди. Шунинг учун қаноатни пеша қилган одам шайтоний нафс ҳирси, дунё тўплаш ишқидан қутулади ва маънавий жиҳатдан бойишга имкон топади. Одамда орзу-ҳавас, ишқ-шавқ бўлгани яхши. Аммо бу илмга, маърифатга ташналик кўринишида бўлса фойдали. Қаноатли одам шафқатли, жасур ва ҳимматбаланд бўлади, дейди Навоий.

САХОВАТ. Бу тушунча «карам», «футувват», «ҳиммат» тушунчалари билан маънодош.

«Ҳайратул-аброр» достонида «карам» ҳақида бир боб ажратилиб, кейин яна булут каби «нафърасонлар» тўғрисида бир алоҳида боб бағишланган. Шоир карам ҳақида кўпроқ саховатнинг қоидалари, туҳфа ва инъомларга ким муносиб, деган мавзу устида тўхталган бўлса, кейинги бобда жавонмардлик русумидан келиб чиқиб фикр билдиради.

Карам — Аллоҳнинг сифатларидан, шу боис карамли бўлиш, туҳфа, тортиқлар билан одамларни хушнуд қилиш яхши, бу инсонлик шарафи. Аммо, дейди Навоий, саховат ҳар қанча шарафли сифат бўлмасин, лекин ҳаддан ошса, исрофгарчиликдир.

Саховат ўз жойида, муҳтож-мустаҳиқ одамга қилиниши керак. Ғариб ва бенаво, бева-бечора, етимлар, қаров-

сиз қолган қариялар, толиби илм бўлганлар, хуллас, фақир ҳақир одамларга мол бериш ўрнига, «мубоҳат ва манманлик» юзасидан ҳовуч-ҳовуч дур сочиш бемаънилик ва тентакликдир. Ундан кўра бахил бўлган яхши.

От онга тортарки, юз йилқиси бор,
Сим анга берурки, юз илғиси¹ бор.

Бундай «туҳфа» саховат шартига кирмайди, балки у таманинг бошқа бир тури, яъни бойга марҳамат кўрсатиб ундан каттароқ туҳфа олиш илинжи, холос.

Саховатнинг иккинчи шарти шуки, тамагирлар, шилқим талончилар, дунё тўплаш ҳирсига тушганлар ҳам қарам қилишга лойиқ эмаслар. Шу каби талончилик, алдамчилик, фирибгарлик билан йиғилган мол-дунёдан садақа ва туҳфа қилиш ножоиз. Шундай одамлар ҳам борки, машаққат билан, юз қайғу билан ою йиллаб нарса йиғдилару, сўнгра уни беҳуда жойларга сарфлайдилар, бу худди юз азоб билан қудуқ қазиб, унинг тупроғини беркитиш учун яна бир қудуқ қазигандек гап. Саховат — мадраса, мачитлар қуриш, вайрона жойларни обод қилиш, умуман Худо йўлига иш қилишдир.

«Сахобдек нафърасонлар» бобида Навоий энди сахийликнинг ҳақиқий намунасини кўрсатувчи кишилар ҳақида ёзади. «Нафърасонлик» — бу фақат моддий ёрдам эмас, балки маънавий мадад бериш, яхши сўз, насиҳат билан ёмон йўлга кирган кишини яхши йўлга бошлаш, таълим-таҳсилга куч сарфлаб, хушхулқ, одобли шогирдлар тарбиялаш ҳамдир. Қалбларга ишқу муҳаббат, эзгулик уруғини сепиш ҳам саховатга киради. Баъзан бир яхши сўз юз ганждан фойдалироқ:

Ганж бериб бўлмас экин тутса кўз,
Улча қилур вақтида бир яхши сўз.

Саховат — мурувватнинг, шафқатнинг нишонаси. Сахий одам керилиш учун, миннат учун бу ишни қилмайди. Унинг табиати, кўнгли шунга мойил бўлгани учун шундай йўл тутади. Шу учун саховат талаб қилинмасдан амалга оширилиши ва кетидан миннат қилинмаслиги лозим. Навоийнинг машҳур фарди:

¹ Сим — кумуш пул, илғи — ҳазина.

Мурувват барча бермакдур, смак йўқ,
Футувват барча қилмакдур, демак йўқ.

Яъни: саховат фақат мол-мулк ошиб-тошиб ётганда, бировга ҳиммат қилиш эмас, балки борини баҳам кўриш. Минг қўйли бойнинг бир қўйини камбағалга ато этишидан кўра, суфрадаги битта нонини бошқалар билан бўлишиб еган дарвеш сахийроқ. Чунки бой савоб тамаъида инъом этган бўлса, дарвеш бутун вужуди билан сахий бўлгани учун шундай қилади. Бундайларни Навоий «сахийи жибиллий», яъни асл зотида саховати бор кишилар, одамийлар одамийси деб атайди:

Они башар хайлининг инсони бил,
Одамийлар одамийси они бил.

Бундай зотлар футувват аҳлидирлар, улар тасаввуфни ўз ҳаётларининг мазмунига айлантирган, яъни тасаввуф гоёларини ҳаётга татбиқ этувчилар эдилар. Уларнинг ҳар бири бир ҳунарни эгаллаган ёхуд бирор фойдали иш билан шуғулланар ва дўстлик, биродарликни, дўстга вафо қилишни олий бурч ҳисобларди. Дўст учун молини эмас, жонини фидо қилганлар шулар эдилар. Навоий буни «Сабъан сайёр» достонидаги Ахий (маъноси – дўст) образида бағоят жонли ва таъсирли қилиб тасвирлаган. Ахий бутун давлатини дўст йўлига сарфлайди ва хотинини ҳам синглим деб, дўстига никоҳлаб беради. Бироқ буни сезган Фаррух Ахий қашшоқлашиб унинг олдига келганида юз чандон қилиб қайтаради ва хотинини қайтариб, Ахийнинг ўзига никоҳлаб беради.

Жавонмардлар (футувват аҳли) ахлоқи Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат», «Фарҳод ва Ширин», «Садди Искандарий» номли асарларида Комил инсонларнинг асосий сифатлари сифатида кенг талқин этилган. Бу мардлик, жасорат ва фидойилик ахлоқидир. Энг олий ҳиммат ҳам, дейди Навоий, ўзликдан кечиб, ўзгаларга роҳат бағишлаш, ҳаётнинг давомийлигига кўмак беришдир. Бунинг мисоли ерга қадалган уруғки, ўзи йўқ бўлади, аммо ундан гул-чечаклар, дарахтлар униб чиқади. Ёки ипак қуртини олинг. У суръат билан меҳнат қилиб, ўзидан воз кечади ва ипакка айланади:

Лола тухмича рағбатинг йўқму,
Ипак қуртичалик ҳимматинг йўқму? —

деб савол беради шоир инсон зотига. Бу ерда ҳақ йўлида нафсидан кечиб, янги эзгу сифатлар касб этган одам ҳам назарда тутилган, албатта. Зеро, рағбат — бу ишқ, ҳаракат ва фаолият демак. Олам ўзаро интилишлар, эврилиш-ўзгаришлар, такомиллашишлардан иборат экан, инсон боласи ҳам ҳамиша такомилликка интилиши, бунинг учун ранжу машаққат чекса ҳам чидаши керак. Одам бир сифатдан кечиб, иккинчи сифатга ўтиши, яъни ҳайвоний сифатлардан кечиб, илоҳий сифатлар касб этиши мумкин. Шунда одамдан янги одам вужудга келади — «одамийлар одамийси» пайдо бўлади. Навоийнинг куйинишлари, олий мақсади ана шу.

Воқеан, Алишер Навоийнинг ўзи улуг саховатпеша инсон бўлганини биламиз. Ўнлаб олиму шоирлар, санъаткорларга ҳомийлик қилган, юзлаб кишиларга моддий ёрдам берган, қанчадан-қанча ноёб асарларнинг дунёга келишида илҳом ва куч бағишлаган, истеъдод соҳибларини қаноти остига олиб, тарбиялаган. Навоий яна кўплаб мадрасалар, мақбаралар, ҳаммом ва тегирмонлар, боғлар барпо этган. Умрининг охирида эса қолган барча мулкани маърифат масканларига вақф қилиб қолдиришни васият этди. Саховат шунча бўлар, ҳиммат шу қадардир ахир! У ўз ғояларини ўзи ҳаётга татбиқ этиб, тарихда энг улуг ҳомий номини олди.

МАЪРИФАТ. Шубҳасиз, Навоий тушунчаси бўйича маърифат аввало Илоҳ маърифатидир. Бироқ, ҳамма гап шундаки, Илоҳ маърифатини қозониш учун одам дунёни, демак, ўзини ўрганиши, билиши лозим. Шу маънода Навоий илм аҳли, олимларни ҳусни рағбат билан тавсиф этади, олимлар мақоми энг олий мақомлардандир, «кимки олимларга таъзим этса, у пайғамбарларга таъзим этгандек бўлади», деб ёзади. Инсон боласи биринчи галда илм билан фазилат ва камол топади. Аммо илмга шавқ — тақво ва покликка муҳаббатдан туғилади. Нечунким, илм, Аллоҳ неъматини, олим Аллоҳ берган шарафли насиба. Навоий илмни хунардан, касбдан фарқ қилишни тавсия этади. Илм — яшаш воситаси, касб (яъни, ҳозирги тил билан айтганда мутахассислик) эмас, балки фазилат топиш,

юксалиш воситаси. Билимга муҳаббат, билиш иштиёқи – камолот калити. Шу маънода, дейди шоир, улуғ олимлар ҳар кун тугилавермайди, битта олим юзага келиши учун неча замонлар айланади. Олим шундай бўлиши керакки:

Кўнгли уйин илм этибон бир жаҳон,
Қатрада ул навъки дарё ниҳон.

Бундай одам табиий илмлар, тарих, мантиқ, тиббиёт каби дунёвий илмлар, шариат илмлари соҳиби бўлади, бугина эмас, у «ибрию юнонию сурёнийни ҳам, ҳинди агар сўрса, они ҳам» биладиган заковатли кишидир. Шоир Шоҳ Фариб Мирзога қилган насихатларида жаҳон тарихи, илми нужум, илми тиб, адабиёт, шеърят илмини яхши ўзлаштиришни тавсия этади ва Мирзо Улуғбекни мисол қилиб кўрсатади. Мирзо Улуғбек – улуғ подшо, олам мислини кўрмаган султон, аммо унинг энг буюк иши бу илми нужум билан шуғулланиб, «Зижи Кўрагоний»ни яратгандир. «Қиёматга дегинча аҳли айём, ёзарлар ани аҳқомидан аҳқом», яъни жаҳон аҳли қиёматгача Улуғбек илмидан илм ўрганадилар, деб ёзади Навоий тўлқинланиб.

Ёки Фарҳодга эътибор қилсак. Фарҳод – ошиқ, Илоҳ ошиғи, ичи ва таши Ширин ишқи дарди билан ўртанган шахс. Бироқ Фарҳод – буюк истеъдод эгаси: сангтарошлик, меъморлик, илми ҳарб, тарихни, мусиқани ёшлигида жуда тез ўрганиб олади. Яъниким, илоҳий муҳаббат дунёвий илмларни эгаллаб, соҳибкамол бўлишга халақит бермайди, билъакс, бу икки хислат бир-бирига уйғун. Фарҳоднинг ишқ йўлидаги жасоратларида ёшлиқдан ўрганган илмлари кўмаклашади. Фарҳод рақиби Хисравда на дунёвий билим, на-да илоҳий қудрат бор.

Шу тариқа, Навоий дostonларининг қаҳрамонлари имон-эътиқоди мустаҳкам, илм-маърифати етук шахслардир. Навоий комил мусулмон, аммо бу унга исломгача бўлган тарихий воқеаларни ҳикоя этувчи «Тарихи мулки Ажам»ни ёзишга, бир қанча «ғайридин» халқларга тегишли афсоналардан фойдаланишга тўсқинлик қилмаган. Улуғ мутафаккир шоир инсоният тўплаган илмларни ўзи шавқ билан ўрганар экан, бошқаларга ҳам шуни лозим деб биллади. Маърифатни у мана шундай кенг олиб қарайди. Аммо Навоий шуни куйиниб ёзадики, «олам аро қаҳри илоҳий»

бўлган, пастлигидан «ит билан бир» деса бўладиган жоҳил кишилар мансаб эгаси, олимлар эса хору зор. Ана шундай жоҳиллар элга ҳукмрон, илм-маърифат аҳлига ҳам улар «раҳнамолик қилади», ақл ўргатади.

Навоий бунини ўз замонида ўз кўзи билан кўриб ёзаётгани аниқ. Бироқ, шоир шуни ҳам қайд этадики, бундай ҳолат дунё бошланишидан бери мавжуд, азал-азалдан «хордир — олиму, жоҳил — азиз», балки «разолатга кўтарилиш билик аҳлига ранж» тақдирнинг ўйини, жамият «қонунларидан»дир, зеро тиканаклар тоғ тепасида ўсади, хазина бўлса, тоғ остидан жой олган, деб ёзади аламли оҳангда шоир. Навоийнинг ушбу хулосаси ҳам фақат «феодал давр» хусусияти эмаслиги аниқ кўриниб турибди. Инсоният илм аҳли, истеъдод аҳли тафаккурдан баҳра олиб ривожланади, бироқ ақлу заковат, билим ҳамма вақт ҳам қадр топмайди.

Иккинчи томондан, Навоий мана бу байтни ҳам ёзади:

Илми ким воситан жоҳ этар,
Ўзинию халқини гумроҳ этар.

Бу фикр билан юқоридаги фикрлар ўзаро зид эмасми? Ахир илмсизлар, жоҳилларнинг мансабдор бўлишини шоир ёқтирмайди, демак, у мансабда олимларни кўрмоқчи эмасми, унда нега илми мансабга кўтарилиш воситасига айлантирган одам гумроҳ? Ўзигина эмас, халқни ҳам гумроҳ этади, дейди?

Бунга жавоб бериб айтиш мумкинки, биринчидан, Навоий илм аҳлининг мансабдор бўлишига қарши эмас, балки илмнинг қадрини мансаб билан белгиламаслик, илми инсон шарафи бўлгани учун қадрлаш тарафдори. Иккинчидан, келтирилган байтда илми ҳақиқатни барқарор этиш, яхши ва адолатли ишларга сарфламасдан, балки мансабпарастлик ва бойиш воситасига айлантиришга шоир қарши, яъни илми порахўрлик, жабрзулм, талончиликка сарфлаш гумроҳлик ва ҳамоқатдир. Бунини Навоий шоҳ девонидаги балохўр, девсифат мирза ва котиблар, вазир ва амирлар мисолида кўрсатиб беради. Улар тўғрини бир қалам уриш билан нотўғрига чиқарадилар, улар нотўғри ҳужжатни «тўғри» деб ислоҳ этадилар. Мана шунақа қарор фармонлар тайёрлаб,

минглаб кишиларнинг мол-мулкини ўзлаштириб оладилар. Бундай амалдор ва котибларнинг қалами «улусни ўрташга ўтун»дир, бу ўтдан бенаво халқнинг охи тутуни кўкка ўрлайди. Улар султонни ҳам алдайдилар:

Гофил ул ишдин шаҳи давлатпаноҳ,
Давлати аркони бўлуб ришвахоҳ.

Яъни, аркони давлат – вазир, амир ва ҳокимлар порахўр бўлиб, мамлакатни ғарот этсалар, бу нафақат косибу деҳқонга зулм, балки султонга ҳам зулмдир. Чунки халқ бу ситамлардан шоҳ беҳабарлигини билмайди ва шоҳ шундай сиёсат юргизмоқда, деб норози бўлади. Натижада давлат асосларига путур этади, мамлакат ҳалокат ёқасига келиб қолади. Навоий шу даражада нозик кузатишлар қиладики, нопок амалдорларнинг ҳийла-найранги, юриш-туришигача чизиб беради. Улар, дейди шоир, шоҳдан яширин ўзаро келишиб, кентлар, ерларни, иморатларни сотадилар, бунга сохта ҳужжатлар тайёрлайдилар, «сархат этиб бирга бешу ўн рақам», яъни бирни ўн баробар қилиб қўшиб ёзадилар, кейин бунинг ҳиссасини чиқариш учун «раият уза товон» соладилар. Мана шу маънода илмни мансаб учун сарфлаш гумроҳлик ва гуноҳи азимдир. Ҳақиқий олим илмини ҳамма нарсадан устун қўяди, ҳақ илмини ноҳақликка сарфламайди.

АДОЛАТ. Адолат ғояси Навоийнинг жуда кўп асарларида турли тарзда ифодаланган. «Ҳайратул-аброр», «Садди Искандарий», «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр» дostonларининг, «Маҳбубул-қулуб» асарининг бош ғояси адолатдир. Яна шуни айтиш керакки, Навоийда инсондаги жуда кўп ижобий хислатлар, чунончи садоқат, вафо ҳаё, ҳилм, саховат кабилар ҳам адолат билан боғлаб тушунтирилади. Зеро, кишида адолат туйғуси бўлмаса, унда бошқа сифатлар ҳам бўлмайди. Адолат туйғуси эса Аллоҳ қалбга солган иноятдир. Чунки одиллик Аллоҳнинг сифатларидан. Олий даражадаги мутлақ адолат ҳам Аллоҳ адолатидир, зеро Аллоҳ барчага баробар. Шундан келиб чиқиб, ҳазрат Навоий ҳам сўфиёна адолатни намуна қилиб кўрсатади; сўфийлар фикрига кўра, мутлақ одил бўлиш учун киши батамом ўз манфаатидан воз кечиши лозим. Ўзим деган, бола-чақа, қариндош-

уруғини ўйлаган, дунёни ўйлаган одам мутлақ одил бўлолмайди, у кимнингдир тарафини олади, тенглик қила олмайди. Шу маънода Навоий ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида ёзар экан, дейди:

Ҳақ сўзини элга қилурда адо,
Тенг кўрунуб олида шоҳу гадо.

Баҳоуддин Нақшбанд «бандалик хожаликка тўғри келмайди» деб дастёр ва хизматкор тутмадилар, иложи бори-ча ҳаммага баробар бўлдилар. Навоий эса «Ҳайратул-аброр»даги шоҳларга багишланган бобларда бундай ёзади:

Бил буниким, сен доғи бир бандасен,
Кўпрагидин ожизу афгандасен.
Эрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилқат аларғау сенга — тийра хок.

Яъни, шоҳми, гадоми — барчамиз Худонинг бандасимиз, барчамизнинг вужудимиз шу қора тупроқдан ҳосил бўлган. Бу ўрта асрлар қаърида, ҳали қулдорлар, ўзларини Худонинг ердаги сояси деб билган зилли султонлар дағдага билан ҳукм сураётган замонда янграган улуғ гуманистик ғоя, демократия тушунчаси шаклланмасдан хийла олдин айтилган жасоратли фикр эди. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, демократия тушунчаси русумга кирган, ҳуқуқий давлат қуриш учун кураш кетаётган бизнинг замонда ҳам Навоийнинг ушбу қарашлари ҳали-ҳануз долзарб ва аҳамиятли.

Навоий тафаккурининг сатҳи кенглиги шундаки, у мана шу олий нуқтадаги фикрларни қайд этиш билан чегараланмайди, Навоий конкрет ҳаётга қайтади, кўрган, кузатган жамиятини таҳлил этиб, тариқат билан бирга шариятни ҳам қамраб олиб, Пайғамбар ҳадисларида айтилган адолат тўғрисидаги фикрларни ўз шеърийати мағзига сингдиради. Натижада Навоийда адолат ҳақида бутун бир концептуал фикрлар тизими шаклланган. Булар қуйидагилардан иборат: 1) адолат тоат-ибодатдан устун; 2) кофир одил подшо мусулмон золим подшодан афзал; 3) одиллик — бу яхшига, мазлумга ҳамият, ҳимоя, ёмонга жабрдир; 4) шоҳ боғбон, раият боғ ёки шоҳ чўпон, раият гала, яъни шоҳ раият осойишталигининг посбони, ҳар бир фуқаро ҳаёти учун у Ҳақ олдида жавобгар; 5) шунинг учун шоҳ Ҳақдан кўрқмаса, у одил бўлолмайди, ўлимини ўйла-

маган подшо золимдир («Хусрави беоқибат хусри билоду кишвар аст» — оқибатни, охиратни ўйламайдиган подшо мамлакат учун фалокатдир, дейди Навоий); 6) зулмга қарши зулм бўлиши шарт, яъни золимга раҳм қилиб бўлмайди, золимга раҳм қилиш — мазлумга жабр қилиш демак; 7) халқ рози — Ҳақ рози. Подшо шундай сиёсат юргизиши керакки, ундан эл-улус, халқ рози бўлсин, халқ розилиги Ҳақ розилиги билан тенгдир. Навоий дейдики, Ҳақнинг амри кўп (рўза, намоз, ҳаж ва бошқалар), аммо подшо учун эса хайрли амр бу раиятпарварликдир:

Гарчики Ҳақ амри фаровон эрур,
Борчаси бир ён, бу бир ён эрур.

Шу боис «бир соат адолат қилиш — олтмиш соат ибодатдан савоби баланд» (ҳадиси шариф). Шу боис Нуширавон гарчи мусулмон эмас эди, аммо одил подшо бўлганидан дўзахга тушмади, деб хабар бердилар Расули акрам (С. А. В). Нуширавоннинг одил ишларидан бири Маздак ва унинг тарафдорларини йўқ қилгани бўлди.

Маълумки, Маздак (6-аср) бойларнинг мол-мулкани тортиб олиб, камбағалларга бўлиб бериш ғоясини кўтариб чиққан ва бунга шоҳ Ғубодни кўндирган эди. Аммо бу мамлакатда эгасизлик, тартибсизликни вужудга келтирди, аъёнлар норози бўлиб, Ғубод ўрнига ўғли Нуширавонни подшо қилиб кўтардилар.

Навоий «Тарихи мулки Ажам» асарида Маздакни «авбош, каллакесарларга бош» бўлган лаъин (лаънатланган) деб тилга олади: «Ва Маздаки лаъин Ғубод замонида пайдо бўлиб, нубувват (пайғамбарлик) даъвосини ошкор қилди ва элни бир-бирининг моли ва аёлига шерикликга рухсат берди. Бу жиҳатдан авбош ва арзол (разиллар) йиғилиб, ғавғо қилдилар. Ва анинг атбои (тарафдорлари) кўп бўлди ва Ғубодни дағи фиреб ва фусун била ўз миллатига (маслағига) киюрди». Демак, Маздак тарихда биринчи марта «социалистик инқилобни» амалга оширган, десак бўлади. Аммо Навоий ва бошқа Шарқ мутафаккирлари назарида бу адолатсизлик. Хусусий мулк — муқаддас, бировнинг мол-мулкани тортиб олиш — талончилик. Адолат — бировнинг мулкани тортиб олиб, мулки йўқларга беришда эмас, балки мулкдан ҳамманинг баҳрамандлигини таъминлашда, мулкни зарур ва савобли ишларга

сарфлашда. Навоий ғоясини шу тарзда талқин қилсак, Нуширавоннинг одиллиги нимада эканлигини англаймиз. Навоий шу муносабат билан яна бир ривоятни келтиради: Нуширавон аъёнлари билан овга чиқади. Қўлга тушган овни пишириб емоқчи бўладилар. Шунда Нуширавон бир хизматкорини яқин қишлоққа туз олиб келишга юборади ва унга тузни албатта пулини бериб олгин, деб тайинлайди. Шунда артофдагилар: юрт ўзингники бўлса, арзимаган тузни сотиб олиш шартми, дейдилар. Нуширавон бундай жавоб беради: агар мен тузни текинга олсам, аскарларим қишлоқ товукларини талаб кетадилар, зулм аввалида озгина эди, кейин унга илова қиладилар ва кўпайиб кетади ва султон халқ молидан қўл тортсагина, унинг амалдорлари бунга қўл уришга ботина олмадилар. Ана шунинг оқибатида Нуширавон замонида «адл жўйборидин мулк боғида фароғат ашжори (ниҳоллари) шодоб бўлди ва инсофи тарбиятидин амният боғинда фароғат гуллари очилди ва осойиш мевалари етилди».

Шу жиҳатдан «Ҳайратул-аброр»да келтирилган мана бу ҳикоя ҳам ибратли. Бир кампирнинг ўғли Ҳусайн Бойқаро тахт учун талош қилиб юрган йиллари бир жангда ҳалок бўлади. Ҳусайн Бойқаро тахтга чиққач, кампир ўглининг хунини даъво қилиб, султонни қозихонага чақиради. Бу ҳақда султонга хабар берадилар. Султон рози бўлади ва қозихонага боради. Қози кампирнинг даъвосини эшитиб, иккита гувоҳ келтир, дейди. Кампир гувоҳларни ҳозир қилади ва даъвосини исботлайди. Қози кампир фойдасига ҳукм чиқаради. Шунда Ҳусайн Бойқаро ўрнидан туриб, кампирга юзланиб, мен шарият ҳукмига бўйсунман. Мана бу қилич, мана бу халтада олтин, хоҳласанг, ўглинг хун баҳоси учун олтинни ол, хоҳласанг, шу қилич билан бошимни кес, дейди. Кампир султоннинг мардлигини кўриб, «Сендай одил шоҳга ўғлимнинг ҳам, ўз жоним ҳам фидо бўлсин», деб, ҳеч нарса олмай даъвосидан кечади.

Бу ҳикоят кўп фикрларни кўзғатадиган, бағоят таъсирчандир. Аввало шуки, Ҳусайн Бойқаро бу ҳаракати билан Нуширавон каби қонун ҳаммадан устун эканлигини исботлаган ва ўзи бунга бўйсунган.

Иккинчидан, Навоий қонун ҳаммага – шоҳга ҳам, бева кампирга ҳам бирдай тегишли эканини уқтирган.

Ва учинчидан, бу султоннинг адолатпешалиги нишонаси эди. Адолат бўлмаса, қонун ҳам амал қилмайди, қонун одил киши қўлида улуг бир қурол, золим қўлида эса ўйинчоқ, деган фикр баён этилган.

Шу билан бирга, Навоий шоҳнинг одил бўлишини ҳаммага баб-баробар раҳм-шафқат қилиш, кўнгилчанлик ва ожизлик қилиш деб тушунмайди. Шоҳ қаҳрли, сиёсатли бўлиши ҳам керак. Ҳукмронлик — бу зўрлик демак. Бусиз ҳокимият ҳам, давлат ҳам бўлмайди. Шоҳ сиёсатидан каззобу ўғрилар, золим ва бадкирдорлар доим кўрқувда турса, зулм қўли кесилса, жазоланса, шундагина инсофу адолатга йўл очилади, жабр кўрганлар эркин нафас олади. Шу маънода кўрқув ва умид (хавфу ражо) принципини давлат бошқарувида муҳим аҳамиятга эга деб билади:

Бўлса керак фикр ила шоҳи замон —
Яхшига яхшию ямонга ямон.
Иккисидин бир киби олса ҳисоб —
Мамлакати ичра тушар инқилоб.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, ҳазрат Навоий адолат, инсофни фақат подшолардан талаб қилган эмас. Адолат вазирнинг ҳам, амирнинг ҳам, ҳоким ва қозию муфтийлар, хуллас ҳамманинг яшаш мезони, ахлоқ гавҳарига айланиши керак. Агар жамият ростлик ва ҳалоллик асосида ривожлансин десак, унда ҳар бир фуқародан бунини талаб қилиш жоиз. Навоий «Маҳбубул-қулуб»да савдогарлар, бозор олибсотарлари, косиблар ва ҳоказо кишилар ҳақида гапирди. Уларнинг хулқ-атвори, салбий ва ижобий сифатлари, нафъу зарарини таъриф этиб, бозордаги фирромликлар, фириб ва найрангларни, тарозидан уришми, ёмон молни осмонга кўтариб мақтаб харидорни алдашми, ҳаммасини қаттиқ танбеҳ билан савалаб ўтади.

Навоийнинг қайси асарини ўқимайлик, қайси мавзудаги фикрини олмайлик, улар замонлар оша таровати ва аҳамиятини йўқотмаганини кўраемиз. Аксинча, бу гоёлар ҳозир ҳам дардимизга малҳам, юрагимизга қувват бағишлайди, маънавий дунёимизни чароғон қилади. Навоий комил инсон учун қайғуриб, комиллик ишқида ёнар экан, дарвеш ва подшо қиёси орқали Маънавият ва Салтанат тушунчаларни бўрттириб, кенгайтириб талқин этади. Бу икки тушунча Шарқ фалсафасида ўзаро келишмайдиган

ўлчамлар деб қаралган. Аммо Навоий назарида булар ўзаро келишиб, бири иккинчисига мададкор бўлмоғи даркор. Худди илоҳийлик ва моддийлик, дунё ва охират бир-бирига боғлиқ бўлганидай, маънавият ва салтанат ўзаро вобаста. Салтанат маънавият томон юрса, бойийди, мустаҳкамланади, халққа яқинлашади. Маънавият ҳам салтанатга юз ўгирса, жамиятни, алоҳида шахсни деб бу ишга боради. Маънавий тарбия оддий фуқарога ҳам, юрт бошлиғига ҳам зарур.

Алишер Навоий – буюк шоир, биз унинг ғоялари устида тўхтадик. Аммо унинг шеърятининг ўзи барча нафосати, гўзаллиги билан қалбларга ҳузур бағишлайди. Ундаги олий уйғунлик, олий санъаткорлик, олий туйғулар, қайноқ муҳаббат (Аллоҳга, пайғамбарга, пирга, гўзал инсонга, яхшилиққа муҳаббатнинг ажабтовур уйғунлиги) руҳий ором ва маънавий юксалиш манбаидир. Шоирнинг ҳар бир байти – бир мўъжиза, ҳайрат намунаси. Разм солинг:

Улки улус қатлига жаллод эрур,
Ўғлини ўлтирса, дағи шод эрур.

Қотил кишининг ички дунёси қандай аниқлик билан очилган! Ҳозирги мутаассиб ақидапарастлар ҳам айнан шундай! Улар ўз нопок ниятлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмаяптилар. Бу инсонийлик қиёфасини, илоҳий сифатларни йўқотишдир. Ҳазрат Навоий эса биз авлодларга қарата дейди:

Қила олгунча ул бўлсин шиоринг,
Ки яхши от қолғай ёдгоринг.

Алишер Навоий асарларини тушуниш ва тушунтириб тарғиб этиш ҳозирги замоннинг муҳим юмушларидан биридир. Бу бизнинг авлодлар олдидаги бурчимиздир. Навоийга яқинлашиб бориш учун уни севиш, мутолаа қилиш, тил ўрганиш, луғат титкилаш, тадқиқотларни кўпайтириш, янги мукамал изоҳли луғатлар, табдилиий-шарҳли нашрларни кўпайтириш лозим.

Навоий маънавиятимиз уммони. Ундан қанча қониб ичсак, шунча юксаламиз.

ТАСАВВУФ ВА БАДИЙ ИЖОД

Тасаввуфнинг Шарқда кенг тарқалишига боис унинг араб, форс ва туркий тилларда буюк бир шеърятни вужудга келтиришидир. VIII — IX асрларда Робия Адавия, Мансур Ҳаллож сингари улуғ сўфийлар ижоди билан бошланган сўфиёна ашъор XII асрларга келиб улкан бир адабиётга айланди, ўзига хос образлар, тимсоллар олами, алоҳида рамзлар, услуб ва усуллар шаклланди. Олимлар тасаввуфнинг адабиёт билан яқинлашиш сабабларини кўпроқ сўфийларнинг рақсу самоъ мажлислари билан боғлайдилар. Бироқ, айтиш керакки, сабаб фақат шундан иборат эмас. Тўғри, тасаввуф шайхлари муридларига таъсир этиш учун рубоий, ғазал каби кичик шеърый жанрлардан фойдаланганлар. Баъзан ўзлари сўфиёна ғояларга мос асарлар ижод қилиб, аксар ҳолда эса халқ орасида юрган оғзаки ижод намуналари ва машҳур шоирларнинг шеърларидан фойдаланиб, суҳбатларини қизитганлар, сўзларга янги маъно бериб, сўфиёна ғоялар руҳида талқин ва тафсир қилиб, эшитувчиларни ҳаяжонга солганлар. Бу — масаланинг бир томони, яъни тасаввуфнинг адабиётга интилиши. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Гап шундаки, адабиёт ҳам тасаввуф томонга қараб интилган. Тасаввуф ғоялари кенг тарқалгандан кейин у гуманист шоирларнинг қалбини ром этди. Тасаввуфнинг пок илоҳий ишқ ҳақидаги, ҳақ ва ҳақиқат, нажиб инсоний хислатлар, камолот касб этиш ҳақидаги ғоялари шеърят ғояларига айланди — шоирлар қизғин бир руҳ, кўнгил амри билан ирфоний ғояларни куйладилар, ҳисобсиз лирик шеърлар, жаҳонга машҳур дostonлар, қиссалар яратилди. Тасаввуфнинг беҳудлик ва ишқ концепцияси, софлик, адолат ва ҳақиқат тимсоли — Мутлақ Илоҳга муҳаббат завқи ижод аҳлига қаттиқ таъсир этди. Инсоният гами билан қалби дардга тўлган исёнкор руҳдаги шоирларни бир оҳанрабодай ўзига тортиб ўртанишли, ҳис-ҳаяжонга сероб ажойиб шеърятни вужудга келтирди. Бу шеърятнинг марказий қаҳрамони — ринди бебок, Мансур Ҳаллож эътиқодига имон келтирган, ўзини баркамоллик чўққисиди кўрган, руҳан озод киши эди. Унинг завқи, изтироб-кечинмалари, хаёлий романтик оламга интилиши махсус

ифодалар ва кўп маъноли рамзий иборалар билан тасвирланадиган бўлди.

Сўфиёна адабиётнинг тасвир мавзуи (объекти) тариқат йўли билан покланаётган ва тинмай комиллик сари тараққий этаётган Инсон бўлгани учун ана шу солиқ — йўловчи Инсоннинг дунёқараши, эстетикаси, кечинмалар олами муҳим аҳамият касб этиб келган. Тасаввуфий адабиётнинг барча кўринишлари, жанрларида ана шу солиқ Инсоннинг туйғулари, тушунчаси тасвирга олинади, уни тарбиялаш, унга Ҳақни ва ўзлигини тушунтириш, турли ривоят ва ҳикоятлар келтириш, ўғит-насиҳатлар қилиш билан унинг онги ва қалбига йўл топиш бош масала қилиб олинади.

Тасаввуф ўзи буюк бир романтик оламдир. Оламни мутлақ Парвардигорнинг ижоди деб қараш, дунёни Илоҳнинг кўзгуси деб тушунтириш ва барча гўзалликлар, қудратни Илоҳдан деб ҳисоблаш, Борлиқни романтик рангларда, шоирона ҳаёлий сурат — тимсоллар тарзида, илоҳий нурнинг порлашидан доимий ҳаракатда ва ижодда деб тасаввур этиш — ўзи бир Буюк Поэзиядир. Жами гўзалликлар, яхшиликлар, эзгуликлар манбаи мутлақ Илоҳ. Қудрат ва куч, ҳаракат ва фаолият ҳам Ундан. Дунёдаги жами ҳусну жамол — Унинг жамолининг акси. Инсон гўзаллиги Унинг жамолининг жилваси, бу Жамол оламда қанча кўп жило этган бўлса, у шунча гўзал бўла олади. Инсон руҳининг гўзалликка, нафосатга ташналиги Илоҳ гўзаллигига ташналик оқибатидир. Ва яна бунинг ичида моддий гўзаллик ва маънавий гўзаллик, ғоя ва фикр гўзаллиги ҳам ажралиб, эътиборга олинади. Хуллас, гўзалликдан мақсад тафаккур гўзаллиги, маънавий гўзалликни англамоқ, олий жавҳар — Руҳий азалига монанд нарсаларнинг гўзаллигини қабул қилмоқдир...

Гўзаллик идеали, қудрат идеали, поклик идеали, абадийлик идеали — жами идеаллар идеали Унинг Ўзи. Файрат ҳам Ўшандан, қудрат ва шижоат ҳам, ҳаёт нафосати ҳам Ундан. Жонли ва жонсиз ҳар бир нарсада, ҳаётнинг ўзида Илоҳ қудратини мушоҳада этиш, Унинг гўзаллигидан ҳайратланиб, жўшиб, олам-олам завқ олиш, Илоҳни ёри азиз, дўст деб билиш, Унга суюниш, рози дил айтиш — мана сўфий шоирнинг эстетик дунёси, ҳаёт мазмуни!

Кўринадики, сўфийларда реал моддий дунё гўзаллиги инкор этилмайди (гарчи дунё ва унинг бойлигига бўлган салбий муносабат сезилиб турса-да), балки реал моддий дунё ўз-ўзича қимматли эмас деб қаралади. Қадрият ва арзирли нарса, сўфий назарида, бу — руҳ билан, Илоҳ билан боғлиқ нарсадир. Ҳаёт ҳам руҳнинг фаолиятидан иборат. Руҳсизлик — хунуклик, ўткинчилик, фонийлик. Ҳар қандай ўткинчи нарса қимматга молик эмас, жумладан дунё ҳам. Абадий нарса руҳдир ва шу сабаб у қимматлидир, гўзалдир.

Тасаввуф ва бадиий ижод деганда фақат сўз санъатини назарда тутмаймиз. Тасаввуф ўз мусиқаси, тасвирий санъати, рақс санъатини ҳам яратди ва ҳатто сўфиёна театрлар пайдо бўлди. Биргина самоънинг ўзида ҳам шеъринг, ҳам рақс, ҳам кўшиқ, мусиқа иштирок этади. Кўпгина самоъ мажлислари театрлашган томошага айланар эди, фақат сўфийларнинг ўзи эмас, атроф-жавонибдаги кишилар ҳам бу томошаларни йиғилишиб кўрганлар. Масалан, «Нафаҳотул-унс» асарида Шайх Абусаид Абулхайр мажлисларига ҳатто хотинлар келиб, томларга чиқиб томоша қилгани ёзилади.

Тасаввуф билан бадиий ижод орасидаги яқинликни сўфийлар ва ижодкорларнинг руҳан яқинлигидан ҳам изласа бўлади. Чунончи, тасаввуфдаги «жазба» тушунчасини олиб кўрайлик. «Жазба» — бу ишқ, илоҳий жунун. Киши қалбида Аллоҳни билиш муҳаббати, Унга етишиш завқи шу қадар кучли бўладики, у ўзини тўхтатиб туролмайди. Ҳамма нарсани унутиб, Маҳбуб жамолига талпинади. Бу — улуғ ва мукаррам бир Дарддир. Ана шу дард — жазба тушунчаси дарвешлик билан шоирликни, кенг маънода эса, тасаввуф билан ижод хусусиятларини бир-бирига яқинлаштиради. Яъниким, дарвешлик истеъдоди, ғайри табиий хислатга молик бўлиш шоирларга ҳам хосдир демоқчимиз.

Туғма истеъдодли ҳар бир шоир қалбида ориф инсоннинг эътиқоди, пок ниятининг шамъи ёқиб ва ҳар бир илоҳсевар, риёсиз ҳақиқий дарвешнинг юраги шоирона ҳаяжон, илҳому ваҳийлик эҳтироси билан ҳаракатда. Ориф дарвеш пайғамбарона руҳи билан Хайр ва Эзгуликни элга тухфа этса, шоир буни тоза туйғулар, ота-

шин сўз кучи билан амалга оширади. «Ҳақиқий диндор шоир сўфий бўлиши керак», деб ёзган эди тариқат аҳли ҳаётини ўрганган араб олими Ал-Жоҳиз (вафоти 869 й.). Бунинг баробарида машҳур шайхларнинг аксари ажойиб рубоий ва ғазаллар ёзгани, шеърини девонлар мерос қолдиргани ҳам тарихдан маълум. Алишер Навоийнинг фикрича, шоирда дарвешлик хислати бўлмаса, унинг истеъдоди улуг мақсадга хизмат қилолмайди, шу учундир балки, шоирлик ва дарвешлик истеъдодини мужассам этган кишиларнинг кўпини у «Мажолисун-нафоис» асарига келтириб, махсус таъкидлаб ўтган. Унинг ёзишича, ҳар бир зиёли зоҳирини илмлар (дунёвий фанлар) билан бирга, ботиний илм (тасаввуф)ни эгаллаши лозим, бу унинг фазлу камолини оширади, хушахлоқ, ҳалим ва одамшаванда бўлишга кўмаклашади. Буни у Паҳлавон Муҳаммад, Саййид Ҳасан, Мавлоно Муқимий, Малона Буружий, Хожа Юсуф Бурҳон, Хожа Ҳазар Хизршоҳ ва бошқа бир қанча дарвешваш фақир одамлар мисолида кўрсатиб ўтган. Бу одамлар сўфийлик билан ном чиқарган бўлсалар-да, аммо яхшигина таълари ҳам бўлган. Чунончи, Хожа Юсуф Бурҳон «фақир ва фано тариқида сулук қилур эрди... жамики аҳли туруқнинг (тариқатнинг — Н.К.) соҳибтариқи эрди ва мусиқий илмни ҳам яхши билур эрди». Қосим Анвор бўлса, «рутбаси шоирлик ғоясидан юқорироқ», яъни валилар зумрасига мансуб, айни шу хусусият унинг «равишини пок ва ашъорини оташнок» этган. «Ер фариштаси» деб эъзозланган Абулвафо Хоразмий «кибор авлиёдандур», шу билан бирга у тасаввуфга оид китоб таълиф этган, ажойиб куйлар чалган, рубоийлар ёзган. «Турк ва форс орасида» фақру фанода тенгсиз Саййид Ҳасан ҳақида: «Тасаввуфда таъби хуб эрди», деб ёзади Навоий. У Хўжа Ҳофиз, Хусрав Деҳлавий, Лутфий ва Навоийнинг ўзининг ашъоридан юзлаб байтларни ёд билган, нозик ва латиф табиатли киши бўлгани, кўнгли юмшоқлигидан «дардмандона сўздин ва назмдин ва нағмадан мутаассир» бўлиб, атрофдагиларни ҳаяжонга келтирган. Алишер Навоий сўфий қалби билан шоир қалбининг бир-бирига йўлдош ва ҳамроз эканини кўп кузатган, сўфийларнинг табиати, ботиний дунёси шеър у нағма, куй-мусиқага ташналигини кўрган. «Басо

аҳдulloҳким, арғунун унидин дайрға кирди ва дину ислом нақдин муғбачаларға бой берди», дея хулосалайди у кузатишларини «Маҳбубул-қулуб» асариди. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ шекилли, чунки тариқат ўз ақидалари билан руҳ илми эканлиги жиҳатидан ижод психологиясига яқиндир. Сўфийнинг қолга кириш лаҳзасини ижодкорлардаги «илҳом ташриф буюриши» ҳодисаси билан тенглаштира бўлади. Сўфиёна завқу сурур, важду самоъ ижод аҳлининг илҳомли дамлари, яратиш завқи қайнаб тошган даврига ўхшаб кетади. Дарҳақиқат, ижод завқи ва сўфиёна завқ инсон руҳий ҳолати нуқтаи назаридан бир хил нарса. Бежиз эмаски, тариқатда ижодга мойил, қалбида илоҳий ишқ жўш урганлар кўпроқ муваффақият қозонганлар. Шоирлик истеъдоди бор бўлган солиқларда бу дард шеър бўлиб қуйилиб келган – ҳақиқий каромат юз берган. Жалолиддин Румийнинг ҳаётини эсланг: у тариқат сулукини бекаму кўст бажарган бўлсада, лекин то Шамс Табризий билан учрашиб, суҳбат қурмагунга қадар шеър ёзмаган, ҳолбуки, унинг ёши қирққа яқинлашган эди. Шамс Табризий таъсирида унинг қалб кўзи очилиб, буюк шоир ва буюк сўфийга айланди. Ясавий, Аттор, Машраб ҳам аслида жазба теккан, яъни илоҳий «девоналик»дан бонасиб одамлар эдилар. Уларнинг ғайриодатий, мажнунона хулқ-атвори атрофдагиларни ҳайратга соларди (Машрабнинг «Девона» лақабини олгани шундан), бунинг устига улар пирга қўл бериб, руҳий чиниқиш азиятларидан ҳам хабардор эдилар.

Яна бир ҳодисани таъкидлаб ўтмоқчимиз: тасаввуфни соф назариётчи олим ва шайхлардан кўра шоирлар чуқурроқ идрок этганлар, улар маърифат асрори, «илмул ғайб»нинг мушоҳада ва мукошифасида мўъжизалар кўрсатганлар. Эътибор қилинг, ваҳдатул вужуд таълимотининг асосчиси шайх Ибн Арабий яхши шоир ҳам эди, у «Фусусул-ҳакам» («Ҳикмат гавҳарлари») ва «Футуҳотул Маккия» («Макканинг очилиши») номли машҳур асарларининг кўп қисмини шеър билан битган, яъни ўз назарий фикрларини фалсафий истилоҳлар орқали тушунтиришга қийналиб қолганда асосий муддаони шеър сатрлар ёрдамида изҳор этган. Робия Адавия, Мансур Ҳаллож, Абдулло Ансорий, Абусаид Абулхайр, Паҳ-

лавон Маҳмуд ҳам шу усулдан фойдаланганлар. Хайём, Румий, Жомий, Бедил, Иқбол тасаввуфнинг жуда кўп нозик назарий масалаларини жаҳоншумул шеърӣ асарлар воситасида шарҳу баён этганини яхши биламиз. Чунки тасаввуф ғояларини ақлий-назарий мушоҳададан кўра ҳиссий-образли тафаккур билан тушунтириш осон. Воқеан, тасаввуф ақл билан дунёни билиш мумкинлиги, мантиқий тафаккурни тан олмайди, унинг асосий қуроли — савқи табиӣ, яъни интуиция. Маърифат кўнгилга нур бўлиб қуйилади, дейди аҳли дил. Шунга ўхшаш шоирлик ҳам ғайбдан келадиган неъмат, покиза қалб илҳомидан туғиладиган кўнгил каломи. Токи дил илоҳий дардан ғулғулага келмаса, ноқисликдан ларзага тушиб исён қилмаса, илоҳий лисон — шеър туғилмайди. Хўжа Ҳофиз бир ғазалида: «Мен шеър тўқимайман, мен Илоҳнинг тили бўлиб қуйлайман» деганда шу ҳолатни кўзда тутмадимикин? Ва шунга биноан, тасаввуфдаги «бедорлик», «бехудлик», «хилват», «узлат» тушунчалари ҳам барчадан кўра ижод аҳлига яқин ва тушунарлидир.

Сўфий дарвешлар, шу тариқа, ижод аҳлига яқинлашиб бордилар ва иккинчи тарафдан, ижод аҳли ҳам тасаввуфга томон интилдилар. Сўфий жамоалари орасида «ринд»лар зоҳиран ўзларини бехуд, бепарво қилиб кўрсатувчи, ботинан эса мутафаккир ва закий бўлган, дунёнинг нобаробарлигидан, адолатсизликлардан зада кишилар сифатида алоҳида ажралиб турарди, улар бир-бирига рози дил айтиш, ҳасратлашиш учун йигинлар уюштирардилар. Бундай йигинларда илму адаб аҳли ҳам иштирок этарди, риндлар одатига мувофиқ меъёрида шароб ичиб, сархушлик қилиш, эркин-озод ҳолда туйғулар тизгинини қўйиб юбориб, куй-қўшиқ, шеърхонлик «базми жамшид»ини тузиш расм бўлган. Алишер Навоӣ «Маҳбулқулуб» асарида «ринди бодапараст»ларнинг ахлоқини баён этиб, уларни Худо ошиқлари, Ҳақнинг севган бандалари деб таърифлайди. Риндлар даврасининг ўз шоирлари, ҳикоячи латифағўйлари, созандақ мутриблари бўлган. Шеър ва мусиқийнинг инсон руҳига таъсир этиш кучини сезган тасаввуф шайхлари хонақолардаги йигинларда бундан фойдаланишга интилганлар. Айниқса, самоъ йигинларини қизитишда шеър ва мусиқа жуда қўл келарди. Маълум-

ки, жамоа-тоифа бўлиб яшаш, пир-муридлик одобини сақлаб, тонготар суҳбатлар қуриш, илоҳиёт асрори ҳақидаги баҳсу мунозара мусулмон шарқининг бутун қадимий маданий марказларида қурилган кўп сонли хонақо ва зовияларда тўпланган фақру фано аҳли ҳаётининг мазмунини белгиларди. Хонақоларда «самоъ» (арабча: эшитиш) мажлислари уюштириш, шеър ва рақс базмини ташкил этиш одат тусига киради. Хусусан, суқра — беҳудлик концепциясини ёқлаган сўфийлар бунга ўч эдилар. Улар: суфий учун асосий нарса вужуднинг борлигини унутиш, қол мақомини эгаллашдир, самоъ шу руҳий ижтиҳод қиёмини кучайтиради, деб ҳисоблардилар. Суса шаҳри суфийлари мажлисида иштирок этган тарихчи Ал-Муқаддасий ёзади: «Баъзан сўфийларга қўшилиб қичқирардим, баъзан уларга қасидалар ўқиб берардим» (Адам Мецнинг «Ислом уйғониши» китобидан, 234-бет). Хонақолардаги куй-қўшиқ садолари атрофга таралиб, одамларни ўзига жалб этган. Муқаддасийнинг айтишича, хотин-халаж уйларнинг томига чиқиб, сўфийлар базмини томоша этганлар.

Тасаввуфнинг бу ружуи шубҳасиз ижобий ҳодиса эди, унинг таъсирида шариат унча хуш кўрмаган санъат ривожланди. Сўфиёна базмлар бағрида кўплаб истеъдодли мутриб ва муғаннийлар тарбияланди, янги-янги куй-оҳанглар яратилиб, эл орасига ёйилди. Жумладан, тожик ва ўзбек халқларининг классик шашмақоми ҳам шу заминда шаклланиб, тасаввуф мақомотининг ҳолатларини ифодалайди.

Аммо шеърхонлик фақат самоъ мажлисларига хос эмас эди; оят, ҳадис ва шеърый ҳикматлар билан нутқни безаб, мазмунли ва таъсирчан қилиш самоъни ёқтирмайдиган ёки унга бепарво қарайдиган хилватнишин шайхлар суҳбатида ҳам расм бўлган. Шайхлар ўз атрофларида тўпланган муридларига тариқат мақоми ва ҳол манзиллари, нузулият сиру асрорини кашф этишнинг фазилати ва мушкулоти хусусида ваъз-насихатлар қилаётиб, маърифатни тушунтирар экан, ора-орада шеърый парчалар ўқиб ёки ихчам ҳикоятларни мисолга келтириб ўтар, тингловчилар эса бундан руҳланиб, шайхнинг фикрини чуқурроқ англаб эдилар. Тазкира ва маноқибларда ҳикоя қилинишича, Робия Адавия (713–801), Мансур Ҳаллож

(857–922), Боязид Бистомий (ваф. 874), Абусаид Абулхайр (957–1049), Абдуллоҳ Ансорий (1006–1388), Абулҳасан Ҳарақоний (ваф. 1034), Нажмиддин Кубро (1145–1226), Баҳоуддин Нақшбанд (1327–1389) ва бошқа бир қанча атоқли шайхлар ўз суҳбатларида кўплаб шеърӣ парчаларни истифода этганлар. Баҳоуддин Нақшбанддан сизнинг самоъга муносабатингиз қандай деб сўрашганда, улар: «Мо ин кор накунем, вале инкор накунем» (Биз бу ишни қилмаймиз, аммо инкор ҳам этмаймиз) деб жавоб қайтарган эканлар. Шуни ҳам айтиш керакки, тариқат шайхлари дастлабки даврларда дунёвий мазмундаги шеърларга сўфиёна маъно бериб, ўз ғояларига хизмат қилдирган бўлсалар, бора-бора улар учун тасаввуфнинг махсус истилоҳ-тушунчалари, рамз-тимсолларини ифодалайдиган асарлар ёзила бошланди. Натижада шеърятда яширин маънолар, тасаввуф тушунчаларига мўлжалланган махсус тил пайдо бўлди, «лисонул ғайб» усулида ёзилган ғазал ва рубоийлар кўпайди. Энди адабиёт тасаввуфга хизмат қиладиган иллюстратив материал бўлиб қолмай, балки ўзи тасаввуф ғояларини баралла тарғиб қила бошлади, аниқроғи, тасаввуф ғоялари шеърят ғояларига айланди. Рамзийлик, сўфиёна тил билан ёзиш адабиётни бир қадар мураккаблаштирди, натижада хос кишилар англайдиган шеър ғазаллар яратилди. Аммо, қизиги шундаки, иккинчи томондан, тасаввуфий шеърят орасида бағоят содда тилда ёзилганлари ҳам кўп. Бу жиҳатдан, масалан, Аҳмад Яссавий ижоди, Сўфи Оллоёр асарлари яхши мисол бўла олади. Бу шоирлар диний-сўфиёна ғояларни халқчил бир усулда баён этадилар, уларнинг ўғит-насихатлари, ташбеҳ-истиоралари ҳам содда ва тушунарлидир. Чунки мақсад тасаввуфни ва ислом ҳақиқатларини кенг саводсиз омма қалбига етказиш эди. Дарвешлик сулукини эл орасига ёйиш, дарвешларни мукаррам ва маҳбуб қилиб кўрсатиш эди. Айниқса, туркий тилдаги сўфиёна адабиёт ўзининг оғзаки ижодга яқинлиги, бевоситалиги билан ажралиб туради. Бежиз эмаски, Мовароуннаҳрнинг ўзбеклар билан бирга яшайдиган тожиклари ҳам «Қиссаи Машраб», «Бобо Равшан», «Қиссаи Ҳасан-Ҳусан» сингари ўзбекча асарларни кўпроқ мутолаа қилганлар.

Энди сўфиёна адабиётнинг мураккаблиги ҳақида гап кетганда, шуни айтиш керакки, шоирлар бунга мажбур эдилар. Зеро, тасаввуфни шеър билан баён этиш — фалсафани, илоҳшуносликни шеърга солиб чиқиш демак. Шу боис биз тасаввуфий адабиётни том маънодаги фалсафий адабиёт деймиз. Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ибн Арабий, Жомий, Бедиллар Шарқнинг буюк файласуфлари, лекин уларнинг аксар ирфоний асарлари шеър билан ёзилган. Ирфоний асарларни ҳам икки қисмга ажратиш мумкин: бир қисми тасаввуф таълимотини баён этган, сўфиёна истилоҳлар билан фикр юритадиган асарлар. Чунончи, Абулмажд Санойининг «Ҳақиқатул-ҳақойиқ», Маҳмуд Шабистарийнинг «Гулшани роз», Жомийнинг «Шарҳи рубоиёт» Бедилнинг «Муҳити аъзам», Саид Қосимийнинг «Ҳақиқатнома», Сўфи Оллоёрнинг «Саботул-ожизин», Бобожон Санойининг «Канзул-маориф» асарлари бунга мисолдир. Бу асарларни тасаввуф дарсликлари сифатида қабул қилса бўлади. Чунки муаллифлар ушбу таълимотни назм орқали тушунтиришни мақсад қилиб олганлар.

Иккинчи қисм адабиётда тасаввуф ғоялари кечинма ва ҳаяжонлар, тимсол ва тамсиллар орқали тасвирланиб, талқин қилинади. Бу асарларни тасвирий талқин ёки бадий тафсир (интерпретация) дейиш мумкин. Абулмажд Санойининг «Сайрул ибод», Фаридиддин Атторнинг «Илоҳийнома», «Булбулнома», «Уштурнома», Жалолиддин Румийнинг «Маснавий маънавий», Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаъул-анвор», Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» ва «Лисонут-тайр» асарлари шу хилдаги асарлардир. Бу асарларда сўфиёна-фалсафий маънолар шеърини сатрлар, бадий-ифодали тил билан талқин этилишдан ташқари яна жуда кўп масал ва ҳикоятлар, рамзий ташбеҳлар келтирилиб, китобхонга шарҳлаб берилган. «Мантиқут-тайр» ва «Лисонут-тайр» каби дostonларда иштирок этувчи персонажлар ҳам рамзий: Ҳудҳуд — пир тимсоли бўлса, ўттиз куш солиқ муридлар тимсолидир. Аттор ва Навоий тасвирлаган етти водий эса солиқ руҳининг етти хил товланувчи манзараси — Аллоҳга восил бўлиш босқичлари, маърифат зиналарини билдириб келади.

«Лисонут-тайр»да олтмишдан ортиқ ҳар хил ҳикоятлар бор. Уларда тариқат ва шарият, ирфоний билиш масалалари билан боғлиқ бўлган, шунингдек, инсон ахлоқига оид масалалар устида фикр юритилади. Ҳикоятлар халқ ижодиёти хазинасидан олинган. Аммо улардан келиб чиқадиган ибратли хулосалар («қиссадан ҳисса») сўфиёна маънолар талқинига мослаштирилади. Масал ва ҳикоятлар ахлоқий мавзулар, чунончи, нафснинг ёмонлиги, дунёга меҳр қўйишнинг арзимаслиги, хасислик фалокати, саҳийлик шарофати, садоқат, вафо ва ҳоказолар ҳақида баҳс этади. Умуман, сўфиёна адабиётда ўғит оҳанги, панду насиҳат етакчилик қилади. Бу табиий. Чунки шайхлар ўз муридларини суҳбат орқали, насиҳат қилиш билан тарбиялаганлар. Айнан ана шу суҳбатларда ҳикоятлар, шеърӣ парчалардан фойдаланилган. Насиҳат адабиётининг ўзига хос жозибаси, таъсир кучи ва услуби бор.

Тасаввуф адабиёти ўзигача бўлган шакл ва жанрлардан фойдаланди, чунончи, лирик жанрлардан рубоӣ, ғазал, қитъа, қасида; эпик жанрлардан маснавий тасаввуф адабиётининг ҳам асосий жанрларига айланди. Сўфӣ шоирлар бу жанрларни ривожлантириб, уларга янги руҳ бағишладилар. Кўп шоирларда дунёвийлик билан илоҳӣлик, яъни ирфон қўшилиб зухур этади. Ҳофиз Шерозӣ, Саъдий Шерозӣ, Камол Хўжандӣ, Жомӣ ва Навоӣ ижодида дунё гўзаллиги илоҳӣ хусну жамолнинг давоми ва моддий ифодаси сифатида олиб қаралади. Шунинг учун улардан соф диний ғояларни ёхуд соф дунёвий ғояларни қидириш, асарларини бир-бирига зид қўйиш нотўғри. Бу шоирлар учун олам ва одам ягонадир, руҳ ва жисм, вужуд ва маъно биргадир. Улар куйлаган реаллик илоҳӣ сифатларнинг мазҳари ва жилоси. Илоҳӣ мазҳардан илоҳӣ манбага қараб борадиган руҳ улар учун энг гўзал руҳдир. Шу боис ҳам мазкур шоирларнинг асарларини сўфӣлар ўз мақомида, оддий китобхонлар ўз мақомида англаганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг асарлари кўп маъноли, ҳар бир ифода етти қават парда ичига яширинган. Масалан, маҳбуб деганда Худони, Пайғамбарни, Пирни ва севган кишисини англаш, соқӣ деганда ҳам айни шу тўрт тушунчани эътиборга олиш, лаб деганда пирнинг сўзи-

ни, илоҳий файзни, қош деганда илоҳий олам билан моддий олам чегарасини, бел деганда комил инсон ҳаёлини, ингичка бел деганда комил инсон ҳаёлининг нозиклигини, кўз деганда комил инсоннинг ўзини назарда тутиш мавжуд. Бу тимсолларни батафсил англамай, сўфиёна шеърни англаш мумкин эмас. Ана шу тимсоллар орқали Навоий ва Машраб лирикасида солиқ образи гавдалантирилади. Тариқат йўлидаги мусофир, яъни солиқнинг кечинма ва ҳаяжонлари, Маҳбуб ёдидаги талпиниш сархушлиги ва хумори, васл дамларидаги шодлиги тасвирланади. Умуман, Навоийда инсоннинг Аллоҳ томон кўтарилиши (уруж) асосий ғоядир. Шоир шу йўл изтироби ва мартабаларини турли воситалар билан тасвирлайди. «Хамса» достонлари, «Лисонут-тайр» ҳам уруж-меърожни тасвирловчи асарлардир. Оддийликдан мураккабликка, дағалликдан юмшоқликка, нодонликдан доноликка, оддий имонликдан юксак ирфоний имонга ўсиб чиқиш. Буларнинг ҳаммасининг тагида эса ваҳдат моҳиятини англаш, Ваҳдоният оламига қўшилиш шавқи бор. Бошқача айтганда, камолот касб этиш. Шунини ҳам айтиш керакки, Навоий ижодида мутлақийлик ҳукмрон: мутлақ яхшилик (эзгулик) ва мутлақ ёмонлик (ёвузлик)ни кўради у. Унинг учун ёмон — бу мутлақ қора рангда кўринадиган ёмонлик. Яхши — мутлақ яхшилик, у нурли ранглар билан жиюланади. Шоирнинг ҳаётга муносабати ҳам ана шундай. Унинг учун ёмон шоҳ барча ёмон хислатларни жамлаган одам, яхши шоҳ эса барча ижобий хислатларни жамлаган шахс. Яхши одам — хушахлоқ, одил ва оқилдир. Яхшиларнинг яхшиси — еру кўкни бир назар билан қамраб олган Баҳоуддин Нақшбанд ёки орифлар орифи Абдурахмон Жомий. Булар илоҳий уруж даражаларидан илдамлашиб кетган валий инсонлар. Комиллик тимсоли. Улар Навоий назарида реаллик билан нореаллик ёхуд дунё билан ғайб олами орасидаги кишилардир. Икки оламни боғловчи комил инсоннинг бир неча типини Навоий «Хамса» асарида кўрсатиб беради.

Воқеан, адабиётнинг ўзи комиллик белгиси, комил сўз, комил маъно ва комил тафаккур ифодаси. Буларни эгаллаган инсон комил хилқат бўла олади. Демак, улуг Алишер Навоийнинг ўзи комил инсоннинг ёрқин тим-

солидир. Комил хилқат бўлган инсон барча нарсада такомилни, етук мунтазамлик ва музайянликни кўрмоқчи бўлади. Унинг олий орзуси — оламни ҳам, ўзини ҳам нуқсонлардан холи ҳолда тасаввур этиш, инсонни нуқсонлардан халос этиш. Инсон руҳи комилликка ташна экан, санъат ва адабиёт эса шу чанқоқни бостириш учун хизмат қилиб келган. Инсон руҳининг мўъжиза мавжларини, фараҳ ва хуррамлигини ифодалаган. Инсон руҳи санъатдан озикланиб яйрайди ва барча қудратини санъатда кўрсата олади.

Улуғ мутафаккир шоирлар ижоди буни асрлар давомида исботлаб келмоқда. Дин, мифология, бадий ижод бирга, бақамти ривожланди, бир-бирини тўлдириб, бир-бирига мадад берди. Барчасининг муддаоси Инсон эди, Инсонни ўрганиш ва поклаш эди. Гарчи илоҳий ғоялар куйланса ҳам, лекин адабиёт инсон қалбининг ифодаси бўлиб келди. Зеро, Аллоҳ ҳам инсон қалбидадир.

ОДАМИЙЛАР ОДАМИЙСИ

Маълумки, Алишер Навоий ўзининг тарбиясига ва ижодий камолотига таъсир кўрсатган кишиларни асарларида эҳтиром ва миннатдорчилик билан тилга олиб ўтади. Аммо улар орасида уч киши алоҳида ажралиб туради. Булар — Абдураҳмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад. Бу уч зоти шариф ҳаётида Навоий «Хамсатул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» ва «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» деган уч насрий асар ёзган. Мазкур асарлар ўша замонларда кенг тарқалган маноқиб жанрида битилган. Маноқиб фавқуллодда ҳислатли, закий ва валий кишиларнинг сийрати, ҳолоти ва таржимайи ҳолини ёритувчи асар бўлиб, унда қаҳрамоннинг хулқ-атвори, иши ва сўзи ўзгаларга ибрат қилиб кўрсатилди. Абдураҳмон Жомий — буюк шоир ва муқтадир файласуф-сўфий, шайхи муршид, бунинг устига, Навоийнинг пири ва ижод соҳасидаги устози. Бу тушунарли. Паҳлавон Муҳаммад ҳам ном қозонган гўштигир, яъни кураш тушиш устаси, Хуросон гўштигирларининг пири ҳамда Ҳирот жавонмардларининг пешвоси. Демак, бу икки зотнинг хориқуллодда ҳолатларини бадий асарда

ёритиш ҳам қизиқарли ва ҳам тарбиявий нуқтаи назардан аҳамиятли.

Аммо Саййид Ҳасан-чи? У ким? У — оддий бир инсон, касби — сипоҳийлик, умрининг охирида эса дарвеш хирқасини кийиб, хонақоҳда ўтирган киши. Аммо Навоий наздида у замонасининг буюк зотларидан бири, чунки:

Сафо субҳининг меҳри пурхандаси,
Фано шомининг шамъи рахшандаси,
Карам боргоҳида маснаднишин,
Адам хонақоҳида хилваттузин,
Вафо анга пеша, сахо анга фан,
Вафову сахо кони Саййид Ҳасан.

«Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» — Саййид Ҳасаннинг вафотидан кейин ёзилган асар. Бундан ташқари, Навоий Саййид Ҳасан вафотига бағишлаб:

Даҳр боғики жафо шореъдур ҳар чамани,
Жуз вафо аҳлиға сончилмади тикани, —

байти билан бошланувчи етти бандлик марсия ёзиб, ўз қайғусини изҳор этган. «Мажолисун-нафоис», «Насойимул-муҳаббат» асарларида, шунингдек, «Фавойидул-кибар» девонидаги шоир умри сарҳисоби бўлмиш «Соқийнома»да Саййид Ҳасанга махсус тўхталиб, унинг ахлоқий хислатлари, бадий ижодга муносабати баён этилади. «Насойимул-муҳаббат» — биламизки, тасаввуф шайхлари ҳақидаги асар. Алишер Навоий Жомийнинг «Нафаҳотул-унс»ида бўлмаган бир қанча дарвеш ва сўфийлар ҳаёти ҳақида маълумотлар беради, шулар сирасига Саййид Ҳасан Ардашерни ҳам киритган экан, демак, уни атоқли дарвешлар даврасидан жой олишга лойиқ одам деб ҳисоблаган. Навоийнинг Саййид Ҳасан тириклигида ҳам унга бағишлаб ёзган асари бор. Бу — шоирнинг Самарқанддан Саййид Ҳасанга юборган шеърӣ мактуби. 1467—1468 йиллар орасида ёзилган 140 байтлик мазкур мактуб муаллифининг ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар бериш билан бирга, унинг тасаввуф ва дарвешчилик таълимотига муносабатини аниқлашга ҳам яхши манба бўла олади.

Навоийнинг Саййид Ҳасан ҳаётида ёзган асарлари тал-

қиқотчиларимиз эътиборидан четда қолган эмас. Академик В. Абдуллаев, В. Зоҳидов, А. Ҳайитметов, Б. Валихўжаев, С. Фаниева, Н. Маллаев ва бошқа олимларнинг ишларида бу асарлар тилга олинади. Аммо шуни қайд этиш керакки, мавжуд тадқиқотларда мазкур асарларга, асосан, Навоий таржимаи ҳоли, ижтимоий-сиёсий ва эстетик қарашларини ёритиш мақсадида мурожаат қилинган. Навоий учун эса Саййид Ҳасан — инсонни комил тимсоли, «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»да у ана шундай инсон сиймосини яратган. Навоий «Хамса»си дostonларида яратилган ижобий-ибратли тимсоллар билан Саййид Ҳасан орасида ўхшашликлар кўп, агар «Хамса» образлари бадиий орзу-мушоҳада асосида вужудга келган тахайюлий-романтик типлар бўлса, Саййид Ҳасан муайян тарихий шахс, яъни улуғ шоир ўзининг хаёлотидаги идеал инсоннинг хусусиятларини ўз замондошида кўра олган, дейиш мумкин.

«Ҳайратул-аброр» ва «Маҳбубул-қулуб» асарларидаги ахлоқий-фалсафий қарашлар билан «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асарида ифодаланган фикрлар ҳам аксар ўзаро ўхшаш. Шундай қилиб, Навоий назарида Комил инсон хаёлий бир нарса эмас, балки реал ҳаётий одамлар, бироқ, шуниси борки, бундай одам тариқат сулукини қабул қилган чинакам дарвеш бўлиши керак. Бошқача айтганда, идеал инсон — бу гўзал ахлоқли, зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаган фонийтабиат фақир киши. Саййид Ҳасан бунинг намунаси ҳисобланган.

Саййид Ҳасан 1416 йили Ҳиротда туғилган, отаси Ардашер Бойсунғур Мирзо саройида қушчилик билан шуғулланган. Саййид Ҳасан саройда тарбияланади, кичик ёшидан зеҳнли, билимдон бола сифатида танилади. Сарфу наҳв, луғат ва арабият, мантиқ ва калом, фикҳу ҳадис ва тафсири, шунингдек, шеър илми, муаммо, тарих, нужум ва мусиқий илмларни пухта эгаллаб олган бўлсада, бироқ ғоят камтарин бўлганлигидан давраларда манманлик билан билимини намойиш этишга интилмас, суҳбатдошлар хато қилса ҳам, хижолат ва озор етмасин деб андиша ва ҳаё билан юзига солмасди. Бойсунғур Мирзо уни ўз ўғилларига ибрат қилиб кўрсатган: «На бўлғай сенинг афёол ва ҳисолинг ҳам фалонийга ўхшаса эрди».

Саййид Ҳасан қўшинда сипоҳий, яъни оддий аскар бўлиб хизмат қилган, бироқ ҳамма вақт ички норозилигини сездириб турган. Воқеан, қўшин ўз табиати, вазифасига кўра дағалик ва зўрликни тақозо этадиган, кўпроқ қалби қотган, шафқатсиз кишиларни ёқтирадиган жой. Шундай бўлгач, юмшоқ кўнгил, нозиктабъ одам Саййид Ҳасанга у қандай маъқул тушсин? Султон Муҳаммад Мирзо, Султон Иброҳим Мирзо ва Бобур Мирзолар Саййид Ҳасанни ўз суҳбатдошлари қаторига қўшиш учун саройга таклиф этадилар, аммо у кўнмайди. Шаҳзодаларнинг таклифи тазйиққа айлана боргач, Саййид Ҳасан ўзини «лавандлик ва ошиқпешаликка» уриб, ринди майхўрлар мажлисига қатнайдиган бўлиб қолади. Навоий таърифига кўра, унинг учун шоҳу гадо баробар эди, мирзозодалардан тортиб то дарвешу фақирларгача унинг мажлисларида иштирок этган. Бу зот ҳеч бир такаллуф ва изтиробсиз улар билан мусоҳиб бўлганлар. Шуниси эътиборлики, майхўрликни қоралаган Навоий, гарчи орада «кўп вақтни таъйинсиз ўтказур эрди», деган жумлани қистириб ўтса-да, лекин Саййид Ҳасанни бу ишда айбдор қилиб, мазаммат этмайди, аксинча, унинг риндлик қоида-қонунларини бажо келтиргани, ҳарифларига ғоят меҳрибон ва ғамхўрлигини, футувватини таъкидлаб ўтади. Маълум бўладики, шоир худопараст риндларнинг сархушлик мажлисларини бутунлай маъқулламаган бўлса-да (Паҳлавон Муҳаммад ҳам шундай ринди бебоклардан бўлган), аммо инкор этмаган: жоҳил одамларнинг бодопарастлиги, атрофдагиларга озор бериши ахлоқий таназзулга олиб келган бўлса, дарвеш-риндларнинг майхўрлиги, Илоҳ ёдида сархуш бўлиш беозор ва «ахлоқу шарият» доирасида эди. Ҳар ҳолда, бу ҳам расмий динга зид эди ва Ҳирот жамоасининг ахлоқи ва муҳитини акс эттирадиган белгилардан бири ҳисобланарди.

Алишер Навоий Саййид Ҳасан Ардашер билан биринчи марта 1456 йили, яъни ўн беш ёшлигида учрашади ва шундан кейин улар умрбод дўст бўлиб қоладилар. Саййид Ҳасаннинг дарвешона феъл-атвори, хуштабъ ва хушсуханлиги шоирни мафтун этади: «Алар тариқу равиши бу фақирни андоқ шефта қилдиким, бир кун алар мулозаматига етмасам эрди, сабру тоқатим қолмас эрди».

Саййид Ҳасан ҳам Навоий ҳузурига тез-тез келиб турар, кўрмаса, унинг дийдори ва суҳбатини қўмсаб, безовта булар экан: «Ташвише бўлмамиш бўлгайким, бу кун сендин хабар топа олмадук», — деб аҳвол сўрашга шошилар, бир кун кўрмай қолса, узрхоҳлик билан кечирим сўрар экан. Навоийнинг ёзишчи, Саййид Ҳасан уни «фақр тариқи» — дарवेशлик сулукига далолат қилиб, туркий тилда шеър ёзишга руҳлантириб турган, аксар шеърларини ёдлаб олиб, эл орасида тарғиб этган. Навоий билан Саййид Ҳасаннинг адабий-танқидий, бадиий-табъий қарашлари, табъу завқлари ҳам мос келган. Навоий буни «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»да қайд этади, чунончи, Саййид Ҳасан туркигўй шоирлардан Лутфий, Атоий, Гадоийлар ижоди, форс шоирларидан Ҳофиз ва Саъдий эътибор ва эҳтиромига сазовор бўлганини биламиз. Ҳатто, Лутфий ва Муқимийдан мисол тариқасида келтирилган байтлари ҳам ҳар иккаласида бир хил.

Саййид Ҳасан Ардашер Лутфий маҳоратини кўрсатиш учун унинг:

Нозуклук ичра белича йўқ тори гесуйи,
Ўз ҳаддини билиб белидин ўлтурур қуйи. —

байтини, Муқимий салоҳиятига намуна тарзида унинг:

Сен-сен асли вужуди ҳар мавжуд,
Сендин ўзга вужудга не вужуд, —

мисраларини тилга олади.

Алишер Навоий ҳам айни шу байтларни «Мажолисун-нафоис»да Лутфий ва Муқимийларнинг шоирлик истеъдодини исботлаш учун келтирган.

Навоий билан Саййид Ҳасан орасидаги яқинлик, инсоний меҳр-оқибат шунчалик кучли бўлганки, улар бир-бирларини қиёматлик ота-ўғил деб ҳисоблаганлар. «Бу фақирга ота масобасида (мартабасида) эрди» — дейилади «Мажолисун-нафоис»да. «Соқийнома»да эса Саййид Ҳасанни ота мартабасидаги муътабар киши бўлиш билан бирга, маъни пири эканини ҳам қайд этади:

Манга зоҳирда атову устод,
Лек маъни аро пири иршод.

Мен анинг бандалигига хурсанд,
Ул дебон лек рафиқу фарзанд.

Шу руҳий-маънавий муҳаббат туфайли Навоий ҳар доим «пири иршоди» аҳволидан хабардор бўлиб туришга интилади, сипоҳийлик ва риндлик айёмида ҳам, Ҳусайн Бойқаро саройида маслаҳатчи-мушташор бўлган пайтларида ҳам, тавба-тазарруъ қилиб, мавлоно Муҳаммад Табодгоний хонақосида чилла ўтирган кезларида ҳам ҳузурига тез-тез бориб турган, ҳовлисининг бир бурчагида у киши учун алоҳида хона қуриб берган. Саййид Ҳасан истаган вақтида бу ерга келиб, ҳордиқ чиқарган. Навоий Абдурахмон Жомийга қанчалик меҳрибон бўлган, фарзандидай хизмату мулозамат бурчини адо этган бўлса, Саййид Ҳасанга ҳам шундай муносабатда бўлади. Улуғ шоир ҳар икки пирининг мотамига соҳибазо бўлиб, бутун маросимларни бажо келтиришга бошчилик қилади. Саййид Ҳасан вафот этган куни Навоий Ҳиротда эмас эди, подшолик фармони билан сафарга жўнаган эди. Шоир буни фалакнинг зулми деб ҳасрат чекади, «мен бошингда туришни, шарбатингга ширин жонимни қўшиб, эзиб берсам эди, мулойим гап қилиб, кўнглингни олсам, гоҳ бошингдаги ёстиғни тузатиб, гоҳ аёғинг ёпсам, бошингга эврулиб, фарзандлик изҳор айласам» эди, деб ўкинади...

Саййид Ҳасан Ардашер Навоийнинг рози дил айтадиган маслаҳатгўйи, энг қийин пайтларда суянадиган содиқ ва вафодор кишиси эди. Самарқанддан юборилган шеърӣ мактуб бунга ёрқин мисол. Уни Навоийнинг арзи ҳоли, кўнглида ардоқлаган орзу-армонлари дафтарининг бир саҳифаси, дейиш мумкин. Шоир устодига мурожаат қилиб, мени фақат сен тушунасан, аҳбоблар ҳолимдан огоҳ эмас, улар айтган гапларга ишонма, дея таъкидлайди ва Самарқандга келишининг сабабларини баён этади («Сенга ҳолатимни аён айлайн, Бу азми м вужуҳин баён айлайн»). Сабаблар эса жуда кўп.

Биринчиси — Ҳиротда ижод қилишга имкониятнинг йўқлиги, сўз қадрига етадиган, туркий шеърга талабгор одамнинг қолмагани; Навоий ўз иқтидори, истеъдодининг кучи ҳақида камтаринлик қилмай, фаҳру ғурур билан ёзади:

Мен ул менки, то турк бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидур,
Фалак кўрмади мен киби нодире,
Низомий киби назм аро қолире.

Аммо моддий тарафдан таъминлаб, шароит яратиб берадиган, «ёз» деб турадиган мард йўқ, деб ёзади, у.

Иккинчи сабаб — Хуросонда одамгарчилик, саховату муруватнинг барҳам топгани, унинг ўрнини нифоқ, бахиллик, ҳасад эгаллагани, вайронагарчилик, зулму ситам авж олгани эди. Қаро пул учун одам ўлдиришни касб қилиб олган, ўликдан кафан тама қиладиган кишилар мамлакатда ҳукмрон, аҳли дардни тушунадиган дуруст одам қолмаган:

Сен эрдингки, ҳар ишда ёрим эдинг,
Не ғамким етар ғамгусорим эдинг.

Бироқ сен ҳам қўшин билан узоқда, дейди Навоий Саййид Ҳасанга зорланиб, «аҳли давлатдан» эса ҳеч бир умид йўқ.

Учинчи сабаб — ирфондан баҳраманд бўлиш, тариқат йўлини танлаш. Чунки Навоий эътиқодига кўра, инсон бўлиб яшамоқдан мақсад Аллоҳни ва ўз-ўзини танишдир. Бунинг эса иккита йўли бор. Бири — Ҳақдан жазба етиб, «яқин жомидан маст бўлиш», яъни Худо ёдида ўзидан ва ўзлигидан беҳабар бўлиб юриш, дунёнинг барча шуглидан юз ўгириш, охир-оқибатда жисм — вужуддан қутулиб, Аллоҳ вужудига қўшилиш.

Иккинчиси — пирга қўл бериб, унинг иродаси, амри билан «фано даштини кезиб», риёзат оқибатида жазба топиш:

Яна бир будурким, гадо гар мулук
Талаб йўлида қилгай онча сулук,
Бурун муршиди комил истай юруб,
Ани топқач, ўзин анга топшуруб.

Биринчи йўлни Навоий «мажзуби солик» йўли деб атайди, яъни аввал илоҳий жазба (тортилиш) етиб, кейин тариқатни қабул қилиш. Иккинчи йўлни у «солики мажзуб» дейди, яъни аввал тариқатни қабул қилиб, тавба, вараъ, сабр ва ҳоказо мақомларни босиб ўтгандан кейин ҳол мақомига мушарраф бўлиш.

Йигирма етти яшар Алишер Навоий устози ва сирдоши Саййид Ҳасанга кўнглидаги ниятини бундай баён этади:

Чу аввалги иш бўлмади дастгир,
Иккинчисидин хуб эмасдур гузир.

Маълум бўладики, Навоий тасаввуфга, фақр аҳли сулукига ёшлигидан кучли эътиқод қўйган. Мажнундай ошиғи сармаст бўлиш, девона қаландардай сарсари кезишни орзу этган. Аммо бу муяссар бўлмагач, муносиб раҳбар — пирни топиб, унинг иршодида фақру фано неъматидан баҳраманд бўлишга қарор этган. Унинг нияти қатъий, қанча умрим сарф бўлса ҳам, бу йўлдан қайтмайман, дейди Навоий:

Меники бу савдо низор айлади,
Ҳавас илгида беқарор айлади.
Не имконки топқай қарору сукун,
Бировким бу фикр этти они забун.
Урармен қадам токи бўлгунча гом,
Ки бўлғай муяссар манга ушбу ком.

Навоий Саййид Ҳасандан ана шу ниятларининг амалга ошувига мадакор бўлишни илтимос қилади, маслаҳат сўрайди. Албатта, бундан Навоий Самарқандга пир излаб келган экан, деган хулоса чиқариб бўлмайди.

Хулласи калом, Алишер Навоий Саййид Ҳасанга Ҳиротдан кетиш сабабларини ёзган бўлса ҳам, бу билан кўнглидаги орзулари Самарқандда амалга ошишига кўзи етган эмас эди. Боз устига, Самарқанд ҳам Ҳиротга итоат этишини қайл этади шоир. Саййид Ҳасанга юборилган мактубда ёзилган нарсалар буюк шоир ва мутафаккирнинг ўз олдига қўйган улкан ниятлари баённомаси эди. Бу ниятлар жумласига тасаввуф билан астойдил шугулланиш ҳам киради. У бу қутлуғ ниятини амалга оширди. Ҳиротга қайтганидан кейин Абдураҳмон Жомийга мурид тушиб, тасаввуф фалсафаси ва тариқат асосларини обдон ўрганди ҳамда ҳаётида фақру фано талабларига амал қилиб яшади.

Саййид Ҳасан машҳур шайх — Хўжа Аҳрорга эътиқодда бўлган. Бунинг исботи шуки, Саййид Ҳасан Ардашер умрининг охириги йилида Хўжа Аҳрорни зиёрат қилиш учун махсус Самарқандга сафар қилади. Умуман олганда,

Саййид Ҳасаннинг сулуки ва тасаввуфий эътиқодида ўзига хос жиҳатлар бор. Буни бир бошдан кўриб чиққан одам шуни англайдики, у бирор-бир назария ёки таълимотга кўр-кўрона ишонадиган, бирор гапни маҳкам тутиб олиб, ўшандан ташқарига чиқмайдиган мутаассиб дарвешлардан эмас. Унинг дарвешлиги — кўнгил амри, табиати, феъл-атворининг тақозоси эди. Дунё ва унинг бойлиги, ноз-неъмат, шукуҳу шуҳратига эътибор қилмаслик, фақр гўшасини ҳамма нарсадан афзал билиш, фақат маънавий суҳбатни писанд этиш, шеър ушуур, илму донишдан лаззатланиш Саййид Ҳасанда кўринган хислат бўлган. Ҳатто риндлик шуглига гирифтор бўлганини ҳам Навоий худди шу сийратдаги фақирлик ва фанопешалик билан изоҳлайди. Зероки, риндлик ҳам таркидунёчиликнинг бир кўриниши, ўзини узлатга — Аллоҳ паноҳига отиш, бепарволик ва молу мулкка, тожу тахтга беписандликнинг кўриниши эди. Аммо Саййид Ҳасан наинки риндларга бош бўлиб, уларга оталарча ғамхўрлик кўрсатган, балки шу ҳолда ҳам тоат-ибодатни қанда қилмаган, «мутабаррак» (табаррук) мазоратга бориб, дарвешлар ва аҳдуллоҳ мажолисига етиб, ўз махласлари (халос бўлиши) учун фотиҳалар тилаган:

Риндлардин бир ринд анингдек йўқ эрур огоҳ ринд,
Шоҳ эди ринд аҳлига, балким эрди шоҳ ринд.

Бойсунғур Мирзо ўғиллари ва Султон Абусаид саройига яқинлашмаган Саййид Ҳасан Бойқаро тахтни олгандан кейин унинг мулозаматига келади. Саййид Ҳасаннинг хулқи, суҳбати ва заковати султонга ёқади, у бу нажиб инсонни қўлдан чиқармаслик режасини тузиб, уни сарой ишларига жалб этишни мўлжаллайди, чучук сўзлар ва дарвешона муомала билан Саййид Ҳасанни ром этиб, мансаб таклиф қилади. Саййид Ҳасан охири подшо амрига кўниб, мусташорлик, яъни сарой маслаҳатчиси вазифасини қабул қилади. Бу пайтда Алишер Навоийнинг ёзишича, кишилар Саййид Ҳасаннинг тадбири, ишларидан рози бўлганлар: ...«Андоқ сулук воқеъ бўлдиким, подшо шокир ва сойир халойиқ ва раоё аларнинг зикри хайрига зокир бўлдилар ва подшо хилватида анису маҳрам ва анжуманда рафиғу ҳамдам эдилар» (яъни шундай

йўл тутдиларки, подшо шукр этиб, рози бўлди ва барча халойиқ ва раият у кишининг хайрли ишларини ҳаётида гапириб юрадиган бўлдилар ва у киши подшонинг хилватдаги маҳрами ва анжумандаги ҳамдамига айланиб қолди). Бу ҳодиса яна шундан далолат этадики, Султон Ҳусайн ўзи дарвештабиат бўлганлиги учун шундай хислатли одамларни яхши кўрган, улар билан нафақат суҳбат қуриб, маънавий озиқ олган, балки давлат ишларини шундай одамлар ихтиёрига топширишни маъқул ҳисоблаган (Саййид Ҳасан балки султондаги ана шу дарвешона қалбни сезганлиги учун саройига — Бойқаро ҳузурига борган бўлса ажаб эмас). Демак, Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарони бежиз «дарвешлар шоҳию шоҳлар дарвешини» деб таърифламаган, бу хусусият, ҳақиқатан ҳам, унда бор эди. Буни шу ҳам тасдиқлайдики, Султон Ҳусайн Саййид Ҳасанга қаттиқ эътиқод қўйиб, уни бош вазирлик вазифасига кўтармоқчи, бутун давлат ишлари ихтиёрини унинг қўлига топширмоқчи бўлади: «Хуросон мулкининг куллий ихтиёрин подшоҳ аларнинг соиб (ростгўй) роёйига ва тадбири мулкоройига вобаста қилгудек эрди». Аммо ёши олтмишдан ошган Саййид Ҳасан Ардашер султоннинг бу таклифини қатъиян рад этади, бугина эмас, умуман саройдан кетиш ҳақида ижозат сўрайди. «Фақри зотий ва фанойи жибиллий», яъни унинг табиатидаги азалий фақрга мойиллик, сийрату сириштида мавжуд фонийлик хислати голиб келган эди, деб ёзади Навоий.

Ҳусайн Бойқаро Саййид Ҳасанга қаҳру итоб қилиб кўради. Ялиниб-ёлворади ҳам, бироқ дарвешни ҳеч нарса ниятидан қайтаролмас эди: у саройни тарк этиб, икки йил подшо хотири учун эски касби — сипоҳийлик билан шуғулланади, лекин Ҳусайн Бойқаро унга зулм қилаётганини сезиб, охири рухсат беради, улар йиғлашиб хайрлашадилар ва Саййид Ҳасан Ҳиротнинг машҳур шайхи Мавлоно Муҳаммад Табодгоний ҳузурига бориб, унинг муридларига қўшилган ҳолда буткул ўзини тоат-ибодатга, тариқат сулукини адо этишга багишлайди.

Алишер Навоийнинг Саййид Ҳасанга ҳаваси келади, унинг саройни тарк этиш тўғрисидаги қарорини қалбан маъқуллайди, аини пайтда улуғ инсонпарвар шоирнинг

бу ҳолдан ачингани, кўнгли вайрон бўлганини ҳам «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асаридан ҳис этиш қийин эмас. Дарвоқе, қанчадан-қанча номуносиб кишилар мансаб-амал деб, мартаба деб елиб-югурган, турли фитна-фасод, ёлғон-яшиқни ишга солиб, саройга интилган бир пайтда Саййид Ҳасанга ўхшаган одамларнинг саройдан кетиши, амал-мансабни хуш кўрмаслиги қизиқ ва фожияли ҳодиса. Ҳолбуки, айнан шундай заковатли, ҳалол, нафсини ўлдирган дарвеш одамлар мамлакат ва давлат равнақи учун кўпроқ фойда келтирар эди. Лекин, афсус, минг афсуски, аҳли жоҳ — мансаб қуллари бундай одамларни сиғдирмайдилар: Саййид Ҳасанга ўхшаган инсонлар улар учун бегона ва ҳатто хатарли эди, уларнинг нопок ниятлари йўлида ғов эди. Навоий сарой хизматини ўз бошидан ўтказгани учун ажиб муносиб бир ташбеҳни қўллайди: сарой хизматида шундай ишлар воқеъ бўладики, деб ёзади у, «девосоларнинг тажаммули қолмас, то малакосорларга ва фаришта кирдорларга не етқай», яъни сарой фитначиларига девтабиат кишилар ҳам бас келолмай, ожиз бўладилар, хислатли одам нима қилиши мумкин, ахир? Ҳа, ҳокимият дунё шуғулидан қўл ювган дарвешнинг иши эмас, дарвешнинг жойи — хонақоҳ! Ҳокимият қаттиққўл, дағал, тошюракли одамларни ёқтиради. Азалий зиддиятми бу? Саййид Ҳасаннинг саройдан кетиши унинг шоҳ ва саройга исёними? Бир томондан, бу воқеа шу ғоянинг амалий тасдиғи, албатта. «Холиқ ибодатининг тарки ва махлуқ (яратилган, яъни инсон) бандалигининг иштиғоликим, айна бебоклик (Худодан кўрқмаслик) ва маҳзи беоқибатликдур (оқибатни ўйла-масликдур)», дейди Навоий. Улуғ мутафаккир айтмоқчики, инсон иродасига итоат этган, дунё иши билан шуғулланаётган одам Илоҳ иродасига бўйсунмаган, охира-ту оқибатни ўйламаган одам бўлади. «Вой дунё шуғлининг ибтилосидин (мубталолигидин) ва юз минг вой дунё аҳлининг зулму жафосидин, балки малолат ва изосидин! Оҳ замон жавру бедодидин, наузубиллоҳ абнойи замон қасду ифсодидин(фасодидин)!»

Навоийнинг юрагидан отилиб чиққан бу фарёд Саййид Ҳасан тақдирига ва ўз тақдирига ачиниш ва ҳасрат нидосидан бошқа нарса эмас. Шоир умрининг охирида

гоят улуғ фожиа — ҳокимият софдил, некбин, пок ниятли одамларга тутқич бермаслиги, у зўрлик, айёрлик, фирибу найранг макони эканини ҳис этади. Лекин бу фожиаларнинг барини у одамлар ахлоқи, нобоплигига олиб бориб боғлайди. Сиёсат дарвешнинг иши эмас, дарвешнинг вазифаси — художўйлик. Бу ҳикмат Саййид Ҳасан мисолида Навоий кўз олдида тасдиқланган эди: ё шоҳ хизмати, ё Илоҳ тоати (Холиқ хизмати). Иккаласини бирлаштириш мушкул.

Саййид Ҳасан Ардашер «Кутби доираи ҳақиқат ва муршиди аҳли шариат ва тариқат қошифи, улуми раббоний Мавлоно Муҳаммад Шамсиддин Табодгоний» (Навоий) хонақосига келгач, шайх суҳбатида такмилга машғул бўлади ҳамда ана шу пир раҳбарлигида бир неча марта чилла ўтириб, руҳий-маънавий камолот касб этади. Навоий ёзади: «Фақру фано сулукида куллий манзилларни қатъ қилдилар ва улуғ мартабалар ва бийик мақомларга қадам қўйдилар». Навоий устозининг ҳолидан хабар олиш учун хонақога бориб турган, бир борганимда, деб ҳикоя қилади у, Саййид Ҳасан «арбаа чиқарурди», яъни биринчи чилла ўтириши эди. Шайх Табодгонийдан аҳволини сўраганимда у киши: халақит берманг, «бу кун бир мақомдадурларким, солиқ аввалги арбаинда ул мақомга етса, дарде анинг оллига келурким, агар букоъи муфрит(қаттиқ йиғи) юзланса, ишининг гуфторига далолат қилур. Аларга бу ҳол юзланубдур ва бағоят умидворлиқдур».

Муҳаммад Табодгоний ким? Унинг силсиласи кимга бориб етади? Ҳирот азизлари нега унга сиғинганлар? Буни аниқлаш ҳам муҳим, зеро Саййид Ҳасаннинг тариқатдаги эътиқодини аниқлаш орқали Ҳирот дарвешчилик ҳаракати ва Навоийнинг бунга муносабатини ҳам билиб оламиз. Шундай қилиб, Мавлоно Муҳаммад Табодгоний шайх Зайниддин Хавофийнинг «кибор асҳоби»дан, яъни камол топган муридларидан бўлган. Зайниддин Хавофий эса ўз навбатида, гарчи Хожа Муҳаммад Порсо каби нақшбандия шайхлари суҳбатини қозонган бўлса-да, аслида унинг пири Шайх Нуриддин Абдурахмон Мисрийдир. Хавофийнинг тариқат силсиласи ҳам шу кишига бориб тақалади (Абдурахмон Мисрийнинг силсиласи: Шайх Жамолиддин Юсуф Гўроний — Шайх Ҳисомид-

дин Шамшерий — Шайх Нажмиддин Маҳмуди Исфаҳоний — Шайх Нуриддин Абдуссамади Назизий (Жомий, «Нафаҳотул-унс», 474-бет).

Шайхларнинг силсиласини аниқлашга эътибор қилишимиздан мақсад Ҳиротда ва умуман, теурийлар даврида, асосан, нақшбандия силсиласи тарқалган, дарвешлар шу силсила шайхлари атрофига уюшган эдилар, деган қарашнинг унча ҳам тўғри эмаслигини кўрсатишдан иборат. Ҳиротда тасаввуфнинг турли тоифадаги тариқати амал қилган, кишилар хоҳлаган, кўнгли чопган шайхга мурид тушган. Бундай эркин танлаш Ҳирот маънавиятининг икки буюк пешвоси Жомий ва Навоийда ҳам кўзга ташланади. Шунинг учун Алишер Навоий Саййид Ҳасанни бирор-бир силсила пирига сиғингани учун эмас, балки, умуман, дарвеш бўлгани, юракдан фақру фанога берилгани учун ҳурмат қилади. Нақшбандия сулукида чилла ўтиришга кам эътибор берилган, уларда суҳбат орқали кўнгилни кўнгилга улаш, ҳикмату каромат билан таъсир этиш хуш кўрилар эди. Саййид Ҳасан эса, кўриб ўтганимиздай, чилла ўтириб, хилватнишинлик қилган. Яна бир диққат қилинадиган нарса бор. Бу — Саййид Ҳасан Ардашернинг қизиққан, эътиқод кўйган муаллифлари масаласи. Навоийнинг гувоҳлик беришича, у тасаввуф назариётчиларидан Абу Ҳомид Ғаззолий ва Азизиддин Насафий асарларини кўп қадрлаб, мутолаа этган. Бу олимлардан Ғаззолийнинг номи бир қадар таниш, аммо Азизиддин Насафийнинг кимлигини китобхонларимиз кам билади. Ваҳоланки, у XIII асрда яшаб ўтган қаршилик (Қаршининг эски номи Насаф эди) атоқли файласуф эди. Унинг тасаввуф назарияси, айниқса, бу таълимотнинг ўзига хос қаноти бўлмиш «офоқу анфус» (катта ва кичик олам) назариясини ривожлантиришдаги хизмати катта. Азизиддин Насафийнинг сўфийлик тариқати ва ваҳдати вужуд, калом ва ҳикматни солиштириб иншо этган «Зубдатул-ҳақойиқ», («Ҳақиқатлар қаймоғи»), «Инсони комил», «Кашфул-ҳақойиқ», («Ҳақиқатларни кашф этиш»), «Мақсади ақса» («Охирги мақсад»), «Баёнут-танзил» («Юборилган баёни»), «Манозилус-соирин» («Йўловчилар манзили»), «Усул ва фуруъ» («Илдиз ва новдалар»), «Мабдаъ ва маод» («Сарчашма ва қай-

тиш») номли рисоалари бизгача етиб келган. Насафий қарашлари ўзининг холислиги, турли таълимотларни бетараф туриб, холисона таҳлил этиши киши диққатини тортади. Лекин, шуниси борки, олимнинг ўз шавқи ва майли «офоқу анфус» таълимоти томонида. Бу таълимотга биноан, инсон, яъни анфус кичик олам бўлиб, офоқ — катта олам (макрокосмос)нинг инъикосидир, бошқача айтганда, катта оламда нимаики ҳодиса-ҳаракат, сиру асрор, хислат-хусусиятлар мавжуд бўлса, у кичрайтирилган ҳолда инсон табиати, руҳиятида акс этади. Шу боис инсон, бир томондан, моддий дунё билан, иккинчи томондан, мутлақ руҳ билан зич боғлиқ ва у шу улуғ борлиқнинг марказига қараб интилаверади, ундан мадад олади, уни ўзида топади, танийди. «Офоқ ва анфус» назарияси аслида қарматийлар мафкураси сифатида пайдо бўлган (улуғ тожик шоири Носир Хусрав шу мазҳабда эди). Азизиддин Насафий мазкур таълимотни тасаввуф ва ваҳдати вужуд назарияси билан келиштириш, синтезлаш пайида бўлган.

Кўринадики, Саййид Ҳасан Ардашернинг қизиқишлари хийла кенг ва анча чуқурлашиб, «қалтис» уфқларга тақалган. Демак, у фақат ҳаёт тарзи билан ринд-дарвеш бўлиб қолмасдан, балки, мафкура, дунёқараш, илмий қизиқиш нуқтаи назаридан ҳам эркин фикрли, мустақил одам бўлган. Ахир, Азизиддин қарашлари расмий дин ва калом аҳлигагина эмас, шариату ҳақиқатни бир деб ҳисобловчи сўфий шайхларга ҳам унча маъқул эмас эди. Жомийнинг «Нафаҳотул-унс» ва Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат» асарларида Ибн Арабий, Шаҳобиддин Сухравардий, Абдуллоҳ Ансорий, Имом Ғаззолий каби илоҳиёт олимларининг номлари зикр этилгани ҳолда, Азизиддин Насафийни учратмаймиз. Буларнинг ҳаммаси камсухан, фақиру ҳақир кўринишли Саййид Ҳасаннинг ботинан нақадар теран ва улуғ инсон бўлганидан гувоҳлик беради.

Сўфий шайхлар хориқулудда ишлари билан одамларни қойил қилиш, илоҳий ғаройиботларни кўрсатишни хуш кўрганлар. «Нафаҳотул-унс» ва «Насойимул-муҳаббат»да бунақа мисоллар кўп. Аммо Саййид Ҳасанда бундай «ғайриоддий» хислат сезилмаган. Навоий буни қайд этмайди.

Унинг буюк фазилати — одамийлиги. Бардошли, ҳаётсевар киши бўлиши билан бошқалардан ажралиб турган. Ҳатто ягона азиз фарзанди вафот этганда ҳам, ўзи йиғламай, бошқаларни ҳам мотам тутишга қўймай, рози-ризolik билан кўмади. Навоий буни дарвешлик талабларидан бири — Ҳаққа, Унинг тақдирига қарши бормаслик, тақдирга кўниш фазилати сифатида қайд этади.

Саййид Ҳасаннинг фикрича, амал-мансаб кишилари худди чоғир ичган маст одамга ўхшайди, фарқ шундаки, дейди у, «чоғир мастлиги ичган кундур, аммо жоҳ (мансаб) мастлиги агар соҳибжоҳ йиллар жоҳ устидадурким, мастдур». Бу мастлик амалдор мансабдан кетгандан кейингина тарқалади: «Ажаб майедурким, бадмастлиги одамийни йиллар ўзидан беҳабар қилгай».

Саййид Ҳасан умр бўйи шоҳу шаҳзодалар билан алоқада бўлди, сарой ҳашамати, жавоҳирларнинг кўзни қамаштирувчи жиоларини кўрди, бироқ шунга қарамай, у бойликка ички бир нафрат билан яшаган, буни пайти келганда изҳор этган ҳам. Масалан, бир ўтиришда биров: «Лаъл санг асту деги сангин санг, аммо андар миён тафовут-ҳост», — ҳикматини ўзича изоҳлаб, тош қозон бўлганда ҳам тош-да, қимматли лаълга тенг келармиди, деган гапни айтади. Шунда Саййид Ҳасан: «Ҳа, тош қозон билан лаъл — иккаласи ҳам тош, амма орада тафовут бор, тош қозон одамларга нафъ келтиради, лаъл эса нуқул зарар», — дея бутунлай бошқа маънони баён этади. Бу суҳбат кечаётган пайтда, деб давом этади Навоий, «Султон Абусаид мирзо ҳар кишида жавоҳир бўлса олиб, бўлмаса тафаҳхусида (қўрқитишда) муболағалар қилиб, анвойи изо ва зарар етказиб эрди. Ва бу байтни ўқуғон мажлисда ҳам тош қозонда ош пишур эрди». Лаъл — офат. Лаъл — дунё, бойлик рамзи. Лаъл — тож безаги, ҳокимият рамзи. Демак, шоҳлик, ҳокимият ҳам офат, халқ бошига кулфат келтирадиган нарса. Саййид Ҳасан ва Алишер Навоий эътиқоди шундай. Лаъл бўлиб, шоҳ тожини безагандан кўра, тош қозон бўлиб, оддий одамларнинг ҳожатини чиқариш афзал.

Олтин-жавоҳир билан тириклик воситаси бўлган зарурий нарсаларни қиёслаш ва қимматли буюмларнинг қимматсизлигини кўрсатиш Навоийгача яшаган муал-

лифларда ҳам бор эди. Чунончи, Саъдий Шерозий «Гулистон»да шу муносабат билан иккита ҳикоят келтирган. Ҳикоятларнинг бирида айтилишича, чўлда йўлини йўқотиб, очликдан қийналган бир араб тўсатдан ҳамён тўла марварид топиб олади. «Аввал ўйладимки, бу қовурдоқдир ва шодлигимнинг чеки йўқ эди, кейин билдимки, марварид экан, умидсизланиб, бадтар хафа бўлдим», — дейди араб. Саъдий ёзади:

Дар биёбони хушку реги равон,
Ташнаро дар даҳон чи дур, чи садаф.
Марди бе тўша, к-ў ўфтод аз пой,
Бар камарбанди ў чи зар, чи ҳазаф!

(Қақраган чўлу қум саҳросида чанқаган одамнинг оғзида дур ёки садаф бўлишидан нима фойда? Сафарда озуқасиз оёқдан қолган кишининг ҳамёнида олтин бўлди нима-ю, сафол парчаси бўлди нима?)

Иккинчи бир ҳикоятда худди шундай мусофирнинг биёбонда адашиб, очлик ва ташналиқдан жон бергани тасвирланади. Унинг жасадини топган одамлар белида олтин тўла ҳамёнининг борлигини кўрадилар. «Биёбонда қолган одамга олтин-кумушдан кўра пиширилган шолғом бўлса, авло эди», — дея яқунлайди сўзини Саъдий.

Бу ҳикоятларда олтин-жавоҳирнинг нозарурий пайтда арзимас нарсаларга айланиб қолиши тасвирланади. Шу жиҳати билан Саъдий ғоялари Саййид Ҳасан ва Алишер Навоий қарашларига ҳамоҳанг, аммо, назаримда, Саййид Ҳасан Ардашернинг фикри аниқ бир даврга мувофиқлиги билан ва мазмунан йўналишига кўра ижтимоийроқ ва ўткирроқ. Чунки Саъдий қаҳрамонлари жамиятдан ажралганлар, яъни Саъдий қимматбаҳо нарсаларнинг жамиятдан ташқарида арзимаслиги, ҳаёти хавф остида қолганда ёрдам беролмаслигини кўрсатмоқчи бўлса, Саййид Ҳасан, умуман, жамиятнинг ўзида ҳам қимматли тошлар, жавоҳирот камбағал учун кераксиз нарсалигини таъкидлаган. Саййид Ҳасан фикрида, шундай қилиб, бойликка, мол-мулкка салбий муносабат, умуман, дунё ашёларига бўлган тасаввуфий қараш ёрқинроқ ва чуқурроқ акс этган. Шундай қилиб, Саййид Ҳасан Ардашер феъл-атворида, бир томондан, Шарқ инсонпарвар адиблари, улғу шоирларнинг ях-

шилик ва эзгулик ҳақидаги, хайрбахш, покиза инсон тўғри-сидаги ғоялари, сифат-фазилатлар, иккинчи томондан, тасаввуф аҳли ахлоқининг аркони, улуғ шайхлар ва фақир сўфийларнинг хислат-хусусияти ўз аксини топган. Зотан, бу жиҳатлар бир-бири билан боғлиқ: Шарқ адиблари учун хайр ва эзгулик, ахлоқий етуклик ва тариқат бир нарса, бошқача айтганда, эзгу ахлоқни бизнинг ажлодларимиз тасаввуф ақидалари, маърифат ва шариятдан ажратиб тасаввур қилолмаганлар. Шунинг учун ҳам Навоий Саййид Ҳасаннинг намунали ахлоқини тасвирлар экан, бу фази-латларни унинг дарвешлиги, фонийлиги билан қўшиб таъ-рифлайди, аниқроғи, унинг ахлоқини дарвешлигидан кел-тириб чиқаради. Шу ўринда Саййид Ҳасанни Абдурахмон Жомий билан қиёсламоқчимиз.

Албатта, Жомий — улуғ олим, тасаввуф назариётчиси ва бу таълимот асосларини шеър дostonларида куйла-ган, тарғиб этган одам. Навоий пири Абдурахмон Жомий-нинг фазилатларини таърифлаганда «қошифи сирри Илоҳ» («Илоҳиёт сирларини кашф этган одам»), «Муршиди аҳли тавҳид» («Ваҳдат — ягоналик тарафдорларининг раҳна-моси»), «Пири соликон» («Тариқат аҳлининг пири»), «Ҳодии роҳи фано» («Фано йўлининг раҳнамоси») каби сифатларни келтиради. Яъни Жомий оддий сўфий эмас, у пир, раҳнамо, одамларни маърифат сари бошлаш қудра-тига эга, маърифатнинг чашмасидан баҳраманд бўлиб, шу чашма кўзини очганлардан.

Саййид Ҳасан-чи? Саййид Ҳасан бу даражага кута-рилган эмас, у оддий дарвеш. Лекин хулқу хислати, кара-му саховати билан у ҳам буюк, унинг камтаринлиги, хок-сорлиги Жомийга монанд. Шу боис ҳазрат Навоий уларни баравар улуғлайди, баъзан тенг қўяди ҳам. Чунончи, мар-сия — таркибандда ўқиймиз:

Баҳри урфон дури — Саййид Ҳасан, улки афлок,
Етти дуржи аро бир кўрмади андоқ дурри пок.

Ёки «Насойимул-муҳаббат»да ёзади: «Бу ҳақири фақр тарихида ва фано жодасида алардек тамом киши оз кўруб-мен». Шу каби Навоий Саййид Ҳасанга нисбатан ҳам «Муршиди аҳрор» («Хур — озодлар пири»), «Қошифи ас-рори Илоҳ» («Илоҳ сирларининг кашф этувчиси») си-

фатларини қўллаган. Қиёсимиз тўлароқ бўлсин учун Жомий ва Саййид Ҳасан вафотларига бағишланган марсиялардан қуйидаги бандларни ўқувчиларга ҳавола қилмоқчимиз. Жомийга бағишланган марсиядан:

Дўстон, дар ҳама фан нодираи олам кў?
Афзалу афсаҳи ажноси бани одам кў?
Дар биёбони таманнош халойиқ мурданд,
Бар давоми ҳама он Хизри Масиҳолам кў?
Дили асҳоб шуд аз тиғи фироқаш сад захм,
Он, ки буди ба ҳама хулқи хушаш марҳам кў?
На ки дар хонақаҳи зуҳд фитод ин мотам,
Дар хароботи фано низ ба чуз мотам кў?..

Мазмуни:

Эй дўстлар, ҳамма фанда олам яғонаси қани?
Бани одам жинсининг энг тозаси ва афзали қани?
Халойиқ уни кўриш орзусида зор бўлдилар,
Бунинг давоми — Исо нафаслик Хизр қани?
Сухбатдошлари кўнгли фироқида пора бўлди,
Ўз хуш хулқи билан ҳаммага марҳам бўлган қани?
Бу мотам фақат зуҳд хонақосида эмас,
Фано хароботида ҳам фақат мотамга сабаб бўлган
зот қани?

Жомий мотамига бағишланган марсиянинг ҳар банди ўн байтдан. Биз юқоридаги мисол билан кифояландик.

Энди Саййид Ҳасанга бағишланган марсиядан парча келтирамиз:

Эй фалак, ул солики автор қани?
Фақр автори аро қошифи асрор қани?
Фақр манзилларининг раҳрави, бал раҳбари,
Ҳодии аҳли фано, муршиди аҳрор қани?
Курб айвониға тақво йўлидин гом урган,
Восили борғаҳи Қодири Фаффор қани?
Мени мотамзадага ҳам ота, ҳам муршиду пир,
Балки ҳам ғамхўру ҳам ёвару ҳам ёр қани?

«Автор» — ҳожат, мурод-мақсад, «курб» — Илоҳ ҳузурига яқинлашиш, «висол» — етишган, «борғаҳ» — даргоҳ, Илоҳ даргоҳи маъноларини беради. Кўриниб турибдики, марсияларнинг маъно-мазмунида ҳам, оҳанг маъромиди ҳам ўхшашлик бор. Аммо ўзаро фарқ йўқ эмас: Жомий марсиясида унинг машҳурлиги, «нодираи дав-

рон» — давр яғонаси эканлиги таъкидланса, Саййид Ҳасан марсиясида самимий руҳ, марҳумнинг ҳақиру фақир, улуғ дарвешлигини таъкидлаш кучли. Дарҳақиқат, Алишер Навоий Самарқанддан ёзган мактубидан бошлаб, Саййид Ҳасан ҳаётида иншо этган барча асарларида унинг ана шу фақирлиги, фақру фано кишиси эканлигини асосий фазилат сифатида қайд этади. Чунончи, «Соқийнома»да дейди:

Фонийи мутлақ, озода ҳам ул,
Гармрӯ солики афтода ҳам ул.

«Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асари ҳам «Солики фоний ва гавҳари коний ва орифи маоний» деган тавсиф билан бошланади. «Соқийнома»да Саййид Ҳасан ҳақида гап кетганда яна «дайри фано», «харобот эли», «фониёна хирқа», «тани хокнишин», «пири турк» каби сўз ва таърифларни учратамиз. Хуллас, Навоийнинг бу зот ҳақида ёзган асарларини ўқиганда, тасаввуф ва тариқат кишисининг тимсолий қиёфаси кўз олдимизда гавдаланаверади.

Фақру фано Саййид Ҳасан сийрати ва ҳаётини белгиловчи бош хусусият. «Фақр»нинг маъноси дарвешлик, яъни дунёдан бениёз бўлиб, тамани узиб, Худога ниёзманд, талабгор бўлиш. Бу — тариқат йўлига кирган одамнинг босиб ўтадиган руҳий-маънавий мақомларидан бири эканини ҳам биламиз. Яъни: тавба, зуҳд, вараъдан кейин келадиган босқич. Саййид Жаъфар Сажжодий фақирга таъриф бериб, дейди: «Мол-мулки бўлмаган, ёинки, бўлса ҳам, унинг учун бўлмаган кишига фақир дейилади ва фақир деб Ҳаққа талабгор бўлган, ўз муродини Ҳақ остонасидан излайдиган кишига айтилади» («Истилоҳоти урафо», саҳ. 316). Аммо қайд этишимиз керакки, Алишер Навоий Саййид Ҳасаннинг фақирлиги, фонийлиги ҳақида гапирганда, унинг сўфийлик даражаларини эгаллаши, муайян мақомга мушарраф бўлишини баён этмоқчи эмас, Навоий бу ўринда умуман дарвешлик сулуки, илоҳий жазбанинг кучи, айни тасвир ва таъриф этилаётган шахснинг характери, табиати ва ахлоқий сифатларини ажратиб кўрсатишни кўзлаган. Шунинг учун бу ерда «фақр» ва «фано» сўзлари умуман ориф одам, дарвешни содиқнинг хислатини белгиловчи сўзлар сифатида қабул қилиниши

керак. Жалолиддин Румий самоъ билан машғул бўлган вақтда дарвешлардан бирининг кўнглида «фақр» нима экан, буни Мавлонодан сўраш керак, деган савол туғилди. Мавлоно Румий буни қалбан ҳис этиб, самоъ ичида рақсга тушаётиб, дарвеш саволига қуйидаги арабча рубоий билан жавоб беради:

Ал жавҳара фақрун ва савиюл фақри аразун,
Ал фақра шифоун ва савиюл фақри маразун,
Ал алома куллу ҳидоун ва гурурун,
Вал фақру минал олами лаббун ва ғаразун.

(Фақр — асл жавҳар ва фақрдан бошқаси — асл бўлмаган нарсалар. Фақр — шифо, фақрдан айрилиш, яъни бойиш — касалликдир. Бутун олам — найранг, мағрурлик, фақр олами эса — ҳикмат ва қутулиш).

Бу рубоийда Румий масалани фалсафий йўсинда тунтирган: жавҳар — ҳар бир нарса ва ҳодисанинг моҳияти, ўзгармас мағзи, айни шу маънода Мутлақ Илоҳ сифати ҳам. Араз эса — зоҳирий кўриниш, яъни ўзгарувчи дунё. Зоҳирий ранг, шакл ҳеч қачон моҳиятнинг ўзи эмас. Бир касаллик туфайли пайдо бўлган бошқа касалликни ҳам араз дейдиларки, Румий бу ўринда сўз ўйини қилиб, зоҳирий ранглар, нарсаларга маҳлиёлик — касаллик, унинг давоси — фақр демоқчи бўлади.

Демак, фақр — жавҳар, ажиб хислатли одамларнинг моҳиятини белгилайдиган сифат. Энди шу нуқтаи назардан Алишер Навоийнинг Самарқанддан Саййид Ҳасанга юборилган мактубидаги икки хил солиқ ҳақида баён этган фикрини эслайлик. Навоий Илоҳдан жазба теккан кишини «мажзуби солиқ», аввалида жазба теккан бўлмаса ҳам, лекин пирга таслим бўлиб, унинг раҳбарлигида жазба ҳосил қилган одамни «солиқи мажзуб» деб атаганини кўрган эдик. Маълум бўладики, Саййид Ҳасан Ардашер ёшлигидан жазба теккан мажзуби солиқ экан. Фақр гавҳари унинг сийратида экан. Буни Навоий билар ва ус-тозининг бутун фониёна ишларини маъқулларди.

Аммо, шуниси борки, фақру фано йўли — ғоят мушкул, азобу уқубатли йўл. Жомий ҳазратлари буюрадилар:

Ганжест нақти фақр, ки онро тилисмҳост,
Мушкилтарин тилисм тилисми вужуди мост.

(Фақр — тилсим қилинган ганж, энг мушкул тилсим эса — вужудимиз тилсими).

Чунки вужуд ҳамма вақт дунё молига қараб интилади, нафс ҳукмида бўлади. Вужуд аждаҳоси фақр ганжининг устида ётади. Нафс билан жангга кириш, деб давом этади Жомий, даҳшатли дев билан курашгандай гап. Дунё хуснига, неъматига маҳлиё бўлган одам бу девни енголмайди. Бу девни фақат ваҳдат билан қуролланган солиқ енгиши мумкин:

Фақр аст роҳати жаҳон, зинҳор аз он
Майли ғано макун, ки ғано сурати аност...

Гў: тахту тож зеру забар шав. ки бок нест
Дарвешро, ки тож намад, тахт бўрьёст.

(Икки дунёнинг роҳати — фақр, шу боис зинҳор бойликка мойил бўлма, чунки бойлик — ано, яъни ранжу машаққатдан иборат. Тахту тож яксон бўлсин, тожи кигиз ва тахти бўйра бўлган дарвеш бундан ташвишланмайди).

Саййид Ҳасан Ардашер ана шундай қаҳрамонликка борган, мард инсон эди. Унинг дунёни ҳам, тожу тахт ва мансабу жоҳни ҳам тарк этгани — бунинг ёрқин далили.

ТИМСОЛААР ТИМСОЛИ

Шарқ халқлари тафаккури тарихига чуқур илдиз отган тасаввуф таълимотини яхши билмай туриб, Алишер Навоий дунёқараши ва адабий меросини барча мураккабликлари, фалсафий теранлиги билан тўлиқ ҳолда тўғри, ҳаққоний ёритиб бериш мушкул.

Ваҳоланки, Навоий мероси — яхлит бир адабий воқелик, бебаҳо маънавий хазина. Ва яна муҳими шундаки, шоирнинг ўлмас гуманизм билан кўқарган ҳаётбахш гоёлари «дунёвий» асарларида қандай порлаб турса, биз бир чеккага суриб қўймоқчи бўлган «илоҳий» асарларида ҳам шундай куч билан нур таратиб туради. Зотан, улар зоҳирий жиҳатдан шундай, аслида эса, ботиний маънолари моҳиятига кўра бир хил фалсафий-тасаввуфий қарашлар силсиласига бориб тақаладиган, ўзаро узвий алоқадор асарлар бўлиб, бирини иккинчисисиз тушуниш қийин. Бас, шундай экан, шоир асарларида учрайдиган ишқ, май, маҳбуб, харобот, соқий, соғар, қадах, хум сингари кўпдан-кўп киноя-тимсоллар, рамзий маъноли сўзлар ва улар орасида ётган яширин маънолар асрори ҳам унинг ижоди яхлит бир бутунликда олиб текширилиб, олам ва одам ҳақидаги мушоҳада-мукошифалари ичида шарҳлансагина, мазмуни керакли даражада аниқ ойдинлашиши мумкин.

Масалан, қуйидаги ғазални олайлик:

Каманд учига еткурмас ғаму андеша айёри,
Бийик чекмиш магар майхона томин сунъ меъмори.
Хуморим заъфида қаҳгил иси то етти маст ўлдум,
Сувалмишдур магар май лойидин майхона девори.
Тўла куб оғзи май, хуршидедур, гўё тенг очилмиш
Чекарда бу ики хуршид даврин сунъ паргори.
Май ичмиш хонақоҳ шайхи, харобот аҳли, айш айланг,
Ки чиқмиш баҳя урғон хирқасидин маблағи кори.
Кўринган мосиво буди эмас, балки намудидир,
Май устида хубобу мавж шаклининг намудори.

Хубобу мавж май таҳрикидин зоҳирдурур, лекин
Сукун топгон вужуди, майдин ўзга қайдадур бори?
Қуёш аксимудур ҳайвон суйида, ё қурунмишдур
Равоносо май ичра соқии гулчеҳра рухсори.
Фано дайрин кўнгул истарки, бир-бир пири дайр элга
Тутарда бода, шояд, журъае сунгай бизинг сори.
Навосидин фано чун ҳосил ўлди, қилгасен, эй ишқ,
Навоий риштаи жонин муғанний удининг тори.

Хўш, бу ғазалда қандай ғоя ифодаланган? Май ва унинг
хосиятларини таърифлашдан мурод нима?

Ўз-ўзидан аёнки, Навоий зикр этган май биз тасаввур
қилган спиртли ичимлик эмас. Шоир сира ҳам буни на-
зарда тутмаган. Билъакс, ўта тақводор ва покдомон бўлган
Навоий замонасининг ишратпараст, майхўр кишиларини
қаҳру ғазаб билан танқид остига олиб, шаробни «уммул
хабоис», яъни барча ёмонликлар, фалокатлар онаси деб
эълон қилган. «Ҳайратул-аброр» достонида бўлса, бадмаст-
ларнинг масхарали ҳажвий қиёфасини яратиб, уларни элга
шарманда этган. Ушбу ғазалда шоир майни илоҳий ишқ
— маърифат, дониш иштиёқининг авжи қиёми, Ёр жа-
моли мушоҳадасидан ошиқ дилида пайдо бўлган кучли
завқ — илҳомнинг, беҳад хурсандлик, сурурнинг рамзий
ифодаси сифатида тилга олган. Хумор бўлиш, майпараст-
лик ҳам бу ерда шунга мувофиқ. Буюк нур чашмасидан
хузурланиш, висол беҳудлиги, ҳаёт, табиат зеболиги ҳамда
ақл ва тафаккур етмайдиган, аммо кўнгил билан ҳис эти-
ладиган Мутлақ руҳ мўъжизоти жилвасидан баҳраманд-
лик ва шунга талпиниш сархушлигидир.

Чунки Навоий эътиқод қўйган фалсафий таълимотга
биноан, олам азалий ва абадий ягона Рухнинг ўз-ўзини
севиб, ўз жамолини томошо қилиш истагидан пайдо бўлган
кўзгудир. Бирламчи қудрат порлашидан таралган нур бу
кўзгуда акс этади, яъни моддий дунёдаги жамики мавжу-
дот ва махлуқот — заррадан қуёшгача, еру кўк, собиту
сайёра шу нур билан ёритилади, шу нур туфайли ҳаракат-
ланади, муайян уйғунлик ичра ривожланиб туради. Бу ило-
ҳий тажаллини шоирлар май тимсолида қабул қилганлар.
Моддий дунё эса, шу тасаввур бўйича, жом ёки қадаҳдир.
Дунёнинг ранго-ранг товланишлари, ўзгариш, янгилиниш-
лар, табиатнинг турфа сиру асрори, ҳодиса-ашёлари, ба-

ҳорий уйғониш, чунончи, даракларнинг кўкариб, гуллаб мева боғлаши, дашту даранинг ўт-ўлан билан қопланиши, қушларнинг маст бўлиб сайраши, борингки, ҳаётнинг барча нашъу намоси, гуркираб кўринган нафосат тўфони шу май уммонининг мавжланиши, кўпириши деб тушунтирилган. Инсон ҳам мазкур кўзгунинг бир бўлаги, лекин у Руҳи мутлақ энг кўп акс этган хилқат. Чунки у холиқиятнинг сарвари ва ганжи гавҳари, яъни «икки олам истездодининг жамулжами» (Бедил). Инсон руҳи шу боистинимсиз равишда ўз манбаига қараб интилади. Бу интилиш дунёнинг ўзини идрок этиш ва ўз-ўзини англаб етиш орқали содир бўлгани сабабли инсон олам ҳодисалари гўзаллигини мушоҳада этиб, чексиз ҳайратланади. Ҳайрат эса ашё-ҳодисаларни билиб олиш қизиқишини кучайтиради. Шу тариқа, киши моҳият-ҳақиқатни билиш иштиёқи билан ёниб, борган сари кўпроқ ташвиш-тарадудда бўлади. Инсоннинг бутун ҳаётий фаолияти, ижод ва яратувчилик қобилияти, кашфу каромати ва файзу фазилатлари шу ишқнинг қудрати деб талқин этилган.

Аммо инсон табиати икки асос — руҳий ва моддий олам унсурларидан таркиб топгани учун бу унсурлар орасида кураш боради. Агар моддий асос бўлмиш жисм талаблари кучайса, у ҳирс ва шаҳват, ҳайвоний нафс домига гирифтор бўлиб, борган сари тубанлашади. Бу хавфнинг олдини олиш учун киши доимий равишда руҳий-маънавий эҳтиёжларини қондириб бориши, шу жиҳатни тарбиялашга бел боғламоқ даркор. Бу ишда унга ўзидан кўра комилроқ инсон — пир раҳнамолик қилади. Пир ёки ориф деб тасаввуф аҳли ақлу донишда етук, маърифат нури билан қалби лиммо-лим, пок ният, покиза ахлоқли закий одамни назарда тутганлар. Пир — кўнгил маҳрами, ҳамдард, ҳаммаслак киши. Навоий назарида Жомий ана шундай шахс бўлган. Бундай шахслар ҳамма вақт эзгуликни ўйлаб, ўзига эргашган одамларни қалб саховати билан тарбиялаганлар, уларнинг иродасини чиништириб, кўнгил чашмасининг кўзини очиб, оламни янгича тушунишга, Ҳақ йўлни ҳимоя қилишга ўргатганлар. Юқорида келтирганимиз ғазалда шу маънолар ифодаланган. Буни конкрет изоҳлар билан шарҳлаб, тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Ғазалнинг биринчи байтида ғаму андеша айёри, сунъ меъмори, каманд, майхона каби сўз ва бирикмалар изоҳга муҳтож. Каманд шеъриятда аксар ёр сочи ўрнида истиора сифатида қўлланилади. Бироқ бу ўринда Навоий унинг асл луғавий маъноси — арқонни назарда тутган. Ғаму андеша айёри — ақл тадбиркорлиги, ақлу ташвиш тадбири деган маънони беради. Майхона эса «шавқу завқ ва илоҳий маърифат тўлиб-тошган комил инсон — орифнинг ботиний дунёси ва руҳи мутлақ манбаидир» (Саййид Жаъфар Сажжодий. «Мусталиқоти урафо», 392-бет). Сунъ меъмори — Худо. Энди байтнинг мазмунига келсак, Алишер Навоий баланд иморатлар, сарой ва қалъаларнинг кунгурасига арқон ташлаб, тарманиб том устига чиқиш одатига ишора қилиб, дейди: «Азал меъмори — Худо майхона томини шунчалик улуг ва баланд қилиб қурган эканки, фикру ташвиш тадбирининг арқони унинг кунгурасининг учига етмайди». Шоирнинг таъкидича, ақл ва тадбир билан майхона қалъасини забт этиш мумкин эмас. Нега? Чунки ориф қалбининг маърифати ва у орқали илоҳий руҳ манбаининг беқиёс гўзаллигини идрок этишга (шуни айтиш керакки, Навоий ибора-тимсолларида ҳар доим икки маъно — ориф қалби ва Руҳи мутлақ биргаликда кўзда тutilади, зеро ориф қалби Олий зот манбаига олиб борадиган бир восита, кўприк деб қаралган) фақат қалб ва руҳ қодирдир; ақлий мушоҳада, мантиқий-тафаккурий билиш усули бунга қобил эмас. Маълум бўладики, Алишер Навоий ғазалнинг матлаъиданоқ тасаввуф тариқатининг асосий талабларидан бирини баён этган. Бу талаб тариқат йўлига қадам қўйган одам угун биринчи жиддий мушкулот ҳам эди, чунки ақлу ҳуш қудрати етмайдиган нарсага кўнгил майли билан эришиш — руҳий иродани қайтадан қуриш, ўзини ўз виждони, эътиқоди олдида жавобгар ҳисоблаб, қаттиқ назорат остига олиш, жуда куп дунёвий ҳавас-хоҳишлардан воз кечиш демақдир. Майхона қасрининг буюклиги олам сиру асрори, ажойиботлари, ҳодиса-воқеаларининг беҳад кўплиги, уни билиш, моҳиятига етиш қийинчилигидир, айна вақтда саркаш нафс қутқуларини енгиш, юксак ахлоқий одам бўлиш машаққатларини ҳам англатади.

Иккинчи байт биринчи байтдаги фикрни давом эттиради: толиб (ёки ошиқ) ақлу тадбир билан комил инсон

мартабасига кўтарилишга — майхонани забт этишга кўзи етмагандан кейин, бу бинонинг деворларини ҳидлаш билан қаноатланади. Яъни, пирнинг муҳитига яқинлашиб, унга қўл бериб, дастлабки насиҳатларини эшитишдан баҳра олади. **Майхона девори**, шундай қилиб, пири комилнинг муҳити, ташқи, зоҳирий дунёсидир. Иккинчи тарафдан, бу — бизни ўраб олган моддий дунё ҳам. Чунки қалъа руҳ манбаини идрок этиш, аввало қалъа деворлари — дунё ашёларини ўрганиш, хаёл ва сезгилар орқали унинг моҳиятига етиб бориш билан амалга ошади. **Заъфи хумор** — кайфнинг тарқала бошлаши, ишқнинг вақтинча сусайиши, ҳақиқатга шубҳа билан қараш, шубҳаланиш лаҳзасини билдиради. **Каҳгил** — сомонли лой. **Май лойи** — шароб куйқуми, дунё мулки, ҳирсий иштиёқлардан ҳали покланмаган руҳ тимсоли. Алҳосил, байтнинг мазмуни қуйидагича: «Майхона деворини май лойи билан шуваганлар шекилли, хуморим тарқалганда димоғимга сомонли лой ҳиди уриб, яна маст бўлдим». Ёки: «Муҳаббатим вақтинча сусайганда (кўнгилда шубҳа туғилганда), пирга яқинлашганим сабабли шубҳаларим тарқалиб, қалбимда ишқ яна аввалгидай алангаланди». Пирнинг ички олами унинг нутқи, ҳаракатлари, кароматида зухур этганидай, Руҳи мутлақ ҳам дунё гўзаллигида жилваланиб, кишини мафтун этади. Орифнинг завқи салиҳаси, нозикфаҳм заковати дақиқ маънолар мағзини осон чақиб, мушкул масалаларни ички бир фаросат билан ҳал қилиб бера олади. Бу худди қадаҳдан томган май томчилари каби ошиқ дилига ҳикмат нури бўлиб қуйилади. Шу маънода тасаввуф аҳли хум, хумхона, соғар, жом, майкада деганда ҳам орифнинг нурфайз жозиб юрагини тушунганлар.

Учинчи байтда изоҳталаб учта сўз бор. Булар: **куб**, **хуршид**, **паргор**. Куб — шароб сақланадиган хум, мажозий маънода, боя айтганимиздай, орифнинг кўнгли ва Руҳи мутлақ. Хуршид — қуёш. Паргор — доира чизадиган асбоб (циркул); баъзан йўл-йўриқ, чора-тадбир маъносида ҳам қўлланилади. Шунга кўра ғазалнинг учинчи байтини ҳозирги тилимизга бундай таржима қилса бўлади: «Оғзигача май тўлғазилган хум худди қуёшга ўхшайди, гўё Аллоҳнинг доира чизгичи бу икки қуёшнинг (яъни фалак қуёши ва май хумининг) гардишини чизганда бир пайтда баравар

очилгандай». Ёхуд: «Май хуми билан қуёшнинг тархи бир хил, улар бирга бир вақтда яратилган ўхшаш нарсалардир». Шоир айтмоқчики, қуёш ҳам май хуми, яъни бирламчи манбадан нишона. Шу сабабли улар бир-бирининг мавжудлигини исботлайдилар — қуёшнинг далили қуёш. Май хумини қуёшга ўхшатиш билан Навоий ориф қалбининг саховати, карамининг бепоёнлигини таъкидламоқчи, зеро қуёш ўз ҳарорати, зиёси билан оламини мунаввар этгандай, ориф қалби ҳам ошиқларни фаровон баҳравар эта олади. Бундан ташқари, бу ерда толибнинг зоҳирий мушоҳададан (майхона деворини ҳидлаш) аста-секин ботиний маъноларни англаш сари бораётгани, бундан ҳайратланаётгани ҳам ифодаланган.

Тўртинчи байт шарҳи. **Хонақоҳ** — сўфийлар йиғилиб, важду самоъ билан шуғулланадиган жой. **Харобот** сўзининг луғавий маъноси вайрона, шаробхона бўлса-да, аммо тасаввуф аҳли истилоҳида инсон жисмининг хароб бўлиши — қаноат, фақр йўлига кириб, ҳайвоний нафслар, керак-сиз, ёмон хулқ-одатлардан қутулиб, ўзни хоксорлик, камтаринлик рутбасига солишдир. **Хароботийлар**, яъни риндлар «майхона тараддудидан бехонумонлиги ва паймона таллуқидин бесарусомонлиги» («Маҳбубул-қулуб») билан машҳур. Улар учун «тожу тахт туфроғ билан тенг», ҳамма нарсадан фориг, ёлғиз ёр ишқида сармаст. **Хирқа** — сўфийлар киядиган йиртиқ жанда кийим. Бундан ташқари, инсоннинг бадани, сурати ва ашёлар олами ҳам. **Баҳя** — ямоқ, жияк. **Маблағи кори** — ишининг натижаси, аҳволи, борбуди демак. Хуллас, байтнинг мазмуни бундай: «Хонақоҳ шайхи май ичибди, яъни унинг кўнглида илоҳий нур порлаб, бу ҳузурдан сархуш бўлибди. Эй ошиқ хароботийлар, сиз ҳам бу хабардан хурсанд бўлиб, важд-қолга тушинг. Кўрмайсизми, шайхнинг аҳволи унинг жанда тўнининг йиртиқларидан маълум бўлди, яъни ботиний олами юзага чиқди, маърифат нури шуълаланди». Байтнинг иккинчи сатрида сўфийларнинг ўз жамоалари мажлисида жазава хуружида рақсу самоъга тушиб, кийимлари чок-чокидан сўкилиб кетишига ишора бор.

Бешинчи ва олтинчи байтларда шоирона ифода-тимсоллар орқали қадимги ва ҳозирги фалсафанинг учта муҳим категорияси тушунтирилган. Булар моҳият ва ҳодиса,

мазмун ва шакл, жузъ ва кулл (яккалик ва умумийлик) категорияларидир. Бироқ фалсафий категориялар ҳақида гапиришдан олдин нотаниш сўзларнинг маъносини билиб олишимиз керак. Масалан, *мосиво* — гайр, ўзга, ундан бошқа деган маъноларни ифодалаб келади. Мазкур фалсафий-тасаввуфий истилоҳнинг моъдо деган иккинчи атамаси ҳам бор. Навоий девонининг биринчи ғазалида шу сўз ишлатилган. Шарҳланаётган ғазалимизда эса, шоир *мосиво* деб моддий борлик, яъни дунёни назарда тутган. Чунки дунё Мутлақ руҳ билан инсон орасида, яъни қалб билан «У» орасида гайр, бегона бир тўсиқ, ўзгалиқдир. Шу каби ошиқ билан маъшуқ орасида парда бўлиб турган жисм, бадан ва унинг эҳтиёжлари ҳам ўзгалиқдир. Шарқ шоирлари асарларида учрайдиган рақиб — севишганларни ажратиб турувчи шахс шу хусусиятларни жамлаган образ бўлиб гавдаланади. Бешинчи байтдаги буд — асос, ҳақиқий мавжудликни, *намуд* — кўриниш, шаклий белгиларни англатса, *хубоб* — сув ва бошқа суюқликлар юзасида пайдо бўладиган пуфакча. Бу сўз мавж билан биргаликда ҳаракат, моҳиятнинг зухуротини билдиради. Энди бешинчи байт мазмунини қайд этиш мумкин: «Кўзга ташланган нарсалар (ўзгалиқлар) зоти азалийнинг ҳақиқий моҳиятини англатмайди, шу сингари пуфакча ва тўлқин майнинг ўзи эмас, балки шаклий ифодасидир». Ёки бошқача қилиб айтсак: «Май устидаги пуфак ва мавж майнинг моҳиятини акс эттирмаганидай, «У»дан бошқа кўринган ашёлар «У»нинг борлиги — мавжудиятини белгиламайди, улар ташқи белгилардир, холос».

Шундай қилиб, ташқи дунё ва ундаги нарсалар моҳият эмас, балки ҳодисадир. Моҳият — Руҳи мутлақ ёки ориф кўнглидаги маърифат. Айни вақтда, моддий дунё — шакл, руҳ эса — мазмун. Инсон ҳодиса ва шаклларга маҳлиё бўлмаслиги керак, унинг мақсади ва вазифаси моҳият-мазмунни билиб олиш. Тўғрироғи, ҳодиса-шаклни билишдан моҳият мазмунни билишга қараб бориш. Демак, тасаввуфда дунё Мутлақ руҳ билан инсон орасидаги тўсиқ деб ҳисобланса-да, бироқ, барибир, дунёни билиш шарт қилиб қўйилган, дунёни билмасдан туриб моҳиятни (Ҳақни) идрок этиш мумкин эмаслиги тан олинган. Шу тариқа, ҳодиса моҳиятни билиш йўлида имтиҳон, чунки

у ранг-баранг ва хилма-хил. Шарқ файласуфлари бу миқдорий кўпликни асмо (исмлар), ашё (нарсалар), сифот (сифатлар), имтиёз (фарқлар), афъол (ҳаракат-фаолият), вазҳ (юз, жиҳат) ва бошқа истилоҳлар воситасида тавсиф этиб келганлар. Миқдорий хилма-хиллик мантиқий равишда, жузъият ва куллият, яъни тур ва жинс тушунчаларини келтириб чиқаради. Жузъият (тасаввуфчилар буни касрат ҳам деганлар) куллиятга, яъни ваҳдатга зиддир. Шундай бўлгач, уларнинг хусусиятида ҳам қарама-қаршилик мавжуд: ваҳдат — Бирламчи қудрат турғун, ҳаракатсиз жавҳар (субстанция) бўлса, касрат — тафсилийлик, доимий ҳаракат, ривожланиш қонуниятига тобеъ. Демак, майнинг мавж ва пуфакчаларини тамошо қилиш, мушоҳада этиш билан чегараланмасдан, худди ҳодисадан моҳиятта қараб борилгандай, касратдан ваҳдатга қараб бориш ва шу асосда бирламчи қудрат нафосатини идрок этиб, ҳузуруланиш мумкин. Ғазалнинг олтинчи байтида бу фикр очиқроқ ифодаланган (бунда таҳрик — ҳаракат, сукун — турғунлик, тиниш): «Пуфак билан тўлқин майнинг ҳаракати тажаллисидир. Бу ҳаракат тингач, тиниқ майнинг тоза вужудидан бошқа нима қолади?»

Бу вужудни идрок этган киши Ёр ҳузурига мушарраф бўлиб, фано мартабасига яқинлашадиким, ғазалнинг еттинчи байти шу хусусдадир. Ҳайвон суйи деб гўё одамзод ичганда абадий умр топадиган афсонавий ер ости мамлакатининг чашмасини атаганлар. Тасаввуфда у ишқ-муҳаббат булоғи, ҳақиқат нурининг манбаини англатади. Байтнинг мазмуни эса бундай: «Ишқ чашмасида ёки ҳақиқий нур манбаида кўрилган қуёш аксими ё жонга ўхшаш май ичида азал соқийсининг гулдай зебо юзи намоён бўлганми?» Соқий сўзи ҳам бу ерда рамзий маънога эга, яъни мутлақ файзиёт, маърифат булоғи демак. Майда ёр жамолини кўриш, май идишини қуёшга ўхшатиш Навоийнинг севган образларидан. «Ашриқат мин акси шамсул қаъси анворул ҳудо, Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо» — чиқаётган қуёш косасининг аксидан ҳидоят нурлари порлаб кўринди, жомдан ёр жамолини майда кўр, деган садо чиқди. «Ҳазоинул-маоний» девони мана шу байт билан бошланади. Шоир назарида ловуллаган олов кўраси — муаззам офтоб ҳам ўша буюк илоҳий қудратнинг инъи-

коси, мавжудотни ҳаракатга келтирувчи май тўлғазилган жом, унинг порлаши эса — Ёр жамоли...

Ёр жамолини кўрган ошиқ мақсадга эришиб, фано водийсига кириб боради. Ҳазалнинг охирги икки байти шу маънони ифодалашга хизмат қилади.

Саккизинчи байтдаги **дайр** аслида насронийлар ва оташпарастрлар ибодатхонасининг номи, мажозан эса майхона, дунёдир. **Дайри фано** — ҳайвоний нафсдан қутулган, руҳан тирик, маънавий жиҳатдан етук кишилар мажлиси, уларнинг ботиний олами. Навоий бу байтда маънавий ҳақиқатларни кашф этган одамлар ҳузурини қўмсаш, улар ҳикматидан баҳра олиш туйғусини ифодалаган. Шунинг учун у **пири дайр** деганда ҳам эзгулик ва карам дарёсининг тимсоли комил инсонни кўзда тутган. Алҳосил, байтнинг мазмуни: «Юрак майхона истайди, чунки унда пири комил кишиларга сабоқ бермоқда, шояд менга ҳам шу май шуъласидан бир етса». Ёки: «Кўнгил жисм, вужуд йўқоладиган, фано бўладиган макон истайди. Чунки унда камолот ва етуклик тимсоли маънавий шайх ҳақиқат файзидан элга бир-бир бода тутмоқда. Зора, у бу ҳикмат ва дониш шаробидан менга ҳам бир қултум узатса».

Тўққизинчи байтга келсак, бунда иккита сўз ўзак маъно ташийди. Биринчиси — **наво**. Навонинг маънолари кўп. У мусиқа, куй, оҳанг, шу билан бирга мунтазамлик, тартиб-интизом, симметрия, низомия, нафосат тушунчаларини қамраб олади. Агар бу маъноларнинг ҳаммасини бир жойга йиғсак, наво умумбашарий, умумжаҳоний оламнинг яхлит уйғунлигидан иборат олий гўзалликни ифодалаган бўлади. Модомики шундай экан, ягона руҳий қудратнинг мунтазам ҳаракати, созкорлиги қайдида қалбнинг шукру шукуҳи, ором ва осойишталиги ҳам наводир. Алишер Навоий, шубҳасиз, охирги байтда қалб ороми, ички руҳий қониқиш нашидасини тасвирлаган. Бу нашида шоир юрагида бир муаззам куй бўлиб янтраган ва муғанний (иккинчи ўзак сўз) тушунчаси билан боғланиб кетган. Муғанний — чолғувчи дегани. Бу ўринда эса у узлуксиз ёғиб турувчи нур — файзнинг навосини етказувчи, шу неъматдан огоҳ этувчининг тимсолидир. Куй каби оқиб келадиган ушбу нур қалбни роҳат-фароғатга фарқ этади. Байтнинг насрий таржимасини келтирсак, фикримиз янада ойдинлашиши мум-

кин: «Эй ишқ, буюк жаҳоний уйғунлик нури навосидан, сафо нашидасидан қониқиш муяссар бўлди, энди Навоий жонининг ипини шу нурни ёғдирувчи чолғувчи асбобига тор қилгин, яъни ўша буюк нур риштасига улаб юборгин». Ёки: «Эй ишқ, маҳбуб жамолини кўриб, ўзликдан батамом хориж бўлдим — мақсадга етдим, висол куйи вужудимни оғушига олди. Энди Навоийнинг жонини нурнинг тарамларига боғла». Бу ерда шоир тахаллуси билан байт мазмуни ўзаро топишиб, ажойиб сўз ўйини ҳосил бўлганини кўрамиз. Шу нуқтада шоирнинг ҳар икки тахаллуси (Навоий ва Фоний) маъно жиҳатидан бир-бирига яқин эканлиги ҳам маълум бўлади.

Улуғ шоирнинг фалсафий мушоҳадаси мана шундай чуқур ва қамровли. Коинот ва инсон унинг назарида яхлит бир бутунликни ташкил этади, бир қонуният билан бошқарилади. Инсон бу қонуният сирларини руҳ кучи, алоҳида ҳиссий тасаввурлар теранлиги билан билиб олиши даркор.

Хуллас, мазкур ғазалда мажозий тимсоллар ёрдамида тасаввуф фалсафасининг билиш назарияси (ирфон) таърифлаб берилган: аввал оламини билиш мушкуллигидан қўрқиб саросимага тушиш. ҳайратланиш, кейин ташқи дунё нарса-ҳодисаларини мушоҳада эта бошлаш, зоҳирий мушоҳададан аста-секин моҳиятни идрок қилишга ўтиш. Моҳиятнинг улуғворлигини ҳис этиб, руҳий-тафаккурий қониқиш туйиш. Бу жараён уч босқичга ажратилиб, илмул яқин, айнул яқин, ҳаққул яқин деган махсус терминлар билан белгиланган эди. Яқин — исбот талаб қилинмайдиган шак-шубҳасиз ҳақиқат. Айн — чашма, кўз — ҳар нарсанинг асли, зот. Тасаввуф назариётчиларидан Абдураззоқ Кошоний бундай дейди: «Филжумла, сўфийлар ақидасига мувофиқ маънавиятни билиш уч хилдир: илмул яқин, айнул яқин ва ҳаққул яқин. Аввалги ҳолатда одам маълумни ақлий далил, ҳужжат келтириш билан дарк этади ва иккинчи ҳолатда билиб олинган, исботланган маълумни мушоҳада этади ва учинчи ҳолатда ҳақиқатни дарк этишга етади» (Абдураззоқ Кошоний, «Масобиғул-ҳидоя», 52-бет). Бу бамисоли қуёш шуъласи ва ҳароратини далил келтириш билан исботлаш (илмул яқин), қуёш жисмини кузатиш билан аниқлаш (айнул яқин) ва қуёш

вужудининг мусаффо нурдан иборат эканини қалбан ил-рок этишдай (ҳаққул яқин) гап. Қушайрий деган олим назарида эса «илмул яқин – ақл аҳли учун, айнул яқин илм арбоблари учун, ҳаққул яқин орифлар учундир» (Қушайрий. «Кашф ул-маҳжуб», 497-бет). Демак, бу фалсафий силсилага мувофиқ, ҳақиқат тажрибадан олдин мавжуддир. У мантиқ кучи билан эмас, балки ҳис — руҳ воситаси билан, яъни интуиция ёрдамида билиб олинади. Чунки ҳақиқат инсоннинг ўз қалбида, кўнгил кўзгусида. Фаҳмлаган бўлсангиз, дунёни билишнинг бу усули немис олими И.Кант (XVIII аср) «нарсa ўзида» ва «априор» (тажрибадан аввал мавжудлик) тушунчалари остида ривожлантирган фалсафий таълимотга ўхшаб кетади. Биз ҳам худди шунини таъкидламоқчи эдик, яъни тасаввуф баъзи тадқиқотчилар айтмоқчи бир дин ўрнига келган янги, мураккаблаштирилган ва мистик туйғуларни қондиришга хизмат қилувчи иккинчи дин эмас, балки оламни билишга йўл очган, шу сабабли ҳам фикрий-ҳиссий мушоҳадакорлик, ҳурфикрликни ёқлаб, инсонни тадқиқ этишга диққат қилган катта фалсафий оқимдир. Бироқ шу билан бирга тасаввуф диндаги иррационалликни инкор этган эмас, балки уни ривожлантирди. Ана шу жиҳати билан у динга нисбатан олға ташланган муҳим қадам бўлди ва башарий тафаккур тараққиётига шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатди. Алишер Навоийга ўхшаш гуманист мутафаккирлар учун эса у инсон табиати ва тийнати ҳақида, жамият, ҳаёт воқеа-ҳодисалари, моҳияти тўғрисида ўйлашга имкон берадиган қидириш-изланиш майдони, таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилган. Улуғ шоир бунини биринчи девонига киритган, ҳар банди

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарға илгимда синғон сафол, —

деб яқунловчи таржеъбандида равшан баён этган. Таржеъбандни ўқир эканмиз, муаллифнинг рози дилидан огоҳ бўламиз, чунки у ёшлигидан бошлаб ҳар хил илмларни ўргангани, ҳар хил «саргузашт»ни бошидан кечириб, дунё ва унинг одамлари ҳақида кўп мулоҳаза юритганини ёзади. Шоҳу султонлар дабдабаси, шайхул ислому уламо-умаролар, манман деган донишмандлар суҳбати уни қониқтир-

маган, уларнинг бирортаси ҳам инсон қаршисида пайдо бўладиган минглаб саволларга жавоб беришга қодир эмас эди. «Назар айла бу коргаҳ вазъига, ки ортар тамошосида ҳайратим», дейди шоир. Олам моҳияти нимадан иборат, Инсон нега дунёга келади ва яна нега кетади? Нега қуёш ҳар тонг нур сочиб чиқади, фалак доим гардишда? Нега инсон зоти бир хил эмас? Фирибгарлик, қонхўрлик, риё, ёлғон қаердан келиб чиққан? Бу ва бунга ўхшаган саволлар Навоийни ҳамиша қийнаб келган. На ўзимнинг «саъи ила фикратим», «на касби улум этти ҳал мушкулим», деб ёзади у. Юрагида ҳар хил андешалар, шубҳалар кезгани, лекин замона тафаккури доирасидан батамом чиқиб кетишга журъат қилолмаганини эслатади. Ва оқибатда:

Менинг бошимга бас қотиф тушди иш,
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим, —

дея ўзини тасаввуф билан овутади, яъни «май била ул-фат» тутинади.

Шундай қилиб, тасаввуф Навоийга жаҳолатдан қутулиш, дунёни билишга, чанқоқ юракни маълум даражада тинчителишга кўмак берган. Бунинг икки сабаби бор: биринчиси шуки, Навоий яшаган замоннинг ақлий тараққиёт даражаси, фан ривожини реал дунё воқеаларини илмий асосда тушунтиришга ожизлик қиларди. Иккинчиси эса, бу яна муҳимроқ: инсоннинг ақлий имкониятлари, донолиги билан ахлоқи, аъмол-нияти орасида мавжуд бўлиб келаётган номувофиқликдир. Навоий ақлу заковати қилни қирқ ёрувчи кишилар ичида нафс домига тушган, зулм ва бадкирдорлиги билан машҳур бўлганларини кўп кўрган эди. Шунинг учун улуғ гуманист шоир ахлоқий фазилатлар тарбиясини биринчи ўринга қўядиким, бу ҳам тасаввуфна мурожаат этишга олиб келарди. Зеро, тасаввуф бутун эътиборни айнан инсон ахлоқини поклашга қаратиб, шу мақсадда турли йўл-йўриқлар, амалий тадбирлар ишлаб чиққан эди. Тасаввуф одамни виждони билан юзма-юз қўйиб, ўзи ҳақида ўйлашга мажбур этар, ҳақиқат ва эътиқод поклиги руҳида тарбияларди.

Тасаввуф фалсафий таълимот сифатида оламни ягона деб эътироф этарди, натижада зоҳид, мутаассиб шариат намояндлари ҳақиқатни билмайдиган нодон кишилар

бўлиб чиқарди. Навоий уларни муқаллидлар, яъни юзаки нарсалар, қуруқ ақидаларга кўр-кўрона тақлид қилувчи, мустақил фикрдан маҳрум одамлар деб атайди. Тасаввуф шу тариқа фалсафий дунёқараш сифатида диний догматизм (ақидапарастлик), мутаассибликка зид эди ва Алишер Навоий ундан куч-қувват олиб, комил журъат билан:

Зоҳид, сенга ҳуру менга жонона керак,
Жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак.
Майхона аро соқию паймона керак,
Паймона неча бўлса тўло, ёна керак, —

дея олар, ўзининг ҳикмат ва дониш шарбатига толиб, муҳаббатнинг завқ-сурури тимсоли бўлмиш кўнгилни ёритувчи Ҳақ ва ҳақиқатни севишдан сархуш бўлган риндни улуғлаб тараннум этарди. Дунё лаззатидан воз кечган зоҳидлар оламдаги барча нарсаларни арзимас деб ҳисоблардилар. Тасаввуф эса, айниқса Жомий ва Навоий мансуб бўлган нақшбандия таълимоти қаноат ва тийинишни талаб этса-да, бироқ дунё гўзаллигидан ҳузурланишни инкор этмаган. Негаки, модомики, реал дунё Мутлақ руҳ инъикоси экан, демак, уни севиш ва ундан баҳра олиш мумкин. Шу асосда инсоннинг инсонга муҳаббати ҳам табиий ва зарурий деб топилган, яъни мажозий ишқ орқали илоҳий ишққа қараб бориш. Навоий ўзини ана шу «ишқи мажозий» куйчилари сирасига киритади. Дарҳақиқат, биз таҳлил этган ғазалга ўхшаган соф тасаввуфий маънода ва «ишқи ҳақиқий»ни васф этувчи асарлар Навоий ижодида асосий ўринни эгалламайди. Аммо шуниси борки, ибораларнинг тимсолийлиги — рамзий-символик характери «дунёвий ғазаллар»да сақланган. Ойбек айтганидай, бу ерда конкрет бирор шахс муҳаббати назарда тутилмайди, балки умуман яхши инсонни севиш мадҳ этилади. Ишқ Навоий наздида покбозликдир, яъни: «пок кўзни пок назар билан пок юзга солмоқдир ва пок кўнгул ул пок юз ошубидан кўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз Маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ» («Маҳбубул-қулуб», 42-бет). Шунинг учун, масалан, дейлик «Келмади» радифли ғазални муножот куйи оғушида берилиб тингларканмиз, «Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнгул уйин, не учун-ким бода кирган уйга қайғу келмади» деган мақтаъни эшитганда, шоирнинг лирик қаҳрамони ёрини кутавериб қий-

налганидан, уйига кириб аламдан роса ичиб олибди-да, деб ўйласак, ўта калтафаҳмлиқ қилган бўлардик. Бундай ғазалларда ҳам бода, шароб, май сўзлари ўша мажозий маънода — муҳаббат шавқини билдириб келишини эслан чиқармаслик керак. Бундан ташқари, Навоий бодани «кўнгил уйини хуррам этувчи» нарса деганда, ёрни кўнгилда сақлаш, унинг ёди билан яшашни таъкидлаган. Негаки, нақшбандия сулукида ёд, хотира, эсга олиш тушунчалари муҳим ўрин эгаллайди. Абдулҳаким Табибийнинг ёзишича, нақшбандияда туз йўлга кирган одам қалбида «эътиқод нури, тавҳид нури, маърифат нури, ҳидоят нури, хотира, ажодлар ёди нурининг бодаси» жўшиб туриши лозим (Абдулҳаким Табибий. «Афғонистонда тасаввуф ривож», 10-бет). Бунда эсга олиш, ҳофиза қуввати ҳақида ҳам гап борадики, бу ватан, эл-улус ғами каби кенг маъноли тушунчалар билан боғланиб кетади.

Шундай қилиб, тасаввуф инсонни улуғлаш, ҳаётнинг қадрига етиш, умрни оқилона ўтказиш ғояларини тарғиб қилишга назарий замин ҳозирлаб, инсонпарвар шоирларнинг илҳомига илҳом қўшган. Бу таълимотнинг негизи савқи табиий, руҳий қўзғалиш, ваҳийлик ҳам шоирона тафаккур кайфиятига мос тушарди. Ва, умуман, биз шайхлар, орифлар тасаввуфидан ижодкорлар тасаввуфини фарқ қилишимиз керак. Сўфийлар учун тариқат зикру самоъ, важду ҳол, касбу каромат эди. Аттор, Румий, Жомий, Навоий сингари буюк шоирлар учун эса у шуурий мушоҳада усули, инсон зотини маънавий баркамол ҳолда кўриш орзуси, сирли-хаёлий оламни тасаввурда яратиб, Идеал бир гўзаллик ишқида ёниш бўлган. Одамнинг асрлар давомида абадий ҳаёт, руҳнинг ўлмаслиги ҳақида ўйлаб келган армонлари, ривоят-асотирлар бу беҳудуд романтик олам уфқини кенгайтирган. Шу боис, тариқат хонақосида ўтирмаган, яъни расман сўфий бўлмаган Алишер Навоий мазкур таълимотни маслақ, мафкуравий эътиқод сифатида қабул қилиб, ўзининг инсоншунослик, ҳақпарастлик ва адолатпарастлик ғояларига бўйсундирган эди. Шоҳ ва шаҳзодаларни инсофга чақариш, риёкор шайхлар, бетавфиқ сўфийларни фош қилишда ундан фойдаланди. Шоирнинг ижоди ана шундай мураккаб ва кўп қиррали, ибора-образлари кўп маъноли, теран. Унинг ҳар бир асари устида тўхталганда, бу хусусиятни албатта эътиборга олиш лозим.

ИШҚ ОТАШИННИНГ САМАНДАРИ¹

Лайли ва Мажнун севгиси Шарқнинг шуҳратли афсоналаридан бири. Қадимда кўчманчи араб қабилалари орасида пайдо бўлган ушбу маҳзун қисса асосида форсий ва туркий тилларда ўнлаб ажойиб дostonлар яратилди. Жумладан, улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий безавол «Хамса»сининг учинчи дostonи ҳам «Лайли ва Мажнун» деб номланади. Дарсликлар, умумий тадқиқотлардан ташқари, «Лайли ва Мажнун» махсус илмий ишларда тадқиқ этилган. Аммо, афсуски, шўролар даврида давом этган нотўғри мафкуравий сиёсат, дину эътиқод, тасаввуф таълимоти ва умуман, тарихга, ўтмиш маданиятига салбий муносабат ҳамда ғаразли қарашлар илмда юзакичиликни, бир ёқлама хато усул ва йўналишларни вужудга келтириб, Навоий ижодининг туб моҳияти ва улуғвор салоҳиятини очиб беришга тўсиқ бўлди. Натижада, шоирнинг ислом фалсафаси қадриятларидан озиқ олган ҳақиқий ҳаётбахш инсонпарварлиги халқдан яшириб келинди (Албатта, биз зинҳор навоийшуносликда қўлга киритилган ютуқларни инкор этмоқчи эмасмиз, бироқ камчиликларни айтмасдан иложимиз йўқ, чунки бусиз Навоий ижодини англаш ва англатиш борасида олға қараб бориш мумкин эмас).

«Лайли ва Мажнун» таҳлилига бағишланган тадқиқотларда ҳам асарни «керакли» ва «кераксиз» (ёхуд «зарарли» ва «фойдали») қисмларга ажратиб, далил-исботсиз ўтмишни ёппасига қоралаш, улуғ мутафаккир ғояларини замонага мослаб «тарашлаш», бу ҳам етмагандек, Навоийдек буюк зотни адашиш ва янглишишларда айблаб, танқид қилиш давом этган. Дoston мазмуни «Зайнаб ва Омон» хилидаги асарлар каби «социалистик жамият қуриш ғояси»га хизмат қилиш нуқтаи назаридан таҳлил қилинган: қиз ва йигит бир-бирини севади, аммо феодал муҳит, жоҳил ва қотил оталар уларга тўсқинлик қиладилар, оқибатда икки ёшнинг севгиси хазон бўлади. Хулоса: Навоий ўз даврини қоралаган, инсоний туйғуларни бўғувчи муҳитни ёмонлаб, келажак бахтли ҳаётни орзу этган. Қарийб барча тадқиқотларда мана шу схема бўйича фикр юритиш у ёки бу тарзда давом этиб келди. Ҳатто тасаввуф ҳақида қимматли тадқиқотлар

¹ Б. Эралиев билан биргаликда ёзилган.

яратган, «Шарқ адабиётини тасаввуф таълимотидан ажратиб ўрганиб бўлмайди», деган фикрни баён этган атоқли олим Е.Э.Бертельс ҳам мафкуравий тазйиқларга дош беролмай, «Лайли ва Мажнун»даги илоҳий муҳаббат ғоясини инкор этган. Унинг кўрсатишича, дostonда «асосан, инсонга муҳаббат, унга ҳамдардлик ва унинг изтиробларини» тасвирлаш биринчи ўринда туради. Навоий «инсонга безътибор қараш, инсон ҳаётини заволга олиб келадиган урф-одатларга амал қилиш натижаси қандай оқибатларни юзга келтиришини бизга мисол қилиб кўрсатади...» Олим Алишер Навоийда «ўзгача муҳаббат... сўфийлик концепцияси билан боғлиқ муҳаббат ғоясини тасвирлаш истаги» мавжудлигини қайд этади-ю, лекин орқасидан дарров қўшиб қўяди: «Бироқ Навоий мазкур концепциядан онгли тарзда бутунлай воз кечади, чунки унга илоҳий муҳаббат эмас, балки оддий инсоний севги ҳис-туйғулари лозим» (Е.Э.Бертельс. Избранные труды. Навои и Джами. М., 1965, 122-б.).

Диққат қилсангиз, Е.Э.Бертельс фикрларида ички қарама-қаршилик борлиги сезилади, агар Навоий мутасаввуф шоир сифатида ўрганилса, унинг инсонпарварлигига путур этади, деган ҳадик бор. Чунки дин – афюн, тасаввуф – «реакцион мистик оқим» деб қатъий қора тамға босилганда! Шунинг учун олим илоҳий муҳаббат билан инсоний муҳаббатни зид қўйиб, Навоийни инсоний муҳаббат куйчиси, «урф-одат»лар танқидчиси қилиб кўрсатишга зўр берган. Ваҳоланки, Алишер Навоий чинакам инсонийликни айнан илоҳийликда, илоҳий файздан баҳрамандликда кўради. Ахир Куръони каримда бир неча жойда инсон Худонинг ердаги халифаси, у энг мукаррам зот, махлуқотнинг гултожи, дея таъкидланади. Алишер Навоий инсоннинг ана шу шарафга муносиб бўлишини истайди, нафси шайтон йўлига кирган риёкор шайхлар, шариату тариқатни сохталаштирувчи кишиларни нафратли сатрларда мазаммат этади. Шоирнинг ишқ тушунчаси шгу эътиқодга асосланади, яъни пок муҳаббат покиза инсонлар қалбидан жой олиши мумкин. Мажнун ишқи бу борада олий намуна, чунки у бутун вужуди, жону дили ила Илоҳни севади, айни вақтда эса шафқат муруввати, нажиб ахлоқию беқиёс истеълоди билан энг гўзал инсондир. Иккинчи тарафдан, пок инсоний муҳаббат ва илоҳий ишқни бир-бирига зид қўйиш нораво,

аксинча, улар ўзаро боғлиқ, бири иккинчисидан ўсиб чиқадиган фазилат деб қаралган.

Алишер Навоийнинг ишқ фалсафасини шу нуқтаи назардан текшириб, унинг бадиий тафаккур тарзи, исломий-тасаввуфий халқпарварлигини ёритишга аҳд қилган одамга биринчи раҳнамо улуг шоирнинг ўзидир. Чунки адиб назарий-таълимий асарларида ҳам, дostonларида ҳам ишқ ва унинг хусусиятлари, ошиқлик одоби ва изтироблари, «мажозий» ва «ҳақиқий» ишқнинг маъно-моҳияти нимадан иборатлигини махсус тушунтиради, тасвирланаётган воқеалардан қандай мақсад кўзда тутилаётганини айтиб ўтади. Масалан, «Маҳбубул-қулуб»да Навоий ишқнинг «маротиб»лари борлигини айтиб, унинг уч турини қайд этади: нафсоний ишқ («авом ишқи»), мажозий ишқ («хавос» – хос кишилар ишқи) ва илоҳий ишқ (авлиёлар ишқи). Бу ўринда Навоийнинг «ишқ маротибдур» деган сўзига диққат қилишингизни истардик, зеро, «маротиб» (мартабалар) сўзи тариқат аҳдининг истилоҳларидан бўлиб, у солиқнинг руҳий-маънавий тараққиёт даражасини белгилайди. Демак, ишқ инсоний камолот даражасини кўрсатувчи фазилат. Бундан ташқари, авом ва хавос тушунчалари ҳам тариқатга боғланади. «Авом» деганда Навоий саводсиз, оддий халқни назарда тутмаган, балки умуман, илоҳиёт тажаллиётини қалбан ҳис этолмаган, борлиққа зоҳиран муносабатда бўлиб, жамиятнинг расму одатларини бажаришдан нари ўтолмайдиган кишиларни назарда тутди. Бундай кишилар қаторига билимдон муфти-муллалару илми ботиндан беҳабар шайху зоҳидлар ҳам кирган. Шу қаби, «хос кишилар» – аслзодалар табақаси, шоҳ-амирлар эмас. Навоий мазкур истилоҳни кўнгил амрига амал қилиб, Аллоҳ йўлида заҳмат чекувчи дили ва тили Ҳақ ёдидан бўшамайдиган чин сўфийларга нисбатан қўллаган. Бу инсонларнинг кўнгил кўзгуси дунёвий ҳирсу ҳавас ғуборидан тозалангани сабабли «пок кўзни пок назар билан пок юзга» солиб, «пок мазҳар», яъни илоҳий жамол акс этган алоҳида одамларни севиш «воситаси била»... маҳбуби ҳақиқий (яъни, Худо) жамолидин баҳра олмоққа мушаррафдирлар (Алишер Навоий. «Маҳбубул-қулуб». Асарлар. 13-жилд, 66—67-бетлар).

Навоийнинг ушбу сўзларидан қуйидаги хулосалар ке-

либ чиқади: 1. Пок муҳаббат ҳар қандай жисмоний лаззатлар, жинсий қўшилишлар интилишидан холи бўлиши керак. 2. Бундай ишқ фақат «аҳли сулук» — комил инсонларга хос. 3. Улар Аллоҳ жамоли зуҳур этган («мазҳар») кишиларни севиши мумкин. 4. Бу «мазҳар»ни беҳад сидқ ва дарду ошуб билан севиш орқали ҳақиқий ишқдан баҳра оладилар. Шундай ишқнинг адабиётда тасвирланишини Навоий «ҳақиқат асрорини мажоз тариқи била» куйлаш деб таърифлайди. «Лайли ва Мажнун» достонининг моҳиятини ҳам ана шу «мажозий ишқ»нинг тараққий этиб, «ҳақиқий ишқ»қа айланишини образлар орқали кўрсатиб бериш ташкил қилади. Бунда Мажнун — Ҳақ жазбаси теккан, Ҳақ жамолини кучли шавқ билан согинган солиқ тимсоли бўлса, Лайли илоҳий тажаллиёт нури порлаган ўша «мазҳар»дир.

Хўш, нега илоҳий ишқ «мажоз услубида» тасвирланиши керак, илоҳий муҳаббатнинг ўзини бевосита куйлаш ҳам мумкин-ку? Нега «мажозий ишқ» тасвири бунча дардли, аламли, Мажнуннинг оҳу ноласи, ўртаниш-ёнишлари бу қадар муболағали, маҳобатли? Нима учун у бунчалик заифу хор, ожиз ва ночор қилиб ифодаланган? Навоий достонида мазкур саволларга ҳам жавоб бор. Асарнинг охириги бобларидан бири «Ишқ таърифидаким...» деб номланади ва унинг биринчи байти мана бундай:

Эй ишқ, ғариб кимёсен,
Бал оинаи жаҳоннамосен.

Шоир ишқни кимёга ва оинаи жаҳоннамо, яъни оламни кўрсатувчи кўзгуга ўхшатган. «Кимё» — ҳозирги тил билан айтганда химия, аммо бу сўзнинг мўъжиза, мўъжизакорлик деган маънолари ҳам бор. Айтишларига қараганда, қадимги кимёгарлар мис ва бошқа маъданларни юқори ҳарорат таъсирида олтинга айлантириш мумкин, деган хаёлга ишониб, бу орзу йўлида кўп куч сарфлаганлар. Навоий ана шу афсонага ишора этиб, одам аслида тупроқдан яратилган, аммо ишқ оташининг «кимёлиқи» туйфайли у олтинга айланади, яъни ишқ инсон вужудини пиширадиган, ҳар хил чиқиндилардан тозалайдиган олов, дейди. «Чиқиндилар» — инсоннинг жисмоний талаблари, ҳирсу ҳавас, очкўзлик, фаҳш, ҳасад ва ҳоказо ношоиста хусусиятлар, умуман инсон руҳини илоҳиётдан ажратиб

турувчи нарсалардир. Ана шу ёмон хислатлардан қутулиш жараёни бағоят оғир кечадиким, ошиқ ёки соликнинг оху ноласи, изтироблари шундан. Ошиқ шунинг учун «ҳажр ўти»да қийналишга маҳкум. Навоий руҳнинг «юз сўзу гудоз бирла» покланиш жараёни, кимёланишни «ишқи мажозий» деб атайди. Бу имтиҳонлардан ўтган, кимё оташида тобланиб, холис бўлган, ўзлигини унутган, балки барча ўзгаликлардан қутулган ошиқда «сурати мажозий» қолмайди, унинг руҳи илоҳиётга эришади, қаёққа қараса, ҳақиқий Ёр кўзига ташланаверади:

Ким боққали ихтиёр топти,
Ҳар сорики боқти, Ёр топти.

Бу энди қалбнинг «оинаи жаҳоннамо»га айланиши, яъни ҳақиқий ишққа молик бўлишидир, деб хулосалайди шоир. Аёнки, бундай мартабага кўтарилган ошиқни ердаги маҳбуба — «мазҳар»нинг вужуди қизиқтирмайди, унинг кўзига маҳбуба буткул илоҳий руҳ бўлиб кўринади ва у «мазҳарда ўзни фоний топади» — руҳи унинг руҳи билан бирлашиб кетади.

Мажнунда «кимёланиш» Лайлини кўргандан кейин бошланади, аммо ишқ ўти унга анча илгари, у дунёга келгандаёқ теккан эди. Бошқача айтганда, Қайсининг ошиқлик дардига гирифторлиги, юз бало-офатларга дучор бўлиши, «мажнун»—жинни номини олиб, маломатларга қолиши унга тақдири азалдир, унинг лойи ишқ олови билан қорилган. Фам хайли, Бало, Дард, Фироқ унинг доимий ҳамроҳи, чунки ошиқлик Ёр васлига етиш шундай уқубатларни бошдан кечириш билан вобаста. Алишер Навоий буни асар бошида Ишқ водийсининг даҳшатларини хаёлан тасвирлаш орқали кўрсатади: зимзиё тун қўйнида шоир хаёли Арабистон ерларини кезиб чиқади, ёмғир, бўрон аралаш момақалдироқ гулдураб чақин чақилади. Чақин ёруғида шоир саксовулдай тахланиб ётган инсон суяклари, ваҳший ҳайвонларни кўради. Булут ҳам «бало ўқларини» ёғдирадди. Бу тун — ҳажр туни, бу водий эса — ишқ водийси, ваҳший даррандалар — ошиққа хуруж этган бало-офатлар, суяклар — ишқ қурбонларидан нишона. Ўз асли, Илоҳидан ажралган мусофир, ғариб руҳ — Мажнун шу водийда якка ўзи бошини эгиб ўтирибди... Мазкур манза-

ра тасвирида иккита ўринли ташбиҳ бор. Бу ташбиҳларнинг иккаласи ҳам ўт («барқ») образи билан вобаста. Қоронғу тунда бирин-кетин чақмоқ чақилиб, унинг ёруғида қабилалар манзилгоҳи кўзга чалинади, шунда шоир «қиргун» (қатрондай) тунни Лайли сочиға, чақмоқни эса Лайли юзининг очилишига ўхшатади:

Андоқки қилиб карашма майли,
Зулф ичра жамолин очса Лайли.

Лайли юзи бу ўринда илоҳий нур манбаининг ўзи, узун сочлари — моддий дунё, фироқ тузоқлари («Лайли» сўзининг маъноси ҳам тун демак, яъни унинг тундай қора сочларига ишорадир), ана шу нур манбаининг «барқ»лари Мажнун қалби ва вужудидан жой олган. Иккинчи ташбеҳ шундан иборатки, Навоий Ишқ водийсида «нори айман» — шоҳлари шуълаланиб турган дарахтни кўради. Қисса бошланиб, Лайли ва Мажнуннинг биринчи учрашуви тасвирланганда шоир ҳалиги ташбиҳни такрорлаб, Мажнунни худди шу шуълали дарахт қиёфасида чизади, яъни Лайли юзининг шуъласидан Мажнун қалби, балки бутун вужудининг ниҳоли алангаланиб кетади:

Йўқ, йўқки туташти сарбасар ўт,
Бошдин-оёқ ўлди ул шажар ўт.

Шу тариқа, ўт, барқ, нур, партав, чоқин, оташ, ламъа каби сўзлар бу асарнинг асосий белгиловчи ташбиҳотига айлангандир. Лайли ҳусни ҳам ўт, Мажнун ишқи ҳам ўт, икки ўт бир-бирига тортилади ва бир-бирига текканда жонни куйдирувчи аланга келиб чиқади. Туғилгандан ишқ олови билан йўғрилган гўдак Қайс ўтга талпинади:

Ўт кўрсаки майл этиб ниҳоний,
Ишқ ўти тасаввур айлаб они.

Олам унга оловдай ёндирувчи ишқ бўлиб туюлади, ўт унга роҳат, ўт — унинг «сарнавишти». Шунинг учун Қайс бетоқат, ақлу ҳуши ўзида эмас. Лайли жамолидан сачраган барқдан вужуди «ўт ичра фарқ» ошиқ ўтли оҳ чекиб, нолийди:

Кулбамдаю масканимда бу ўт,
Жонимда бу ўт, танимда бу ўт.

Мажнун ишқининг ўти шунчалик зўрки, унинг оёқларига солинган темир занжир бу ҳароратдан эриб, ечилади. «Навоий достони Мажнун руҳида порлаган муҳаббат ўти тасвирларига бағишлангандир. Мажнун қисматининг тимсоли дostonда ўт ва нур» (И. Ҳаққулов).

Шундай қилиб, ишқ оташида ёниш, кимёланиш Мажнун учун қисмат, Навоий шу қисматга мубтало солиқнинг саргузаштини ҳикоя этади, дарду алам тўла сатрларни тизади, ўзи ҳам ёниб — сел бўлиб куйлайди. Мажнун — солиқ, аммо у оддий солиқ эмас, балки «мажзуб» — ошиқ солиқ. Шунинг учун унинг устози ҳам, пири ҳам Ишқ, шу боис у дардини ниҳон тутолмайди, росмана хилватнишин солиқлардай сабру қаноатли, батамкин, тақводор эмас. Бу сифатлар ошиққа хос эмас-да! Ошиқ то васлга етмагунча тоқатсизланаверади, уни ҳеч нарса тўхтатиб туролмайди. Мажнун юз хил азобу уқубат, камситиш-хўрликларга чидайди-ю, бироқ ҳижрон дардига тоқат қилолмайди. Яхшиси, асар йўналишини аниқроқ таҳлил этиб, буни мисоллар ёрдамида кўздан кечирайлик.

... Не-не орзу-тилаклар билан Тангридан олган ўғлини ота илмли, маърифатли қилмоқчи бўлиб мактабга беради. Мактабда ўқий бошлаган Қайс илмларни тез ўзлаштиради, беш-ўн варақни бир лаҳзадаёқ ўқиб чиқиб ёдлаб ҳам олади. Қайснинг бундай қобилияти ҳаммани ҳайратга солади (Шундай қобилиятни Фарҳодда ҳам кўрамиз. Демак, Аллоҳ ўзининг хос бандаларига алоҳида истеъдод беради). Қайс таълим олиб юрган чоғида, Лайли бетоблиги учун мактабга қатнамайди. Тузалганидан сўнг келганида бундан беҳад қувонган устод ҳамма шоғирдларини ўқишдан озод қилади. Қизлар ҳам диққинафас хонадан қутулганларидан қувониб, Лайли билан биргаликда гулшан сайрига чиқишади. Буни шоир шундай чизади:

Қизлар била азми гулшан этгай,
Гулшанни жамоли равшан этгай...
Шод ўлди жамолидин дабистон,
Андоқки баҳордин гулистон,
Лекин бу баҳори зиндагоний
Бир нахлни айлади хазоний.

Бу лавҳани нафсоний (адабиётшуносларимиз айтгандай, «ҳаётий») ишқ билан изоҳлаб кўринг-чи? Ахир «нафсо-

ний ишқ» одам балоғатга етгандан кейин, тахминан 14—16 ёшларда бошланади. Лайли ва Мажнун эса ҳали норасида, 5—6 яшар болалар... Шоир муболага санъатини қўллаб, Лайлининг чиройи — ҳусни гулзорни чароғон қилиб юборди ва гулзордаги бир нахл (ниҳол, севгилисининг қомати)ни хазон этди, дейди. Бундан ўзга маъно ҳам чиқиши мумкин. Чунончи, ҳусни мутлақ бир кўриниш берганди, солиқлар (ҳақпарастлар) завқ-шавққа тушдилар. Ҳусни мутлақ кўзгуси — баҳори зиндагоний (ҳаёт, тириклик)да ўз севгилиси (солик) қоматини букиб, уни интизор айлади, яъни солик бундай ҳусн-жамолга дош беролмасдан ҳушдан кетди. Кўри-ниб турибдики, бундан сўфиёна маъно чиқаётир: тасаввуф таълимотича, гулшан — бу дарвешнинг бутун руҳияти, уни Ҳақ ишқи эгаллаб олади ва у бетоқатланиб, ҳушдан айрилади. Энди бу ёғини тушуниш осон кечади, чунки Қайс ошиқ (солик)лик йўлига кирди, Лайли билан илк учрашувдаёқ унда илоҳий куч кескин намоён бўлди. Буни шоир қуйидагича тасвирлайди:

Яъни кўруб они Қайси маҳзун,
Рухсорини қилди қаҳрабун.
Ҳам чехраси ранги қаҳрабодек,
Ҳам кўнглида кўзгалон сабодек.
Ҳар дам йиқилурға жисми мойил,
Ҳуши доғи лаҳза-лаҳза зойил.

«Қаҳрабо» ташбиҳи ҳам ўт, олов ташбиҳларига мувофиқ: у бошқа жисмни ўзига тортади, ишқаса, чарсиллаб учқун сачратади. Унинг сарғиш ранги ошиқ чехрасини эслатиб туради. Айни вақтда бу сатрларда Мажнун биринчи учрашувдаёқ эсини йўқота бошлагани тасвирланган: ошиқлик — ақлу ҳушдан бегоналик демак. Навоий воқеалар ривожини билан бирга ошиқ (солик)да кечаётган руҳий қийноқлар, кечинмалар ва ўзгаришларни бадний қуюқ бўёқлар орқали чизиб бораверади. Бўёқлар баъзан шунча қуюқки, сўфиёна маъноларни илғаб олиш ҳам қийинлашган. Шоир яна давом этиб:

Чун зўр кетурди ишқи бебок,
Аввал қадаҳ олди ҳушини пок.
Бал май иси бирла маст бўлди,
Ғам хайлига зердаст бўлди, —

дейди. Буни тасаввуфдан беҳабар кишилар ўқиса, Қайс ҳам шароб ичибди-да, (бунинг устига у ҳали ўсмир йигит бўлса) деган ҳаёлга бориши аниқ. Аслида эса у сўфиёна мазмун касб этиб, Ҳақ ишқининг илк қадаҳи, унинг ҳушини олди ва ундаги май (илоҳий жамолдан сархушлик, ҳол, жазава, авж ҳолатлари) жилваланиб, ошиқнинг дилини банд этди. Бундан унинг кўнгил губорлари тозаланди, покланди, демоқчи. Ошиқ дилига Ёр ишқи бода янглиг қуйилди ва бу бода бирла лим-лим тўлди, унда бошқа ҳеч бир нарсага ҳожат ҳам, ўрин ҳам қолмади. Шубҳа ва гумонлари бутунлай тарқаб, ишонч ҳосил қилди.

Қайс Лайлини хилват жойда кўриб, ёқасини чок этиб, «эл ҳар неки сўрса фаҳм қилмай, Фаҳм етса жавоб дерни билмай» турган лаҳзада унга кўзи тушган Лайлининг раҳми келади ва ачинганидан ёнига бориб аҳвол сўрайди:

Ки эй, турфа йигит, не ҳолатинг бор,
Не навъ гаму малолатинг бор?

Бу илтифот Қайс кўнглидаги муҳаббатни бадтар кучайтиради. У жонига ҳайрат ўтидан беоромлик келган, вужуди кучли оловланаётганини ҳис этган ва кўнглини олиб кетган Лайлига нима деб жавоб қайтаришга ақли етмайди, чунки бунинг ҳаммасига Лайлининг ўзи сабабчи. Илк назари тушгандаёқ Мажнуннинг дилига гулгула тушиб, тинчлиги йўқолган. Кўнглини олган экан, қандай қилиб ишқини ундан сир тутсин.

Гулшандаги учрашувдаёқ Лайли ва Мажнун бир-бирисиз туролмаслиги маълум бўлади, аммо учрашиш ҳам азоб, чунки Қайс Лайлига рўбарў келган заҳоти тоқат қилолмайди, унинг руҳсориға боқа олмай ҳушдан кетади. Бу руҳий ҳолат адабиётшунос Иброҳим Фафуров таъкидлашича шундай: «Ҳушдан кетиш фавқулодда руҳий ҳолат. У фақат қаттиқ кечинмаларга берилгандагина, одам дилида мубталоликнинг ўчмас олови бўлгандагина рўй берса керак. Навоий достонида Қайс, агар эътибор қилган бўлсангиз, 5 маротаба ҳушдан кетади. Унинг ҳар бир ҳушдан кетиши Лайли қаршисида содир бўлади»¹. Ҳушдан кетиш кўпроқ сўфийларга хос руҳий-психологик кечинма. Айниқса, улар Аллоҳ ёдида ўта жазавага берилганда, бу-

¹ И. Фафуров. Ўттиз йил изҳори. Т., 1987 й. 61-6

тун руҳий куч-қувватини ишга солганда ҳушдан кетиш, ўзини унутиб қўйиш даражасигача бориб етадилар. Навоий Мажнун образида сўфийликнинг ана шу ҳолатини кўз олдимизда гавдалантиради. Бундан ташқари, аини шу ҳолда Ёр жамолини кўнгил кўзгусида ҳис этиш ҳайратидан ҳушдан кетиш содир бўлади. Бу ҳайрат мақомига етган солиқ руҳиятидир. Ҳайрат мақоми — ўзликни унутиш, ҳайрону паришон бўлиш босқичи.

13—14-бобларда Мажнун ва Лайли учрашувидан кейинги жараён, яъни бир-бирига бўлган севгининг кучайиши қамраб олинган. Ишқ лашкарлари Мажнунни тобора босиб келаверади, бунга чидай олмай ҳаловатини йўқотиб, дашту биебонларни маскан тутмоқни хоҳлайди. Лайли ҳам уни синов домига ташлайди, яъни бир кўриниб, ўзини бошқа кўрсатмасдан ғойиб бўлади. У ошиғини синаб кўриши керак, ёки унинг барча оҳ-воҳлари ёлғонмикин, ишқ ўтига, азоб-уқубатларини енгишга кучи етармикин? Энди Қайс ўзлигини тамомила унута бориб, Ёр хаёли билангина қолади. Ҳатто танини жароҳатлаб, маъшуқаси учун нисор этишга ҳам тайёр. Бундан ҳеч қандай зарар етмайди:

Чок айлади тортибон яқосин,
Чекти тани офият¹ либосин.
Йўқким, бу либосини совурди,
Ким жисмидин они ўтқа урди.

Мажнун жисмида кечаётган нафсоний кечинмаларни бутунлай ёдидан чиқарган. У руҳий етуклик-ла андармон — руҳи билан овора, ёлғиз руҳи билангина ўзини тирик санайди. Бироқ руҳи тан қуршовида, тан унга қафас, шунинг учун ҳам Мажнун қийналади, руҳни бадандан олиб чиқмоқ керак, бу ғилоф исканжасидан халос этиб, ёрининг руҳи ила қўшилмоқни ўйлайди у. Руҳ майл кўргузгани билан ҳали тандан чиқиб кетолмайди, чунки Мажнун олдида жуда кўп тўсқинликлар мавжуд. «Офият либоси»ни ечган Мажнун 14-бобда яна бир қаршиликка дуч келади. Бу — ота-онаси олдида фарзандлик бурчи, қарзи бор. Буни узмоқ керак. Аммо Мажнун ишқи кучайган чогида буларни ҳам бутунлай ёддан чиқаради:

Лайли ғами ўйла қилди бедод,
Ким ота-онани қилмади ёд.

¹ Офият — саломатлик.

Ҳали бу ерда ота-она экан, ҳақиқий ошиқ жумлайи жаҳондан воз кечгандагина ўз орзусига етиша олади. Акс ҳолда, у ҳақиқий ошиқ ҳисобланмайди. 14-бобнинг яна бир диққатга сазовор жиҳати бор. Унда ит образига дуч келамиз. Маълумки, ит садоқат, вафодорлик рамзи саналади («Лисонут-тайр» достонида Навоий Баҳоуддин Нақшбанднинг вафодор ит изини ўлиб йиғлаганини ҳикоят қилади). Мажнун ўз садоқати, вафосидан кўра итнинг садоқатини устун қўяди. Чунки ит Мажнунга қараганда Лайлига анча яқин туради. Эҳтимол, у ҳам Мажнун каби ошиқдир, балки ундан садоқатлироқдир, ёрининг оёғи остида ётиб ўз вафодорлигини кўрсатаётгандир. Бунинг фаҳмига етган Мажнун ўз дардини тўкиб солади:

Сен мендин ўлуб вафода афзун,
Ҳам сидқда, ҳам сафода афзун.

Яъни Мажнун ўзини ошиқ санаб, ит даражасига ҳам кўтарила олмаганидан қаттиқ қийноқда. Ит эса Лайлини кўрганда Мажнун сингари ҳушини йўқотмайди, унинг оёқларига суйкалиб, эркаланади — итнинг бардоши кучли, бу эса Мажнуннинг етолмас армони!

15-бобда Мажнун «қабил аҳли» билан тўқнаш келади. «Қабил аҳли» — дунё шуғли билан банд, илоҳий ишқдан бенасиб кишилар. Қайснинг телбанамо хатти-ҳаракатлари, бегона қабиллада яшайдиган қиз — Лайлини деб девонавор ҳар томонга елиб-югуриши уларга жиннилик (мажнунлик) бўлиб туюлади. Қабилдошлари уни тушунишни истамайдилар. Ишқ билан ишқсизлик, кўнгил билан «соғлом ақл», «саломат аҳли» билан «девона» орасида кураш бошланади. Қабилдошлари, ота-онаси Қайста гўё яхшилик қилиш, меҳр-шафқат кўргизиш ниятида уни пари теккан, жин чалган, шунинг учун ақлини жойига келтириш керак, деб ўйлаб, ҳар хил чора-тадбир излайдилар. Ахир, ишқнинг чораси йўқлигини, бу дард илоҳий дард бўлиб, унга фақат Ёр васли даво бўлишини улар қаердан билсин? Улар ўз ўлчовлари, яъни ердаги кўриб турган ҳаётлари андозаси билан ўлчайдилар: Лайли бўлмас экан, бошқа қизга уйлан, бир қорача қизни деб девона бўлиш шартми, деб насиҳат қиладилар. Севги, ишқ улар назарида уйланиш, оила қуриш билан якунланиши керак, яъни

Навоий айтган биринчи босқичдаги авом ишқини англайдилар. Шунинг учун адабиётшуносларимиз ёзиб келганидай, асарнинг асосий конфликти «феодал муҳит» билан «эркин муҳаббат» орасидаги зиддият эмас, ёинки Навоий бой-камбағаллар орасидаги тафовутни тасвирлаш мақсадида қалам тебратгани ҳам йўқ. Зеро, Лайлининг отаси каби Мажнуннинг отаси ҳам қабила бошлиғи, унинг бойлиги Лайлининг отасиникидан ҳам, Ибн Саломникидан ҳам кам эмас. Зиддиятнинг тугуни шундаки, Лайлининг отаси «демона» Қайсга қизини беришдан ор қилади, Мажнуннинг отаси эса, ўғлининг «демона»лигини тузатиш учун жони ҳалак. Агар мана шу тўсиқлар бўлмаганда ҳам, яъни Қайс Лайлига уйланганда ҳам у, барибир, мажнунлигича қоларди, зеро унинг мақсади уйланиш эмас, балки Лайли воситасида илоҳий ишқ камолотини касб этишдир. Шунинг учун, бемалол айтиш мумкинки, Мажнун замон ва макондан ташқари бир тимсол, у қулдорлик давридами, феодализмдами — қайси даврда бўлмасин яшаши мумкин, у интиҳосиз, самовий Ишқ рамзи!

Лайлининг отаси Мажнун отасига: «Ўғлингни йиғиштириб ол, бўлмаса ўлдираман», деб таҳдид қилади. Бундан кўрққан Мажнуннинг отаси қабиладошлари маслаҳати билан Қайснинг оёғига занжир солади. Лекин Қайс Лайлини эсга олиши билан, боя айтганимиздай, ишқ оташи зўридан занжир узилиб, бечора ошиқ уйдан чиқиб кетади. Бедард қабиладошлар унинг учун бегона, Мажнун улар орасида яшай олмайди. Бугина эмас, у қабила, ота-она, умуман жамиятдан зада бўлади, барини эсдан чиқаради. Ва дунёни ҳам унутишгача бориб етади:

Ўз отию қавму хайли оти,
Йўқ ёдида ғайри Лайли оти.

Ишқ ва ошиқликнинг бу хусусиятини тасаввуф назарийетчилари «тафрид» (ёлғизланиш) деб атаганлар. Ошиқ шундай бир ҳол мартабасини эгаллайдики, ўзига ўхшаганлар, яқинларидан безор бўлади, инсон зотини ёқтирмайди. У яққаликни, ёлғизликни қўмсайди ва саҳрога чиқиб кетади. «Ва жумладан ҳеч кимга бўйсунмайди, ўз руҳини ёлғиз тутишни хоҳлайди ва халқдан узлатта чекинади» (Сажждий, «Урафо истилоҳлари», 132-бет). Ёлғизланиш

дилнинг Ҳаққа юзланиши учун имкон яратади, Ёр ёдини фикрдан қувадиган ағёрлардан халос этади.

Мажнун — ошиқликнинг умумлашма образи, унда ошиққа хос жамики хусусият — хоксорлик, камтаринлик, беозорлик, ниёзманд бўлиш, маломатларга чидаш хислатлари мавжуд. Унинг дардлари умуминсоний дард, чунки Аллоҳдан фироқда қийналиш, олий мақсад — илоҳиёт васлига интилиш ҳар бир пок инсонда бўлмоғи даркор. Ишқ бу йўлда восита. Васлга етиш эса осон эмас:

Ўзлукдин ўзингни айла озод,
То дашти фанога киргасен шод.

Фано — бақога ўтишда тариқатнинг сўнгги босқичи. Ҳар бир солиқ бу босқичдан ўтмай туриб, бақога эришолмайди. Мажнун ана шу босқичга етиб келган. Энди унга фанога яқинлашиш қолган, бунгача ҳали кўп мушкулларни бошдан кечириши аниқ. Мажнун ўзини ҳазину ночор, ишқ ўти қаршисида хасдан ҳам паст кўради, хас оловда қанчалик тез ёнса, ёнгани ҳам билинмаганидек, ўзини шу хасдан-да беиз кетишидан қаттиқ қайғуради. Хасдай оловда ёниш — ўзликдан воз кечиш орқали Руҳи мутлаққа етиш мумкин.

Достонда икки кутб — ишқ ва ишқсизлик тасвири бобдан бобга ривожланиб боради, шоир янги-янги образлар, характерлар киритиб, ўз ғояларини ифодалайди. Қайснинг отаси ўғлини насиҳат қилиб биёбондан уйга қайтишга кўндиради, энг тажрибали табибни олиб келиб, даволамоқчи бўлади. Бу ҳам фойда бермагач, Мажнунни ҳаж муносабати билан Каъба зиёратига олиб боради. Одамлар тавоф этиб, ўз дардларига шифо тилайдилар. Парвардигор гуноҳларимизни кечирсин, деб дуо қиладилар. Мажнуннинг отаси ва қариндошлари ҳам Қайс Каъбани тавоф этса, зора дардига шифо бўлса, деб умид қиладилар. Аммо уларнинг «заминий» уйлари хато эди: Мажнун, аксинча, Лайли ишқини кўнглимда мустаҳкамроқ жо эт, ишқ оловида кучлироқ ёндир, деб Худога илтижо қилади. Иложсиз қолган ота ўғлини қайтариб олиб келади ва у яна саҳрога чиқиб кетади. Каъба зиёрати лавҳаси тасаввуф аҳлининг ҳар қандай суратлар, тимсолларга сифинишни инкор этишларига ишорадир. Қолаверса, Аллоҳнинг ўзига ошиқ бўлган, фақат Уни деб ёнган кишига бу ишлар ортиқча,

ёинки маънини англамай, суратпарастлик қилиш билан баробар деб қаралган.

Мажнуннинг қариндошлари унинг дардига чора тополмай, «унинг ишидан илик ювадилар». Мажнун саҳрода ёрининг хаёли билан маст, оҳулар, қушлар унинг дўсти, ҳамроҳи. Бу орада унга овга чиққан лашкарбоши Навфал учраб қолади. Навфал бир вақтлар ўзи ҳам ишқ дардига учрагани учун Мажнун қалбини тушунади, унга раҳми келади:

Навфал дағи ишқ кўрган эрди,
Фам дашти аро югурган эрди.

Навфал ишқ дардидан хабардор бўлса-да, лекин Мажнун даражасида эмас. Маълум бир босқичга кўтарилгандан сўнг ўшандай қолиб кетган. Шунинг учун ҳам у Мажнуннинг дардига малҳам топиш мумкин, деган қарорга келади: Лайлига ўз номидан совчи юборади, иш битмагач, Лайлининг отасига уруш очади. Бу жангнинг келиб чиқишига Мажнуннинг ҳеч бир дахли йўқ. У ҳуши ўзида бўлмай юрган пайтда Навфалдан васл муждасини эшитиш асносидаёқ розилик бериб юборади. Лайлининг отаси урушда енгилганини сезиб, қизини ўлдиришга қасд этади. Шунда Мажнун ёрининг жони хавф остида эканини билиб, Навфалдан урушни тўхтат, деб сўрайди. Бу билан Навоий ибратли бир нарсага ишора қилиб кетган, яъни маҳбубага зўрлик билан эришиб бўлмайди. Шундан кейин Лайли ва Мажнуннинг Зайд орқали бир-бирига мактуб йўллагани тасвирланган боб келади. Мактуб кўнгилларни боғлайдиган, васлдан хушxabар, умидланишдир. Ошиқ-маъшуқларнинг абадий қовушиш олдидаги синов дамларидир. Бу шундай майин ва нозик пардаларга ўраб берилганки, унда ҳеч қандай ғайритабиий ёки севишганлар мурожаатида бирор-бир ком(мақсад) йўқ.

Навфал уруш билан масалани ҳал қилолмагач, ўз қизини Мажнунга беришга рози бўлади (ишққа қарши яна бир «чора»). Бу пайтда Ибн Салом ҳам Лайлини ўз никоҳига олган бўлади. Аммо Лайли ва Мажнуннинг пок ишқи бу тўсиқларни ҳам енгади: Мажнун Навфал қизи билан тунни бедор ўтказса-да, унга яқинлашмайди, Ибн Саломнинг қуянчиқ дарди тутиб, беҳуш йиқилади. Ошиқ ва маъшуқа бир-бирлари ҳолини ғойибдан ҳис этиб, йўлга чиқадилар ва икковлари ишқ даштида учрашадилар:

Чун бир-бирисин танишдилар жазм,
Руҳ этти бадан ҳаримиға азм...
Руҳи қудсий нузул қилди,
Хокий тан аро хулул қилди...
Васл айлади иккиликни боқий,
Ваҳдат қадаҳини тутти соқий...

Улар бир-бирининг васлига етишган дамларда бутун мавжудот жимликка чўмган, ҳайвонлар, ўсимликлар — барча-барчаси сукут сақлайди, дами ичига тушган. Тасаввуф талқинига келсак, Руҳи Мутлақ ошиқ ва маъшуқа танига кириб — «хулул» этиб, уларга ҳаловат бағишлагани айтилмоқда. Руҳлар ўзаро туташмоқда. Аммо тонг ёришиб, севишганлар эл назаридан кўрқиб, яна ажрашадилар. Чунки ҳали бу Руҳи Мутлаққа яқинлашувдир. Руҳи Мутлаққа сингиб, эриб кетиш эмас. Бу эса шоир томонидан жуда ҳам моҳирлик билан чизилганки, англаш учун нуктадонлик зарур.

У дунёга кетиш нима? Бу — банданинг ўзига вақтинча инъом этилган неъматдан айриладиган фасл: у тентирайди, югуради, чопади, азобланади, қийналади ва охир оқибатда ўз Эгаси қошига йўл олади. Шунинг учун ошиқ ўлимни қувонч билан қарши олади, унинг дили мажнунлик шаробига тўлиқдир. Чунки у маъшуқасининг васлига етишаётир. Нега оҳ-воҳ чексин, абадий фароғатга етишаётган экан, қайғурсинми, нимага ачинсин, фоний дунёнинг кўз очиб-юмгунча ўтиб кетадиган кайф-сафоси, лаззатлари учун афсуслансинми? Унинг олдида бу дунёнинг фароғати ҳечдир. Ана шу абадийликка — фанодан бақога севгилиси Лайли кетаётган экан, Мажнуннинг ҳам руҳини бу йўлга чорлаётган экан, гафлат уйқусида ётсинми? Унинг ҳам бу йўлга ҳозирлик кўрмоғи шарт. Лекин Лайлининг руҳи ошигининг руҳини ҳам ўз манзилида йўлдош этиб, буюк Эгасига олиб боради. Лайли бу дунёдан кетиш фурсати яқинлашганини сезиб, онасига васият қолдиради, яъни у Мажнуннинг келишига ишонган, бирга кетишларига халақит қилмасликларини ўтинади. Чунки ошиқ-маъшуқа руҳи аллақачон бир-бирлари билан топишган ва барча тўсқинликлар олиб ташланган:

Туфроғима туфроғини қотгай,
Руҳини менинг сари узотгай, —

дейди. Севгилиси ҳаёти хазонга юз бурган экан, Мажнун кўнгли буни сезиб, бир илоҳий куч билан Лайли қабила-си томон югуради:

Юз урди қабила сори холи,
Оғзида тараннуми висоли.

Ҳа, унинг қайғуришига ҳеч ҳожат йўқ, балки висол они яқинлашган. севгилиси билан мангу қовушиш имко-ни етибди, у кулмай, шодланмай, йиғласинми?!

Хуллас, ишқ қиссаси шу тарзда поёнига етказилади. Умр бўйи бир-бирининг васлида, ишқида куйган, бу дунё-да бир-бирининг дийдорига тўёлмаганлар Руҳи Мутлақ сари равона бўлиб, ердагина — туфроқ остидагина ором топдилар. Навоийнинг фикрича, ҳар бир одам ошиқлик йўлини тутиб, ишқ тариқига кириб, ўзини ўлимга эмас, балки васл майини ичишга тайёрлаши керак. Бу дунёнинг бирдан-бир мазмуни ҳам шу, демоқчи шоир. Руҳи Мут-лақни тасаввур этишда инсон ақли ва онги ожиз экан, шоир уни Лайли тимсолида яратди. Буни эса шундай ус-талиқ билан образга сингдира олганки, дунёвий маъшуқа билан илоҳий маъшуқа орасида фарқ қолмаган.

СУҚРОТ – КОМИЛ ИНСОН ТИМСОЛИ

«Фарҳод ва Ширин» Алишер Навоийнинг машҳур асар-ларидан, уни ўрганишга бағишланган илмий-таҳлилий иш-лар ҳам анча. Аммо, шунга қарамай, бизнинг назаримиз-да, дostonнинг ғоявий моҳияти, улуғ шоир кўзлаган мақ-сад-муддао ҳали очилган эмас. Дарҳақиқат, нега Фарҳод бошқаларга ўхшаган эмас, туғилганидан бошлаб ғамгин, безовта? Сеҳрли кўзгу, Юнонистон сафаридаги тилсимот-лар, дев, аждарҳо ниманинг рамзи, бу ерларда, тоғларда истиқомат қилувчи донишмандлар-чи, улар кимлар? Нега Навоий воқеаларни тўғридан-тўғри Ширин билан учра-шишдан бошламаган, асарнинг тенг ярми афсонавий сар-гузаштлар тасвирига бағишланган? Бу ва бунга ўхшаган саволларга, афсуски, мавжуд тадқиқотларда жавоб йўқ. Ҳолбуки, Навоий оддий эртақчи шоир эмас, унинг ҳар бир ифода-образи, лавҳа ва тамсилларида муайян умум-фалсафий, кайҳоний-илоҳий маъно бор. Буни у асарнинг муқаддимасидаёқ қайд этиб ўтади:

Бу рангин саҳфа, балким, дард боғи,
Аён ҳар лоласида ишқ доғи.

Яъни, мақсад ишқ дардини қуйлаш. Бироқ бу оддий заминий ишқ эмас, балки илоҳий ишқ, Фарҳод эса ана шу илоҳий ишққа мубтало солиқдир. Гўдакнинг вужуди «шуълаи дард» билан йўғрилган, тили чиққан заҳоти ишқ ва ошиқлик сўзини айтар, ҳазин ва хастадил бўлиб ўсар, жисмонан бақувват бўлса-да, лекин оламга бепарво, ғалати эди. «Фарҳод» сўзининг асл маъноси нурли сиймо, бахти ўзига йўлбошчи демак Аммо Навоий бу номнинг араб ёзувидаги ҳарфларига рамзий тус бериб, у фироқ, рашк, ҳажр, оқ ва дарддан иборат деб айтади. Чунки илоҳий ишқ юрагига олов солган одамнинг насибаси ҳижрон қийноқлари; у ўзи билан Илоҳ орасида тўсиқ бўлиб турган дунё ва жисмдан қутулиш изтиробларини чекиши шарт. Тақдири азал бу боланинг пешонасига шуни битган ва у бундан қочиб қутулмайди. Шунинг учун унинг ҳориқулорда хислатлари кишиларни ҳайратга солади.) Фарҳоддаги раҳмдиллик, шоҳу гадога баробар муомалада бўлиб, «эл озоридан озор топиши», отаси таклиф этган тахт-тождан воз кечиши ҳам унинг дарвештабиатлиги, қалбан мол-дунёга қизиқмаганидандир. Атрофдагилар эса Фарҳоднинг бу аҳволини тушунмайдилар. Хоқон ўғлининг ҳазин кайфиятини кўтариш мақсадида ҳар хил тадбирлар қўллайди (томошалар уюштиради, тўртга қаср қурдиради, табибларга кўрсатади ва ҳоказо). Бу орқали Навоий илоҳий ишқ дардида ёнган одам билан ушбу саодатдан бенасиб «фоний дунё» кишилари орасидаги руҳий-маънавий тафовутни кўрсатиб берган. Аммо шуниси ажибки, Фарҳоднинг ўзи ҳам бошида «ичию таши асири дард» бўлишига қарамай, нимага бундайлигини англаб етмайди. Фақат шуни биладики, ихтиёри ўзида эмас, аллақандай олов ёниб-ёндириб ўзига чорлайди, кўнгли ҳамиша нимагадир муштоқ. Бу ҳолнинг-да тасаввуфий талқини бор: Фарҳод дардининг боиси нима эканини билиши, яъни ўзлигини англаши учун сулук йўлига кириб, маърифат манзилларини (мақомотни) босиб ўтиши лозим. Унинг зўр қобилият билан эгаллаган билимлари, жумладан, Қоран ва Монийлардан ўрганган ҳунарлари ҳам зоҳирий (дунёвий) билимлар бўлиб, улар тилсимотлар, яъни илоҳий сиру асрорни очишга кифоя қилмайди. Ирфоний-ботиний би-

лимларни эгаллаб, илмул яқин даражасидан ҳаққул яқин даражасига кўтарилиш, кўнгил оинасида ғайб жамолини акс эттира олиш учун эса у пири комил таълимини олиши керак эди. Фарҳоднинг хазинадаги кўзгуни биллур сандиқ ичидан ололмай (чунки у тилсимланган), Юнонистон сафарига, Суқрот ҳузурига отланишига зарурат шундан келиб чиқади.

Юнонистон — ҳикмат мамлакати, зотан, сандиқдаги «ҳикмат жаҳони» кўзгу ҳам Искандардан қолган, уни юнон донишмандлари ясаганлар. Ҳақимлар тоғларда, ғорда яшайдилар. Фарҳод ва у билан бирга борган одамлар аввал Суҳайло исмли ҳақим билан учрашадилар. Суҳайло — Фарҳоднинг тариқат йўлидаги биринчи пири, у Суқрот даражасида комил эмас, оина сеҳрини очишга қурби етмайди. Аммо у Фарҳодга Суқрот ҳузурига бориш йўлини кўрсата олади. Кези келганда шуни айтиш керакки, тариқатда бир неча пирнинг таълимини олиш расм эди, шайхлар ўз даражаларига қараб, шунингдек, муриднинг истеъдодини ҳисобга олиб, уни ўзларидан кучлироқ пирларга тақдим этганлар, натижада шогирднинг ирфоний қобилияти пирдан пирга ўтгани сари очилиб бораверган. Суҳайло ҳам «донойи огоҳ», кўнгли бедор одам, у Фарҳод енгиб ўтиши керак бўлган тўсиқлар — аждарҳо ва девдан хабар беради. Аждарҳо — нафс тимсоли, дев — салтанат тимсоли (ҳокимлик). Суҳайло Фарҳодга аждарҳони енгилш учун самандар ёғини тухфа этади. «Оташгоҳларда юриб йиққанман бу ёғни», дейди у. Чунки самандар олов ичида яшайдиган жонивор. У — ишқ рамзи. Фарҳод баданига самандар ёғини суртганида, аждарҳонинг ўти унга қор қилмайди — ишқ оташи нафс ўтинини сўндиради, демоқчи буюк мутафаккир Навоий. Ўшал ишқи илоҳий оловиким, Фарҳодни мард ва қахрамон қилди, не-не бало-офатларни енгилшга қудрат берди. Фарҳод Суҳайло сўзига амал қилиб, даҳшатли девни ўлдиргач, унинг бўйнидаги кумуш лавҳани олиб, у ёрдамида Жамшид жомини қўлга киритади. Жом гардишида Суқрот ҳузурига борадиган йўлни кўрсатувчи ёзув бор. Жоми Жамшидни қўлга киритиши Фарҳоднинг сулук тадрижида муайян мартабага эришганидан нишона эди. Чунки бу жомда «жаҳон ҳолоти равшан» кўринади, унинг ташқариси «комил замири» бўлса, ичи «андоққи соҳибдил замири». Де-

мак, Фарҳоднинг ирфоний билими ошди, замири равшанлашди, руҳий олами бойиди. Аммо кўзгу сеҳрини очишга бу ҳали етарли эмас. Шунинг учун у Сукрот томон интилади, лекин бу йўлда яна қанчадан-қанча мушкулликларни енгиши лозим.) Водий билан Сукрот турадиган тоғ оралиғида кўпдан-кўп тилсимотлар бор, йўл бағоят оғир, илончаёнларга тўла, ўр-қирлардан ўтиш керак. Тор сўқмоқнинг икки томони қиррали харсанг тошлар, пастда ваҳимали дарё оқади. Фарҳод шу йўлдан ҳеч қаёққа қарамай, «тез юриб», ўн бир минг қадам босиши керак, озгина чалғиса, ҳалокатга учрайди. Бу — солик Фарҳоднинг руҳиятида юз бераётган ўзгаришлар; унинг иродаси, сидқу вафосининг синовлари.) Солик бутун диққати, қалб торларини Аллоҳ йўлига қаратсагина, муваффақиятга эришади. Фарҳодга тилсимотларни енгиб, мазкур йўлни босиб ўтишда Хизр раҳнамолик қилади. «Келубдурмен санго бўлмоққа ҳодий» дейди у йигитга қараб. Хизрни Фарҳоднинг иккинчи пири деб қабул қилиш мумкин, аммо аслида у улуг мақсад сари таважжуҳ этган Фарҳодга ғайбдан келган мадалдир. Сукрот маскан тутган тоғни ҳамда ғорни кўради. Шайх қанча улуг бўлса, у макон тутган тоғ ҳам шунча баланд ва маҳобатли, унга етишиш азоби оғир. Ғорга борар йўлда Фарҳодга шер ва «темир пайкар» одам — робот дуч келади. Шер — ғазаб тимсоли, ғазабкорлик эса ҳокимлар, подшоларга хос. Дарвешда ғазаб бўлмаслиги керак. Шунинг учун Фарҳод шернинг оғзига Аҳриман девдан олгани Сулаймон хотами (бу ҳам ҳокимият рамзи) билан уриб, уни даф этади. Кейин темир пайкарни енгиш навбати келади. Унинг кўксига кўзгу бор, шу кўзгуни юз қадам масофадан нишонга олиб уриш керак, агар ўқ кўзгуга тегмаса, темир одам ўқ отувчининг ўзини ҳалок этади, агар нишонга тегизилса, у ёниб йўқ бўлади. Темир пайкар — риё-ёлғон тимсоли, айна вақтда дунё мўъжизалари рамзи, чунки дунёнинг ўзи ҳам мажоз — ёлғон деб ҳисобланган.) Дунё мўъжизаларига маҳлиё бўлган одам Ҳаққа етолмайди, чалғийди. (Фарҳод темир пайкар кўксини нишонга олиб, ўқ отади ва кўзгу синиб, ҳалиги махлуқ ёниб нобуд бўлади. Шундай қилиб, Фарҳод Сукрот даргоҳига мушарраф бўлишдан олдин аноният белгилари — нафс, давлат ва бойлик ҳирси, ғазаб, риё-ёлғон қутқуларини бартараф этди, унинг кўнгил кўзгуси дунё ишқи

ғуборидан тоза бўлди. Шу билан бирга, Фарҳоднинг илми ғайбдан хабардорлиги, ўз-ўзини англаш жараёни бошланади, пардалар бирин-кетин орадан кўтарилмоқда эди.¹

Хийла машаққат билан горни топгандан кейин Алишер Навоий қуйидаги байтни келтиради:

Топиб кўп фикр ила гор оғзига йўл,
Киши топқон киби ёр оғзига йўл.

Бу ўринда гор оғзининг ёр оғзига ўхшатиш дикқатни тортади. Ичи зим-зиё гор ҳар қандай одамда ваҳима, кўрқув ҳиссини уйғотиши табиий. Бироқ Фарҳод учун бу гор ваҳимали эмас, балки ёр оғзини топган каби фараҳли. Албатта, ёр деб Навоий Сукротни назарда тутаётир, у солиқ Фарҳод учун ҳақиқатан ҳам азиз дўст — ёр.

Қоронғи горга «жаҳонбин жомни» машғал қилиб кириб бордилар. Жом Фарҳоднинг мусаффо қалби рамзи эканини айтган эдик, яъни Суҳайло ва Хизр таълими, мададлари туфайли равшанлашган солиқ қалби машғалдай йўлни ёритиб, пири комил сари етаклайди. Бир қанча зиналардан кўтарилгандан сўнг салобатли бино кўринади, унинг айвонига чиқилгач, тўрдаги хона ичидан бир даста нур кўзга ташланади. Бу хона ичида гўё махфий сиру асрор олами бўлиб Сукрот ўтиради, нур — унинг чехрасининг зиёси. Сукрот меҳмонлар келишидан огоҳ, шунинг учун уларни ичкарига чорлайди. Шу ерда Навоий воқеанинг боришини тўхтатиб, Сукрот ҳаким таърифига ўтади.)

Сукрот, шоирнинг тавсифи бўйича, куёш каби порлоқ сиймо, жисми пок руҳдан иборатдай, шахси ақлнинг ҳайкали бўлиб кўзга ташланади. У барча зоҳирий ва ботиний илмларнинг жамулжами; ҳамида ахлоқий хислати, тамкини ва заковати ҳайратланарли. Жисми тоза жон каби мукаррам ва сафоли. Олами кубро, яъни Илоҳиёт олами-ни мужассам этган зот:

Келиб кўнгли анингдек баҳри зоҳир,
Ки анда зоҳир аввал то ба охир.
Юзи миръоти анвори илоҳий,
Илоҳий сиррини англаб камоҳий¹.

Хуллас, Сукрот — камолот чўққисини эгаллаган комил инсон, ўзи бир жойда ўтирса ҳам, лекин руҳи бутун

¹ Камоҳий — охиригача.

дунёни кезиб чиқади. Жамшид жоми, Искандар кўзгуси унинг кўнгил кўзгуси олдида хира. Кўнгли «махзани роз» бўлгани сабабли ҳамма нарсадан огоҳ, барча воқеадан хабардор. Кимнинг пешонасида нима ёзилган, умри қандай тугайди, муддао-мақсади нима — Сукрот буни олдиндан билади. Шунинг учун у нафақат хоқон хазинасидаги сандиқни очиш сирини, балки Фарҳоднинг келажакини ҳам башорат этади. Бироқ Сукрот аввал хоқон билан унинг вазири Мулкорони қабул қилади. Фарҳодга ҳамроҳ бўлиб, машаққат чекканлари эвазига уларга узоқ умр ва беқиёс бойлик ваъда этади, бардамликни таъминлаб турадиган «муҳра» беради. Аждарҳо ва дев жангида Фарҳод кўлга киритган ганж билан Сулаймон узуги (хотам), Жамшид жомини ҳам хоқонга қайтаради. Чунки булар Фарҳодга керак эмас эди. Хоқон ва Мулкоро — дунё одамлари, шу боис уларнинг талаби, хурсандчилиги ҳам дунёвий, яъни бойлик, еру мулк ва ҳокимият. Сукрот хоқон ва вазирни рози қилиб, чиқаргач, Фарҳодни ҳузурига чақиради, уни ўз фарзандидай эъзозлайди. Чунки бу йигит сиймосида у эътиқоди, сулукининг давомини кўрган эди. Навоий тасвирига кўра, Сукрот Фарҳодни неча юз йиллардан бери кутади. Англашиладики, Сукрот Фарҳод учун маънавий пир, унинг умри ҳам рамзий маънога эга. «Ҳакими жаҳонбин» Фарҳодга қараб дейди:

Муни билким, жаҳон фонийдур асру,
Ҳақиқат аҳли зиндонийдур асру.

Ушбу байтда Навоий Сукрот тилидан тасаввуфнинг икки муҳим ғоясини баён этган. Биринчи ғоя — дунё ўткинчи, фонийдир, шу сабаб унга кўнгил боғлаш хато. Минг йил яшаб, ер юзини олсанг ҳам оқибат бир кун ўласан, дейди Сукрот. Хоқон умри узайганига хурсанд, лекин у ахир абадий эмас. Фақат Мутлоқ Илоҳ абадий ва унинг ишқида ёнган ошиқ ҳам абадийлик бахтини топади:

Чу маҳбуби ҳақиқий Улдурур, Ул,
Анинг васли сари қатъ айламак йўл.
Гар ул маҳбуб васли бўлди уммед,
Будур иқболи сармад, бахти жовид.

Инсоннинг яшашдан мақсади «Ҳақ амрига маъмур бўлмоқ», бундан ўзга ишлардан эса ўзини сақлашдир. Бироқ

Ҳақ ва ҳақиқатни севиш, илоҳий маърифат жомини нӯш этмак осон иш эмас. «Бу йўл ичра беҳад дарду ғам бор», деб айтади Сукрот. Негаки, Ҳақ ошиғи учун тана-вужуд ва дунёнинг ўзи бамисоли бир зиндон. Ўзликдан қутулмай Ҳақ жамолита етиш, бақога мушарраф бўлиш мумкин эмас.»

Бири — ўзлукни қилмоқ бўлди фоний,
Яна бир — доғи топмоқ бўлди они.

Бу байт сўз ўйини асосида тузилган. Сукрот (Навоий) фикрига кўра, Ҳаққа етишиш йўли икки қадам масофадек гап, лекин бу икки қадамни босиб ўтиш учун минг йиллик машаққат сарфланиши керак, зеро, бу икки қадамнинг бири — ўзликдан воз кечиш, иккинчиси — ўзликни топиш, яъники ўзликдан воз кечмай туриб, ўзликни тополмайсан. Навоий талқинидаги иккинчи тасаввуфий ғоя ана шу.

Шу тариқа, Сукрот Фарҳодга дунёнинг тузилиши, одамизод хилқати ва вазифаси, ваҳдат асрори, фано ва бақо, ишқи ҳақиқий ва ишқи мажозий хусусида гапириб беради; ошиқ йигитнинг «сарнавишти» — тақдирини, бошига тушадиган мушкулликлару топажак саодатини шарҳлаб беради. Ишқнинг икки тури ҳақида Навоийнинг «Ҳайратул-аброр», «Лайли ва Мажнун», «Маҳбубул-қулуб» ва «Лисонуттайр» асарларида ҳам фикрлар айтилган. Шоир ҳар гал мажозий ва ҳақиқий ишқни солиштирар экан, ўқувчига тушунарли ва таъсирли бўлиши учун янги-янги қиёсларни мисолга олади. Масалан, «Ҳайратул-аброр»да мажозий ишқни ер қаъридаги тошларни лаълу олмосга айлантирувчи ҳароратга, «Лайли ва Мажнун»да эса «кимё», яъни мисни олтинга мубаддал этувчи сеҳрли фанга ўхшатади (Аммо «кимёланиш» ҳам олов таъсирида юз беради) («Фарҳод ва Ширин» достонида эса мажозий ишқ тонг ёруғи, ҳақиқий ишқ кўешнинг ўзига қиёс этилган. Сукрот бунинг маъносини тушунтириб, мажозий ишқни солиқ вужудини фано этувчи, илоҳий ваҳдатга олиб борувчи куч деб таърифлайди.) Модомики, инсон ўзликдан қутулмай, Илоҳга етолмас экан, демак, ана шу жараённи тезлаштирувчи чора, восита керак:

Бу ўзлукдин қутулмоқ чорасози,
Нима йўқ, ўйлаким ишқи мажозий...
Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар.
Ҳақиқий ишқ анга хуршиди ховар.

Мажозий ишқ жараёнида ошиқ обдан синовдан ўтади, унинг тани бир қуруқ хасдай бўлиб қолади ва ҳақиқий ишқ «барқи чоқилғоч», зумда ёниб кулга айланади, яъни ошиқ руҳи қутулиб, абадият — ваҳдониятга эришади.

Фарҳод ана шу жараёни босиб ўтиши, ишқи мажозий ўтида ўртанмоғи даркор, деб хабар беради Сукрот. Аммо ишқи мажозий «мазҳар»сиз содир бўлмайди. «Мазҳар» — илоҳий жамол сиймосида акс этган киши. Ошиқ уни кўриб, шайдо бўлади, ўзининг борлиғини унутиб унга интилади. Лайли Мажнун учун, тарсо қизи Шайх Санъон учун, амирнинг ўғли Шайх Ироқий учун, муғанний аёл Шайх Рўзбехон учун «мазҳар» эди. Фарҳоднинг мажозий ишқи учун «мазҳар» (мазҳар — зухурланиш, инъикос демак) Шириндир. Мазҳар Вужуди Мутлақнинг сифатлари ва беинтиҳо Хусннинг қудратини намойиш этади, у миръот ёки ораз, илоҳий файз аёнлашган объект («шайъ»). Хусн ва Ишқ тортилиши (Навоий буни «кашиш» дейди), ўзаро можаролари ушбу дostonда Фарҳод ва Ширин тимсолида давом этган.

(Фарҳод, шундай қилиб, Сукрот ҳузурига борар йўлда маърифатнинг бир қисми — мақомот манзилларини босиб ўтди, пири муршид — комил инсон суҳбатидан баҳра топиб, ўз дарди нима эканлигини билди; ишқ, сулук моҳиятини англади — ўзлигини ва илоҳиётнинг сеҳру синоатини таний бошлади. Сукрот унга отаси хазинасидаги кўзгу сирини ҳам айтиб беради. Фарҳод кўзгуда нафақат Ширинни, балки ўзини ва ўзи бошдан кечириши лозим бўлган воқеаларни кўради. Чунки кўзгу бу ерда ўша комил инсон Сукротнинг қалби.)

Фарҳод энди чинакам мажнун ошиққа айланади, савдойи кишига ўхшаб қолади. Умуман, Фарҳоднинг Мажнунга ўхшаш жиҳатлари жуда кўп. Иккаласи ҳам ошиқи беқарор, дардманд ва хастадил. Фарҳод каби Мажнуннинг ҳам гўдаклигидан ғалати хислатлари аён эди, тақдир бу икки йигитга ишқ оловида ўртанишни насиб этган. Уларнинг маҳбуба қошида ҳушдан кетишлари, оёқларига занжир солиниши, ишқсиз улусдан маломатлар чекишлари ва бошқа воқеалар ўхшаш. Навоий бир мавзу — мажзуб солиқнинг мажозий ишқини икки хил шароит ва адабий материал тасвирида гавдалантирган. Мажнун билимли,

шоир йигит, лекин у жуда ожиз, ҳарифларга, муҳитга биров бўлса-да қаршилик кўрсатишдан маҳрум. Фарҳод эса ишқ билан жавонмардликни уйғунлаштиргани учун ҳунари ва жисмоний қобилиятини ишга сола олади, қаҳрамонликлар кўрсатади. Хуллас, шоир тасаввуфий ишқ ғоясини икки хил тарзда тасвирлаб берган. Шуниси ҳам борки, Мажнун болалигиданоқ ишқи ошқор бўлади: мактабда Лайлини кўриб, унинг ишқида барчани унутади. Яъни Мажнун сулукнинг мақомот босқичини ўташга эҳтиёж сезмаган, сирга тўла ҳол даражасини эгаллаган солиқ образи. Фарҳод саргузашти эса икки қисмдан иборат. Биринчи қисм (Юнонистон сафари) — пирга эришиш қийинчиликларидан ташкил топган бўлса, иккинчи қисм ёрга этиш изтиробларидир. Ана шу иккинчи қисмда унинг аввалда яширин бўлган ишқи ошқора тус олиб, ҳол мартабасига кўтарилади, яъни Мажнун даражасига етади.

Денгиз сафари, қароқчиларга қарши жанг, дашт у водийларда саргардон кезиш, тоғ кесиб сув чиқариш — буларнинг ҳаммаси рамзий маънода ошиқнинг мажозий ишқ йўлидаги чеккан руҳий-психологик азоблари, ҳажр қийноғи. Шу каби Хисрав ҳам илоҳий ишқдан маҳрумлик, дунёвий зулмнинг тимсоли. Хоқон ва унинг саройидаги кишилар илоҳий ишқни тушунмаган зоҳирбин кишилар бўлсалар-да, бироқ улар ошиққа зулм қилмаган эдилар. Хисрав бўлса Фарҳоднинг ашаддий душмани бўлиб чиқади. Бунда Навоий икки хил маслак, икки хил инсоний даражани қиёслашга имкон топган: Хисрав ҳам ўзини Ширинга ошиқ деб эълон қилади. Ширинни севаман, дейди. Аммо Хисрав ишқи билан Фарҳод ишқи орасида ер билан осмонча фарқ бор. Хисрав ишқи Алишер Навоий «Маҳбубул-қулуб»да баён этган ишқ «маротиб»ларидан биринчиси — авом ишқига тўғри келади. Чунки Хисравнинг мақсади Ширинни хотин қилиб олиш ва ўз ҳарамига кўшишдир. У зўрлик билан бунга эришмоқчи бўлади, шунинг учун Арманистонга лашқар тортиб келади. Унинг иддаолари шоҳона, ишқи хисравларга хос. У Фарҳоднинг ишқини тушунмайди, уни «жинни», «мажнун» дея камситади. Фарҳод ишқи эса пок ва илоҳий. Буюк муаллиф Фарҳод билан Хисрав «мунозара»сида ишқ ҳақидаги икки хил тушунчани қиёслайди. Бу «мунозара» дostonнинг ўза-

гидир. Навоий дунёқараши, мақсад-муддаоси худди шу ерда аниқ ифодаланган. «Мунозара»дан бир-икки байт мисол келтирамиз:

Деди: қайдин сен, эй мажнуни гумроҳ?

Деди: мажнун ватандин қайда огоҳ

Деди: недур санга оламда пеша?

Деди: ишқ ичра мажнунлик ҳамиша.

Кўринадики, Хисрав ҳам, Фарҳод ҳам «мажнун» деган сўзни тилдан қўймайдилар, лекин Хисрав буни кесатиш, камситиш маъносида ишлатса, Фарҳод ифтихор билан бу сифатни ўзига муносиб билади. Зеро, Хисрав назарида гадонинг, жиннининг маликани севиши, бунинг устига малика ҳам уни яхши кўриши мумкин эмас. Мағрур шоҳ ҳамма нарса, жумладан, Ширин ҳам меники бўлиши керак, деб ўйлайди. («Гадолар қилмасун деб шоҳға ширкат»). Шу тариқа, Навоий Ҳақ йўлида сайр этувчи ориф инсон ишқи билан салтанат соҳиби шоҳ «ишқи»ни солиштириб, ҳақиқий ошиқ қандай бўлиши кераклигини Фарҳод тилидан баён этган. Ҳақиқий ошиқ чиндан ҳам ўзини унутган мажнундир, у парвонадай ўтга талпинади. Ишқ ўтида ёнмай киши ошиқ бўлолмайди, дейди Фарҳод Хисравга қараб, аммо бу куймак саодатидан «шоҳ аҳли маҳрум!» Навоий эътиқодига кўра, ошиқлик ва шоҳлик (умуман мансаб) бир-бири билан келишмайдиган тушунчалар. Достонда Навоий ёниб, берилиб тасвирлаган ишқ гоёсининг муҳим томони бу. Гарчи Фарҳод ҳам аслида шаҳзода бўлса-да, бироқ у тож-тахт илинжи, ганжу хазинадан буткул воз кечиб, ишқ гавҳарини танлади. Хисрав бўлса, шоҳлик ғурури билан маст, демак, у илоҳий ишққа нолойиқ. Чин ошиқ на расволиқдан, на эл маломатидан, на ўлимдан қўрқади. Ёр васли зўрлик, манманлик эмас, зорлик ва ниёз билан ранж чекишни тақозо этади. Хисравнинг омиёна саволлари, дўқ-пўписаларига Фарҳод орифона жавоблар қайтариб, уни мот этади. Ушбу «мунозара» Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин», Хусрав Деҳлавийнинг «Ширин ва Хусрав» асарларида ҳам бор. Бироқ уларда ишқ масаласида икки қутбнинг тўқнашуви, шоҳу дарвеш дунёқарашидаги чуқур зиддият Навоийда бўлганидек кескин ва аниқ ифодаланган эмас. Воқеан, улур

ўзбек шоири буни «Фарҳод ва Ширин» муқаддимасида қайд этиб, салафларда тасаввуфий орифона ишқ тасвири намоён эмас, улар кўпроқ Хусравга маддоҳлик этганлар, дейди. Ваҳоланки, шоирнинг вазифаси дардли диллар розини куйлашдир. Шу мақсад йўлида Навоий Фарҳодни марказий қаҳрамон қилиб олади, худди шу тасаввуфий мазмун Навоий асарини Низомий ва Хусрав Деҳлавий дostonларидан ажратиб туради.

Бундан кейинги бутун воқеалар тасвирида ҳам Алишер Навоий рамзийлик билан ҳаётийликни (мажоз билан ҳақиқатни) ғоят санъаткорона қўшиб олиб боради. Хисрав бутун қўшини билан Фарҳодга бас келолмайди, чунки Фарҳодда илоҳий қудрат бор: дунёвий куч илоҳий қудратни енгиши мумкин эмас. Хисрав ақлу донишда ҳам Фарҳоддан енгиледи: чунки ориф инсоннинг билими, ақли олдида дунёвий билимлар арзимас. Хисрав дунё тимсоли бўлгани учун унда ғофиллик ва жоҳиллик мужассам. Яъни илоҳий хислатдан маҳрум одам ёмонликнинг ҳамма кўринишига қўл ура олади. Унинг энг катта гуноҳи Фарҳоддек покиза, Тангри суйган одамга жабр этиб, уни зиндонда занжирбанд қилиши эди («Ҳақиқат аҳли зиндонийдур асру»). Шу тариқа, осий ернинг ғофил бандалари ва қудсий руҳ, кенг миқёсда олганда, Мутлақиятга муштоқ руҳ билан моддий дунё орасидаги зиддият авжига кўтарилади. Хисрав золим фалакнинг қўли бўлиб ошиқ Фарҳод бошига ситам тошини отаверади, Фарҳодни «мазҳар»и, жонон дилбари Шириндан ажратади — ҳажр туни ошиқ куёшини беркитади. Зиндон, тоғлар орасидаги Салосил дев қалъасида қамалиш (Салосил — занжирлар дегани) ва ҳоказо эпизодлар тасаввуфий маънода солиқнинг ҳол мақомидаги руҳий манзаралари кўринишидир. Ширинни кўрганда ҳушни йўқотиш — мушоҳада авжида илоҳий нурнинг кўнгилда акс эттириб, ҳайратга тушиш ила ғойибона сирлашувидир. Фарҳоднинг занжирдан озод бўлиб, ошиқ-маъшуқ мактублари — маҳбуби ҳақиқий бўлишига қарамай, Хисравга қарши чиқмаслиги, ваҳший ҳайвонлар билан дўстлашуви (Мажнун каби) — солиқнинг «самоъу важд»га берилиб, жисмини унута бошлаши ва фанога яқинлашувидан нишона. Ширин ҳам бу асарда фақат маъшуқа («мазҳар») эмас, балки ошиқ ҳам, чунки Хусн би-

лан Ишқ ажралмас, улар бир-бирига интилиши муқаррар қонуният. Фарҳод ва Ширин ҳажр қийноқлари остида жисман заифлашиб, ахири жонлари танадан хориж бўлади, яъни икки руҳ моддий дунё зиндонидан қутулиб, ўзаро қовушади...

Агар Алишер Навоий сўфиёна ғояларни биз айтгандек баён этиб кетганда, ҳис-ҳаяжон, кечинмалар тўлқинини ифодаловчи санъат асари юзага келмас, балки тасаввуф таълимотининг назарияси ҳақида шеърӣ рисола яратиларди (шундай асарлар анча). Унда асарнинг таъсирчанлиги бу даражада бўлмас, сўфиёна ғояларнинг ўзи-да ўқувчи юрагига сингмасди. Ишқни мажозий усулда тасвирлашдан мақсад уни реал ҳаётӣ материал орқали кўрсатишдир; тирик инсонларнинг шавқу завқи, ғам ва шодликлари, кураш ва драмалари образларда, воқеа-ҳодисалар тасвири жараёнида берилади, натижада сўфиёна дард ғалаёни кенг ўқувчилар таъбига мос келадиган саргузашт ишқӣ қисса ичида гавдаланади. Буни фалсафӣ-тасаввуфӣ маънони ҳаётӣ материал орқали бадиӣ талқин этиш деб аташ мумкин. Зотан, ҳаётнинг ўзи бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан Илоҳ илмининг тафсири, образларда кўринишидир. Шундай экан, шоир хоҳ мажоз йўси-нида бўлсин, хоҳ тўғридан-тўғри ҳақиқатни қаламга олсин — у Буюк Тангри маърифатининг бадиӣ талқинчиси бўлиб майдонга чиқади.

ШОҲ ВА ДАРВЕШ ҲИКМАТИ

Шарқ шоирлари асарларини мутолаа қилар эканмиз, дарвеш, гадо, фақири соҳибдил, солиҳ, ориф каби сўзларга тез-тез дуч келамиз. Ва аксар бу сўзлар шоҳ, шаҳзода, султон, салтанат сўзлари билан ёнма-ён келади, «шоҳгадо» контраст-зиддиятли ибора орқали эса турли хилдаги фикр-мулоҳазалар, ижтимоӣ-ахлоқӣ қарашлар баён этилади. Шундай экан, ўйлаймизки, бугунги ўқувчилар ҳам мазкур сўзларнинг маъносини англаб олиши ва бу сўзлар ишлатилган асарлар замирида яширинган муҳим ғоялар, мутафаккир адибларнинг ҳамон долзарб бўлиб келаётган қарашларини билиши зарур.

Хўш, дарвеш ким? Шоҳ-чи?

1. Дарвеш ва шоҳ ҳиёси

Форсча дарвеш сўзининг луғавий маъноси гадо, камбағал демакдир, яъни дарвешлик — бенаволик, қашшоқлик. Камтар, хоксор бўлиш, ўзини ҳақиру забун ҳисоблаш дарвешнинг асосий фазилати деб қаралган. Шу билан бирга, қаландарларни, узлатга чекинган гўшанишин кишиларни ва яна кўп ҳолларда ориф сўфийларни ҳам дарвеш деб атаганлар. Дарвеш кейинги маънода, айниқса шеърятда кенг қўлланилган. Дарҳақиқат, тиланчи гадо билан дарвеш ёхуд сўфийнинг ижтимоий аҳволи, юриштуришида ўхшашлик бор: сўфий ҳам гадо — дунё молукидан мосуво бўлган, жанда тўнидан бошқа нарсаси йўқ қашшоқ одам. Аммо сўфийнинг дарвешлиги онглихтиёрий саъю кўшиш натижасидир, унда тама йўқ, дарвешлик — унинг эътиқоди, у тариқат маслагини қабул қилиб, шу йўлда жонини, борлигини фидо этади. Шайх Абусаид Абулхайрдан сўфийлик нима, деб сўраганларида, у: «қўлида бор нарсасини ўзгаларга бағишлаш, бошдаги бор номақбул фикр-хаёлларни ташлаш ва бошга нима (қийинчилик) тушса — чидаш» деб жавоб берган. («Он чи, ки дар даст дорй — балиҳий, он чи, ки дар сар дорй — биниҳий ва он чи, ки ба сар ояд — начаҳий»). Сўфий дарвеш қорин тўйғизиш илинжида юрган паст ҳиммат, беор тиланчилардан шу жиҳати билан фарқ қилган (Воқеан, Алишер Навоий «Маҳбулбул-қулуб»да ўғриларга шерик очофат тиланчи гадоларни нафрат билан мазаммат этади). Сўфий дарвеш ҳам тиланчи, лекин унинг тиланчилиги билан гадонинг тиланчилиги орасида еру осмонча тафовут мавжуд. Ўзини ҳақ йўлига бағишлаб, дунёдан юз ўтирган; бойлик, олтин-жавоҳирга беписанд қараб, инсоний шаъну шараф, ҳикмат ва маънавий ганжинани ҳар қандай зару зевар, сарвату маснаддан афзал деб билган; қаноатли-диёнатли дарвешнинг тиламчилиги (толиблик) Илоҳ жамолига етишиш, ғайбнинг сиру асрорини кашф этиш учун тинмай изланиш, руҳни имтиёзлантириб, яйратиб боришдир. Дарвешлар зоҳиран афтодаҳол, жанда кийимда (хирқа) кўринсалар-да, лекин ботинан илм-маърифатли, закий, ҳозиржавоб ва мард-ҳамиятли кишилар бўлганлар. Яъни гуманист шоирлар наздида жамики яхши хулқ-атвор, карам-саховат, инсоний фазилат дарвеш одам-

да акс этиши керак. Шайх Саъдий «Гулистон» асарида ёзади: «Дарвешларнинг зоҳири жанда кийим ва қиртишланган соч, ҳақиқати эса — тирик кўнгил, бедор дил ва ўлган нафсдир». Навоийнинг замондоши Мирхонд фикрига кўра: «Дарвешлик — афзалият касб этиш учун кураш демак». Шу хусусияти билан дарвеш ўз нафсининг ҳокимига айланади, саркаш нафсни жиловлаб, қаноат тахтини эгаллайди; маънавият мулкининг шоҳи бўлиб олади. Бундай мартабани эгаллаган дарвешларни «шоҳ дарвеш», «шайх», «хожа» (Баҳоуддин Нақшбандни муридлари «бизнинг хожамиз» деб тилга оладилар), «соҳибдил», «солиҳ» унвонлари билан эъзозланганлар. «Соҳибдил» — ўз қалбининг эгаси, кўнгил амри билан юрадиган, ҳамиша огоҳ; ҳолнинг дардли кечинмаларини нозик дарк этувчи, дийдаси уйғоқ одам демак. «Солиҳ» деганда эса соҳибдил фазилати билан бирга раҳм-шафқатли, карамли бўлиш ҳам назарда тутилади. Яхшилик қилишга қобил, некбин, ички дунёси бут, имон-эътиқодли кишиларга нисбатан солиҳ сўзи ишлатилган. Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларида, Огаҳий таржима этган «Мифтоҳуттолибин», «Далоилул-хайрот», Толибхўжа таржимасидаги «Ҳикоятус-солеҳин» номли китобларда соҳибдил дарвешларнинг ажойиб-ғаройиб хислатлари қизиқ-қизиқ ҳикоятлар тасвири орқали кўрсатилади. Солиҳ дарвешлар халқ молига кўз олайтирмасдан, ўз меҳнатлари билан кун кўрадилар, бировнинг ҳаққини ейишдан ҳазар қиладилар. Улар нафсни жиловлаганлари учун бировга боғлиқ эмаслар, амал-мансабга интилмайдилар ва шунинг учун ҳам эркин-озод яшайдилар.

Ҳажга пиёда кетаётган дарвешнинг қўшиғидан:

На бар астар саворам, на чу уштур зери борам,
На худованди раият, на гуломи шаҳриёрам.

(Саъдий Шерозий, «Гулистон»)

(На туяга минганман, на туя каби юк остидаман.

На раиятга шоҳман, на шоҳнинг қулиман).

Ҳа, дарвеш ҳамма дунёвий қайдлардан озод, унинг хаёли-хотираси ва қалбида биргина Илоҳ бор, холос. Зеро, озод, мустақил одамгина олий ҳақиқат учун мурасасиз жангга кира олади, мол-мансаб, унвон-мартаба тамаида

юрган одам албатта, ҳокимиятга, шоҳга, мансабдорга қарам бўлади, ўз иродаси билан иш қилолмайди.

Аммо шоҳ-чи? Тасаввуф аҳли наздида у — қул, дунё қули! Чунки у мол-дунёга ҳирс қўйган одамларнинг энг «пешқадами», энг зўри, унинг фикру ёди дунё эгаллаш билан банд. Шундай қилиб, шоҳ дунёдан тўймаслик, зулму зўравонлик рамзи бўлса, дарвеш ўз хусусияти билан шоҳнинг бутунлай тескариси — салтанат, тахту тожни инкор этиш, унга нафрат тимсолидир. Абдураҳмон Жомий буюрадилар:

Тораки дарвешни торик фориг аз гожи зар аст,
Камтарин тарк аз кулоҳи торакаш тарки сар аст.
Кай мукамал гардад аз тарки ду олам он кулаҳ,
З-он ки тарки дидани он тарк тарки дигар аст.
Сахраи нафси баҳимонро на зебад тожи фақр,
Сар ки ҳаст афсарро дархўр на жойи афсар аст.

(Тарк этувчи дарвешнинг боши олтин тождан холидир, яъни тожни тарк этган, уни бошидан улоқтирган дарвешнинг боши озод, олтину зар хаёлидан холи. Унинг ўз бошининг тепаси — тарки энг камтарин кулоҳдир. Бу кулоҳ, яъни бош кийим икки олам — дунё ва охиратни тарк этишдан мукамал бўлармикин, чунки икки оламини тарк этган бошни кўриш бошқачадир. Ҳайвоний нафснинг харсанг тошига дарвешлик тожи ярашмайди, подшолик тожига лойиқ бош — раҳбар бўлишга лойиқ эмас).

Демак, олтин тож кетидан югурган, дунёни эгаллашга ружуъ этган одам халққа раҳбар бўлишга қодир эмас, чунки у фақат ўзини ўйлайди, ҳолбуки, ўз манфаатини ўйламайдиган одамгина ўзгалар манфаатини ўйлаши мумкин. Бугина эмас, Жомийнинг фикри чуқурроқ; агар мақсад кишиларни нафс ажлаҳосидан қутқариш, маънавият оламига етаклаш бўлса, ўз нафси домига гирифтор шоҳ мамлакатни, халқни тўғри йўлга бошлай оладими? Йўқ, шоҳ ўз ижтимоий аҳволи, мақсад-ниятни билан моҳиятан халққа раҳбар бўлиши мумкин эмас. Халққа раҳбар бўлиш учун бошни тож билан эмас, балки илоҳиёт нури билан, маърифат зиёси билан безаш керак. Маърифат эса тожни тарк этган бошга муяссар бўлади.

2. Икки хил одам — икки хил олам

Шу боис шоҳу дарвеш жамиятнинг икки қарама-қарши қутби, икки хил моҳият, икки хил ижтимоий мавқеъ, бир-бирини тамоман рад этувчи икки хил интилиш, ақида — дунёқараш сифатида Шарқ гуманист адибларининг диққат-эътиборини қаратиб келган. Бундан ташқари, мазкур муаммо мантиқий равишда инсон хилқати, эрки, жамиятнинг тузилиши-тартиботлари, дунёдорлик, жамиятни бошқариш, адолатли ҳукмдор, якка ҳокимлик ва фуқаро, жаҳонгирлик ва мазлум халқлар тақдири каби қадимдан давом этиб келаётган ва ҳамиша кун тартибида турган масалалар билан боғланиб кетарди. Бир томондан, шоҳлар, султонлар ниҳоят улуғланар, расмий дин эса шоҳлар пайғамбарнинг ноиби, Худонинг ердаги сояси деб уқтирар, аслзода синфлар вакили хону амирлар атрофига уюшиб, уларнинг ҳимоясида жамият сарватларидан истаганча тасарруф этиш пайида бўлардилар. Феодал иерархия — мулкый нотенглик, тоифа-табақаларга бўлиниш шоҳга сўзсиз итоат этишни тақозо этар, унинг обрў-эътиборига доғ туширмасликка интилишарди. Бутун мамлакат тақдири, миллионлаб одамларнинг тақдири якка ҳокимлик қилувчи шоҳлар қўлида эди. Шунинг учун подшонинг шахсияти, ахлоқи, одил ёки золимликнинг сабаблари ҳақида бош қотирганлар ҳамда буни тасаввуфнинг дарвешлик тариқати билан изоҳлашга интилганлар. Шоҳ ва дарвешни қиёслаш ана шу интилишдан келиб чиққан. Демак, бир томондан, шоҳни улуғлаш, уни жамиятнинг энг юқори мансабини эгаллаган ҳукмфармо одами деб ҳисоблаш, иккинчи томондан, уни оддий дарвеш билан қиёслаш, ҳатто ундан паст қўйиш. Воқеан, халқ ва Ҳақ наздида кимнинг обрў-эътибори баланд — жаҳонни титратувчи «зилли Илоҳ» султонларми ёки гадо қиёфасидаги покдил донишмандми? Кимнинг ҳиммати улуғ — ҳеч вақоси йўқ, лекин биров миннاتини кўтармайдиган, ўзининг ҳалол меҳнати билан кун кўрувчи камбағалми ёхуд қилич зарби билан юрт очиб хазина тўплайдиган ва ўз маддоҳлари бошидан зар сочадиган шавкатли подшоҳми? Агар ҳамма дарвешга айланса, мамлакат аҳволи нима кечади, ўшанда подшога ҳожат қоладими? Шоҳ дарвешга айланиши ёки тахтга дарвеш ўтириши мумкинми? Шоҳу

дарвеш бир-бирига меҳр қўйиб, ўзаро яқинлаша оладими ё бўлмаса улар орасидаги зиддият абадулабадми?

Кўриниб турибдики, шоҳу дарвеш муносабати фақат мавқеига кўра жамиятнинг икки қарама-қарши қутбида турувчи одамлар орасидаги муносабат эмас, балки ҳокимият ва билим, маърифат ва давлат, мулк ва сиёсат масалалари, улар орасидаги муносабатни ҳам қамраб олади. Буларнинг ҳаммаси эса умуман инсон ва ҳокимият масаласига келиб тақалади. Ҳокимият, тожу тахт инсонга қандай таъсир этади, инсон табиатидаги қандай фазилатлар ёки нуқсон — ожизликларни рўёбга чиқаради? Бу жуда муҳим масала, чунки жуда доно, закий одамлар ҳам давлат тизгинини қўлга киритгандан кейин жабр ва зўрлик қилишдан тийилмаганлар. Не учунки, давлатнинг ўзи зўрлик қуроли, муайян кишилар манфаатини ҳимоя қилиш воситаси. Шоҳ ҳам истайдими, истамайдими, ўзи мансуб синфнинг манфаатини ҳимоя қилади. кимларгадир зўрлик қилади, кимларнидир жазолайди. Худди шу нарсанинг ўзи, яъни ҳокимлик, мансаб инсонни бузади, унинг ахлоқи-га, қалбига путур етказди. Аммо шоҳ кимни жазолаши, кимни ҳимоя қилиши керак? Жомий ва Навоий (улардан олдин ўтган мутафаккирлар ҳам) назарида подшо яхшиларни ҳимоя қилиб, ёмонларни жиловлаши лозим. Ёмонлар деганда улуг шоирлар халққа ноҳақ зулм ўтказувчи ҳокимлар, қонун ва шариатдан ташқари чиққан қозию уламолар, ўғрилар, фирибгарлар, ортиқча солиқ ундирувчи амалдорларни назарда тутадилар. Одил подшо тadbиркор чўпондай ўз фуқаросини ана шундай золимлардан ҳимоя қилиши, маърифат аҳлини ардоқлаб, улар маслаҳати билан сиёсат юргизиши керак. Маърифат аҳлининг пешвоси эса дарвешлардир. Бироқ, инсондаги ҳокимиятга ҳирс, дунёпарастлик, бир-бири устидан ҳукм ўтказишга интилиш маърифатни, дарвешлик эътиқодини борган сари кўпроқ рад этар, унинг ғояларини саройдан четлаштирарди. Натижада шоҳу дарвеш орасидаги жарлик нафақат моддий нуқтаи назардан, балки мафкуравий-маънавий нуқтаи назардан ҳам кенгайиб борар, улар орасидаги зиддиятни чуқурлаштирар эди. Шунинг учун шоирлар шоҳу дарвешлар масаласини ҳар бири ўз ижодий концепцияси, ижтимоий қарашларига амал қилган ҳолда турли йўсинда

талқин этган бўлсалар-да, бироқ ана шу келиштириб бўлмас тафовутни акс эттиришни маъқул кўрганлар.

Ўрта асрлар Шарқида бу масаланинг муҳимлиги яна шу билан ҳам кучаярдикки, сўфий дарвешларнинг кўпи ҳаётнинг ўзида шоҳларга ва ҳокимиятга нисбатан қарама-қарши мавқеда турганлар, айниқса золим ҳукмдорларни жиловлаш, мазлум оммани зулмдан ҳимоя қилишни дарвешлар ўз бурчлари деб билганлар. Зеро, тасаввуфнинг ўзи таълимот сифатида ҳокимиятга, зулм ва зўравонликка қарши эди, шу заминда пайдо бўлиб, шу халқчил позицияда ривожланарди. Бунинг акси бадиий адабиётда кўринди. Шайх Саъдий асарларида солиҳ дарвешлар эл орасидаги обрўларидан фойдаланиб, золим амирларни қаттиқ танқид қиладилар, ҳаттоки улардан бири «Гулистон»да жабр-зулм ўтказишда машҳур Ҳажжойиб ибн Юсуфни «одамларга озор бергандан кўра ўлганинг яхши, тезроқ ажалнинг етиб, сен ўлсанг ҳам эл қутулади, ҳам сенинг ўзинг» дейишгача боради. Саъдий Шерозий дарвешлар рафтори, сийратини зўр муҳаббат билан тасвирлаган. Низомий Ганжавий, Ҳоқоний, Аҳмад Яссавий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Балхий, Ҳофиз Шерозий ижодида ҳам бу ҳақда битилган оташин сатрлар анча. Аммо бу ижодкорларнинг ҳаммасида битта ғоя етакчилик қилади, яъни: дарвеш шоҳдан устун, дарвешлар шоҳларга эмас, балки шоҳлар дарвешларга хизмат қилиши керак, дарвешларнинг насиҳат-маслаҳатларига қулоқ солиб, адолат ва инсоф йўлидан боришлари лозим. Чунки дарвеш олий зот, Худога яқин, Ҳақни кашф этган одам. Шунинг учун шоҳ уни истаб бориши, дуосини олиши, унга итоат этиши шарт, шунда иши ривож топади.

3. Хўжа Ҳофиз таърифи

Шоҳ дарвешга муҳтож. Бунинг маъноси шуки, шоҳ нафақат маслаҳат-насиҳатга, балки Аллоҳга, Аллоҳни танитишнинг энг тўғри йўли бўлмиш тасаввуфга муҳтож. «Хусравлар жаҳон ҳожатмандларининг қибласи бўлсаларда, аммо бунинг сабаби уларнинг дарвешларга бандалигидир», деб ёзади Хўжа Ҳофиз. Бошқача айтганда: подшоҳлар дарвешларга банда бўлганлари учун ҳожатманд кишилар уларга қараб интиладилар. Ҳофиз Шерозийнинг

бир ғазалини мисол келтирайлик. Шуни қайд этиш керакки, ушбу ғазалда дарвешликнинг бутун қоида-низомиyasi баён этилган. Шоир дарвешларни инсоният жамиятининг энг муътабар, энг муқаддас ва азиз кишилари деб таърифлайди. Унингча, барча яхшиликлар дарвешлар туфайлидир, улар ҳаётнинг, борлиқнинг ўзактиргаги, уларнинг ҳиммати ва ҳашамати олдида жаннату ризвон ҳам кичкина, арзимас нарсага айланиб қолади:

Қасри Фирдавс, ки ризвонаш ба дарбоний рафт,
Манзаре аз чамани нузҳати дарвешон аст.

(Ризвон номли фаришта эшигини қуриқлайдиган жаннат қасри дарвешлар покизалиги чаманидан бир манзара, холос).

Дарвешларнинг суҳбати шундай кимёким, пишмаган хаёлларни пиширади, қалбни қора доғлардан тозалаб, сайқал бера олади. Офтоб «такаббур тожи»ни улар қошида ерга олиб қўяди, фалаку сайёра шунча улуғворлиги билан дарвеш теграсида айланади. Дарвешларнинг узлати, хилватхонаси — тилсимлар тўла ганждир, бу ганжни қўлга киритиш ҳам «дарвешлар раҳматининг назари» билан бўлади. Шунинг учун дарвешларнинг давлати — тутанмас, завод билмас давлат:

Давлатеро, ки набошад ғам аз осеби завод,
Бетакаллуф бишнава, давлати дарвешон аст.

(Емирилиш офати ғамидан эмин бўлган давлат — ҳеч шубҳасиз, дарвешлар давлатидир). Шоир шоҳларнигина эмас, барча бойлар, манман кишиларни огоҳлантириб, ҳирсу ҳавога берилмасдан, хасислик қилмасдан муҳтожларга қарашиб туришни, дарвешнинг дуойи баъдига учрамасликни таъкидлайди, бўлмаса, Қорун каби уларни ер ютиши ҳеч гапмас:

Ганжи Қорун, ки фурў меравал аз қаҳр ҳануз,
Хонда бошй, ки ҳам аз ғайрати дарвешон аст.

(Агар ўқиган бўлсанг, ҳали-ҳанузгача ер қаърига кириб кетаётган Қорун ганжи ҳам дарвешларнинг ғайратидандир).

Қуръонда келтирилишича, Қорун жуда катта бой бўлган экан. Ҳисобсиз олтин-жавоҳир йиққан, аммо ни-

ҳоятда хасислигидан бировга бир мири бермас экан. Аллоҳнинг қаҳри келиб унга ғазаб қилади ва у бутун бойлиги билан ер қаърига кириб кетади. Хўжа Ҳофизнинг фикрича, ана шу илоҳий ғазаб дарвешлар дуоси туфайлидир. Ҳофиз ғазалидаги қуйидаги байт ҳам диққатни тортади:

Аз қарон то ба қарон лашкари зулм аст, вале
Аз азал то ба абад фурсати дарвешон аст.

(Қирғоқлардан қирғоқларга қадар зулм лашкари ёйилган, ҳаммаёқни зулм — зулмат босиб кетган, аммо азалдан абадгача дарвешларнинг вақти — зулмни енгиш қудрати мавжуд).

Нима демоқчи шоир бу билан? «Зулм лашкари» Ҳофиз байтида икки маънога эга: 1) инсонларнинг бир-бирига зулми, жабру жафонинг ҳаддан зиёд кўплиги; 2) дунёнинг, фалакнинг одамларга зулми чексиз-чегарасизлиги. Бу икки зулм бир-бири билан қўшилиб кетган, дунёпарастлик, нафс кетидан югуриш, ўз-ўзига зулм қилиш, яъни нафс зулми остида эзилиш чархи фалак зулмининг бир кўринишидир. Фалак ҳам, инсоннинг жисмоний эҳтиёжларидан пайдо бўладиган ўзаро низолар, олишув-талашувлар ҳаммаси зулмдир, аммо ана шу зулм лашкари дарвеш хислати билан бартараф этилиши мумкин. Дарвешнинг таъсири, дарвешнинг эътиқоди улуғ Тангри мисол азал ва абад мавжуддир, унинг замонининг ҳудуди йўқ, дарвешлар ҳамма ерда, ҳамма вақт инсонларни қутқаришга ҳозир нозир. Шунинг учун:

Ҳофиз, ар оби ҳаёти абадий мехоҳи
Манбааш хоки дари хилвати дарвешон аст.

(Эй Ҳофиз, агар абадий ҳаёт бағишловчи оби ҳаёт истасанг, билгилки, унинг манбаи дарвешлар хилватхонаси эшигининг тупроғидир).

Албатта Ҳофиз Шерозий бу ғазалда донишманд, ориф, яъни комил инсонни назарда тутади. Комил инсонким, ўз илоҳий қуввати билан жамиятга таъсир эта олган.

4. Навоий устозлари билан ҳамфикр

Хўжа Ҳофизнинг мазкур ғазалида ифодаланган ғоялар Жомий ва Навоийга ҳам таъсир этган кўринади, чунки ҳар икки замондош адиб шу мавзуда бир неча ғазаллар

ярагганлар. Навоийнинг «Девони Фоний»сига кирган газа-ли вазн, қофия ва радифи билан («дарвешон аст») Ҳофиз ғазалига ҳамоҳанг. Аммо Алишер Навоий татаб-буъ анъанасига риоя қилгани ҳолда шаклий белгиларни сақлаб, баъзи ибора-ифодаларни қайтарган бўлса-да, лекин гояни ривожлантириш, янги тасвирий образлар қўллаб поэтик мазмунни чуқурлаштиришга муваффақ бўлган. Чунончи, Ҳофиз матлаи:

Равзаи худди барин хилвати дарвешон аст
Мояи муҳташамй хидмати дарвешон аст.

(Азал тонгининг отиши дарвешлар юзидир, абадий-лик сармоясининг ҳазинаси дарвешлар хизматидир).

Навоий ғазали матлаи:

Матлаи субҳи азал, талъати дарвешон аст,
Махзани нақди абад хилъати дарвешон аст.

(Азал тонгининг истаги дарвешлар юзидир, абадият сармоясининг ҳазинаси дарвешлар тўнидир).

Муҳими шундаки, Навоий ўз ғазалида ифодаланган гоялар Ҳофиз ва Жомий гоялари билан ҳамоҳанг. Навоий ҳам дарвешнинг мартабасини Арши аълога кўтариб мақтайди, уларни эзгу ишлар ижодкори, илоҳий раҳмат ва хайру баракат манбаи деб ҳисоблайди. Яхшиси, газалдан бир неча байт келтириб кўрайлик:

Шамъи хуршед, ки гулзори жаҳон равшан аз ўст,
Гуле аз базмгоҳи нузҳати дарвешон аст.
Жоми Жамшед, к-аз ў кори жаҳон аст аён,
Як сафоли кўҳан аз сўҳбати дарвешон аст.
Арши аъзам, ки бувад боли малак жорубаш,
Қуббаи борғаҳи ҳашмати дарвешон аст.
Тоири қудс, ки бар арш нишеман дорад,
Пайки пайғомдиҳи ҳазрати дарвешон аст.

(Жаҳон гулзорини равшан этувчи офтоб шамъи дарвешлар поклик базмининг бир гулидир. Жаҳон ишларини кўрсатиб турувчи Жамшид жоми дарвешлар сўҳбатидаги битта эски синиқ сафолга тенгдир. Малоика қаноти супургиси бўлган Буюк арш дарвешлар ҳашамати қасрнинг қуббасидир. Аршга қўнадиган муқаддас қуш — фаришта дарвешлар ҳузурига пайғом — хабар келтирадиган элчидир).

Шунга ўхшаш дарвешларнинг қудрати беҳадду ҳудуд

экаи турли ташбеҳлар орқали баён этилади. Чунончи, юлдузлар билан безанган фалак — дарвешнинг исмат ҳарамидан бир парда, хайли бало дилга хавотир солганда, дарвеш уни енги билан силтаб дафъ эта олади, ҳатто инсонга қараб отилган қазо ўқини қайтаришга ҳам дарвешнинг қурби етади ва ҳоказо. Шунга асосан, шоир хулосалайди:

Фониё, равшани вақт зи дарвешон жўй,
К-ин кушод аз назари раҳмати дарвешон аст.

(Эй Фоний, замон-вақт равшанлигини дарвешлардан изла, чунки бу кушойиш дарвешлар назарининг раҳматидандир).

Хуллас, комил инсон фазилатларини ўзида акс эттирган, аҳлуллоҳ, яъни илоҳий ҳақиқат изловчилар ер юзида ўзгалар учун раҳнамо бўлиши, эзгу-хайр ишларни амалга ошириши — илоҳий неъматларни ёйиши мумкин. Бошқача айтганда, дарвеш — йиғма образ, эзгуликнинг тимсоли. Кароматли улуг шайхлар ҳам, қалби соф қаландарлар ҳам, мискин мўминлар ҳам, ижодкор адиблар ҳам бунда ўзларини кўришлари мумкин. Лекин аксар авлиёлик даражасига кўтарилган соҳибкаромат дарвешлар кўпроқ назарда тутилгани равшан кўриниб турибди, албатта. Масалан, Фаридиддин Атторнинг «Тазкиратул-авлиё», Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳотул-унс» ва Алишер Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат» асарларида келтирилган шайхларни айнан шундай дарвешлар зумрасига киритса бўлади. Ёки, масалан, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Хожа Аҳрори валини Жомий «фақр аҳлининг пешвоси» деб таъриф этади «Футуҳатуш-шабоб» девонига кирган «Дар маънии фақр аст ва дуои Хожа» (Фақир маъносидадир ва Хожа Убайдуллоҳ дуосида) номли қасидасида. Тарихий ҳужжатлар ва халқ орасида тарқалиб етиб келган ривоятларга қараганда, Хожа Аҳрорнинг молу мулки жуда кўп бўлган. Унда Жомий таърифини қандай тушуниш мумкин, «фақр» сўзини Хожа Аҳрорга нисбатан ишлатса бўладими?

Афтидан, Абдураҳмон Жомий Хожа Аҳрори валини фақру фано аҳли қаторига қўшганда, у кишининг шахсий фазилати, хулқи ва турмуш тарзини, сўфиёна ҳаётию маърифатли қалбини назарда тутган. Чунки Хожа Аҳрор гарчи ҳисобсиз бойликка эга бўлса ҳам, ўзи фақирона ҳаёт кечирган, унинг бойликлари эса қашшоқларни боқиш, муҳ-

тожларга қарашиш учун сарфланган. Хожа Аҳрор бойлиги — халқ бойлиги бўлиб қолган. Бундан ташқари, Хожа Аҳрор Самарқанд мадрасаларида таълим олаётган талабалар маошини таъминлаш, хонақо, работлар қуришга ҳам маблағини сарфлагани маълум. Унинг ўзи эса ҳамма вақт дарвешлар қуршовида зикру самоъ билан кун ўтказган, сўфиёна суҳбатларни қизитган. Хожа Аҳрорнинг Мовароуннаҳрда тасаввуфни ёйишдаги хизмати кам эмас, у кишининг ўзи қалбан дарвеш бўлгани аниқ. Жомий ҳам «фақр» деганда кўнгилининг Аллоҳдан бошқа нарсага қаратилмаганини англайди ва бу сифат Хожа Аҳрорда мужассам деб ҳисоблайди. Кези келганда айтиш керакки, Жомийнинг ўзини Алишер Навоий олиймақом дарвеш — илоҳиёт қошифи деб улуғлаган. Навоий ўз пири Абдураҳмон Жомий сиймосида комил инсоннинг фазилатларини кўради: «Тухфатул-афкор» қасидасида ёзади:

Ҳомии шаръи набӣ Жоми, ки жоми фақро
Дошта бар каф лаболаб аз шароби кавсар аст.
Он ки аз илми фузун аз ҳадд набиро ворис аст,
Балки аз қавли набӣ пайғамбаронро ҳамбар аст.
Равзаи ройи мунираш гулшане дон, к-аш зи лутф
Қатраи рухсорай ҳар барг меҳри анвар аст...

(Пайғамбар шариатининг ҳомийси Жомийким, кафтида тутган фақр жоми кавсар шаробидан лиммо-лимдир. Ҳаддан зиёд илми билан пайғамбарга ворис бўлган бу одам, пайғамбарнинг ўз қавлига кўра¹, пайғамбарларга баробардир. Нур таратувчи фикри боғини шундай гулшан тасаввур қилки, унда ҳар бир барг юзидаги қатра лутфининг порлоқ қуёшидир...)

Алишер Навоийнинг туркий ва форсий девонларида шунга ўхшаш дарвешлар сийратини мадҳ этувчи шеърлар кўп. «Ҳазоинул-маоний» девонларининг ҳар бири аввал Аллоҳ ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга ҳамду наът билан очилиб, кейин дарвеш орифлар хислатини, улуғворлигини таъриф этувчи ғазаллар келади. Бундан ташқари, девонлар алифбо тартибида тузилгани учун, ҳар бир янги ҳарф билан ёзилган ғазаллар мажмуъини Навоий одатда дарвешлар ҳақидаги ғазал билан бошлайди. Бирги-

¹ Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Олимлар — пайғамбарларга ворис» деган ҳадислари назарда тутилган.

на «Фаройибус-сиғар» девонининг ўзида дарвеш мавзуига бағишланган қирққа яқин ғазал, мухаммас ва қитъаларни учратдик. Навоий дарвешларни Худо ва пайғамбардан кейин тилга олиб, уларни инсоният билан Аллоҳ орасидаги воситачи, руҳий-маънавий олам посбонлари сифатида эъзозлайди.

5. ... Ва Навоийнинг ўз маслағи

Аmmo улўғ ўзбек шоирини шоҳу дарвеш муносабати ва бундан келиб чиқадиган масалалар кўпроқ қизиқтирган, буни шундан билса бўладики, адибнинг қарийб ҳамма насрий ва назмий асарларида бевосита ёки билвосита бу ҳақда фикру мулоҳазалари бор. Бу ҳол Навоий ёшлик айёмидан бошлаб мазкур масала устида бош қотиргани ва дарвешчилик, тасаввуф ғояларини комил эътиқод билан ўзлаштириб, барқарор дунёқарашга айлантирганини ҳам исботлайди. Ва энг муҳими, у шоҳу дарвеш масаласини ҳал қилишда янги, ўзига хос мустақил йўл тутиб, ўз замонаси учун ғоят аҳамиятли қарашлар силсиласини олға сурган. Чунончи, «Фаройибус-сиғар» достонидаги мана бу ғазалга диққат қилинг:

Ҳар гадоким бўриёи фақр эрур кисват анга,
Салтанат зарбафтидан ҳожат эмас хилъат анга.
Ким фано туфроғига ётиб кўяр тош узра бош.
Тахт уза эрмас музаҳҳаб муттако ҳожат анга.
Шоҳ юриб олам очар, дарвеш оламдин қочар.
Ҳам ўзинг инсоф бергилким, бу не нисбат анга.
Ҳар не шоҳ мақсудидур — дарвешнинг мардудидур,
Кўр: не ҳимматдур мунга, не навъ эрур ҳолат анга.
Фақр куйи туфрогин шаҳ мулкига бермас фақир,
Мулк кўрким тенг эмас, туфроқ ила қиймат анга.
Шоҳ сипаҳ чекса фақир аҳволига етмас футур,
Бу вале чекса нафас барбод ўлур ҳашмат анга.
Шоҳ эмастур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин,
Эй хушо дарвешким: мардуд эрур жаннат анга.
Шоҳга сидқ аҳли дамидин машъали давлат эрур,
Меҳрдекким субҳ анфоси очар талъат анга.
Шоҳга шоҳлиқ мусалламдур, агар бўлгай мудом
Шоҳлиқ таркин қилиб, дарвеш ўлур ният анга.
Мумкин эрмас шаҳлар ичра буйла ниятлиғ, магар
Шоҳи ғозийким, муяссар бўлди бу давлат анга.

Шоҳлар дарवेशию дарвешлар шоҳи, ки бор
Шоҳлиқ сурат анга, дарвешлик сийрат анга.
То шаҳу дарвеш бўлгай, айлагил ё Раб, аён
Шоҳдин хизмат мунга, дарвешдин ҳиммат анга.
Гар Навоий сўз узатти фақрдин, эрмас деманг
Бўлмагунча ҳукм шаҳдин қайда бу журъат анга.

Муҳтарам китобхонларга тушунарли бўлсин учун мавзу мазмунига мувофиқ тазод-зидлаш усулида ёзилган ушбу газалнинг насрий баёнини келтирамиз: «Фақирлик бўриёсини ўзига тўшак қилиб олган гадо учун салтанатнинг зардан тикилган шоҳона либосига эҳтиёж йўқ; фано (йўқлик) тупроғи уза ётиб, тошни ёстик қилиб олган одамга олтин суви юргизилган тахт устига суяниб ўтириш керак эмас. Шоҳ кўшини билан юриш қилиб, оламни эгалласа, дарвеш оламдан қочади: яъни дунё молидан безор бўлиб, узлатга чекинади. Энди ўзинг инсоф юзасидан айт: уларни бир-бирига қиёслаш мумкинми?! Нимаики шоҳнинг мақсади бўлса, у дарвешнинг нафратини келтиради; дарвешнинг ҳимматини кўргину шоҳнинг аҳволига боқ! Фақир одам дарвешлик кўчасининг тупроғини шоҳ хазинасига алиштирмайди; ахир кўряпсан-ку, уларнинг мулки тенг эмас — шоҳнинг бутун бойлиги дарвеш назарида тупроқ билан баробар. Агар шоҳ лашкар тортса гадонинг аҳволига путур етмайди, лекин гадо оҳ урса шоҳнинг тахту тожи, ҳашаматли саройи барбод бўлади. Шоҳ дўзах азоби ваҳимасидан бир нафас осойишта яшолмайди; аммо дарवेशга офарин, чунки у жаннату дўзах ғамидан фориғ! Шоҳлар давлатининг чироғи ростгўй дарвешлар нафасидан ёнади, бу гўё тонг нафасидан порлаб чиқаётган қуёш кабилар. Шоҳлар агар шоҳликдан воз кечиб, дарвеш бўлиш нияти бўлса, шоҳлик унга муносиб ва барқарордир. Бундай ният шоҳларда мавжуд эмас, фақат шоҳи Қозий — Ҳусайн Бойқаро бу олий давлатга мушарраф бўлган. У шоҳларнинг дарवेशию дарвешларнинг шоҳидир, чунки ташқи кўриниши шоҳ бўлгани билан, ички оламига кўра дарвешдир. Эй Танграм, токи шоҳу дарвеш бор экан, шоҳдан дарवेशга хизмат ва дарвешдан шоҳга ҳимматни аён айлагин. Агар Навоий фақр ҳақида сўзни чўзган бўлса, бу шоҳнинг (Ҳусайн Бойқаронинг) ҳукмидандир, бўлмаса унда бундай журъат қаерда эди».

Бу ғазал шоҳ ва дарвеш муносабати ҳақидаги яхлит бир баённома — дастур! Навоийнинг фикрлари салафлари — Саъдий, Ҳофиз, Жомийга нисбатан ва ҳатто ўзининг форсий ғазалида ифодалаган (бу ғазални юқорида кўриб ўтдик) ғояларига қараганда кескинроқ, қиёслари далил ва журъатли. Ўзбек шоирининг дарвешга рағбат-майли, бутина эмас, эътиқод-сиғиниши шундайгина кўриниб турибди. Бунга ажабланмаслик керак, чунки Навоий учун дарвеш идеал, маҳбуб ва маъшукдир. Шу боис шоҳ ва дарвеш орасидаги тубсиз жарликдай кўринган тафовутни бир-бирини рад этувчи далил-мисоллар билан ажойиб тарзда, ҳаяжон, шавқ билан қиёслаб кўрсатар экан, тасаввуфнинг жасоратбахш ғояларидан бири — дарвеш шоҳдан афзал ва улуг, шунинг учун дарвеш шоҳга эмас, шоҳ дарвешга муҳтож, демак шоҳлар дарвешларга хизмат қилиши керак, деган фикрни эҳтиросини яширмай, қизгин маъқуллайди. Бу концепция Навойдан олдинги шоирлар ижодида ҳам асосий йўналишлардан бири эканини кўриб ўтдик. Навоий мазкур анъанани давом эттирган. Аммо ғазалнинг биринчи қисми бўйича фикр юритганимизда шундай хулосага келиш мумкин, ғазалнинг тўққизинчи байтидан кейинги иккинчи қисмига ўтганда эса шоирнинг позицияси ўзгаради — у салафлар фикрига зид ўлароқ шоҳу дарвеш хусусияти бир шахсда мужассамлашиши мумкин, деган ғояни олға суради ва Ҳусайн Бойқаро сиймосида бунинг конкрет ҳаётий мисолини ҳам кўрсатиб беради.

Нима бу — ўз султониغا билдирилган ҳурмат-мадҳиями ёки ҳақиқатдан ҳам шоирнинг кузатишлари, ишонч-эътиқодидан келиб чиқадиган хулосами? Афтидан, бу ўринда ҳар икки мақсад ҳам кўзда тутилган. Негаки, гарчи дарвешларни улуглаш аввалдан давом этиб келаётган анъана бўлса-да, бироқ саройда хизмат қилаётган Навоий учун бундай изҳорот унинг ўзи таъкидлаганидай, жуда қалтис журъат эди. Бу гап сарой аъёнлари, калтафаҳм авом кишилар наздида султон обрўини пасайтириб, мавқеини тушириши мумкин эди. Бироқ зукко шоир Ҳусайн Бойқаро табиатида ҳеч бир шоҳда кўринмаган дарвешлик хислати мавжуд, дейиш билан, аксинча, султоннинг обрў-эътиборини янада баландроқ кўтариб юборади ва айни вақтда шоҳ ва дарвеш ҳақидаги ўзининг янги қарашини изҳор этади. Бу қараш Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий тафаккури тари-

хида янги босқич, адабиётда эса янги ижодий концепциянинг кун тартибига қўйилиши эди (Навоийдан олдинги шоирларда аҳён-аҳён донишманд дарвешнинг тахтта ўтиргани ёхуд ҳукмдорнинг дарвештабиат бўлиши ҳақида орзу-истаклар мавжуд. Аммо бу Навоийда бўлганидай мунтазамлик касб этиб, конкрет тарихий шахс мисолида кўринган эмас. Масалан, Ҳофиз Шерозий вазирга нисбатан дарвешлик рутбасини раво кўради, шунда ҳам бу фикр орзу тариқасида баён этилган: «Мен шундай доно вазирнинг қулидирманки, унинг сурати хожа бўлса ҳам, лекин сийрати дарвешона бўлсин»). Алишер Навоий ўзининг бу қарашини турли шароитда, ҳар хил образ ва воқеалар талқини орқали қайта-қайта синаб, янгидан кўздан кечириб, масаланинг номаълум қирраларини очишга эришади. Баъзан ўз фикрига шубҳа билан қарайди, баъзан эса уни астойдил ҳимоя қилади, лекин ҳар гал шу масала кўзгалганда ё бўлмаса адолатли шоҳ ҳақида гап кетганда албатта Ҳусайн Бойқарони тилга олиб, унинг «шоҳлар дарвешию, дарвешлар шоҳи» эканини таъкидлашни лозим деб билади.

6. Ҳусайн Бойқаро — ҳам шоҳ, ҳам дарвеш

Масалан, «Бадоеъул-бидоя» дебчосида ёзилишича, Ҳусайн Бойқаро ёшлигиданоқ (маълумки, Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ёшликда бирга таҳсил кўришган, дўст-ўртоқ бўлиб, бир неча йиллар бирга юришган) хуштабъ, дарвешсифат одам бўлган экан, тахтта ўтиргандан кейин эса:

Султонлиг анга гарчи мусаллам бўлди,
Бу турфаки, дарвешсифат ҳам бўлди.

1469 йилда Ҳусайн Бойқарони тахтта ўтириши муносабати билан ёзилган «Ҳилолия» қасидасидан:

Шоҳликда ояте дарвешликдин кўрмайин
Бўриёйи фақрча заркаш сарири рифъатин.
Шоҳлар дарвешию, дарвешлар шоҳи, ки Ҳақ
Шоҳ қилди суратин, дарвеш қилди сийратин.

Бу байтларда ифодаланган фикрни олдин «Ҳар гадоким...» деб бошланувчи газалда учратган эдик. Лекин бу ерда «шоҳ юксак тахтини фақр бўриёсича кўрмади — у шоҳликда дарвешликдан нишона тополмади» деган фикр

ҳам мавжуд. Ҳолбуки, бу – табрик сўзи, Навоий дўстини шоҳлик билан муборакбод этмоқчи. Аммо шундай пайтда ҳам шоир шоҳ учун дарвешлик зарурлигини айтишдан ўзини тиёлмаган.

Дарвешликнинг белгиларидан бири Ҳақни таниш, илмга ташналик ҳамда хоксорлик, ўзни фақир ҳақир ҳисоблашдир. «Ҳазоинул-маоний» дебочасида Ҳусайн Бойқаронинг шу сифатлари таърифланади:

Ҳар кўнглин анинг биликка маҳзан айлаб,
Ҳар фан ариғ зотини якфан айлаб,
Жоҳию тахтин чархи мусамман айлаб,
Туфроқдек ул ўзин фурутан айлаб.

Яъни: Худо унинг кўнглини билим конига айлантирган, ҳар бир фаннинг нозик жиҳатларини тезда ўзлаштириб олади, тахту бахти чархи фалак билан тенг. Аммо шундай бўлишига қарамай, ўзини камтарин, афтодалар каби тутади.

Дарвешликнинг яна бир муҳим белгиси – ошиқлик, Илоҳ ёдида дардманд, огоҳдил бўлиш. Турфа буким, бу хислатлар ҳам султонда бор экан:

Ҳам қиблаи иқбол ҳарими жоҳи,
Ҳам Каъбаи омон бийик даргоҳи,
Шоҳларнинг дардмандию огоҳи,
Бу турфаки дардмандларнинг шоҳи.

Яъни: унинг тахтининг атрофи – иқбол қибласи, унинг буюк даргоҳи – орзу-армонлар каъбаси, ўзи шоҳларнинг огоҳдил дарвеш, ажибки, шоҳларнинг дардмандигина эмас, дардмандларнинг шоҳи ҳам.

Ва, ниҳоят, «Лайли ва Мажнун» достонининг бағишловидан:

Шоҳлар аро ўрни токи афлок,
Дарвешлар олдида овуч хок...
Дарвеш десам улус уза шоҳ,
Шо-дарвеш боракаллоҳ!

«Лайли ва Мажнун»даги ушбу бағишловда Навоий Ҳусайн Бойқаронинг тахтда ўтириб, тариқат русуми билан ошно бўлгани, ўзини пир (Жомий) ихтиёрига топширгани, вақти-вақти билан қадамжолар, хонақоларни зиёрат этгани, Ҳиротдаги дарвеш-орифлар, шайхлар аҳво-

лидан хабар олиб туриши, ваҳдатул вужуд таълимотини ўзлаштиришга интилгани ва ҳатто сўфийларни йиғиб, бу мавзуда суҳбатлар қургани, баъзан голиб келгани, шоҳ бўлса-да, тахту тождан нафратланиб юришини, қалбан дарвешлигини махсус қайд этиб ўтади. Хуллас, Алишер Навоий фикрича, тахтга ўтириб, тахтдан нафратланиш, тож кийиб салтанатга маҳлиё бўлмаслик, шоҳлик рутбасида дарвешдай ҳалол ва ҳалим, ҳаким ва карим бўлиш, дарвеш маслагини қабул қилиб, адолат ҳукми билан юртни бошқариш мумкин... Бу ҳукмдан дунё обод бўлади-ю, ammo ҳукмдорнинг дунё билан иши йўқ... Мазкур хислатлар султон Ҳусайн Бойқарода қанчалик мужассамлангани бизга қоронғи. Албатта, у ўз даврининг феодал шоҳларидан бўлган, «феодал тартиботлар» талаби ва ўша даврнинг «адолатли идора усули» асосида подшолик қилган. Унинг ҳамма тадбирлари Навоий ва Жомийга маъқул бўлмагани, Навоий ҳар бир қулай фурсатдан фойдаланиб, султонни адолатли ҳукмлар чиқаришга чорлагани тарихдан маълум. Бироқ шуниси ҳам аниқки, Ҳусайн Бойқаронинг шахсий хусусияти, риндона табиатидаги ўзига хос кайфиятлар, илм-маърифатга мойиллик Навоий иделидаги шоҳдарвешликнинг бир қанча сифатларини зоҳир эттириб, некбин шоирнинг умид ғунчаларини яшнатишга сабаб бўлар, унинг эзгу ғоялари амалга ошгандай эди.

Шу ўринда диққатингизни яна бир фактга қаратмоқчимиз. Ҳусайн Бойқаро бир ғазалида «салтанатдан унча фахрланмайман, мени ёр кўйининг гадолари хайлидан ҳисобласалар дуруст бўларди», деган фикрни баён этади. Навоий бўлса, султоннинг шу ғазалига мусаддас боғлаб, маслакдошлик изҳор этган:

Чун Навоий жонини май орзуси куйдурур,
Йўқ гадоликқа ажаб майхоналарда кубдурур¹.
Журъае дайр аҳли бергунча замоне телмурур,
Шоҳ агар мундоқ гадони салтанатқа еткурур,
Эй Ҳусайний, салтанатдин онча фаҳрим йўқтурур —
Ким, дегайлар кўйининг хайли гадосидин мени.

Аслини олганда, Навоийда шоҳу дарвешни бирлаштириш ғоясининг пайдо бўлишига боис фақат султоннинг «дарвеш» табиати эмас. Ҳусайн Бойқаро бу ерда бир воси-

¹ Куб — хум.

та, мисол, холос. Шоирнинг бундай хулосага келишига, бизнингча, иккита асосий сабаб бор. Биринчиси — Навоийнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиб, олиб борган амалий курашлари бўлса, иккинчиси — нақшбандия таълимотининг назарий принципларидир. Биз яхши биламизки, Алишер Навоий ҳам давлат арбоби ва қалби ёниқ ижодкор шахс сифатида жамият ишларида фаол иштирок этиб турган (Диққат қилинг: Атоулло Ҳусайний Навоийни «Худованди корий», яъни иш, фаолият эгаси, яратувчи деб таърифлайди), шу билан бирга, у Шарқ фалсафасини, айниқса, тасаввуфни чуқур ўзлаштирган, даврининг энг зўр донишманди ва орифи қошифи Абдураҳмон Жомий ҳузурида тариқат сулукининг одоб ва ахлоқидан дарс тинглаган. Бошқача айтганда, Навоий шахсининг ўзида ижодкорлик, олимлик, давлат арбоби (сиёсатдонлик) ва дарвешлик хусусиятлари уйғунлашиб кўзга ташланар, шунинг учун ҳам у тасаввуф таълимотидан амалий мақсадларда фойдаланишга, бу таълимотнинг талаб ва тамойилларини яхши инсоний ахлоқни тарбиялаш, эзгухайр ишларни амалга оширишга хизмат қилдирмоқчи бўлганди. Шоир шу боис тайинли касб-кори бўлмаган одамларни ёқтирмаган. Жумладан, у кўча-куйда санғиб юрувчи қаландарлар, сохта шайх-суфийларни, бадмаст риндларни «Ҳайратул-аброр» ва «Маҳбул-қулуб» асарларидан қаттиқ танқид қилгани ҳолда, «Мажолисун-нафоис» асарида дарвештабиат олим-шоирлар, ҳунармандларни яхши ахлоқли кишилар сифатида алоҳида ажратиб кўрсатади. Чунончи: «Амир Давлатшоҳ (Давлатшоҳ Самарқандий) хуштабъ ва дарвешваш ва кўп салоҳиятлик йигитдур... Гушае ихтиёр қилиб, фақр ва даққанат (деҳқончилик) била қаноат қилди ва фозил ва камолот иқтибоси (касби) била умр ўтказди». Ёки Амир Маҳмуд Барлос ҳақида Навоий бундай дейди: «... дарвешваш ва фониймашраб (фано бўлишга мойил) ва бетакаллуф кишидур, таъби солим (бугун) ва хулқи карими бор». Бу сифат, шоирнинг ёзишича, Хожа Маҳмуд, Мавлоно Масъуд Мавлоно ҳожи, Мир Ҳусайн Али Жалойир; шаҳзодалардан Султон Аҳмад Мирзо, Султон Муҳаммадларнинг табиатида мавжуд экан. Султон Муҳаммадни Навоий «таъби дарвешу ўзи шоҳнишон...», қаноат «кунжининг хокнишини, илму зако аҳлининг яғонаси, фақру фано

хайлининг бенишонаси» дея таъриф этади. Демак, дарвешлик инсоннинг яхши хулқ-атворини белгилайдиган, камтарин, шафқатли-меҳрибон бўлиш, мўмин-мусулмонлик фазилати сифатида улуғланган.

Навоий, Жомий каби XV аср мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари шундай эди. Алишер Навоий ўзларининг таниш-билиши, дўстлари, шогирдларидан ҳам шу фазилатларга эга бўлишни талаб қилган. Масалан, «Мажолисун-нафоис»да у атоқли адабиётшунос олим, ўзининг устозларидан бири Мир Атоуллоҳ Хусайний хусусида бундай дейди: «Фақир густоҳлик юзидин (беодоблик қилиб) Мирга дерменким, фазоил ва камолотингизга кўра дарвешлигингиз ҳам бўлса эрди – хўб эрди». Илм эгаллаб, олиму оқил бўлиш яхши, аммо хокисор, қаноатли, хушахлоқ киши бўлиш учун дарвешлар сулукини сайр этиш керак. Инсон маънавий камолотининг тўғри йўли ана шу, деб тушунарди Навоий. Билим, заковат кишини ақлий жиҳатдан юксалтиради, бироқ, ният, эътиқод тўғри бўлмаса, ақл фаолиятидан эзгулик йўлида фойдаланиш қийин. Ақлу дониш дарवेशона қалб билан қўшилса, одамийлик моҳияти солимлашиб, ахлоқан мукаррам бўлиш мумкин. Чунки дарвешлик дардмандларга ҳамроз, малҳам бўлиш, эзилган, жабр кўрганларни ҳимоя қилмоқ демак. Шу маънода дарвешлик зоҳидлик тариқатини ҳам инкор этади, чунки зоҳидлар ижтимоий ҳаётга аралашишни батамом рад этар эдилар. Зоҳидлар бирор касб билан шуғулланиш, меҳнат қилишни ҳаром деб ҳисоблардилар. Навоий тарғиб этган дарвешлик эса, кўриб ўтганимиз каби, касбу корни инкор этмайди. «Насойимул-муҳаббат» асарининг муқаддимасида улуғ адиб буни алоҳида таъкидлайди: «Ҳар оина «ал косибу ҳабибуллоҳи» («касб эгаси Аллоҳнинг суйган бандасидур») мазмуни била кибор машойих баъзи санъатларга (хунарларга) иштиғол қилибтурлар (шуғулланибдирлар). Шайхул машойих шайх Абусаид Харроз эрдиким... алар ўтук тикарга мансубдурлар. Ва шайх Муҳаммад Саккокким, ўз замони машойихининг яғонаси эрмиш, пичоқчиликка мансубдурлар. Ва шайх Абуҳафз Ҳаддод темурчилик қилибдур. Ва шайх Абубакр Ҳаббоз ўтмакчиликка (новвойликка) мансубдир. Ва шайх Абулаббос Омилийким, ўз замонининг қутби ва ғавси эрмиш ва султони тариқат шайх Абусаид Абулхайрнинг хирқа пири эрмиш, қассоблик қилибдур».

Шу тариқа, шайх Иброҳим Ожарий гишт териш, Мирчаи сафолфуруш кулолчилик, шайх Абулҳасан дурадгорлик, ҳазрати хожа Баҳоддин Нақшбанд матога гул солиш билан шуғулланганлар. Алишер Навоий яна давом этиб ёзади: «Ва сойири машойихи кибордин ҳам купи ҳалол луқма касбига муздурлук қилибдурлар (яъни, мардикорчилик қилибдурлар), ўтин тошибдурлар ва ҳалол луқма бу ишда куллийдурки (кўпдир, тўлиқдирки), андин файз ва маърифат зоянда бўлур (туғилади). Ва бир шубҳалик луқма онча тийралик келтурурки, кўп вақт анинг ислоҳига (тузатиши, тозаланиши) машғул бўлуб, маълум эмаски дафъи не навъ сурат боғлар».

Демак, меҳнат қилиш — ҳалол яшашнинг гарови, ҳалол еб, ҳалол яшамаган одам эса дарвеш бўлолмайди. Наинки оддий дарвеш сўфийлар, балки улуг шайхлар ҳам фойдали ҳунар билан шуғулланганлар, бировнинг қўлига қарам бўлишдан сақланганларким, бу гоят ибратли аъмол эди (бу аъмол ҳозир бизга ҳам ибрат бўлишга арзирли) ва буюк Навоийнинг ҳусни раббатига сазовор бўлганди. Дарвоқе, нақшбандия сулукининг асосий шиорларидан бири ҳам «Дил ба Ёру, даст ба кор», яъни «Кўнгил Ёрдаю қўл ишда» эканини биламиз. Баҳоддин Муҳаммад Нақшбанд гул солишдан (у кишининг лақаблари шундан келиб чиққан) ташқари, тижорат билан ҳам шуғулланганлар, Навоий буни «Ҳайратул-аброр»да таъкидлаб ўтади: Бовужуд, алар зоҳиран фоний машраб — ички дунёси Илоҳ ёди ила фарқ, огоҳ қалбли шахс бўлган. Алар ўзларини жамиятдан хориж этмаганлар («Ўзни қилмай яшурун, ошкор»), жамоа ичра юриб, қалб хилватини ташкил этароқ, Мутлақ руҳ висолига эришиш йўлини таълим берганлар. Алар зоҳирий расм-русум, худнамолик, такаббурликни қатъиян қоралаганлар. Алар шайх Юсуф Ҳусайнийнинг: «Ал хайру куллуху фи байтин ва мифтоҳуху ат-тавозуъу вашшарру куллуху фи байтин ва мифтоқуху ат-такаббуру» («Яхшиликнинг жами бир уйдадирки, унинг калити тавозеъдир ва ёмонликнинг жами бир уйдадирки, калити такаббурликдир») деган сўзини тез-тез такрорлар эдилар. Нақшбандиянинг биноси анжуманда хилват, ватанда сафар, оёқ остидан кўз узмаслик (назар дар қадам) ва асҳоб билан суҳбат рукунига қурилган ва фақирлик, қаноатни ахлоқ

низомига айлантирган эди. Бу таълимотга биноан, тасаввуф мартабалари, илоҳий ишқ неъматидан жамиятнинг ҳамма табақалари баҳраманд бўлиши мумкин.

Ҳақ сўзини элга қилурда адо,
Тенг кўриниб олида шоҳу гадо, —

деб ёзади Навоий Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида. Маълумки, бир тоифа шайхлар амир-амалдорлар, шоҳу султонларни ўз даргоҳларига йўлатмаганлар, мол-мулк эгаларининг дарвешликка алоқаси йўқ, деб айтганлар. Баҳоуддин Нақшбанд эса тасаввуфни «демократлаштириб», уни ҳаммага баробар таълимот деб эълон қилди. Натижада темурий шаҳзодалар, ҳоким синф вакиллари орасидан чиққан айрим кишилар ўзларини фақру фанога дахлдор ҳисоблаб, дарвешлар сулукига кирганлар. Айрим тадқиқотчилар буни тасаввуфнинг халқчилликдан чекиниши, ҳоким синфлар манфаатини ҳимоя қилишга ўтиб олиши деб баҳолайдилар. Бизнингча, бу бир томонлама қарашдир. Тўғри, тасаввуф ҳокимиятга ва ҳоким синфларга муҳолифатда пайдо бўлиб, хунар аҳли, бенаволар манфаати ва қарашларини ифодалаб келган эди. Аммо Хожа Баҳоуддин тариқатда шоҳу гадо тенг, дейиш билан камбағаллар манфаатидан юз тортиб, уларни ҳам тарбиялаш, шоҳларни дарвешлар даражасига кўтариш ақидасини илгари сурган. Бу ўзига хос синфий келишув, мураса бўлиб туюлиши мумкин (Ҳилолийнинг «Шоҳу гадо» достонида гадо ва шоҳ бир-бирига ошиқ бўлгани, бир-бирининг висолига интилганини эсланг), лекин аслида моҳиятан олиб қараганда тасаввуф кучини кўрсатиш, шоҳларни дарвешларга итоатини амалий йўсинда қонунлаштириш эди. Шунинг учун бу таълимот Жомий ва Навоий каби гуманист мутафаккирларга маъқул бўлди, айниқса, Навоийнинг шоҳу гадо уйғуллигини таъминлаш ҳақидаги орзусига мувофиқ эди. Хуллас, Алишер Навоий эътиқодига кўра, дарвешлик фавқулудда қобилиятли танланган шахслар, махсус руҳий-психологик синовлардан ўтган (чилла ўтириш, зикр, важд ва ҳоказо) одамларнинггина насибаси эмас. Ҳар бир пок тийнат, пок ниятли инсон яхши хулқи билан дарвеш рутбасига мушарраф бўла олади. Жумладан, шоҳлар ҳам. Энди шу нуқтаи назардан «Ғаройибус-сиғар» девонидан олиб таҳлил қилганимиз ғазалга яна мурожаат қиламиз.

Шоҳга шоҳлик мусалламдур, агар бўлғай мудом
Шоҳлик таркин қилиб, дарвеш ўлур ният анга.

Биз бу ўринда «ният» сўзини алоҳида олиб, таъкидлаб тушунтирмақчимиз. Чунки агар шу сўз бўлмаганда, мазкур байт мазмунидан Иброҳим Адҳам каби шоҳликни тарк этиб, дарвеш бўлган шоҳ — ҳақиқий шоҳ, яъни у дарвешлар шоҳи (дарвешлар ўз ораларидан пешво-шоҳ сайлаганлар ва унга шоҳ дарвеш, шоҳ Машраб деган унвонлар берганлар), ўз нафсининг ҳокими бўла олади, деган анъанавий ғоя келиб чиққан бўларди. «Ният» сўзининг киритилиши билан байтнинг мазмуни бутунлай ўзгарган: агар шоҳда ҳар доим шоҳликни тарк этиб, дарвеш бўлиш нияти бўлса, шоҳлик унга ярашади, муносибдир, дейди Навоий. Бошқача изоҳласак, шоҳга дарвеш бўлиш учун тожу тахтни тарк этиш шарт эмас, балки кўнглида ана шу нияти бўлса етарли. Бу ният тахту тожнинг бебақолиги, бани одамнинг Ҳақ олдида тенгбаробарлиги, шоҳ, ҳоким эзувчи эмас, раҳбар, посбон эканини ҳамиша ёдига солиб туради. Боз устига ана шундай ният билан тахтга ўтирган шоҳнинг иши ривожда, салтанати барқарор. Зеро, дарвешхислатли шоҳ одил ва инсонпарвар бўлиши, улус ғамини ейиши аниқ. Мазкур ғоя Навоий — Фонийнинг машҳур форсий қасидаси «Тухфатул-афкор»да янада ёрқинроқ ифодаланган:

Шоҳ, ки ёд аз марг н-орад, з-ўст вайрони мулк,
Хусрави беоқибат хусри билоду кишвар аст.

(Шоҳ агар ўлимни эсга олмаса, у мамлакатнинг вайроналигига сабаб бўлади, чунки оқибатни — охиратини ўйламаган подшо юртнинг зиёнидир).

Бу байтда қизиқ сўз ўйини ҳам бор: араб ёзувида «хусрав» сўзининг охирги ҳарфи тушириб қолдирилса, «хуср» — касофат қолади. Яна шу қасидадан:

Подшоҳе, к-аш гадойи фақр гаштан орзуст,
Чун гадое бошад он, к-аш подшоҳи дар бар аст.

(Фақир дарвеш бўлишни орзу қилган подшо подшоликни эгаллаган гадо кабидир). Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам орзу-ниятнинг аҳамияти алоҳида таъкидланган. «Тухфатул-афкор» қасидасида шоҳ ва гадо қадриятини қиёслаш кенг суратда давом этади; шоир шоҳни банддаги шер (нафс ломига илинган одам), шоҳликнинг ўзини эса

куруқ бош оғриқдан бошқа нарса эмас, деб айтади. Зотан, қасиданинг матлайданоқ шоҳ ва дарвеш масаласи тоза ташбеҳлар қўлланилган ҳолда кескин қилиб қўйилган:

Оташин лаъле, ки тожи хусравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

(Подшолар тожини беагаган оловдай ёниб турувчи лаъл улар бошидаги хом хаёлларни пишириш учун чўтдир). Бу байтни илмий адабиётларда кўп марта учратамиз. Олимларимиз Навоийнинг шоҳларга муносабатини аниқлаш учун келтирадилар ва аксар у Навоий умуман шоҳу султонларга салбий муносабатда бўлган, шунинг учун уларни мана шундай танқид қилган, деган фикрни тасдиқлашга хизмат қилади. Аслида эса, Алишер Навоий шоҳга эмас, балки шоҳликнинг ўзига салбий муносабат билдиради бу ерда. Байтдаги «хом хаёл» иборасига эътибор беринг. Нима бу «хом хаёл»? Бу — нафс, дунёга, унинг бойликларига ҳирсдир. Навоий тожни ҳам шу арзимас «хом хаёл» ичига қўшади. Шоҳ бўлиб керилиш, салтанат завқи — хом хаёл. Уни дарвешлик чўғи билан пишириш керак, ўшанда шоҳлик ҳақиқий шоҳлик бўлиши мумкин. Навоийнинг бу шоҳ байти ана шундай чуқур маънога эга.

Навоийнинг «Фаройибус-сиғар» девонига киритган мухаммасларидан олинган мана бу банд ҳам мавзуимиз нуқтаи назаридан жуда муҳим:

Шаҳлик этганин не ҳосил фақр сиррин билмайин,
Ҳеч ким мулки бақо султони бўлганму экин,
Фонийи маҳз ўлмайин Султон Абулғози бикин,
Эй Навоий, давлати боқий тиларсен васлидин,
Они касб этмак фано бўлмай не имкон оқибат.

Сатрлар ўзбекча бўлса-да, лекин соддалаб тушунтиришга эҳтиёж сезилмоқда. Яъни: Фақр — дарвешликнинг моҳияти, сирини билмасдан шоҳлик қилиш бефойда. Султон Ҳусайн Бойқародай батамом фоний бўлмасдан ҳеч ким бақо мулкининг султони бўлганми экан? Эй Навоий, Илоҳ висолига етиб, давлати боқий тиласанг фано бўлмасдан бунга муяссар бўлиш мумкин эмас, ахир, боқий давлат — бу Илоҳ дийдори, қолгани ўткинчи, бебақо нарсалар.

Шундай қилиб, шоҳ учун баҳодирлик, лашкарбошилик қобилияти, ақлу заковат, доно вазирлар маслаҳати қанчалик зарур бўлса, дарвешлик хислати ҳам шунчалик ке-

рак. Чунки бу барча фаолиятга тўғри йўл кўрсатувчи машъал. Шоҳ дарвеш бўлмасдан туриб, адолатпарвар бўлиши қийин — Алишер Навоийнинг тушунчаси шу. У умрининг охирида яратган «Маҳбубул-қулуб» асаридида одил шоҳга «Ҳақдин халойиққа раҳматдир ва мамоликка мўъжиби амният» дея хулосавий ҳикмат билан таъриф берар экан, мисол қилиб яна Ҳусайн Бойқаронинг номини тилга олади:

Улус подшоҳию дарвешваш,
Анга шоҳликдин келиб фақр хуш.

Навоий умрининг охирларида ёзган асарларидан яна бири «Тарихи мулки аҷам»дир. Унда Эрон подшоларининг тарихи, амалга оширган ишлари ҳикоя қилинади ва китоб Султон Ҳусайнга бағишланган маснавий билан яқунланадимики, унда яна ўқиймиз:

Демай айна инсонки, инсони айн —
Ҳам инсону ҳам айн Султон Ҳусайн.
Шаҳо, келди шаҳлиқ мусаллам санга,
На шаҳлиқки, дарвешлиқ ҳам санга.
Бўлуб салтанат тахтида фақржўй,
Шаҳ ўлса, вале бўлса дарвешхўй...

Демак, шоир султонга бўлган ишончидан қайтмаган, ундаги дарвешлик собит хусусият эканига иқрор бўлиб («Инсони айн» — Комил инсонларга бериладиган таърифдир), бу хислат унинг характерини белгилашдан ташқари, мамлакат аҳволига таъсир этиб, анчагина хайрли, яхши ишларнинг амалга ошишига кўмак берганини кўрган. Жомий ва Навоий ўғитларига қулоқ солиб, золим амирларни жазолаш, заиф ва бечора кишиларнинг арз-додини эшитиши (гарчи мунтазам бўлмаса-да), ободончилик йўлидаги ишлари балки шунинг натижасидир.

Алқисса, Алишер Навоий тасаввуф таълимотини ҳаётга татбиқ этиш, уни яхши, намунали ахлоқ низомиясига айлантириб, инсон тарбиясида қўллаш тарафдори ва ташаббускори бўлиб майдонга чиққани аёнлашди. Бу мавзу улуг адибнинг «Ҳамса»сида, хусусан қомусий мазмунли муаззам достони «Садди Искандарий»да янада кенг ўрин олган, хилма-хил ривоятлар орқали бадиий-фалсафий йўсинда талқин этилган. Шоҳ ва дарвеш муносабати бу асарда драматик тўқнашувлар, руҳий кечинмаларнинг можароли изтироблари, фожиалар замирида очилади.

ҲИКМАТ ВА ИБРАТ ДОСТОНИ

Алишер Навоий ижоди, жумладан, унинг «Садди Искандарий» достони олимларимиз ишларида ўрганилган. Аммо мавжуд тадқиқотларда ушбу асарнинг ирфоний-фалсафий жиҳати четлаб ўтилади. Ҳолбуки, Навоий бадиий тафаккурининг теранлиги айнан шу нуқтада буртиб кўзга ташланади. Биз масаланинг шу томонига диққат қилиб, ўз мулоҳазаларимизни баён этдик.

Чунончи, улуғ шоирнинг мазкур дostonда ифодаланган асосий ғояси шуки, жаҳонни олган Искандар бир ожиз банда каби жон берди ва ҳеч нарсасиз бир гадодай қабрга кирди... Шундай экан, фоний дунё учун талашиш, қонли урушлар, қирғинлар қилишга не ҳожат? Дунё, унинг бойликлари шунчалик хўрлик ва хорликка, талашиш ва йўқотишларга арзийдими? Ундан кўра қаноатли дарвешнинг осойишта ҳаёти, қалб бутунлиги афзал эмасми?

Ушбу масала Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомийнинг Искандарга бағишланган асарларида, турли ҳикоят ва ривоятларда ҳам шу тахлит қўйилади ва бу мулк, тахт талашиб, эл бошига ташвиш келтирадиган шоҳу шаҳзодаларга ибрат қилиб кўрсатилган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Искандар ўша замонларда ҳам, ҳозир ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга тимсолдир. «Садди Искандарий» достони эса, Е.Э.Бертельс ибораси билан айтганда, «ибрат кўзгуси»дир. Бунда улуғ мутафаккир шоиримизнинг тафаккур қатламлари қаватма-қават очила боради, унинг ўзининг ҳаётий тажрибаси, улуғ амир сифатидаги фаолияти, адолатни ҳимоя қилиб олиб борган ишлари, орзу-армонлари, идеаллари акс этган. Шоҳу дарвеш қиёси асарда фонийлик ва боқийлик, жаҳонга эгалик ҳисси ва фақирлик маслағи, шоҳлик ва огоҳлик, шоҳлик ва худовандлик, инсоний қудрат ва ожизлик, инсон табиати талаби ва олий мақсад талаби, жамият ва подшо, подшо ва лашкар, футувват ва салтанат каби масалалар билан боғлаб талқин этилади.

Алишер Навоий асарни қуйидаги байт билан бошлайди:

Худоё, мусаллам худолик Санго,
Биров шаҳки, даъби гадолик Санго.

Яъни, Эй Худо, Худолик фақат Сенга тегишли, жамики шоҳларнинг одати Сенга гадолик қилишдир. Шоҳ-

лар қанчалик қудратли, «жаҳонгир» бўлмасин, аммо улар худолик даъво қилолмайдилар, чунки шоҳ ҳам инсон, инсон эса — ожиз банда, унинг умри ҳам абадий эмас. Абадийлик, абадий ва азалий қудрат фақат Худованднинг Ўзига тегишли, фақат У бутун борлиқнинг Яккаю Ягона эгасидир. (Бу ерда сўз ўйини ишлатилган: Худо сўзи — эга, подшо ва Парвардигорни англатади.) Шу матлаънинг ўзиёқ Навоий жаҳонгирликка салбий муносабатини билдириб, салтанат эгаларининг хаёллари пуч, керилиш ва ҳукмфармонлиги беҳуда, маънисиз эканлигини баён этади. Бу фикр асар давомида чуқурлашиб, турли қирралари очиб берилган.

Бироқ, Навоийнинг буюклиги шундаки, у шу фикрни тасдиқлаш билан кифояланмайди. У Искандар тимсоли тасвири орқали инсоний қусурлар, интилиш ва армонлар фожиаси ва зиддиятларини очиб беради. Шу заминда ўзининг қарашларини изчил баён этиб, агар шоҳнинг қалбида адлу инсоф, илму ҳикмат жўш урса, у жаҳонгир бўлса ҳам, дарвеш (вали) мартабасига муяссар бўлиши мумкин, деган концепцияни қадам-бақадам исботлаб боради. Яъни шоир, бир томондан, жаҳонгирликни рад этса, иккинчи томондан, жаҳонга адолат ўрнатиш, Ҳикмат ва Билим ҳукмронлигини, орзудаги Улуғ башарий салтанатни ўрнатиш мумкинмикин, деган ғояни ўртага ташлайди. Унинг назарида, дарвешлик — бу эзгулик тантанаси учун хизмат қилиш, оламга Аллоҳ хайрини жорий этиш. Искандарнинг нияти оламда Эзгулик салтанатини барпо этиб, Илоҳий адолатни барқарор этиш экан, демак, унинг ишлари дарвешлар ғоясини ҳаётга, амалиётга татбиқ қилиш ва шу учун курашишдир. Асарда дарвешлик ғоялари, орифлар ҳикмати, илму каромати бирин-кетин Искандарга сингдириб борилади. Натижада, у оламга сафарга чиққан дарвешдай, илоҳий мўъжизаларни мушоҳада қила бошлайди ва тахтда ўтирган Дарвешга айланади. Шу маънода Искандарда дунёвийлик ва илоҳийлик бирлашиб намоён бўла бошлайди, унинг вужуди фоний бўлса-да, лекин ишлари, ғоялари, нияти Абадиётга дахлдор бўлиб қолади.

Аммо булар ҳақида бир бошдан, батафсилроқ гапиришга тўғри келади. Бўлмаса, улуғ шоир муддаоси, тафаккур олами очилмай қолади.

1. Шоҳ ва дарвеш мулоқоти

Алишер Навоийнинг тасвирлашича, Искандар Мағрибзамин ерларини забт этаётганда, бир ўлканинг подшоши қаршилик кўрсатаётиб, жангга ҳалок бўлади. Искандар ўлкани қўлга киритгандан кейин, аҳолига мурожаат қилиб, ораларингда шоҳлар авлодидан бирор киши бўлса, уни сизларга подшо қилиб тайинлардим, дейди. Одамлар тахту тождан воз кечиб, гўристонларда ётиб юрадиган, аммо ўзи доно, фикрлари жасоратли бир гадо борлигини айтадилар. Искандар уни топиб келтиришни буюради. Гадо Искандар ҳузурида пайдо бўлганида қўлида иккита бош суяги бор эди. Искандар ундан бу суякларни нега кўтариб юрибсан, деб сўраганда, гадо: гўристондан ўтаётганимда бу суякларга кўзим тушди, аммо уларнинг қайси бири шоҳниқию, қайси бири гадоники эканини ажратолмадим, модомики, ўлганда «бу икки матоъ бир» бўлсалар, тирикликда нега низо қилиб юрадилар, деган фикр хаёлимдан кечди, дейди¹.

Гадонинг жавоби Искандарга маъқул тушиб, уни ўз юртига подшо қилиб кўтармоқчи бўлади. Зеро, Искандар назарида гадо дунё моҳияти, ҳаёт ҳақиқатини англаган киши эди ва ана шундай одамгина чин одил подшо бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, барчани баробар, шоҳу гадони тенг ҳисоблаган кишигина жамиятда ўртада туриб ижтимоий низоларни бартараф эта олади, халқни бирлаштиради.

Бироқ гадо Искандар олдига тўртта талаб қўйиб, агар шу талабларимни муҳайё этсанг, таклифингни қабул қиламан, дейди. Бу талаблар қуйидагилардир: 1) ўлими йўқ абадий ҳаёт бергин; 2) қарилиги йўқ абадий ёшлик бергин; 3) абадий туганмас бойлик бергин; 4) охири ғам билан тугамайдиган абадий шодлик бергин.

Албатта, Искандар бу талабларни бажаришга қодир эмас эди. У гадонинг заковатига қойил қолиб:

Ки бу дайр аро топсанг огоҳлиқ,
Санго фақр берди, манга шоҳлиқ,

¹ Бундай лавҳа, яъни қабристонда суякларни кўриб, дунёнинг ўткинчилиги, шоҳу гадо, оқилу нодон ўлгандан кейин бир эканлиги ҳақидаги гапларни қадимги Хитой ва Ҳинд донишмандлари, Хайём, Шекспир асарларида ҳам учратамиз.

Агарчи мени айлади аржманд,
Сенга берди ҳимматни мендин баланд, —

дея хайрлашади.

Ушбу мулоқот гарчи Искандар юришларининг охирларида юз берса-да, бироқ Навоий уни асар бошида келтирган. Мақсад Искандарга сабоқ бериш, уни шу ибратли учрашув билан огоҳ этиш эди. Зеро, умуман олганда, Искандарнинг ишлари ва уларнинг оқибати ибрат бўлиш билан бирга, асар ичидаги ҳар бир лавҳа ва ҳикоят, ҳикмат ва ишоратлар ҳам ибратдир. Навоий гўё Искандар билан мунозара уюштиради: Искандар жаҳонгирлик ишқи билан банд, шоир эса унга қарама-қарши ўлароқ жаҳонгирликнинг маънисизлиги, арзимаслигини турли мисоллар билан уқтириб боради. Келтирилган ҳикоятдаги шоҳу гадо суяги ҳақидаги гаплар, абадий ҳаёт, абадий ёшлик ёки туганмас бойлик ва ғамсиз шодликнинг йўқлиги ҳақидаги фикрлар ҳам Искандарни жаҳонгирлик ниятидан қайтариш учун баён этилади. Аммо Искандар ўз ниятидан қайтмайди. У гадонинг ҳақ эканлигини тан олади, лекин ўзини ҳам ноҳақ эмас деб билади: Худо «санго фақр берди, манга шоҳлик», яъни сенинг насибанг фақр олами моҳиятини эгаллаш, менинг насибам — дунёни эгаллаш, деб айтади у гадога. Шундай қилиб улар ҳар бири ўз маслагида қолади.

Балки бу зиддиятларга тўла дунёнинг ўзгармас ҳақиқатларини қайд этишдир? Навоий буни ҳам бизга уқтираётгандир?

Шуни айтиш керакки, шоҳу гадо мулоқоти Навоийда ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Бунга ўхшаш ҳикоятлар Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомийда ҳам бор. Низомий Ганжавийда («Иқболнома»да) бу Искандар билан «ҳакими илоҳий» Суқрот мулоқоти тарзида келтирилган.

Суқрот — юнонларнинг донишманд олими, аммо у зоҳид ҳам: кундуз офтобда исинса, кечаси хумнинг ичига кириб ётади (аслида бу ривоят Диогенга нисбат берилди). Унинг овозаси эл орасида ёйилади. Билим, ҳикматга иштиёқманд Искандар унга икки марта одам юборади. Лекин Суқрот саройга келмайди. «Сарой аҳли мени ёмон кўрадилар, умуман подшо билан ҳам, сарой билан ҳам ишим йўқ», дейди. Шундан кейин Искандар ўзи Суқрот

хузурига келади ва офтобда исиниб ётган олимни оёғи билан туртиб уйғотади. «Тур, мен билан юр, не истасанг бераман, муҳтожликдан халос этаман», дейди Искандар Суқротга. «Менга ҳеч нарсанг керак эмас, шу учун сенга таъзим ҳам қилмайман», дейди Суқрот. «Сенга мол-мулк, мансаб бераман», дейди Искандар. «Сен мени хафа қиляпсан, менинг мансабим сеникидан улуғ, ҳимматим ҳам баландроқ. Менга шу эгнимдаги жанда ҳам ортиқча», деб жавоб беради донишманд.

Шунда Искандар Суқротга қараб: «Бўлмаса сен кимсан, мен кимман?» деб сўрайди. Суқрот: «Мен фармон берувчи, яъни шоҳ, сен эса бажарувчисан. Чунки мен Нафсни бўйсундириб олганман, у менинг бандам – қулимдир, сен эса Нафс қулисан, яъни менинг қулимнинг қулисан», дейди. Лекин Искандар Суқротнинг бу сўзларидан хафа бўлмайди, аксинча, кўнгли мумдай юмшаб, донишманд ҳакимдан насиҳатлар тинглайди. «Қалбинг зангини кеткизиб, руҳонийлар сирри билан уни тўлдир, Илоҳ сиррининг ҳарамхонасига айлантир», зулм қилма, дунё ҳирсидан кеч, деб Искандарга насиҳат қилади Суқрот.

Шундай қилиб, Низомийда: 1) дунёдан кечмай чинакам донишманд бўлиш, илоҳий илмлар, ҳикматларни эгаллаш мумкин эмас; 2) донишманд шоҳ олдига эмас, шоҳ донишманд олдига бориши керак, яъни билим шоҳга муҳтож эмас (жумладан, давлат ва мансабга ҳам), аксинча, шоҳ (давлат, мансаб) илму ҳикмат, донишга ва донишмандга муҳтож деган ғоя олға сурилган. Суқрот гарчи Юнон ҳакими деб айтилса-да, бироқ унинг ўзини тутиши, сўзлари сўфий шайхларини эслатиб туради.

Амир Хусравда Искандар Суқрот билан эмас, Афлотун билан учрашади. Унинг талқинига кўра (ҳинд шоири «Оинаи Искандарий» асарида «Афлотуннинг таърифи ва Искандарнинг уни кўришга боргани» деган боб ажратган) дили бедор, донишманд «илоҳий Афлотун» тоғдаги ғор ичида хилватда ўтиради. Искандар ўзи билим ва ҳикматга чанқоқ одам бўлгани учун уни кўриб суҳбатлаштиги-си, даражасини синаб, сарой хизматига тортмоқчи бўлади. Шу мақсадда Балиносни Афлотун олдига юборади. Афлотун эса, мен бир зарра, Искандар офтоб, зарра офтоб олдида нима қилади, бунинг устига халқ ғавғосидан

безиб чеккага чиққан одамман, деб шоҳ таклифини рад этади («Дарвеш агар шоҳ билан ўтиришни хоҳласа, ботиний саломатликнинг тизгинини қўлдан беради»).

Искандар ўзи горга боради. Нуроний, аммо ўта камтар ва хуштавозеъ Афлотун билан учрашиб, суҳбатлашади, уни саройга таклиф этади, аммо Афлотун «энди қаридим» дея кўнмайди. Искандар: «Сен бизга муҳтож бўлмасанг ҳам, аммо бизнинг сенга муҳтожлигимиз бор», зеро, «мен кибру ҳавога берилган, доноларга таъзим қилмайдиган» жоҳил шоҳлардан эмасман, «хирад-дониш ганжига йўл топган одам агар олтин хазина қидирса аблаҳ ҳисобланади», дейди.

Афлотун Искандарга раҳмдил, одил ва кечиримли бўлишни, дарвешларни кўришдан ор қилмасликни, майхўрликни тарк этиш, тадбирли, огоҳ ва дилхоҳ бўлишни насиҳат қилади. Шундан сўнг улар хайрлашадилар.

Демак, Амир Хусравда ҳам: 1) донишманд одам жамиятдан узлатга чекинган; 2) у шоҳ ҳузурига келмайди, балки ноҳ уни қидириб боради, яъни билим давлатга эмас, давлат билимга муҳтож, деган ғоя устун. Аммо Низомийга қараганда Хусрав Дехлавийда шоҳ ва ҳаким орасидаги муомала илиқроқ. Афлотун Искандарни ўрнидан туриб, ҳурмат билан қарши олади, кесатиқли гаплар ҳам айтмайди, у Искандарнинг улуғворлиги, ақлу заковатини қадрлайди ва ҳатто Искандар «менга насиҳат қил» деганда, «сен олам подшоҳисан, бошқаларни хурсанд қилишни хоҳлайсан. Нияти шундай одам бахтиёр эмасми, менинг пандимга муҳтожмисан? Менинг ақлим ҳеч нарса эмас, Худо сенга ўз илму ҳикматини ато этган», деб айтади.

Шунга қарамай, Афлотун шаҳарга қайтмайди. Амир Хусравдаги Афлотун Низомийнинг Сукротига қараганда «дарвешроқ», у Искандарга «дарвеш севган шоҳ жаннатийдир», «дарвеш шоҳ кўчасининг ибодатхонасидир», «подшолардан мадад истамагин, дарвешдан мадад иста», деб насиҳат қилади.

Хуллас, Низомий ва Амир Хусравда, бир томондан, ҳакимлик, донишмандлик ва дарвешлик кўшилиб кетади, иккинчи томондан, «илоҳий ҳикмат» эгалари билан дунёдорлик, салтанат, ҳокимият зимдан зид қўйилади. Бироқ Амир Хусравда Искандарнинг улуғворлиги, одил

ва доно подшо эканлигини қайд этиш орқали бу икки зид жиҳатни келиштириш йўли қидирилади, яъни Искандар ўзида ҳикмат ва ҳокимиятни бирлаштира олган, деган ғоя, Навоийдагидай аниқ бўлмаса-да, лекин сезилиб туради.

Абдурахмон Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» асарида ҳам хилватга чекинган Суқрот ҳақида боб бор («Суқрот хирадномаси»). Аммо бунда Суқротнинг олдига Искандар эмас, «подшолардан бири» боради ва бу мулоқот Искандарга сабоқ бўлсин деб келтирилади. Бунда Низомий варианти бир оз ўзгартиришлар билан қайта ҳикоя қилинган. Яъни подшо Суқрот олдига борганда, у офтобда исиниб ўтирган бўлади. Подшо унга янги кийим ҳадя этганда, олмайди. Подшо: тилагинг нима, деб сўраганда, Суқрот: тилагим шуки, офтобни мендан тўсма, деб жавоб беради. Шу билан мулоқот тугайди.

Аммо Жомий асарида мазкур мавзуда бир эмас, бир неча ҳикоятлар келтирилади. Чунончи, хузурига подшо келиб, мол-дунё бериб, қашшоқликдан сени қутқарай деганда, сен берганинг билан ўлим қайтариб олади, нима фойда, деган ҳақим ҳикояти; сотиб олган еридан хазина топиб, уни менга тегишли эмас, деб олмаган одам ҳикояти; хотинларга ўхшаб ўзини безаган йигит (дунё тимсоли) ҳикояти; подшо ва девона (девона: минг оқилдан қолган дунё менга вафо қилармиди?) ҳикояти кабилар. Жомий учун Доронинг ўлими, ҳинд ҳақимларининг саволжавоби, Файлақуснинг ўлими, хуллас, Искандар кўрган жами ҳодиса ва воқеалар ибратдир, барчаси дунёнинг бевафолигини, инсоний фазилат касб этиш ҳар қандай подшолик ва жаҳонгирликдан ортиқ эканини исботловчи «далил»дир. Шу боис Жомийда тасаввуфий-ирфоний ғоялар талқини асосий ўринни эгаллайди. Асарнинг бошидан бошлаб мутафаккир шоир ўқувчи диққатини нафсни ром этиш, ризқни кўпайтиришга талпинишнинг беҳудалиги, қаноат фазилатлари, таманинг одамини хор, беобрў қилиши каби масалаларга қаратади, таваккул ҳақида бир боб ажратиб, сўфиёна фикрларни баён этади.

Кейин Арасту, Суқрот, Балинос ва бошқа ҳақимлар «хираднома»ларида бу ғоялар яна чуқурлаштирилади. Чунончи, «фарри илоҳийси» бор Афлотуннинг подшога насиҳатларидан: а) тоат-ибодатни қанда қилма; б) шукр

қилиб юр; 3) саховатли бўл; 4) Худо неъматларидан шоҳу гадо баробар баҳра олсин; 5) ганж тўплаш изтиробидан кеч; 6) ризқни Худо беради; 7) дунёга кўнгил қўйма, эътиқодинг султ кетади: дунёпараст — бутпараст; 8) яхшиларга яхшилик қил; 9) кечиримли бўл; 10) илмга меҳр қўй, илм аҳлини ҳурмат қил.

Ҳиндистонга борганда Искандар тоғда ёрларда яшайдиган ҳақимларни учратиб суҳбатлашади. Ҳақимлар: «билим-ҳикматдан ўзга бойлигимиз йўқ, аммо ҳеч ким бу матоъ устида низо қилмайди», дейдилар. Искандар сўрайди: нима хоҳлайсизлар? Ҳақимлар: абадий ҳаёт. Искандар бунга қодир эмаслигини айтгач, улар: шуни билсанг, нега дунё кетидан, мол орқасидан югурасан, деб танбеҳ берадилар.

Искандар барча одамларни қаноатда яшайдиган шаҳарга (бу ҳақда ҳали гапирамиз) борганда, ҳамма иззат-икром кўрсатади, аммо бир тикувчи унга ҳеч эътибор қилмайди. Искандар хафа бўлади. Шунда тикувчи унга қараб дейди: «Нега хафа бўласан, мен сенга муҳтож эмасман, нега таъзим қилишим керак сенга? Бир йили бир ҳукмдор билан бир гадони ажал олди, ҳукмдорни ипакка ўраб, гадони бўлса жандасига ўраб кўмдилар. Бир йилдан кейин кўрсам, иккисининг суяклари аралашиб ётибди, қайси шоҳники, қайси гадоники — ажратолмадим» (Яъни, тикувчи ҳам, Искандар подшоҳ ҳам бир хилда Худонинг бандалари, уларнинг бир-биридан устунлиги йўқ, демоқчи Жомий). Искандар тикувчи сўзларидан хушнуд бўлиб, уни қаноатлилар шаҳрига подшо қилмоқчи бўлади. Бироқ тикувчи рад этади: шоҳликка ҳавасим йўқ, касбим — подшолигим.

Кўринадики, Навоий келтирган гадо ҳақидаги ҳикоят мазмуни Жомий ҳикоятларида мавжуд. Аммо Жомий бу ҳикоятлар билан чекланмасдан тахтдан воз кечиб, дарвеш — гадоликни афзал билган шаҳзода ҳикоятини ҳам келтиради (шуни қайд этмоқчимизки, Жомий асари Навоийнинг «Садди Искандарий» асаридан олдин ёзилган).

Ҳикояни Жомий фақр-дарвеш рутбаси шоҳликдан банд, деган анъанавий гоани баён этиш билан бошлайди. Искандар бир шаҳарни қўлга киритганда, аҳоли унга пешвоз чиқиб, олқишлайдилар. Шунда у: ораларингизда тахту тожга муносиб одам борми, деб сўрайди. Одамлар жавоб бериб дейдиларки, бир одам бор, асли шоҳлар наслдан,

аммо ғуристонда ётиб юради, халққа қўшилмайди. Искандар олдиға уни олиб кирганида, қўлида одам суяклари бор эди. Савол-жавоблар Алишер Навоийда бўлганидай бўлиб ўтади. Шоҳликни қабул қил, деганда, гадо ҳалиги тўрт талаб (абадий ҳаёт, абадий ёшлик, туганмас бойлик ва ғамсиз хурсандлик)ни қўяди. Искандар бу талабларингни фақат қодир Худо бажара олади, деганда, гадо: бўлмас бошимни қотирма, қўйгил, мен Ўша Даргоҳни излаб борай, деб чиқиб кетади.

Шундай қилиб, Жомийда ҳам асосий мақсад дунёнинг фонийлигини таъкидлаб Искандарга таъсир этиш, дарвешликнинг афзаллигини уқтиришдир. Аммо Жомий подшони камситмайди ва Искандар гадо олдиға бормади, балки гадони унинг олдиға олиб келадилар. Навоийда ҳам шундай.

Демак, Жомий ва Навоий учун ким кимнинг олдиға бориши муҳим эмас, умуман эса подшонинг дарвешнинг олдиға боришидан кўра, унинг подшо олдиға келтирилиши ҳаётгий ва ишончлироқ. Гадо Искандардай жаҳонгир олдида ўзини дадил тутати ва ҳикматомуз фикрларини қўрқмасдан баён этади. Искандарга айнан ана шу хислати ёқади гадонинг. Воқеан, гадонинг йўқотадиган нарсаси ҳам, демак, қўрқадиган жойи ҳам йўқ. У — Худо йўлини танлаган одам, Худо йўлини танлаган, ўзини Соҳиби Қудратга бағишлаган киши ҳақгўй бўлиши муқаррар! Буюк мутафаккир шоирларнинг эътиқоди шу. Балки бунинг ҳаётда бўлганига ишонмасмиз — бутун ноз-неъматлар, мансаб-мартабадан кечиб, ғуристонларда яшаган, гиёҳ илдизлари билан озикланган шахзодани тасаввур қила оласизми? Аммо Жомий ва Навоий учун бу ижобий шахс, ҳикмат ва илоҳий маърифатни ҳамма нарсадан афзал билган жасоратли, Илоҳға етишишни энг олий мақсад деб билган Инсон тимсоли. У шунчаки гадо эмас-да, у — ориф, донишманд инсон, у ҳаёт моҳияти, инсон вазифаси, қадру қимматини чуқур англаган киши.

Аслини олганда, бундай кишилар тарихда бўлган. Будда ва Иброҳим Адҳам бунинг ёрқин мисоли. Будда — шахзода Сиддхартҳа Гаутама (эр.олдин 624—544) одамлар бахтини ўйлаб, тахтни ташлаб дарвеш бўлади ва тафаккури тўлишиб, қалби порлаб, янги таълимотни яратади.

Иброҳим Адҳам Балхда подшо эди, қалбига илоҳий нур куйилиб, бир кечада ҳамма нарсасини ташлаб, дарвеш кийимини кийди, деб ривоят қиладилар. Тасаввуф аҳли эса буни улуғ мардлик, жасорат дея баҳолойдилар¹.

Бунга урғу берганимизнинг боиси шуки, «Хирадно-маи Искандарий» ва «Садди Искандарий»да ҳам тахтдан безорлик масаласи кўтарилган. Ёш Искандар раиятни тўплаб, мен ҳам сизларга ўхшаган бир бандаман, балки сизлардан камман, етим ва фақир инсонман. Подшо қудратли, доно, ўктам, кескир, ҳукмраво одам бўлиши керак, мен эса бу мансабга лойиқ эмасман, бунинг устига тахту тожга рағбатим ҳам йўқ, дейди:

Не бор шаҳлиқ айларга ният манго,
Не айлай десам, қобилият манго.
Бу таклифдин чунки ранжурмен,
Агар айласам тарк маъзурмен.

У халққа мурожаат қилиб, сиз ўзингизга муносиб бир одамни топиб, шоҳ қилиб кўтаринг, токи у мамлакатни ақлу идрок билан идора этсин, осойишталик ва барқарорликни таъминласин, Ҳақ йўлини тутиб, адолатни асос қилиб олсин, дейди.

Аммо, халқ ғалаён кўтариб, Искандардан кўра муносиб одам йўқ, ундан бошқани биз истамаймиз, Искандар доно, мулоҳазакор, одил ва оқил инсон деб таъриф-таъсиф қиладилар. Искандар нафақат одамларни қадрлаб, яхши-ёмонни ажрата олади, балки у осмон сирларидан ҳам огоҳ:

Букун олам ичра сен ул шоҳсен,
Ки афлок сирридан огоҳсен.

Албатта, шундан кейин Искандарнинг тахту тожни қабул қилишдан бошқа чораси қолмайди. У тахтга ўтириши билан бир неча ислохотлар ўтказди, солиқларни камайтириб, жабр курган одамларни қабул қилиб, ноҳақ ишларни аниқлайди ва зolim, хиёнаткор, баднафс фoҳиш шахсларни қаттиқ жазолайди («Хуш ул шаҳки зулм аҳлини айлаб нигун, жафокаш жафогарни кўргай забун»). Мамлакатда ҳалоллик, ростлик тантана қила бошлайди.

¹ Шоҳу дарвеш муносабати Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асарини мундарижасини ташкил этади.

Кўшинни туҳфалар билан сийлаб, ўзига содиқ ҳолатга келтиради.

Искандарнинг тожни тарк этиш ҳақидаги баённомасини «сиёсий тактика», раият ишончини қозониш ёки «халқдан ваколат олиш» деб баҳолаш мумкинми? Албатта, у халқ даъватига кўниб, тахтни қабул қилишини кўргандан кейин шунақа хаёлга ҳам бориши мумкин. Яъни ҳозирги замон тили билан айтганда, ўзига хос «референдум ўтказиш»дай гап.

Аммо Навоийнинг мақсади бундан чуқурроқ. Навоий тасвиридаги Искандарда бирор ҳийла-найранг, сиёсий тактика ҳам (бунга ҳожат йўқ, чунки тахт унга ота мерос), ўзини атайлаб тарозуга солиш каби сохта тавозеъкорлик ҳам йўқ. Искандарда ҳақиқатдан ҳам дарвешлик ва ҳакимлик хислати ёшлиқдан шаклланган.

Биринчидан шуки, у аслида шаҳзода эмас, балки вайронадан топилган чақалоқ — онаси туғиб вафот этган. Фарзандсиз Файлақус уни топиб, ўғил қилиб олиб парвариш этади. Нақумоҳис ҳаким жами илмларни, жумладан, илоҳий илмларни унга ўргатади. Ҳарбий ишларда моҳир бўлиб ўсади. Аммо унда давлат ишларига рағбат кўринмайди (худди Фарҳод каби). Иккинчидан, отасининг ўлими унга кучли таъсир этади:

Сикандар чу кўрди ато маргини,
Яқин эрди қилгой жаҳон таркини.

Лекин у «жаҳон таркини» қилмаиди, чунки отасининг васияти бор: «устимга — мамлакатимга бегона оёқ қўйма-син».

Шундай қилиб, тахтга чиққан Искандар ёшлигидан «билиг ичра офоқ аро тоқ», дарвештабиат, одил одам сифатида танилган эди. Худди шу ердан Навоийнинг салафларидан фарқ қилувчи мавқеи кўзга аниқ ташланиб бораверади. Навоий гарчи дарвешни шоҳдан баланд қўйса-да («Дунё қайдларидан озод гадо дунёга боғланган жаҳонгир шоҳдан яхшироқ» ёки: «Қилур подшо гадолиқ ҳавас, нечукким гадо подшолиқ ҳавас»), тахтдан воз кечган шаҳзодани Искандар билан учраштириб, унинг ҳикматли сўзларини шоҳга ибрат ва сабоқ сифатида уқтирса-да, аммо у, шунга қарамай, Искандарнинг тахтга чиқишини қонуний ва табиий ҳол сифатида тасвирлайди, унинг адолат

йўлида амалга оширган ишлари, чора-тадбирларини маъқуллайди.

Яна аниқроқ қилиб айтсак, подшонинг қалб огоҳлиги — маънавий етуклиги, ҳикмат ва адолатга мойиллиги элулусга фойда келтиради, дунёни жаҳолат, зулм ва хасисликдан, бузғунчиликлардан халос этишга кўмаклашади, деб қараган.

Яъни, бир томонда дунё арзимас ва бебақо, унга берилиш ғалат деган ғоя, иккинчи томонда подшолик шаъну шавкати, давлат бошқаруви, ҳукмронлик, лашкар, жангу жадаллар ва жаҳонгирлик иддаоси ва шу асосда сингдирилаётган адолатли давлатчилик ғояси.

«Садди Искандарий»да шу икки чизиқ давом этади ва охирига бориб, Искандар сиймосида ҳар икки жиҳат бирлашади, балки биринчи жиҳат ғалаба қилади.

2. Жаҳонгирлик не учун?

Мана шундай бошида тожу тахтдан безор, дарвешлар сулукига иштиёқманд Искандар нафақат ота мерос юртга подшолик қила бошлайди, балки дунёни эгаллаб, ер юзининг яккаю ягона подшоси бўлиш фикрида лашкар туза бошлайди, Доронинг қудратли қўшинини енгандан кейин бунга ўзининг ҳам ишончи орта боради. Хўш, жаҳонгирлик нима?

Жаҳонгирлик — ўзга юртларни босиб олиб, халқларини мутеъ — қул қилиш, бойликларини талаб кетишдир. Тарихда қайси бир жаҳонгир — императорни олиб қараманг, ҳар қанча бу ниятни турли «ғоялар» пардасига ўрамасин, асл муддаоси шу эди. Яъни зўрлик билан дунёга ҳукмронлик қилиш. Ҳолбуки, Навоий Искандари дилида бунга қарши, у Юнонистонни мустамлакага айлантирган Эрон шоҳи Доронинг хирож тўлаш ҳақидаги талабномасини рад этиб, унга қуйидагича насиҳат қилади:

Ки шаҳликки, йўқтур бақоси анинг,
Эмас жуз фано интиҳоси анинг.
Бугун тонглалиғ учун кўрма ранж,
Ки қўйгайсен албатта ганж узра ганж.

Яъни ҳазина устига ҳазина йиғаман, деб ранж чекишга арзимади бу фоний дунё. Шоҳликнинг бақоси йўқ,

аввал йиққанингни бугун сарфлашга улгур, кейин яна йиғасан.

Бу «сўфиёна» насиҳатни Доро қулоққа илмайди, у тўймайди, унинг нафси дунёни ютишга тайёр. Манман ва такаббур Доро ўз элчиси орқали мен шоҳлар шоҳиман, барча шоҳлар менга банда (қул), сен нега итоатсизлик қилмоқдасан, деган сўзига қарши Искандар, бу — худолик даъво қилиш, Худога ширк келтиришдир, дея тавҳид ҳақидаги исломий ғояни баён этади:

Бу сўзким деди шоҳи «дарё ато»,
Шак эрмаски бордур саросар хато.
Эрур ширк чун Тенгрининг ширкати,
Кирар куфр йўлига бу фикрати.

Қуръони каримда мазаммат этилган Намруд, Фиръавнлар ҳам худолик даъво қилган эдилар, улар ўзларини абдий ўлмас «зотлар», барча одамлардан устун турувчи самовий хилқатлар ҳисоблаганлар. Ислом бундай куфроний иддаоларни қуллан рад этиб, Парвардигорнинг шериги йўқ, инсон қанча қудрат эгаси бўлмасин, у Худонинг бандаси, Худо наздида шоҳу гадо баробар, деган ақидани олға сурди. Искандарнинг Дорога жавобида шу маъно ётади.

Демак, Искандар Доро каби шоҳлар тоифасидан эмас, унда зулмкорлик, ўз халқи ва ўзга халқларни эзиш, талаш, қул қилиш фикри йўқ, у ўзини Худо бандаларининг бири—камтарин ва ожиз киши деб ҳисоблайди, еру осмон, фалак ва инсон табиатини билишга қизиқадиган, ҳақимлар, доно дарвешларни ҳурмат қиладиган, севадиган дили маърифатга ташна одам¹. Аммо, барибир, ўз юрти Юнонистонни озод қилгандан кейин, жаҳонни эгаллаш ҳаваси унга тинчлик бермайди ва у Машриқу Мағриб халқлари устига лашкар тортиб боради. Чин, Ҳинд, Кашмир подшоларини гоҳ жангу жадал, гоҳ сулҳу келишув билан ўзига итоат эттиради.

Хўш, улуғ мутафаккир шоиримиз бу зиддиятдан қандай чиққан, жаҳонгирлик билан дарвешчилик (дунё — фоний, кўнгил боғлама) ва юрт очиш билан адолатпарварлик ғояларини қандай келиштира олган?

Навоий тасвирига кўра, Искандар дилидан жаҳонгирликка қарши бўлса-да, аммо унинг табиати — тақдирида

¹ Ушбу ғоя Аброр Ҳидояттов театрида сахналаштирилган «Искандар» драмсида (Ш Ризаев ва Б.Йўлдошев асар) яхши ифодалаб берилган.

жаҳонгирлик хислати бор, яъни жаҳонни эгаллаш — Искандар учун қисмат.

Буни ёш Искандарга таълим бериб тарбиялаган ҳаким Нақумоҳис юлдузларга қараб тақвим тузганда аниқлаган эди:

Кириб шоҳлар қуллари сониға,
Бўюн қўйғуси тавқи фармониға...
Анга Ҳақ насиб айлабон хушқу тар,
Юруб фатҳ қилғувсидур баҳру бар.

Яъни Искандар қуруқлик, денгиз ва денгиз остини фатҳ этади. Шоҳлар унинг фармониға бўйсунди. Худованд Искандарга шуни насиб этган. Юнонистон зодагонлари уни шоҳ этиб «сайлаганда», буни башорат қиладилар:

Билур бизки бу мулк эрур кам сенга,
Умид улки, тушгай жаҳон ҳам сенга.
Фалак сайридин ошқору ниҳон,
Ки ҳукме ёзилмиш: сенингдур жаҳон.

Искандарнинг ўзи ҳам бу ишда (жаҳонгирликда) унинг ихтиёри йўқлигини, Ҳақнинг амри билан лашкар тортиб, юртма-юрт, тоғу саҳро, дарёю водийлар кезиб, турли-туман инсонлар, халқларни кўраётгани, салтанатларни ўзига бўйсундираётганини қайд этади.

Масалан, асар ўргаларида у дейди:

Анинг ҳукмидин ошқору ниҳон,
Манго бўлди рўзи саросар жаҳон.
Чу Ул қилди бул комға бахтиёр,
Манго доғи бу ишда йўқ ихтиёр.

Аввал Ҳақ таоло менга ақлу ҳикмат берди, деб давом эттиради Искандар, илму ҳикматдан огоҳлик топтим, дунёни танидим. Арасту ва Афлотун каби ҳаким — файласуф бўлмоқчи эдим, шоҳлик қилиш ҳавасу орзуси йўқ эди.

Бироқ:

Мени қўймади ихтиёримга Ҳақ.

«Илҳоми ҳотиф», яъни ғайбдан келган илҳом кўнғелимни банд этиб, жонимни хавфу хатарларга солди, дейди у.

Жаҳонгирлик Искандар учун Аллоҳ яратган оламни ўрганиш, Аллоҳ маърифатини ҳис-идрок этиб, дунёда адолат ўрнатиш воситаси, деб уқтирилади асарда (бу ҳақда яна тўхтаймиз). Шу учун Ҳиндистонга борганда, ҳинд

донишмандлари (ўрмонларда яшайдиган зоҳид-бараҳманлар) унга: шунчалик доно ва одиллигинг билан нега одамларни азобга қуйиб, ўзинг ҳам машаққат чекиб юртмаюрт кезасан, деган саволларига жавоб қайтарганда ҳам, ўз одамларидан таъна-надомат эшитганда ҳам у: иложим йўқ, ихтиёр менда эмас, деб айтади. Зеро, одамлар Искандарга нафсга берилган, дунёдан тўймайди, деб айб қўядилар. Шунда Искандар одамларни йигиб, дейди:

Ки бизни ҳавою таманной хом,
Ки онинг отин халқ қўймиш ҳавас,
Вале, филҳақиқат, бу янглиғ эмас.
Бари Тангри тақдиридур бегумон —
Киши қилмоғи яхшидур гар ямон.

«Мен бу тақдирни чора-тадбир билан ўзгартира олмадим», мени деб кўп одамлар азоб чекти, бунга сабаб менман, дея ўзини қойийди ва яна қўшиб қўяди:

Манга бу таманно тутонмайдурур,
Юрурдин замирим ўсонмайдурур.

Яъни жаҳонни кўришдан чарчамайман, орзуимнинг охири йўқ, Ер куррасини олдим, энди сув остини кўрмоқчиман, курранинг марказини топмоқчиман, деб денгиз саёҳатига чиқади.

Навоий бу жиҳатдан устози Жомий билан ҳамфикрдир. Чунки Абдураҳмон Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» асарида ҳам Искандар дейди:

Вале чун на пеши манаст ихтиёр,
Наёрам гирифтан ба як жо қарор.
Асирам дар ин чунбиши навба-нав,
Равам, то маро гўяд Эзид: бирав.

(Аммо ихтиёр менда эмас, бир жойда туролмайман. Бу ҳаракатларимнинг асириман, Тангри гаоло бор деган жойгача бораман.)

Искандар ўзини денгиз тўлқинига ўхшатади. Тўлқин шамол тинмагунча тинмайди. «Агар шамолда ором бўлсайди, мен ҳам ором олардим», дейди у.

Аммо Жомий талқинида Искандарнинг жаҳонгирлиги — бу пайғамбарлик, яъни янги динни (яккахудолик динини) жаҳонга жорий этишдир:

Маро Эзид ин манзилат дода аст,
Ба халқи жаҳонам фиристода аст.
Ки то дини ўро кунам ошкор,
Барорам зи жони муҳолиф димор.
Диҳам қадри бутхонаҳаро шикаст,
Кунам ҳар киро ҳаст яздонпараст.

(Худо менга бу мартабани бериб, жаҳон халқига шунинг учун юбордики, токи унинг динини ошкор қилайин, қаршилиқ кўрсатганларни енгиб, бутхоналарни вайрон этиб, ҳаммани ягона Худога ишонтирайин).

Бу ғоя Низомийда ҳам бор.

Бироқ «Садди Искандарий»да бундай ғоя йўқ. Навоий буни қабул қилмаган. Навоий талқинида Искандарнинг асосий миссияси халқ раъйи ва Ҳақ ризолиги асосида дунё бўйлаб адолатли ҳукмдорликни ўрнатиш, билим ва дониш, ақлу заковат, хайру саховат, афву кечиримлилик, меҳру шафқатни одамлар орасида қарор топтириш, қисқаси, тасаввуф таълимотининг эзгу амалларини жорий этиришдир.

3. Ҳиммат ва рой

«Ҳиммат» сўзининг қуйидаги луғавий маънолари бор: 1) кучли ирода; 2) азму шижоат; 3) бирор ишга қаттиқ жазм қилиш; 4) саховат; 5) футувват. Улуғ ният ва унинг амалга оширилиши, яратиш, бунёдкорлик иштиёқи ҳам баланд ҳимматдан дарак беради. Ҳиммат — инсонни шарафловчи, нажиб хислат. Ҳимматбандлик улуғ ишларга камарбаста бўлиб, эътибор-обрў қозонишдир. «Чу ҳиммат эрур кимёи вужуд, ки андин топар эътибор аҳли жуд» деб ёзади Навоий. Яъни: «Ҳиммат инсон вужудини тозаловчи кимё, саховат аҳли шу хислат билан обрў топадир».

«Садди Искандарий»да ҳиммат мавзуйга алоҳида бир боб бағишланиб, унда инсон руҳининг баландга учиши, қанотларининг мустақамлиги ҳам шу ҳиммат туфайли деб таърифланади. Ҳиммат баландлиги оддий бир одамнинг қадрини юқори кўтариши, аксинча, ҳиммат пастлиги тахтда ўтирган шоҳни ҳам безътибор қилиши мумкин, деб ёзади шоир. Молсиз одам камбағал эмас, балки ҳимматсиз одам камбағалдир; ҳиммати йўқнинг ҳурмати ҳам йўқ;

Ани англа муфлиски, йўқ ҳиммати,
Чу йўқ ҳиммати, йўқ онинг ҳурмати...
Бировким, анинг ҳиммати йўқтурур,
Ғаний бўлса ҳам ҳурмати йўқтурур.

Шу мантиқ билан Навоий хасис бойлар, топганини ҳатто ўзи емайдиган табиатан зиқна одамларни танқид қилар экан, кимнинг ҳиммати баланд — жаҳондан кечган дарвешми ёки жаҳонга талабгор шоҳми, деган савол қўяди-да, кейин юқорида келтирганимиз Искандар билан гадо мулоқоти ҳикоятини келтиради. Искандар ҳикояти охирида гадо сўзларига тан бериб, «Сенга берди ҳимматни мендан баланд» деса ҳам, бироқ:

Ки бу дайр аро топсанг огоҳлиқ,
Сенга фақр берди, манга шоҳлиқ, —

дея ўзининг ҳам ҳиммати баланд инсонлардан эканини баён этади. Нима маъно акс этган бу байтда?

Асосий маъно шуки, гадо — фақр мулкининг подшо-си, у илоҳий ҳикмат ва маърифатни эгаллаган, Худо унга шуни насиб этган, унга моддий бойлик керак эмас, у маънавий камолот тимсолига айланган. Искандарга эса Худо дунё мулкани эгаллашни насиб этган. Аммо бу моддий бойликни у ўзи учун тўплаган эмас, у хазина тўплаш учун жаҳонгирлик қилаётгани йўқ. У хасисликнинг ашаддий душмани, Худо берган бойликни раиятга, муҳтожларга, лашкарга бўлиб беради, ўзи битта одамга тегадиган улуш билан қаноатланади. Искандарнинг ҳиммати шундай улуғвор. Унинг дунёда адолатни тиклаш учун кураши, деу даррандалар, Яъжуж-Маъжуж балосидан маданий аҳолини халос этиши ҳам улуғ ҳиммат.

Демак, Гадонинг ҳиммати билан Искандар ҳиммати мазмунан ўзаро яқинлашиб боради. Чунки Искандарнинг замири — қалби Гадо маънавияти билан тўлишган. Гадо дейди: тахтга чиққан одам албатта зулм қилади, зеро зулм қилмай давлатни сақлаб бўлмайди. Искандар дейди: йўқ, тахтда ўтириб ҳам савоб ишлар қилиш мумкин, адолатни ҳимоя қилиш — дунёдаги энг улуғ савоблардандир. Ва у шуни исботлаш учун жаҳон кезиб, юрт очади. Шу тариқа, Гадо ҳиммати Искандар ҳимматидан устун қўйилса-да (чунки дунё барибир, инсонни пастга қараб тортади, ба-

рибир хазина атрофида қон, ҳасад, фитна бор, дарвеш бундан кеча олади), кўнгил агар тўйса, кўнгил қаноат мулкида Аллоҳ нури билан чароғон бўлса, у фақр ва бойликни бир деб билади: «Кўнгул ҳиммат аҳлигаким бўлди кенг, гино (бойлик) бирла фақр ўлди олинда тенг». Бундай одам ширин кулча еса мақтанмайди, ёвғон ўмочдан ор қилмайди. Бундай ҳиммат кишини бениёз — озод этади, қалрини кўтаради. Бундай одам вайронада ўтириши ҳам, қаср ичида яшаши ҳам мумкин.

«Садди Искандарий» достонида Искандарнинг гадо билан мулоқотидан кейин биринчи «ҳикмат» келади. Унинг сарлавҳаси (мазмунан): «Искандарнинг Арастудан саволи шу ҳақдаким, мақсадга қайси мақом яқинроқ ва бу мақомга етишишда қайси йўл муносиброқ ва Арастунинг йўқлик фано мақомини тўғри йўл деб айтгани ва бунга осонлик билан етишиш йўлини кўргузгани».

Гап тасаввуф мақомлари устида бораётгани кўриниб турибди. Искандарнинг кишининг олий мақсади нима, қайси ишнинг натижаси мақтовли, хайрли, деган саволига Навоий Арасту тилидан дейди:

Дели: халқдин ўзни фард айламак,
Фано кўйи йўлинда гард айламак.

Яъни халқдан ўзини айириб, фано йўлининг тупроғи бўлиш — асосий мақсад. Бу — дарвешлар, авлиёлар йўли. Аммо шу олий мақсадга етишишнинг иккинчи йўли ҳам бор. Бу — жамиятда яхши, савоб ишларни қилиб, Ҳақ васлига мушарраф бўлиш. Айниқса, мол-мулк эгалари учун бу мақбул йўл, дейди Арасту. «Кимки кўпроқ савоб ҳосил қилса, у кўпроқ висолдан умидвор бўла олади» — Навоийнинг ақидаси шундай. Бироқ амали хайрни ҳам ўз мавқеида, ўз жойида қилиш керак. Ўз жойида бўлмаган иш хайрли амалга кирмайди. Навоий бу ўринда футувват, саховат, афву шафқатни назарда тутмоқда. Иккинчи томондан, бой-бадавлат киши хўжакўрсинга саховат кўрсатишга берилмасдан, балки ҳамма ишни чин кўнгилдан, сидқидилдан бажаришдан ташқари, ҳирсу ҳавас, кибру ҳаво, нафси амморадан ўзини халос эта бориши лозим. Яъни одам мулк эгаси бўладими, шоҳу амир бўладими, дарвеш эътиқодини қабул қилиб, ҳамида инсоний хулққа эга бўлиб борса, Илоҳ васлига етишиши мумкин. Шунда мақсад

ҳосил бўлади. Искандар шунақа савол билан қизиқар экан, демак, тасаввуф таълимотини ўз ҳаётининг дастури қилиб олиш ниятини изҳор этмоқда ва муҳими шуки, бу дастур жаҳонгир шоҳ томонидан бекаму кўст адо этиб борилади.

Бироқ ҳимматни амалда кўрсатиш учун рой — чора, тadbир ҳам зарур. Айниқса, шоҳлар, юрт раҳнамоларига бу сувдай, ҳаводай зарур. «Рой» деганда яхши фикр, ният, азму ирода ҳам тушунилади. Қисмат, тақдир, ғайбдан келган куч-қудратни ҳам баъзан рой дейдилар. Лекин кўп ҳолларда у ирода, тadbир маъноларида қўлланиладики, бу ҳиммат маъноларига ўхшашдир.

Искандар тadbир билан жаҳонни олади, аввал Эрон шоҳи, кейин Ҳинд рожаси (рой), Кашмир подшоси, Чин хоқони унга таслим бўладилар. Искандар буларнинг ҳар бирига нисбатан шароитга қараб сиёсат юргизади, бирини қўшин кучи, бирини дипломатик усул, учинчисини раияти ва лашкарини ўзига ағдариб олиб бўйсундиради. Демак, ҳамма ерда ақл ва ҳикмат унга ёрдам беради, ҳар бир катта ишдан олдин ҳақимлар билан кенгашиб олиб, кейин қарор қабул қилади. Бундан ташқари, тобе мамлакатларнинг донишманд кишилари, оқсоқоллар, оддий одамлар билан маслаҳатлашади. Искандар юришларининг ўзи бир илоҳий тadbир сифатида тасвирланади. Доронинг ўз аъёнлари томонидан ўлдирилиши, Мағрибда девсифат одамларга дуч келиб, паҳлавонлари бирин-кетин енгилатганда, бир суворий қиз (хоқон канизаги)нинг жангга кириб, девсифат одамни банди қилиб келтиргани ва бошқа мўъжизалар ҳам илоҳий тadbир кўринишлари — Искандар ишининг кушойишидир. Хуллас, шоир бошидан бошлаб қаҳрамонини энг қийин синовларга тайёрлаб келади: у ҳам ақлу заковати, огоҳлиги билан ва ҳам ҳарбий маҳорати, жисмоний қуввати, матонати билан ажралиб турадиган шахе. Мана шундай одамнинг ҳиммати самара бериши муқаррар. Ҳиммати баланд одамни хайр йўлида Худо ҳам қўллайди. Аммо нега ҳамма вақт ҳам ўйлаган тadbирларимиз, хайрли ниятларимиз амалга ошмайди? Нега ишнинг яхши-ёмонини билганимиз ҳолда, яхшини қўйиб ёмонга ружуъ қиламиз, эзгулик галабасини таъминлашга иродамиз етмайди? Масалан, деб сўрайди Искандар Арастудан, шоҳлар «элнинг ризоси била» ва «халойиқ

дуоси била» иш юргизса аввало ўзи учун фойда эканини билгани ҳолда, «ройи савоб» ўрнига нохуш феълени намён қиладилар. Натижада ўздан кучсиз душмандан енгилиб ўтирадилар.

Арасту жавоб бериб дейдики, бунда уч ҳикмат бор: 1) киши ишнинг фойда-зарари, яхши-ёмонини билгани ҳолда, табиати ва нафси тубанлик сари йўналгани учун, осон йўлни қидиради, ўзини ўнглаб, қийинчилик билан бўлса ҳам ўз нафсини енгилга қурби (ҳиммати) етмай қолади.

Қачон нафс ўз комин этти ҳаво,
Қилур элни кўп нафъидин бенаво.

2) одамлар аксар ўзларининг туғма хислатларига қулоқ соладилар, ишнинг натижаси яхши бўлса, бахтиёр бўлишларини билгани ҳолда, беихтиёр уни амалга оширмайдилар ёки тескари иш қилиб қўядилар;

3) кишида ҳар қанча ният, истеъдод бўлгани билан тақдирида бўлмаса, натижа чиқмайди. Тақдир билан тadbир тўғри келса, ишнинг ривожи амалга ошади.

Искандар тақдири эса тadbир билан мувофиқ келган, шу боис у неки ният қилса, фикр этса, Худо уни бу ишда қўллаб-қувватлайди, дейди Навоий Арасту тилидан. Искандарнинг адолатпарварлиги, одилона тadbирлари бутун асар давомида тасвирлаб борилади. Шунга қарамай, Навоий адолат ҳақида бир боб ажратиб, бу тушунчани кенг шарҳлаган, адолат масаласида Куръон ва Ҳадис ғояларидан унумли фойдаланган. Шоир бу тушунчани ҳам жаҳонгирлик билан боғлаб талқин этади, албатта. Яъни жаҳонгирликнинг биринчи шарт — бу Адолат «Агар шоҳ одил бўлса, дунё ҳам, дин (охират) ҳам унга тобеъ (мусаххар)дир». Хўш, дунёни қандай забт этиш мумкин? Арасту дейди: 1) одил подшонинг мулки обод бўлади; 2) мулки обод бўлса, халқ бой бўлади; 3) халқ бой бўлса, хазина кўпаяди; 4) хазина кўпайса, лашкар маоши ортиғи билан берилади.

Шундай қилиб, халқ ҳам, лашкар ҳам шоҳдан рози бўлиб, у билан бир тан, бир жон бўладилар. Бундай шоҳ ҳамиша душмани устидан ғалаба қилади. Навоий фикрича, шундай йўл тутган шоҳ бемалол дунёни олиши мумкин:

Бу тартиб ила чунки тарҳин солур,
Ажаб йўқ агар даҳр мулкин олур.

Бунинг акси бўлса, яъни раият оч-яланғоч, лашкар норизо бўлса, душманнинг қўли баланд келади. Искандарнинг муваффақияти шундаки, у адлу инсофни шиор қилиб, қаерга борса халқини туҳфалар билан сийлади, мамлакат бошқарувини одил подшоёларга топширди, қўлга киритган бойлигини лашкар аҳли билан баҳам кўрди. Искандарнинг адолатли ишларидан бири шуки, у Доро салтанатини эгаллагандан кейин, илгаридан давом этиб келаётган бир қанча зулм ва инсофсизликка асосланган тартибларни бекор қилади. Чунончи, Доро лашкар учун белгиланган маошнинг ярмини бераркан, Искандар эса буни адолатсизлик деб ҳисоблаб, яна бир ҳисса оширади. Доро хазинасини раият ва лашкарга тарқатиб, уларни хурсанд қилади, солиқни эса ярмига қисқартиради, халқни машаққатдан қутқаради.

Дедиким: «Манга ганж эмастур ҳавас,
Сипоҳу раият — манга ганж, бас».

Хазинани тоғ-тоғ қилиб чиққан билан, агар элга нафъи бўлмаса, у тошу туфроқ билан баробардир, дейди Искандар.

Бундай одамнинг адлу эҳсонини кўриб, «офоқ эли жонига дуо қилади». Халқ дуоси эса ижобат бўлиши аниқ. Демак, одил шоҳнинг бу дунёси ҳам, у дунёси ҳам ободдир.

4. Сафар ҳикмати

Асарда «Ҳақими коинотпайванд ва холиқи бемислу монанд» деган сўзлар билан бошланувчи боб бор. Бунда қизиқ бир фикр илгари сурилган: Искандарнинг юришлари жаҳонни кезиб саёҳат қилиш ва ушбу саёҳат давомида дунё ажойиботлари, мўъжизаларини кўриб, Аллоҳ қудратини чуқурроқ идрок этишдир, дейилади. Бошқача айтганда, Искандар жаҳонгирлик ниятида мамлакатлар, халқлар устига лашкар тортиб бораётган бўлса-да, лекин аслида бу сафар — дунёни «тадқиқ ва таҳқиқ этиш» (ҳақиқатларни аниқлаш) учун кезиб чиқиш ҳисобланади.

Зероким, олам — Аллоҳ яратган суратхона, ажойиботлар макони. Оламдаги жамики мўъжизалар, кишини ҳайратлантирувчи нарса ва ҳодисалар Парвардигор камолоти ва қудратини исботловчи бешак далил ва Унинг санъатининг гўзаллигини намоён этиувчи ҳужжатдир. Фақат буни мушоҳада этадиган тафаккур, моҳиятини ҳис этиб, ишонч

ҳосил қиладиган қалб керак, дейди Навоий. Шунинг учун-дирким, Худонинг бир оти Мусаввир — тасвирловчидир:

Ажаб йўқ Мусаввир эса бир оти,
Ки Ул чекти кавнайннинг сурати(н).
Бу тасвир аро кўп гаройиб турур,
Ниҳоятсиз анда ажойиб дурур.
Ки ҳар қайсиға кимки тадқиқ этар.
Мусаввир камолини таҳқиқ этар.

Шундай қилиб, олам Аллоҳ қудрати ва камолотининг ажойибхонаси экан, буни тамошо қилиб, мушоҳада этиб, англаб етган одамнинг имон-эътиқоди ортади, мустаҳкам-ланади. Сафарга чиқиш ҳам айнан шунинг учун бўлиши керак. Ҳазрат Навоий ана шундай сафарнинг уч хилини тасвирлаб беради.

Бири «ўзлик водийсини» қатъ этган солик, яъни ўзлик-дан кечиб, тариқат йўлига кирган ва Худо ишқида ёнган ошиқ одамнинг сафари. Бундай одамлар «фано шаробини» ичиб, яланг оёқ, яланг бош йўлга чиқадилар ва юз машаққатлар билан Каъба зиёратига етиб келадилар. Навоий бундай ҳақталаб дарвешларни айрича муҳаббат билан мадҳ этади. Иккинчиси илм йўлида «китобу қаламини қўйнига солиб», дунё кезган одамлар сафари. Булар қаердаки бир донишманд ёки олим одамни топсалар, суҳбатлашиб, илмидан баҳра оладилар, тақво ва риёзат билан маърифат тўплайдилар. Мақсадлари бирор муршиди комилни топиб, унинг ҳузурида камолот касб этишдир.

Учинчиси, Искандар каби жаҳонгир шоҳлар сафари:

Ки тортиб Сикандар масаллиқ сипоҳ,
Бўлурға ети кишвар аҳлиға шоҳ.

Демак, Навоий наздида Искандар юришлари соликларнинг сафарига ўхшаш, ҳар икки сафар замирида Ҳақни англаш ва Унга етишиш орзуси бор. Чунки дейди шоир, солик илм-маърифат ошириш учун сафар қилади, Искандар ҳам аслида дунё маърифатини дарк этиш ниятида юртма-юрт кезиб юрибди. Дунёни айланиб, сув остига тушиб, ҳисобсиз ажойиботларни кўриб, Искандарнинг дунёқараши ўзгарди, у фақат юртларни эгаллаб олган эмас, балки Илоҳ маърифатини ҳам эгаллаб борди.

Умуман олганда, Искандар ҳақидаги дostonларнинг

Шарқдаги версияларида Абдулқосим Фирдавсийдан тортиб, ажойиб-ғаройиб мамлакатлар, юртлар, одамлар, воқеалар тасвири асосий ўринни эгаллайди. Яъни Искандар саргузаштлари фавқуллоддалиги, ғаройибларга бойлиги билан ажралиб туради ва шунинг учун у ўқувчиларга қизиқ туюлиб келган. Бу ғаройиблар гоҳ ибрат, гоҳ билим манбаи, гоҳ Илоҳ муъжизасига далил сифатида хизмат қилган. Фирдавсий ва Низомийда ғаройиботлар тасвирини илоҳий ҳикматга ёки тасаввуфга боғлаш йўқ. Хусрав Деҳлавий ва Жомийда сўфиёна «назарий хулосалар» қилишга эътибор берилади. Амир Хусрав Деҳлавий асарининг «олам ишларини риёзат билан тажриба қилиш ва мақсадга эришиш» бобида дунёни орифона ният билан кезиб чиқиб, тафаккур нигоҳи билан таҳлил қилиш ҳақида гап боради. Унинг назарида, дунё — Аллоҳ кўзгуси. «Дунёни шундай кезиб чиққи, ундаги асрор идрокингга жойлансин, ориф сўфийлар бир жойда ўтириб ҳам олам кезиб чиқадилар», дейди у.

Алишер Навоийда эса ўз тили билан айтганда, Искандарнинг «ҳам ишлари ва сўзини» бирга олиб, янги руҳдаги асар яратиш истаги бўлганлиги сабабли, ажойиб воқеалар тасвири ва унинг фалсафий — орифона талқини, яъни ҳикмат ва ҳаракат вобасталиги давом эттирилган. Шу боис «Садди Искандарий»да жанглар, юришлар тасвиридан ҳикматларга, ҳикматлардан тафаккурий — таҳлилий муҳокамаларга, ундан яна ҳикоятлар, тамсилларнинг шеърӣ талқину изоҳига ўтиб борилади.

Шунинг учун ҳам дostonдаги ажойиботлар ҳам Навоий учун рамзий маънога эга тимсоллардир. Ва агар сафар ҳақидаги фикрни давом эттирадиган бўлсак, сафар Навоий назарида, биринчидан, билим тўплаш, маърифатли бўлиш; иккинчидан, Илоҳ қудратини ҳис этиш эди. Учунчидан эса сафар риёзатдир. Яъни сафарда инсоннинг сабри, иродаси синовдан ўтади: баъзан мусофирлик машаққати, баъзан ёру дўстлар соғинчи, баъзан руҳий ва жисмоний толиқиш, ватан ҳажри кишини тоблайти, фикрига фикр қўшади.

Алишер Навоий мазкур бобдан кейин хуросонлик икки рафиқ ҳикоятини келтиради. Унда тасвирланишича, бири бири билан қалин дўст бўлган икки йигит бор эди. Улар

қашшоқликдан қийналардилар. Улардан бири сафарга чиқиб, кўп юртлар кезади, Юнонистонга бориб, илм ўрғанади — донишманд бўлади. У яна сафарга чиқиб, Ҳиндистонга келиб қолади. Ҳинд шоҳининг кўзи кўрмайдиган бўлиб қолган ва кимки кўзимни даволаса, қизимни ўшанга бераман, деб аҳд қилган эди. Ҳалиги йигит буни эшитиб, Ҳинд шоҳи олдига боради ва унинг кўзини даволайди. Шоҳ ваъдага вафо қилиб, қизини унга никоҳлаб беради. Шоҳ вафот этгач, васиятга мувофиқ куёви тахтга чиқиб подшо бўлади. Навоий буни сафарнинг хосияти деб таъриф этади. Чунки агар йигит сафарга азму ирода қилмаганда, доно ҳаким бўлмасди ва Ҳинд шоҳининг кўзини даволаб, шоҳлик мансабига эришмасди. Бу огоҳлик, билим ва ҳикмат шарофати:

Чу огоҳлиғ ўлди анинг ёриғи,
Бу ким шоҳлиғ ўлди анинг ёриғи¹.

Шоҳлик мансабига эришган йигит дўстини эслаб, уни чақиртириб келтиради ва ўзига вазир қилиб олади. Ҳикоятдан хулоса чиқарган шоир сафар қилган киши комилроқ эди, шу боис у салтанатга эга бўлди, деган фикрни баён этади. Демак, салтанатни бошқариш учун билим, тажриба зарур.

Шундан кейин келадиган «ҳикмат»да Искандар билан Арасту орасида сафарнинг машаққати ва фойдаси ҳақида савол-жавоб бўлиб ўтади. Искандар Арастудан «сафарда ранжу азоб бор, аммо ҳикмат аҳли сафарга буюрадилар, уни фойдали деб ҳисоблайдилар, боиси нима», деган саволига Арасту жавоб бериб дейдики: сафарнинг фойдаси жуда кўп. Биринчидан, шуки, ҳар бир ранжу машаққатдан кейин роҳат бор. Шу каби сафар машаққатининг ҳам ниҳояси роҳатга олиб келади. Иккинчидан, сафарда одам пишади, етилади. Бу худди таомини пиширганда лаззатли бўлганидай ёхуд олтинини оловда қизитиб ҳар хил чиқинди моддалардан тозалагандай гап. Ва учинчидан, сафар сайру тамошоси одам саломатлигига фойдали. Чунки сафарда сув ва ҳаво (иқлим) ўзгаради, қон айланиши яхшиланади, умуман, киши табиати янгиланади, руҳи ўзгаради, иштаҳа мўътадил ҳолатга келади.

¹ Биринчи мисрадаги «ёриғи» — ҳислат, фазилат, иккинчи мисрадаги «ёриғи» — насиба, бахт, толе маъносидадир

Қисқаси, Арасту жавобларида сафар фойдасини илмий далиллаш бор. Сафар мавзуининг ўзида ҳам сўфиёна-илоҳий талқинни ва ҳам илмий-дунёвий талқинни кўра-миз. Дунёвий ҳикматдан илоҳий ҳикматга ўтиб, иккаласини ўзаро боғлашга интилиш намунаси бу.

Аммо сафар ҳақидаги гаплар шу билан тугамайди. Искандар Кашмир, Ҳиндистон, Чин, Мағриб мамлакатларини ўзига бўйсундиради. Ватанига қайтаётиб, йўлда одамхўр махлуқлар, яъни Яъжуж-Маъжуж йўлига темир девор тиклаб, зулм кўрган халқни улардан қутқаради. Лекин сафар қилиш, оламни айланиб, сайр этишдан тийилмайди. Қуруқликни олиб бўлиб, энди денгиз сафарига тайёр-гарлик кўра бошлайди. Искандар сўзи:

Керак ҳар недур фарши ғабро¹,
Қуруқлуқ аро йўқса дарёро.
Агар айласа бахт ҳамроҳлиқ,
Юруб барчадин топсам огоҳлиқ.

Искандар ҳамма нарсани билмоқчи, ер куррасидаги жами ҳодисалар, нарсаларни кўриб ўрганмоқчи. Шу учун у сув остига тушиб, бу оламни ҳам билишим керак, бўлма-са мен билан бошқалар орасида нима фарқ қолади, бошқалар ғафлат денгизида фарқ бўлса, мен нима қилай, дейди. Шоир шу ерда пайтдан фойдаланиб огоҳлик ва ғафлат тушунчаларини қиёслайди. Билимсизлик, билишга қизиқишнинг йўқлиги — ғафлат. Дунёни, одамни билиш, осмону замин, қуруқлик ва сув остини ўрганиш — огоҳлик, маърифатли бўлиш. Искандар — маърифат ошиғи, ҳикмат ва билим мажнуни. Лекин Навоий бунга унчалик рози эмас. Шоир буни «бийми жунун» (жиннилик таҳликаси) деб атайди ва Искандар ҳақида ёзади:

Ҳавас тундбоди чу бедод этар,
Хирад хонумонини барбод этар.

Мазмуни: орзу изғирини жонини қийнайди, бу ҳол ақл уйини хароб этади, яъни Искандарнинг ишлари ақлга тўғри келмайди, лекин унинг ақл билан иши йўқ, у худди маҳбубаси ишқида ёнган ошиқ каби бетоқат, қулоғига насиҳат ҳам, мантиқли гап ҳам кирмайди. Искандар буни яна қазои қадарга боғлайди:

¹ Фарши ғабро — ер. тупроқ.

Қазодин менга тушди буңдақ сафар.

Алишер Навоий ана шу тарзда денгиз сафарига бағишланган бобдан олдин сайру сафар мавзуига қайтиб, аввалгилардан фарқ қилувчи фикрлар баён этади. Аввал Искандар сафарини тариқат соликининг сафарига ўхшатиб маъқуллаган бўлса, энди ватанда ором тутиш, умрни ғанимат билиб, дўстлар даврасида шодон ва осойишталикда ўтказишнинг афзаллиги хусусида ёзади.

Сафар — оғир машаққат, унинг азоби дўзах азобидан нишона. Шунинг учун:

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама, —

деб маслаҳат беради улуғ шоир.

Умрнинг ўзи сафар, биз туғилгандан сафарга чиқамиз ва у ўлим билан яқун топади. Шу учун дунёда яшаш лаззатини тотмоқлик, кўнгилни ҳуш қилиб, бошга нима келса ҳам кўп ғам чекмай ширин ҳаёт кечиришга нима етсин:

Олинг айшдин умрнинг комини,
Тутунг ҳуш йигитликнинг айёмини.
Ичиб базм аро жоми дилкаш тутунг,
Неким келса, ўзни даме ҳуш тутунг.

Инсонларнинг барчаси бир-бирига меҳмон, бир-бирига ғанимат, дўст дийдоридан, маҳбуба васлидан қонмоқ, баҳра олмоқ лозим. Барча ўлиб, сен абадий қолмайсан, ҳаммага «борур йўл» битта. Шуни билки, жаҳон ғам емакка арзимайди. Навоий шундан хулоса чиқариб, сўфиларнинг кечаги кунни ўйлама, келажакни Худо билади, яъни ўтмиш ҳам, келажак ҳам номаълум, биз икки номаълум, икки йўқлик (адам) орасидамиз, деган Хайёмона гоёни тақдим этади:

Бурунги куну тонгладин урма дам,
Ки ул бир адамдир, бу доғи адам.
Эрурбиз бу кун ҳар не нобуду буд,
Ки икки адам ичра тутмиш вужуд.

Шундай бўлгач, ёру дўстлар, қавму қариндошни ташлаб, сафарда бўлиш, ҳижрон изтиробини чекиш на ҳожат!

Демак, Навоий чек-чегарасиз орзулар, беҳаловат, дарбадар умргузаронликка қарши. Инсон бир умр машаққат-

да, укубат ичида яшаши мумкин эмас, умр бунинг учун берилмаган. Сафарнинг ҳам ва ҳатто жаҳонгирликнинг ҳам чегараси, интиҳоси бўлиши керак. Агар сафар қилмоқни жуда хоҳлаб қолсанг, ватанингни кезиб чиқсанг кифоя:

Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл,
Тила хилвату анжуман ичра бўл.

Кўриниб турибдики, бу нақшбандия шиорларидандир. Нақшбандияда «сафар дар ватан» ва «хилват дар анжуман» рукнлари муҳим ўрин эгаллашини биламиз. «Ватан ичра сафар» иборасини шоир «анжуманда хилват» билан қўшиб келтирган. Зеро, бу шиорлар маънодош. «Ватан ичра сафар» деганда фақат яшайдиган манзил, юрт эмас, балки инсоннинг ўз вужуди ҳам англашилади. Инсон уз вужудини англаш учун руҳоний сафарда бўлса, ботин оламини, демак Парвардигор ҳикматини чуқурроқ англаб етади. Агар зоҳиран сафарда бўлса ҳам киши буни ботиний маърифат билан боғлаб борса, сўфийлик талабини адо этган бўлади.

Шу каби анжуман (жамият) ичида ҳам ботин оламини Аллоҳ билан рост тутиш лозим, ботин равшанлигини сақлаш, ҳар бир лаҳзада Аллоҳ амрини фарз деб билиш талаб қилинади. Шунда анжуман хилватга ҳалақит бермайди. Зотан, «хилват» деганда сўфийлар солиқнинг Аллоҳ билан руҳий боғланиши, мулоқотини назарда тутадилар. Агар Аллоҳ билан ботинда боғланиш мустаҳкам бўлса, бу ип анжуман ичида турганда ҳам узилмайди, сафар ва сайр чоғида ҳам унга путур етмайди.

Бироқ «Садди Искандарий»да Навоий бундай шарҳу изоҳларни назарда тутган эмас. Шоирнинг мақсади ўз қаҳрамони Искандарга танбеҳ бериш, уни денгиз сафаридан қайтариш эди:

Жаҳон мулкин этсанг сафар, хушку тар,
Сикандардек олсанг, юриб баҳру бар.
Қўюб борин охир чу кетгунгдурур,
Дегинким олиб они нетгунгдурур?

Лекин кўриб ўтганимиздек, Искандар бунга парво қилмайди, жаҳондаги ҳамма нарсадан огоҳ бўлиш менга тақдир ҳукми, деб кемалар ясаб, навбатдаги сафарга ҳозирлик кўришга фармон беради.

Маълум бўладики, «Садди Искандарий» бир чизиқли, бошидан охиригача бир ғояни тарғиб этувчи асар

эмас. У чуқур ички зиддиятлар, драматик мушоҳадаларга бой асар. Бунн шоирнинг беқарорлиги ёки муайян етакчи ғояни тарафдорлик қилолмаслиги дея олмаймиз. Зинҳор бундай эмас. Аксинча, Навоий асари ана шу ички баҳси, фикру мушоҳадаларнинг кўплиги ва ранг-баранглиги билан жозибали. Навоий Искандар билан мунозара қилиб борар экан, охир-оқибат унинг бош ғояси – дунё ўткинчи, ундан ҳеч нарса олиб кетолмайсан, деган ғоя галаба қилади. Навоий солиқлар ва илм толиблари сафарини, шу каби Искандарнинг жаҳонгирлик сафарини маъқуллаган бўлса-да, бироқ шоҳнинг яна денгиз сафарига чиқиши ҳаддан ошиш, қаноатсизлик ва ўзини чексиз уқубатлар гирдобига солиш деб билади, Искандар тақдирига ачинади. Умуман, фалакнинг, тақдирнинг одам боласини бир нафас бўлса-да тинч қўймаслиги, шоҳми, гадоми – сарсону саргардон қилиши ўйлантиради. Шоир қалби ич-ичидан бунга қарши исён кўтаради, аммо иложсиз. Фарёдлардан фойда йўқ.

Мавзуга қайтайлик. Хўш, сафар ҳақида Искандар Арастудан сўраганда, доно ҳаким нима деб жавоб берди экан?

Искандарнинг саволи жуда қизиқ: «одамнинг табиатида бир жойни ватан тутиб яшаш ва шунга ўрганиб қолишга сабаб нима?»

Бировнинг бузуқ кулбаси ўзига шоҳ қасридан афзал кўринади (бундан олдин подшоҳ қасридаги қафасдан қутулиб, ўзининг вайронасига келиб фароғат топган ва «Вайрона бўлса ҳам ўзимнинг ўрганган жойим, шоҳ қасрини нетайки, у бегонадир» деган Кабутар ҳикояти келтирилади), зиндонга ўхшаган уйини жаннат боғича деб билади. Бунинг ҳикмати – сири нимада?

Арасту жавоб бериб дейдики, ҳар навъ одамнинг табиати ҳар хил: биров сафарни яхши кўради, биров уйда ўтиришни, биров қасру айвонда яшашни ёқтирса, биров вайронадаги тинчлигини ҳеч нарсага алиштирмайди:

Гар истар гадо ганжи вайронини,
Тилар шаҳ лағи қасру айвонини.

Киши табиатига ўрнашган нарса одатга айланади, одатлар эскириб, яна табиат бўлади, яъни инсон бирор муҳит ёки яшаш тарзига ўрганса, шу нарса унинг хислат-характерига ўрнашиб қолади. У бошқа муҳитни қабул қилол-

майди. Бунинг устига ҳар кимнинг майли унинг ихтиёрида эмас, балки бу Худо берган хислатдир:

Аларга бу майл ихтиёрий эмас,
Бажуз қисмати сунъи Борий эмас.

Шундай қилиб, гап айланиб яна Тақдирга келиб тақалади ва Искандарнинг навбатдаги сафари ҳам Тақдирдан, уни қайтариб бўлмайди, деган хулоса баён этилади.

Арасту жавобларида ижтимоий тенгсизлик, инсонлар қобилияти, яшаш шароитидаги турфа хиллик характер (табиат) хусусияти ва қисмат билан боғлаб тушунтирилган. Албатта, Навоий бунда ҳам шоҳу гадо қиёсидан қўл тортмаган. Дарвешлар, камбағаллар мол-мулк, қасру айвондан кўра озодликни афзал биладилар. Кабутар вайронада озод, шоҳ ўз қасрида тутқун. Энди, савол туғилиши мумкинки, кабутар нега шоҳ қасрида озод яшаши мумкин эмас ёки нега камбағал вайронада яшашга кўниккани учун абадий шундай яшашга маҳжум? Ва у нега шунга кўниккан, нега унинг табиятини ўзгартириш, уни уйғотиш мумкин эмас? Қўлнинг қўлликка кўникиши унинг фазилати-ми, нега у бошқача ҳаёт тарзини талаб қилмайди?

Албатта, ҳазрат Навоий буни назарда тутмаган. Гап мантиқидан шундай мулоҳазалар туғилгани учун биз уларни баён этдик. Ҳазрат Навоий руҳ озодлиги, Худо наздида шоҳу гадо баробарлиги ғоясини улуг жасорат билан куйлагани учун ҳам инсоният ул зотдан миннатдор бўлиши лозим.

Бу ерда эса, Навоий турли табиатлар ҳақида сўз юритганда кимларгадир сафар қилиш, яхши кимларгадир ватан ичра бўлмоқлик ёқади — ҳар кимнинг истаги, хоҳишига яраша насибаю тақдири, деган фикрни айтиш ва шу билан ўқувчини Искандарнинг навбатдаги саргузаштини ўқишга тайёрлашдан иборатдир.

Хулоса: 1. Сафар Аллоҳ илму маърифатини эгаллаш учун бўлса фойдали. 2. Аллоҳнинг илму маърифати У яратган дунёнинг жами ажойиботларида намоён, буни идрок эта билиш керак. 3. Искандар ҳам ана шундай Аллоҳ маърифатини эгаллаш учун сафарга чиққан солиқ кабидир. 4. Аммо сафар қилмай, ватанда яшаб ҳам Аллоҳнинг маърифатини қозониш мумкин. Бундан ташқари, ҳазрати Баҳоуддин ўтитлари бўйича инсон ботин оламини ривожлантириб, ўз жисми ва еру кўкни сайр қила олади.

Аmmo ҳар кимнинг йўли ҳар хил, ҳар ким қобилияти, насибасига қараб ҳаёт кечиради. Искандарга жаҳонгирлик насиб этилган экан, унинг ҳаракатлари, фаолияти шунга муносиб.

5. Дунёни билишдан олдин ўзингни билгин

Искандар ўз сафарларида кўп ажойиботларни кўрди; ҳаммаси уни ҳайрону лол қолдирар, буларни англаш — Яратганнинг сиру синоатини билишга интиларди. Бироқ муъжизалар шу қадар кўп, шу қадар сирли эдики, баъзан Искандарнинг илму идроки уларни фарқлашдан ожиз қоларди.

Ана шу муносабат билан Навоий инсон идроки, билиш қобилияти қаергача етади, деган саволни қўяди. Умуман, инсон ҳамма нарсани била олиши мумкинми? Унинг «басират кўзи» (қалб кўзи) кўрадиган ҳодисалар, ҳақиқатлар қайсилар? Бундай қобилият ҳаммада борми ёки алоҳида одамлар бунга мушаррафми? Ушбу саволлар ҳақида асарнинг «Басират кўзини айнул яқин кўҳли ёритқонлар» («Қалб кўзини айнул яқин сурмаси ёриттанлар») деб бошланувчи бобида ва шу билан боғлиқ ҳикоят ва ҳикматда баҳс юритилади. Айтиш мумкинки, бу тасаввуфнинг билиш назарияси — ирфон моҳиятига бағишланган. Унда илоҳий маърифатни идрок этиш, инсон билими чегаралари, ориф дарвешлар салоҳияти хусусида сўз боради. Аввало ушбу бобдаги бир неча истилоҳларга изоҳ берсак. Чунончи, басират, айнул яқин, аҳли маъни сўзлари изоҳлашни талаб қилади.

«Басират» (ёки «басират кўзи») ибораси кўзнинг ўткирлиги, зийраклик, огоҳлик, ишончли билимга эга бўлишни англатади. Сўфийлар назарида у қалбнинг бедорлиги ва Аллоҳ илмини мушоҳада этиш қобилияти маъносига қўлланади. Басират кўзи бор одам — қалби бедор, ҳар нарсада Аллоҳ ҳикмати ва қудратини ҳис қила оладиган, ботини илоҳий нур билан ёритилган одам. «Айнул яқин» тасаввуфда дунёвий ва илоҳий маърифатни идрок этишнинг иккинчи босқичи, яъни моҳиятни англаб ишонч ҳосил қилиш¹.

¹ Бу уч босқичдадир: биринчиси — илмул яқин (бошқалар сўзи ва китобни ўқиш орқали ишонч ҳосил қилиш), иккинчиси — айнул яқин (ўзи тажриба ўтказиб, мушоҳада билан моҳиятга етиб ишониш), учинчиси — ҳаққул яқин (тажриба объектига айланиб, парвонадай шам шуъласида ениб ишониш).

«Аҳли маъни» деганда ориф сўфийлар назарда тутилмоқда. Энди агар боб сарлавҳасини ҳозирги тилга кўчирмоқчи бўлсак, бундай жумла келиб чиқади: «Қалб кўзи моҳиятни англаб ишонч ҳосил қилиш сурмаси билан ёритилган кишилар ҳақидаки, қайси тарафга боқсалар борлиқнинг ажойиботларини мушоҳада қила оладилар ва Яратувчининг санъатига офарин айтадилар ҳамда тупроқдан бўлган одам таърифидаким (оят): «Одамнинг лойини икки қўли билан хамир қилиб қирқ кунда қиёмига етказди» маъносида унга шаклу сурат бахш этди, (оят): «Одам болаларини мукаррам қилиб яратди» маъносига кўра уни парвариш қилиб, ўзининг халифасига айлантирди».

Бу жумлани тўлиқ келтиришимизга сабаб шуки, биринчидан, унда инсоннинг яратилиши, улуғворлиги ва шарафи ҳақида Қуръон оятлари келтирилган. Иккинчидан, инсоннинг Аллоҳ халифаси экани, унинг ақлу заковати, идроки ва қалбига ишора эканини билдирмоқ ва учинчидан, бу маънини англаган кишилар ориф дарवेशлар, яъни аҳли маъни ҳисобланган комил муршидлар бўлишини таъкидламоқдир. Чунки Навоий асарида худди ана шу орифларнинг маърифати устида сўз боради.

Фақат орифларгина оламнинг қайси ашёсига боқсалар уни Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг яратган нақшу сурати деб биладилар ва у орқали Сонеъи зулжалолнинг қудратини мушоҳада этадилар.

Зийрак китобхон дарров фаҳмладики, юқорида сафар муносабати билан ҳам шу маънода фикр баён этилган эди. Нега Навоий такроран бу масалага қайтди, деб сўрарсиз. Қайд этиш жоизки, Навоий бу ерда батамом фикрий такрорга йўл қўяётгани йўқ. Навоий бу ерда ушбу масалани чуқурлаштириб, уни ваҳдатул вужуд фалсафаси билан боғлаб тушунтиришни мақсад қилган ва иккинчидан, дунёни ва Илоҳни билиш инсоннинг ўзини англашдан бошланади, деган ғояни ўқувчи онгига сингдириш пайида бўлади. Шунинг учун шоир гални олам мушоҳадасидан бошлаб, Аллоҳ зоти ва сифатини идрок этувчи, ҳар заррада Сонеъи Қудратнинг санъати ва файзини кўрувчи орифлар ҳақида ёзар экан, барча ажойиботларнинг энг ажойиби, Аллоҳ мўъжизаларининг ҳайротомуз мўъжизаси Инсон эканини таъкидлаб дейди:

Назар қилса топқой басират кўзи,
Эрур бу баридан ажаброқ ўзи.

Шу боис киши агар «ўз аъзоига боқса», чуқурроқ фикр қилса, оламнинг мўъжизаларини, илму ҳикматини ўзида кўра олади. Зероким, инсон – Аллоҳ илму ҳикмати му- жассам хилқат, махлуқотнинг гултожи! Шу боис ориф сўфилар инсонни «олами суғро» (кичик олам), коинот ва илоҳиёт оламларини «олами кубро» (катта олам) деб ном- лаганлар. Неки олами куброда бор — олами суғрода ҳам бор. Бошқача айтганда, олами суғро олами кубронинг кич- райтирилган, мухтасар нусхаси. Шу мухтасар нусхани «ўқиб», бутун оламлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш мум- кин. Пайғамбар (САВ) нинг «Ман арафа нафсаҳу валақад арафа Раббиху» (Кимки ўз нафси – руҳини, яъни ўзини таниса, Раббини танийди) деган ҳадисини ҳам ушбу маъ- нода шарҳлайдилар. Навоий талқинига кўра, инсон бир мукамал тимсол — образ («Ки не турфа тимсол эрур дил- писанд»), Аллоҳ ҳикматининг тилсими. Демак, инсон мод- дийлик ва маънавийликнинг ҳамда дунёвийлик ва ило- ҳийликнинг тутуни, бош ҳалқаси. Инсонни Худо ўзига халифа —ўринбосар қилиб яратди, инсон Худо карами дарёсининг гавҳари, Вужуд богининг энг гўзал тоза ниҳо- ли. У бошқа махлуқотларга сарвар — шоҳ, унинг қалбида Аллоҳ нури — огоҳлик жавҳари бор. Хуллас, шоир инсон ҳақидаги Куръонда келтирилган шарафловчи оятларни шеърый тил билан баён этади:

Ҳақ ўз қудратин ошкоро қилиб,
Жамолин анинг оламаро қилиб,
Ҳакими азал турфа жисме ясаб,
Демай жисм, мушкил тилисме ясаб.

Инсоннинг ақли, фикрлаш қобилияти, нутқи ҳам мўъжиза. Аммо инсон ичида бунданда муҳимроқ ва қадр- лироқ, улугроқ жавҳар — хазина жойланган. Бу қалбдир. Инсон қалбида Парвардигор сирри яширинган:

Ки бир қатрада қилди дарё ниҳон,
Суҳо¹ зимнида чархи аъло ниҳон.

Шундай экан, Аллоҳни билишга интилан киши аввал

¹ Суҳо — Банотуннашъ туркумидаги кичик юлдуз. Бу ерда одам назарда тутилмоқда.

ўзидаги ана шу яширин хазина – қалбнинг сиру асрорини билсин, ўзидаги ғаройиблар ғаройибини кашф этсин. Шу хазинага йўл топган одам жаҳон аҳлига шоҳ бўлса арзийди:

Кишиким бу ганжинаға топти йўл,
Жаҳон аҳлининг шоҳи ул бўлди, ул.

Яъни биз Худони осмондан, Машриқу Мағрибдан эмас, ўзимиздан излашимиз лозим. «Мен сизларга шакар томирингиздан ҳам яқинроқ» дейди Аллоҳ Каломи шари-фида. Демак, биз ахлоқ поклиги, имон саломатлиги, қалб уйини поклаш билан Унга яқин бўлишимиз мумкин. Аллоҳ ҳаёт манбаи. У ўз қалбида эканини сезмайдиган одамлар сув ичида ҳаёт кечириб, сув излаб юрган балиқларга ўхшай-ди, дейди Навоий (бу ташбиҳ Жалолиддин Румийда ҳам бор). Балиқлар тўдаси денгизда сув қанақа экан, сувни кўриб, нима эканини билиш орзусида эдилар:

Аларға мудом орзу эрди сув,
Сув эрди аларға мудом орзу.

Турли томонни излаб сузардилар, аммо сувдан дарак тополмасдилар. Балиқлардан бири бошқаларига қараб дей-ди: «Фалон жойда даҳшатли гирдоб ичида бир қари на-ҳанг (кит) бор, у кўп ерларни кезиб юриб, кўп ажойи-ботлар кўрган. Ўшанинг олдига борайлик, балки сувнинг қаерда эканини бизга айтар». Балиқлар Наҳанг олдига йўл оладилар. Гирдобга яқинлашганда кучли тўлқин уларни ҳар томонга суриб юборади, улар бир-бирларидан жудо бўладилар. Шунда қари Наҳанг балиқларни битта-битта ютиб юборади. Балиқлар Наҳанг қорнида яна бир жойга жам бўладилар, аммо энди улар ўлим – фано комида эди-лар. Балиқлар шундагина (яъни фоний бўлгандан кейин) ўзлари сув ичида юриб, лекин буни сезмаганларини ан-глаб етадилар:

Алар борча сувдан чу айрилдилар,
Бурун сувда эрконларин билдилар.

«Садди Искандарий»даги ушбу ҳикоят Навоийнинг фалсафий-орифона асари «Лисонут-тайр»нинг кичрайти-рилган версияси, десак хато бўлмас. «Лисонут-тайр»да қушлар Худо излаб йўлга чиқадилар ва не машаққатлар билан фақру фано водийсига етганларида ўзлари Худо-

нинг сояси эканликлари, яъни тажаллиёт нури уларнинг ўзларида мавжудлигини англайдилар.

Балиқлар ҳикоятида ҳам шу ғоя ифодаланган. Сув — Худо тажаллиёти, у бутун оламга таралган, бусиз борлик ҳам, ҳаёт ҳам йўқ. Фақат инсон буни идрок этиши керак ва шунга мувофиқ инсоний фазилатларини орттириб, нурлантириб бориши лозим.

Бу ҳикоят яна бир муҳим ғояни олға суради: Худога этишиш учун фоний бўлиш — ўлиш шарт эмас. Шу дунёда, шу оламда яшаб, Худо васлини қозониш, бу неъматдан яйраб баҳраманд бўлиш мумкин. Бунинг учун қалбдаги пинҳон хазинани кашф этиш кифоя. Навоий ёзади:

Санга доғи ганжеки пинҳон эрур,
Ки табъинг вуқуфида нодон эрур.

Яъни: қалбда ганжинанг бор, аммо табиатинг бундан воқиф бўлишга тўсқинлик қилади, натижада нодон бўлиб қолаверасан. Балиқларга ўхшаб сув излаб сувдан маҳрум бўлиш не ҳожат, «бу хилда ўлишдан нима фойда, ахир сен ўзинг талаб қилганинг ичида фарқ экансан-ку?»

Шу мантиқдан келиб чиқиб, Навоий яна Искандарга танбеҳ беради:

Нетарсан талаб ҳар ажойибқа йўл?
Ажойиб эрур сенда, огоҳ бўл!

Балиқлар ҳикоятида ифодаланган учинчи маъно — жамъ ва тафриқадир: балиқлар ўзларини англамаган, Худони англай етмаган пайтда тафриқа (турли-туман) ҳолатда эдилар. Шу сабабли уларни гирдоб ҳар ёққа улоқтирди. Улар Наҳанг қорнида йигилганда (жамъ), яъни тавҳидга эришганда сув — тажаллиёт нурини англаб етадилар.

6. Инсон идроки ҳаергача боради?

Киши аввал ўзини билиб, кейин йўлга қадам қўйиши лозим. Демак, ҳамма гап англаш, билиб олишда! Англаш, тафаккур қилиш инсоннинг энг гўзал фазилати. Англамоқ — маърифатнинг боши, огоҳликнинг асосий шarti. Огоҳликни Навоий «Садди Искандарий» достонида кўп марта тилга олади. Искандар — огоҳ шоҳ. Шу ғоя асар бошидан охиригача давом этади. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, огоҳлик бир жараён сифатида олиб тасвирланади. Искан-

дарнинг асар бошидаги огоҳлиги билан асар охиридаги огоҳлиги орасида фарқ бор. Искандарнинг илм-маърифати ортиши, дунёни кўриб мушоҳада қилиши, донишмандлар суҳбатидан баҳра олиши оқибатида ундаги огоҳлик тўлишиб, кучайиб боради ва охирида қалб нурланиши, илоҳий чароғонлик сифатида намоён бўлади.

Искандарни жуда кўп нарса қизиқтиради, айниқса инсон табиатига хос зиддиятлар ҳақида у Арастуга саволлар беради. Мана, балиқлар ҳикоятидан кейин ҳам Искандар Арастудан: «Инсоннинг идрок этиш қобилияти асл мақсад – Аллоҳ ҳақиқатини англашдан ожиз, нега унда у бошқа ҳайвонлардан афзал?», деб сўрайди. Дарҳақиқат, инсон қалби Илҳ хазинаси бўлса, ҳақ сирри инсон зотида яширинган бўлса-ю, лекин унинг ўзи бундан воқиф бўлмаса, унда қандай қилиб инсонни илму ирфон эгаси деймиз ва бошқа жонзотлардан юқори қўямиз?

Искандарнинг саволи ғоят муҳим, чунки у катта бир муаммони ечишга қаратилган. Арасту бу саволга бундай жавоб беради: «Инсон ҳамма нарсани идрок этишга қодир, ўзга ҳайвонларда бу хусусият йўқ, шу учун инсон улардан афзал». Искандар яна сўрайди: «Ўзида махфий бўлган нарса – мақсади олийни билмаса, унинг билимдонлигидан нима фойда?»

Арастунинг жавоби: «Инсон ўзидаги яширинган хазинани билишдан ожиз, чунки бу нарса инсон ақлидан, идрокидан баланд туради. Аммо билмаслигини билиб, бу мақсадга идроки етмаслигини англашининг ўзи – буюк фазилат. Шуни англаб ўртаниб-ёниши, дарду алам билан қовурилиши инсонни ўзга махлуқлардан мумтоз этади».

Талаб ранжию топмомоқ шиддати
Бўлубтур анинг мўжиби шавкати.

Бу ўринда олам ва одамни билиш масаласи турли даражада муҳокамага қўйилганини кўрамиз. Куръоний ҳақиқатлар ва тасаввуф таълимотига суянган Алишер Навоий бир неча масалага диққатимизни қаратади. Булар:

- дунёни билиш мумкинми?
- мумкин бўлса, қаергача ва қандай билиш мумкин?
- дунё нима, дунёни билиш орқали биз нимани назарда тутишимиз керак?
- Аллоҳни билиш мумкинми?

– агар инсон қалби Аллоҳ ҳикмати хазинаси бўлса, нега одам бу хазинани тўлиқ идрок этолмайди?

– унда бундан инсонга нима фойда, унинг маърифати, истеъдодини бундай ҳолда қандай баҳолаймиз?

Ана шу саволлар устида бош қотирган улуғ мутафаккир қуйидаги хулосаларга келади. Инсоннинг билиш қобилияти баланд. У дунёдаги ҳамма нарсанинг ашёвий моҳиятини билиши мумкин, унинг тафаккури, зеҳни, таҳлил ва мушоҳада, идрок ва ишончи бунга имкон беради («Фарҳод ва Ширин»да: Деди: не ишки қилмиш одамизот, Тафаккур бирла билмиш одамизот).

Бироқ инсон Аллоҳнинг ўзини билишда ожизлик қилади, чунки унинг ақли бунга қодир эмас. Инсон Аллоҳ асрори хазинасини қалбида яширган тилсимот. «Мен денгизлар, ўрмонлар, тоғу саҳролар, фалакка, Аршу курсига сиғмайман, аммо мўмин одам қалбига сиғаман», дейди Худованд Куръони каримда. Лекин ҳамма ҳам буни ҳис қилолмайди ва идрок этолмайди. Фақат «басират кўзи» очилган орифларгина буни англаб етадилар, бу сирни кашф этиб, ўзгаларни ҳам огоҳ эта оладилар. Ана шу йўлдаги ишқу муҳаббат, изтиробу риёзат инсонни янада улуғвор қилади.

Энг асосийси, Худованди карим инсон қалби билан бирга эканлигини англаш, дунёнинг жамики ажойиботи, гўзаллиги Унинг қудрати инъикоси деб билишдир. Аллоҳ маърифатини дунё орқали билиш ҳам Аллоҳни билишдир.

Аммо инсоннинг билиш қобилияти барибир чегараланган, у илоҳий ҳикмат ва билимларни охиригача билишга, Аллоҳнинг ўзини ҳам билишга қодир эмас. Инсон илмининг чегараланганлигини Навоий асарнинг сафар фойдасига бағишланган бобида ҳам қайд этади. Унинг уқтиришича, қуёшнинг сирига маҳрам бўлиб, унинг бир заррасини билолмаган одам Аллоҳ сиррини қандай қилиб буткул билиши мумкин? Керакли нарсаларнинг ҳаммасини билиш осон эмас, балки кўпини билишнинг имкони ҳам йўқ, дейди.

Бироқ бу Навоий ва бошқа шарқ мутафаккирларини агностицизмда¹ айблашга асос бўлолмайди, чунки Навоий умуман дунёни билиш мумкинлигини рад этгани йўқ,

¹ Агностицизм – инсон дунёни билишга қодир эмас деган фалсафий қараш.

балки инсон билимининг чегараланганлиги, яъни нисбийлигини назарда тутган.

Дарҳақиқат ҳам инсон билими нисбий ва ноқис, аммо бу билимнинг тўлишиб бориш истиқболи чексиз.

Шу ўринда Навоийнинг яна бир фикрига диққатингизни қаратмоқчимиз. Навоий ёзадики, ҳар бир одам Ҳақ сифатларидан бирортасининг ифодачиси – мазҳаридир. Шу сабаб одамлар хилма-хил, билим даражаси, фазилати ҳам турлича:

Буким халқ эрур офаринишда бир,
Не донишда бирдир, не бенишда бир.
Эрур ҳақ сифоти адалдин бари,
Булар ҳар бири бир сифат мазҳари.

Одамизот яратилишда бир (Одам Ато) бўлгани билан унинг авлоди турлича бўлди, кишилар билим-маърифатда, ақлу заковатда фарқланадилар, ҳар бир одам Аллоҳ ҳадду ҳисобсиз сифатларининг бирини акс эттирар экан, демак унинг шахсиятида ҳам шу хислат кўринади. Шу боис бир одамнинг ақли етган нарсага бошқа одамники етмайди. Ҳар қандай оқил, донишманд ҳам кўп тўғри фикрлар билан баъзан хато, суст фикрларни айтиши, адашиши мумкин. Айниқса, ғайб илмини билишда ақл (хирад) ожиз:

Хирад ғайб илмида аъмо¹ дурур,
Ки билмаски тонгла² келур недурур.

Инсон билими ҳеч қачон Аллоҳ илми даражасига кутарила олмайди, аммо Аллоҳ илмини эгаллашдан ҳам инсон ҳеч қачон қайтмайди.

Шундай қилиб, Навоий билиш назариясида ирфоний-исломий ақидалардан ташқари чиқмаган. Шоирнинг мақсади Искандар тасаввури ва тафаккурини тасаввуф ғоялари билан тўлдириб, унинг юришлари маърифат сафари эканини ўқувчи зеҳнига сингдириб бориш бўлган.

7. Футувват ва афв хусусида

Искандар Чин мамлакатини олгандан кейин Ҳоқон унинг шарафига катта зиёфат уюштиради. Зиёфат сахийлик, эҳсон нишонаси, аммо шоҳлар ёки сарватдор киши-

¹ Аъмо – кўр.

² Тонгла – эрта қиёмат куни.

лар ҳаммани бир хилда эҳтиром қиладиларми, ҳаммага ҳам зиёфат дастурхонини очадиларми? Йўқ, албатта. Искандар жаҳонгир шоҳ бўлганлиги учун Хоқон уни сийлаб дабдабали қабул маросими уюштиради, қимматбаҳо тухфалар билан сарафроз этади. Мана шунга ўхшаш фикрлар Навоийни ўйга солади. Шоир зиёфат баҳонасида яна шоҳу гадо қадру қимматини қиёслаб, инсон қадрини белгилайдиган фазилатлар ҳақида фикрлар баён қилади.

Навоийнинг фикрича, мезбон меҳмон қандай киши бўлишидан қатъи назар, уни хурсанд қилиб, кўнглини олиши керак. Шундай кишилар борки, деб ёзади шоир, меҳмон келганда пасткашлар каби қочмайдилар, агар меҳмон келмаса ўзлари рўзани очмайдилар, меҳмонсиз таомлари гўё заҳардир. Меҳмон учун уларнинг дастурхони ҳамиша очиқ бўлади, уйда бир бурда қотган нон бўлсада, уни бошқа биров билан баҳам кўрадилар.

Меҳмонни очиқ юз, лутфу марҳамат билан кутиб олиш, уни тўйғазмагунча ором олмайдиган кишилар бор. Улар учун эшикдан ким кириб келса ҳам у меҳмондир:

Агар бўлса меҳмони шоҳ ар гадо,
Қилиб мезбонлиқ тариқин адо.
Йўқ улким шаҳ олида куйган кулоч¹,
Гадога қуруқ нону явғон ўмоч.

Кўриниб турибдики, Навоий бу ерда ҳам инсонга мансаб-амалга, мол-мулкига қараб эмас, балки энг аввало одам эканига қараб муносабатда бўлишни талаб қилиб, футувват аҳлининг саховати ҳақида гапирмоқда. Футувват тариқига кўра, киши борини бошқалар билан баҳам кўриши, кишиларга яхшилик қилиши, муҳтожларнинг ҳожатини чиқарганидан хурсанд бўлиши керак. Уларнинг хонадони доимо меҳмон учун очиқ бўлган. Футувват аҳли хислатлари ҳақида Навоий «Ҳайратул-аброр» ва «Сабъаи сайёр» дostonларида меҳр билан ёзган.

Зиёфат муносабати билан Навоий саховатни ким учун кўрсатиш керак, кимнинг ҳисобидан сахийлик қилинади, деган саволларни ўртага қўяди. Зеро шоҳлар, ҳокимларнинг дабдабали зиёфат ва тухфаю инъомлари давлат ва халқ молидан эди. Шоир бунга рози эмас.

¹ Кулоч — ёғли ширин кулча.

Бироқ шоҳлар агар аҳли ҳақ ҳисобланмиш чин дарвешлар кўнглини овласа, Худо рози бўлади. Дарвешлар фақир, хоксору афтодаҳол бўлсалар ҳам, лекин шоҳлардан кам эмаслар. Шоҳлар дунё мулкининг эгаси бўлсалар, дарвешлар «кўнгул мулкининг шоҳидирлар». Зиёфат қилувчилар бою камбағал, шоҳу гадони тенг кўришлари керак:

Мувосо¹ кўзин ҳар тараф очса кенг,
Ҳамул кўз била борчани кўрса тенг.

Киши саховат кўрсатганда қуёшдек вайрона ва обод устига баробар нур таратсин. Аммо саховатнинг ҳам одоби бор. Меҳмондорчилик қиламан деб исрофгарчилик қилма. Битта одамга ўнта қўй сўйиш, ўн хил таом тортиш айни исрофгарчилик ва манманликдан бошқа нарса эмас:

Худо молиға қилмоқ исроф не?
Жунун аҳлидек² мунча итлоф³ не?

Бу ишинг билан меҳмонни хурсанд қилиш ўрнига заҳарлаб ўлдирасан. Шу учун зиёфатда ҳам меъёрни сақлаш маъқул. Баҳром Гур ов пайтида адашиб, бир қишлоққа тушди. Уни таниган бир бой дабдабали зиёфат тараддудига тушди. Аммо Баҳромнинг қорни оч эди, бир камбағалнинг таклифига кўниб, фақирона кулбасига кирди. Камбағал унинг олдига нон билан қатиқ қўйди. Баҳром мазза қилиб еди, хонадон эгасига миннатдорчилик билдириб, ҳордиқ чиқарди, бойнинг дабдабали дастурхонига боқмади ҳам, дея ҳикоя қилади Навоий.

Искандар Арастудан савол қилиб, зиёфат меъёрида бўлгани яхши, меҳмон истагидан ортиғи савобга кирмайди, дейсан. Аммо шоҳларнинг шаъну шавкатига бу муносиб эмас. Шоҳга шоҳона базму зиёфат муносиб эмасми, деган саволига, Арасту жавоб бериб дейдики, шоҳ — халқ ризқига посбон, халқ мулкининг посбони талон-торож ва беҳуда исрофгарчиликка йўл қўйиши мумкин эмас:

Чу шаҳ халқ ризқига бўлмиш замон⁴,
Эрур ортуқ ўксук⁵ етурмак ямон.

¹ Мувосо — баробарлик.

² Жунун аҳли — жиннилар.

³ Итлоф — талаф, нобудгарчилик.

⁴ Замон — қўриқчи, кафил, посбон.

⁵ Ўксук — кам, оз.

Яъни: халқ молиға кафил бўлгандан кейин уни ҳаддан зиёд камайтирмоқ ёмон. Нақадар ҳаётий ва ҳамиша долзарб, замонавий фикрлар.

Улуғ шоир афв масаласида ҳам ўзига хос ҳаётий, ўлмас фикрларни баён этади. «Афв фазилатидаким...» деб бошланадиган бобда бу масала устида тўхталади. Навоий назарида афв ҳам жавонмардлик (футувват) шартларидан бири. Шоҳлар ичида обрў-эътиборлиси афв-карамда ном чиқарган жавонмардидир:

Ангадур жаҳон аҳлидин фардлиғ,
Ки ойини бўлғай жавонмардлиғ.

Жавонмардлик ойини — бу тасаввуф. Ориф дарвешларнинг ахлоқий фазилатлари айнан жавонмардлик амалиётида намоён бўлган. Шайхлар жавонмардликни тарғиб қилиб қолмай, балки қалб саховати билан одамларга лутфу марҳамат, мардликлар кўрсатиб, буни амалда исботлаганлар. Хўш, унда шоҳларнинг жавонмардлиги нимада кўринади?

Шоҳларнинг жавонмардлиги биринчи галда адолат-парварлик, афву карамда, золимлар қўлини боғлашда кўринади:

Ани бил жавонмард ёхуд карим,
Ки бедодидин бўлмағай эл бийм.

Демак, агар зулмидан халқ қўрқувда бўлмаса, осойишта яшаса, демак, подшо саховатли ва жавонмарддир.

Шу тариқа, Навоий бу ерда тасаввуфдаги бир муҳим нуқтага тақалиб кетади: жавонмард шоҳ, дейди, у ўзи халққа зулм қилмайдигина эмас, балки зулмкорларга ҳам ҳаддан зиёд зулм қилмайди, уларни кечиради. Бошқача айтганда, зулмкорга зулм билан эмас, балки марҳамат билан муносабатда бўлиб, зулмни бартараф этиш маъқул. Улуғ шоир аслида зулмнинг зўрлик билан олдини олиш тарафдори. Шундай қилмаса, адолат қарор топмайди.

Бу ўринда гап жавонмардлик ва афв ҳақида бораётгани учун шоир золим кишини ҳам кечиршиш мумкин, деган фикрни ёқламоқда. Албатта, золим зулм қилишдан қайтмаса, тавба қилиб, айбига иқдор бўлмаса, уни жазолаш керак. Лекин агар гуноҳкор одам гуноҳини англаб етса, одил шоҳ олдида узрхоҳ бўлса, уни кечирса бўлади. Зотан, қасд олиш мардлар иши эмас. Мардлик ожизларни ҳимоя қилиш ва золимнинг золим эканлигини унинг ўзига исботлашдир.

Навоий гапни узоқдан бошлаб, инсонларнинг ҳаммаси бир жинсдан, лекин ҳаёт уларни турли шароитга солиб қўйган, турли ижтимоий мавқедадирлар. Шу учун биров ҳақида ҳукм чиқараётганда у ҳам мен каби одам, у ҳам Худонинг бандаси, агар мен унинг ўрнида бўлсам нима бўларди, дея фикр юритиш ва оқибатини ўйлаш керак бўлади, дейди:

Гуноҳдин тилар чоғда ҳақдин амон,
Ўзунгни аларнинг бири қил гумон.
Неким ўз қошингда эрур нораво,
Улусқа ани кўрма асло раво.

Ўзинга раво кўрмагани ўзгага ҳам раво кўрма. Бу ҳам фугувват шиорларидан. Аслида бу гаплар Искандарга насиҳат тариқасида айтилмоқда. Чунки Искандар кўп шоҳларни мағлуб қилиб, асир этди. Энди уларни менга нега қаршилик кўрсатдинг, дея қасд олиш баҳонасида қатл этиши керакми ёхуд агар улар афв сўраса, афв қилиш лозимми?

Навоий дейдики, подшо ғолиб бўлгандан кейин мағлублар итоат ҳалқасини бўйнига олса, афв этиш керак. Аммо афв сўрамагани ҳам дарҳол ўлимга бузориш хато, бу жавонмардлик эмас. Ўлдиришга ҳамма вақт улгурасан, бировнинг жонини олишга шошилма, бу ишни имкони борича орқага ташла:

Ани қатл айлардаким жони бор,
Ҳаял айла ончаки имкони бор.

Искандарнинг улуғворлиги шундаки, у мағлуб шоҳларни ўлдирмади, балки итоат этганига тахту тожини қайтариб берди. Шу билан ўзи адолатпарварлик, карам ва саховат намунасини кўрсатди.

Навоий шу бобдан кейинги «ҳикмат»да яна бир муҳим масалани кўтаради. У ҳам бўлса афв ва тарбия масаласи. Одамларни афв билан яхшилик томонга буриш, гуноҳдан қайтариш мумкинми?

Нега ёмон ёмонлигидан қайтмайди, яхши эса ҳеч қачон ёмон бўлмайди?

Бунинг жавоби шуки, дейди Арасту (Навоий), тангри одамларни яратганда ҳар бирига бир туғма хислат ато этади. Бунинг устига, одамлар фойда кўрмасалар бир ишни қилмайдилар, яъни одамни манфаат етаклайди:

Агар худ ғараз нафъи пинҳони йўқ,
Бировдан бир иш бўлмоқ имкони йўқ.

Яъни: агар кишида манфаат кўриш мақсади яширинган бўлмаса, у бирор ишга қўл урмайди. Афсуски, ақллихушли одамларда бу хислат кучли ривожланган. Лекин шуниси борки, одамлар жамиятда бир-бирининг хизматидан манфаатдордирлар ва шу уларни ўзаро боғлаб туради («Яратилган жамики махлуқотлар бир-бирига вобастадир»). Шундай қилиб, одамларнинг феъл-атвори туғма, бу уларнинг табиатида яширинган.

Шунинг учун ҳам арпа экиб, буғдой умидвор бўлма, нима эксанг, шуни оласан, дейди Навоий:

Қачон сочса туфроққа буғдой биров,
Йўқ имкониким ул арпа қилғой даров¹.

Ёмондан ёмонлик етади, яхшидан яхши ишлар содир бўлади ва ҳар қайсиси ўз ажрини олади. Бу – қонуният. Шунинг учун яхшини ёмондан ажратадиган адолатли раҳнамолар керак.

Албатта, Навоий бунда инсонга (ва умуман жами табиатга) хос уч хусусиятни кўрсатиб кетган: 1) одамнинг ахлоқига хос кўп жиҳатлар унинг наслида туғма ҳолда мавжуд бўлади ва у умрининг охиригача давом этади; 2) одам боласи аввало ўз манфаатига қараб бир ишга киришади, агар ўзига нафи тегмаса, қилмайди, яъни манфаат одамни ҳаракатга келтиради; 3) ҳар бир инсон ана шу манфаатларга тўқнаш келади, чунки одамлар худди шунга кура ўзаро боғланган, бир кишининг манфаати бошқа бир неча кишининг фаолияти билан қондирилиши мумкин. Шу асосда одамлар ўзаро келишишга, муомала-муносабатда бўлишга мажбурдирлар. Яъни одамларни манфаат бир-биридан ажратади ва айни шу манфаатнинг ўзи уларни бирлаштиради. Бу ҳам – жамият қонуни. Шу қонунни назорат қилиш одил подшонинг вазифасидир.

Шу тарзда Искандар буни ҳам англади ва уни ўзига дастур қилиб олди. Бироқ, агар одамларнинг хислати туғма бўлса, унда тарбиянинг нима кераги бор? Одамни тuzатиш иложи бўлмаса, мактаб, муаллим, пир, устозлар нима билан шуғулланади?

¹ Даров – ўриш.

Бу ерда масала бу тарзда қўйилмаган. Навоийнинг мақсади одам табиати ва жамият бўлиб яшаш қонуниятини баён этиш бўлган. Чунки афв масаласи ўз-ўзидан нега одамлар турлича, нега савоб қолиб, гуноҳ билан шуғулланадилар, адолатни қўйиб, бир-бирига зулм қиладилар, деган саволларни келтириб чиқаради. Арасту ҳаким шу саволларга жавоб берди, холос.

Аслида эса Навоий тарбияга жуда катта аҳамият берган, зотан унинг барча асарлари инсон қусурларини кўрсатиб, камолот касб этишга ҳидоятдир, тарбия сабоғидир.

Бу ерда яна шуни эслатиш жоизки, «Садди Искандарий» достонида инсон табиатига хос туғма хислатларни кўрсатишга эътибор катта. Фақат бу «ҳикмат»да эмас, бошқа жойларда ҳам, чунончи ёшлик ва қарилик, баҳор ва қишда кайфиятнинг ўзгариши, муҳолафатга берилиш ва ҳоказолар ҳақида соф илмий мулоҳазалар баён этилган. Масалан, йигитликда инсон табиатининг ўйин-кулгуга мойиллиги, ибодатни хуш кўрмаслиги ҳақида 36 та тиббий далиллар билан (36 та тиб истилоҳи ишлатилади) бу хислат исботлаб берилади, ҳар бир тоифадаги одамларнинг хос табиати тушунтирилади.

8. Давлатсиз жамиятнинг бўлиши мумкинми?

Низомий Ганжавийнинг «Иқболнома» асарида Искандар Шимолда Яъжуж-Маъжужлар йўлини тошу темирдан девор тиклаб тўстандан кейин юришни давом эттиради ва йўлда бир обод мамлакатга дуч келади. Серсув яйловлар, боғу бўстонлари беҳисоб, экинзорлар яшнаб турибди. Халқи тўқ, ораста ва осойишта ҳаёт кечирмоқда. Далада молу ҳол, қўй-эчки бисёр, аммо чўпон йўқ; боғларда мевалар фарқ пишган, бироқ богнинг эшиги ҳам, қоровули ҳам йўқ; шаҳарлар обод, лекин дарвоза йўқ; дўконлар ҳеч қачон беркилмайди. Халқ бир-бирига қариндошлардай, туғишган биродарларидай меҳрибон, дилкаш, эътиқодда, имонда мустаҳкам. Эътиқодларининг асоси тўғрилиқ ва тўғрисўзлилиқ бўлиб, ёлгон, фитнакорлик, найранг каби шайтоний хулқдан бегонадирлар. Мол-мулкда ҳаммаси баробар. Искандар билан савол-жавобда улардан бири дейди:

Надорад зи мо кас зи кас мол беш,
Ҳама рост қисмем дар моли хеш.

Шуморем худро ҳаме ҳамсарон,
Нахандем бар гирия дигарон.

(Бизда бировнинг моли бошқасиникидан ортиқ эмас. Могу мулкда ҳаммамиз тенгимиз. Ҳаммамиз бир-биримизни мартабада тенг деб биламиз, бошқалар йиғлаганда кулмаймиз). Яъни барчамиз бир-биримизнинг аҳволимиздан хабар олиб турамиз, бир-биримизнинг дардимизга ҳамдардимиз, демоқчи.

Мамлакатда шоҳ ёки ҳоким йўқ. Искандар улардан: нега сизларнинг подшоҳингиз йўқ, деб сўраганда, улар бундай жавоб берадилар: «Одамларимиз қаноатли, диёнатли бўлгани учун бир-бирлари билан мол-дунё, давлат-бойлик деб талашмайдилар, шу учун ўғри ҳам, қароқчи ҳам йўқ. Нафс кетидан қувмаймиз, баравар меҳнат қиламиз, ҳосилдан баравар баҳраманд бўламиз. Эккан буғдойимизнинг бир донаси етти юз дона бўлиб қайтади. Худо бизга қут-барака берган, биз ҳам Худога таваккул қилиб яшаймиз. Гийбат, ҳасаддан холимиз. Ўзгалар айбига эмас, ўз айбимизга қараймиз. Барчамиз мамнунимиз, бутун олам аҳли билан меҳру шафқатда бўламиз, бошқалар бойлигига кўз олайтирмаймиз. Шундай бўлгач, бизга подшонинг нима кераги бор? Подшо низо-жанжалларнинг олдини олиш, табақа-тоифаларни келиштириш, ўғри ва каззобларни тутиб жазолаш учун керак. Бизда эса низо ҳам, ўғри ҳам йўқ».

Бу жавоб Искандарни ҳайратга солади. Одамларнинг хушнуд ва рози-ризо қиёфаси, нажиб ва ибратли хулқатвори, меҳнатқаш, ижодкорлиги, бир-бири билан иноқлигини кўриб, ўзи орзу қилган жамият худди шу шаҳар аҳли эканини англаб етади. Зотан, Низомий тасвири бўйича, Искандарнинг жаҳонгирликдан воз кечиб, пайғамбарлик қилиши, инсоният жамиятини ислоҳ қилишдан мақсади айни шу эди. Жаҳонгир шоҳ ер юзида адолат, тенглик ва эзгу хулқни жорий этмоқчи эди. Шу боис у ушбу шаҳар одамларининг сўзидан таъсирланиб дейди:

Агар сийрат ин аст, мо бар чиём?

Агар мардум инанд, пас мо киём?

(Агар ахлоқу одоб, эзгу сийрат шундай бўлса, унда биз нимага арзиймиз? Агар чин инсонлар булар бўлса, унда биз ким бўлдик?)

Искандар назарида бу одамларнинг дини энг мақбул дин, ахлоқи, ишлари эса бутун жаҳонга ёйса арзийдигандир. Агар бу одамларни илгари кўрганимда жаҳонгирлик қилишни ҳам, пайғамбарлик даъвосини ҳам йиғиштириб қўйиб, барчасидан воз кечардим, дейди Искандар:

Гар ин қавмро пеш аз ин дидаме,
Ба гирди жаҳон барнагардидаме...
Аз ин расм нагзашти оини ман,
Жуз ин дин набуди дини ман.

(Агар бу қавмни бундан олдин кўрганимда, жаҳонни кезиб юрмас эдим... Менинг эътиқодим буларнинг эътиқоди, расму одатидан ўзгача бўлмасди, менинг диним фақат шу дин бўларди).

Искандар йўлида учраган бу хушахлоқ ва покиза одамлар шаҳри, албатта, Низомий Ганжавийнинг (XII аср) хаёлий жамият ҳақидаги орзулари эди.

Хусрав Дехлавийнинг «Оинаи Искандарий» асарида эса бундай жамият тасвири йўқ. Аммо Абдурахмон Жомий «Хирадномаи Искандарий» достонида бу ҳақда махсус тўхталган. Жомий Низомий ғояларини қайта бошдан шеърга солиб, ривожлантиради:

Бар эшон на султон касе, на амир,
На з-эшон тавонгар касе, не фақир.
Баробар ба ҳам қисмати молашон,
Мувофиқ ба ҳам сурати ҳолашон.

(Улар устига бирор киши султон ёки амир эмас, улардан бирортаси бой ёки камбағал эмас. Мол-мулклари миқдори ўзаро баробар, аҳволлари — даражалари ҳам баробар).

Ўзаро уруш-жанжал, тортишиш-талашиш ҳам йўқ. Биров бировга қул эмас, эшиклари қулфсиз, эшиклари олдида қабр қазиб қўйилган. Зулм йўқ, одамлар қаноатли, адолатпарвар, имонлари мустаҳкам. Баробарлик бўлгани учун ҳирс-ҳасад йўқ, деб ёзади Жомий. Шаҳар аҳлининг сўзидан: «Агар бирор киши муҳтож бўлиб қолса, дарров ёрдам берамиз. Худога суяниб шукр қилиб яшаймиз. Шу боис кам бўлмаймиз».

Низомийда ҳам, Жомийда ҳам икки нарсага урғу берилганини кўрамиз: 1) мол-мулк тенглиги ва 2) жамият

аззоларнинг маънавий-ахлоқий етуклиги. Улуғ шарқ мутафаккирлари жамиятдаги бўлиниш ва айирмачилик, табақа ва тоифалар, мансаб ва даражаларнинг боисини мулккий тенгсизлик деб билганлар. Мол-мулкнинг тенг бўлмаслиги уруш-низолар, қонли тортишувларнинг келиб чиқишига бош сабабчи, деб кўрсатилади. Бу, албатта, ҳақ гап. Шўро давридаги Низомий ва Жомийга бағишланган тадқиқотларда улуғ шоирларнинг ушбу ғоялари социализмнинг дастлабки куртаклари деб кўрсатилган. Бундай олиб қараганда, юқорида кўриб ўтганимиз жамиятлар билан социализм ғоялари орасида қандайдир ўхшашлик борлиги сезилади. Аммо орада фарқ ҳам бор. Биринчидан, Низомий ва Жомий хусусий мулкни инкор этган эмаслар, фақат мулккий баробарлик ғоясини олға сурганлар. Социализмда эса хусусий мулк батамом инкор қилинади. Иккинчидан, Низомий ва Жомий баробарлик ва барқарорликнинг, демак мулккий баробарликни сақлаб туришнинг ҳам асоси деб покиза ахлоқ ва дину диёнатда, яъни маънавиятда мустаҳкам туриш деб таъкидлашган. Ҳолбуки, социализм назариётчилари бунга эътибор бермаганлар ва динни зарарли унсур деб эълон қилганлар.

Учинчидан, Низомий ва Жомий тасвирлаган жамиятда подшо, яъни давлат (ва унинг тизими ҳам) йўқ. Социализмда эса диктатура кўринишидаги кучли бошқарув аппарати бўлганлигини биламиз.

Шу боис Шарқ мутафаккирлари ғояларини аллақандай сиёсий «изм»ларга боғлаб тушунтириш тўғри эмас. Бу — инсоният камолоти ва жамият такомиллашуви учун олиб борилган курашларнинг саҳифалари, орзу-армонлар, хаёл ва тақлифлар, истиқболга мўлжалланган «лойиҳалар» эди. Яъни улуғ мутафаккирларнинг идеал инсон ва идеал жамият ҳақидаги фикрларидир. Бироқ бу шунчаки хаёл эмас эди, бундай жамиятларни ҳеч қачон амалга ошмайдиган хомхаёл, утопия десак, адолатдан бўлмайди. Низомий ва Жомий қарашлари, албатта, ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Бунгача, юқорида қайд этганимиздай, Маздак тақлиф этган жамият (VI аср), Абу Наср Форобийнинг «Фозил кишилар шаҳри» (X аср) мавжуд бўлган. Маздак бойлар мулкни тортиб олиб, қашшоқларга бергани билан, мулккий баробарликнинг ахлоқий асосларини ишлаб чиққан

эмас, у аъёнлар ва ер эгаларининг беҳад бойликларни қўлда сақлаши, иккинчи ёқда қашшоқ аҳолининг азоб чекишини адолатдан эмас деб ҳисоблайди. Бироқ у шоҳ ва унинг салтанатини ағдаришга чақирган эмас, у шоҳлик тартибини сақлаган ҳолда мулкдан тенг баҳраманд бўлишни талаб қилган.

Абу Наср Форобийда ҳам давлат ва давлат бошлиғи бўлиши маъкул, деб ҳисобланади. Фақат давлат бошлиғи (ҳоким) имом даражасидаги етук ахлоқли, доно киши бўлиши лозим, шу каби шаҳар аҳли — жамият аъзолари ҳам фозил кишилар бўлиши лозим, дейилади. Яъни, фозил кишилар фозил раҳбар атрофида уюшиб, унинг амру фармони билан иш қилсалар, саодатга эришадилар.

Давлат ва жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги Ғаззолий, Низомулмулк (XI аср) асарларида ҳам қараб чиқилган. Имом Ғаззолийнинг «Кимёи саодат» асарида давлат раҳбари жамиятнинг юраги деб таърифланиб, жамият аъзоларининг доно, диёнатли раҳбар атрофида уюшиши Ҳақ таоло хоҳишига мувофиқ, деган ғоя ифодаланган. Аммо, Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарида адолат, инсоф, тўғрилик, ҳалоллик каби ахлоқий сифатларга урғу берилса-да, масала реал ҳаёт билан боғлаб талқин қилинади ва марказлашган кучли салтанат ғояси қатъий ҳимоя қилинади. Шу асосда шоҳнинг жасур, доно, талбиркор ва қатъиятли бўлиши талаб қилинади.

Низомулмулк қарашлари Амир Темурга маъкул тушган, «Тузуқлар»да бунга ишора бор. «Ахлоқи Носирий», «Ахлоқи Жалолий», «Ахлоқи Муҳсиний» китобларида Форобий қарашлари сўфиёна-ирфоний маънолар билан қўшиб давом эттирилади, жамият асосларини мустаҳкамлашда маънавий-ахлоқий тамойилларга алоҳида эътибор қилинади. Аммо бу асарларда ҳам давлатсиз (шоҳсиз) жамият ҳақида фикр билдирилмаган. Демак, шоҳсиз саодатли жамиятнинг бўлиши мумкинлиги Низомий ва Жомийда бор, холос. Бу икки мутафаккир назарида одамлар комил хулқли, қаноат ва адолатни, меҳру шафқатни шиор қилиб яшасалар, ҳалол меҳнат қилсалар, юртлари обод бўлиб, ўзлари тўқ, фаровон яшаши мумкин. Демак, ҳамма нарса ахлоқ ва дину диёнатга боғлиқ. Жомийда «покиза жамият»нинг ахлоқи сўфиёна талқинга эга. Аммо булар тарки дунё

қилган, хилватнишин сўфийлар эмас, аксинча, меҳнат қилиш, истеъдод ва қобилиятларини ишга солиб, жамиятга фойда келтиришни бурч деб билдилар. Бу ерда кўпроқ жавонмардлар жамияти ҳақида гапириш ўринли кўринади. Чунки Жомий тасвирлаган одамларнинг тушунча ва қарашлари, ният ва фаолиятлари, хулқу атвори айнан жавонмардларга ўхшаб кетади. Шундай қилиб, тенг мавқе, тенг миқдордаги мулкка эга бўлган ва ўзаро биродар, баҳамжиҳат яшайдиган одамлар учун подшога ҳожат йўқ. Бундай жамият кишилари ўзларига тегишли масалаларни ўзлари кенгашиб, келишиб ҳал қиладилар. Бундай пайтда давлат ортиқча нарса. Низомий ва Жомийнинг фикри шу. Хўш, Навоийда-чи? Навоийнинг «Садди Искандарий» асарида бу ҳақда нима дейилган?

«Садди Искандарий»да шоҳсиз мамлакат ҳақидаги ҳикоя йўқ. Алишер Навоий ушбу ғояга ишора этувчи бирор бир байт ёки тамосил ҳам келтирмаган. Маълум бўладики, Навоий подшоҳсиз раият ва давлатсиз жамиятни тасаввур қилмайди. Жамият бўлиши учун давлат бўлиши зарур, подшо — олий ҳакам, қонун посбони. Подшо ва лашкар, подшо ва бошқарув тизими халқнинг осойишта ҳаёт кечиришига кафил, дейди Навоий. У бу масалада қадимги Юнон ҳакимлари ва Абу Наср Форобий тарафида. Зотан, «Садди Искандарий» асарининг ғоявий йўналиши, мантиқи шоҳсиз жамият ҳақидаги фикрни инкор этади. Ҳар қанча бу бир идеал, ижтимоий тенглик ва адолат рамзи бўлиб кўринмасин, бироқ одамларни бир қолипга солиш, бошқарув ва сиёсатга буткул барҳам бериш мушкул. Чунки одам табиати буни кўтармайди. Одамлар истеъдоди, интилиши, қизиқиши ҳар хил, демак уларнинг яшаш тарзи ҳам турлича бўлиши табиий. Буни Навоий алоҳида таъкидлаганини юқорида кўрдик, яъни халқ «офаринишда бир» бўлса ҳам, аммо билим ва амалий фаолият, зеҳну заковатда бир эмас, дейди у. Биров ақли, биров ўта ақли, биров кам ақл, биров эса жоҳил. Чунки ҳар бир кишида Аллоҳнинг бир сифати акс этади, сифатлар эса турлича, «икки сифат бирдай» эмас. Шундай бўлгач, ахлоқ нуқтаи назаридан ҳам одамларни тенг бир ҳолга келтириб бўлмайди. Демак, уларнинг мол-мулки тенг бўлиши амри маҳол. «Садди Искандарий»да мунтазам ра-

вишда Арасту «Ҳикмат»ларининг келтирилиши бежиз эмас. Бу ҳикматлар асосан одамни илмий жиҳатдан ўрганиш асосида туғилган назарий хулосалардир. Шу орқали Алишер Навоий инсонни фақат ирфоний ғоялар, адабий тим-соллар андозасига солиб тасвирлашдан ташқари, уни тиббий-руҳий жиҳатдан ҳам тадқиқ этади, инсонга хос табиий хислатлар, унинг характерини белгилайдиган туғма хусусиятларни очиб кўрсатади. Нима учун? Чунки бу ҳам Искандарга ибрат эди, Искандар дунё кезиб, мўъжизаларни, ажойиботларни ўрганар экан, одам хилқати ажойиботлари, ҳикматини ҳам ўрганиши керак эди. Зотан, «Ҳикмат»ларнинг ҳаммаси Искандар саволларига жавоблардир. Шу жавоблар орқали Искандар инсондаги хилма-хил сифат ва қусурлар, ҳар бир фардда (индивидда) бўладиган ўзига хос хислатларни билиб олади, ташқи олам каби одамнинг ички олами ҳам турфа товланишлардан иборатлигини тушуниб этади.

Иккинчи жиҳатдан «Садди Искандарий» бу — тақдир ҳақидаги дostonдир. Искандарнинг жаҳонгирлиги тақдирнинг қистови эканини қайд этиб ўтилди. Аммо фақат бу эмас, балки бою камбағаллик, шоҳу гадолик ҳам тақдири азал ҳукми деб тушунилган. Суякларни кўтариб юрган дарвешга қараб Искандар дейди: «Сенга фақрни берди, менга шоҳликни», яъни дарвешлик сенинг тақдиринг, подшолик менинг тақдирим. Навоий мулкий тенглик ҳақида эмас, балки шоҳу гадонинг тенглиги ҳақида қайта-қайта тўхталади.

Бунинг маъноси нима?

Бунинг маъноси шуки, Навоий умуман мулкка эгалик қилиш билан ғурурланиш, мулкнинг киши ахлоқига таъсирини рад этмоқчи бўлади. Шоҳу гадо, очу тўқ, бою камбағал баробар деганда, Навоий инсоний моҳиятни биринчи ўринга қўйиш, инсон қадр қимматини молу мулк, мансаб — даража билан ўлчамасликка даъват этади. Шу боис у доно дарвешни мамлакат подшосидан баланд қўяди. Чунки дарвеш дунёвийлик тушунчасидан халос бўлган, маънавият мамлакатини забт этган одам. Ана Навоий фикрининг парвози қаерларга боради!

Шундай қилиб, мулкий баробарлик, яъни моддий дунёдаги баробарлик шарият наздида ҳам, тариқат наздида ҳам

тўғри эмас. Чунки Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва саллам нега одамлар тенг эмас, деган саҳобаларга қараб: «Худо сизларни тенг қилиб яратмаган бўлса, мен қандай қилиб тенг қилай?» деб жавоб берганлар ва кафтларини очиб бармоқларига ишора этганлар. Бундан ташқари «Агар подшо бўлмаса, одамлар бир-бирларини нобуд қиладилар» деган ҳадис ҳам бор. Шу сабабли ҳазрати Расулulloҳ одил ҳокимлар фаолиятига катта аҳамият берганлар ва адолатли подшо жаннатийдир, деган фикрни кўп марта такрорлаганлар. Кишиларнинг ризқи Аллоҳдан, ризқ эса бир ўлчовда эмас. Қобилият ҳам ҳар кимда ҳар хил. Бировга илмни беради, бировга савдога муҳаббатни, бировга ботирликни, бировга шоирликни.

Тарикат ва ирфон аҳли эса дунё касрат — кўплик ва хилма-хилликдан иборат экан, демак инсонлар ҳам хилма-хил бўлиши керак, бу моддий-табиий оламнинг хусусияти, дейдилар.

Биз бу ўринда Низомий Ганжавий ва Абдурахмон Жомийнинг инсон саодатини ўйлаб олга сурган улугвор ғояларига қарши бораётганимиз йўқ. Бу андишадан узоқмиз. Бу икки зотнинг идеаллари ўз даври нуқтаи назаридан ҳам, ҳозир ҳам ҳайратланарли. Балки келажакда инсоният шунга қараб борар.

Форобий варианты ҳам, Низомий ва Жомий варианты ҳам, Навоий варианты ҳам замирида жамиятни такомиллаштириш, ўзини ўзи бошқаришга имкон, ихтиёр бериш ва шу йўл билан низолар, яширин сиёсий ўйинларнинг олдини олишга эришиш мақсади ётади.

Бу масалада Алишер Навоийнинг ўзига хос йўл тутгани бизни қизиқтиргани учун батафсилроқ тўхтаб ўтдик. Навоий давлат бошлиғи, яъни шоҳнинг маънавий стуклигига катта аҳамият берган, кўп нарса шунга боғлиқ деб ҳисоблаган. Шу боис Искандар қайси мамлакатга борса албатта у ерга одил бир кишини подшо қилиб кўтаради, раиятпарвар бўлиш, зулмнинг йўлини кесишга даъват этиб, подшо ва халқнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлигини таъкидлайди. Навоий мулкий тенглик ғоясини эмас, балки бойликдан иложи борича муҳтожларнинг баҳраманд бўлиши, саховат ва карам ҳар бир одам хислатига айланиши лозимлиги ҳақида ёзади. Шундай қилиб, у жавонмардлик ғояларига

бошқа томондан туриб ёндашади ва бу тариқатнинг талабларини қизгин тарғиб этади.

Воқеан, тарихда жавонмардлар давлати бўлганлиги маълум. Унда худди Абдурахмон Жомий тасвирлагандай тенглик ва одил тақсимотгина эмас, шу билан бирга, олтин-кумуш каби зебу зийнат ва бойлик воситаларининг беқадр бўлгани, биров бировнинг молига мутлақо қарамаганлиги ҳақида ёзилади. Навоий бунга биларди, албатта. Бироқ шунга қарамай, у одил ва ориф шоҳнинг бўлишини жамият учун зарур ҳисоблаган.

9. Искандар девори ёки халоскорлик миссияси

Алишер Навоий ўз асарини «Садди Искандарий», яъни «Искандар девори» деб номлаган. Аниқки, шоир бу билан Искандарнинг халоскорлик миссиясига алоҳида эътибор берган. Умуман, Искандарнинг юришлари замирида халоскорлик нияти ётади. Албатта, савол туғилиши мумкин, Искандар Зулқарнайн жаҳонгир подшо бўлса, жаҳонгирлик эса бошқа халқларни муте қилишдан иборат, қандай қилиб бундай ҳолда халоскорлик ҳақида гапириш мумкин?

Бу ҳақ гап. Бошқа юртга босиб борган одам халоскор бўлолмайди. Искандар ҳам қудратли подшо сифатида жаҳон халқларини ўзига тобе қилиб, ягона дунёвий салтанат—империя тузиш мақсадида лашкар тортиб, Шарку Фарбни забт этади. Аммо Низомий, Амир Хусрав, Жомий ва Навоий тасвирига кўра, бу юришлар жойлардаги золим подшооларни адолат йўлига қайтариш, агар бунга кўнмасалар, уларни тахтдан маҳрум этиб, бошқа одил ҳукмдорлар билан алмаштиришдир. Шу боис Искандар қаерга борса, подшооларга насиҳат қилиб, халққа зулм қилмаслик, ўткинчи дунёда ўзини унутмасдан, раиятга қайишиш, хайрли, савоб ишлар билан шуғулланишга даъват этади. У турли ўлкаларда ҳар хил махлуқларга, ёввойи одамлар, одамхўр девларга дуч келади. Обод ўлкаларни ёвузлар ҳужумидан халос этиш, маданиятли шаҳарларни ваҳшийлар вайронагарчилигидан сақлаб қолишни ўз бурчи деб билади. Жумладан, Яъжуж-Маъжуж деган махлуқлар йўлига девор солиб, жабр кўрган халқни улар зулмидан халос этади.

Низомий Ганжавий ва Амир Хусравда ҳам, Жомий ва Навоийда ҳам Яъжуж ва Маъжуж (баъзан Яъжуж дейиш

билан кифояланадилар) дуч келган жонзотни кемирадиган даҳшатли махлуқлар тўдаси сифатида тасвирланади. Навоий тасвирига кўра, улар қиличдан, найза ва ўқдан қўрқмайдиган, сон-саноғи беҳад, ҳатто ўзларининг ўликларини ҳам бирпасда ғажиб еб, яна йўлда давом этадиган очофат жонзотлардирлар. Улар тоғларнинг ғорларида яшайдилар, йилда икки марта уйғониб, худди чумоли тўдаси сингари инларидан чиқадилар ва дашту сахро, водий ва тоғларда нимани кўрсалар еб қуритадилар.

Неким топиб ул қавм толон¹ этиб,
Бори шаҳру кишварни вайрон этиб,
Киши топсалар айлаб они ҳалок,
Талашиб емакка этин завқнок...
Емак бирла худ мутлақо тўймайин,
Ва-гар тўйса ҳам донани қўймайин.

Уларнинг сочлари бўйлари баробар узун, супрадай қулоқлари «нажас танларини беркитиб туради», кўзлари ёниб туради, тирноқлари девнинг тирноғидай, юзлари сариғ, қизил туклари бўртиб чиққан, бурунларини тиллари билан артадилар, тишлари шундай ўткирки, тошу ёғочни бирпасда ғажиб майдалаб юборади. Хуллас, жирканч махлуқлар. Искандарга бу қавм ҳақида ҳикоя қилган кишилар таърифича, Яъжуж қавми атроф-жавонибни еб, яксон қилгач, ғорларга кириб уйқуга кетадилар. «Аммо улар уйғонганда, биз уйларимизни ташлаб, тоғу даштларга чиқиб кетишга мажбур бўламиз, аҳволимиз мана шундай оғир, сен бизни шу балодан қутқарсанг, ҳаққингга дуо қиламиз», деб ёлворади шаҳар халқи.

Яъжуж-Маъжуж ҳақида биринчи марта «Таврот»да тилга олинади (Гог-Магог). Қуръони каримнинг «Каҳф» сурасида (83—98-оятлар) ҳам бу ҳақда хабар берилган. Шарқ шоирлари асосан шу Қуръон хабарига суянганлар. Қуръонда келтирилишича, Искандар Зулқарнайн кун чиқарга қараб қилган юришларида Яъжуж ва Маъжуж зулмидан азоб чеккан халқни учратади. Улар сенга бож тўлаймиз, бизни шу балодан қутқар, деб сўрайдилар. Искандар уларга қараб: «Парвардигорим берган қудратга таяниб сизлар билан Яъжуж-Маъжуж орасида бир маҳкам девор қурайин», — (18,95) деб бу ишни амалга оширади.

¹ Толон — ғоратгарлик, талаб кетиш.

«Садди Искандарий» достонида бу воқеа тасвири анча батафсилроқ. Искандар Яъжуж қавми билан учрашгунча чумолисимон одамлар тўдасини асир олиб, уларни ўлдирмоқчи бўлганда, Мағрибнинг ёввойи қабилалари илтимос қилиб, шоҳни бу ниятдан қайтарадилар. Чунки чумолисимонлар мазкур қабиланинг посбонлари бўлиб, ёввойилар узоқ уйқуга кетганда, уларни кўриқлар экан.

Қабила аҳли шу музофотда бири олтин, бири кумушдан иборат икки тоғ борлиги ҳақида Искандарга хабар берадилар. Искандар бориб кўрмоқчи бўлганда, улар: у ерга бориш беҳад мушкул, йўлда хатар кўп, кишини ҳалок этувчи аждарҳо бор, сув йўқ, гармсел эсиб, баданни қуритади, бир даштда беҳисоб илонлар бижғиб ётади, у илонга қараган одам дарҳол ўлади, деб огоҳлантирадилар. Искандар бу гапларни эшитиб, олтин-кумуш тоғларни бориб кўриш ниятидан қайтади.

Навоийнинг бу ривоятни келтиришдан мақсади Искандар мол-дунё тўплаш учун юриш қилмаганини яна бир марта таъкидлашдир. Агар Искандар кўнглида хазина йиғишга иштиёқ бўлганда эди, у нима бўлса ҳам «олтин-кумуш» тоғини бориб эгаллаган ёки шу йўлда қўшини билан ҳалок бўлган бўларди. Зотан, ушбу тоғлар — бу нафс тимсоли, бойлик тимсоли. Бойликка интилиш йўли ҳалокатли йўл, демоқчи шоир, унинг илон-чаёнлари, ботқоғу гармсели, даҳшатли қийноқлари бор. Бу йўлнинг азоби дўзах азобидан ҳам баттардир.

Шу билан бирга, Яъжуж-Маъжуж ҳам тўймас ва тийинмас нафс рамзидир. Искандар улар йўлига девор қуриб, балойи нафс йўлини тўсди.

Искандар бу жирканч махлуқларни аввал ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлиб кузатади, улар қўзғолганда ҳеч бир лашкар дош беролмаслиги, уларни қириб, тутатиб бўлмаслигига кўзи етгач, бирдан-бир чора икки тоғ орасидаги дарани девор қилиб беркитиш билан улардан қутулиш мумкин, деган хулосага келади.

Донишманд ҳакимлар, темирчи, қурувчи усталарни йиғиб, улар ёрдами билан темир ва пўлатни «ҳафтжўш» қилиб эритиб, тошлар орасига тўкиб, олти ойда баланд бир девор тиклайди.

Ки неча минг устоду санъатгаре,
Тамом эттилар Садди Искандарий.

Натижада, Яъжуж қавми қанча тиришмасин, бу девордан ошиб ўтолмадилар¹. Яъжуж-Маъжуж фақат нафсининг жирканч тимсолигина эмас, балки жаҳолат, ёввойилик рамзи ҳам. Улар маданий ҳаётга ўрганмаган, одамийлик қиёфа касб этмаган махлуқлар. Яъни, «Аллоҳнинг қаҳридан халқ бўлган» қавм. Демак, Искандар яхши ахлоқ эзгулик ва адолат кўриқчиси, айна вақтда шу билан бирга, цивилизация, кенг маънодаги маданийлашган инсониятнинг ҳимоячиси бўлиб майдонга чиққан бўлади. Буни асарнинг бошқа бобларида ҳам кўриш мумкин. Мағриб заминда (балки Африкадир?) кўп ёввойи қабилаларни, ярим ялангоч юрадиган кишиларни учратади. Улар билан баъзан жанглар ҳам олиб боради. Бироқ шуниси муҳимки, бу қабилалар таслим бўлгандан кейин Искандарга маданий одамлар каби яшаш, меҳнат билан шуғулланиш, илм-ҳунар ўрганиш ва Худога имон келтириб, аввалги ҳайвоний одатларини тарк этишга ваъда берадилар. Зеро, маданийлашиш аслида одамий моҳият касб этишдир. Маданиятсиз ёввойилар кўринишлари даҳшатли, кўпол бўлгани билан ожиз ҳамдирлар. Масалан, девсифат бир паҳлавонни обдан машқ кўрган қиз енгади. Чунки қиз ақл ишлатиб, чаққонлик билан ҳаракат қилиш орқали рақибини ҳолдан тойдиради. Ва асир олади. Навоий бу ҳикоя орқали куч ақл ва тadbирда, кўпол гавдада эмас, демоқчи. Зулм ва зўрлик ҳам маърифатсизлик, маънавий қашшоқлик белгиси. Маънавий юксалиш бора-бора инсон тийнатидан ваҳшийлик ва ҳайвонийлик хислатларини сиқиб чиқаради, уни руҳ ва қалб томон тарбиялаб боради.

10. «Мухолафат мазамматдаким...»

Алишер Навоий Доронинг мурасага кўнмай, катта кўшин билан Искандарга қарши урушга киришиб, енгиллиши муносабати билан одамлар орасидаги кин-ҳасад,

¹ Баъзи тадқиқотчилар Яъжуж-Маъжуж айна мўғул қавми бўлса ажаб эмас, зеро, «Искандар девори» аслида Хитой девори ҳақидаги тасаввурлар аксидир. Хитой девори эса мўғул тўдаси хавфининг олдини олиш учун қурилган, дейдилар.

низо ва жанжаллар, бир-бирига мухолафатда бўлишнинг зарарли оқибатлари устида ўй суради. Афсуски, одамлар Доро каби ўнлаб шоҳлар тақдиридан ибрат олмайдилар, бу фалак қанча султонлар, жаҳонгир, хонларни кўрди, баридан нишона шу қора тупроқ, холос. Шоир бу ҳақда кўп асарларида тўхтаб, аламли мисралар битган. «Ҳайратул-аброр» достонининг ўн тўртинчи ва ўн бешинчи мақолалари, «Садди Искандарий» асари эса бошдан охиригача шу ҳақдадир. Бундан ташқари, «Жаҳон қасригадур су узра бунёд» деб бошланувчи таржеъбанди, «Даҳр боғики, жафо шориидир ҳар чамани» деб бошланувчи таркибанди, «Соқийнома»сида ҳам Навоий дунё бевафолиги ва унга кўнгил боғлашнинг хатолигини бот-бот уқтириб ўтган. Мана шу ўткинчи дунё деб одамлар ўзаро низо ва мухолифатга киришадилар, адоват, душманлик оловини ёқадилар:

Адоват ила кинадур ойинлари,
Туганмас адоват ила кинлари.
Жаҳон ичра мавжуд эрур неча хайл,
Ки боригадур кина қилмоққа майл.

Бу инсон боласининг ғоят салбий хислати, тузалмас иллат, деб танқид қилади улуғ инсонпарвар шоир. Бир касбдаги икки киши, ёнма-ён қўшнилар, ака-ука тортишиб, адоватда бўладилар. Шоир шунни қайд этадики, бу нуқсон, айниқса, аҳли давлат орасида ривожланган. Давлатлар, шоҳлар аро адоват бир тараф бўлса, бир давлат ичидаги турли гуруҳларнинг ўзаро кинахоҳлиги, бир-бирининг пайини қирқишга фитна тифини чарҳлаб туриши иккинчи тараф.

Ҳатто шу даражадаки:

Қариндош топса қариндошини,
Дамодам тилаб кесгали бошини.

Натижада, ошнолар — бегона, улфатлар — ўзаро мухолиф, ота ўғилга, ўғил отага қилич кўтаради. Жаҳон мулкига кўз тиккан киши хотиржам, эмин-эркин яшолмайди. «Мулк элидин амонлик йироқ», дейди Навоий. Мухолифат охир-оқибат урушга олиб келади, орада халқ зарар кўради. Уруш қилувчилар турли баҳона ва «ғоялар»ни пешкаш қиладилар, аммо ҳақиқий мақсадлари бойлик, дунё

талашишдир. Буни оддий одамлар англамайдилар: «фитна чанги халойиқнинг кўзини тўсиб қўяди, халқ бу чангу тўзон ичида ўзини ҳам топмай қолади».

Солиб элга мундоқ набарди¹ бало,
Гаҳе қатлу торожу, гаҳе жало².

Шундай қилиб, мол-дунё учун мухолафатга киришиш юксак инсоний фазилатга зид. Навоий кишилардаги бу хусусиятни мазаммат этар экан, «ҳикмат» таҳлилида Искандарга дарс бўладиган конкрет маслаҳатлар беради (Арасту тилидан). Яъни, биринчидан, агар мухолафат одамларга хуш келмаса, оқибати зарарли бўлса, биров бу ишни манъ этишга чорласа, киши ўзини четга олмасин. Агар ўзини четга олса, кечирилмас хато қилган бўлади. Иккинчидан, агар мухолафат аҳли ислоҳ ва муросага кўнмаса, қаттиқ ва қатъий далил-сабаблар келтириб, низонинг олдини олишга интилган яхши. Учунчидан, агар бу билан ҳам бўлмаса, унда низога киришиш мумкин, лекин мунда ҳам агар ғолиб бўлишга кўзинг етса бу қадамни қўйгил. Лекин кўзинг етмаса, юмшоқ сўзлар билан муомала қилиб, муросага чақирганинг дуруст. Ушбу «ҳикмат» ҳам ҳарбий тактика ва ҳам ҳаётий тадбирни ўзида акс эттиради. Доро муросага кўнмай, уруш бошлади, оқибатда енгилди, Искандар тадбир билан Дорони енгиб, дунёга ҳоким бўлди.

Навоий низоли масалаларни иложи борича тинч йўл билан, келишиб ҳал қилиш тарафдори. Бу Искандарнинг хислати ҳам. У қаерга борса, мамлакат ҳукмдорига мактуб юбориб, уруш-жанжалсиз тобеъликни бўйнига олишни маслаҳат беради, лашкар билан тўсатдан бостириб кириб, юртни вайрон қилмайди. Қаршилиқ бўлгандагина урушга киради (Кашмир подшоси Малу билан бўлган мунозара бунга мисол).

Бироқ Навоийнинг мақсади фақат шу эмас. У мухолафатни нуқсон сифатида танқид қилар экан, буни инсоннинг фожиаси, табиатидан ўрин олган ноқислиги деб билади. Мухолафат, айниқса, шоҳлар орасида кучли деган шоир, ажибки, буни ёш болалар хислати билан қиёс-

¹ Набард — жанг, уруш.

² Жало — қочиш, маҳрумлик.

лайди. Зеро, ёш болаларда «меники», «мен зўр» деган тушунчалар кўпроқдир. Бундан келиб чиқадики, муҳолафат инсоннинг балоғатга етмаганлиги нишонаси. Маънавий балоғатга етган, дунё моҳияти, умр мазмуни, инсоний бурч маъноларини англаган сари одамлар бу низоларнинг маънисиз, арзимас эканини тушуниб етадилар. Искандар Навоий талқинида ана шуни англаган жаҳонгир подшодир.

11. Ҳам набию ҳам валию ҳам ҳаким

«Ҳайратул-аброр»нинг ўн тўртинчи мақоласига тамсил тариқасида Искандарнинг жаҳонгирлик саргузашти қисқача ҳикоя қилинар экан, охирида Искандарга таъриф бериб, Навоий ёзади:

Ҳам шоҳ ўлуб, ҳам валию ҳам набий,
Ҳикмат ила ҳам туз ўлуб машраби.

Шу мазмундаги байтни «Тарихи мулуки Ажам» асарида ҳам ўқиймиз:

Валоят била ҳикмату шоҳлик,
Нубувват ишидан ҳам огоҳлик.

Шу нуқтаи назардан «Садди Искандарий»га мурожаат қиламиз. Бу асарда ҳам охирида Искандар куруқлик ва сув дунёсини сайр қилиб, мамлакатларни эгаллаб, қилган ишлари, ихтиро этган ажойиботлари (оламни кўрсатадиган кўзгу, устурлоб ясагани), Яъжуж йўлига девор қуриб, мазлум элни қутқаргани хусусида яқуний бир бор ажратар экан, шоир қайд этади:

Жаҳон ичра мундоқ топиб шоҳлик,
Нечук шоҳлик, дониш огоҳлик,
Валоятдин илгида қувват доғи,
Нечунким валоят, нубувват доғи.

Демак, Искандарда тўрт сифат — тўрт мақом мужассам. Булар: **Шоҳлик**, **Ҳакимлик**, **Валилик** ва **Набийлик**.

Шоҳ бўлганда ҳам оддий бир мамлакат шоҳи эмас, балки жаҳон подшоси. Ягона дунё салтанатининг ҳукмдори!

Бироқ бу мартаба унга ўз-ўзидан келгани йўқ. Жаҳонгирлик гарчи унинг тақдирида ёзилган бўлса-да, аммо

бунга у чуқур билими, ҳикмат ва фалсафадан хабардорлиги, маънавий-ахлоқий камолоти туфайли эришди. Чунки у малойик сифот, илоҳий замири одам («Вужудинг Ҳақ этмиш малоик сифот, ки сенсиз даме бўлмасун коинот»). Искандар дунёга даҳшат солган қирғинбарот жанглар, талон-торож, ғоратгарлик билан хазина йиққан жаҳонгир эмас (албатта, аслида Александр Македонский ҳам ғорат ва талончиликда бошқа жаҳонгирлардан қолишмаган, лекин Навоий тасвирлаган Искандар бутунлай бошқа), балки дунёни ҳикмат билан олиб, адолат ва тadbир билан бошқариш намунасини кўрсатган киши. Арасту, Афлотун каби ўнлаб илоҳий ҳакимлар унга маслаҳат бериб, илму дониш ўргатдилар ва илмни амалиётга татбиқ этдилар.

Натижада, Искандар жаҳонгирлик билан керилиб, ўзидан кетмади. Худолик даъво қилмади, аксинча, қудрати қанча кўпаймасин, шунча ўзини ҳақир ва ожиз ҳис қилаверди — дунёнинг бевафолигию умрининг бебақолигини тушуниб етди. Шоҳлик унинг учун зўрлик ва ҳукмронлик воситаси, мумтозлик белгиси эмас, балки халқ ва Ҳақ олдидаги вазифа, бурч эди. Искандар бирор ерда ўз шахсини бошқалардан юқори қўймайди (ҳолбуки, ҳақиқатда у ақлу заковатда мукамал бир инсон сифатида кўринади), билъакс, ҳар доим ўзини оддий фуқароларнинг бири деб таъкидлаб туради.

Баъзи тадқиқотларда Навоий тасвирида Искандар ижобийликдан салбий томонга қараб ўзгариб боради, яъни бошида тахтни рад этган шаҳзода, кейин эл қистови билан тахтга чиққач, жаҳонгирликка ружуъ қўяди, тинмай юришлар уюштиради, унинг адолат ҳақидаги гаплари ҳам эсдан чиқиб кетади, деган мазмундаги фикрларга дуч келамиз. Аммо ҳақиқатда бундай эмас. Искандар «Садди Искандарий»да моҳиятан ўзгармайди, яъни унинг тахту тожга бепарволиги охиригача сақланади. Жаҳонни олганда ҳам у дунё, молу мулк, тахту тож бир кунлик ташвиш ва ғамингга арзимайди, деган гадо дарвешнинг ҳикматини эсидан чиқаргани йўқ, балки бунга кўпроқ иқрор бўлаверади. Мана ўлими олдидан онасига ёзган хатида у нима дейди:

Ғамимда алам ҳузнилин фард бўл,
Бори олам аҳлига ҳамдард бўл.
Неча сарвару бахти фархундасен,
Алар бандадур, сен дағи бандасен.
Керак бандага иш сарафкандалик,
Не Ҳақдин келур айламак бандалик.
Неким Ҳақ ризоси ризоманд бўл,
Қазо ҳар неким қилса хурсанд бўл.

Шу учун Искандар қўлини тобутдан чиқариб қўйиш-ни васият қилади, токи олам аҳли кўриб ибрат олсин:

Ки эл солиб ул сори ҳайрат кўзи,
Не ҳайрат кўзи, балки ибрат кўзи...
Кафи ичра олди жаҳон кишварин,
Бару баҳрнинг¹ лаъл ила гувҳарин.
Чу урди ажал илги табли раҳил²,
Бақо бўйнига солди ҳабли раҳил³.
Жаҳондин шал илги⁴ мисоли борур,
Нечукким чинор илги холи борур.

Жаҳондан ҳеч нарса олиб кетолмайсан, шу боис жаҳонга қаттиқ кўнгил боғлама. Шарқ мутафаккирлари асарларига бу гоя чуқур сингиб кетган. Эрамиздан олдинги иккинчи минг йиллик ўрталарида тартиб берилган «Библия»нинг «Воиз» («Екклиаст») китобида «ой остидаги олам нарсалари арзимас, ҳамма нарса ҳечдир, ҳеч нарса қалбни овутмайди» деган сўзлар мавжуд. Бу гоя Фирдавсий «Шоҳнома»сида ҳисобсиз урушлардан сўнг қайта-қайта такрорланади. Аммо бунинг эвазига инсон таянадиган нима бор, ҳаётнинг, умрнинг маъноси нима, инсон нимада ўзини кўрсатиши керак, деган саволлар ҳам донишманд аждодларимизни банд этган.

Алишер Навоий учун бу саволларга жавоблар қуйидагича: 1) умрни яхши, савоб ишларга бағишлаб, яхшилик билан ном қозониш; 2) дунё неъматларидан баҳраманд бўлиб, бошқаларга ҳам ёрдам бериш, саховат ва адолатни унутмаслик; 3) илму ҳикмат ўрганиш, эл-юртни обод қилиш; 4) Аллоҳни ёдда тутиш, Унинг амрла-

¹ Бару баҳр — қуруқлик ва денгиз.

² Табли раҳил урмоқ — кўчиш, кетиш ноғорасини чалмоқ.

³ Ҳабли раҳил — судраб кетиш арқони.

⁴ Шал илги — қуриган. шол бўлган қўл.

рини бажариш ва илоҳий маърифатга етишиш учун жидду жаҳд қилиш. Шунда одам умри беҳуда ўтмайди, инсон ўз бурчи, бу дунёдаги миссиясини адо этади ва афсунадомат қилмайди.

Ана шу маъноларни англашда тасаввуф таълимоти ёрдам беради. Искандар орифона суҳбатларни берилиб тинглади, оламга орифнинг басират кўзи билан қараб, Аллоҳ сиррини, Унинг зоти ва сифатини англай бошлади, Сифат тажаллиси нуридан баҳраманд ўлароқ Зот қудратини мушоҳада этди.

Ровийлар ривоят қиладилар, тарих аҳли ҳам шунга қўшиладиларки, дейди Навоий «Садди Искандарий»да, Искандар ҳам вали (комил инсон) ва ҳам наби (пайғамбар) бўлди. Бунинг далили шуким, у оламни сайр қилиб чиқди. Муҳити аъзамни ҳам кезиб, сув ости ва қуруқликдаги ажойиботларни кўрди, риёзатлар чекти:

Риёзат баче чекмиш эрди тани,
Топиб тафсия¹ хотири равшани.
Бўлуб сайр итмоми² топқоч мақом,
Иши ҳам сулук³ ичра бўлди тамом.
Валоят мақомида топиб ўзин,
Нубувват чароғи ёрутти кўзин.

Демак, Искандар юришлари сўфий сафарига тенглаштирилар экан, унинг риёзати ҳам сўфий (солики тариқат) риёзатига тенг деб қаралган. Бу риёзат Искандар тафаккури, қалбини тозалади, мусаффо этди, натижада қалби Аллоҳ нури билан равшанлашди. Сайр охирида мақомга эришгач, унинг ҳолати худди тариқат тарбиясини олган солиқникига ўхшаб қолди, бошқача айтганда, тариқат йўлини босиб ўтгандай бўлди. Шундан кейин у ўзини валилик мақомида кўрди ва пайғамбарлик чироғи кўзини равшан этди.

Искандар сув остига тушганда, дунё пардаси кўзидан кетиб, ғайб илмини кашф этади, «анга барча махфий падидор (аён) эди», дунёни кўзгуда кўргандай мушоҳада этарди, деб ёзади Навоий.

¹ Тафсия — софланиш.

² Итмом — тамом, охир.

³ Сулук — тариқат йўли.

Шундай қилиб, жаҳонгир шоҳ ориф дарвешга айланади, аниқроғи, орифлик мартабасига кўтарилади. Искандар учун бу жаҳонгирликдан ҳам афзал бўлган улуғ саодат эди. Халқ ҳам унинг сиймосида шоҳлик, ҳақимлик, валилик ва набийлик акс этгани кўриб турарди:

Билиб халқ шоҳи музаффар они,
Ҳақиму валию паямбар они.

Искандарнинг донишманд файласуф (ҳақим) ва пайғамбарлиги Низомийнинг «Иқболнома» асарида зикр этилган, Жомийда ҳам пайғамбарлик ҳақида ишора бор. Аммо Жомий донишмандлик (хирадманд) сифатига кўпроқ урғу беради. Навоийда ҳар тўрт сифат бирга олиб қаралган ва муҳими шуки, бу сифатлар бир-бирига боғлиқ деб тушунилади. Навоий наздида ҳақимлик ҳам, валилик ва набийлик ҳам **огоҳлик** нишоналари бўлиб, бу уч сифат Парвардигорни таниш ва ўзини таниш орқали кишида пайдо бўлиши мумкин. Агар шоҳ **огоҳ** бўлса, демак, у бу сифатлар соҳиби бўла олади.

Искандарнинг пайғамбарлиги ҳақида Куръонда ишора йўқ. Тилга олганимиз «Каҳф» («For») сурасида Тангри таоло Мусога қараб дейди: «Ва сендан Зулқарнайн ҳақида сўрайдилар. Дегил, биз унинг аҳволидан сизга хабар берамиз. Ҳар жиҳатдан биз уни ерда қудратлантирдик ва ҳар нарсага (эгаллашга) йўл очдик ва унга йўл кўрсатдик, токи офтоб ботадиган жойгача борди...» (83—86-оятлар).

Демак, Искандар Худонинг азму иродаси билан қудратли подшо бўлгани айтилади, аммо пайғамбарлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Искандарга пайғамбарлик мақомини бериш Низомийга балки жаҳонгирлик ғоясини оқлаш учун керак бўлгандир, чунки шу орқали нафақат дину диёнат ўрнатиш баҳонаси, балки адолатни жорий этиш, оламни зулмдан халос қилиш ғояси ҳам мантиқий жиҳатдан асосланган, шекилли. Навоийнинг Искандаридаги пайғамбарлик аллақандай номинал унвондай туюлади. Яъни, валилик рутбасини эгаллаган одамда набийлик ҳам бўлади, дегандай. Чунки Искандар Навоийда бирор-бир динни тарғиб қилувчи ёки янги шарият жорий этадиган одам сифати-

да кўринмайди¹. Искандарнинг ўз ўлимини олдиндан билгани ва тушида кўрган манзара — олтин рангдаги осмоннинг зарҳалланган аскар совути бўлиб чиқишини валилик каромати дейиш мумкин. Бу ўринда бошқа жиҳатга диққатни қаратмоқчимиз: ҳикмат билан тасаввуф, ҳақимлик билан валилик ўзаро мувофиқ келадими? Зеро, сўфийлар файласуфларни ҳамиша ўзларининг рақиблари деб қараганлар, фалсафа ақлга суянади, ақл эса Аллоҳ илмини билишга қодир эмас, деб ўзларини файласуфлардан ажратиб кўрсатишга интилганини биламиз. Навоийнинг ўзида ҳам бу ғоя бор, буни унинг форсий қасидаларида кўрдик.

Бироқ «Салди Искандарий» достонида Алишер Навоий ҳикмат билан тасаввуфни қўшиш тарафдори бўлиб чиқади. Чунки бунда фақат «назарий ҳикмат» эмас, балки «амалий ҳикмат», яъни ахлоқ илми эътиборга олинган. Ахлоқ илми эса тасаввуф билан мазмунан яқинлашади.

Бундан ташқари, бу ерда гап Искандардай шахс устида бораётганини унутмайлик. Буюк шахснинг қамрови ҳам буюк, унинг фикр доираси, қизиқиш олами кенг. У — подшо, подшо эса амалиётчи. Искандар ҳам назарий-илмий масалалар билан қизиқади ва ҳам улардан хулоса чиқариб, уларни амалиётга жорий этмоқчи бўлади.

Хуллас, Искандар ҳақимлик ва валиликни бирлаштира олган экан, демак, бу икки соҳа бир-бирига мутлақо зид бўлмасдан, бир-бирини тўлдирадиган, ривожлантирадиган тафаккурий йўналиш бўлиб чиқади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ориф инсон ҳикмат билан қанча унумли қуролланган бўлса, илоҳий илмга ҳам шунча чуқур кириб боради. Шу каби

¹ Тўғри, Навоий достонида Искандар «зардушт дафъига ғулу» қилгани, «Макка азми»да Каъбани кўргани (Каъба Иброҳимдан қолган) ҳақида йўл-йўлакай қайшлар бор. Бир ўринда мана бу байт келади:

Қилиб элга ирсол ўз динини,
Тузуб мамлакат зебу ойинини.

Лекин Искандар келтирган дин қанақа. қайси шариятга асосланади? Бу ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Искандарнинг «Авесто» нусхаларини нобуд этгани, оташкадаларни бузгани тарихда маълум. Аммо у бунинг ўрнига бирор-бир дин жорий этгани ҳақида маълумот йўқ. Воқеан, у замонда Искандар ватани Юнонистонда кўпқудолик тасаввуллари ҳукмрон эди. Албатта, яна қайтарамиз, Навоий Искандарни тарихий Искандардан тубдан фарқ қилади, бу мусулмон шоири нигоҳи билан яратилган бир бадиий тимсол. Шунга кўра, достондаги Искандарни мусулмон деб аташ мумкин бўлмаса-да, бироқ яккахудолик (тавҳид) ғоялари тарафдори деб билмоқ мумкин.

файласуфларнинг кўпчилиги орифона билиш турини инкор этмаганлар. Қадимги юнон олимлари Сократ, Платон, Платин, ўзимизнинг алломалар — Форобий, Ибн Сино, Носириддин Тусий шундай кишилар эдилар. Ўз навбатида атоқли шайхлар Абусаид Абулхайр, Жалолиддин Румий, Нажмидин Кубро, Азизиддин Насафий тасаввуфни ҳикмат билан қўшиш тарафдори бўлганлар.

Чунончи, Жалолиддин Даввоний (1424—1502) «Ахлоқи Жалолӣ» асарида дейди: «Инсон камолоти икки нарса билан боғлиқ: бири ҳикмати болиға¹ бўлса, иккинчиси қудрати фозиладир². Ҳикмати болиға илмий камолотдан иборат бўлса, қудрати фозила амалий камолотдан иборат.

Баъзилар ҳикматни фақат мавжудотнинг аҳволига тегишли (яъни, табиатга хос), унинг инсон нафси (ахлоқи) билан алоқаси йўқ дейдилар, яъни нафсдан ташқари ҳисоблайдилар...

Лекин бундай эмас. Ҳикмат асл маъносида тўғрисиўзлик ва фаолиятдаги тўғрилиқни англатади. Шундай экан, у ўз-ўзидан инсон ахлоқи билан алоқадордир. Шу нарса аниқки, инсон амалиётсиз, қуруқ «назарий илм»нинг ўзи билан камолга эриша олмайди...

Аҳли назар (ақлий билим эгалари)ни уламо (олимлар) дейдилар ва тасаввуф аҳлини урафо (орифлар) дейдилар. Уларнинг йўли бошқа-бошқа бўлса-да, лекин ҳар икки тоифа ҳам ҳақиқатда ҳақимлардирлар. Балки кейинги тоифа кўпроқ камолот даражасидадирлар. Чунки ладуний илми Унинг Ўзининг даргоҳидан оладилар. Улар анбиёга яқин ва меросхўрдирлар. Ва ҳар икки йўл охир-оқибатда ўзаро мақсадда яқиндирлар. Иккала йўл тадқиқотчилари орасида ҳеч бир ихтилоф йўқ³ ва ҳақимлардан (файласуфлардан) ҳеч бири сўфийлар йўлини инкор этган эмас.

Сўфийлар ҳам олимларга муҳтождирлар, зеро, агар солик расмий илмдан батамом холи бўлса ифрот (ҳаддан

¹ Болиға — комил, етук, ҳикмати болиға — етуклик илми (назарий илм).

² Фозила — улуглик, шараф. Қудрати фозила -- улуглик қудрати (амалий ахлоқ илми)

³ Шундан кейин муаллиф Шайх Абусаид Абулхайр билан Ибн Сино мулоқоти ҳақидаги ривоятни келтириб, Абусаид: мен нимаики кўрсам, у билади. Ибн Сино эса: мен нимани билсам, у кўради. деган гапларини ажратиб таъкидлаган.

ошиб кетиш) гирдобидан ва шариат билан ҳикмат орасидаги муҳолифатдан ҳам халос бўлолмайди. Эътидол — ўрталикни тутиш зарур, бўлмаса ишнинг ривожини бўлмайди...»

12. Мавзунинг давоми ёки айрим хулосалар

Кўринадики, Жалолиддин Даввоний назарида ирфон билан ҳикмат¹, ҳақим билан валий, файласуф билан дарвеш моҳиятан ўзаро яқин. Айтиш мумкинки, ҳақимда валийлик ва валийда ҳақимлик хислатлари мавжуд. Шундай экан, уларни бир-бирига зид қўйиш, файласуфни сўфийнинг рақиби дейиш ҳам тўғри эмас. Шу ўринда Ибн Арабий шогирди ва Жалолиддин Румийнинг суҳбатдошларидан бўлган шайх Садриддин Кунявийнинг сўзларини келтириш жоиз.

Шайхдан сўрадиларки: «Қаердан қаёққа борасиз ва ўртада нима ҳосил бўлади?»

Шайх жавоб бериб деди: «Илмдан Асл манбага борамиз, ўртада ҳосил бўлгани дунёвийлик ва илоҳийлик ҳукми билан зоҳир бўлган икки тарафни бирлаштирувчи нисбатни янгилашдир» (Навоий. 17-жилд. «Насойимул-муҳаббат», 2001 й., 397-б.). Яъни, Аллоҳни — асл манбани илм билан билиш мумкин, дунёни ўрганувчи илм Илоҳ илмига пойдевордир, бу икки тушунча (дунёвийлик ва илоҳийлик)да зоҳир бўлган илмлар аслида бирдир, улар нисбатини чуқур англаган, тўғри белгилай олган кишигина мақсадга эриша олади, демоқда Садриддин Кунявий².

Шу маънода Алишер Навоий ўз асарларида Афлотун ва Арастуни «ҳақими илоҳий» деб тилга олади, бу икки донишманд Искандар учун нафақат илму ҳикмат ўргатадиган устоз, балки руҳоний раҳбар ҳамдирлар.

«Ахлоқи Жалолӣ» муаллифи Абу Наср Форобийнинг фикрларини ривожлантиргани кўриниб турибди. Зеро, ай-

¹ «Ҳикмат — донолик ва тўғри кирдор кўрсатиш бўлиб, ашê — нарсалар ҳақида баҳс этувчи илм, башарий билимлар мажмуидир» (Ғиёсул луғот, Душанбе нашри, 1-жилд, 81-б.).

² Сўфиёна таълимотда шариат, тариқат ва ҳикмат аҳли қарашлари жамланганлигини Азизиддин Насафий ҳам қайд этган. «Зубдат ул-ҳақойиқ» асарида у ёзади: «Тасаввуф аҳлининг фикрлари, ҳақиқатан олганда омухтадир. Яъни бир қисм шариат аҳлидан, бир қисм ҳикмат аҳлидан, учинчи қисм эса ваҳдат аҳлидан (олинган)». («Комил инсон ҳақида тўрт рисола», «Маънавият» нашр. 1997, 156-б.). Азизиддин Насафий «ваҳдат аҳли» деб ваҳдатлу вужуд таълимоти тарафдорларини назарда тутган.

нан Форобийнинг «Фозил кишилар шаҳри» асарида набийлик, валийлик ва ҳикмат, дин ва фалсафа орасидаги яқинлик масаласи кўтарилган. Улуғ файласуф фозил шаҳар ҳокими сифатларини таърифлар экан, унда илоҳийлик қудрати ва дунёвий илму дониш мужассам бўлиши шарт, дея уқтиради.

Маълум бўладики, Форобийнинг утопик жамият ҳақидаги қарашлари XV асрга келиб қайта жонланган ва мутафаккир зиёлилар фикрини банд этган. Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» асарида бу қарашларнинг таъсирини сезиш мумкин.

Абу Наср Форобийга кўра, набийликнинг биринчи белгиси донишмандлик, яъни файласуф бўлишдир. Зотан, Тангри таоло пайғамбарларни халққа раҳнамо қилиб юборар экан, уларга улуғ заковат, тенгсиз ақл ва ирфоний қувватларни берган бўлади. Воқеан, аслида ҳаким Аллоҳнинг севимли исмларидан бири. «Ҳикмат» деганда ҳам шариату тариқат аҳли кўпроқ Аллоҳ ҳикматини англайдилар. Қуръоннинг ҳам қатор сураларида «ҳикмат китоби», Аллоҳнинг ҳикмати, дея кўрсатилади. Аллоҳнинг чексиз илми, сиру асрори, мўъжизаларини Унинг ҳикмати деймиз. Олам ва одам ҳам Аллоҳ ҳикматининг кўриниши. Демак, пайғамбарлар, ҳакимлар, орифлар Аллоҳ ҳикматини қабул қилиб, билиб олиб, ҳаётга жорий этувчилардирлар. Зотан, адолат ҳам Аллоҳ ҳикматидир. Аллоҳ ҳикматидирки, олам бутун, доимий ҳаракат ва мувозанатда, ҳамма ва ҳар бир нарса ўз ўрнида. Шу боис, жамиятдаги адолат ҳам илоҳий ҳикмат асосига қурилиши керак, буни ҳакимлар ва набийлар, яъни ақли феъл эгалари амалга ошира оладилар.

Алишер Навоий набийлар ва ҳакимлар тарихини битта китоб қилиб, уни «Тарихи анбиё ва ҳукамо» деб номлаган ва бунда диққатни тортадиган яна бир жиҳат шуки, ушбу асарда Луқмон икки жойда тилга олинади: бир марта набийлар қаторида ва иккинчи марта ҳакимлар қаторида. Навоий шу муносабат билан ёзади: «Тарих аҳлидан баъзи ани ҳукамо силкида (қаторида) мазкур қилибтурлар ва кўпрак эл ани пайғамбар дебтурлар. Ва баъзи ривоятда шундоқтурки, нубувват ва ҳикмат орасида муҳбир (хабар келтирувчи) қилди» (А. Навоий. Асарлар, 15-том,

1968, 231-б.). Демак, Луқмон ҳақимлик (донишмандлик) билан пайгамбарликни бирлаштирган шахс, Худо унга ҳар икки жиҳатни насиб этган.

Ва яна бир жиҳат муҳим. «Садди Искандарий» достонининг бошида тахту тожни тарк этган ва дарвеш маслагини қабул қилган шаҳзода ҳикояси келтирилса (1-ҳикоят ва 1-ҳикмат), асарнинг охирида Луқмон ҳикояти билан Луқмон сўзларига асосланган сўнгги ҳикмат келтирилган. Луқмон тилидан келтирилган фикрлар дарвеш бўлган шаҳзода фикрларига ҳамоҳанг. Луқмон ҳам дунё ва унинг бойлиги улуғ Илоҳий маънавият олдида арзимаслигини уқтиради. Шунча илминг билан вайронанада яшамай, шоҳона муҳташам кошоналарда яшасанг ҳам бўларди-ку, деган саволга Луқмон бундай жавоб беради:

Ки чун қилмадим майл оламға ҳеч,
Мени ул дағи солмағай ғамға ҳеч.
Муни кўрки, даврондин элтур чоғи,
Олур мендин ушбу бузугни доғи.

Асардаги барча ҳикоялар каби бу ҳикоя ҳам Искандарга танбеҳ ва олам аҳлига ибратдир. Чунки шундан кейин Искандарнинг вафоти ҳақидаги боб келади ва шу билан асар якунланади. Яъни Искандар шунча буюклиги билан ажал қўлида ожиз, дунё на унга, на бошқага вафо қилмайди, деган фикр ўқувчига сингдирилади. Аммо Искандар, таъкидлаганимиздай, бу маънолардан беҳабар киши эмас, у буларнинг ҳаммасини англаган, қалби огоҳ, «ҳақиму валию набий» мақомларини эгаллаб олган одам эди.

Шундай қилиб, қадимги юнон олимларидан (Платон, Аристотел) Форобийга ва ундан Навоийгача етиб келган орзу бўртиб намоён бўлади: подшо донишманд ва илоҳий ҳикмат эгаси бўлиши лозим! Афлотун фикри: «Бешак файласуфлар подшо бўлиши даркор». Аристотел эса бундай дейди: «Гарчи мансаб донишманднинг иши эмасдур, мансабни донишманд шахсга топширмақ афзал».

Абу Наср Форобий қайдларидан: «Ҳукмдорларнинг сифатлари қаторидан фалсафий тафаккурга эга бўлиш зарурлиги жой олиши лозим». Ушбу ғоя Шарқда асардан

асарга, рисоладан рисолага кўчиб келган. Бунда икки жиҳат бор: бири донишманд ҳақимга тахту тожни бериш (Афлотун ва Арасту фикри), иккинчиси — подшони донишманд ҳақим қилиб тарбиялаш (Форобий фикри).

Алишер Навоий кейинги фикр тарафдори, чунки Искандар тахт вориси сифатида шоҳлик мансабини эгаллайди ва шу билан бирга у донишманд ва ориф инсон сифатида вояга етади. Умуман олганда, Навоий дунёқарашига юнон файласуфларининг таъсири бор (Бу Ф. Сулаймонованинг «Шарқу Фарб» номли тадқиқотида яхши очиб берилган). Навоий исломий-ирфоний гоёларни фалсафий ҳикматлар билан омухта этиб, инсоният тафаккури мевалари яхлит бутунлик эканини исботлаган. Улуғ шоир тасвирлаган Искандар сиймосида бу мужассам. Искандар асли юнонлик бўлса-да, лекин у ҳинд, чин, форс илмини ҳам эгаллаб боради, дунё донишмандлари ҳикматидан фойдаланиб, Яъжуж балосини дафъ этган деворни қуради. Қанчадан-қанча ривожланмаган, маданиятдан орқада қолган қабила ва қавмлар орасига илму ҳикмат, дину диёнат зиёсини ёйиб, уларни инсоний ҳаёт кечеришга ўргатди. «Садди Искандарий»да, шундай қилиб, мамлакат раҳбарининг асосий тўрт сифати ҳақидаги қадимий қарашлар акс этган: 1) биринчи бошлиқ донишманд (файласуф) бўлсин; 2) биринчи бошлиқ қонун тарафдори бўлсин; 3) биринчи бошлиқ кўлида ҳокимият бўлсин ва 4) биринчи бошлиқда имом(раҳнамо)лик хислатлари бўлсин. Бу аслида фозил шаҳар ҳокимининг сифатлари, чунки Абу Наср Форобий санаб ўтган ўн икки хислат шу тўрт сифат ичига киради. Ҳазрат Навоийнинг ҳоким, ҳақим, валий ва набий деган сифатлар ҳақидаги фикрлари ҳам шунга уйғун.

Искандарнинг қонун ижодкорлиги адолат ва инсофни барқарор этишда кўринса, имомлиги халқ дилига йўл топиб, одамларни ўзига эргашига олишда намоён бўлади. Шундай қилиб, дониш ва ҳикмат, шахсий қобилият ва илоҳий қудрат уни дунё халқларига подшо ва раҳнамо бўлишга олиб келади. Навоийнинг бир хулосаси шу. Аммо Искандар дунё молига ҳирс қўймади, ҳамиша дарвештабиат бўлди, бойликларини сахийлик билан бошқаларга тарқатиб, ўзгалар шодлиги, бахтини ўйлади, унинг жа-

ҳонгирлиги — орифнинг сафаридай дунёни англаш учун сафарга чиққандай гап эди. Навоийнинг иккинчи хулосаси шу. Бироқ жаҳонни олган Искандардай улуғ шоҳ, «ҳакиму валию набий» ҳам дунёдан «холи илик ила» кетди. Бундан барча ибрат олсин, бу дунёда бир-бирига зулм қилмасин, мол-дунё деб бир-бирини қирмасин, ҳасад ва ҳирс ўтини ёқиб мамлакат бошига фалокат келтирмасин. Навоийнинг учинчи ва асосий хулосаси шу. Достонда бошидан охиригача шоҳу гадо, ҳокимият ва маънавиятни қиёслаб боришдан мақсад ҳам шу эди. Навоий назарида илму ҳикмат ҳокимиятнинг дастёри эмас, балки раҳнамоси, қудратидир. Искандар халқлар подшоси, аммо у халқ билан бирга ва халқ дардига шерик, мушуқларни осон қилувчи халоскор ҳукмдор. Шу заминда Навоий тасаввуф ғояларининг эзгуликка хизмат қилувчи гуманистик аҳамиятини кўрсата олган.

«Садди Искандарий» достони охири фожиали тугаса ҳам (Навоийнинг бошқа асарлари сингари), аммо унда ҳаётни фалсафий таҳлил қилиш етакчилик қилади. Навоий 1) ота ва бола; 2) шоҳ ва раият; 3) шоҳ ва лашкар; 4) шоҳ ва аъёнлар; 5) устоз ва шогирд; 6) шоҳ ва дарвеш; 7) ҳикмат ва ҳукумат; 8) донишмандлик ва амалиёт; 9) тақдир ва тадбир; 10) инсон ва Худо; 11) адолат ва жавонмардлик каби ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий масалалар устида мушоҳада юритади, инсон табиатини таҳлил қилади.

Аммо мутафаккир шоир асар марказига қўйган бош ғоя бу — ибрат ва огоҳликдир. Шу маънода асар охиридаги маҳзунлик ўзи билан бирга кучли ҳаётсеварлик оҳангини етаклаб келади. Илоҳийлик ва дунёвийлик, рационализм ва иррационализм, дидактиклик ва тасвирийлик, ҳикмат ва ҳикоят усуллари ва йўналишлари ажабтовур қўшилиб кетган. Шоир тафаккури қатламларининг кўплиги ва тарафлиги кишини ҳайратга солади. Искандар адолат ва ҳикматга таянган жаҳон салтанатини тузади. Бу ғоя италян шоири А. Дантеда ҳам бор. Унинг «Монархия» асари шу мавзуга бағишланган. Бироқ Данте «Монархия»си умумжаҳоний эмас, балки бир мамлакатда ақлу заковат тантана қилган шоҳлик сифатида тасвирланган. Навоий Искандарни эса бутун дунёда адолатли, орифона жамият — жа-

вонмардлар салтанатини барпо этади. Искандар ҳеч ерда ўз мамлакати урф-одатини жорий этмайди, эгаллаган жойларидан молу мулкни зўрлик билан йиғиштириб олиб, Юнонистонга жўнатмайди. Ўз тилини зўрлаб ўргатмайди, маҳаллий халқларни камситмайди. Аксинча, улардан кўп нарсa ўрганади ва айнаи вақтда ўргатади, яъни башарий билим, тажрибаларни жамлаб, яхшиликка хизмат қилдиради. Демоқчимизки, Искандарда мустамлакачилик хусусиятлари кўринмайди. У, таъкидлаганимиздай, халоскор подшоҳ.

Улуғ Навоийнинг улуғвор нигоҳи мана шундай хайрли, умумжаҳоний ва тараи. Шу боис ҳам «Садди Искандарий» дунё адабиётининг шоҳ асарларидан бири деб тан олинган.

(Навоийнинг форсий қасидалари тадқиқи)

ФОРСИЙДА СУХАН ПАРДОЗ АЙЛАБ

Ўзбек мумтоз адабиётининг бобокалони Мир Алишер Навоий форс тилида ҳам сўз додини берган мумтоз санъаткор эди. Икки тилда баробар ижод қилиб, беназир санъат кўрсатиш ва Абдурахмон Жомий сингари устозлар таҳсинига сазовор бўлиш Навоий номини яна ҳам маҳбуб ва улуғвор қилган эди. Унинг «Фоний» тахаллуси билан яратган қасида, ғазал, рубоий ва марсиялари нафақат балиий сўз усталари, шоиру фозиллар, балки тожикзабон халқ орасида ҳам шуҳрат қозонган. Шу боис Навоий бу шеърларни йиғиб, «Девони Фоний» номи билан алоҳида китоб қилиб тузган эди. Навоий айнан форсий асарлари билан Хўжа Ҳофиз, Саъдий Шерозий, Ҳоқоний Ширвоний, Анварий, Салмон Соважий, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий эришган юксак ижодий чўққиларни забт этиб, бунда Шарқ шеърляти иқлимларини «яққалам» қилувчи бемисл истеъдодини намоиш эта олди. Бу эса Навоий адабий меросининг жаҳоншумул аҳамиятини кўрсатувчи далиллардан биридир.

Маълумки, Абдурахмон Жомий ўз дўсти ва ҳамкору ҳамдасти бўлган Навоий асарларини юксак қадрлаб, муносиб баҳолар билан сарафроз этган. Навоий «қутби тариқат» Жомий билан қанчалик ҳаммаслак эканлиги ва бир-бирини қўллаб-қувватлашларини «Ҳайратул-мутаҳаййирин» асарида баён этади. Жомий «Ҳафт авранг» дostonлари муқаддимасида Навоийга махсус байтлар бағишлаб, унинг салоҳияти, ижодий ютуқларига таҳсинлар айтадиким, Навоий буни «Ҳайратул-мутаҳаййирин»да ифтихор билан алоҳида таъкидлаб ўтади. Масалан, «Хирадномаи Искандарий» асарининг хотимасида Абдурахмон Жомий Навоийнинг асарлари ҳақида тўлқинланиб ёзади:

Ба турки забои нақше омад ажаб,
Ки жодудамонро бувад муҳри лаб.
Зи чарх офаринҳо бар он қилк бод,

Ки ин нақши матбуъ аз он килк зод!
Бубахшид бар форсий гавҳарон,
Ба назми дари дурри назмоварон.
Ки гар буди он ҳам ба лафзи дари,
Намонди мажولي сухангустари. . .

(Турк тилида ажойиб асарлар дунёга келди, бу асарлар сеҳргар шеър айтувчиларнинг лабига муҳр босди. Бу қаламга фалақдан офаринлар бўлсинки, бу қалам мақбул ва гўзал асарлар туғди. У форсий тилда гавҳар сочувчиларга ҳам дарий назмида дурлар тизиб бағишлади. Агар унинг туркий асарлари ҳам форс тилида бўлса эди, бу тилда шеър айтувчиларга мажол қолмас эди.)

Ҳазрат Навоийнинг ўзлари ҳам форсий шеърларини туркий асарлари билан баравар қадрлаб, «Девони Фоний» да фахрия йўсинида қуйидаги қитъани келтирганлар:

Маънии ширину рангинам ба турки беҳад аст,
Форсий ҳам лаълу дурҳои самин гар бингари.
Гўё дар раста бозори сухан бикешодаам:
Як тараф дўкони қаннодию як сў заргари.
3-ин дўконҳо ҳар гадо коло кужо бошад харид,
3-он ки бошад ағниё ин нақдҳоро муштарий.

(Туркийда ширин ва ранг-баранг маъноларим (асарларим) беҳаддир. Агар боқсам, форсийда ҳам лаълу дурларим кўп. Гўё растада сўз бозорини очибман: бир томонда қандолат дўкони, иккинчи тарафда эса заргарлик дўконлари. Бу дўконлардан гадолар бирор нарса сотиб олиши қийин. чунки менинг нақдларим — асарларим харидори маънавий бой кишилардир).

Умрининг охирида ёзган «Муҳокаматул-луғатайн» аса-рида бўлса Навоий гўё сарҳисоб қилгандай туркий асарлари қаторида форсий тилни жамийки нозикликлари билан қанчалик пухта ва мукамал билишини, улуғ форсийгўй шоирларни баланд қадрлашини айтиб, бунинг исботи сифатида форс тилида ёзган асарлари, уларга берилган баҳолар устида тўхтади. Алалхусус, форсий қасидаларни номма-ном тилга олиб, уларнинг ёзилиш сабабини кўрсатиб ўтади. Бу ҳол шуни кўрсатадики, Навоий форсий қасидаларига алоҳида аҳамият берган. Зотан катта ижтимоий-фалсафий маънолар, дақиқ фикрларни ифода-лайдиган қасидалар ёзиш анча-мунча шоирнинг қўли-

дан келмас эди. Хоқоний, Анварий каби форс шоирлари тафаккурий қасидани сарбаланд чўққига кўтарган эдилар. Бунда зариф ва латиф шоирона маҳорат билан бирга теран тафаккур, ҳаёт ва коинот, инсон ва табиат, ислом ва тариқат тўғрисида чуқур билим, боз устига орифона жўшқин қалб ҳаракати ҳам талаб қилинарди. Шу боис бўлса керак, Шарқ адабиётида фалсафий-орифона қасидалар муаллифи унча кўп эмас.

Навий эса форс тилида олтигана шундай юксак талабларга жавоб берувчи, сўз дурларидан тизилган қасидани ёзган. Бу қасидаларнинг ҳар бирига шоир қуйидагича ном қўйган: «Рухул қудс» («Муқаддас руҳ»), «Айнул ҳаёт» («Ҳаёт чашмаси»), «Тухфатул афкор» («Фикрлар туҳфаси»), «Кутул қулуб» («Қалблар қуввати»), «Минҳожун нажот» («Нажот йўли») ва «Насимул хулд» («Жаннат шабадаси»). Бу олти қасидани жамлаб, ҳаммасини «Ситтаи зарурия» («Олти зарурий қасида») деб номлайди.

Ҳажмига кўра қасидалар турлича: «Рухул қудс» 132 байт, «Айнул ҳаёт» 106 байт, «Тухфатул афкор» 99 байт, «Кутул қулуб» 120 байт, «Минҳожун нажот» 138 байт, «Насимул хулд» эса 129 байтдан иборат бўлиб, жами 724 байтдир.

Бу олти қасидадан ташқари Фоний «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») номи билан яна тўртта форсий қасида ёзиб, уларда йил фаслларининг ҳар бирига хос хусусият ва бунинг инсон руҳиятига таъсирини тасвирлаган. «Фусули арбаа» қасидалари ва «Насимул хулд» қасидаси Ҳусайн Бойқарога бағишланган, «Тухфатул афкор» эса ҳазрати Нуран – Абдурахмон Жомийга бағишланган.

Шундай қилиб, Навий-Фоний ўнта форсий қасида муаллифидир. Шоир «Ситтаи зарурия»нинг муқаддимасида биз учун муҳим бўлган яна бир хабарни келтиради: маълум бўлишича, ушбу туркум қасидалардан «Тухфатул афкор» қасидаси биринчи ёзилган бўлиб, таълиф тарихи 1476 санасидир, қолган беш қасида эса Жомий вафотидан кейин (Жомий 1493 йилда вафот этган), 1494–1497 йиллар орасида ёзилган. «Тухфатул афкор» қасидаси («Явми жамеъ, шаҳри ражаб») ва «Рухул қудс» қасидасига («Ажаб» набошад таърихаш аз «ҳисоби қазо») тарих моддаси қўйилган. «Явми жамеъ, шаҳри ражаб» абжад ҳисобида 880 (1446), «ҳисоби қазо» сўзлари миқдоридан «ажаб» сўзи-

нинг сон миқдори чиқариб ташланса, 899 (1494) келиб чиқади. Шундай қилиб, «Рухул қудс» қасидаси 1494 йилда ёзилган бўлиб чиқади. Бошқа қасидаларга тарих қўйилмаган. Фақат муқаддимада «Ситтаи зарурия» 1497 йилда тартиб берилгани кўрсатилган. Демак, Навоий беш форсий қасидани 1494–1497 йиллар орасида ёзгани аниқ бўлади.

«Ситтаи зарурия» қасидаларини ёзишга Навоийни аввал устози Жомий, ул зот вафотидан кейин Султон Ҳусайн Бойқаро ундаганлар. Буни шоир «Ситтаи зарурия» муқаддимасида қайд этган: «Ҳамвора фармони лозимул ишоа ва амри вожибул итоаи он Ҳазрат ин камтаринро бад-он маъмур медошт, ки гоҳе инони суханро аз водии турки ба савби форсий мунсариф гардонад ва зимоми назмро аз адои туркона ба жониби луғати фурс мунъатиф созад. Ва агарчи инқиёди амри эшон бар сару чашм лозим буд ва иттибои он ба жону дил мутахаттам, аммо бар ҳасаби «ал умуру марҳунатун би авқотиҳо», дар айёми ҳаёти бо баракати Он Ҳазрат ба ҳасаби тақдир, бар он амр мажоли мубодарат набуд. Ва айёми нофаржом ба ҳеч ҳол мусоадат нанамуд. То он ки аз лисони каримул баёни ҳазрати Султони султонон нишони малазул сақлайн. . . бад-он навъ маъмур гашт».

(Ул Ҳазратнинг амру фармони менга итоат ва бажаришга вожиб бўлиб, ул киши бу камтарин бандани гоҳида сўз тизгинини туркий сўз водийсидан форсий сўз воҳасига буришим ва назмни туркий адодан форсий луғатга кўчиришимга ундар эдилар. Ва агарчи ул кишининг амрини адо этишни бош устига деб билсам, жону дилдан хоҳласам ҳам, аммо «беҳуда ишлар вақтнинг қотили» мақолига мувофиқ ул Ҳазратнинг тириклигида тақдир тақозоси билан бу ишга имкониятим йўқ эди. Нотинч кунлар ҳеч бир ишга мувофиқат қилмас эди. Токи бу хоҳишни ҳазрати Султоннинг карамли тили баёнидан эшитдим. . . бу ишга жазм қилдим).

Бунга сабаб «Тухфатул афкор» қасидасининг машҳур бўлиб кетгани эди. Бу қасидани Навоий ўзи «Ҳайратул мутаҳаййирин» асарида хабар берганидай, Хусрав Деҳлавийнинг «Дарёи аброр» ва Абдураҳмон Жомийнинг «Лужжатул асрор» қасидаларига жавобан ёзган. Воқеа мана бундай бўлган: «Бир кун ул Ҳазрат (яъни Жомий – Н. К.)

хизматида эрдим ва ҳар навъ назмдан сўз утар эрди, — деб ҳикоя қилади Навоий. — Суз асносида Мир Хусравнинг «Дарёи аброр» отлиғ қасидаси мазкур бўлди. Бу фақир гўё анинг таърифида муболаға қилдим ва муҳиқ(ҳақли) эрдим. Невчунким Мир Хусравдек кишидин мундоқ машҳур-дурким, демиш бўлгайким: «Агар афлок ҳаводиси ва рўзғор навобидин менинг барча назмим замона саҳфасидин маҳв бўлса ва бу қасидам қолса, менга басдур. Невчунким ҳар киши ани ўқуса билурким, назм мулкида манинг тасар-руф ва иқтидорим не мартабада эркандур».

Жомий Навоийнинг бу таърифини жим эшитиб туради, мажлис тарқалади. Бу орада Ҳусайн Бойқаро Навоийни ўзи билан бирга Марвга олиб кетмоқчи бўлади. Навоий «ижозат тилаш» учун пири Жомий хизматига борганда, Жомий хушнудлик билан фотиҳа ўқиб, оқ йўл тилайди ва қўйнидан бир ўроғлиқ қоғоз чиқариб Навоийга узатади. Навоий очиб ўқийди: бу Амир Хусравнинг «Дарёи аброр» қасидасига жавобан Жомий ёзган «Лужжатул асрор» қасидаси эди. Қасида Навоийга кучли таъсир этади ва у Марв йўлида ўзининг «Тухфатул афкор» қасидасининг биринчи байти — матлаъини битиб, «бир бекдин» Ҳиротга, Жомий ҳазратларига юборади.

Навоийнинг «Агар Сизга маъқул тушса, лойиқ топсангиз, ёзиб тугатай», деган сўзига Жомий: «албатта тугатсин», дея таъриф ва таҳсин билан мактуб битадилар.

Навоий бундан руҳланиб, Марвга боргунча от устида ушбу қасидани ёзиб тугатади ва яна Жомийга юборади. Абдурахмон Жомий қасидани ўқиб, ниҳоятда хушнуд бўлади ва тўлқинланиб кетиб, Марвга, Навоийга қуйидаги сўзлар битилган мактубни жўнатади:

«Ҳарчанд бошдан то охиригача ҳар байт ва ҳар мисрада ҳар бир ҳарфига хотир фахрланиш нақдиналари суръати билан синчиклаб қараган бўлса ҳам, лекин ҳеч бир нуқсон қоралиғи, сўз ҳуснига ва баён лутфига «кўз тегишни» дафъ этишга уринишдан бошқа ва ҳеч бир сохта нарсадан бу нуқсонларга камоли мақтов либосини кийган ҳолда фикр назарига ташланмади: пардозловчи гўзаллар чехрасини безаганда, зарарни йўқ қилиш учун нилдан чизиқ тортади».

Хуллас, Жомий қасидани нуқсонун камчиликдан холи,

аъло даражадаги шеър намунаси деб баҳолайди. Айни вақтда Жомий қасида мазмунига ҳам тўхталиб, шоҳлар дарвешлар хизматини адо этиши, улар сўзига қулоқ солиши лозимлиги дуруст ифодаланганини маъқул деб топади.

Жомий мактубга қўшиб тўхфа тариқасида Навоийга «такаллуф тожини тарк» этиш рамзи бўлган бир бўрк (қалпоқ) ва «жаҳондан қўл ювган киши қўлининг сувини артадиган» бир бўз рўмолча юборди

«Тўхфатул афкор» қасидаси шуҳрат қозониб, аҳли илму адаб орасига кенг ёйилади, подшоҳ Ҳусайн Бойқаро ҳам ундан хабар топиб, «ўқиб таҳсин қилади».

Навоий шу ўринда бир нозик нуқтага гап орасида ишора этиб ўтади. Ушбу қасидаларда, яъни Амир Хусравда ҳам, Жомийда ҳам, Навоийда ҳам «салтанат тариқининг нафйи воқеъ бўлубдур» – салтанат ва подшолик иши танқид остига олинган, рад қилинган эди. Аммо шунга қарамай подшо Ҳусайн Бойқаронинг қасидани таҳсину таъриф этиши Навоийни бир оз хижолатга қўяди. Зукко шоир дўсти кўнглидаги бу айтилмаган гинани чиқариш мақсадида ушбу қасидалар руҳида яна бир қасида иншо этиш, унда фақат «дарвешлар маддоҳлигини қилиб, аммо ҳукумат таврини тайин қилмаслик»ка (ҳукумат ҳақида гапирмасликка – Н. К.) қарор қилади ва уни Ҳусайн Бойқарога бағишламоқчи бўлади. Шу ният билан қуйидаги матлаъни ёзиб яна ижозат олиш учун Жомийга юборди:

Хирқаи пурбахя, к-аҳли фақрро к-он дар бар аст,
Бар фарози олами маъни сипехру ахтар аст.

(Фақр аҳлининг эгнидаги ямоқ ва қуроқлардан тикилган хирқа маъни олами эгнида гўё осмон ва ундаги юлдузлар кабидир).

Жомий ҳазратлари бу ниятни ҳам қизгин маъқуллайдилар. Афтидан, Навоий нима сабабдандир бу қасидани ёзиб тугатмаган. Балки, шоир «салтанат нафйиси» (салтанатни инкор этиш) фикрида собит қолгани учун бу ниятидан қайтгандир? Ҳарҳолда, бу ҳақда бошқа маълумот йўқ. Лекин шу маълумотнинг ўзи ҳам Навоийнинг Жомийга, Ҳусайн Бойқарога муносабатининг нозик жиҳатларини англатиб, шу билан бирга ўз маслағида собит эканидан далолат беради.

Жомий фақат мактубларида эмас, тазкира характеридаги «Баҳористон» асарида ҳам Навоий ижодига камоли қониқиш билан баҳо берар экан, «Тухфатул афкор»ни намуна сифатида тилга олади: «Ва аз жумлаи ашъори форсии вай аст қасидае, ки дар жавоби қасидаи Хусрави Деҳлавий, ки мусаммост ба «Дарёи аброр», воқеъ шуда ва муштамил бар бисёре аз маонии дақиқа ва хаёлоти латифа. Матлааш ин аст:

Оташин лаъле, ки тожи хусравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сараст.

(Ва унинг форсий шеърлари жумласидан Хусрав Деҳлавийнинг «Дарёи аброр» номли қасидасига айтган жавобиясидирким, дақиқ маънолар ва латиф хаёлотга шомилдир).

Матлаъи будир:

Хусравлар (подшолар) тожини безаган лаъл
Бошлагии хом хаёлларни пишириш учун чўғдир.

Демак, Жомий «Тухфатул афкор» қасидасини нафақат Навоий ижодида, балки бутун форсий адабиётда етук бадиий асарлардан бири деб ҳисоблаган.

Мана бу воқеа ҳам муҳим: «Тухфатул афкор» қасида-сида Навоий Нажмиддин Кубронинг итга назарлари тушганда ит ҳам валилик насибаси топгани воқеасига ишора қилиб, ўз пири Жомийга муҳаббатини изҳор этган:

Як назар фармо, ки мустасно шавам э-абнои жинс,
Саг чу шуд манзури Нажмиддин сагонро сарвар аст.

(Бир назар қил, токи ўз тенгдошларим аро мумтоз бўлайин, ахир ит Нажмиддин назарига мушарраф бўлганда, итларга сарвар бўлди).

«Фақру фано аҳлига мухлис ва ниёзманд» шаҳзода Кичик Мирзо бу байтни мактубига қўшиб, Самарқандга Хожа Аҳрори валига юборади. Одамлар Кичик Мирзони бу иши учун мақтаб дуо қилар эдилар, байт оғиздан-оғизга ўтиб ёд бўлиб кетади. Бироқ ҳазилкаш ва хуштаъблардан Мир Сарбараҳна Навоийга эътироз билдириб, «Сен камтарлик қилиб, ўзингни итга ўхшатибсан, аммо бу нисбат тенгдошларга тааллуқли бўлиб қолибди. Шоядки тенгдошлар бу ташбеҳдан оро қилиб қабул қилмағайлар. Ўзига нисбат

берилган ташбиҳнинг бир жамоатга кўчиши яхши эмас», дейди.

Навоий «танқидга» қуйидагича жавоб қайтаради: «Ўзимни итга ўхшатибман, камтарлик қилиб эмас, балки нафсоният тугўнидан шундай қилдим. Абнойи жинс (замондошлар, тенгдошлар — Н. К.)ки дебман, сизни демайман, кўча-қўйда юрган бошқа итларни деганман».

Бу мутойиба ҳам оғиздан-оғизга ўтиб, Жомий қулоғига етганда, ул Ҳазрат деган эканлар: «Ул байти ўзи яхши байтдир, аммо жавоби ҳам ул байтдан яхшироқ воқеъ бўлубдир».

«Тухфатул афкор» қасидаси ана шу тариқа ўз замонида ва ундан кейин ҳам юксак шеърий санъат намунаси сифатида шуҳрат қозонган эди. Аммо Навоийнинг бошқа қасидалари ҳам бадиий қиймат нуқтаи назаридан бундан кам эмас. Қасидаларнинг ҳар бир байти бир қуйма ҳикмат, фикр ва маънони баланд пардаларда ифодалаб келадиган, салобатли оҳангга эга шеърий бутунликдир. Ана шундай байтлар кетма-кет тизилиб келади, аниқ тартиб ва темир мантиққа риоя қилинади. Қасиданинг қондаси шу: у шунчаки қофиядош байтлар тизимидан иборат эмас, балки муайян мавзу ва шу мавзуга лойиқ ғояларни бир-бир ифодалаб, муносиб ташбиҳ-образлар орқали зийнатлаб борилади.

Асар бошдан-охиригача бир вазн — бир оҳангга риоя қилиши, бошланиш (насиб ёки ташбиб) қисми, асосий қисм ва хотимадан иборат бўлиши шарт. Насибда асарнинг умумий мазмуни, яъни бош ғоя баён этилади, асосий қисмларда шу ғоялар чуқурлаштириб, талқиний-таҳлилий жиҳатга урғу берилади, хотимада фикр яқунланиб, асар кимга бағишлангани, байтлар сони ва тарих моддаси қайд этилади.

«Ситтаи зарурия» қасидаларининг ҳар бири алоҳида хусусият ва услубга эга, чунончи, дейлик бирида қиёсий ташбиҳлар, бошқасида таҳлилийлик, яна бирида эса тасвирий ва таҳлилий усул етакчилик қилади. Масалан, «Тухфатул афкор»да тамсил келтириш, араб ҳарфлари билан сўз ўйини қилиш (китобат санъати) асосий ўрин эгаллайди. Ҳар бир байтнинг биринчи мисрасидаги фикр иккинчи мисрада бир ташбиҳий мисол билан исбот қилиб борилади. Чунончи:

Ақлу ганжи некноми, ишқу ҳар дам оламе,
Хонадорий кори зан, лашкар насиби шавҳар аст.

(Ақл – яхши ном хазинасини сақловчи бўлса, ишқ ҳар дамда бир оламни олади. Ҳа, уйнинг эгаси – хотин, лашкар эса эр насибасидир).

Бунда ақл – номус хазинаси посбони хотин кишига ва ишқ лашкарни бошқарувчи эркак кишига ўхшатиш.

Аммо ҳамма қасидалар шу усулда эмас. «Рухул қудс» самовий ва ердаги ҳодисаларни кетма-кет баён этиш, бу ҳодисаларнинг илоҳий қудрат натижаси эканини тафаккурӣ таҳлил билан очиб бериш орқали яратилган бўлса, «Айнул ҳаёт» қасидасида ҳам тамсил, ҳам баён, ҳам кутаринки руҳдаги тасвирлар бор. «Минҳожун нажот» эса эҳтирос ва замирида танбеҳ – насиҳат оҳанги бор тил билан ёзилган. Бу қасидада одамзотнинг нуқсонларини очиб кўрсатишга шоир кўп эътибор қилади.

Аммо шу билан бирга, «Ситтаи зарурия» қасидалари ўзаро бир-бирига вобаста ҳам. Яъни 1-қасида илоҳий тавҳид – олам ягоналиги, Ягона абадий ва азалий борлиқ, Ягона Парвардигорнинг қудрат ва азимати, заррадан коинотгача жамики олам ишлари, ўзгаришлар, ҳаракатларни бошқариб, Ўз қудратини намоён этиши мадҳ этилса, 2-қасидада олам меҳвари Пайғамбар(САВ)нинг муборак меърожи, унинг дийдорига собиту сайёра, аршу курси, ою қуёш муштоқ-мунтазирлиги, малакларнинг Расули акрамни шод кутиб олиши, Парвардигор билан бўлган мулоқот тасвирланади; 3-қасидада фақр ва салтанат ўзаро қийёсланиб, фақрнинг улуғлиги, устуворлиги исботланади, 4-қасидада дунёнинг бебақо ва бевафолиги, фалак зулми тилга олиниб, одамларнинг ана шу ўткинчи, фоний дунёга меҳр қўймай, охират сари ўзларини чоғлаб бориши, руҳий-маънавий юксалишга эътибор қилиши кўрсатилади; 5-қасидада жаннатдан бадарға бўлган Одам Ато фарзандлари бани башарнинг чин инсонийлик – Комил инсонга хос бўлмаган нохуш ва номуносиб ахлоқий белгилари, нафс йўлида қилган ножоиз ишлари танқид қилинади ва 6-қасидада ана шу нуқсонлардан қутулишнинг йўли тариқат экани, тасаввуф ва тариқат – Комилликнинг бош йўли экани батафсил тушунтирилади.

Хуллас, олти қасиданинг ҳаммаси ўзаро вобаста мав-

зуларда яратилган бўлиб, бунда боғловчи бош мавзу — илоҳиёт ва илоҳиётга яқинлаштирувчи Комиллик тариқати ҳақидаги ғоялардир. Шу асосда «Ситтаи зарурия» яхлит бир туркум асарлар қиёфасини олган. Навоийнинг ўзи ҳам бунини «Муҳокаматул луғатайн» асарида қайд этади: «Бу олти қасида ҳамду наът ва саноу мавъизатдур (насиҳатдир) ва аҳли тасаввуф ва тариқат тили била маърифат» баён этилибдир.

Қасида ёзишнинг қийинчилиги бу жанрнинг қатъий қофиялаш талаби ҳамдир. Дейлик, агар қасида 129 байт бўлса, бу 130 қофиядош сўзларнинг байт маънолари ва умуман асар мазмунига мувофиқ бўлиб келишидир. Қофия сўзлар агар такрор бўлса ҳам, аммо бошқа-бошқа маъноларда келиши кўзда тутилган. Масалан, «Тухфатул афкор» да 100 та қофиядан 4 таси такрорланган, чунончи «сар» — 4 марта, «бар» — 3 марта, «дар» ва «раҳбар» 2 мартадан қайтарилади. Бироқ бу сўзлар ҳар гал янги маъноларда қўлланилганки, бу такрор деярли сезилмайди. Чунончи «сар» сўзи (бош) — бош оғриғи, бошида, чаённинг боши, бошдадир маъноларини ифодалаб қофия бўлиб келган.

Олти қасидада арузнинг уч вазни қўлланилган: «Рухул қудс» ва «Кутул қулуб» қасидалари ҳазажи мусаммани маҳфуз баҳрида, «Айнул ҳаёт» ва «Тухфатул афкор» рамали мусаммани мақсур, «Минҳожун најот» ва «Насимул хулд» қасидалари ҳазажи мусаммани мақсур баҳрида ёзилган. Бу ҳар бир қасидага хос алоҳида салобатли маром ва оҳангни юзага келтиришга хизмат қилган.

Шу каби қасидаларда бошқа жанрлардан фарқ қилувчи бадий санъатлар қўллаш ҳам кўзга ташланади. Бундай тафаккурий қасидалар албатта кенг омма учун эмас, балки сўз санъатини юксак англаган, сўфиёна — орифона истилоҳлар маъносини яхши тушунадиган, кенг маълумотли одамларга мўлжаллаб ёзиларди. Дақиқ маънони англаш учун диққат қиладиган нигоҳ, чуқур ғоялардан завқланадиган қалб керак бўлади. Навоий қасидалари ҳам анча диққатталабдир. Улар аввало фикрга, кейин қалбга таъсир этади, бошқача айтганда, шоир истилоҳлари маъноси, ғоялари йўналишини англамаган одам ундан завқлана олмайди. Масалан, «Рухул қудс» қасидасидаги мана бу байтни олайлик:

Чу гашт мазҳари кулл, баъд аз он лақаб додаш,
Миёни мохалақуллоҳ олами кубаро.

(Кулл мазҳарига айлангач, унга яратилган нарсалар орасида олами кубаро (ёки кубро) деб ном бердинг.)

Бу байт мазмунини англаш учун «мазҳар», «кулл», «олами кубаро», «мохалақуллоҳ» каби фалсафий истилоҳлар маъносини билиш лозим. Яъни: «мазҳари кулл» – бу олам воқеа-ҳодисалари, Илоҳнинг қудратини ўзида акс эттирган Комил инсон – Одам Ато. Парвардигор ўз илмидан уни хабардор этди, исмларни, моҳиятларни ўргатди, ўз маърифатидан баҳраманд қилди. Натижада Одам улуг олам (олами кубро)га тенг бўлди. Бу ерда «кулл» – умумий, жамийки деган маъноларни, «мазҳар» – акс эттирувчи деган маънони англатиб келади. «Мохалақуллоҳ» – нимаики Аллоҳ яратган бўлса демакдир.

Қасидаларда, шундай қилиб, Ўрта асрлар Мусулмон шарқи эришган фалсафий, ирфоний, илоҳий тушунчалар, Қуръон ҳикмати ва ҳадислар мазмуни чуқур акс этган. Навоий бунинг устига форс тилидаги жуда қадимий нодир сўзлар, турли илмларга оид истилоҳларни қўллайди. Ўқувчи бу истилоҳларнинг ўзинигина эмас, шу истилоҳлар билан тузилган сўз ўйинлари, бадий санъатларни ҳам бемалол илғаб олса, шоир маҳоратининг нақадар баланд эканига гувоҳ бўлади.

«Рухул қудс»даги буржлар тасвиридан:

Ба буржи Ақраб ба жунбиш оварди,
Чу каждуме, ки кунад хона дар қадим бино.
Фарози буржи дигар сохти камонхона,
Ки чарх тири бало афканад сўйи дунё.
Зи захми новаки ў Жаддиرو рамонидй,
Ки жаст чун бузи кўҳи ба авж аз он пайдо.

(Бошқа буржда Ақраб – Чаённи қимирлатдинг, эски иморат остига уя қўйган чаёндай у қўзғалди. Бошқа бурж осмонини камонхона – Камон (Ёй) турадиган жой қилдинг, токи фалак ундан фойдаланиб, дунёга бало ўқини ёғдирсин деб. Шу Ёй ўқи яраси билан Эчки(буржи)ни ҳайдадинг, у эса худди тоғ эчкисидай сакраб у ердан кўринди).

Навоий бу байтларда Аллоҳнинг қудратини таъриф ва тавсиф этмоқда. Аммо бу таърифлар қуруқ баён эмас, балки шоирона образли тасвирлар билан берилади. Буржларнинг

номи билан уларнинг халқ тасаввурдаги хосиятлари ва ердаги воқеалар бирга олиниб сўз ўйинлари, чиройли ташбеҳлар ҳосил қилинган. Шоир учун осмон жисмлари ҳам образ, жонли мавжудотдай тасвир мавзудир. Шуниси ҳам борки, қасидаларнинг санъатлари, тасвирий воситалари ҳар бирида ўзгача ва улар умумий мазмунга уйғун.

Шоирнинг кенг қамровли нигоҳи, олам ва одамнинг бир бутунликда олиб қараши унинг қасидаларида ҳам яққол изини қолдирган. Улуғ санъаткорларнинг ҳаммасида бўлганидай, Навоий ҳам яхлитлик ва бутунлик қондасига, изчил фикрий-шуурий тизимга амал қилиб, сўз қасрини бунёд этган. Олти қасидани, агар ўқиштиш жоиз бўлса, бемалол мустаҳкам пойдеворли, нақшу кошнлари ҳар хил, аммо бир услубда яратилган олти ошёнли улкан бинога қиёс қилиш мумкин. Ҳар бир ошён – бир ҳайрат хонаси, таважжуҳ ва тафаккур, тахайюл ва тасвир ҳайрати.

«Ситтаи зарурия» қасидалари «Девони Фоний»га киради. Устоз Ҳамид Сулаймон девоннинг Париж ва Истанбул нусхалари асосида ушбу қасидаларни 1968 йилда «Адабий мерос» мажмуасининг 1-сонида арабий ва кириллицада нашр эттирди («Тухфатул афкор» Навоий асарлари 15 жилддигининг 5-жилди иккинчи китобида 1965 йилда нашр бўлган эди). Қасидалар шундан кейин Душанбеда 1993 йили араб ёзувида «Ирфон» нашриёти томонидан «Девони Фоний» таркибида чоп этилган.

«Девони Фоний» ҳақида Ҳ. Сулаймон, А. Мирзоев, Ё. Исҳоқов, Ш. Шомуҳамедов, Э. Шодиев, Б. Валихўжаев, Р. Воҳидов, Н. Маллаев, Али Муҳаммадий, Ш. Шукуров каби олимлар фикр баён этдилар. Айтиш жоизки, кўпроқ татаббуъ ҳамда Навоий ва Ҳофиз масаласи олимлар диққатини жалб этган.

Аммо «Ситтаи зарурия» қасидалари М. Қодированинг «Айнул ҳаёт» қасидасига бағишланган мақоласини («Адабий мерос», 1-китоб, 109 – 112-бетлар) ҳамда «Тухфатул афкор» ҳақидаги умумий фикрларни истисно этганда, жилдий бир таҳлил қилинмай келди. М. Қодирова мақоласига келсак, муаллиф шўро олимларининг тасаввуф ҳақидаги чала ва нописанд қарашлари доирасидан ташқарига чиқмаганлиги, Навоий ниятини етарли англамагани кўриниб туради. Модомики, шоирнинг форсий ашъори унинг ада-

бий меросининг ажралмас қисми экан, бу асарлар диққат билан ўрганилиши зарур деб ҳисоблаймиз. Шуларни назарда тутиб, биз «Ситтаи зарурия» қасидаларини алоҳида-алоҳида кўздан кечириб таҳлил этишни лозим топдик.

ПОК РУҲ МАДҲИДА

«Ситтаи зарурия»нинг биринчи қасидасини Навоий «Рухул қудс» (Пок, муқаддас руҳ) деб номлаган. Қасида Аллоҳ таоло тавҳиди тасвирига бағишланган. Бутун олам ягона Рух қудрати ҳосиласи эканлиги, бу қудрат энг кичик заррадан чексиз коинот қадар ҳар бир ашё ва ҳаракатда намоён бўлиши баён этилади.

Қасиданинг матлаъи мана бундай:

Зиҳи ба хомаи қудрат мусаввари ашъё,
Ҳазор нақши ажаб ҳар замон аз ў пайдо.

(Бутун нарсаларга сурат бағишлаган — яратган Қудрат қаламига офарин. Ҳар лаҳзада бу Қаламдан минг-минг ажойиб нақш — суратлар пайдо бўлади).

Навоий дostonларидаги биринчи бобларда ва барча «ҳамдия ғазаллари»да бўлганидай, ушбу қасидада ҳам тавҳид моҳияти тасаввуфнинг ваҳдатул вуҷуд таълимоти асосида талқин этилади. Яъни олам яхлит ҳолда яккаю ягона Парвардигор қудрати билан яратилган ва ана шу Рухи мутлақнинг тажаллиси туфайли мавжудлик топади, у узлуксиз ҳаракат ва фаолиятдадир.

«Рухул қудс» қасидасида ушбу беинтиҳо Қудратнинг нималарда кўриниши, Уни идрок этиш, англаш ва қатъий ишонч ҳосил қилиш (имон) масаласи ёритилган. Шу илоҳий қудрат туфайли еру осмон, ою қуёш бир мунтазамликда ҳаракат қилади. Қатра ҳам, уқёнус ҳам, зарра ҳам, қуёш ҳам, етти сайёра, тўрт унсур, тўққиз қават осмон, фалак ва малаклар мавжуд. Унинг лутфи билан ожизлар қудрат топиши ва аксинча, қудратлилар ҳақиру ночор бўлиши мумкин. Лайли ва Узрода ҳуснингни намоён қилиб, бу орқали Мажнун ва Вомиқни Ўзингга шайдо қилгансан, булбулнинг шавқию парвонанинг талпиниши ҳам Сен учундир, дейди шоир.

Қасида ўн икки қисмдан иборат. Биринчи қисм — насибда (9 байт) Илоҳий қудратга умумий таъриф берилса,

иккинчи қисмда (20 байт) одамнинг яратилиши, одам хилқати ҳақида сўз боради. Учинчи қисмдан еттинчи қисмга қадар (45 байт) йилнинг тўрт фасли таърифланади. Замон ва макон тушунчалари, фаслларнинг алмашилиб туриш қонунияти, турфа кўринишдаги рангли одам жилоларида Илоҳий қудрат сунъ ва синоатининг намоён бўлиши кўрсатилади.

Кейинги қисмда баҳор фаслининг қайталаниши тасвиридан собиту сайёраларнинг таъсири, сайёралар ҳақидаги қадимий тасаввурлар хусусида фикр баён этилади. Сўнгра ўн икки буржнинг ҳар бирининг тавсифи келади. Шу тасвир асносида Арш, Курси, малоикалар ифодали байтлар билан таърифланиб, ана шу бепоён оламда Пайғамбаримиз Мустафо (САВ) Меърож кечаси яшин каби сайр этиб чиққанлари ва оний бир лаҳзада Аллоҳ ҳузурда бўлиб, тўқсон минг каломи илоҳийни тинглаб, қайтиб келганларида ҳали тўшаклари совумаганлиги ва бу Парвардигор кўрсатган бемисл мўъжизалардан бири деб айтилади:

Навад ҳазор сухан гуфта бозгардондй
Ки гарм буд зи сайре чунин ҳанузаш жо.

(Тўқсон минг сўз айтиб, яна орқага жўнатдинг,
Бу сайрдан қайтиб келганда ўрин ҳали иссиқ эди).

Шу тасвирлардан кейин Навоий Худованди Каримга илтижо этиб, бир неча байт муножот битади ва охирида қасиданинг ёзилиш тарихи (1494 йил), номланиши ҳақида маълумот беради. Қасида 132 байтдан иборат бўлиб, қуйидагича тугайди:

Умед он, ки ба анфоси қудсиям бахши
Такаллуме, ки сароям пайи ту ҳамду сано.

(Умидим шуки, менга қудсий нафас (нутқ) бағишласанг, токи Сенинг учун ҳамду санолар айтсам).

«Рухул қудс» қасидаси Алишер Навоий дунёқараши, тафаккур оламини чуқурроқ ўрганишимизга ёрдам беради. Яъни шоирнинг олам ва одам ҳақидаги тушунчалари муайян тизимга эга: олам ўз-ўзидан мавжуд эмас, у яратилган. Уни Аллоҳ таоло яратган. Демак, борлиқ асосида айнан Аллоҳ таоло – муқаддас, пок нур (руҳ) ётади. Бу руҳ (нур)нинг қудрати чексиз, каттадир, кичикдир бирор

нарса йўқки, ундан ташқарида бўлса, унинг қудратини ҳис этмаса.

Шу Қудратли Парвардигор оламини яратгач, оламини ҳам яратди ва унга улуғ мартаба берди:

Чу аз замин-аш бардошти ба сад эъзоз,
Ба мартаба гузарондй зи торами хузро.
Ба хоки жисмаш борони раҳмат афшонди,
К-аз он мулоимат овард тийнаташ пайдо.

(Лойдан ясаб, кейин уни ердан юз эъзоз билан кўтардинг, мартабасини осмон гумбазидан оширдинг. Тупроқ жисмига раҳмат ёмғирини сочдинг, шундан тийнати тирриклик ва ҳаракатчанлик пайдо қилди).

Шундан кейин Навоий-Фоний одам баданининг тузилиши, унинг ички ва ташқи аъзолари вазифаси, жисм мўъжизавий мукамаллиги, одам жисмининг тузилиши билан олам тузилиши орасидаги яқинлик хусусида ёзади. Одамдаги ҳар аъзо – асаб, қон айланиши, юрак, ҳиссий аъзолар барчаси Аллоҳ қудрати мўъжизаси, аммо булар орасида икки нарса оламини мумтоз этадиган яна ҳам улуғроқ мўъжизалардир. Булар ақл ва кўнғил. Агар инсон бадани бир мамлакат бўлса, кўнғил унинг шоҳи, ақл эса вазиридир:

Фариб кишваре орошти зи шаҳри бадан,
Ки мулк то малакут он чи ҳаст – ҳаст он жо.
Дар ў нишонди дилро ба тахти султони,
Ки шуд ба расми салотин хидеви мулкоро.
Хирал вазорати он шоҳро муайян шуд,
Галойи шоҳу вазирон камина банда туро.

(Фаройиб бир мамлакат туздингки, моддийликдан маляккача унда бор. Бу мамлакат тахтига дилни шоҳ қилиб ўтқаздинг, то у бу мулкни эгаллаб, ҳукмрон бўлди. Бу шоҳга ақлни вазир этдинг. Бундай шоҳ билан вазирларга гадо бу камина Сенинг бандангман).

Бу ташбеҳ-тамсилдан ижтимоий маъно ҳам келиб чиқади, яъни агар шоҳ поклик маснадида юрт посбони бўлса, вазир барча тадбир ва дастурларнинг мутасаддиси, ақлу заковат тимсоли бўлмоғи лозим. Бунда Навоийнинг дилкўнғилни биринчи ўринга қўйганлиги ҳам диққатни тортади. Чунки, Навоий наздида кўнғил – Аллоҳ макони, демек, адолат, олий даражадаги билимдонлик, ғайб ас-

роридан бохабарлик, инсон вужудини бошқариш Кўнгилга тегишли. Кўнгил – инсоннинг эътиқоди, иймони рамзи, ақл ҳам, билимлар тафаккур ҳам Кўнгилга тобеъ ва унга хизмат қилади. Бу ҳам сўфиёна таълимот ва ҳам шоирона идроку тасаввурга мос тушунчадир. Зеро, Олам Аршида Аллоҳ ҳоким бўлса, Инсон вужуди мулкида Кўнгил ҳоким. Инсоннинг ўзи эса, агар у комил бўлса, жамики махлуқотларга сарвар, яъни Аллоҳ халифаси. Аммо бу мартабани қозониш учун инсон ўз нафсига ҳоким бўлиб, Кўнгилга айланиши керак. Инсон шу учун суратда олами суғро, маънида олами кубро бўла олади.

Бу – Аллоҳ қудратининг улуғ мўъжизаси. Навоий ибораси билан айтганда, Инсон – ажиба. Яъни мўъжизавий ҳайрат тимсоли. Зеро, унда еру кўк, жонзотлар, ўсимликлар хусусияти жам, яна Аллоҳ омонати – Ақл ва Ишқни ҳам бўйнига олган:

Дар он ажиба намудори аз ҳама карди,
Амонатро ҳам лодияш ба расми хафо.

(Бу ажибада ҳамма нарсани намоён этдинг, яширин сақлаш учун омонатингни ҳам бердинг).

«Яширин сақлаш учун» ибораси Қуръондаги «Мен банда қалбида муҳаббат бўлиб кирган яширин хазинаман» оятига ишорадир («Бақара» сураси, 151-оят).

Мана шу олами кубро (улуғ олам) бўлган инсон вужуди тўрт унсурдан (ҳаво, олов, тупроқ, сув), одамнинг мизожи ҳам тўрт хил: иссиқ, совуқ, ҳўл, қуруқ. Табиат ҳам тўрт фаслдан иборат: баҳор, ёз, куз, қиш.

Ушбу қасидада Аллоҳнинг қудрати намойиши бўлган тўрт фасл хусусиятлари бир-бир тасвир этилади: баҳордаги табиат жонланиши, гул-лодаларнинг барқ уриб очилиши, ёқимли шамоллар эсиши, ёмғирнинг ҳаётбахшлиги ва ҳоказо. Шу каби ёзнинг иссиғию саратон тафти, кузнинг сокинлиги, мудроқлаша бориш, пишиқчилик гашти, қишнинг шиддатли совуғи ҳам жонлантириб, инсон тасаввури ва ҳиссиётлари идроки билан боғлаб тасвирланган. Шоир баҳорни ёш бола, ёзни ўспирин, кузни етуклик, балоғатга етган одам, қишни умр адоғи сифатида ташбеҳ этади. Масалан, ердан майсаларнинг ниш уриши тасвири:

Ки дид пири фурӯрехта ба хоки замин,
Ки сар баровард атфолон ба нашъунамо.

(Ёқимли баҳор насими таъсиридан қари ернинг туп-роғи яшариб, ёш гўдаклар мисоли майсалар нашъунамо этиб бош кўтарди).

Ёки ёзнинг бошланиши ажойиб сўз ўйини ва жонлан-тириш санъати билан тасвирланган:

Фиканд оташи айёми сайф дар олам,
Чу барқи оҳ зи анфоси ошиқи шайдо.

(Ёзнинг оловини оламга туширди. Бу худди шайдо ошиқ нафасидан чақилган чақмоқдай эди).

Бу байтда «сайф» икки маъноли: 1) ёз ва 2) қилич. Шу боис қилич ва олов, қилич, олов ва чақмоқ қиёслаб олиниб, чиройли тасвир ҳосил қилинган. Яъни ёзнинг оташи қилич дами — чақмоқдай тушди. Бу иссиқлик шиддати ошиқ оҳининг шиддатини эслатади.

Кўринадики, шоир ташбиҳлари инсон кечинмалари ва ўзининг сўфиёна гоёлари билан боғлиқ ҳолда тузилган. Масалан, қишда дарахтларнинг яланғоч бўлишини ёв лашкари талаган шаҳарга, узун тунларни ёрнинг узун сочига, совуқ шиддатини барбод этган вабога ўхшатгани ҳам сўз санъати сеҳридан дарак бериб туради.

Бу ўринда шуни айтиш керакки, Навоий-Фонийнинг «Фусули арбаа» деб номланган тўрт форсий қасидаси ҳам фасллар таърифига бағишланган бўлиб, ундаги санъаткорона тасвир билан «Рухул қудс» қасидаси тасвирлари яқин келади. Фарқ шундаки, «Фусули арбаа»да бу тасвирлар кенгроқ берилган.

Чунончи, «Саратон» қасидасининг матлаъи:

Боз оташи хўр сохт самандар саратонро,
Афўрхт чу оташкада гулзори жаҳонро.

(Қуёш олови яна саратонни самандарга айлантирди, жаҳон гулзорини оташкада — олов кўраси каби ёндирди).

Бунда ҳам сўз ўйини бор. «Саратон» ёзнинг иккинчи оғи номи ва қисқичбақа (бурж номи). Қуёш оловининг зўридан қисқичбақа самандар — ўт ичида яшовчи жониворга айланди, дея муболаға санъати ва ҳам яширин ташбиҳ санъатини ишлатади шоир. Гулзорни эса муғларнинг олов ибодатхонаси — оташкада билан қиёс этган, яъни ёз баҳор

гулзорини оловхонага айлантирди деб тасвирлаган. Навоий «Саратон» қасидасида «олов» (оташ) образини ривожлантириб бораверади ва иссиқ ёзининг аниқ лавҳаларини ашёвий тасвирлар билан қайта кўз олдимизга келтиради.

«Рухул қудс»да ҳам, «Фусули арбаа»да ҳам табиат гарчи Парвардигор қудрати намойиши сифатида талқин этилса-да, аммо табиий ўзгаришлар, ҳарорат, ранг, муҳит алмашилиши инсон ҳиссиёти, кўзи орқали, қарашлари билан тасвирга туширилган. Бу юлдузлар, ой, қуёш, буржлар тасвирида ҳам аниқ сезилиб туради.

Шундай қилиб, «Рухул қудс» қасидаси Аллоҳ таолонинг қудратига мадҳия. У яратган олам ажойиботлари тавсифи ва тасвиридир. Шоирнинг оламини ягона Пок Рух ижоди деб қабул қилгани, исломий-сўфиёна эътиқоди ҳар бир байтда чуқур акс этган. Бу гоё қасида сўнгида муножот тариқасида яна бир бор хулосаланган:

Бузургвор Худоё, ба ҳаққи тасбеҳат,
Ки зокиранд бад-он хайли олами боло.
Ба зоти покат, к-аш мисл набваду монанд,
Ба файзи қудсат, к-аш шабеҳ набваду ҳамто.
Ба ҳурмати набиаллоҳ, ки ҳаст чун хуршед,
Ба фарри макраматаш хайли зарра жумла гувоҳ,
Ки то муқайяди дори фано бувад Фоний,
Бидор сирати ў дар тариқи фақру фано.

(Эй улуғвор Худованд, юқори олам хайли зикрингда бўлган тасбеҳу дуо ҳаққи, мисол ва ўхшаши йўқ пок Зотинг қиёси ва ташбиҳи бўлмаган покиза файзинг ҳаққи, қуёшдай порлоқ Набиюллоҳ ҳурмати, заррадан коинотгача ҳамма гувоҳ бўлган унинг мукаррамлиги нури ҳаққи, Фонийнинг, токи у бу фоний оламда ҳаёт қайдида экан, сийратини фақру фано тариқида тут. Вафотидан сўнг лутфу караминг ила сийла).

Бу сўзлар қасидани ўқиган одамнинг қалбини жунбишта келтиради, пок Парвардигорга муҳаббатимизни оширади, дилимизга илоҳий нур киритади. Шеърнинг, санъатнинг қудрати ва фазилати мана шунда.

Шундай қилиб, «Рухул қудс» қасидасида:

1. Аллоҳнинг яккаю ягоналиги гоёси, яъни тавҳид гоёси дунё ҳодиса ва нарсалари хусусиятларини англатиш орқали исботланади. Бошқача айтганда, моддий дунёни идрок

этиш орқали Аллоҳ қудрати, сифатлари идрок этилади. Илоҳий маърифат дунёда кўринган илоҳий ҳикмат воситасида тушунтирилиб, талқин этилган.

2. Алишер Навоийнинг Олам ягоналиги, олам асосида Мутлақ руҳ ётиши, Мутлақ руҳ Тажаллийси мўъжизалари, Олам ва одам орасидаги узвий алоқа борасидаги қарашлари фалсафий-сўфиёна маънолар билан, нозик ва ёрқин ташбиҳлар билан тушунтирилган.

3. Шоирнинг Пок Парвардигорга чексиз муҳаббати, Унинг мўъжизаларидан ҳайрати бундан ҳосил бўлган порлоқ бадиий тасвирларда намоён бўлган.

ҲАЁТ ЧАШМАСИ

«Ситтаи зарурия»даги иккинчи қасида Муҳаммад Мустафо (САВ) наътига бағишланган бўлиб, у «Айнул ҳаёт» («Ҳаёт чашмаси» ёки «Ҳаёт манбаи») деб номланган.

Маълумки, Навоий ижодида Пайғамбар(САВ)га бағишланган наътлар кўп. Ҳар бир девон аввалида Парвардигор ҳамдидан кейин Пайғамбари Акрамга аталган наът ғазаллар келтирилади. Баъзи девонларнинг ўрталарида ҳам наът ғазал бор. Достонлар ҳам аввал Худованд ҳамди, сўнгра Пайғамбар наъти билан очилади. Бу – анъана. Худди шу сингари «Ситтаи зарурия» яхлит бир асар деб қаралгани учун биринчи қасида тавҳиди Бори таолони талқин этса, иккинчи қасида Пайғамбар Меърожи тасвирига бағишланган. Меърож Навоий-Фонийнинг алоҳида севган мавзудир. Чунки Навоий ҳам, бошқа сўфий ёки мутасаввиф шоирлар ҳам Пайғамбар Меърожида тасаввуф ғояларига яқин нарсани ва сўфийларнинг руҳ уружи (кўтарилиши), тариқат мақомларини эгаллаб, Парвардигор ҳузурига мушарраф бўлиш ғоясининг исботини кўрадилар. Шу боис Меърож кечаси Расули акрамнинг Коинот бўйлаб сайри, Буроқ отида Жаброил(АС) жиловдорлигида етти қават осмондан ошиши ва Аршга яқинлашиб, Оллоҳ билан суҳбатлашиши катта шавқу завқ, қайноқ илҳом билан тасвирланади. Бу табиий, чунки ушбу мавзу ўз хусусияти ва моҳияти билан шоиронадир. Шу боис у буюк шоирлар илҳомини қанотлантирган. Ва, эътиборлиси шуки, Навоий достонлари, хоҳ ғазал, хоҳ қасидаларида бўлсин, ҳар гал ушбу мавзунини янги, тоза

тасвирлар билан ёритади, айнан такрорламай, янги-янги усуллар қўллайди.

«Айнул ҳаёт» қасидасида ҳам асосан Меърож туни тасвирланган ва алоҳида йўл танланган. Қасида 106 байтдан иборат, аммо шундан 40 байти бевосита Пайғамбар(САВ) нинг Арш томон кўтарилишларига бағишланган, холос. 66 байт шеър эса ана шу Меърож кечасининг тасвири, яъни Расулulloҳ йўлга чиққунларигача бўлган осмон ҳолати, собит ва сайёра юлдузлар, ер ашёлари бир-бир тасвирланади. Гўё бутун Коинот, фалак Муҳаммад Мустафо(САВ)нинг Меърожига тайёргарлик кўраётгани, ростланиб, безаниб, шукуҳланиб, интизорлик билан кутаётгани баён этилган. Зеро, бу алоҳида Тун, Парвардигор ўз Расули, ҳабиби билан дийдор кўришган файзли, жозибали Тун эди.

Буни асарнинг биринчи байтидаёқ сезиш мумкин:

Ҳожибони шаб чу шодурвони савдо афгананд,
Жилва дар хайли бутони моҳсиймо афгананд.

(Тун ҳожиб – пардадорлари савдо чодирларини кўрган-да ой юзли гўзаллар хайлига жилва – нур туширадилар).

Ташбиҳ ва тасвирнинг гўзаллигини қаранг! Бу ўринда савдо тайёргарлик, фаол ҳаракат маъносини англатади. Ҳожиб сўзи пардадордан ташқари, кўриқчи фаришталар маъносини ҳам ифодалайди. Ой юзли гўзаллар – сайёралар. Демак, тун фаришталари тараддудга тушиб, шоҳона чодирлар қуриб, сайёраларни безатдилар, демоқчи шоир.

Кейинги байт:

Сад ҳазорон кирми шабтоб аз шабистони сипеҳр,
Ламъаҳо бар пардаи шабгуни ғабро афгананд.

(Осмоннинг тоқидан юз минглаб ялтироқ қуртлар – юлдузлар ернинг қоронғи пардасига ёғдулар тўкадилар).

Шу тариқа, тасвир боя «Рухул қудс» қасидасида бўлганидек икки ёқлама давом этади: бир томондан, гоят оригинал ташбиҳ ва истиора, эйҳомлар билан осмон жисмларини таъриф этиш; иккинчи тарафдан, осмон жисмлари, ердаги ашёларни инсон идрокига, ҳаётга яқинлаштириб, жонлантириб байтлар тузиш. Гўё самовий жисмлар ҳам образ ва ҳам моддий мавжуд ашёдай таассурот қолдиради ўқувчида. Биламизки, қадимда осмон жисмла-

ри — сайёралар, юлдуз туркумлари, буржлар турли хислат ва хусусиятларга эга деб қаралган. Улар инсон тақдири ҳамда ҳаёт ҳодисалари билан вобаста қилиб тушунтирилган ва кўпининг номланиши ҳайвонларнинг номи (қисқичбақа, ҳўкиз, чаён, балиқ каби) ёки инсонга керак ашё-асбоблар (далв, тарози) ёинки инсон касб-кори (камон отувчи каби) билан боғлиқдир. Навоийда осмон жисмлари руҳлар макони, фаришталар жойи, улар гўё тирикдай этиб тасвирланади. Ушбу қасиданинг умумий руҳи бир хушнудлик, фараҳбахшлик бўлгани учун ҳар байт мазмунида ҳам бу сезилади. Коинот, борлиқни Аллоҳ яратган, жамики ҳаммаси Аллоҳга тасбеҳ айтади. Бироқ Меърож кечасида улар Аллоҳ ҳабибининг ташрифидан жунбишга келган ва худди жонли оламдай бу ҳодисадан сарафроздирлар.

Мана бу тасвирга диққат қилинг:

Ашкрезон наъш бар дўши банот аз сўти меҳр,
Жумла бар сарҳо паранди анбаросо афгананд.

(Етти оғайни юлдузларнинг ҳар бири меҳру муҳаббат йигисидан бир-бирининг кучоғига бош қўйиб кўз ёши тўкадилар; ҳаммасининг бошида анбар ҳидли ҳарир ёпилган).

Қадимги илми нужумда Етти оғайнини Дубби акбар (Катта айиқ) ёки Банотуннаъш деганлар. Банотуннаъш — ўлик биродарлар дегани аслида. Аммо ана шу ўлик жисмлар ҳам Меърож тунни жон ҳосил қилиб, шодликдан меҳр ёши оқизиб, анбар ҳидли ҳарирга ўраниб, Расулulloҳни кутмоқдалар, дейди Навоий.

Ёки мана бу байтни олайлик:

Қутб чун пире ба тамкин в-ахтару анжум самоъ,
Чун муридон гирди пире пойбаржо афгананд.

(Қутб юлдузи худди вазмин пир каби, юлдузлар эса уни эшитиш учун муридлардай ўртадаги пирни ўраб олганлар).

Бу тасвир тариқат аҳли хонақоҳларидаги мажлисларга ишорадир: пир вазмин ва тамкин билан ўртада ўтиради, муридлари унинг атрофида тавозе билан ўтириб суҳбатини тинглайдилар ёхуд рақсу самоъ уюштириб, илоҳий жазба насибасини топадилар.

Шунақа чиройли ташбихлар билан осмон жисмларидан Миррих, Муштарий, Ой, Зухра, Насри воқеъ (Бургут), Савр (Ҳўкиз), Сурайё, Қавс (Ёй отувчи)ларнинг ху-

сусиятлари қаламга олинади. Зухранинг чолғувчилиги, мутриб ва муганнийларни атрофида жамлагани, камончининг найза билан Эчки (бурж номи)ни сахрога қувгани ва бошқа жонли тасвирлар, шу каби юлдузлар, фалак посбони сифатида Ерда одамлар ором олиб ухласин учун уйғоқ туриши ҳақида сўз боради, аммо одамлар орасида шундайлари ҳам борки, тунларни бедор ўтказадилар:

Ғайри ушшоқи балокаш, к-аз ғами ҳижрон чу ман,
Наъраи «воҳасрато» бар чархи мино афгананд.

(Фақат мен каби балокаш ошиқлар бундан мустасно, чунки улар ҳижрон ғамидан «воҳасрато» наърасини чархнинг нилгун гумбазидан ўтказадилар).

Ҳа, Илоҳ ошиқлари тунларни нола чекиб утказадилар, маъшуқа – Худованд ёдида ёнадилар. Навоий ўзини ана шу балокаш ошиқлар зумрасига қўшган, зеро, шундай бўлмаганида Навоий бундай оташин ҳислар оғушида қайнаб, ўлмас асарлар битмаган бўларди.

Алишер Навоий бундай «ишқу вафо» аҳли бўлган ошиқлар тавсифини давом эттиради:

3-оби чашми ҳасрат аввал дода зоҳирро вузу,
Оташ аз ботин ба жони ношикебо афгананд.
3-оҳи ҳасрат парда бар рухсораи ахтар кашанд,
3-ашки маҳжурий халал дар тоқи ҳазро афгананд.
Чун ба тавфи равзаи хилваттаҳи дил рў ниҳанд,
Бурқои номаҳрами бар рўйи хуро афгананд.

(Зоҳир танани аввал ҳасрат кўз ёшлари билан таҳорат қилиб, поклайдилар, сабрсиз жонга ботин оловини юборадилар. Оҳу ҳасрат билан юлдуз юзига парда торгадилар, айрилиқ азоби ёшлари билан осмон гумбазини тешадилар; агар кўнгилнинг хилватхонаси тавофига юз бурсалар, ҳурлар юзига номаҳрамлик пардасини соладилар).

Демак, шоир тунги осмон тасвиридан ерга кўчар экан, гапни тунлари бедор ошиқлар аҳволини баён этишдан бошлайди. Ошиқ солиқлар аҳволи яна бир неча байтда давом этиб, сўнгра тонг саҳарда шоҳ мулозимларининг ноғора чалиши, ғафлат ётган улус, насронийларнинг калисоларга ибодат учун бориши, роҳибларнинг монастир – дайрда уйғониб бутпарастликка машғул бўлиши, муаззинларнинг «Аллоҳу акбар» деб бонг уриши тилга олинади. Яъни ердаги турли эътиқодли одамлар ҳаётининг бошланиши кўз ол-

димизга келаверади. Шоир ҳатто майпараст риндлар, ёрини кутган йигит-қизлар ҳолатини ҳам чиройли қилиб чизади.

Эл уйғонганда, ҳар бири ўз мақсад йўлида ишга киришиб кетади. Аммо шу ўринда ҳам Навоий икки тоифа одамлар — ҳақлараст солиқлар ва шаҳватпарастларни ажратиб кўрсатишни лозим топади: шаҳват ва гуноҳ аҳли ожиз, улар гуноҳларини яшириш учун ўзларини сувга урадилар, шошиб ювинадилар, ҳолбуки, ҳақлараст поклар масжидга йўл олиб, жойнамоз устида тоат қиладилар. Қозию муфти ва бошқа исботу иснодга ўрганган зоҳирбин олимлар ҳарифни мот қилиш учун юзни ювмасдан китоб жузвларига ташланадилар. Қозилар даргоҳидаги кофир ходимлар бир қисм кумуш учун юз мусулмоннинг уйини бузишга фатво чиқарадилар.

Шу тариқа ҳар хил тоифадаги одамларнинг номуносиб ва нодуруст хатти-ҳаракати баён этилади. Савдогарларни Алишер Навоий «девмардум» (девсифат одамлар) деб таърифлайди. Чунки, дейди у, бу тоифа қароқчилар гуруҳидан қолишмайди, улар бозорга фириб ва алдов учун уя қуриб олганлар. Савдогарлар:

Дар замони байъ чун туғён кунад «инсофашон»,
Бурёро туҳмати зарбафт коло афгананд.

(Савдо вақтида «инсофлари» туғён этганда, бўйрани зарбоф мато деб пуллайдилар).

Қанчалик заҳарханда, кинояли кесатиқ бор бу байтда!

Қасиданинг бу қисмида яна пок тийнатли тақводор инсонларнинг ажзу ниёзи, ёлғиз Аллоҳга пок дил билан интилишлари баён этилиб, шундан сўнг Пайғамбар Меърожи тасвирига ўтилади:

Хожаи кавнайну фаҳри анбиё, к-асҳоби ў,
Соя бар хуршид, бал Арши муалло афгананд.
Гарди роҳаш ахтарон дар дидаи равшан кашанд,
Хоки пояш равшанон дар чашми бино афгананд.

(Икки дунё Хожаси, анбиёлар фаҳриким, унинг суҳбатдошлари Қуёшга, балки баланд Аршга соя соладилар. Унинг йўлининг губорини юлдузлар равшан кўзга суртадилар, оёғи тулроғини равшан кўзлилиар кўрувчи кўзга қўядилар).

Жаннат ҳурлари пешвоз чиқиб, биҳишт эшигини султурадилар ва мушки анбар сепадилар, безаниб қарши ола-

дилар. Меърож кечаси Арш аҳли Пайғамбар отининг пойандози қилиб юлдуз дурларини сочадилар. Фалакни кезувчи Буроқини етаклаб борарканлар, эгарини жавзоу, эгарпўшини меҳр (қуёшдан) қилганлар. Бир эмас, юз минг қуёш унинг қуёши олдида сўнади, чунки у ҳам рисолат (расулик), ҳам нубувват (пайғамбарлик) соҳибидир.

Осмон жисмлари яна тилга олинади. Энди улар Меърож билан, Муҳаммад Мустафо (САВ)нинг сайри билан боғлаб тасвирланади.

Мана бу байт характерли:

Аз аҳодисат «саҳиҳе»ро равот андар рақам,
Бо рубоб аз ҳадди Батҳо то Бухоро афгананд.

(Агар ҳадисларинг саҳиҳ йўл билан рақам қилинса, дуруст йўлдан Маккадан Бухорогача етиб келади).

Бунда Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ва унинг шоҳ китоби «Жомеъус саҳиҳ»га ишора бор. Имом Бухорий орқали Бухоро Макка каби шариф бўлди, Пайғамбар ҳадислари маконига айланди, демоқчи ҳазрат Навоий.

«Айнул ҳаёт» қасидасида Пайғамбар сифатлари мадҳ этилиб, охирида Навоий ўзини умидвор умматлардан эканлигини айтиб, у кишидан шафоат этишларини тилайди ва қасида 106 байтдан иборат эканлигини ёзув орқали ишора қилади. Яъни «оби бақо» сўзининг ҳарфлари абжад ҳисобида бир юз олти бўлади.

Қасидада Навоийнинг санъаткорлиги, кенг қамровли шоирона нигоҳ билан қалам суриши кишини лол қолдиради ва у қалбга ҳузур бағишлайди.

«Айнул ҳаёт» қасидаси «Руҳул қудс» қасидасининг давомидай янграйди. «Руҳул қудс»даги ваҳдатул вужуд ғояси, коинотни кенг олиб тасвирлаш бунда ҳам мавжуд. Фақат бунда сайёра ва юлдузларнинг хоссаларини қўшиб тасвирлаш, ердаги инсонларга танқидий муносабат алоҳидалик касб этган. Навоий Комил инсон Муҳаммад расулуллоҳ (САВ)ни оташин муҳаббат билан алқайди, шоирнинг Худога муҳаббати Пайғамбарга бўлган муҳаббатида давом этади. Сўфиёна туйғулар, қарашлар наби наътининг ичига сингдирилиб, шу нигоҳ мавқеидан «гуноҳкор» Ер бандаларининг ножоиз хулқу атвори танқид қилинган.

Қасида шу учун ҳам ўқувчига кучли таъсир этади.

ТАФАККУР ТУҲФАЛАРИ

«Ситтаи зарурия»нинг учинчи қасидаси — «Туҳфатул афкор» («Фикрлар туҳфаси»)да дарвешликнинг олий рутбаси фақр хусусида мушоҳада юритилди. Яъни: аввал Аллоҳ ҳамди, кейин Пайгамбар наъти, ундан кейин эса вали дарвеш таърифи келтирилган. Қасида шу боис ҳам Навоийнинг пири муршиди — буюк шоир ва сўфий Абдурахмон Жомийга бағишланган.

Аммо «Туҳфатул афкор» қасидаси қиёс усулида, айтиш мумкинки, кўпдан-кўп тамсил — мисоллар билан ёзилган асардир. Бошқача қилиб айтсак, Навоий фақрнинг моҳиятини очиш учун унинг зидди бўлган сифатларни бу сифат билан солиштириб бораверади. Натижада, фақр ва ғайри фақр бўлган нарсалар нима эканлиги очиқлиб боради ва фақр Комил инсоннинг олий сифатлари мажмуи, идеал софлик ва поклик, фазлу каромат, юксак илоҳий ва айни вақтда инсоний сифатлар тажассуми деб улуғланади. Аммо шунини айтиш керакки, Навоийнинг ушбу қасидаси чуқур ижтимоий-ахлоқий мазмунга молик асар: унда жамиятнинг энг юқори қатлами — подшоҳ ва аъёнлардан тортиб, то табибу даллолларгача тилга олинган.

Қасида қуйидаги байт билан бошланади:

Оташини лаъле, ки тожи хусравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

(Подшолар тожининг безаги бўлмиш оловдай ёниб турган лаъл улар бошидаги хом хаёлларни пиширувчи чўғдир).

Демак, асарда бошиданоқ шоҳ ва шоҳликка нисбатан салбий муносабат кўзга ташланади ва бу бир неча байтда давом эттирилади:

Шаҳ, ки ёд аз марг н-орал з-ўст вайронии мулк,
Хусрави бе оқибат хусри билоду кишвар аст.

Қайди зийнат масқити фарру шукӯҳи хусравист,
Шери занжири зи шери беша камсавлаттар аст.

(Ўлимни эсламайдиган шоҳ мамлакат вайроналигига сабаб бўлади, чунки оқибатсиз подшо юртга фалокат келтиради. Хусравлар — подшоларнинг дабдабаю ҳашамати зебу зийнатга берилиш(боғлиқлик)дир — ахир занжирбанд шер ўрмондаги шердан кўра камсавлатдир).

Бу байтлар Навоийга бағишланган тадқиқотларда, айниқса, «Девони Фоний» ҳақида ёзилган ишларда келтирилиб, шоирнинг шоҳу султонларнинг халққа жабру ситами, адолатсизлигини фош этиши тарзида талқин қилинади. Дарҳақиқат, Навоий бу байтларда подшони нафрат билан танқид остига олади, сўз ўйини қилиб («хусрави беоқибат» деганда у «хусрав» сўзининг араб ёзувидаги ҳолатига ишора этади: «хусрав»нинг оқибати — охирги ҳарфи олиб ташланса, у хуср, яъни фалокат маъносини берадиган сўзга айланади), охиратни ўйламайдиган, Худодан қўрқмайдиган подшо юрт учун, жамият учун фалокатдир, деб рўйирост айтади. Шоҳу амирлар мамлакатнинг энг нуфузли кишилари, подшоҳ Аллоҳнинг ердаги сояси деб ҳисобланган бир даврда бундай фикрни айтиш, албатта катта жасорат эди. Аммо бу шунчаки бир танқидий фикр эмас, балки тасаввуф мавқеидан, Жомий мавқеидан туриб айтилган фикр эди. Бундай дадил гапларни айтишга Навоийга тасаввуф ғоялари илҳом ва куч берган. Чунки сўфийлар ақидаси бўйича, подшо дунё ташвиши билан банд, дунёга, унинг молу мулки, давлатию савлатига боғланган шахс тимсоли. Шоҳ — дунёпарастлик, манманлик, дабдаба ва демак, нафс рамзи. Ҳолбуки, дарвешлик бунинг бутунлай акси. Дарвеш фақир дунё ва унинг молига, демак тожу тахтга ҳам эътибор қилмайдиган, қалби Аллоҳ нури билан порлаган одам. Шоҳу гадо (дарвеш), шундай қилиб, бир-бирига тескари олам, бир-бири билан келишолмайдиган дунёқараш ва эътиқод соҳиби. Уларнинг наинки эътиқоди, балки ҳаёт тарзи, ахлоқи, сифатлари ҳам бошқа-бошқа.

Шоир айтмоқچики, шоҳликнинг ўзи шоҳни занжирбанд этади, зеро, шоҳлик дабдабани, зеб-зийнатни, олтин-кумуш тўплашни талаб қилади. Бусиз шоҳликнинг қиймати йўқ. Иккинчи томондан, ана шу дабдаба ва бойлик ҳам саробдай гап, хомхаёл, чунки у ўткинчи — фоний. Дарвеш эса фоний дунёнинг эмас, балки боқий оламнинг ошиғи.

Бунинг Навоий қасиданинг яна бир байтида аниқроқ қилиб тасвирлаган:

Лозими шоҳий набошад холи аз дарди саре,
Кўси шаҳ холию бонги гулгулаш дарди сараст.

(Шоҳликнинг зарурияти бош оғриқдан холи эмас, шоҳ ноғорасининг ичи бўш, аммо гулгулалари овози бошни оғритади).

Бу ерда диққат қилсангиз, шоҳликнинг ўзи керакми, деган савол қўйилган. Модомики, шоҳлик дабдаба ва ҳашаматдан бошқа нарса эмас экан, модомики у нафс қўриқчиси экан, демак, у ортиқча, балки зарарли ҳам. Аммо Навоий батамом бу хулосага келган эмас. У бу масалада, Жомийдан фарқли ўлароқ, бошқа бир қарашга эгаки, бу ҳақда бошқа жойда тўхталамиз.

Ҳозир эса «Тухфатул афкор» қасидаси хусусидаги фикр-ни давом эттириб, қайд этамизки, Навоий подшолардан кейин келадиган мансабдорлар – вазир, садр, фақиҳ, қозиларнинг «хусусият»ларини ҳам санаб ўтади. Яъни: вазир вазминлик билан ўз ўрнида бошини эгиб ўтирса-да, аммо хаёли пора олишда, садр бўлса, қачон биров бир нарса кўтариб келади, деб эшикка тикилади, фақиҳ шариат қонунчилиги (фиқҳ)ни ҳийла-найранг домига айлан-тирган, ҳийлагар қози эса, ришва ундириш учун юз ёлғон «далиллар»ни гувоҳликка келтиради.

Булардан ташқари, воизу мулло, шайху муфтилар ҳам тамадан холи эмас.

Тамагир воизнинг гадован фарқи йўқ, унинг минбардаги сўзи бошқаю, қиладиган ишлари бошқа. Риёи шайхнинг сўзлари эса кўнгилни музлатиб, зимистон қилади, унинг тасбеҳи расволик уруғидир:

Тухми расвои дихад бар донан тасбеҳи зарқ,
Оре-оре, дона жинси хешро боровар аст.

(Иккиюзламачилик, макр тасбеҳи доналари расволик уруғи мевасини беради. Ҳа-да, ҳар қандай дона ўз жинсини кўпайтиради).

Бу ташбиҳни «Ҳайратул аброр»нинг «риёи шайхлар» бобида ҳам қўллайди шоир. Зотан, Навоийнинг бундай шайху сўфийларга нафрати бисёр. Чунки булар энг пок этиқод – тариқат эътиқодини бадном қилганлар, обрўсизлан-тирганлар. Риёи шайхлар тариқатдан дунёвий манфаатни кўзлаб, дарвешликнинг ўзига ишончини сусайтирардилар.

Шундай қилиб, кишидаги фақрга зид ахлоқий белгилар кўйидагилардир: тожу тахт ҳирси, зебу зийнатга берилиш,

ўлимни – охиратни унутиш, манманлик, дабдабага ружу қўйиш, тама (қаноатсизлик) ҳаромхўрлик, риёкор бўлиш, макр-ҳийла, гадойлик, жаҳолат, ёлғон сўзлаб кишиларни алдаш, ноҳақ ҳукм чиқариш, лоф уриш, фалсафа сотиш, очкўзлик, фаҳшга берилиш, булғаниш ва ҳоказо.

Булар бир-бирини чорловчи салбий хислатлар. Албатта, Навоий замонида ҳам ҳамма мансабдорлар шундай бўлмагандир, ҳалол ва инсофли қозию муллалар ҳам бор эди. Аммо бу ўринда гап бошқа нарсада. Навоий, биринчидан, фақрни улуғлаш учун салбий хислатларга ургу бераётгани маълум. Иккинчидан, Навоий демоқчики, дунё билан, мансаб билан боғланган одам мутлақ тамасиз, мутлақ одил бўлолмайди. Мансабнинг барчасида бу нуқсон бор. Чархнинг ўзи золим, қонхўр бўлгач, яхши одамларни ситамга қўйгач, одамлардан нима гина. Чархнинг ўзи маккор ва золим:

Гумбази ахзар ки хунрезист кораш, дур нест:
Барги ҳино ахзар омад, лек рангаш аҳмар аст.

(Бу кўк гумбаз – осмоннинг иши қон тўкишдир, бу ажаб эмас, чунки ҳинонинг барги кўк бўлса-да, аммо сувининг ранги қизилдир).

Шундай қилиб, шоир тафаккури чуқурлашиб, қамров сатҳи кенгайиб боради. Зулму ситам қилиш, бир-бирини талаш, ҳирсу ҳавас кетидан қувиш инсонга табиатдан ўтган меросмикин бу? Бўлмаса, нега инсонга бир бурда нон топиш шунча қийин, шунча азоб? Нега луқма пайида одам боласи сарсону саргардон:

Душман аст аз доғи озор он ки ҳастат луқмахўр,
Ханжар аст аз нуқтаи, онро ки гўйи ханжар аст.

(Луқмахўр аъзонг озор етказувчи душманингдир, ханжар – томоғ деганинг аслида ханжардир).

Бу ўринда Навоий яна сўз ўйини ишлатиб, ажойиб гоёни ўқувчига етказди. Араб ёзувида «ханжар» (томоқ) сўзидаги «ҳ» ҳарфининг устига нуқта қўйилса, бу ҳарф «х»га, сўз эса «ханжар»га айланади. Яъни бир нуқта томоқни ханжарга айлантиргани каби луқмахўрлик ҳам озор доғлари (нуқталар) билан куйдириб қийнайди. Шоири аъзам бунда дунё ишлари луқмахўрлик – томоқни банд қилишдир, деган фикрни олға суриб, умумлашма фалса-

фий хулосага келади. Чунки фалак, осмону ер, табиат шундай қурилган ва шунга асосланади.

Бироқ, Навоий Жалолоиддин Румий каби ушбу ғояни чуқурлаштиришга берилмасдан, ўзининг асосий мақсади — Фақр сифатлари таърифига ўтиб кетади. Яъни Навоийда бевосита ижтимоий-ахлоқий жиҳатга кўпроқ урғу берилади. Навоий учун Инсон ахлоқининг ноқисликлари сабабини очиб, бундан халос этиш йўлини кўрсатиш муҳим.

Шунга мувофиқ Фақр билан ғайри фақр қиёси қасидада изчил давом этади.

Хўш, Фақрнинг фазилатлари нималарда кўринади? Навоий таърифича, Фақрнинг қуйидаги белгилари бор: қаноат ҳайкали бўлиш, яъни тама, очкўзлик, молпарастлик фикрини тарк этиш; Аллоҳ берган оз неъматга шукр қилиш, сабрли бўлиш, ички, ботиний оламни бойитиш билим ва фаросатда, камтарлик, хокисорликда намуна кўрсатиш; хуштавозе, хушсухан, хушхулқ бўлиш; тилни озордан, қўлни ситамдан сақлаш; кўнгилни поклаб, Аллоҳ нури билан тўлдиришга интилиш, мансабу мартабаларга учмасдан, шоҳу гадога баробар муомала қилиш; ички саранжомлик, осойишта-ораста ҳаёт кечириш. Яъни Аллоҳ билан ҳам, Аллоҳ яратган борлиқ билан ҳам, жамият билан ҳам сулҳу келишувда, рози-ризоликда яшаш.

Алишер Навоий буни бир неча байтда ҳаётий тамсилташбихлар билан тушунтириб берган. Чунончи:

Раҳравонро фоқаву неъмат кунад манъи сулук:

Аспи раҳ он аст, к-ў не фарбеҳу не лоғар аст.

(Қашшоқлик ҳам, кўп неъмат ҳам Ҳақ йўлига кирган йўловчини сулукдан манъ этади: йўл юрадиган от семиз ҳам, ориқ ҳам бўлмаслиги керак).

Бу фикр Баҳоуддин Нақшбанд таълимотидан, яъни Қаноат талабидан келиб чиқади. Чунки бир қанча сулукларда мутлақ камбағаллик тарғиб қилинган, дарвеш, гадо каби дарбадар юриш лозим, деб уқтирилган. Навоий эса, Хожа Аҳрор каби, Жомий ҳазратлари каби бунга рози эмас. Дарвеш, солиқ — гадо эмас, у агар оч бўлса ҳам, ҳаддан зиёд нафсга берилса ҳам Ҳақни унутади. Ҳақ йўлидаги солиқ қорин ғамидан ҳам, дунё ғамидан ҳам фориғ бўлсин. Шунда у ҳиммат билан руҳий-маънавий манзилларни босиб ўтади.

Қаноат – Аллоҳ тақдирига, берган ризқига рози бўлиб яшаш, ҳам кўникиш, исён қилмаслик, «Хўлу қуруққа» бирдай чидаш демак. Шундай қилган одам **Маънавият** мулкнинг шоҳи бўлади.

Яна бир мисол:

Чин ба абрў-афканад шиддат, ки шахсашрофт ҳилм,
Мавж аз обе н-овард сарсар, ки номаш мармар аст.

(Шахсида ҳилм – мулойимлик бўлган одам қошида чимирилиш шиддати кўринмайди, зеро, мармар устидан оқадиган сувда тўлқин ва тўфон бўлмайди).

Тарашланган мармар тахталари устидан оқадиган сув деярли билинмайди – шунчалик майин оқади. Навоий пир тарбиясини кўрган сўфийни ана шу тарашланган мармарга ўхшатиб, сўфийнинг ҳалим, мулойим ва кўнгли нозик бўлишига ишора этмоқда.

Соликнинг ҳар туки фаҳшга берилган одамга отилган ўқ, ҳар бир сўзи дилларга малҳам, ҳар бир қадами эзгуликка ҳидоятдир. Қалби маънолар кони бўлган ҳақиқий сўфий кўринишда ҳақир, кичкина бўлса ҳам, аммо у ақлу заковатда пешво бўлиши, бир неча одамнинг ўрнини босиши мумкин. Бундай мардлар қалби гайбдан хабар беради:

Марди раҳбинро дили махфинамо, в-он жоми Жам
Хизрро оби ҳаёт оинаи Искандар аст.

(Йўлни кўрувчи эраннинг қалби махфий илмларни акс эттиради ва бу худди Жамшиднинг жоми бўлиб, Хизрга оби ҳаёт ҳам, Искандарнинг оинаси ҳам шудир).

Бу уч тушунча, яъни «Жоми Жам», «Оби Ҳаёт», «Оинаи Искандар» ўзаро маънодошдир. Чунончи, ривоятга кўра, шоҳ Жамшид шундай бир қадаҳ ихтиро қилган эканки, ундаги шароб оламни кўрсатиб турар ва ичгани сайин камаймас экан. Искандар Зулқайнар ҳам шундай бир оина-кўзгу ясагирган экан, у оламни акс эттириб тураркан. Хизр эса ер остига тушиб тириклик суви – оби ҳаётни топиб ичганлиги боис, абадий тирик экан. Навоий дейдики (бу бошқа шоирларда ҳам бор), Хизр топган оби ҳаёт ҳам, Искандар оинаси ва Жамшид жоми ҳам шу дарвиш қалбидир. Чунки бу қалбда нафақат мавжуд олам, балки Аллоҳнинг гайб илму ҳикмати акс этгандир. Аллоҳ

илми эса — ҳаёт чашмаси, ундан баҳраманд одам абади-
ятга дохил бўлади.

Аллоҳ илмини топган дарвиш Комил инсон бўлади ва у
яхлит Кўзга — чашмага айланади: «Комилнинг кўзи — Хизр
чашмасидир. . . бу икковидан бирини топсанг абадий умр
топасан», дейди Навоий.

Фақр мартабасини эгаллаган дарвешнинг муҳим си-
фати ошиқлик, Ишқ кишини бетоқат этади, сафарга чор-
лайди, аммо ана шу оташ уни камолга етказди. «Ишқ-
сизликдан дил қоронғидир, ишқ билан у оловланиб тура-
ди», дейди шоир.

Шу тариқа Навоий ўз идеали фақир дарвеш сифатла-
рини баён этади, анъанавий тушунчаларни янги ташбиҳ
ва гоёлар билан теранлаштиради. Фақр аҳли учун фано
(дунё) мулкидан бақо (абадиёт) оламигача бир қадам йўл,
шоҳлар ҳам бундай одамларга хизмат қилиши, босган қада-
мини ўпиши лозим. Валиюллоҳ даражасига кўтарилган фа-
қир инсон ўз қадр-қиммати, салоҳият — нуфузи билан
шоҳдан устундир. Шундай бўлгач, агар шоҳ дарвеш бўла-
ман, бу мартабани эгаллайман деса, Худога яқинлаша-
ман, Худонинг дўстлари ҳузурини қозонаман деса, зар-
рин тождан воз кечиш керак:

Тожи зар бигзор, эй мавзю наздики гузин,
Қурб мемонад чу шуд айне, ки ақрабро сар аст.

(Олтин тожни ташла, эй саройни макон қилган ва
Худога яқинлашишни танла. Зеро, чаён боши бўлган ʻайн
олиб қўйилса, қурб — яқинлик қолади).

Навоий заковати шундаки, у зимдан тожни чаёнга ўхша-
тади. Дарҳақиқат, Ақраб буржига диққат билан қарасан-
гиз, у тожга ўхшайди ва чаённинг ранги билан олтиннинг
ранги ҳам ўхшаш. Шоир бу байтда гарчи номи тилга олин-
маган бўлса-да, Иброҳим Адҳам воқеасига ишора қилади:
Иброҳим Адҳам Балҳда тахт-тожини ташлаб, дарвеш жан-
дасини кийгани маълум. Яъни тахтда ўтириб, подшолик
тожини кийиб, фақру фано мартабасига яқинлашиш мум-
кин эмас.

Дарвишнинг ахлоқи намуна ва ибрат. Бошқаларга у
сабоқ бўлиши лозим. Шунинг учунми ёки ўзининг танқид-
дий фикрларини чуқурлаштиришни кўзлабми, Навоий

қасиданинг иккинчи қисмида яна жамиятдаги иллатларга диққатимизни қаратади. Бироқ, фарқ шундаки, энди умумий танқидий муносабат ўрнини бир-бирига зид хислатлар (одил ва золим, ростлик ва ёлгончилик, ёмон-яхши каби) қиёси эгаллайди.

Масалан, мана бу байтда золим ва одил шоҳлар қиёсланган:

Золиму одил на як сонанд дар таъмири мулк,
Хук дигар дар шиори мулку деҳқон дигар аст.

(Мамлакатни бошқаришда одил ва золим одам бир хил эмас — Ерни шудгор қилишда қобоннинг иши бошқа, деҳқоннинг иши бошқа).

Одил киши, одил шоҳ Навоий назарида маънавияти дарвеш маънавиятидан сув ичган одамдир. Золим эса бундан мутлақ бебаҳра одам. Шунинг учун дарвештабиат одил подшо иши деҳқон каби юртини обод қилиш бўлса, золимнинг фаолияти қобон каби экинзорни яксон қилиб, вайрон этишдир. Золим — ҳайвон, қобон, у одам эмас. Одам хислати бўлса, золим бўлмайди, одил бўлади.

Мана бу тасвир ҳам диққатни тортади:

Мулкро аз мавкиби ду шаҳ вазад боди футур,
Чун зи «қайсар» «қай» сар омад, нукта ҳосил сарсар аст.

(Икки шоҳнинг олишувидан мамлакатга путур етади, зеро «қайсар»нинг (қай) қисми тушса, «сарсар» ҳосил бўлади.

Қайсар — Рум подшоҳларининг лақаби, умуман подшо дегани, сарсар — совуқ шамол, бўрон. Навоий фикрининг маъзи шуки, бир мамлакатда битта подшо бўлиши шарт. Бўлмаса, подшолар орасида низо кўтарилиб (Навоий бунни теурий шаҳзодалар орасидаги олишувларда кўриб турган), мамлакат осойишталиги хавф остида қолади. Шоҳнинг боши кетса, мамлакат ҳам бошсиз қолади. Энди мана шундай ҳолатда кўнгил хотиржам бўлиши мумкинми? Йўқ, дейди шоир. Кўнгил тинч ва осойишта бўлиши учун мулк давлат ташвишидан холи бўлмоқ лозим:

Дил, ки набвад жамъ дар мадди ҳаёташ кутаҳист,
Аз парешонӣ қасираш хони он, к-ӯ қайсар аст.

(Ўз ҳаёти давомида жамъ бўлмаган дил нуқсонлидир.

Паришонликда «қайсар» сўзини «қосир-нуқсонли» ўқиш ҳеч гап эмас).

«Дилнинг жамъ бўлиши» ибораси фақат ҳаётдаги хотиржамликкина эмас, тасаввуфда бу солиқнинг юқори мартабалардан бирини эгаллашини ҳам англатади. Яъни одам то ўзи Аллоҳ билан яқинлашиб, бутун вужуди билан Унга боғланмаса, фикрлари, қиёслари, нияти бир нуқтага бирлашмайди, жамъ бўлмайди. Буни бошқача қилиб айтсак, туйғулар, фикр ва ирода бир ваҳдатга келганидагина Аллоҳ ваҳдатини англаш мумкин ва шунда қалб осойишталик топа олади.

Аммо Навоий бу ғоядан кўра кўпроқ ҳаётий қиёсларга эътибор қилади: подшолар мулк, тож талашиб овора, улар қалби ҳеч тинчимайди, ҳолбуки, оддий деҳқон ёки қосиб ўз ҳунари билан ризқ топиб, қўллари қабарса-да, қалби тинчдир:

Марди қосибро зи ранжи қасб бар каф обила –
Шуд далели гавҳари мақсуд, к-аш даст андар аст.

(Қосиб кишининг кафтлари-да меҳнат зўридан қаба-риб, пуфакчалар ҳосил бўлган. Бу мақсад гавҳарини қўлга киритишнинг далилидир).

Шоир қабарган пуфакчаларни гавҳар доналарига ўшатади. Бу билан ҳам меҳнат аҳлини ва ҳам «гавҳари мақсуд» – Ҳақни излаб риёзату ранж чеккан дарвешларни улуғлаган.

Навоий тасвирига кўра, ёлғончи ҳоқимлар, эл молига кўз тиккан фирибгар амалдорлар ҳам паришон, нотинч, асабий ва носоғлом одамлардир. Унинг наздида жабр қилувчи амирдан кўра, ётар ери қора тупроқ бўлган дарвеш афзал, чунки дарвешнинг юки енгил, қалби озод. Зеро, шер минорага чиқолмайди, аммо ожиз чумоли гизиллаб чиқиб кетади.

Демак, Қудрат ташқи кўринишда, тожу тахтда эмас. Дарвешлар, оддий хоксор инсонлар, уларнинг кўриниши ожиз бўлгани билан, аслида маънавий бақувват ва қудратлидирлар. Зеро, уларнинг қудрати – бу уларнинг эътиқоди, пок ахлоқи, азим ҳиммат билан Маънавият олами-дан куч олишларидир:

Шуд сироти мустақими саждасозон рости,
Шоҳроҳи раҳрави хома хутути мистар аст.

(Эътиқодли бандаларнинг рост, устувор йўли тўғрилиқ бўлди — қаламнинг шоҳ йўли чизгич — мистар хатидир).

Ростлик Ҳақ йўли, Ҳақнинг Ўзи ҳам Ростликдир. Рост йўлдан юрган одам охир-оқибат Ҳақнинг ҳақиқатига айланади, яъни руҳи пок бўлиб, Пок Парвардигор борлигидан нишона бериб туради.

Қасидага Навоийнинг ақл ва ишқ, зоҳир ва ботинни қиёсловчи байтлари ҳам кирган, шу каби яна бир қанча тамсиллар орқали ахлоқий ноқисликларни мазаммат этган.

Унинг тасвирига кўра, дарवेशни нафақат жамиятдаги ўзгаришлар, зиддиятлар безовта қилади, балки коинотдаги ўзгаришлар ҳам унинг парвосига келмайди, у фалак зарбалари, замонлар ўзгаришини хотиржам кутиб олади.

«Ҳақ сари олиб борадиган йўллар кўп, дейди Навоий, аммо энг яқин йўл — бу фақр йўлидир, чунки бу Пайғамбар (САВ) йўллари». Пайғамбар (САВ) эса «ал фақру фаҳри» (фақирлик менинг либосим) деганлар.

Фақирлик йўлига кирган киши Расули Акрам (САВ) суннатларига тўла риоя қилади:

Андарин раҳ он ки дорад гом бар гоми Расул,
Аршпарвозест, к-ў раҳрав. ҳам раҳбар аст.

(Бу йўлда кимки Расул қадамига қадамини тўғрилаб юрса, Аршга парвоз этади, чунки Расул бунда ҳам йўлдош ва ҳам йўлбошчидир).

Шоир Расулуллоҳ(САВ)нинг Меърожига ишора этган: Расул ўзи Аршга парвоз қилди. Унга эргашганларга ҳам у раҳбар бўлади. Ушбу гоё Баҳоуддин Нақшбанд тариқатининг ўзагини ташкил этади. Зеро, нақшбандия тариқатни шарият билан мувофиқлаштирган, шарият арконлари ижроси орқали, Пайғамбар ишларига, сўзларига қатъий риоя қилиш орқали Ҳаққа етишишни талаб қилган. «Бизнинг тариқимиз Муҳаммад Мустафо(САВ) этақларидан маҳкам ушлаш («урватул вусқо») ва у кишининг изларидан измаиз боришдир», деган эди Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари.

Навоий бу йўлнинг изчил давомчиси деб Абдураҳмон Жомийни кўрсатади:

Ҳомии шаръи наби Жомий, ки жомии шаръро
Дошта бар каф лаболаб аз шароби кавсараст.

(Наби шариатининг ҳимоячиси Жомийким, шаръ жомини қўлида ушлабдир, бу жом кавсар шаробидан тўладир).

Шундан кейин у ўн тўрт байтда пири ва дўсти Жомий салоҳиятига юксак баҳо беради, Жомийнинг илму адаб, фазлу камолда ягоналиги, илоҳий маънолар дуррини сочиб асарлар битганлиги айтилади. Шу билан бирга Жомий хоксор, унинг эшиги маърифат ва маънавиятга ташна одамлар учун ҳар доим очик. Жомий Навоий назарида маънавият салтанатининг подшоҳи, зеро шоҳлар унинг остонаси тупроғини ўпишга тайёр. Навоий қасида охирида шу мантиқдан келиб чиқиб яна шоҳу гадо мавзуига қайтади, яъни:

Подшоҳе, к-аш гадои фақр гаштан орзуст,
Чун гадое бошад он, к-аш подшоҳи дар сар аст.

(Фақр гадоси бўлишни орзу қилган подшоҳ худди подшоҳликни орзу қилган гадо кабидир).

Аммо «шоҳнинг муддаоси фақр йўлида ғов», яъни шоҳлик — дунёга эгалик қилиш фикри, фақр эса, дунёдан қочиш фикридир. Булар бир-бирига зид. Шу боис, дейди Навоий, шоҳ «бошидаги муддаони улоқтириб ташласа, фақрга муносиб бўлади». Улуғ мутафаккир адиб қасида бошида баён этган фикрини охирида яна аниқроқ, ёрқинроқ ифодалаган.

Шундан кейин Навоий пири муршиди Жомийдан имдод ва дуо тилаб, қасидани тугатади.

Ушбу қасида юзасидан фикрларимизни хулоса қиладиган бўлсак, қуйидаги жиҳатларни таъкидлаш лозим бўлади:

1. «Тухфатул афкор»да мансаб ва мансабдор шахслар ахлоқи билан дарвеш ва тариқат аҳли ахлоқи қиёсланган ва фақр маънавий етукликнинг олий намунаси деб таърифланган.

2. Шунга қўра, шоҳлик ва фақирлик орасида катта жарлик борлиги айтилиб, фақир дарвеш шоҳ ҳашаматидан устун қўйилган.

3. Яъни Маънавият Салтанатдан баланд, бу иккиси орасида доимий кураш боради, аммо салтанат аҳли ҳар қанча интилгани билан фақр аҳли даражасига етолмайди.

4. Агар шоҳ фақр мартабасини орзу этса, унда салтанат орзусидан воз кечсин.

5. Фақр аҳли билан меҳнат аҳли (косиб, деҳқон) ранжу заҳмати ва ахлоқи орасида яқинлик борлиги қайд этилган. Бу Навоийнинг муҳим фикрларидан бири.

6. Қасида бадиий жиҳатдан ғоят юксак савияда ёзилган, унда икки жиҳат яққол ажралиб кўзга ташланади: бири – ҳар бир байтни тамсил санъати билан қуроллантириб (иккинчи мисрада) фикрни ойдинлаштириш бўлса, иккинчиси – кўплаб сўз ўйинлари, муаммо санъатидан фойдаланишдир. Бунда, айниқса, араб ёзуви хусусиятларидан унумли фойдаланган, қайсиқим таҳлил давомида бир нечтасини кўриб ўтдик.

«Тухфатул афкор» қасидаси Алишер Навоийнинг шоҳ асарларидан бири бўлиб, унда абадул-абад аҳамиятини йўқотмайдиган, ҳамиша долзарб ғоялар ифода этилган.

ТАВАККУЛ ТАЛҚИНИ

Дунё ўткинчи, фалак золим, умр бебақо, бу бебақо фоний дунёга ҳаддан ташқари меҳр қўйиш хато. «Кутул кулуб» («Қалблар қуввати») қасидаси ана шу ҳикматни баён этиш билан бошланади ва бу ақидани Навоий батафсил тушунтиради. 120 байтлик қасиданинг 55 байти шунга бағишланган. Қасиданинг биринчи байти қуйидагича:

Жаҳонки марҳалаи танги шоҳроҳи фаност,
Дар ў мажӯй иқомат, ки раҳи шоҳу гадост.

(Жаҳонким, фано деб аталадиган каттакон бир йўлнинг торгина манзилдир, унда маскан қурма, зеро бу шоҳу гадонинг ўтар йўлидир).

Шоир демоқчики, шоҳ ҳам, гадо ҳам бу дунёда абадий эмас, дунёнинг ўзи вақтинчалик бўлгандан кейин, унда абадий қоламан деб тиришиш бемаъниликдир. Бу шундай бир манзилки, унга оёқ қўймасдан, кўчингни кўтар деб туради, бу йўлнинг на боши бор, на охири, бу даштда кезувчиларнинг мақсади нима экани ҳам номаълум.

Модомики, Олам Ато ва Момо Ҳаво ўтиб кетган экан, юз минглаб азизлар, набию вали, олиму фозил умрини адо этган экан, демак бизга ҳам у вафо қилмайди. Дунёни ташлаб кетиш ота-боболардан мерос, буни ҳеч ким ўзгартира олмайди. Минг йил агар умр кўрсанг ҳам бир лаҳзадай гап – худди бир нафас олгандай ўтиб кетади. Ажабланарли-

си шундаки, ана шу тор макон одам боласига беҳудуд бўлиб туюлади, янада ажабланарлиси, бу тангу тор дунёда бир осойиш – роҳат йўқ, яшашнинг ўзи қийин, устига-устак яна фалак ҳам жабр ўтказади бизга. Бу осмон, бу тубсиз чарх гўё одам қатлига нишини тўғрилаб турган чаёндай.

Хўш, Алишер Навоийнинг бу тасвирларидан мақсади нима?

Бошиданоқ таъкидлаймизки, Навоий бу фикрлар баёни билан бадбин бир кайфият туғдириш, дунё ҳаром, дунё шайтон тегирмони, дунёни тарк этиш керак, деган ғояни илгари сурмоқчи эмас. Улуғ гуманист шоирнинг мақсади бошқа. Бу мақсад эзгуликка, инсонни огоҳ этишга қаратилган мақсаддир.

Биринчидан, шоир ҳаддан зиёд дунёпарастликни, Худони, демак, чин инсоний моҳиятни унутиб қўйишга борадиган қусурларнинг илдизини очиб кўрсатишни ният қилади. Бу илдиз айнан мол-дунёга беҳад меҳр қўйиш касофатига бориб тақалади. Ушбу ғоя Шарқ фалсафасида кенг ишланган ва етакчи ғоя эди. Улуғ мутафаккирлар ҳар қадамда инсон боласига мурожаат қилиб, дунё ҳаммадан қолади, сен бунга англа, дунё абадият жойи эмас, дунё руҳ учун зиндон, дунёга келибсанми, агар сен ўзингни ҳайвондан афзал деб билсанг, яхши амаллар, хайрли ишлар қил, Парвардигорни ёдингда туг, ақлу заковатинг, имону эътиқодинг билан умрни ўтказиб, охират учун тайёрлан, охират эса – абадий ҳаётдир, деган фикрларни илгари суришади.

Иккинчидан, Алишер Навоий ушбу қасидада майдонни кенг олиб, қазо ва қадар масаласини қўяди. Инсон ҳам, у туғилиб ўсадиган макон ҳам, боринги, бутун борлиқ Аллоҳ ҳукмида, Аллоҳнинг иродаси билан ҳаракатда. Биз фалакдан нолиймиз, аммо фалакнинг ихтиёри ўзидами? Йўқ, фалак ҳам бечора, у Тақдири азал асбоби, холос:

Зи чарх низ на дон ихтиёри ин гардиш,
Ки ў ҳам андар гардиш забуни дасти Қазост.

(Бу айланиш ихтиёрини чархдан ҳам деб билма, чунки у ҳам айланишда Қазо қўлида мутедир).

На чарху осмон, на қуёш ва сайёралар, на бирор зарра Қазо ҳукмидан ташқари эмас. Йилнинг фасллар бўйлаб айланиши, ўзгариш – эврилишлар, гулнинг очилиш ва

сўлиши, кечаю кундуз, туғилиш ва ўлиш — ҳамма-ҳамма-си Қазову қадар иши, бари Парвардигор томонидан белгиланган. Ҳашаматли тоғлар, даҳшатли денгиз, ундаги наҳанг, ўрмон арслони ҳам Қазо олдида ожиз, балки чу-моли билан шер, фил билан пашшанинг қудрати Аллоҳ жалла жалалоҳу наздида тенг. Инсон буни англаши керак.

Учинчидан, ҳамма нарса ҳаракатда, фаолиятда, Ер тинч бўлиб кўринади, аммо бу юзаки қараганда шундай, аслида тупроқ ичида, Ернинг қатламларида минг-минг турли ҳаракат бор, ўзгариш, талпиниш бор. Аллоҳ бирор жонзотга, бирор заррага осуда ҳаёт бермади.

Шунданки, бизнинг ҳам оромимиз йўқ, бир лаҳза бўлса-да тинч туролмаймиз, гардишдамиз; меҳнатсиз, заҳматсиз мурод ҳосил бўлмайди:

Ба ҳеч шайъе зи ашъёе зи жинси махлуқот

Агар қавию заифу агарчи шоҳу гадоست.

Ба даҳр коме бе меҳнате муяссар нашуд,

Ба ғайри Қодири бе чун, ки Холиқи ашъст.

(Махлуқотдан, у улкан, кучли ёки кичик, заиф бўлсин, шоҳ ёки гадо бўлсин, бирор нарса ёки кимса дунёда меҳнат-машаққатсиз мақсадига эришмайди. Фақат Қодир Аллоҳким, У жами ашённинг Яратувчисидир).

Ҳа, машаққатсиз бир нарсага эришиб бўлмайди. Демак, меҳнат, интилиш ҳаёт қонуни — Аллоҳ белгилаган Тақдир қонунидир.

«Барча нарсани У белгилаган, Халлоқи оламнинг амру иродаси шу», дейди Навоий.

Бу ерда Навоий талқинида таваккул масаласи бошқача ҳал қилинган. Таваккул, яъни Қазову қадар масаласи Ислому дунёсида қадимдан баҳсу мунозара мавзуси бўлиб келган. Чунки бунинг замирида инсон иродаси, эрки масаласи бор. Жами нарсалар Аллоҳ иродаси билан амалга ошса, унда Инсоннинг ўз ихтиёри қаерда қолади, унинг ақлу заковати, режалари нимага керак, деган саволлар келиб чиққан. Бу баҳс айниқса калом илмида қизиган. Муътазила, ашъарийлар, Имом Ғаззолий, Имом Мотурудий, фикҳ имомларининг бу ҳақда ўз қарашлари бор.

Бироқ Навоий «Қутул қулуб» қасидасида бу баҳсга қўшилиб кетмаган, шу каби таваккулнинг сўфиёна талқинига ҳам берилмаган. Балки инсон ҳаёти учун зарур

бўлган хулосани баён қилиш билан чекланган, яъни: бутун борлиқни Аллоҳ яратган ва ундаги жамийки нарсалар, жонзот ва одамлар Қазо ихтиёрида. Шу каби Борлиқнинг доимий ҳаракатда бўлиши инсоннинг ризқ-рўзи учун талпиниши ва ҳоказолар ҳам ана шу Қазо ичра бўладиган Ҳаракат туфайлидир. Мутафаккир адиб қазову қадарни фаолият, интилиш билан боғлайди.

Ваҳоланки, бу масалада ризқ Аллоҳдан экан, Унга интилиш, меҳнату машаққат чекишга на ҳожат, дегувчилар ҳам бўлган.

Бошқа масала — ўткинчи дунёда шариат аҳкомини ижро этиш, яъни дунёдан камолот билан, қалб ва руҳни тозалаб ўтиш. Зотан, бу ҳам ҳаракат, интилиш. Демак, Инсоннинг умри гарчи қазо қўлида бўлса ҳам, аммо унинг яшаш учун интилиши, амри маъруфни адо этиши, тариқатга кириб, Тангри сари сафар қилиши ўз ихтиёрида.

Ҳазрат Навоий шу мавқедан туриб, инсонларга насиҳат қилиб, туз йўлни тутиш, имкони борича шариатни адо этиш лозимлигини уқтиради. Қасиданинг иккинчи қисми шу фикр баёнига бағишланган. Худонинг яққаю ягоналиги, Холиқ ва Розик экани, барча борлиқнинг Яратувчиси эканига иймон келтириш ҳар бир банданинг биринчи вазифасидир:

Баёни муътақидотат, ки ном шуд имон,
Ки гуфтанаш ба забон, доштан ба дил шуд рост.
Нахуст доштани зоти поки Ҳақ медон,
Бад-ин тариқ, ки боқист, балки айни бақост.

(Эътиқодинг баёники, номи имондир ва тилда айтиб, дилга тўғри жойлашинг лозимдир — бунинг биринчиси Ҳақнинг зоти покини боқий, азалий, балки бақонинг моҳияти, чашмаси, жавҳаридир деб билмоқ ҳисобланади).

Барча борлиқ — фоний, ўткинчи, фақат Ҳақ субҳонаҳу ва таоло боқий, абадий ва азалий. Биз инсонларнинг умид ва орзуларимиз, манбаи куч-қудратимиз соҳиби ҳам шу абадий барҳаёт Зоти покдир. Биз Унга қараб ўзимизни ростлаймиз, Ундан-да мадад сўраймиз ва Унга суянамиз, У белгилаган йўлдан юрмоқ — олий мақсад!

Вужуди Ўст, ки Ў ҳасту, буду, хоҳад буд,
Ба нисбати Аҳадият ба хурди ҳамду саност.

Сифати Ў набувад мунҳасир ба чуну ба чанд,
Ҳаёту илму иродат ба қудрату асмос.

(Унинг пок вужуди абадий, У бор эди, У бордир, У бор бўлади. Аҳадият нисбатига кўра ҳамду сано фақат Унга лойиқ. Унинг сифатлари «қандай ва қанча» сўроқлари билан чегараланмайди, Ҳаёт, Илм, Иродат, Қудрат, Исмлар фақат Ундандир).

Навоий шундан кейин иймон калимасининг бошқа шартлари, чунончи, У яратган фаришталар, У юборган осмоний китоблар, Унинг Расулига, ўлимдан кейин қайта тирилишга, ҳамма яхши ва ёмон ишлар қадар-тақдирдан эканига ишонишни, намоз, рўза, закот, ҳаж йўл-йўриқларини ҳам тушунтириб, сўнгра қўшимча тақво ва тоат билан шуғулланадиган одамлар рутбасини улуғловчи байтлар битган. Шоирнинг уқтиришича, инсон руҳи учун энг керакли озуқа ТАҚВОдир. Шариат сурункали парҳезни буюрмаган бўлса ҳам, дейди Навоий, аммо аҳлуллоҳ(тариқат аҳли)нинг риёзатлари раводир. Бундай инсонлар зикру самоъ билан, суҳбат билан қалбни порлатиб, юмшатиб борадилар. Улар шу йўл билан риё хатаридан ҳам, дунё ишқидан ҳам халос бўладилар.

Бироқ Навоий бу қасидада ҳам номаъқул ва номақбул ахлоқ танқидидан ўзини тиёлмаган. Қасиданинг 18 байти ана шу танқидий фикрлар баёни учун ажратилган. Хўш, бу номақбул ахлоқ нимадан иборат? Бу қасиданинг мавзудан келиб чиқадиган талаблардир: шариат аҳкомини бажаришда ҳийла ишлатиш, яъни Худони алдаш йўлидан бориш, чунончи, рўза тутиб, бошқалар ошидан ифтор очиш («Бева хотин уйидан газо ейиш»), намозни шуҳрат — манманлик учун ўқиш, ҳажга савдогарлик учун бориш ва ҳоказо.

Пиёлаҳои пуропур хўри зи номарди,
В-аз он ба хотири ту дам-бадам хаёли зиност.

(Номардлик шаробидан пиёла-пиёла тўлдириб ичасан ва шунда хаёлинг ҳар замон зинодадир).

Яна тагин ювинмасдан, халқ орасида мардликдан ғавғо соласан. Навоий шу ерда муҳим бир фикрни келтиради: зинкор одам ришвахўрликка берилади, ҳаром ишлардан ҳазар қилмайди, тўнғиз гўштини ҳам еяверади, тақво ва

иффат ҳақида яхши билимга эга бўлса-да, бироқ ҳар бир хотинга зино назари билан боқади.

Навоийнинг мана бу байти ҳам хийла аччиқ:

Ажабтар он, ки занатро ба мардаке чун ту
Ҳамин муомила рафтааст, худ ҳаминат сазост!

(Ажабланадиган жойи шуки, сенинг хотининг ўзингга ўхшаган эркак билан худди шундай муомала қилади, дар-ҳақиқат сенинг жазонг шу!)

Шунга қарамай, «дили шайтон ва девларга ватан» бундай одамлар яна улуғворлик даъво қиладилар:

Ба ин лаимию дилмурдаги ҳама даъвет
Зи иффати Закариёу исмати Яҳест.

(Тағин бу пастлик ва ўлик қалб билан Закариё иффатинию Яҳё пайғамбар исматини даъво қиласан).

Хуллас, Навоий ахлоқсизликни қаттиқ ҳажв остига олади, нафратини гўкиб солади. Бундай одамларда ҳаё, бурд, диёнат қолмаганидан куйинади. Афсуски, бу фақат Навоий даврида кўринган ахлоқсизлик белгиси эмас. Бу Навоийгача ҳам, Навоийдан кейин ҳам, мавжуд эди ва бизнинг замонда ҳам, турли «замонавий» шаклларда намоён бўлмоқда.

Демак, улуғ шоирни маънавий қиёфанинг амалий томони, бевосита ахлоқ билан боғлиқ жиҳатлари кўпроқ қизиқтирган. У қайси мавзу устида фикр юритмасин, албатта, уни ҳаёт билан боғлайди, инсоний нуқсонларни танқид остига олиб, қаттиқ танбеҳ беради. Унинг насиҳати танбеҳга, танбеҳи танқидга, танқиди эса ғазабли инкорга айланиб кетади.

Бошқа қасидаларда бўлгани каби «Қутул қулуб»да ҳам ҳазрат Навоий ўзини гуноҳкорлар зумрасидан ҳисоблаб, Парвардигордан мағфират тилайди ва қасиданинг «Қутул қулуб» деб номланиш сабабини айтиб (тақво, шариат аҳкомини адо этиб, дунё фонийлигини англаб, боқий дунёга пок қайтиш — қалбларнинг қуввати), ўз таҳаллусини келтиради:

Зи ғайри ҳеш раҳон лутф карда Фониरो,
Насиб соз тариқи фано, ки айни бақост.

(Эй Навоий, лутф кўргузиб, Фонийни ўзингдан ўзга нарсалардан халос эт, фано тариқи — йўлини унга насиб эт, чунки фано йўли айни бақодир).

«Кутул қулуб» қасидаси ўзидан кейин келадиган «Минҳожун нажот» қасидасига боғланиб кетади, бунда кўтарилган ахлоқий масалалар унда хийла кенгайтириб қаламга олинган.

* * *

Кошки Унга хизмат қилсандик бутун,
Тоату тоқатда туриб туну кун,
Унинг ёди билан олибон нафас,
Ўзга нарсаларни қилмасак ҳавас.
Жисмимиз, руҳимиз У билан бўлса,
Кўнглимиз раҳмоний нур ила тўлса.
Нафсу ҳирсга қарам бўлмасдан токи,
Озоду хотиржам яшасак кошки.
Сўфийлар иймони насиб этсайди,
Нажмиддин ўз муродига етсайди.

НАЖОТ ЙЎЛИ

«Ситгаи зарурия» дебوحасида ушбу қасидани Навоий-Фоний «Тухфат ун-нажот» деб атайди.

Қасиданинг ўзи эса арабий ёзувда «Қасидаи минҳожун нажот» деб келтирилган бўлса, кирилл ёзувида «Қасидаи минҳожун нажот татабуи Хоқоний – Анварий» деб номланган. Афтидан, кейинги номланиш тўғри бўлиб кўрилади. Қасида қуйидагича бошланади:

Зиҳий, аз шамъи рўят чашми мардум гашта нуроний,
Жаҳонро мардуми чашм омади аз айни инсоний.

(На хушким, юзингнинг шамидан одамларнинг кўзи равшанлашди – нурли бўлди. Жаҳонга сен инсонийлик ҳақиқати (кўзи) бўлганинг учун сен жаҳон кўзининг гавҳарига айландинг).

Бу матлаъда уч маъно мужассам: 1) Одам Атонинг ҳали жаннатдан қувилмаган пок вужуди; 2) Муҳаммад Мустафо (САВ) нури; 3) Комил инсон вужуди. Ҳар учала маъно ҳам бир-бирига боғлиқ. Яъни одам Парвардигор томонидан яратилганда ҳамма фазилати билан мукамал эди, унда Нури Раҳмоний акс этган бўлиб, у жаҳон кўзининг гавҳаридай азиз ва мукаррам эди. Чунки Одам Атода Муҳаммад Мустафо нури азалдан мавжуддир. (Худо биринчи яратган нарса – Логос, Калом ҳам шу нурдир). Ҳазрати

Одам сафиюллоҳ – Одам Ато ва Муҳаммад Мустафо Комил инсон тимсолидирлар. Комил инсон эса жаҳон кўзи, яъни одамийлар одамийси ҳисобланади. Инсонийликнинг жавҳари – ҳақиқати Комил инсонда зуҳр этади, у кўз сингари ўзгаларни кўрадию ўзини кўрмайди, яъни ўзи учун эмас, ўзгалар учун яшайди.

Навоийнинг:

Қаро кўзим, келу мардумлиқ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросига мардум каби ватан қилғил, –

деган машҳур байти ҳам худди шу маънони ифодалайди.

Энди қасидага қайтайлик. «Минҳожун нажот» қасида-сининг насиби (бошланма қисми) мана шу Комил инсон – Ҳазрати Одамнинг Тангри қудрати билан яратилиши, унинг жаннатда Ҳаво билан осуда ва бахтли ҳаёти, Одам Атонинг таърифу тавсифига бағишланган. Ўн бир байтда шоир Одам тупроғининг фаришталар томонидан Ердан келтирилгани, вужудининг тилсимоти Худонинг илми ҳикмати билан тикланиб, ақлу дониш ва билим суви билан қорилгани, Аллоҳ илмига мушарраф бўлгани учун барча мавжудотларга сардору сарвар экани, шу боис малоиклар унга сажда қилгани, аммо Иблис кибру ҳаво юзидан саждага бўйин эгмагани айтилади.

Навоий Иблисни «ваҳший қуш» деб атайди. Инсон эса Тангри наздида энг мукаррам зот бўлди ва Худонинг халифасига айланди. Бироқ мардуд (рад этилган) ва малъун (лаънатланган) Иблис қасд олишга чоғланиб, сенга ман этилган дарахт мевасини едирди ва Аллоҳ таоло сени жаннатдан чиқариб юборди, дейди Навоий.

Шоир буни афсус ва ачиниш ҳисси билан тилга олади:

Намедонам чи шуд бо он, ки Ҳақ «лотақраба» фармуд,
Гирифти бо рафиқат нуктаи он душмани жони?
Магар э-он рӯз гандум синаи худ чок зад э-он ғам,
Ки аз чи душманат фармуд тарки банда фармоний.

(Билмадим, нима бўлдию Ҳақ «узоқлашинг» деб буюрди. Сен ахир нега рафиқинг (Ҳаво) билан жонлар душмани Иблис сўзига кирдиларинг. . . Ўша кундан бери, яъни сизлар буғдой егандан бери бу ғамдан буғдойнинг сийнаси чок (буғдой донасидаги ёриққа ишора), душманинг (Иблис) сенга фармонга бўйинсунмасликни ўргатди, сен негадир ҳийлани англамадинг).

Навоийнинг фикри бўйича, бу Иблис аслида Нафс эди. Нафс қутқуси Одамни комилликдан, жаннат роҳатидан дунё биёбонига қувғин қилди:

Чи расвоист, к-он навъ одами комил зи боғи хулд
Шавад дар дашти ғам саргашта чун ғули биёбоний. . .
Сияҳ рўйию, дарғаҳ рондагию ғурбату меҳнат,
Чи буд ин жумларо боис ҳамин як ҳаззи нафсоний.

(Қандай расволикким, шундай бир комил одам жаннатдан қувилиб, саҳро деви каби ғам даштида саргардон бўлса... Бу юз қоралик, улуғ даргоҳдан қувилиш, азобу укубатнинг барчасига сабаб ўша нафсоний лаззат эди).

Қўринадики, бунда Қуръондаги ривоят асос қилиб олинган. Қуръонда Одам Атонинг жаннатдан қувилиши ва инсон зотининг дунёдаги азобу меҳнатлари, айрилиқ ва қийноқлар, ғаму андуҳ шундан бошлангани кўп ояти карималарда зикр этилади. Аллоҳ бандасини шайтон сўзига кирмасликка, бандаликни тарк этмасдан, итоатгүй бўлиб яшашга даъват этади. Инсон ўз аслига қайтиши учун ўша гуноҳларини унутмай, бу гуноҳларини тоат-ибодат билан ювиши, такомиллашиб бориши даркор. Шунда у яна жаннатга қайтади.

Алишер Навоий бу гоёни ўз қасидасига асос қилиб олар экан, Одамнинг жаннатдан қувилишини буюк бир фожиа сифатида талқин этади. Жаннатдан ҳайдалиш – бу поклик оламидан, руҳлар оламидан, Парвардигор ҳузуридан ҳайдалиш, бу роҳатдан азобга, фаришталикдан ҳайвонийликка томон ҳаракат деб қаралади.

Бироқ шуниси таскин берадики, Аллоҳ таоло бандаларига яхши, солиҳ амаллар билан шуғулланиб, савоб ишлар қилсалар, зикру тоатда бўлсалар, яна жаннатга қайтишга ваъда берди, иккинчидан, Аллоҳ инсонларни Ер юзида жамики нарсаларга қўриқчи – посбон қилиб қўйди:

Вале мулки жаҳонро ёфти ҳукми жаҳонбони.

(Жаҳон мулкига жаҳонбонлик ҳукмини топдинг).

Бироқ муҳими фақат бу эмас. Муҳимроқ жиҳат шуки, Навоий қасиданинг асосий қисмини инсон нуқсонларини очиб кўрсатиш ва бу нуқсонлардан қандай қилиб қутулиш ҳақида ёзади, инсонни ахлоқий-маънавий камолот сари ҳар доим, ҳаминша кураш олиб боришга даъват этади. Бир юз

Ўттиз саккиз байтли қасиданинг саксон олти байти айнан шу гоё талқинига бағишланган. Навоий-Фоний наздида Одамнинг жаннатдан қувилгани қанчалик ачинарли ва фожиали бўлса, унинг ўзини, ўз бурчи, олий вазифаларини англамай, гофил бўлиб, ҳирсу ҳавас, ёлгон ва риё, танпарварлик, фаҳшга берилиши ҳам шунча фожиали ва ачинарли. Шу боис шоир хийла кескин ва сатирик оҳангда иллатларимизни ойнада кўрсатгандай бирма-бир кўрсатиб ўтади. Ҳар бир иллат, ҳар бир нуқсу бадахлоқлик нечоғли инсонни тубанликка олиб бориши, унинг ўша жаннатий номига иснод келтиришини таъкидлайди. Одамлар буни англамайдилар, бутина эмас, улар қабих ишларини эътиқодимон билан беркитмоқчи бўладилар. Навоийнинг мазамматлари байтдан байтга кучайиб боради, байтдан байтга биз турли хилдаги нуқсонлар, камчиликларнинг фалокат келтирувчи поэтик шарҳини ўқиб борамиз. Шоир бу билан одамларни огоҳлантиради. Натижада асарни ўқиб, қадамбақадам ҳақиқий тақво ва ҳалоллик, ростгўйлик ва тўғрилик йўли нима эканини англаб борамиз.

Хўш, улуг шоир наздида ёмон ва ғайриинсоний ҳисобланган «хислатлар» қайсилар?

Қасидани бир бошидан ўқиган одам қуйидаги нуқсонлар Навоийнинг рад этувчи сатирик баҳосига «сазovor» бўлганини кўради: гофиллик, гуноҳ қилиб тавба қилмаслик, имонининг сустлиги, золим нафс талабларини Парвардигор муҳаббатидан устун қўйиш, ўзини ҳар хил рангга киритиб, турлича товланиб юриш, мусулмонман деб керилиб, мусулмончилик ишидан беҳабарлик, тақаббур-манманлик, хасислик, риёкорлик, ҳийла-найранг, фирибгарлик, лаззатпарастлик, фаҳшга берилиш ва ҳоказо.

Баъзи мисолларни келтирамиз:

Жаҳон равшан зи нури офтоб, аммо ту чун хуффош,
Ҳама дар пардаҳои зулмати шаб жаста китмоний.

(Жаҳон қуёш нуридан равшан, аммо сен бойўғли каби тун пардалари ичида яшириниб учасан).

Қуёш бу ерда Аллоҳ тимсоли. Оламни Аллоҳ нури ёритиб турса-да, аммо сен қуёшга тоқат қилолмайдиган бойўғли каби яширин иш қиласан, яширин фикрдасан. Бу ўринда Навоий мунофиқ, имонини нафсига сотган одамлар

ҳақида гапирмоқда. Улар Худога ҳам ишонмайдилар, гарчи Худонинг қудрат ва ҳикмати кундай равшан бўлса ҳам. Уларнинг ичида «кофир нафс» шунчалик ўрнашиб олганки, бунга қул бўлиб, «Ла илоҳа иллаллоҳ» («Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ») деган имон калимаси ҳам бундайларнинг қоронғи қалбини ёритмайди, балки бу қалбга киролмайди ҳам. Чунки паришон қалбга нур кириб жойлашмаганидек, «айниган қатра» ичига оби ҳайвонни жойлаш қийин.

«Сенинг бу ислому имонингдан кофирлар қаҳ-қаҳ уриб кулади, ўзингга боқ, уялгин бундай «мусулмонликдан», дейди куюниб Навоий. Бундай одамларнинг тушунчаси шунчалик торки, деб давом этади шоир, улар жаннатни худди дунёдаги ўзларининг маишат ва фаҳш асбоби бўлган нарсалар каби тасаввур этадилар. Яъни жаннат ҳурларини гўзал қизлар деб, Тубони бир оддий дарахт деб, Кавсарни маҳалладаги ҳавз деб ўйлайдилар. Ҳолбуки, Қуръон оятлари рамзий маънога эга, жаннат ашёлари тасвири ҳам тимсол ва рамзлардир. Уларни дунё нарсаларига тенглаштириш бемаънилик ва хато:

Зиҳи кўри ба боғи офариниш, к-аз сари ғафлат
Фалакро нилуфар донию, тубиро гияҳ хони.

(Бу қандай кўргуликки, ғафлат ва нодонлик оқибатида фалак — осмонни сувдаги нилуфар гуллар, жаннатдаги Тубо дарахтини эса гиёҳ деб тушунса).

Бундай одамлар Қуръондан ҳам фақат ўз нафсоний манфаатини кўзлаб фойдаланадилар, муқаддас китоб оятлари кўзига олтин тангалари бўлиб туюлади, уларнинг намозу рўзаси ҳам сидқидилдан эмас, балки риё ва халқни алдаш учундир. «Халқ кўрсин деб масжиддан ҳаммадан кейин чиқасан, намозда юз хил найранг ўйлайсан, бунақа намозхонликдан кўра роҳиблик юз марта яхши», деб ёзади Навоий. Шу каби шариатнинг бошқа шартларини ҳам ҳийланайранг юзасидан бажарадиганлар бор. Рўзани аксар тутмайсан, агар тутсанг ҳам, нонни тежаш учун тутасан.

Ва-гар аз ғояти ислом майли ҳаж куни ногоҳ,
Матои Макка пурси аз гарони ёхуд арзони.
Агар суди накў уммед бошад бор барбанди,
Дар ин ҳаж фарқ кай бошад дар исломиию насроний.

(Ва агар ислом талаби билан ногоҳ ҳажга бормоқчи

бўлсанг аввал Маккадаги матоларнинг қиммат ёки арзонлигини сўрайсан. Агар яхши фойда олиш умиди бўлса юкни ортиб, йўлга тушасан. Бундай ҳажда мусулмонлик билан насронийлик орасида қандай фарқ бор?)

Ҳолбуки, ҳажга манфаат учун, тижорат ишини юргизиш учун эмас, балки холисанлиллоҳ Каъба зиёрати учун, пок Парвардигор амрини бажариш учун борилади. Навоий фош этишни давом эттириб, бундай одамлар агар тижоратдан наф кўришни умид қилмасалар, «кам сармоялик, йўл хавфу хатари ва жисмоний заифликни» баҳона қилиб, ҳажга бормай қўя қоладилар, дейди.

Модомики, XV асрда, Навоий замонида ана шундай тижоратчи «ҳожилар» бор экан, демак иллатнинг тарихи узоқ ва бизнинг замондаги тожир «ҳожилар» ўшаларнинг давомчиси бўлиб чиқади. Навоий учун бу нафақат шариатга зид иш, балки одамийлик ахлоқига ҳам зиддир. Биз бундай «ҳожилар» ҳақида беш ярим аср муқаллам ҳазрат Навоий тили билан бундай дейишта ҳақлимиз:

Бувад имонат он, исломат ин, эй «мўмини муслим?»

Жуз ин ҳам кофириҳо бошадат дар парда пинҳони.

(Имонинг шуми, исломинг буми, ҳайф сенга, эй «мўмину муслим» номини кўтарган. Бундан бошқа кофирликлар сенда парда ичида яширинган).

Алишер Навоий бу қасидада танқид остига олган одамларининг касбу кори, машғулоти ва ҳоказоларига қарамаган. Буни айтишимизнинг сабаби шуки, бошқа асарларида, чунончи «Маҳбубул-қулуб» ва «Ҳайратул-аброр»да у золим подшо, риёкор шайх, ришвахўр шайхул ислом ёки вазиру амир, тамагир қози ва ҳоказо ҳақида алоҳида-алоҳида олиб фикр билдиради. Ушбу қасидада эса, умуман ахлоқий ноқисликлар, ўзини, ўз одамийлик аслияти, аввал бошда Худо ато этган раҳмоний хислатларни барҳам бера бориб, шайтоний белгилар касб этган одамлар хусусида аччиқ-аччиқ, заҳарли ва фош этувчи мисраларни тизиб, уларнинг ташқи қиёфаси, фаолиятини ҳам, ички олами, бузуқ ниятларини ҳам ўқувчи кўз олдида намоён қилади. Қасидада нафс йўлида дину имонидан кечган, нима бўлса ҳам бойлик орттиришни ўйлайдиган, ёлғон ва алдовни ҳаёт қоидасига айлантирган одам қиёфаси чизилган. Қасиданинг ҳар бир байтида битта салбий хусусият

ғоят таъсирчан ва мос-мувофиқ ўхшатиш ёки истиора, муболага билан очиб берилади. Баъзан битта ёмон хислат бир неча байт орқали тасвир этилади.

Бу ўринда яна бир фикрни айтмоқчимиз. Қасидани ўқиган одам даҳшатта тушиб, битта одамда шунча камчиликлар бўлиши мумкинми, дейиши мумкин. Асарни бу тарзда тушуниш хато. Бу ерда битта ёки бир гуруҳ одамлар ҳақида гап бораётгани йўқ. Навоий умуман инсонлардаги салбий хулқни, одам боласига хос нуқсонларни бўрттириб баён этган, аммо бу бўрттириш тагида ҳақиқат ётади: инсон — улуг, инсоннинг ақлу заковати, ҳиммат-шижоати таҳсинга лойиқ.

Аммо инсоннинг тубанликлари ҳам чегарасиз, тубанлашган одамдан кўра тубанроқ махлуқ йўқ дунёда. Навоий Комил инсон идеали тарафида туриб, ана шу тубанликлар жамул жамини инсонга қайғуриб танқид қилади. Ҳа, Навоий танқидлари, сатираси инсонни ёмон кўриши, бадбинлик натижаси эмас, балки инсонни юракдан севгани, унга қайғургани, унга бу тубанликлардан нажот топиш йўлини кўрсатишга бел болаганидир. Шу учун ҳам қасидани «Нажот йўли» деб номлаган, ахир.

Шунинг учун у нажот йўлини баён қилишдан олдин «осий бандаларнинг» гуноҳларини хийла батафсил шеърий таҳлилдан ўтказди, сатирик тасвирни қалинлаштириб, қалаштириб бораверади. Шундай экан, биз ҳам шоир фикрлари маъзига янада чуқурроқ кириб бориб, тагин бир нечта мисолларни кўздан кечиришни лозим топдик.

Инсонни тубанликка тортувчи шайтоний хусусиятлар уни турли кўйларга солади, инсон ўзининг салоҳияти, ботиний собит қадр-қийматини, шарафини йўқота боради. Фалакнинг кажрафторлиги одамнинг ҳийлалари олдида ҳеч нарса бўлмай қолади. Атрофдагиларнинг кўзига «улугвор», «валию уламо» бўлиб кўринишга интилиш, ўзини Ғаззолий ё Каттонийдай аллома қилиб кўрсатишга тиришади. Аммо аслида на қалбда бир нур, на бошда илму ҳикматдан нишон бор. Аксинча, фикру зикри чиройли кийинган зеболар билан айш қилиш, фаҳшдан лаззат топишдир. Қорун деган одам, ривоятда айтилишича, беҳисоб олтин жамлаб, хасислигидан уни яшириб ҳеч кимга фойдаланишга бермаган. Охири ер ёрилиб, Қорунни бойлиги билан ютиб юборган экан.

Навоий шу ривоятни мисол келтириб дейди: «агар сенга Қорун хазинасидан бойлик насиб этса, бу бойлик учун дунё мулкини бузиб, вайрон этишга ҳам тайёрсан».

Бундай одамлар қалбида фақат ёмонлик, бадбинлик уруғи кўкаради, улардаги ҳирс ва ҳаво оловидан юзлаб деҳқон хирмонлари ёнади. Бироқ, қизиғи шуки, бу йулда кўз ёши тўкасан, ўзингни баъзан афтода, ожизу мазлум қилиб ҳам кўрсатасан. Одамнинг ҳийла-найранги олдида шайтон ҳам ип эшолмайди. Шу ўринда Навоий қизиқ бир мисолни келтиради:

Фаришта, филмасал, дар шакли инсон гар шавад зоҳир,
Намояд роҳи шайтонат, ки жўйи баҳри меҳмони.
Лаболаб роҳи райҳониш дори то куни масташ,
Сиришта доруи беҳушй андар роҳи райҳонй.

(Агар, масалан олайлик, фаришта одам суратида пайдо бўлса, шайтоний ниятинг уни меҳмон қилиш пайига тушади ва унга сен райҳоний ранг (кўкиш) майни тўлдириб тутқазасан, токи маст бўлсин деб. Ҳам райҳоний майингга беҳуш қиладиган дори қўшиб ичирасан).

Қандай ажойиб тасвир, таниш лавҳа. Қанчадан-қанча фаришта табиат одамлар мана шунақа фитначи найранг-бозлар домига тушмаган дейсиз бу дунёи дунда! Аммо одам осмондаги фариштага ҳам панд беради, уни ҳам алдаб домига туширади, мақсади – фариштадан ҳам манфаат топиш.

Малак эмин намонад аз ту бо ин девфеълиҳо,
Наметарси зи қаҳри эзиди, эмин чи сон мони?

(Фаришта ҳам ҳатто сенинг девфеълигингдан омон қолмайди, Тангри таоло қаҳридан қўрқмайсан, (аммо) ўзинг қандай омон қоласан?) деб фарёд қилади шоир.

Одам ичидаги дев бўш қўйилгач, у ҳеч нарсадан тап тортмайди, унинг олдида Фиръавну Намруд ҳам оддий хизматкордай гап.

Навоийнинг ҳажв кучи, нафрати ошиб кетгач, қуйидагича сатрларни битган:

Зи бас тори либосат он чунон кисват куни худро,
Ки не доман зи вай фаҳм гардад, не гирбоне.
Чу кирми қаз ба сад расвоият берун кашанд аз вай,
Ки ҳам гўри ту буда ҳам кафан аз айни печоний.

(Ўзингни шундай либосга ўрайсанки, унинг на этаги, на ёқаси билинади. Худди пилла қуртидай сени ундан ташқарига тортиб оладилар. Шундай ўранибсанки, гўё бу либос ҳам гўринг ва ҳам кафанингдир).

Қимматбаҳо матолар билан олифталик учун ясан-ту-сан қилиб кийиниш, беўхшов, ярашмаган кийимларни кийишни Навоий мана шунақа заҳархандали ташбиҳлар билан масхаралаб тасвирлаган.

Навоий наздида булар бариси инсоннинг маънавий ноқислиги, гофиллиги белгиларидир. Бири ўзига ярашмаган либослар кийиб кулгу бўлса, бошқаси дарвеш жандасини кийиб, ўзини шайхизамон қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Ваҳоланки, унинг «хирқасининг қатида юзта бут яширинган». Мақсад – тамагирлик. Яшаш учун Худони ҳам, бандасини ҳам алдаш, риё домини қуриб, мурид овлаш. Манманлик учун уйнинг токчаларини олтин суви билан ёзилган Қуръон билан безайди, бироқ бирор оятини дуруст билмайди, осмондаги юлдузларни ҳам дуру гавҳар деб йиғиб олишга чоғланади. Яна аянчлисиси шуки, ичидаги ҳасади пўртана ўраб, ўзига яхшилик қилганга ҳам зиён етказди. «Агар сени биров мақтаб кўкларга кўтарса, иззат қилса, – деб ёзади Навоий, – сен эвазига уни қўлингдан келса ер билан яксон этасан».

Шу тариқа, қасидада Аршдан тушган ана шу руҳоний хилқат Инсони комилнинг Ердаги гафлат ва ноқисликлар домига тушгани, ўз асли, моҳиятини унутиб, одамийлик шаъну шарафини ерга урувчи ишлар (хотинбозлик, бадмастлик, олифтагарчилик, касофат ва надомат келтирувчи қилиқларни қилиш) билан банд бўлиши мазаммат қилинади. Буларнинг ҳаммасини Навоий адашиш, жаҳолат белгиси, руҳни ўлдириб, нафсни парвариш этиш оқибати деб талқин этади:

Ажаб набвад, ки руҳат мурдау ту зиндаи нафси,
Ба жойи файзи руҳонет будани ҳаззи нафсоний.

(Ажаб эмаски, сенинг руҳинг ўлиб, фақат нафс билан тириксан. Руҳоний файз ҳаловати ўрнига нафсоний лаззатга берилгансан).

Мана бу ташбиҳга диққат қилинг: «Саги мардон бувад нафсу ту аз саг сийрати гашта». (Нафс мард инсонлар –

валиларнинг итидир, сен эса бу итни ўз моҳиятинг – сийратингга айлантирибсан). Шоирнинг нафсга нафрати шундай қаҳрли.

Руҳоний ҳаловатга эришиш учун нафсоний лаззатдан воз кечмоқ керак. Агар киши одамийлик рутбасида турман деса йўл фақат шу.

Алишер Навоий, юқорида айтганимиздай, бирор-бир ижтимоий гуруҳ, табақа ёки касб эгаларини ажратиб олиб, танқид остига олган эмас. Қасида умуман инсоний ноқисликларни ошкор этишга бағишланган ва бу ноқисликлар камми-кўпми аксар инсонларда бор. Жамиятда бу ноқисликлардан холи одамни топиш қийин.

Ва, шу нуқтаи назардан Навоий ҳам ўзини «ноқис бандалар» қаторига қўшгани диққатимизни тортади:

Худовандо, манам он бандаи золим ба нафси худ,
Ки сад чандин, ки гуфтам оядам аз нафси зулмонӣ.
Агар сад дўзахи дигар бисозӣ баҳри таъзибам,
Сазоворам ва гар ҳам бахшиям ҳастат ба осонӣ.

(Эй Худованд, ўз нафси билан золим бўлган бандалардан бири менман, золиму хор этувчи нафсга гирифторлигим айтганларимдан юз карра кўпдир. Агар яна юзта дўзах яратиб азобласанг ҳам сазоворман. Аммо агар кечирсанг ҳам сен учун бу осондир).

Ҳа, Аллоҳ раҳимли, кечиримли. Аммо гуноҳлари кечирилган инсон комилликка эришадими? Йўқ, у афв этилади, бироқ нуқсу ажзи қолади. Комиллик, демак, аввало инсоннинг ўзига боғлиқ, унинг ўзи гуноҳи нуқсини англаб, буларни тарк этиши ва фазилату руҳоний рушд касб этиши шарт. Мана шунда Инсон шарафи, руҳоний шараф қайта тикланади ва Комиллик мартабалари эгаллаб борилади. Нажот йўли мана шу.

Алишер Навоий ўзини нафси золимга банда бўлганлар қаторига қўшади. Лекин Навоий қандай улуғ инсон эди, унинг умр йўли савобу эзгуликлар йўли эди. Унинг асарларидаги эзгу ва нурбахш гоёлар, унинг минглаб одамларга етказган муруввату саховати, адолат пойдорлиги учун қилган амаллари мана асрларким, ибрат ва намуна бўлиб келмоқда. У ҳаётда инсонийлик тимсоли эди. Бироқ шундай инсон ҳам ўзини беғуноҳ, баркамол ҳисобламаган, у яна уч нарсани урғулаб, умид қиладикки, шояд Парварди-

гор шу уч нарсани инобатга олиб, гуноҳларини кечирса. Шоир таъкид этади: 1) исёну ноқислик пайдо бўлганда, бу билан керилмасдан, билъакс, тавба қилдим, пушаймон бўлдим; 2) феълимда қусур юз берганда ҳам Расули акрам(САВ)га дилдан садоқат кўрсатиб, «ҳамиша раҳмоний тавфиқ билан комил бўлдим» ва 3) Ҳазрати Махдум (Жомий) хизматини адо этиб турдим.

Ҳазрат Навоийнинг ўзини «зулмоний нафс»га гирифторлар қаторига қўшиши қасиданинг умумлаштирувчилик хусусиятини ошириб, таъсирчанлигини яна ҳам кучли қилишга сабаб бўлган. Умуман шоирнинг ушбу қасидани ёзишидан мақсади одамлар қалбини уйғотиш, гумроҳлик, ғофилликдан огоҳлантириш эди.

Буни Навоий асар охирида ўзи таъкидлаган:

Мусалсал з-ибтидои офариниш то бад-ин соат
Сухан дар як қасида рондам аз рӯи сухандони.
Ба ҳар байташ китобе дарж кардам-сарбасар ҳикмат,
Ба ҳар як дурж пинҳон сохтам сад гавҳари конй.
Баёни ҳоли худ з-инсоф кардам, в-он гаҳ авсофаш,
Бувад ҳам баҳра гирад аз таважжуҳои виждоний.
Чунон бедор кардам аҳли оламро аз ин гулбонг,
Ки н-ояд хобашон то ҳашр аз андӯҳу пазмоний.

(Одамнинг яратилиш ибтидосидан шу дамгача бўлган (инсон аҳволини) бир силсиллада, бир қасидала сухандонлик билан битдим. Ҳар бир байтга бошдан-оёқ ҳикматдан иборат бир китоб маънони жойладим ва ҳар бир сандиқча ичига юз гавҳар доналарини солдим. Инсоф юзасидан ўз ҳолимни ҳам баён этдим, чунки ҳар қачон ўқувчи менинг фикру андишаларимдан бохабар бўлсин, виждони қўзғалсин. Бонг уриб, олам аҳлини шундай уйғотдимки, Қиёматгача андуҳ ва соғинчдан уйқулари келмагай).

Дарҳақиқат ҳам шундай. Навоий қасидаларининг ҳар бир байти бир ҳикмат, уларда олам-олам маъно мужассамлашган. Шоир бетараф кузатувчи эмас, мушоҳадалари аниқ нишонга тегадиган, фикрлари тигдай ўткир, бир-бирини тўлдирадиган ва қувватлантирадигандир. Бу фаол ва инсонпарвар тафаккурнинг инсон тақдирига, унинг кирдикорига ачиниши. Навоий инсонни худди ўша илк яратилиш хилқатидай покиза ва комил руҳдай бегуноҳ кўришни хоҳлайди, заминий ҳаётдаги адашишлар, бул-

ғанишлардан ачинади ва бундан қутулиш, аслини англашга даъват этади, бонг уриб фарёд чекади. Инсонни севиш, гуманизмнинг моҳияти Шарқда ана шундай идрок этилган. Яъни Инсоннинг нуқсонлари, табиий талпинишлари билан эмас, балки инсондаги инсоний моҳиятни севиш ва шуни кўпайтириш учун курашиш.

Навоийнинг форсий қасидалари ҳам шундай қарашни ифодалайди. Аммо бу қарашлар ҳамон аҳамиятини йўқотмаган, ҳамон инсон ўша касалга мубталодир. Навоийнинг сўзлари шу боис бугун ёзилган янги асардай жаранглаб турибди, унинг фарёдига биз бугун ҳам қулоқ солишимиз, ибрат олиб ўзимизни маънавий ўнглашимиз даркор.

КОМИЛИК ЙЎЛИ

«Насимул худд» (Жаннат шамоли) Навоийнинг «Ситтаи зарурия» номи билан жамланган форсий қасидаларининг охириги-хулосавий қасидасидир. Шоир олдинги қасидаларида тилга олган тасаввуф ҳақидаги, фақр мартабаси ва унга эришиш йўллари ҳақидаги фикрларини янги поэтик талқинлар билан чуқурлаштирган ва бир тизимга олиб келган. Бу қасидада олдинги қасидаларда кўринган танқидий қарашлар йўқ. Бунда инсон покланиши ва комилликка эришиши учун нималар қилиши лозимлиги, тариқат одоби ва усуллари, пир ва мурид орасидаги муносабатлар, Ҳақ йўлига кирган одам олдига қўйилган талаблар бирма-бир баён этилади. Хуллас, Алишер Навоийнинг нақшбандия тариқати, тасаввуф ҳақидаги қарашлари яхлит тизимда шеърӣ тил билан ифодалаб берилади. Шоир назарида инсон ахлоқини такомиллаштириш, унинг руҳий-маънавий оламини юксалтириб, инсонийлик шарафига мушарраф этишнинг энг тўғри йўли – тариқат, инсон суяниши ва қалбидан жой бериши лозим бўлган ғоя – тасаввуф ғоясидир. Шу маънода «Насимул худд» қасидасининг нақшбандия тариқатининг шеърӣ баённомаси, ўзига хос дастури деса бўлади. Алишер Навоийнинг бошқа асарларида ҳам сўфийлик йўли, нақшбандия тариқати хусусида фикр юритилган. Аммо ҳеч ерда бу таълимот ушбу қасидадагидай бартартиб ва батафсил қилиб баён этилмаган.

«Насимул худд» Ҳоқоний Ширвоний, Амир Хусрав ва Абдураҳмон Жомий қасидаларига татаббуъ усулида ёзил-

ган. Асар тасаввуфнинг муҳим масалаларидан бири – **Ишқ** ва **Ақл** қиёси билан бошланади. Чунончи:

Муаллим Ишқу пири Ақл шуд тифли дабистонаш,
Фалак дон баҳри таъдиби вай, инак, чархи гардонаш.

(Ишқ – муаллим, кекса Ақл эса унинг мактабининг ўқувчи боласи бўлди. Фалакни унинг тарбияси билан машғул бўлган деб бил, айланувчи чарх ҳам).

Аммо Ақл Ишқ учун муносиб шогирд эмас. Чунки Ақл Ишқдан кекса, унинг тили дудуқ, фаҳму фаросати чегараланган. Бир умр уриниб унга бир сабоқ ўргатиб бўлмайди ва агар мабодо шунча вақт ичида бирор нарса ўзлашгирса ҳам дейлик, лекин бир соат давомида буни хотираси лавҳидан ювиб ташлайди, деб ёзади шоир. Нега Ақл бунақа нодон ва ўтмас? Нега Навоий Ақлни пастга урган, ахир биз ақлни инсоннинг энг улугъ фазилати, илоҳий неъмат деб биламиз-ку.

Гап шундаки, тасаввуф аҳлининг ақидаси бўйича ақл Аллоҳни ва Аллоҳ олами – ғайб оламини билишга ожиз. Ақл инсонни улуғлайди, аммо у дунёвий ўлчов ва мантиқ билан, далил-исботлар билан чегараланади. Шулардан ташқарига чиққанда ақл ночор бўлиб қолади. Зеро, Парвардигорни билишда ақлий усуллар натижа бермайди. Инсон рационал (ақлий) билишдан иррационал (ғайри ақлий) билишга ўтиб, ғайб олами билан қалб ва шуури боғланса, ғайбдан башорат бера бошласа, ўшанда у чин сўфий, комил инсон бўлиши мумкин. Қалб эса Ишқ макони. Иррационал билиш, яъни ирфоний тафаккурнинг бош йўли ва суянган усули – ана шу ишқдир. Ишқ шу боис ҳам ақлдан устун. Шу боис ҳам ақл унинг таълимини ололмайди, Ақл Ишққа шогирд туша олмайди, чунки Ишқ билан кашф этиладиган билим, туйғу, ҳузур-ҳаловат ақлга бегона. Ишқ ва Ишқдан туғилган жазба сўфийни олий мақомларга олиб чиқади, муродига етказди.

Навоий таърифига кўра, **Ишқ** – нур, **Ақл** – зулмат; улар ўзаро бирлашиши мумкин эмас:

Аз он устоду шогирди натижа кай шавад ҳосил,
Ки он шуд нуру ин зулмат, ба ҳам омехт натвонаш.

(Бу устоз-шогирдликдан натижа чиқиши қийин, чунки у (Ишқ) нурдир, бу (Ақл) эса зулматдир, уларни бир-бирига қўшолмайсан).

Айнан Ишқ инсонни нуқсон ва нодонликдан ҳимоя қилиб, ирфон илму маърифатига тўйдиради. Шу Ишқдирки, инсон руҳини поклаб, ҳирсу нафс чангалидан халос этади ва Жаннатга олиб боради.

Шундан кейин Навоий сўфийлар тасаввуридаги жаннат таърифига бир неча байт бағишлайди. Бу жаннат боғининг сарв дарахти имон боғининг алифларидир, унда Ҳақ субҳонаҳу каломи оҳанги тинмайди, анҳорларда муқаддас сувлар равон, ҳавзи Хизр чашмасидек зулол ва абадий ҳаёт бергувчи, гулистонининг гуллари офтоб варақлари каби гўзал ва порлоқ. Бу гулшан, дейди Навоий, маърифат боғи бўлиб, у Комил инсон маконидир.

Демак, жаннат деганда шоир икки нарсани – солиҳ бандалари учун Парвардигор охиратда инъом этадиган до-рулбақони ва Комил инсон кўнглини назарда тутди. Комил инсон маърифат боғининг посбони, Яздони пок ас-рорининг ошноси. Лекин Комил инсон бу шарафни Ишқ туфайли топди. Ишқ ниҳоний ганж – ботиний оламини обод қилиб, зоҳир олами – бадан мулкини вайрон этди.

Қасидада йигирма байт Комил инсон таърифига бағишланган. Шоирнинг таърифлари баланд пардаларда жаранглайди, бу таърифларда чексиз муҳаббат, ҳавас ва соғинчли армон ифодаланган.

Масалан:

Хушо жамъияти ботин бад-инсон солике, Фоний,
Ки ҳифзи инчунин ганже кунад зоҳир парешонаш.
Хушо маъмури мулки дили он раҳрави комил
Ки шуд шаҳри бадан аз баҳри поси ганж вайронаш.

(Бундай солиқдаги ботиннинг жамлиги – кўнгили осойишталиги қандай яхши, эй Фоний. Унинг зоҳирий паришонлиги ботинидаги ганжни кўриқлайди. Бу комил йўловчининг қалб мулкининг ободлиги қандай яхшиким, бадан шаҳри ботин ганжини кўриқлаб, хароб бўлди).

Навоий тасвирига кўра, Комил инсон сифатлари қуйидагилардан иборат: ботиний олами саришта, зоҳирий кўри-ниши паришон, бадан мулки эътиборсиз, вайрона, ички олами – қалби эса обод ва нурафшон, ботинда васл дарё-сига чўмган, аммо ташқи кўринишда жисми ахлоқий-илоҳий фазилатлар касб этиб, маърифат уммонида нур кема-сидай сузади. Доим хафий зикр билан банд, аммо кийга-

ни жанда хирқа. Уни маломат қиладилар, бироқ унинг дилида Аллоҳнинг Воҳид исми алифдай мустаҳкам туради. Бир кўз очиб-юмгунча Мағрибу Машриқни кезиб чиқади, қуёш каби оламни нигоҳи қамраб олган. Нафсоний лаззатни тарк этган, ҳиммати осмон қадар олий. Агар важдга берилса, фалак унинг этаклари остига тушади. На дунё воқеалари, на фалак ҳодисалари уни чалғитолмайди, ахир Арш фаришгаси Нуҳ тўфонидан кўрқадими?!

Кўринадики, бу таъриф-тавсифларда нақшбандия тариқати талаблари ифодаланган. Зоҳирга эмас, ботинга эътибор бериш, зоҳир – хароб, аммо ботин – қуёшдай порлоқ. Ботиний хотиржамликда яшаб, зикрни ҳам ботиний ижро этиш, маломат тифига дучор бўлса-да, парво қилмай, дилда Воҳиди азални сақлаш. Хуллас, зоҳир ва ботин тазоди изчил қиёслаб борилади.

Бундан кейин Навоий ана шу маргабага талабгор одам учун зарур бўлган ишлар баёнига ўтади. Яъни бу мартабани эгаллаш учун: 1) нопок нафс баҳридан ўтиш; 2) гуноҳлардан пушаймон бўлиб, тавба қилиш; 3) бир комил муршид топиб, унинг раҳнамолигини қабул қилиш лозим. Қизиғи шундаки, Навоий бу йўлга кириш ҳеч қачон кеч эмас ва ҳеч ким учун йўл беркитилмаган, деган фикрни айтади. Бошқача айтганда «ёмон табиати маълум бўлганлар ҳам агар улар яхшилар шеvasига мойил бўлсалар» тариқатга кириши мумкин, чунки бу Худованди Каримнинг тавфиқидир.

Аммо тариқат йўли осон йўл эмас. Бу йўлда кўп риёзатлар чекиш керак, кўп хавфу хатарни, руҳий қийноқларни бошдан ўтказиш лозим. Айниқса, нафс билан курашиш осон кечмайди. Навоий буни ўзига хос ташбиҳлар силсиласи билан тасвирлаб кўрсатади. Чунончи, солик олдига баҳор селию фалак ўргимчаги, бало тоғларию тубсиз денгиз наҳанглари, саҳро аждарҳоси қутқу солиб, ваҳм билан келади. Буларнинг барчаси руҳий изтироблар рамзи. Юз хил бало ва офатлар, ҳирс-эҳтирос шерининг ўқиришлари, ноумидлик ва маъюслик ҳолатлари, шайтоний васвасаларни солик Пир раҳнамолигида енгиб ўтади. Аввал шариат амрлари тўқис бажарилиши керак. Сўнгра, «кофир нафсни банд этиб дил султони ҳузурда мусулмон қилиш» лозим.

Нафсни ром этишни Навоий ўрмон арслонини ром этишга ўхшатади. Нафс яна ёввойи фил, тўн ичидаги за-

ҳарли илон, биёбон девига ташбиҳ қилинади. Нафс, охир-оқибатда – бу ўша Одам Атони жаннатдан бадарға қилинишга сабаб бўлган шайтони лаиндир.

Чу гашти душмани Одам, ки масжуди малоик буд
Бурун карда зи баҳри донае аз боғи ризвонаш.

(Фаришталар сажда қилган Одамнинг душмани – шайтон туфайли у бир дона учун (бир дона буғдой – *Н. К.*) жаннат боғидан маҳрум бўлди).

Модомики, Отамизни шундай мағлуб этган экан, дейди Навоий, бу авлодларга меросдирки, аъзомизга зулм тоши, юракка азоб ниши бўлиб туради.

Агар кимки бу душман устидан ғалаба қилса, уни мардликда Рустамдан ортиқ билмоқ керак. Агар солиқ муршид амридан ташқари чиқмаса, нафс девини шубҳасиз забун этади. Бироқ шайтон сенга турли макру ҳийла қилади, шу боис нафсни доимий итоатда тут.

Шундан сўнг қасилада доимий таҳорат, тунларни дуо ва муножот билан уйғоқликда ўтқариш фойдаси, нақшбандия сулукига хос зикр тушириш тартиб-қоидаси баён этилади.

Вале он зикр бояд он чунон дар хотир овардан,
Ки жуз мазкур набвал огоҳ аз даъвию бурҳонаш.

(Аммо бу зикрни хотирда шундай махфий бажариш керакки, ундан фақат Аллоҳнинг Ўзи хабардор бўлса етарли).

Бу – айнан зикри хафий, яъни ҳазрати Хожамиз Баҳоуддин Нақшбанд тариқатининг талабидир.

Шоир фақр ҳақида ҳам анча кенг тўхтаб ўтади. Риёзатнинг натижаси фақру фано, яъни илоҳий ахлоқ соҳиби бўлиш. Фақрнинг белгилари деб Навоий Қаноат, Шукр, Таваккул, Ризо, Ҳақ сиррига огоҳликни тилга олади. Фақир одамнинг дили равшан, риё ва макрдан холи, раҳму шафқатга лиммо-лим бўлади. Фақр дунё маҳбубини севишни инкор этмайди, аммо бу мажозий ишқ ҳақиқий ишқ учун восита бўлсагина мақбулдир.

Буте к-ат ҳаст – маҳбуби мажози дорияш пинҳон,
Ба маҳбуби ҳақиқий ансаб омад сирру китмонаш.

(Агар бир бут – маҳбуби мажозинг бўлсаю уни пинҳон тутсанг, унинг сирру рози маҳбуби ҳақиқийга муносиброқдир).

Бу фикр тасаввуфдаги дунёвий (мажозий) муҳаббат билан илоҳий (ҳақиқий) муҳаббат муносабатларини тушунтиришга анча аниқлик киритади.

Навоий фикри бўйича, фақр мақомига эришган одам учун кароматлар, башоратлар ҳам муҳим эмас, зеро, каромат кўрсатиш ҳам риёнинг бир хили, шунинг учун бунга «маҳлиё бўлма» дейди шоир. Фақр мартабасида инсонда мурувват ва шафқат ҳисси ниҳоятда ривожланади, бундай мартабада киши душманни ҳам кечиради:

Адў гар қасди жонат кард, чун қодир шуди бар вай,
Зи тақдири Ҳақаш медон, яқин пас дил маранжонаш.

(Агар душман жонингга қасд қилса, лекин сен ундан голиб келсанг, буни Ҳақнинг тақдири деб билиб, уни ранжитма).

Фақрга кирган одам Ҳақ билан сирлашар экан, буни сир сақлаши, кўз-кўз қилмаслиги лозим. Шу тариқа, агар «Туҳфатул-афкор» қасидасида фақр мартабасининг улғуворлиги, унинг шоҳлик ва салтанатдан устунлиги ҳақида сўз борса, «Насимул хулд»да Фақрнинг моҳияти, белги ва фазилатлари, фақрга кўтарилиш йўллари гўеки таҳлил этилади, батафсил тушунтирилади.

Ушбу қасида Ҳусайн Бойқарога бағишланган. Навоий-Фоний назарида Ҳусайн Бойқаро шоҳ бўлса-да, фақр мартабасини қозонгандир:

Бувал оини дарвешони комил ин равиш бингар,
Чи зебо ояд ар зоҳир кунад шоҳони давронаш.
Зи шоҳон низ набвал лоиқи ин рутба, жуз шоҳе,
Ки дарвеши зи шоҳи бартар аст аз айни ирфонаш.
Шаҳи дарвешваш, султони фақроин, ки аз Эзид
Фарози тахти шоҳи фақру дарвешист дар шонаш.

(Комил дарвешларнинг эътиқод-оини шундай, кўргин: агар буни замон шоҳлари ҳам зоҳир этсалар қандай яхши бўларди. Шоҳлардан ҳам бунга лойиқлари йўқ, фақат ирфони моҳиятидан дарвешлиги шоҳлигидан устунлиги кўришиб турган шоҳагина бу насиб этилган. Дарвештабиатли шоҳ, фақр эътиқодли султонки, Эзид гаоло унинг шаънига фақру дарвешликни шоҳлик тахтидан баланд қилибдир).

Юқорида «Туҳфатул афкор» қасидаси муносабати билан Навоий «ҳукумат таврини» танқид қилмай, «дарвешлар маллоҳлиғида» бир қасида ёзиб, Ҳусайн Бойқарога

бағишлаш нияти бўлганини, матлаъни айтиб Жомий на- заридан ўтказгани, аммо қасиданинг ўзи ёзилмай қолга- нини қайд этган эдик. Балки ана шу «Насимул хулд» қаси- дасини ёзиш билан Навоий ниятига эришгандир. Чунки бу қасидада ҳам салтанат ва ҳукумат тилга олинмаган.

Хуллас, «Ситтаи зарурия» қасидалар туркуми дарвеш- лик ва фақр ғояларини тараннум этиш, инсонни шараф- лаш, илоҳийлаштиришнинг йўли тариқат эканини кўрса- тиш билан яқун топади.

Бу – улуг мутафаккир Навоийнинг эътиқоди, ҳисла- ри, шуурини қамраб олган муқаддас ғояларининг ифода- сидир.

ТАТАББУЪ – ИЖОДИЙ МУСОБАҚА

Алишер Навоий «Ситтаи зарурия» таркибига кирган ҳар бир қасидага сарлавҳа қўяр экан, улардан тўрттаси салаф- ларга татаббуъ тарзида ёзилганини қайд этади. (Бу ҳақда шоир туркум муқаддимасида ҳам маълумот берган). Чунон- чи: «Тухфатул афкор» Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Дарёи аброр» қасидасига, «Қутал қулуб» Анварий қасидасига, «Минҳожун нажот» Хоқоний ва Анварий қасидаларига, «Насимул хулд» эса Хоқоний қасидасига жавоб тарзида ёзилган деб кўрсатилади¹. Шу боис ушбу ишимизда Наво- ийнинг татаббуъотда кўрсатган маҳорати устида қисқача тўхтаб ўтишни лозим топдик, чунки бусиз «Ситтаи зару- рия» ҳақидаги илмий кузатишимиз тўлиқ бўлмай қоларди. Албатта, татаббуъ тарзида ёзилган тўртала қасида устида тўхтаб ўтишга имконимиз йўқ, чунки бу татаббуъларнинг ҳар бири бир алоҳида ишни талаб қилади².

Афзалиддин Хоқоний Шервоний (XII аср) форс ада- биётининг улуг намояндаларидан бири, айниқса фалса- фий қасидалар ёзишда шухрат қозонган шоир. Унинг:

¹ Алишер Навоий. Ситтаи зарурия. «Адабий мерос» тўплами. 1968 й., I-сон, 195, 211, 217, 225, 233-бетлар.

² Юқорида қайд этганимиздек, «Тухфатул афкор» қасидаси ҳақида ада- биётшуносликда фикрлар билдирилган. Жумладан, Ш.Шукуровнинг «На- воийнинг «Тухфатул афкор» қасидаси ва унинг адабий традиция билан боғ- лиқлиги тўғрисида» («Навоий ва адабий таъсир масалалари» китобида. «Фан» нашр, 1968, 191 – 205-бетлар) номли мақоласида Навоий, Хусрав Деҳла- вий ва Абдурахмон Жомий қасидалари ўзаро қисқаланган. Аммо қасидалар даги асосий мазмун – тасаввуфий ғоялар талқини назардан четда қолган.

Дили ман пири таълим асту ман тифли забондонаш,
Дами таслим сари ушру зари зону дабистонаш.

(Кунглим — таълим пири, мен эса тили чиққан гўдак шогирдиман; унинг дарсида Куръон ўқиб тоатда турибман, тиззанинг усти унинг мактабидир¹) деган байт билан бошланувчи қасидасига қирқдан ортиқ шоирлар татаббуъ боғлаганлар. Булар орасида Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Соиб Табризий, Мирзо Бедил қабилар бор². Шавкат Шукуров Хоқоний қасидаси «Миръотус сафо» («Софлик кўзгуси») деб номланган дейди³. Бироқ Хоқоний қасидасига ном қўйган эмас, балки Хусрав Деҳлавий ўз жавобиясини шундай номлаган, бунга Жомийнинг ишораси ҳам бор⁴. Шунга биноан Жомий Хоқоний ва Амир Хусрав қасидаларига жавобан ёзган қасидасига «Жилоур руҳ» («Руҳнинг жилолари») деб ном қўяди.

Шундай қилиб, Навоий Амир Хусрав ва Жомий татаббуъларидан хабардор бўлган ва фақат Хоқоний асарига жавоб айтиб қолмасдан, балки ҳар учала қасидани ҳам эътиборга олиши лозим эди. Шунга айтиш керакки, машҳур асарларга татаббуъ қилиш (буни «назира», «жавобия» ҳам деганлар) айтиш Шарқ адабиётида бир анъана эди. Татаббуъ ҳақида Шарқ ва Ғарб олимлари кўп фикрлар баён этганлар⁵. Баъзилар буни ижобий ҳодиса десалар, баъзилар салбий ҳодиса сифатида баҳолаганлар. Лекин нима бўлганда ҳам, буни умумжаҳоний адабий-эстетик ҳодиса деб қараш лозим. Чунки бунинг кўринишлари Ғарб адабиётида ҳам мавжуд. Данте, Шекспир, Боккаччо, Гёте ижоди бунга мисолдир. Шарқда бу ҳодиса хийла қоидалаштирилгани, анъана тусини олгани билан ажралиб туради.

Қисқа қилиб айтганда, татаббуъ — бу ўзига хос ижодий мусобақа, машҳур асарнинг мавзуи ва шаклини сақ-

¹ Бунда дарвешларнинг тиззани қучоқлаб, бошни тизза устига қўйиб муроқабани тафаккурга берилиш ҳолати, танҳоликда хомуш ўтириб илоҳий сирни асрорини идрок этишга берилишлари назарда тутилди.

² Ш. Шукуров мақоласи курсатилган китоб, 191-бет.

³ Ш. Шукуров, уша жойда.

⁴ Абдурахмон Жомий. Осор. Жилди якум. Душанбе. «Ирфон» нашр. 1986 й., 32-бет.

⁵ Чунончи, Е. Э. Бертельс, С. Айний, О. Шарафиддинов, А. Мирзоев, А. Қаюмов, Н. Маллаев, Ё. Исоқов, Ф. Саломов, Ш. Шомухамедов, Н. Комилов ишларида бу ҳодисанинг турли томонлари тадқиқ этилган.

лаган ҳолда, уни мазмунан ривожлантириш, янги ғоялар, фикрлар, адабий санъатлар орқали тўлдириб, янги руҳдаги (баъзан ҳатто мазмунан биринчи нусхага зид келадиган) асарни вужудга келтириш, ўз санъати, маҳоратини намойиш этиш, ижодкор сифатида ўз қарашларини замон ўқувчиларига етказиш воситаси эди. Алишер Навоий татаббуот устаси эди. Унинг татаббуълари ўз дунёқараши, улуг адиб ва мутафаккир сифатидаги эстетик эътиқодининг меваларидир. Форсий қасидаларда ҳам биз шу фазилатни кўрамиз.

Энди «Насимул хулд» қасидасини Хоқоний, Амир Хусрав ва Жомий асарлари билан қиёслашга ўтамиз. Қасидаларнинг ҳаммаси ҳам бир мавзу, яъни дарвешлик йўлини улуглашга бағишланган.

Хоқоний қасидаси 113 байт (ЎзФА Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги 182 ва 11298 – VII қўлёзмалар), Хусрав Деҳлавий асари 203 байт (шу фонддаги 9661–қўлёзма), Абдурахмон Жомий қасидаси 130 байт, Алишер Навоийники эса 129 байт. Демак, татаббуълар ҳажм жиҳатидан катта, айниқса Хусравники қарийб икки баробар кўп. Анъанага кўра вазн ва қофияланиш тартиби сақланган.

Афзалиддин Хоқоний қасидасининг матлаъини юқорида келтирган эдик. Амир Хусрав қасидаси мана бундай бошланади:

Дилам тифл асту пири ишқ устоди забондонаш,
Саводул ваҳҳ сабқу масканат кунжи дабистонаш.

(Дилим – гўдак, ишқ пири унинг тил билгувчи доно устози; сабоғим (ёхуд ўтган ишларим) юз қаролик бўлиб, мискинлик, ожизлик бурчаги мактабидир).

Абдурахмон Жомий матлаъи:

Муаллим кист? – Ишқу кунжи хомуши дабистонаш,
Сабақ нодониу доно дилам тифли сабақхонаш.

(Муаллим ким? Бу – ишқдир ва жимжитлик бурчаги унинг мактабидир; сабоқи нодонлик, аммо менинг доно дилим унинг қўлида сабоқ олади).

Алишер Навоийда:

Муаллим ишқу пири аҳл шуд тифли дабистонаш,
Фалак дон баҳри таъдиби вай инак чархи гардонаш.

(Ишқ — муаллим, кекса ақл эса мактаб ўқувчиси бўлди, бу ўқувчи боланинг тарбияси билан фалак шуғулланади деб бил, фалак эса доимо айланишда).

Ушбу матлаъларданоқ шоирларнинг ниятлари, бир-бирига яқинлиги ва ўзаро фарқлари кўзга ташланиб туради. Хоқоний учун кўнгилнинг ўзи таълим пири, демак, ишқ рамзи ҳам шу кўнгил. Кўнгил уни Илоҳ йўлида тарбиялайди, Кўнгилнинг мактаби бўлса тиззанинг устида, таълим усули — хомушлик, яъни мушоаба-мушоадага берилиш, ботин олами билан суҳбат қуриш. Кўнгилнинг Қуръони каримдан оладиган сабоқлари ҳам зоҳирий жиҳатта эътибор қилувчилардан фарқ қилади — Кўнгил Қуръони каримдан Оллоҳ ишқи, Оллоҳ нафаси, Оллоҳ руҳининг кайфиятини туяди, шунга таслим бўлади. Демак, Хоқоний учун бош йўлбошчи, пири муршид — ишқи илоҳий макони бўлган Кўнгилдир. Ишқ ва Кўнгил унда бирга олиб қаралади. Шоир ўзини шу Кўнгил шогирди деб тақдим этади.

Амир Хусравда-чи? Амир Хусрав Ишқ ва Кўнгил (дил)ни бир-биридан ажратиб, икки нарса деб қарайди ва ишқни — пир, дилни эса шогирд сифатида кўрсатади. Унда хомушлик (жимжитлик), тизза устига бош қўйиш йўқ. Бунинг ўрнига мискинлик ва ўз гуноҳлари, нуқсонларини англашни мактаб ва асосий сабоқ деб тилга олади (албатта, Хоқонийнинг «дами таслим» иборасида ҳам ожизлик, ризолик маъноси бор).

Ишқни муаллим сифатида талқин этиш Жомий ва Навоий матлаъларида давом эттирилган. Демак, улар бу ўринда Амир Хусрав билан фикрдошдирлар. Жомий, шунингдек, Хусравга эргашиб, дилни (кўнгилни) шогирд бола деб атайди. Бироқ Хусравдан фарқланиб, мактабни хомушлик бурчаги, дейдики, бунда у Хоқоний иборасидан фойдаланиб, омухта маъноли бир байт яратгани маълум бўлади.

Навоий гарчи ишқни муаллим — устоз деб ифодаласанда, аммо кекса ақлни шогирд деб оладикки, бундай қиёс Хоқоний, Хусрав ва Жомийда йўқ. Навоий матлаъида дил (кўнгил) тилга олинмаган. Шундай қилиб, Хоқоний матлаъи мазмуни Навоийга келиб хийла ўзгарган, яъни кўнгил билан ўзини қиёслашдан ишқ билан ақлни қиёслашга қараб ривожланган — Хоқонийда яширин тарзда кўринган сўфиёна маъно Навоийда аниқ ифодага, ёрқин ва рав-

шан баёнга эга бўлган. Навоий Хусрав ва Жомийдаги ишқ ва дилни қарама-қарши қўйиш (ишқ — муаллим, дил — шоғирд) усулидан воз кечган. Воқеан, Навоий бу билан Хоқонийга қайтгандай бўлиб кўринади, аммо аслида у шу матлаъданоқ навбунёдкорлик кўрсатиб, янги мазмунли асар ёзишга жазм қилганини ва салафлариникидан жиддий фарқ қилувчи йўл тутганини билдирган. Навоий матлаъида киноя бор: аслида ҳаётда ақлли, доно одамлар ёшларга таълим беради, ақл устоздир. Лекин тасаввуфда бунинг тескариси — ақл эмас, балки ишқ устоз. Мазкур маъно Хоқоний, Амир Хусрав ва Жомий қасидалари ичида акс этган. Навоийнинг маҳорати шуки, у ушбу маънони асар бошига олиб чиқиб, асосий урғуни шунга қаратади, фикрни фаоллаштиради. Навоийнинг фалакни мураббий деб олишига ҳам шу нуқтаи назардан қарасак, масала ойдинлашади: фалакнинг иши, дунё ишлари сўфий учун сабоқ, ибрат мактабидир.

Қасидаларнинг умумий мазмунини қисқа-қисқа баён этсак, улар орасидаги фарқ яна аниқроқ намоён бўлади.

Хоқоний матлаъдан кейин бир неча байт дарвешлик хислатларига бағишлайди, ўзининг «хомушлик», «тизза», «мактаб» ҳақидаги фикрларини изоҳлаб тушунтиради: ҳар қандай тизза мактаб бўлолмайди, агар одам ичида дарддан Нуҳ тўфони бўлсагина унда тизза усти таълим жойи бўла олади, бундай киши учун илми қол ҳам, Каъба зиёрати ҳам ортиқча, Нуҳ тўфони унинг тўпиғига келмайди. Ушбу мактабнинг талқини жимлик ояти, исбот-далиллар, дунё таълими бош оғриғи. Дарвешлик таълими хомушлик кўрасида тобланиб пишади, одамни най каби гўё қилади, бундай пайтда кўнгил ўзи сўзлай бошлайди. Дунё илми абжад ҳисоби каби, Ҳақ илмига етишганнинг хотирасидан у бир зумда ўчади, дунё мактаби — нодонлик, умр шу таълим билан ўтмоқда, мен ҳануз абжад ўқийман, ҳануз гўдакман, ҳануз ақл билан керилман. «Ҳануз ақл мени ёш болалардай қўғирчоқлар билан ўйнатади, бу дунёнинг соққа ўйнатувчиси уни (ақлни) ҳайрон қилмиш» дейди шоир. Фалак айланиши, кун-тун алмашиниши, ҳаёт ташвишлари ҳам Хоқоний учун қўғирчоқлар ўйнашдай гап. «Ақл табиат йўлидан юришга мажбур, деб давом эттиради Хоқоний, чунки Мусо вафси-

нинг бешиги Фиръавн хайли қўлидан ўтиши муқаррар». Яъни: Мусо пайғамбарликни англагунча унинг бешиги Фиръавн қўлидан ўтди, у Фиръавн қўлида тарбия топди. Бу ерда Фиръавн – дунё, табиат, нафс тимсоли; Мусо – руҳ, илоҳий ишқ тимсоли деб олинган. Демак, инсон руҳи нафсни четлаб ўтолмайди, дунё риёзати – бу қисмат. Аммо шу даражада қолиб кетса у гўдаклигича қолади, у етилмайди, Инсон сифатида, Руҳ сифатида табиатдан ўзиб кетолмайди. «Ер – доя, сен – гўдак. Сен сут эмасан, у эса қонингни сўради. Унинг бўстонида озиқланганинг боис қонинг совуқдир» (ер мижози совуқлик тимсоли, бу ерда шунга ишора қилиняпти).

Хоқоний дарвешлик мартабасини таърифлар экан, ана шу инсоний улғайиш ғоясини қизғин тарзда тарғиб қилади. Шунга кўра, қасидада нафсни ром этиш зарурати хусусида гапирилади, дарвешнинг ҳимматига алоҳида эътибор берилади. Ҳиммат – бу қуёш каби баланд бўлиш, порлаб нур таратиш, Исо каби руҳга айланиш, Сулаймон каби пайғамбарлик ва шоҳлик тахтида ўтириш, барчадан озод бўлиб, барчага нафъ етказиш, Фақрга дилни қурбон этиш:

Маро чун даъвати Исист иде ҳар замон дар дил,
Дилам қурбони иди Фақру ганжи гови қурбонаш.

(Мен учун Исо даъвати ҳар дам кўнгилда байрам қўзғатгани сабабли дилим Фақр байрами қурбони ва қурбонлик молининг хазинасидир).

Дарвеш ҳиммати унинг мартабасини белгилайди, ҳиммат қанча улуғ бўлса, мартаба ҳам шунча баланд бўлади. Бу йўлда дарвеш ҳеч нарсадан қўрқмаслиги керак. «Сафар қил, бу олам ва унинг устидаги оламдан ҳам ўтиб кет. Чунки кўнгил ҳар иккисидан ҳам ўтиш(кечиш)га муштоқ» деб ёзади Хоқоний.

Шундан кейин дунёнинг ўткинчи, бебақолиги, манман деган шоҳлар, султонлар ном-нишонсиз йўқлик қаърига кетгани ҳақида ёзиб, («Қадархон ўлди, Самарқанд насиб бўлмади, Маликшоҳ кетди, Хуросон – ўз юрти уни қабул қилмади») икки байтда дарвеш ва шоҳ қиёси берилади. Чунончи: «Султонлик тожини орзу қилган дарвеш дарвеш эмас. Дарвешлик ва султонликни бир деб билган одам дарвешдир». Шундай «султондил дарвеш» бўлгилки, дарвешликнинг оёғи тупроғини султонликка тож эттил.

Муҳаммад саллаллоху алайҳи васаллам бунинг тимсоли деб яқунлайди Хоқоний.

Хоқонийда файласуфлар билан важд йўлида илм топган валийларни қиёслаб, файласуфлар илмини камситиш ҳам бор.

Шу каби қасидада дунёга, бойликка нафрат ҳисси ҳам сезилади, золимларни мазлумлар оҳидан кўрқинишга даъват этилади.

Хуллас, умумлаштирсак, Хоқоний қасидасида:

1) дарвешлик дарди ва унга етишиш йўли, бунда ботиний мувоқабанинг, кўнгилни порлатишнинг асосий талаб эканлиги, ақлий таълим эмас, важдий риёзатнинг устунлиги ҳақида;

2) табиат, дунё инсон учун кишан, унинг руҳий парвозига ғов, табиат – ақл бешиги, вояга етмаганлик рамзи эканлиги ҳақида;

3) бу кишандан ҳиммат билан қутулиб, илоҳий оламга етишиш ва бунинг қийинчиликлари, неъмат – шарофати ҳақида;

4) дунёнинг, шоҳларнинг уткинчи, фонийлиги, дарвеш эса шоҳликни орзу қилмай, шоҳу гадога баробарлиги ҳақида;

5) файласуф донишмандлар илмининг чекланганлиги ҳақида сўз боради.

Амир Хусрав қасидасида ҳам шу ғояларни учратиш мумкин. Аммо унда бу ғоялар талқини ўзгачароқ, шоҳ ва дарвеш муносабати ҳам унда бошқа тарзда ифодаланган. Яна шуни айтиш керакки, Амир Хусравнинг бутун ижодида бўлганидай, «Миръотус сафо» қасидасида ҳам жўшқин ҳиссиёт, қалб ҳарорати сезилиб туради. Амир Хусрав қасидасининг ҳажман катталиги дарвешлик рутбасига етишишнинг қийинчилигини баён этиш алоҳида эътибор берганидан ҳосил бўлган. Масалан, у мол-дунё ва фақирлик, сахийлик ва бахиллик, шоҳ ва дарвеш қиёсига етмиш бир байт бағишлаган.

Қасидада дарвешлик истеъдоди алоҳида истеъдод эканини, ҳар қандай устоз ҳам устоз саналмаслиги, ҳар қандай шогирд – мурид ҳам бу номга лойиқ эмаслиги баён этилгандан кейин, бундай истеъдоднинг биринчи шарт ташқи суратлар, шакл-нақшларга маҳлиё бўлмай, моҳият – маъ-

нони идрок этиш муҳим, деган фалсафий ғоя олға сурилади. Тути кўзгуда ўзини кўриб, шу суратга опиқ бўлади. Кўп одамлар ҳам худди шундай: улар ўзларига, ўз суратлари, дунё суратларига маҳлиёдирлар. Ҳақиқат нима эканини англаб етмайдилар. Ҳолбуки, ўзликни англаш айнан инсоннинг илоҳий моҳиятини англашдир. «Ўзингга ўзинг шундай арзимас, ҳақир кўрингинки, токи кўзгуда ўзингни кўрганингда, ўзингни тополмай қолсанг» дейди шоир. Бунинг маъноси: сен ўзингни унутмасанг, ўзингдан воз кечмасанг, Оллоҳни тополмайсан. Унга етишолмайсан деганидир. Ўз сурати, дунё билан, зоҳирий нарсалар билан масту беҳуд бўлганлар дарвеш бўла олмайди. Сўфий наинки бу дунё, балки у дунё хаёлидан ҳам воз кечиши лозим. «Ҳослар дилида хаёл сигмаслиги керак, чунки офтоб нури ойнага тушса, у кўринмай кетади». Шу тарзда Амир Хусрав дарवेशликни топиш учун, ақлий ўлчовлар, дунёвий ўлчовлардан қутулиб, руҳий парвозга шайланиш, «Симурғ каби қанот қоқиб учишни, Жаброил мақомидан ўтишни» тавсия этади.

Шоир инсоний нуқсонларни қаттиқ танқид остига олади, одамларнинг қорин ғамида ўзини ўтга-чўққа уришини тубанлашиш деб баҳолайди. Дарвеш очликка, йўқсилликка чидаши керак. Мана шу ўринда Хусрав шоҳларни дунёга берилиш тимсоли деб дарвеш ахлоқи билан шоҳ ахлоқини қарама-қарши қўяди. Шоҳга ялинма, унинг олдига нон деб борма, бу энг паст иш дейди у.

Зиҳи гумроҳии хожа, ки сери жўяд аз султон,
Ки гар олам шавад луқма нагардад сер султонаш.

(Султондан қорин тўйғазишни иташ дарвешнинг гумроҳлигидир. Ахир агар олам егулик — луқма бўлиб қолса ҳам султон тўймайди-ку!)

Шоҳлар неъмат — ҳаром. «Сен султон дастурхонида қайла ва қовурдоқ деб ўйлаган нарсалар аслида мазлум, бечораларнинг юз пора қилинган ва пиширилган дилларидир», деб ёзади нафрат билан Хусрав. Чунки подшо зулм қилмай ҳукмронлик қилолмайди, чунки у дунё ишқи, тахту тож ишқи билан ўртанган, шунга гирифтормоҳ шахс. Подшо тожидаги лаълу дурлар унинг аъёнлари мискинлар кўзидан оқизган қон томчиларидир, шоҳнинг ўзи эса «дунё ўлакчаси устида турган ўлаксахўрдир». Сўнгра Амир Хусрав дунёнинг бебақолиги, фалак зулми, илмий-ақлий му-

шоҳаданинг ожизлиги, Афлотун, Ибн Синолар илми кишини Худога олиб боролмаслиги ҳақида ёзган. Фақат Фақр нури билан порлаган қалбгина Ҳаққа ва ҳақиқатга олиб боради.

Кўринадики, Амир Хусрав асарида танқидий руҳ кучли, у дарвешлик ва шоҳликни ўзаро зид қўйиб, улар орасида улкан жарликни кўради. Бироқ унда табиатни «айбдор» қилиш йўқ.

Абдурахмон Жомий Хоқоний ва Хусрав анъанасини давом эттириб, дастлабки байтларда ҳар қандай одамда шоғирд бўлиш қобилияти бор деб ўйлаш хато эканини таъкидлаб, дафъатан Фақр таърифига ўтади ва бунга ўттиз беш байтни бағишлайди.

Зи хоки фақр дар кўи иродат сохтам кохе,
Ки камхориву камхобиву камғуист арконаш.

(Иродат кўчасида фақр тупрогидан шундай қаср бино қилдимки, унинг устунлари кам ейиш, кам ухлаш ва кам гапиршидир).

Шундан сўнг ушбу «қаср»нинг фазилатлари, у орқали ваҳдат осмонига етишиш, ирфон булоғидан баҳраманд бўлиш мумкинлиги баён этилади, яъни дарвешликнинг бош мезони – фақр мақомини кашф этиш. Фақр инсонни комиллик кўзгусига айлантиради, қалб кўзи очилади, олам, одам асрори кашф бўлади, дейди Жомий.

Жомийда ана шу фикр чўққисидан одамлардаги ахлоқий нуқсонлар танқид қилинади, нафсни енгиш хислати улуғланади. «Биҳишт керак бўлса, дил оламига юз ўтир, чунки дўзах – сенинг нафсинг, ёмон феълларинг унинг белгисидир».

Жомийда ҳам шоҳу дарвеш қиёси бор. Аммо бунда у Хусрав Деҳлавий каби кескин, нафратли муносабат билдирмайди. Шунга қарамай, Жомий учун ҳам шоҳ ва дарвеш – икки келишмас қарама-қарши қутб: дарвеш – нафсдан озод, шоҳ – нафс бандаси; дарвеш – ҳеч кимга зулм қилмайди, шоҳ зулм қилишга мажбур; дарвеш – абадий ҳаёт ошиғи, шоҳ – шу дунё ошиғи ва ҳоказо. Мана бу байт эса Хусрав руҳидадир:

Шаҳ оташдону оташгира ин мушти авони хас,
Ки баҳри хонумонҳо сўхтан башанд аъвонаш.

(Шоҳ – ўчоқ, посбонлари эса – ўтин ёқувчи, аъёнлари ўчоқдан чўғ олиб, хонумонларни ёндиришга кўмаклашадилар).

Абдураҳмон Жомий дунёнинг риёкорликлари, фалак зулми, ситамкор одамлар ҳақида тўхталар экан, зулм аҳлига таслим бўлишни рад этади ва ёмон ахлоқли, зулмпеша кишиларга шафқат қилмасликка чақиради.

Хануз озори мардум ҳўи ту ногашта, э-он бигсил,
Чу беҳи хор маҳкам гашт, натвон кандан осонаш.

(Одамларга озор бериш феълнинг хислатига айланмасдан ундан воз кеч, чунки тиканнинг илдизи маҳкам бўлгач, уни юлиб ташлаш қийиндир).

Жомий ҳам фалсафа билан диний-тасаввуфий илмларни солиштириб, фалсафани рад этади. «Ҳикмат иста санг Маккага бор», яъни Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам илмини эшит, деб уқтиради.

Охирида Хоқоний қасидасининг тили мураккаблигини қайд этиб, шеърятда ўта санъатбозлик хунукликка олиб келади, дейди.

Ҳақиқатан ҳам, Хоқонийга нисбатан Амир Хусрав, Жомий ва Навоий услублари анча содда ва равондир. Алишер Навоий қасидасининг таҳлили ва насрий таржимасини юқорида келтирдик. Қиёслаган одам орадаги фарқларни дарҳол сезади. Шу боис биз бу ўринда «Насимул хулд» қасидасини қайта бошдан таҳлил қилмоқчи эмасмиз. Фақат шуни айтмоқчимизки, Навоий қасидаси шаклан Хоқоний ва Амир Хусрав қасидаларини эслатиб турса ҳам, аммо мазмун-маъно, талқин ва тасвир нуқтаи назаридан жиддий фарқ қилади. Бу фарқ энг аввало куйидаги нуқталарда кўзга ташланади:

1. Навоий: а) шоҳу гадони қиёслаш ва шоҳни нафӣ этиш (танқид қилиш), шоҳликни нафрат билан тилга олишдан; б) табиатни, еру кўкни инсоннинг душмани деб ҳисоблашдан; в) сурат ва маънони чоғиштириш каби фалсафий мушоҳадакорликдан; г) Афлотун, Суқрот, Ибн Сино номи билан боғлиқ фалсафа илмини бадном қилишдан; д) дунёнинг ўткинчилиги, фалак зулмини изоҳлашдан (бу маъно Навоий-Фонийнинг бошқа қасидаларида ифодаланган); е) жабр-зулм аҳлига муносабат билдиришдан; ж) дарвеш ахлоқига тўғри келмайдиган нуқсонларни

танқид қилишдан (бу маъно «Минҳожун нажот» қасида-сидан кенг ўрин олган) воз кечган.

2. Бунинг ўрнига асосий эътиборни Фақр мартабасига, комилликка эришиш босқичларини баён этишга, солиқ тарбияси усуллари, нақшбандия тариқати талабларини изчил таъриф-тавсиф қилишга эътибор қилган. Натижада унинг қасидаси мазмунан бир йўналишдаги асар бўлиб чиққан, тариқат одоби чуқурроқ талқин этилган.

3. «Насимул хулд»да Хоқоний, Хусрав Деҳлавий, Жомийнинг асарларидаги ифода-иборалар ҳам деярли учрамайди. Хизр, Исо, Мусо, Фиръавн, Нуҳ номлари билан боғлиқ тасвирилар бор, аммо ўзига хос тоза тасвир билан намоён бўлган. Масалан, Хоқонийда:

Худ он касро, ки рўзи шуд дабистон аз сари зону,
На то Каъбаш бувад жудию, не то соқ тўфонаш.

(Тизза усти мактаби насибаси бўлган кишига Каъба ҳам керак эмас, Нуҳ тўфони ҳам тўпигига келмайди).

Навоийда:

На бокаш з-он, ки ғарқоби ҳаводис сар кошад бар чарх,
Чи ғам суккони гирди аршро аз Нуху тўфонаш.

(Дарвеш мақомига эришган одам ҳодисалар сели осмонга кўтарилса ҳам кўрқмайди; Арш атрофидагиларга Нуҳ ва унинг тўфонидан нима ташвиш).

Навоий қасидасида олдинги қасидаларнинг бирор мисра ёки бирикмаси айнан тазмин қилинган эмас. Ҳолбуки, татаббуъ қондасига бу зид эмас. «Тухфатул афкор»да Хусрав ва Жомийнинг бир нечта сатри тазмин қилиб олинган (иқтибос санъати).

4. Навоий қасидасининг тили содда ва раван. Бу жиҳатдан у Жомий асарига яқин.

5. Навоий қасидаси Хусайн Бойқарога бағишланган, олдинги қасидалар ҳеч кимга бағишланмаган.

Шундай қилиб, бу қиёсий таҳлилимиз шуни кўрсатдики, Шарқ адабиёти, жумладан, қасидачиликда ҳам сўфиёна ғояларни тасвирилаш расм бўлган ва бу ғоялар асрдан асрга ривожланиб борган, ҳар бир давр ва муҳитнинг тасаввуфга бўлган қарашлари, қолаверса, ҳар бир мутафаккир шоирнинг ўз фикр-мулоҳазалари билан тўлдирилган ва шуни акс эттирган. Хоқоний Шервонийнинг хийла му-

раккаб тасвирли мушоҳадалари, кескин фикрлари Навоийга келиб бир оз дидактик оҳангга эга бўлган, комил инсон ахлоқини шарафловчи асар тусини олган. Алишер Навоий «Ситтаи зарурия» қасидалар туркуми билан форс-тожик тилида улуғ асар яратишга қодир беназир маҳоратини намойиш этиб, қасидачилик жанри, сўфиёна бадиий сўз хазинасини бойитди. Ушбу қасидалар айна вақтда ўзбек адабиётининг ҳам бебаҳо мулкидир. Уларни ўрганиш ва таржима қилиш шу жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир.

«НАСИМУЛ ХУЛД» ҚАСИДАСИ

1. Муаллим ишқу пири ақл шуд тифли дабистонаш,
Фалак дон баҳри таъдиби вай, инак чархи гардонаш.

Дабистон бин, муаллимро ки бошад аз раҳи маъни,
Аносир чор девору равоқи чарх айвонаш.

Ажаб каж-маж забон тифле, ки устоде бад-ин диққат,
Ба умре як сабақ омӯхтан натавонад осонаш.

Ажабтар он ки баъди умре ар донист дар соат,
Зи лавҳи хотири худ пок шӯяд з-оби найсонаш.

5. Чи гӯи тифле, к-он пири хазаф даъвии доной,
Расонд он жо ки гуфтанд аҳли дарду шавқ нодонаш.

Аз он устоду шогирди натижа кай шавад ҳосил,
Ки он шуд нуру ин зулмат, ба меҳт натвонаш.

Ки таълиме ки гӯяд ин муаллим сарбасар ёбӣ,
Масун аз нуқси жаҳлу комил аз оини ирфонаш.

Намояд раҳ ба сӯи гулшане, к-аз ғояти нузҳат,
Бувад тубӣ қади хӯроу кавсар лаъли ризвонаш.

Мағӯ тубӣ, ки бошад сарвҳои он чаман яксар
Алифҳои, ки ёбӣ жилвагар дар боғи имонаш.

10. Зи бас зебу назорат аз каломи поки субҳонӣ,
Шуда «жаннота тажри тахтаҳул анҳор» дар шонаш.

Зулоли чашмаи Хизр омада як соғар аз ҳавзаш,
Мисоли сафҳаи хуршед як вард аз гулистонаш.

Насими Исавианфос суккони хушоинаш,
Забури лаҳни Довудӣ зи мурғони хушилҳонаш.

Зи санғи резаи анҳор аз бас жавҳару қиймат,
Ҳижил сад раҳ дури уммонию лаъли Бадахшонаш.

Ба фаррошии ӯ хас рӯфта аз дам Исии Марям,
Ба дарбонӣ ба каф карда асо Мусои Имронаш.

15. Чунин гулшан набошад ғайри боғи маърифат, эй дил,
Чи кард ороста аз баҳри комил сунғи яздонаш.

Чи комил он, ки аз таълимҳои ин муаллим ёфт,
Шараф вайронаи зоҳир, захоир ганжи пинҳонаш.

Аз он вайрона ҳар чуғз омада 3-онсон ҳумоюнфар,
Ки андар соя баҳри касби давлат рафта султонаш.

Ва-зин ганжи Каёнӣ камтарин гавҳар бад-он қиймат,
Ки гар ғоиб шавад мулки Жаму Кай нест товонаш.

20. Хушо, жамъияти ботин бад-ин он солике, Фонӣ,
Ки ҳифзи инчунин ганже кунад зоҳир парешонаш.

Хушо, маъмури мулки дили он раҳвари комил,
Ки шуд шаҳри бадан аз баҳри поси ганж вайронаш.

Ба зоҳир хор дар пой бараҳна рафта, дар маънӣ
Бурун оварда ҳур аз нути мижгонҳои сӯзонаш.

Ба зикри ботинӣ доим ва лекин ҳирқаи сад чок
Гули жаннат, ки бар авроқ бошад байти Куръонаш.

Зи сартопо маломат, лек зоти воҳидаш дар дил,
Алифсон дар маломат омада шамъи шабистонаш.

Ба қатъи роҳи ҳасти хай фишонаст чашми мустаъжил,
Чу абри раҳмату дурҳои баҳри файз боронаш.

25. Ба ботин ғарқи даръеи вусул, аммо ба зоҳир даст
Ба жисми муктасиб кишти раҳон аз баҳри Уммонаш.

Ба таййи арз аз Машриқ ба Мағриб турфат ул-айне,
На дар рӯзе хиром аз коҳили меҳри фалаксонаш.

Бараш аз ҳиммати олию тарки ҳаззи нафсонӣ,
Фалак чун шоҳиди марду ду холи чеҳра кайвонаш.

Кӯҳан хирқа, ки дар вайду самоъ афганда аз гардан,
Ба домонии чарх афтода хуш тавқи гиребонаш.

Шуда аз бас ҳақорат чархи аъзам нуқтасон маръӣ,
Чу гоҳи важд дар давр омада паркори домонаш.

30. Магасмонанд ғавғо дар малоиқ омада ҳар сӯ,
 Чу ғашта паҳн хони ваҳдат андар зикри меҳмонаш.
 Масеҳо субҳи фитрат файзьёб аз поси анфосаш,
 Хизр дар шоми зулмат журъанӯш аз оби ҳайвонаш.
 На боқаш з-он, ки ғарқоби ҳаводис сар кашад бар чарх,
 Чи ғам суккони гирди Аршро аз Нуҳу тӯфонаш.
 Ту, эй дил, гар ҳаме хоҳӣ, к-аз атвори чунин комил,
 Ки аз аҳди алас афтода бо Ҳақ рост паймонаш.
 Насибе бошадат, в-он филҳақиқат, гар муяссар нест,
 Мадад ногашта тавфиқи Илоҳ аз лутфу эҳсонаш.
35. Вале он ҳам, ки таъби бадманаш бар шеваи некон,
 Шавад моил, нишоне бошад аз тавфиқи субҳонаш.
 Агар марди раҳӣ, аз нафси нопокат гузар, в-онгаҳ,
 Даро дар шориъи даште ки паймуданд поконаш.
 Вале аввал баробар ғусле аз ашки пушаймонӣ,
 Хуш он, к-ӯ Ҳақ насозад з-ин пушаймонӣ пушаймонаш.
 Пас он гаҳ гар тавонӣ муршиди комил ба даст овар,
 Ки раҳ дур асту пурбиму мусофиркуш биёбонаш,
 Аҷаб водӣ ки дӯзад пой раҳравро ба ҳар гоме,
 Ба маънӣ васли мақсад бар замин хори муғелонаш.
40. Гирифтор омада насраини гардун чун магас ҳар сӯ,
 Ба доми торҳои анкабут аз баргу аъзонаш.
 Баҳорашро бувад селоб ҳар жониб сароб он гаҳ,
 Самум аз бас мулавван тоза гулҳое ба алвонаш.
 Фазояшро ба ҳар гом омада сад офати муҳлик,
 Ки ёбӣ аждаҳо дар қатъи он аз жон ҳарасонаш.
 Ду сад кӯҳи бало дар вай кашида теги хунрезе,
 Ба доман санг бар ҳар сӯ зи баҳри сангборонаш.
 Ҳазораш баҳри офат ғарқи ҳар гирдоб сад гардун,
 Ба ғаввоси хирад не соҳилаш пайдо, на поёнаш.

45. Наҳангаширо чу моҳии замин ҳар рӯз ду тӯъма,
Вале аз илтиҳоби жуъ деги меъда тафсонаш.
- Ҳазорон беша дар вай лек бар ҳар барг бинвишта,
Зи хатти обкаш жуз ҳарфҳои яъсу ҳирмонаш.
- Вале дар бешаҳо афтода оташҳои жонсӯзе,
Ки фавқи сабзаи гардун кашида шӯъла ниронаш.
- Ба ҳар манзил баланду пасти он дашт то ҳалде,
Ки афтода суре боло, сураиё монда поёнаш.
- Раҳе 3-инсон ки шарҳ омад чу пеши роҳрав афтад,
Яқинаст (ин), ки бе раҳбар намудан қатъ натвонаш.
50. Бувад он роҳбар аз рӯи маъно муршиди комил,
Ки дар қатъи чунин роҳ аст ҳар душворӣ осонаш.
- Нахуст он муршидат андар раҳи дин ҳар чи фармояд,
Ҳама бояд қабулаш кардану пазруфтани аз жонаш.
- Бувад фарз аввалат маъмур кардан нафси кофирро,
Пас андар ҳазрати Султони дил кардан мусулмонаш.
- На фармуда риёзатҳои гуногун кужо гардад,
Мулоим он чунон кофир, ки орий зери фармонаш.
- Зи фарқи пили ҳинду кам намуда зарбаи чангак,
Чи мӯраш гар забун гардат кунад бо хок яксонаш.
55. Ба чӯби сахту занжири мукаррар шербон гар худ,
Наранҷонад, гужо гардад мулоим шери дарронаш.
- На шер ин, хирси рӯбаҳбоз, бал рӯбоҳи хирсойин,
Ки шерони жаҳон омад забун макру дастонаш.
- Раҳе ин гуна пурофат, туро ин навъ ҳамроҳе,
Ки шогирдон бувад дар раҳзани сад деу шайтонаш.
- Ба водие чунин ҳоил нашояд шуд ба ҳамроҳӣ,
Ки тобиъ ҳаст дар ҳар гом сад ғӯли биёбонаш.
- Фароғи раҳ чи сон бошад, даруни пераҳан афъӣ,
Фурӯ рафта таҳи ҳар мӯй баҳри қатл дандонаш.

60. Чй афъй, кирми шуме, муҳлике мақсудро монёъ,
Набурда раҳ ба мақсад то накушта шоҳи Кирмонаш.

Чу гашта душмани одам, ки масжули малоик буд,
Бурун карда зи баҳри донae аз боғи ризвонаш.

Падарро карда чун мағлуб, бар авлод маврусист
Бар аъзо санги бедодаш, ба сина неши хизлонаш.

Касе, к-ӯ бар чунин душман шавад голиб, тавон гуфтан,
Ки дар мардонагй Рустам набошад марди майдонаш.

Ту аз амри чунин муршид агар наниҳй қалам берун,
Забунат гардаду дигар хилофат набвад имконаш.

65. Вале маъмур шуд будант з-онсон, ки мебояд,
Зи ҳар чи саъбтар з-он набвад ин дон саъбтар з-онаш.

Туро гӯяд, ки чун аз макру шайди нафс ворастй,
Ҳамедор аз пай осоиши жон зору ранжонаш.

Вузуи домиро вирди худ кун, кишвари ҳасти,
Агар хоҳи, ки созй зон пурифат сел вайронаш.

Фаноу равшаниро аз қиёму гирьяи шаб дон,
Ки шамъ ин кард то доданд жои меҳри рахшонаш.

Хавотир баҳри дилро ҳамчу амвожи паё-пай дон,
Ки бас кишти ки гардад ғарқа аз осеби тугёнаш.

70. Киро ёрои таскини чунин амвож бошад, жуз
Сулаймон эҳтишоме он ки бод омад ба фармонаш.

Ба дил нафю субути «Ло Илоҳ» овар ба «Иллаллоҳ»,
Бадонсон, к-омада таълимат аз муршид бадонсонаш.

Мурод аз «Лоилоҳ»ат «мовсиволлоҳ» бошад андар дил,
Задан нафъи улуҳият зи таҳқиқоти фаҳдонаш.

Зи «Иллаллоҳ» маъбуди ҳақиқй боядат мақсуд,
Ки насси «Қулҳу Аллоҳу аҳад» шуд шоҳиди шонаш.

Вале он зикр бояд он чунон дар хотир овардан,
Ки жуз мазкур набвад оға аз даъвию бурҳонаш.

75. Алифҳо боядат мисморҳо, то дӯзияш дар дил,
Бадон исботу нафӣ онсон, ки монад ақл ҳайронаш.
- Дилат чун аз раҳи ботин ба Ҳақ шуд восили мутлақ,
Ба зоҳир ҳам риоят шаръро вожиб ҳамедонаш.
- Салоти ҳамса к-омад панжаи исломро қувват,
Адо месоз маръи дошта одобу арконаш.
- Закот аз бист як шуд, лек чун шуд бистро дода,
Бале шукронаро доданд карда қарз мардонаш.
- Ба савмат жумла аъзоро зи(но) машруъ шуд монёъ,
Валекин савми дил омад зи манъи ёди раҳмонаш.
80. Пас он гаҳ истетоат шартӣ ҳаж медону амни раҳ,
Ки натвон по ниҳод аз рӯи зоҳир дар биёбонаш.
- Вале бас роҳрав сарпо бараҳна меҳр сон рӯзе,
Шуда ин роҳу по буда ба чорӯм чархи гардонаш.
- Ба рафтган мӯр чун озурда гардад дар таҳи пое,
Ки ҳар мӯр ажлаҳо омад зи рашки васли жононаш.
- Аз он бар жисми лоғар жандаи пашмин кашад солик,
Ки ноҳамвориин нафси ҳашинро ҳаст сӯҳонаш.
- Ҳазорон доғ аз санги риёзат бар тани сӯфи,
Бувад як сӯю бас як сӯй дар дил доғи ҳирмонаш.
85. Агар журмат дар мезони маҳшар кӯҳи Қоф омад,
Ба як оҳи надомат метавонӣ кард парронаш.
- Туро сад баҳри тоат гар бувад, лекин риё олуд,
Чи гӯй баҳри тоат беҳ ки гӯй баҳри истёнаш.
- Даруни тира аз нақши дирамҳо ҳаст мадхалро,
Зи берун пурдирам з-онсон, ки гӯй шакли ҳамъёнаш.
- Агар сад жон баҳо дода хари дасти тариқи фақр,
Худоят дорад арзонӣ, ки бигрифтасти арзонаш.
- Аду гар қасди жонат кард, чун қодир шудӣ бар вай,
Зи тақдири Ҳақаш медон яқин пас дил маранжонаш.

90. Хўри хокистар авло з-он бувад кас сифла нон жўйи,
Агар худ қурси маҳ бошад таҳи хокистаре нонаш.
- Зи Ҳақ жў ҳар чи жўй, балке аз Ҳақ ҳам мажў з-он рў,
Ки бежустан расад ҳар чи намула қисми инсонаш.
- Балое, к-аз Ҳақат ояд ба жойи неъматаш медон,
Бажо гар шукри он неъмат наёри ҳаст куфронаш.
- Дили равшан ки чоҳи риёзат афганӣ, бинӣ
Ба тахти Мисри иззат оқибат чун моҳи Канъонаш.
- Ба тарки зарқ шайхи ҳийлагарро нест жуз нуқсон,
Чи ёбад суд бозоре, ки шуд бар баста дўконаш.
95. Ту сирри Ҳақ агар дорӣ ниҳон, набувад ажаб гоҳе,
Ки сирри бут ниҳон дорад даруни сина раҳбонаш.
- Буте, к-ат ҳаст маҳбуби мажозӣ дорияш пинҳон,
Ба маҳбуби ҳақиқӣ ансаб омад сирру китмонаш.
- Ризои дўст жустан он бувад, к-ат ҳар чи пеш ояд,
Шавӣ розию аз тақдир донӣ суду нуқсонаш.
- Ба панди воизи ғофил маяфкан гўшу з-он бигзар,
Ки дар хобаст аз гафлат ҳамон афсона ҳазъёнаш.
- Машав машғуфи амри хориқи одат дар ин водӣ,
Ҳама гар во намояд тайӣ арзат шайхи Ҳарқонаш.
100. Бувад оини дарвешони комил ин равиш, бингар
Чи зебо ояд ар зоҳир кунад шоҳони давронаш.
- Зи шоҳон низ набувад лоиқи ин рутба, жуз шоҳе,
Ки дарвешӣ зи шоҳӣ бартар аст аз айни ирфонаш.
- Шаҳи дарвешваш, султони фақроин, ки аз Эзид,
Фарози тахти шоҳӣ фақру дарвешист дар шонаш.
- Абулғозӣ сипеҳри салтанат Султон Ҳусайн омад,
Ки то одам бувад ажлоди султон ибни султонаш.
- Мағў султон, ки султонони олам ҳаст худдомаш,
Аз он мағнӣ ки собит гашт нисбат хон бини хонаш.

105. Ба гоҳи мулкдорӣ бандагон Доруу дороваш,
Гаҳи сомони кишвар чокарон Сосону Сомонаш.

Паи ороми боғи мулкдорӣ гулшани даҳраш,
Дар ӯ ду мавзеъи базм омада Эрону Туронаш.

Гаҳи оин санои нописанд оини Жамшедаш,
Ба вақти мулкбахшӣ мухтасар мулки Сулаймонаш.

Жанобаш он чунон олай ки гар чӯб аз кафи ҳожиб
Фитад, бошад пас аз сад қарн жо бар фарқи кайвонаш.

Хитобаш он чунон нофиз, ки бар кӯҳ ар шавад ворид,
Сароби дашти нобудӣ шавад ажзои ларзонаш.

110. Яке аз човишони камтараш Гӯдарз бин Кашвод,
Яке аз чокарони лашкари Соми Наримонаш.

Бувад бӯстони хулқу ӯ, ки созад мурдари зинда,
Насими руҳбахше, к-ояд аз насрину райҳонаш.

Ҳавои жуди ӯ бошад, ки дар фасли баҳори ӯ,
Садаф чун чарх сад пурдур шавад аз абри найсонаш.

Чу атбоқи фалак бошад ҳазорон густаронида,
Кашида чун шавад дар рӯзи бори ом шелонаш.

Ду сад чун Ҳотаму Бармак барад сад сол аз он рӯзӣ,
Чи рӯзи жашн бошад бар замин нонрезаи хонаш.

115. Ба рӯи киравон нури сужуди хоки даргоҳаш,
Ба пушти қайсарон хатти нишони чӯби дарбонаш.

Ҳаворо қатраи борон ба-дон навъе, ки бишкофад,
Бадонсон бигузарад аз жисми хоро нӯги пайконаш.

Бувад теғаш чу жаллоде, ки пушад кисвати аҳмар,
Зи хуни хасм чун пушида гардад жисми урӯёнаш.

Чунон гар абри боранда дарояд барқ дар хоро,
Дили сангиндилонро пора созад чашми гирӯёнаш.

Шаҳо, дар мадҳат ин назми маро ҳар кас ки бар хонад,
Нагардад мултафит бо шеъри Хоқонию хоқонаш.

120. Пас аз вай соҳири Ҳинди, чунон ин назм худ орошт,
Ки «Миръот ус-сафо» шуд ном аз табъи сухандонаш.

Дигар шуд орифи Жомӣ «Жилур-руҳ» – ро нозим,
Мушарраф сохта аз наъти фаҳри оли Адмонаш.

«Насимул хулд» кардам номи ӯ дар мадҳи шаҳ 3-он рӯ,
Ки жонро ҳаст ҳар байте насим аз хулду ризвонаш.

Зи руҳи ин ду истимдод кардам назди Ҳақ, лекин,
Дилам ҳар жо зи Ҳақ мехост фоиз, шуд бадонсонаш.

Ба Жомӣ гар надорам роҳи даъво андар ин маъно,
Ки ҳаст устоди ман в-ин назм гашта зеби девонаш.

125. Ба Хусрав ҳожати даъво набошад 3-онки хонанда,
Шавад воқиф чу ояд дар назар ҳам ину ҳам онаш.

Агар жавҳарфурӯшон баҳри савдо сӯи Ҳиндистон,
Баранд ин тӯҳфаро ё тожири дарё ба Шервонаш.

Зи руҳи Хусравам ояд ду сад инсофу сад таҳсин,
Зи Хоқони малолатҳо, ки кардан шарҳ натвонаш.

Ҳамеша то ки дар маръои дашти дилкаши олам,
Раият чун рама, султони одил ҳаст чӯпонаш.

Дар ин маръо раият сад ҳазорон бод беш он навъ,
Ки ҳар якро бувад чокар ҳазорон хону қоонаш.

«НАСИМУЛ ХУЛД»

(«Ҷаннат шабадаси») қасиданинг насрий таржимаси

1. Ишқ муаллим, кекса ақл эса мактаб ўқувчиси бўлди.
Бу ўқувчи боланинг тарбияси билан фалак шуғулланади
деб бил, фалак эса доимо айланишда¹.

2. Муаллимнинг мактабини кўр: маъно юзасидан олиб
қараганда унинг деворлари тўрт унсур (ҳаво, сув, олов,
тупроқ) бўлиб, осмон равоқи эса айвонидир.

3. Ажабки, бу боланинг тили ҳали ўнгланмаган (ду-
дуқ), устоз бундай болага диққат билан сабоқ ўргатса
ҳам, умри давомида у бир дарсни осонликча ўзлаштира
олмайди.

4. Яна ажаброғи шуки, агар у умри давомида бир соатлик сабоқни ўзлаштирса-да, аммо хотираси лавҳидан найсон суви ювгандек ўчириб юборади.

5. Нима ҳам дердинг, бу «бола» аслида қоқ суяк қария бўлиб², доноликнинг даъвосини шу жойга етказдики, дарду шавқ аҳли (ошиқлар) уни нодон дедилар.

6. Бу устоз-шоғирдликдан бирор натижа чиқармиди, ахир ишқ — нур, ақл эса — зулмат, улар бир-бирлари билан омухта бўла олмайди.

7. Бу муаллим берадиган таълимга разм солсанг, шуни аниқ англайсанки, у ноқислик ва жаҳдан ҳимояланган ва ирфон йўл-йўриғи билан тўлдирилгандир.

8. Бу таълим шундай бир гулшанга йўл бошлайдики, унда ғояти покликдан ҳурлар қадди Тубо дарахтидай, Кавсар эса ризвонининг лаълидир³.

9. Тубо демаким, ул чаман сарвлари бошдан-оёқ иймон боғидаги алифга ўхшайдилар⁴.

10. Пок Парвардигор каломи — Қуръондан шундай зийнат ва назар олганким, «жаннат боғлари остидан оқаётган ариқлар»⁵ ибораси унинг шаънига мувофиқдир.

11. Унинг ҳавзидан олинган бир қадаҳ сув Хизр чашмаси (обиҳаёт) кабидир. Гулистонидаги бир гул қуёш саҳифаси мисолидир.

12. Исо нафасли шабада доимий унинг хушбўидир. Ёқимли овозли қушларининг куйи Довуд «Забури»нинг садосидай⁶.

13. Ариқларининг майда тошларидан шундай жавҳар ва бошқа қимматли тошлар чиқадики, Уммонларнинг дурлари ва Бадахшон лаъли унинг олдида юз карра хижил бўлади.

14. Марям ўғли Исо ўз нафаси билан унинг фарроши бўлиб, хас супуради, Мусои Умрон эса унинг эшигида қўлида ҳассаси билан қоровуллик қилади.

15. Эй кўнгил, бундай гулшан маърифат боғидан ўзга нарса эмас, невчунким уни Яздон қудрати Комил инсон учун яратиб беагандир.

16. Тағин шундай комилликки, ушбу муаллим таълимларидан вайрони — зоҳири ҳам, яширин ҳазинаси — захираси ҳам шараф топти.

17. Бу «вайрона»дан⁷ ҳар бир бойўғли бахт қуши — ҳумо-

дай бўлиб, шундай парвоз этдиларки, унинг соясида султонлар давлатни идора қилмоқдалар.

18. Бу каёнй ганждан энг кичик гавҳари шундай қийматга моликки, агар Жамшид ва Кайқубод мулки ғойиб бўлса ҳам уни товонига арзимади.

19. Эй Фоний, ички олами – ботини хотиржам бундай солиқ қандай яхши, чунки бундай ганжни қўриқлаш зоҳирни паришон этади.

20. Бу комил йўловчи кўнгил мулкининг ободлиги қандай яхшиким, бадани шаҳри маърифат хазинасини сақлаш учун вайрон бўлди⁸.

21. Зоҳирда яланг оёқларига тикан кирган, аммо маънида бу тиканни офтоб қизиган киприклари учи билан ташқарига тортиб чиқаради.

22. Доимо ботиний зикрда, аммо юз жойи йиртиқ хирқаси жаннат гулидирким, варақларида Қуръон байтлари битилган.

23. Бошидан-оёқ маломат, аммо Худонинг Воҳид зоти дилида маломат сўзидаги алифдай тун шамъи мисол нур сочиб туради⁹.

24. Ўз борлиғи йўлини босиб ўтиш учун шитоб билан олдинга интилган кўзлари ёшли, бамисоли раҳмат булутидекким, ёмғири файз денгизи дурларидир.

25. Ботинда васл дарёсига ғарқ бўлган, аммо зоҳирда фазилату ҳунар касб этган қўли билан Уммон денгизида кема суради¹⁰.

26. Бир кўз очиб-юмгунча, Машриқдан Мағрибгача бўлган масофани босиб ўтади, кўкдаги Куёшдай чарчашни билмайди.

27. Нафсоний лаззат таркида олий ҳиммати фалакдай кенг, осмон мардлигига шоҳид ва кайвон чехрасидаги икки холишир.

28. Важду самоъда бўйнига илган эски хирқаси осмон этагига мос келади, ёқаси эса чарх ҳалқасига мувофиқ.

29. Этагининг паргори – циркули важду самоъ пайтида айланганида, чархи фалак ҳам кичрайиб, нуқтадай бўлиб кўринади.

30. Фаришталар пашшадай ҳар томонга ғавфо кўтариб, зикр пайтида ваҳдат дастурхони атрофида меҳмон бўладилар.

31. Яратилиш тонгида Исои Масих унинг нафаси эҳтиромидан файз топган; Хизр зулмат шомида унинг оби ҳайвони (тириклик суви)дан ичади.

32. Фалакка ҳодисалар гирдоби бўлишидан қўрқмайди; ахир Арш атрофидагиларнинг Нуҳ тўфонидан нима ғами бор!

33. Эй кўнгил, сен Азалда Ҳақ билан аҳду паймони тўғри бўлган шундай Комилнинг феъл-атворидан —

34. Насиба олишни истасанг ва агар ҳақиқатда бу муяссар бўлмаса ҳам, Илоҳнинг лутфу эҳсонидан мадад олишга ўзингни чоғла.

35. Аммо табиату хислати ёмон бўлганлар ҳам агар яхшилар йўриғига мойил бўлсалар, бу ҳам Худованди Каримнинг тавфиқи нишонасидир.

36. Агар йўл кишиси (солик) бўлсанг, нопок нафсининг баҳридан ўт ва ундан кейин поклар босиб ўтган биёбон йўлига киргин.

37. Аммо аввало пушаймонлик кўз ёши билан ювин (тавба қил), бу пушаймонликдан Ҳақ пушаймон этмаган киши бахтиёр, албатта.

38. Шундан кейин қўлингдан келса, комил бир муршид топ, чунки йўл узоқ, хатарли ва биёбони мусофиркушдир.

39. Бу шундай водийки, ҳар қадамда мақсад васлига манъ бўлиш учун муғилон тиканлари йўловчи оёқларини ерга тикади.

40. Насрайни гардун¹¹ ўргимчак торлари тузоғига пашшалар каби ҳар томонда илинади.

41. Баҳорида ҳар тарафда сел сувлари оқади, аммо (бу селоб) саробдай кўринади, ёзининг иссиқ шамоли тоза гулларни алвон-алвон қилиб кўрсатади.

42. Фазосида (кенглигида) ҳар қадамда юз ҳалокатли офат, уни босиб ўтаётган аждаҳони ҳам жон таҳликасида кўрасан.

43. Унда икки юз бало тоғи фалакка қон тўкувчи тиф тортиб туради, тошбўрон қилиш учун этагида тош тўла.

44. Юз чархи гардун минг-минг офат гирдобига фарқдир, ақл ғаввосига на қирғоғи, на адоғи кўринади.

45. Наҳанги Ерни кўтариб турган балиқ каби ҳар куни икки марта овқат ейди¹², аммо очлик алангасидан меъдасининг қозони ҳамиша қизитан.

46. Унда минг-минг ўрмон бор, аммо ҳар бир баргда унинг томири хати билан фақат ноумидлик ва андуҳ ҳарфи ёзилган.

47. Ўрмонларида жонни куйдиргувчи аланга бор, унинг шуъласи осмон гумбази билан туташган.

48. Ҳар манзилда бу чўлнинг баланд-пасти шгу даражадаки, ҳўкиз юқоригаю, сурайё эса пастга тушгандир¹³.

49. Шарҳини қилганим бундай йўл солиқ – йўловчи олдига тушгач, аниққи, у раҳбар – йўлбошчисиз буни босиб ўтолмайди.

50. Бу раҳбар маъно юзасидан комил муршид бўлмоғи даркорки, унинг олдига бундай йўлни босиб ўтиш осондир.

51. Бу муршид пиринг биринчи галда дин йўлида ни-маики буюрса, жону дилдан қабул этиб, бажаргин.

52. Авваламбор кофир нафсга амр қилиш, яъни нафсни бўйсундириб олишинг фарздир, кейин уни (нафсни) кўнгил султони ҳузурда мусулмон қил¹⁴.

53. Ҳар хил риёзатларни буюрмасдан ул кофир нафсни фармонинг остига олиб ром этолмайсан.

54. Чангак зарбаси билан ул ҳинд филининг бошига уриб, чумолидай забун қилиб, тупроқ ила баробар қил.

55. Агар дарранда шерни шер ўргатувчи занжир ва қаттиқ чўп билан уриб турмаса, ул шер ром бўлармиди?

56. Бу шер ҳам эмас, балки тулки ўйнатувчи айиқдир, йўқ, айиққа ўхшаш тулкидир, зеро, жаҳон шерлари унинг макру ҳийласига гирифтор бўлганлар.

57. Бундайин офатлари кўп йўл, сенга бундай йўлдош, қайсики қароқчиликда юз дев ва шайтонлар унга шо-гирддирлар –и

58. Ҳар қадамда юз биёбон ғаддор девлари тобеъ бўлган нафс бу водийда сенга ҳамроҳлик қилолмайди.

59. Кўйлагинг ичида илон бўлса, қандай қилиб йўлда хотиржам юрасан, ҳар тукинг остига бу илоннинг қотил тиши йўналтирилган.

60. Қанақа илон дегин, у шундай бир шум қуртки, ҳало-кат келтириб, мақсад йўлини тўсади. У Кирмон шоҳини ўлдирмай¹⁵ мақсадга олиб бормайди.

61. У фаришталар каттаси Иблис каби Одамга душ-мандир, ўша туфайли Одам бир дона бугдойни еб жан-натдан қувилди.

62. Отамизни шунақа мағлуб этгандан кейин, бу ҳол, демак, биз авлодларига меросийдир, яъни шайтон аъзоларимизга бедодлик тоши отиб, сийнализга алам нишини санчиб туради.

63. Агар кимки бундай ғаддор душман устидан ғолиблик қилса, мардликда Рустами дostonдан ҳам қудратли марди майдондир.

64. Сен агар ана шунақа муршиди комил амридан қадамингни ташқари қўймасанг, бу нафс деви забун бўлиб (енгилиб), бошқа халақит беришга имкони қолмайди.

65. Аммо нафсни амирингга олишга муваффақ бўлганингдан сўнг ҳам ҳар доим хушёр бўлиш лозим. Чунки нафс ҳар қандай ёввойи ҳайвондан ёмонроқ ёввойидир.

66. Пир сенга дейди: нафсинг макру ҳийласидан қутулган бўлсанг ҳам, жоннинг осойиши учун ҳамиша уни ранжу азобда сақла.

67. Агар бу пурифат селдан борлиқ мамлакати вайрон бўлишини истасанг, доимий пок юришни ўзингга расму одат қил¹⁶.

68. Нурга етишиш ва фоний бўлишни тунги уйқусиз йиғилар авжидан деб бил, зеро, шам шундай ҳолат билан тунни ўтказди.

69. Кўнгил хавотирини устма-уст келадиган тўлқинлар деб бил, бу тўлқинда қанчадан-қанча кемалар ғарқ бўлган.

70. Бундай тўлқинлардан таскин беришга шамол фармонида бўлган Сулаймон ҳашаматли одамдан бошқа ким ҳам журъат этарди.

71. Дилдан барча нарсани суриб қўйиб, «ла Илаҳа» (илоҳ йўқ)ни «иллаллоҳ» (Илоҳдан бошқа)га келтириб собит қил, бу зикрни пиринг қандай таълим берса, шундай бажар.

72. «Ла Илаҳа»дан мақсад қалбдан Илоҳдан ўзгани чиқаришдир, (бу орқали) Унинг ваҳдонияти (ягоналиги) таҳқиқи орқали улуғлик топишдир.

73. «Иллаллоҳ»дан мақсад ҳақиқий маъбуд – Аллоҳдирки, «Кулҳу Аллоҳу аҳад» (Деди: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ)¹⁷ хати шаънига гувоҳдир.

74. Аммо бу зикрни хотирада шундай такрорлаш керакки, зикр этилгандан бошқа даъво ва исботидан огоҳ бўлмасин.

75. Алифлар бу исбот ва инкорни тикиб маҳкамловчи михлар бўлсинлар, дилда шундай топсинки, токи ақл ҳайрон қолсин.

76. Кўнглинг ботин йўлидан Ҳаққа мутлақ восил бўлгач, зоҳирда ҳам шариатга риоя этишни вожиб билиш лозим.

77. Беш вақт намоз — Ислом панжасининг қуввати бўлди, уни одоби ва асосларини сақлаган ҳолда бажариб тур.

78. Закот йигирмадан бир бўлди, аммо (қолган) мард одамлар йигирмани ҳам бериб, қарзни узиш шукронасини қилдилар.

79. Рўзанг шариатга хилоф нарсалардан вужудинг — аъзоларингни сақлайди, аммо дил рўзаси Раҳмонини ёдлаб туришга ман бўлувчи нарсалардан сақлагувчидир.

80. Шундан кейин билгилки, агар ҳаж қилмоқчи бўлсанг, бунда йўл азобига чидаш берадиган қувват бўлиши керак, зеро, бунда зоҳир юзасидан ул биёбонга оёқ қўйиш мушкул.

81. Аммо кўп йўловчи — солиқлар борки, қуёш мисоли бошу оёқ яланг ҳолда бу йўлни босиб ўтадилар ва тўртинчи фалакка оёқлари бориб етади.

82. Йўл юришда чумоли оёқ остида гарчи озурда бўлсада, жон васли (йўли)да қилинган жаҳду ҳаракатдан ҳар бир чумоли аждарҳога ўхшаб кетади.

83. Солиқ — йўловчи ориқ баданига шунинг учун жун жанда киядики, бу жанда дағал нафсни текисловчи эговдир.

84. Риёзат тошидан сўфий танида минг яра — доғлар бир ён, аммо дилдаги умидсизлик, маҳрумлик доғи бир ёндадир.

85. Агар сенинг гуноҳинг Маҳшар куни ўлчовида Қоф тоғича бўлса ҳам, бир пушаймонлик оҳи билан уни ўчириб юборишинг мумкин.

86. Сен агар юз тоат денгизида чўмилсангу, аммо у риё билан булганган бўлса, бундай тоат денгизидан исён денгизи афзал.

87. Қоронғи ичинг дирамлар нақши — суратидан тўлган, ташқаридан қараганда сен гўё дирам тўлдирилган ҳамёнга ўхшайсан.

88. Агар сен юз жон бериб, фақрни сотиб олсанг, Худо ишингни ўнглабди, чунки арзонга олибсан.

89. Агар душман жонингга қасд қилса-ю, бироқ сен

ундан ғолиб келсанг, буни Ҳақнинг тақдири деб бил ва уни ранжитма

90. Сифла – хасис, пасткашдан нон тилаб егандан кўра, (агар унинг кул остидаги нони ой парчаси бўлса ҳам) кул еган афзалдир¹⁸.

91. Нимаики истасанг Ҳақдан тила, балки Ҳақдан ҳам тилама, чунки инсон ризқи, қисмати тилаб, излаб юрмаса ҳам етказилади.

92. Агар Ҳақдан бало етса ҳам неъмат деб қабул эт, агар бу неъмат шукрини адо этмасанг, куфрдир.

93. Риёзат қудуғини қазиб, кўнгилни равшан этганинда кўрасанки, Канъон ойи каби Миср тахтида иззатда ўтирасан¹⁹.

94. Ҳийлагар шайхнинг макрни ташлаши ҳам фақат нуқсондир – дўконлари ёпилган бозордан кимга фойда.

95. Агар сен Ҳақ сиррини яширин тутсанг, ажаб эмас, зеро баъзан роҳиб ўз ичида бутнинг сирини сақлаб юради.

96. Агар гўзал бир мажозий маҳбубинг бўлса ва сен уни яширин сақласанг, унинг сири маҳбуоби ҳақиқийга муносиброқдир.

97. Дўстнинг – Худонинг ризосини излаш бошинга нима тушса, олдинга нима келса, бунинг зиён ва фойдасини тақдирдан деб, рози бўлмоқдир.

98. Ғофил воиз пандига қулоқ солма, кўябер, у уйкусида афсона айтаётган одамга ўхшайди.

99. Агар шайх Харақоний²⁰ бўлиб, кароматлар кўрсатса ҳам ғайри одатий (хориқулудда) ишлар, «каромат»ларга учма.

100. Комил дарвешлар йўриғи – тариқати шудир, қаргин, агар буни давр шоҳлари зоҳир этса қандай гўзал иш бўлади.

101. Шоҳлардан ҳам ҳаммаси бу мартабага лойиқ эмас, фақат бир шоҳки, унинг учун ирфоний моҳият юзасидан қараганда, дарвешлик шоҳликдан баланддир.

102. Дарвешваш (дарвеш табиатли) шоҳ фақр эътиқодли султонким, Эзид таоло шоҳлик тахтини бериб, дарвешлик фақрини ҳам унга насиб этган.

103. Салтанат осмонининг Абулғозиси Султон Ҳусайндир, қайсики султонзодалик насаби Одам Атога бориб тақалади.

104. Султон дема, ахир олам султонлари унинг ходимидирлар. Зеро, шу маънодаки, Хон ибн хонлик нисбатининг барқарорлиги шунга далолат этади.

105. Мулкни бошқаришда Доро ва Доро кабилар унинг бандаси, мамлакатни безаш, тартибга келтиришда Сосон ва сомонлар чокари – хизматкоридир.

106. Дунё гулшани унинг учун мамлакат боғининг орому тинчлигини таъминлаш жойи, бу гулшанда иккита базм мавзеи бор – бири Эрон, иккинчиси Турон.

107. Тартиб-қоида вақтида Жамшид қондалари мақтовиди писанд эмас, бойлик бағишлаш, яъни саховат вақтида Сулаймон мулки кичрайган бўлиб қолади²¹.

108. Остонаси шундай баландки, агар ҳожиб (эшик оғаси) қўлидан бир чўп тушиб кетса, юз асрдан кейин ҳам кайвон-қасрининг тоmidан жой олиб тураверди.

109. Хитоби – фармони шу қадар шиддатлики, агар тоққа бориб етса, тоғнинг аъзоси тебраниб, йўқлик даштида саробга айланади.

110. Гўдарз бин Кашвод – кичик лашқарбошиларидан бири, Соми Наримон лашқарининг чокарларидандир²².

111. У яхши хулқ бўстони бўлиб яхши сўз билан ўликни тирилтиради, унинг насрин ва райҳонидан руҳбахш хушбўй ҳидли насим эсади.

112. Унинг сахийлиги ҳавоси шундайки, баҳорида осмон юлдузларга тўлгандай юз садаф найсон булутидан дурга тўлади.

113. Фалак табақлари (қаватлари) каби халқ учун мингминг дастурхонлари ёзилган.

114. Байрам кунларида дастурхонидан тушган ушоқда Хотам ва Бармак кабилардан икки юзгаси ҳар кун нон ейди²³.

115. Даргоҳининг тупроғи – хусравларнинг сажда қиладиган жойи, қайсарлар орқасида эшиги қоровули таёғининг хати нишони (бор).

116. Ёмғир томчилари ҳавони тешиб ўтганидай, ўқининг учи қаттиқ тошни худди шундай тешади.

117. Қиличи қизил кийим кийган жаллолдайдир, зеро, унинг душман қонидан ялонғоч жисми ёпилгани каби.

118. Ёмғир ёғдираётган булутдан яшин чақнаб тошга (уриб ёрган каби), унинг ёшли кўзи (олови) тошдай қаттиқ кўнгилларни поралаб юборади.

119. Эй шоҳим, кимки менинг мадҳингда битган назмимни ўқиса, Хоқоний ва унинг хоқони шеърига илтифот қилмайди.

120. Ундан кейин ҳиндистонлик сеҳргар (Х. Деҳлавий) бу назмга оро берди, унинг суҳандон таъбидан «Миръатус сафо» юзага келди.

121. Яна орифи Жом – Жомий «Жилоур руҳ» қасидасини езди, Оли Адмон (Идмон?)²⁴ наъти фахри билан мушарраф қилди.

122. Мен эса қасидамни Шоҳ Ҳусайн Бойқаро номига атаб «Насимул хулд» деб номладим, шунинг учунки ҳар байти киши жонига жаннат шабадаси каби ёқимлидир.

123. Шу иккиси (Хусрав ва Жомий) руҳидан ҳақ йўлида мадад олдим, аммо кўнглим Ҳақдан нима тиласа, орттирдим (қўшдим).

124. Шу маънода Жомийдан даъвом йўқ, чунки ул менинг устозимдир ва қасидаси девонини безаб турибди.

125. Хусравга эса даъвонинг ҳожати йўқ, чунки ўқувчи меники ва униқини ўқиса, фарқиға етади.

126. Агар гавҳарфурушлар сотиш учун Ҳиндистонга элтсалар ёки бу тухфани дарё тожири Ширвонга олиб борсалар –

127. Хусрав руҳидан менга икки юз инсоф ва юз таҳсин келади, Хоқонидан эса малолликлар келадикки, унинг шарҳи қийиндир.

128. Оламнинг дилкаш дашти яйловда, ҳамиша раият подаю, одил султон чўпон каби бўлар экан.

129. Бу яйловда раият яна юз минг навъ бўлсин ва ҳар бир қавмнинг султони Ҳусайн Бойқарога чокар бўлсин.

ИЗОҲЛАР

¹ Бу байт ва кейинги бир неча байтда ишқ билан ақл қиссланади. Тасаввуф аҳли эътиқодига кўра ақл билан Худони билиш қийин, чунки ақл мантиқий далиллар, яъни дунёвий ўлчамлар билан иш қўради. Худо эса дунёвий ўлчамлардан ташқари, у гайбдир. Уни идрок этишга инсон ақли ожиз. Уни фақат қизгин ва қайноқ ишқ билан билиш мумкин. Ишқ гайб билимларининг эшигини очади, иррационал туйғунни қўзғатиб, Илоҳ оламига шерик этади. Шу боис Ишқ мактабида ақлнинг таҳсил олиши ўринсиз, ақл ишқдан ҳеч нарса ўрганолмайди, ақл фалак олами билан чегараланади, ундан нари ўтолмайди.

² Ақлнинг ожизлигига ишора. Ақл дунё каби кекса ва ожиз, ишқ эса ҳамма вақт ёш, у ҳар бир кўнгилда янгидан туғилади. Ошиқнинг устози ИШҚдир. Ақл чегаралангани учун нодондир.

³ Навоий Комил инсон қалбини (мақонини ҳам) жаннат гулшани деб таърифлаган. Тубо дарахти Комил инсон қадида, ризвон лаъли эса Комил инсон сўзига ишорадир.

⁴ Араб ёзувида «иймон» иккита алиф бор. Шоир шуни назарда тутмоқда.

⁵ Куръон ояти («Бақара» сураси, 182-оят).

⁶ «Забур» Довуд пайғамбарга нозил этилган осмоний китоб бўлиб, 150 қўшиқ-мадҳиядан иборат. Довуд бу қўшиқларни жуда ёқимли овоз билан куйлаган дейишadi.

⁷ Тасаввуф таълимоти бўйича, комил инсоннинг ички олами – ботини обод ва гўзал бўлиб, жисми – ташқи олами, «вайрона» бўлади. Харобод ҳам шу маънодадир.

⁸ Ривоятларга кўра хазина вайроналарда сақланар экан, шунга асосланиб Навоий Комил инсоннинг бузилган бадан шаҳри ботиний маърифат хазинасини сақлайди, демоқчи.

⁹ «Маломат» сўзининг ўртасида араб ёзувида «алиф» ҳарфи бор.

Бундаги алифни Навоий Воҳид Худо эотига қисслайди. Зеро, алиф абжад ҳисобида бир сонини ифодалайди.

¹⁰ «Қули билан Уммон денгизида кема суради» жумласи Комил инсоннинг ҳар икки оламини сайр этиши ва касбу ҳунар билан кун кўриб, илоҳий файзни инсонлар орасига ёйишига ишорадир.

¹¹ Насрайи иккита юлдуз демак, яъни Насри воқеъ ва Насри Тойи юлдузлари. Улар осмон кенглигида ўргимчак тўрига илинган пашшадай кўринадди, дейди шоир.

¹² Ўрта эсрлар одамлари тасавурида Ерни балиқ кўтариб турган, «у ҳар кун икки марта овқатланади», деганда кеча ва кундузнинг алмашиниши назарда тутилган. Шу каби инсон нафси ҳам ўша наҳанг каби уйқуда ва бедорликда умрни еб бораверади.

¹³ Хўкиз (савр) – иккинчи буржнинг номи. Сурайё – олти юлдуздан иборат юлдузлар туркуми, Парвин ҳам дейилади. Байтнинг мазмуни: «чўлнинг баяндаш пастлиги шунақаси, пастда жойлашган савр юқорига чиқиб, юқорида жойлашган сурайё пастга тушгандай». Бунда тажнис санъати ҳам қўлланилган.

¹⁴ 39–57-байтлар нафс офатлари ҳақидадир. Навоий нафсни ўргимчак, наҳанг, шер, сел, гармисел, ўрмон, илон, кутурган фил ва ҳоказоларга ўхшатиб тасвирлаган. Жумладан, нафсни кофир дейиш унинг бўйсунмаслиги; кофир – ёмон ахлоқ, мусулмон эса яхши ахлоқ соҳиби. «Нафсни мусулмон қилиш» деганда уни ром этиш, итоат ҳилдириш маъноси ифодаланган.

¹⁵ Бу байтда «кирм» (қурт) ва Кирмон (Эрондаги шаҳар номи) сўзлари воситасида сўз ўйини – тажнис санъати қўлланилган.

¹⁶ «Борлиқ мамлакатининг вайрон бўлиши» – жисмни, зоҳирий кўри-нишни вайрон этишдир. Шундай бўлмаса, ботин обод бўлмайди. деб тушу-нилган. Бунинг учун доимий пок юриш лозим.

¹⁷ Қуръондаги «Ихлос» сурасининг 1-ояти

¹⁸ Бу байтда нонни (кўмочни) кул остида пиширишга ишора қилинган.

¹⁹ Бу байтда Юсуф қиссасига ишорат қилинган: Юсуфни акалари қудуққа ташлайдилар, савдогарлар уни қутқариб қул қилиб сотадилар. Миср подшо-сининг вазири сотиб олади, вазирнинг хотини Зулайхо унга ошиқ бўлади, аммо ҳазрати Юсуф алайҳиссалом уни рад этади. Шунда тўхмат билан Юсуф зиндонга ташланади. Аммо у Миср малиқининг тушларини таъбир қилиб, зиндондан қутулади ва вазир лавозимини эгаллайди. «Канъон ойи», шундай қилиб, Юсуф алайҳиссаломдир.

²⁰ Абулҳасан Харақоний (XI аср) тасаввуф шайхларидан бўлиб, кашфу кароматлари кўп бўлган. Навоий шунга ишора қилган.

²¹ Жамшид, Доро, Сосон – қадимги Эрон шоҳлари, сомонлар – сомо-нийлар сулоласи, Сулаймон – қадимги яҳудий шоҳи ва пайғамбар Саломон (эрамиздан олдинги IV аср)дир.

²² Гударз, Соми Наримон – лашкарбошилар, «Шоҳнома» персонажлари.

²³ Ҳотам – сахийликда машҳур Ҳотами Тойи бўлса, Бармак – Ҳорун ар-Рашиднинг номдор вазири бўлиб, у ҳам сахий бўлган экан.

²⁴ Жомий қасидасида оли Адмон тилга олинмаган, Навоий нимани на-зарда тутгани номаълум.

ТАРЖИМАМИ Ё ТАЛҚИН?

(«Хамса»нинг насрий баёни хусусида)

Қадим Шарқнинг кўп асрлик бадиий-эстетик тажрибалари, адабий анъаналари, ҳикмат ва заковатини бир қарра яқунлаган қомусий мазмундаги «Хамса» аини пайтда сўз санъатининг бебаҳо ганжинаси ҳамдир. Жаҳонни ҳайратда қолдирган ўткир нигоҳ, нозик табъ, бемисл истеъдод нурлари бу асарда бутун борлиғи билан жиловланди. Шеърят даҳоси маснавий майдонида ўзлигини, ўз дунёсини кўрсатишга тўлиқ имкон топди, сўз гавҳарларидан пойдор беш нафосат қасри бунёд этди. Бадиий маҳорат юксак даражада қадрланган, сўз санъатининг аълоси — шеър, шеърятнинг эътиборли жанри — маснавий, шоирлар куч синашадиган майдон — хамсанавислик майдони, маснавийнинг энг баркамол намунаси — Низомий «панж ганжи» деб тан олинган пайтда Алишер Навоий туркий тилда қалам суриб, унга тенг келадиган, кўп фазилатлари билан ундан юксак янги мўъжиза яратди, бадииятнинг баланд чўққисини эгаллади. Бу — даҳо шоирнинг буюк жасорати эди! «Хамса» — мукамал ва мураккаб асар, эъжоз мақомидаги — энг баланд мартабадаги санъат обидаси. Улуғ санъат обидаларини соддалаштириб, тарғиб қилиш, гўзаллик дунёсини идрок этишга йўл қидириш ҳамма халқлар, ҳамма замонлар учун хос эзгу анъана. «Хамса»га шарҳ боғлаш, уни ўрганиб, тарғиб-ташвиқ қилиш Навоий ҳаётлигидаёқ бошланган эди. Кейинчалик вужудга келган мухтасар нусхалар, Низорий, Ғарибий каби сўз усталарининг соддалаштирилган дostonлари, эл орасида кенг тарқалган «Хамсаи бе-назир»лар шу хайрли ҳаракатнинг давоми тарзида дунёга келган, «авомуннос ҳам баҳра олурмиқан, деб назмни наср тариқида... баён қилиш» (Умар Боқий) муҳим маърифий иш сифатида қадрланган.

¹ «Гулистон» журналининг 1981 йил 2-сонида эълон қилинган

Улуғ шоир меросини, ўлмас ғояларини халқ орасига ёйишнинг синалган воситаси — насрлаштириш анъанаси совет даврида ҳам давом эттирилди. Бизнинг кунларга келиб узбек адабий тилида кўп ўзгаришлар юз берган, Навоий асарларидаги ифода тарзи, хусусиятлари, луғатининг маълум даражада архаиклашгани кўзга ташланиб қолган эди. Бинобарин, китобхонлар насрий баёнга катта эҳтиёж сеза бошладилар. Ҳатто махсус луғат ва изоҳлар билан чиқарилган нашрлар ҳам Навоий назмининг нозик томонларини идрок этишга ҳали етарли тайёргарлиги бўлмаган кишиларга оғирлик қиларди. Шу сабабли аслида шоир меросини тадқиқ ва тарғиб қилишнинг муҳим қисми — «Хамса»ни насрлаштириш, айниқса, Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан жонланиб кетди. Шарқ классик адабиётининг донишмандлари Садриддин Айний, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Амин Умарий бу ишнинг биринчи ташаббускорлари бўлдилар. Шунингдек, Бокий домла, Порсо Шамсиев, Солиҳ Муталлибов, Иноят Махсум, Юнус Латиф, Шариф Ҳусайнзода, Ҳоди Зариф, Тўхтасин Жалолов, Қутбиддин Муҳиддинов, А.Азизов сингари адабиётшунос олим ва мутахассислар ҳам жалб этилган эди. Ф.Фулом «Фарҳод ва Ширин»ни, А.Умарий ва Ш.Ҳусайнзода «Лайли ва Мажнун»ни, И.Махсум ва Ю.Латиф «Садди Искандарий»ни насрга айлантирдилар. Бу дostonлар шеърий матни билан биргаликда (бир саҳифаси назм, бир саҳифаси наср) 1940—1941 йилларда нашр қилинди. Бир неча йил ўтгач, ана шу асар қайта нашр этилди. «Гулистон» журнали эса 1938—41 йиллар давомида адабиётшунос Т.Жалоловнинг «Хамса талқинлари» асарини эълон қилди.

Маълумки, ўша даврда «Хамса»нинг илмий-танқидий матни яратилмаган эди. Шу туфайли насрлаштирувчилар бир неча қўлёзмани қиёсий ўрганиб, улар орасидан нисбатан эътиборлиларини танлаб олиб, фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Ф.Фулом «Фарҳод ва Ширин»нинг насрий вариантини ёзиш жараёнида етти қадимий қўлёзмани ўрганиб чиққанини сўзбошида таъкидлаб ўтади. Шунда ҳам олим ўз ишидан қониқмасдан, кекса мутахассисларга мурожаат этган, уларнинг маслаҳатлари асосида асарнинг насрий матнини янада пухталаштиришга эришган.

Садриддин Айний «Хамса» дostonларини қисқартириб, уларни батафсил шарҳ-изоҳлар, илмий таҳлил ва талқинлар билан 1940 йили нашр эттирди. 1947 йили бу китоб қайта босилди. Тушириб қолдирилган боблар ва парчаларнинг эса қисқача мазмуни баён этилгани сабабли асар ҳақида умумий тасаввур ҳосил бўлади. Илмий шарҳ билан наср ва назмнинг узвий келиши асардаги инсоний ғоялар моҳиятини очишдан ташқари шоир маҳоратини кўрсатишга ҳам кўмаклашган. С. Айнийдан фарқли ўлароқ Ғ. Фулом, И. Махсум, А. Умарий ва Ш. Ҳусайнзодада «Хамса» дostonларининг ҳар бир байти унинг конкрет маъноси ва ибора-образлари билан биргаликда насрга кўчирилган.

Бу насрий ифодалар атоқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори П. Шамсиев тайёрлаган илмий-танқидий матн асосида тузатилиб, 1974—1978 йиллар мобайнида қайта босиб чиқарилади. «Лайли ва Мажнун»ни Н. Норқулов ва В. Раҳмонов, «Фарҳод ва Ширин»ни профессор А. Ҳайитметов, «Сабъаи сайёра»ни И. Махсум нашрга тайёрлаганлар. А. Ҳайитметов, бундан ташқари, «Хамса»нинг биринчи дostonи — «Ҳайрат ул-аброр»нинг ҳам насрий баёнини тайёрлади. Бу дoston илгари насрлаштирилмаган эди. Шу тариқа, «Хамса»нинг тўлиқ насрий баёнига эга бўлдик. Янги нашрда ҳам аввалги тажрибалар давом эттирилиб, байтма-байт насрлаш усулига риоя қилинган. Шу билан бирга, жумлалар орасидаги ўзаро боғланиш, нутқий раволикка эришиш учун зарур сўз ва бирикмалар киритилган, қисқача изоҳ-тушунтиришлар берилган. Изоҳлар «Лайли ва Мажнун» билан «Фарҳод ва Ширин»нинг янги нашрида ҳошияларда, «Сабъаи сайёра», «Садди Искандарий»да асосан матн ичида келтирилган. Турган гапки, ҳар қандай насрлаштириш — бу шеърий асарни маълум даражада шарҳлаш демакдир. Шу сабабли насрлаштирувчи хоҳласа-хоҳламаса «ўзидан кўшиши»га мажбур, чунки акс ҳолда шоир кўзда тутган мазмун-маънолари очилмайди. Лекин бу иловалар Навоий маъноларини ойдинлаштириш мақсадида киритилсагина жоиздир.

Албатта, ҳеч бир насрий баён гениал шоир шеърининг ўрнини босолмайди, унинг латиф маънолари, санъатини бутун гўзаллиги билан акс эттиришга ожизлик

қилади. Бинобарин, Навоий сўздан чинакамига лаззатланиш ниятида бўлган одам шоир асарларини асл ҳолида мутолаа қилиши даркор. Насрий баёндан мақсад эса, «Хамсаи беназир»нинг мазмуни, фикр-ғоялари ва қаҳрамонларининг кечинма-ҳиссиётларини имконият доирасида асарнинг руҳи, шоир санъатларини сақлаган ҳолда ҳозирги замон китобхониغا соддароқ йўл билан етказишдир. Бу тадбир шоир ижодига муҳаббатимизни янада кучайтириб, жавоҳирлар эшигини очиш учун бизга калит бўлиб хизмат қилади.

Аммо мураккаб шеърӣ асарни насрий ифодага кўчириш унчалик осон иш эмас. Достонлар сюжетини оддий тил билан сўзлаб бериш ҳоллари ҳам учраган. Лекин бу усул асар тўғрисида тўлиқ тасаввур беролмайди. Шеърӣ асарнинг ифода-образларини насрда акс эттириш орқалигина унинг теран маъноларини ёрқин кўрсатиш мумкин. Зеро, Навоий шеърида маъно унинг шаклий ифодалари, санъатларидан ажралмасдир. «Хамса»дек муаззам шеърӣ обидани насрлаштириш катта меҳнат ва билимдонликни талаб қилади. Бунда фақат ҳозирги, замонавий филологик маълумотнинг ўзи кифоя қилмайди, классик адабиётнинг нозик томонларини, минг йиллар мобайнида шаклланган тасаввур-тушунчалар, халқ онгида қадимдан сақланиб келаётган афсона ва ривоятлар негизида яратилган ташбеҳ-истиораларни; шоир яшаган даврнинг кенг илмий зиёлисига мўлжалланган тағдор кинограммаларни чуқур фаҳмлайдиган нуқтасанж, нуқтадон кишигина Навоий байтларининг мазмунини тўла англаб, бизга тушунтириб бера олади. Насрий баён муаллифлари шундай қобилият, билим эгаси эканликларини амалда кўрсатганлар.

Шуниси ҳам аниқки, «Хамса»даги ҳар бир достоннинг ўзига хос тили, алоҳида ритми, образлар олами бор. Бу насрлаштириш пайтида яққол кўзга ташланади. Масалан, «Ҳайратул-аброр» — ягона сюжетта эга бўлмаган фалсафий-дидактик асар. Уни Навоий дунёқарашининг баённомаси дейиш мумкин. Достонда шоир сиймоси зукко мутафаккир донишманд шахс сифатида намоён бўлади: дунёнинг тузилиши ва унда инсоннинг ўрни, инсон ва улўҳият, инсон ва табиат, руҳ ажойиботлари, инсоннинг

яратувчанлик қудрати, жамият ва шахс, салтанат ва раият, яхшилик ва ёмонлик, ишқ ва вафо, илму маърифат — хуллас, улуғ шоир замонасининг хилма-хил актуал масалаларини қаламга олиб, уларга жавоб қидиради. Шунга кўра, «Ҳайрат ул-аброр»да фалсафий истилоҳлар, тасаввуф тушунчалари, илмий-назарий муҳокамалар кўп. «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёра» ишқий дostonлар бўлганлиги сабабли уларда дардли, ҳаяжонли тасвирлар кўп. Дostonларнинг ҳар бирида бу хусусиятлар гоаят ўзига хос тарзда ифода этилган, чунки шоир тасвирий воситалардан фойдаланганда, таносубият қонунига риоя қилиб, образларни асарнинг умумий руҳи, мавзуи, қаҳрамонлар характери ва фаолиятига боғлаб қўллайди, шу хислатларнинг ўзидан ташбеҳ ва ифодалар, ажойиб сўз ўйинлари ижод этади. Чунончи, «Сабъаи сайёра»нинг қолипловчи ҳикоясида, «Лайли ва Мажнун»дагидек, севги кечинмаларини ифодаловчи лиризм, эҳтирос, қалб тугёни, фикрлар баҳсига асосланган драматик тўқнашувлар яратилган бўлса, ички қиссаларда эпик ҳикоя тарзи кўпроқ кўзга ташланади. Етти кишвар, етти хил ранг, етти қаср, етти гўзал, етти сайёр (мусофир) тасвири бир-бирига чирмашиб кетиб, бир-бирини тақозо этади, асарда ажиб образлар дунёсини вужудга келтиради. «Садди Искандарий»да эса шоир яна фалсафа ва ҳикматга мурожаат қилади, умумбашарий, умумжаҳоний масалалар устида ўй суради. Искандарнинг ҳар бир юришидан муайян хулоса чиқаришга интилади. Бу ерда кўп фанларга оид истилоҳотларни шеърӣ байтларга сингдиради. Биргина 42-бобнинг ўзида қадимги тиб илмига оид 36 истилоҳ 45 марта ишлатилган. Умуман олганда, шу бобда юз элликка яқин арабий-форсий сўз ва иборалар учрайдики, уларни изоҳсиз тушуниш қийин.

«Хамса»нинг барча дostonларида улуғ санъаткорнинг улкан ғайрат ва иродаси, қалбининг сўнмас алангаси уфуриб туради, ҳатто соф илмий мавзулар ҳақида ёзганда ҳам у ўз фикрларини шоирона қалбдан ўтказиб, ҳароратли мисралар орқали ифодалайди. Ҳар бир байт — яхлит куйма бир ҳикмат, улар мақол каби жаранглайди. Шу сабабли «Хамса» дostonларини шарҳлаш, насрий баёнга ўтказиш муҳим бир тадқиқотни амалга ошириш билан баробар,

деймиз. Чунки Навоий мисраларининг маъносини чақиш учун ўнлаб луғат китоблари, қомусларни варақлашга, қиёсий-таҳлилий ишлар ўтказишга тўғри келади. Оддий адабиётшунос Навоийга мурожаат этганда фақат ўзини қизиқтирган масала атрофида фикрлайди, шунга жавоб излайди, насрлаштирувчи бўлса, дostonларнинг ҳамма жиҳатига, катта-кичик барча хусусиятларига, ҳар бир иборага диққат қилиши лозим. Шоир сўзининг қудрати, нафосати ва жозибаси насрлаштирувчи кўзи олдида бус-бутун намоён бўлади. «Хамса» шарҳининг қийинчилиги яна шундаки, унда арабий-форсий лексика ва ташбеҳларнинг кўплигидан ташқари, туркий тилнинг қадимий таркиботлари, грамматик хусусиятлари кучли акс этган.

Насрлаштирувчилар қийинчиликларни енгиб ўтиб, улуг шоир ғоялари ва санъатларини ҳозирги адабий тил орқали китобхонга имкон қадар тўлароқ етказишга интиланлар. Лўнда ва содда жумлалар аксарият асар мазмунини аниқ ифодалайди. Насрий ифода муаллифлари зарурат тугилганда бир байтни бир жумлага мослаб кетишдан чекиниб, шоир фикрлари ва ҳиссиётнинг оқимини бузмаслик мақсадида ўзаро боғланган байтларни бир мураккаб жумла шаклида ифодалайдилар. Бу эса насрга хос усулни, раволикни вужудга келтирган. Қўшилган сўз ва бирикмалар, жумлаларнинг вобасталиги ва мантиқий яхлитлигини таъминлашга ёрдам берган. Ҳатто насрда акс этиши мушкул ҳисобланган кўп маъноли иборалар, сўз ўйинлари, истиораларнинг мазмуни ҳам баъзан яхши тушунтирилган. Бунинг учун насрлаштирувчилар аввало ҳозирги тилимиздаги энг муқобил сўзни топиб, ўша ибора ўрнида қўллаш билан, иккинчидан, агар уни бир сўз билан ифодалаш мумкин бўлмаса, қўшимча изоҳ ва иловалар, аниқликлар киритиб, муддаога эришганлар. Шу тариқа Алишер Навоий бир қанча ибора-истиоралари, хилма-хил фанларга оид истилоҳлари, ишора ва кинояларининг маъзи чақиб берилган. Бунга ҳар беш дostonнинг насрий баёнидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. «Хамса» сарлавҳаларидаги жумлаларнинг қати бузилмаган. Шоир сажълари — ички қофиялари кишига завқ бағишлайди. И. Махсум бу усулни дostonларнинг матнида ҳам қўллайди, у Навоий шеърининг таъсирига бери-

либ, ҳатто айрим байтларни насрлаштирмай асл ҳолича келтиради.

Шу тарзда «Хамса» байтларининг интонацияси, ма-роми, забту зарди сақлангани учун қалби қалбимизга пай-ванд шоирнинг муносабатлари, туйгулари шиддати, қаҳри ва меҳри, муҳаббати ва газабини, муҳокама-мунозарала-рию фахрия ва мадҳиялари руҳини сезиб турамыз. Лайли-нинг мунг тўла ҳасратли мактублари, Мажнуннинг Каъба остонасида ётиб, «Лайли, Лайли» дея чеккан фиғони, Фарҳоднинг Хисравни мулзам этган утли жавоблари наср-да ҳам қулоғимиз тагида янграб тургандек. Достонлар нас-рини ўқиб, Навоий қаҳрамонларининг кураш изтироб-ларига ҳамдам бўламиз, ҳаяжонларини баҳам кўрамыз. Хуллас, «Хамса» насрий баёнининг янги нашри анча фа-зилатларга эга. У мазмун жиҳатидан ҳам, тилининг равон-лигига кўра ҳам илгариги нашрларга қараганда хийла та-комиллашган бўлиб, Алишер Навоий достонларининг оммалаштириш борасида олға қўйилган янги қадам си-фатида баҳоланиши лозим. Аммо шунга қарамай, бу нашр ҳам камчиликлардан холи эмас. Бундан ташқари, достон-ларни чоп этиш тартиби, уларни шарҳлаш ва безаш хусу-сида баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтишга тўғри келади.

Насрий ифодалардаги дафъатан кўзга чалинадиган кам-чилик — бу унда ҳали кўпчилик китобхонларга тушунарли бўлмаган сўз ва ибораларнинг кўплигидир. Биз юқорида қайд этдикки, насрлаштирувчилар турлича изоҳлаш йўли билан байтларнинг мазмунини очишга интилган-у, аммо ҳамма жойда ҳам бунга тўла муваффақ бўлганлар деб айта олмаймыз. Умуман, бу ерда Навоий ибораларининг ҳам-масини сақлаш, архаизмдан қочмаслик шартмикан, де-ган савол туғилади. Нега деганда, агар биз байтларни фа-қат вазн ва қофиядан озод қилиб, уларнинг ифодаларини шоирнинг ўз сўзлари билан жумлага тизиб кетаверсак, насрлаштиришдан қутилган мақсадимиз амалга ошмайди — шеърни тушунмаган киши бу жумлаларни ҳам тушун-майди. «Шум кампирнинг қизи қанча хунук бўлса ҳам, унинг кўзига беҳиштдаги ҳур бўлиб кўринади. Қобилият-сиз шоирга: Нима еяпти?» деб юрма дейман, нима бе-маъни гап гапирса, унинг ўзига сеҳр бўлиб туюлади. Ит қозондаги ошга тилини текизгани учун юз қоралик бел-

гиси сифатида юзи қизил бўлди» («Хайратул-аброр», 108-бет). «Шум кампирнинг қизи» шароб эканини, юзи қаролик — шармандалик ва қора ранга бўялиш, юзи қизиллик эса хижолат ва калтак зарбидан қизариш эканини шарҳ-изоҳларсиз Навоий шеърини тушунмаган китобхон англаб етармикан? Ёки «Фарҳод ва Ширин»даги бино қуриш манзараси: «Одам болаларининг тўдасига безовталиқ тушган, одам болалари оламга ғулғула солган пайт эди. Тўрт ишбоши иш устида шундай айланардиларки, бу етти кўкнинг саргардон бўлиб айланишини эслатарди. Усталардан ишга қониш нияти кетган, бир нафас тинмас ва таянмас эдилар» (33-бет). Бу парчанинг мазмуни қуйидагича бўлиши керак эди: «Одамлар орасида безовталиқ ҳукмрон, кишилар оламга ғулғула солгудек серҳаракат эдилар. Тўрт ишбоши қурилиш майдонида шундай жавлон уриб айланардиларки, бу етти кўкнинг саргардон айланишини эслатарди. Усталар ишлаб чарчамасдилар, улар бир дам тинмас, ҳордиқ олмас эдилар».

Бундай парчалар «Лайли ва Мажнун»да ҳам анча учрайди. Чунончи: «Унинг яширин хазинаси шараф айвони, хазиначиси эса лутф мезонидир, маъно тангаларини зарб урувчи, узлат ҳарамидаги ички розлар маҳрами. Унинг диққати калавасининг учи сертугун... У фазилатнинг Тур тоғидаги Мусоси, қаноатнинг Қоф тоғидаги Анқоси...» («Лайли ва Мажнун», 4-бет). Бу парчанинг мазмуни эса шундай бўлиши мумкин: «Унинг (Низомийнинг) яширин хазинаси — асарлари шараф қасридир, бу хазинани лутфу марҳамат тарозуси ўлчайди (яъни, асарлари назокат, латифлик намунаси), у маъно тангаларини зарб қилувчи, узлат хосхонаси сирларининг сирдоши (яъни, дунё ишларидан чекиниб, илм билан шуғулланадиган, тафаккурга берилган одам). Нозик таъбининг иплари сертугун (яъни, ижодида кўп маънолилиқ, мажоз, киноя кўп)... у фазилат тоғининг Мусоси (афсонага кура, Мусо Тур тоғига чиқиб Худо билан сўзлашган), қаноат тоғининг Анқоси, яъни кўринмас қушидир». Мураккаб истиоралардан тузилган гаплар, шоир асосан шеър талабига қараб қўлланган махсус бирикмаларни шу даражада айнан такрорлашга ҳожат бўлмаса керак. Бундай вақтда мазмунни табиий насрий жумлаларда, бир қадар соддалаштириб, керакли шарҳлар киритиб баён

этиш маъқул кўринади. Изоҳ ва шарҳнинг кўпайишидан кўрқмаса ҳам бўлади, чунки китобхонга Навоий маъноларини тушуниш муҳим, мақсад дostonларнинг ифода-образларини сақлаб қолиб насрлаштириш экан, бундан бошқа чора йўқ. Ҳозирча ҳошияда ва матн ичида келтирилган тушунтиришлар етарли эмас. Жуда кўп арабча-форсча сўзлар, махсус истилоҳлар, бир неча маъноли иборалар изоҳланмай қолиб кетган. Масалан: журм (гуноҳ), аду (душман), жойиростон (нариги дунё), рўзи (тақдир, ризқ), мил (масофа ўлчови), муаббир (таъбирчи), фард (якка, жудо, шахс) жўйбор (серсув ариқ), донишвар (донишманд), отабек (шаҳзоданинг тарбиячиси), шабохун (тунги ҳужум), гулфом (гулсимон), амна ва танбул (доривор ўсимликлар япроғи), руҳи равон (жон) каби. Буларнинг бир қисми ўрнига бемалол ҳозирги тилимиздаги сўзларни қўллаш мумкин, изоҳталаб жойларни эса тушунтириш жоиздир. Навоий асари бундан ҳеч нарса йўқотмайди.

Иноят Махсум матн ичида изоҳлашнинг уч хил усулидан фойдаланган: қавс ичида сўзнинг иккинчи маъносини келтириш (мунчоқ (юлдуз), хушхабар (мужда) каби), «яъни» изоҳловчиси орқали шарҳлаш («кўзимни муздимга тиккан, яъни шоҳга қилган яхшилигимга яхшилик тилаган бўлсам», «махтумларни, яъни муҳтарам хожалари сингари» ва сўзма-сўз таржимага мурожаат этиш («ҳадд-чегара», «тожир-савдогар», «риёзат-меҳнат» ва ҳоказо). Булар яхши усуллар, албатта. Бироқ ортиқча изоҳлар ҳам бор. «Сабоҳат — гўзаллик», «фан — ҳикмат», «байзо (тухум)» дейиш ўрнига уларнинг биттасини — ҳозирги тилимиздан олинган сўзларни ишлатиш етарли эди. Насрлаштирувчилар шоирнинг сўз бойлигини кўрсатиш пайида бўлганлар. Яхши ният. Шубҳасизки, бу бебаҳо мулкдан фойдаланишимиз, жорий адабий тилимизда қўллашимиз шарт. Бироқ буни шу миқдорда бирданига амалга ошириб бўлмайди. Шу сабабли, фикримизча, насрий баёнда Навоий асарларидаги архаикани ўз ҳолича қолдириб, изоҳлаб ўтириш тўғри эмас, негаки, бундай сўзлар кўп ва уларнинг ҳаммаси «таржима» қилинса, баён тили ғализ бўлиб қолади. Бинобарин, бу лексикани ҳозирги тилимизга кўчириб, фақат образли ифодаларни сақлаган ҳолда (шунинг ўзи ҳам Навоий услубини яққол билдириб туради), уларнинг

кўчма маъноларини шарҳлаш кифоя. Сабаби, улуг шоир асаридаги ифода, ташбиҳларнинг хилма-хил маънолари насрда тўлиқ акс этмаслиги аниқ, улар учун қўшимча шарҳ бериш керак бўлади.

Моний Дилором таърифида дейди:

Уду сандал била ясаб анга чанг,
Зухраваш чалмоқ айлабон оҳанг.
Хожа баъйин тилаб паривашнинг,
Зухра – бир, муштарий вале юз минг.

Насрий баёнда: «Хожа унга уд ва сандал ёғочлардан чанг асбобини ясашиб берган. Агар Зухра юлдузига ўхшаш у гўзал шу чангни чашиб куйлайдиган бўлса, хожа у паривашни Зухра у ёқда турсин, Муштарию яна юз минг юлдузларга ҳам алишмайди» («Сабъан сайёра», 18-бет). Бу парчада насрлаштирувчи мажозий маъноларни матн таркибида ифодалашга ҳаракат қилган, лекин мақсад амалга ошмаган, қолаверса, маъно мавҳум бўлиб қолган.

Аслида шундай бўлиши керак: «Уд ва сандал (хушбўй тарқатувчи ёғочлар)дан унга чанг ясашиб берди. Зухра каби соҳибжамол Дилором уни чала бошлади. Хўжаси Дилоромнинг баҳосини айтган, аммо бу гўзал (Зухра) — битта, харидорлари (Муштарийси) — юз мингта».

Навоийнинг маҳорати шундаки, бир йўла ҳам образларнинг мажозий кўчма маъносини, ҳам конкрет маънони бера олади. Зухра — сайёра, шу билан бирга, қадимий тасаввурларга кўра, у санъат ҳомийси, гўзал созанда суратидадир. Муштарий ҳам — сайёра, унинг хислати эса харидорлик, Зухрага ошиқлик экан. Шоир чиройли ташбиҳ воситасида Дилоромнинг санъаткорлиги, тенгсиз ҳусни ва харидорлари — ошиқларининг беҳисоблигини айтган. Байтларни ихчам равишда равон ва тўғри насрлаштириб, кейин қўшимча шарҳ билан образларни тушунтириш лозим эди. Меҳинбону саройидаги соҳибжамол қизларнинг бирини Навоий «адвор даври ичра раққос» деб таърифлайди. Ғ. Фулом тайёрлаган нашрда бу: «кўк доиралари ичида ўйинга тушади» дейилган. А. Ҳайитметов эса «чирмандага чир айланиб, ўйин тушадиган раққоса» тарзида ўзгартирган. С. Айний шу муносабат билан ёзган эди: «адвор — қадимги нота, мусиқа усули ва айни

рақс тури ҳам». Демак, бир байт орқали шоир қизнинг ҳам мусиқа илмининг билимдони ва ҳам моҳир раққоса эканлигини тавсиф этган. Ғ. Ғулом ва А. Ҳайитметов вариантларида истиоранинг биттадан маъноси акс этган, холос. Шу каби мазкур парчалаги ҳақойиқ, русум, балогат сўзлари ҳам бирданига икки-уч маънода қўлланилган, яъни, ҳақойиқ — мавжудот ҳақидаги илм, фалсафа, ҳақиқатлар; русум — расм-одат, расм чизиш санъати, мантиқ илми; балогат — камолот, тил ва адабиёт, сўзга моҳирлик. Бу усул шоирга фақат образлик, тасвирийликни вужудга келтириш учун эмас, балки гоёни, фикрни чуқурроқ, кенгроқ баён қилиш учун имкон яратган. Вафони у «жавҳари фард» дейди («Ҳайратул-аброр», VIII мақола). Жавҳар — қимматбаҳо маъдан, лекин Шарқ файласуфлари модданинг энг кичик зарраси — субстанцияни ҳам жавҳар деганлар. Навоий шеърда ҳар икки маънони назарда тутди. Насрий баёнда бунга изоҳ берилмагани учун вафо — қимматбаҳо нарса деган мазмунгина ифодаланиб, вафо — киши ахлоқининг мағзи, тамал тоши деган мазмун тушиб қолган. Фарҳод билан Хисрав ўртасидаги машҳур мунозара «Деди: — Қайдин сен, эй мажнунни гумроҳ? Деди: — Мажнун ватандин қайда огоҳ?» байти билан бошланади. Насрий ифоданинг янги нашрида мажнун сўзи тентак деб ўзгартирилган. Ғ. Ғулом нашрида бу сўз асл ҳолида келтирилади. Бу тўғри эди. Чунки, гарчи мажнуннинг луғавий маъноси тентак бўлса ҳам, лекин у орқали шоир, аввало, ошиқлик, садоқатни ифодалаган. Шу сабабли Хисрав йигитни «жинни», дея камситса-да, Фарҳод мажнунлик номи билан фахрланади.

«Хамса» насрий баёнида баъзан муаллифнинг қарашлари, ижодий концепциясига путур етказадиган жиддий нуқсонлар ҳам учрайди. Дилоромни Хитойдан олиб келадилар, Баҳром унинг ҳузурига кирганда, қиз ўрнидан туриб таъзим бажо келтиради. Шоир бу учрашувни «Шоҳиға банда, банда анга шоҳи», деб ғоят бурролик билан ифодалайди. И.Махсум баёнида бу мисра: «Ўрнидан туриб қуллуқ қилди, шоҳ эса унга лутфу марҳамат кўрсатди», тарзида насрийлаштирилган. Сиртдан қараганда, унчалик эътибор қиладиган хатога ўхшамайди, аммо насрлаштирувчининг бу ерда шоҳни бандалиқдан «халос этиши» асар-

нинг умумий мазмунига зиддир. Дилором Баҳром ихтиёрига ўзини топширибгина қолмай, Баҳром ҳам унга қул бўлди-ку ахир! Бу асарнинг тугуни, шоир тасвирлашни ният қилган можароларнинг ибтидосидир. Зеро, Навоий наздида ошиқ агарчи шоҳ бўлса ҳам маъшуқа олдида у қул. Баҳром худди шу қоидага риоя қилмагани ва шоҳлик гурури устун келгани учун Дилоромни чўлга улоқтириб, кейин унинг фироқида куйиб-ёнади. Асар охирида шоҳнинг батамом ишқ домига тушиб, шоҳликни унутгани ҳам шуни тасдиқлайди. Ёки яна бир мисол. «Садди Искандарий»нинг биринчи «Ҳикмат»ида жаҳонгирлик ва дарвешлик масаласида Арасту билан Искандар орасида савол-жавоб бўлади. Унда Навоийнинг асосий ғояларидан бири — дарвешликнинг (дунё ишларидан ўзини четга тортган ҳақпараст кишилар эътиқодининг) шоҳликдан афзаллиги баён этилган. Бу дostonнинг бутун мазмуни ана шу ғояни исботлашга хизмат қилади, чунки Искандар дунёни фатҳ этиб, ҳеч нарсага эга бўлмади, дунё Искандардан ҳам қолади. Жаҳонгирлик, босқинчиликнинг олдини олишга, тож-тахтга сифинишга қарши қаратилган ғоя эди бу. «Ҳикмат»даги «Неким асдин топти маъзуллуқ, Иши фаръ ила бўлди машғуллуқ», байтининг ташлаб кетилгани ва ундан кейингисининг мазмуни нотўғри ёритилгани натижасида юқоридаги ғоя очилмай қолган.

Алишер Навоий муқаддима бобларда салафлари изидан борганини камтарона қайд этса ҳам лекин ўз асарларини пастга урган эмас. Аксинча, аксарият ўринларда улардан ўзиб кетганини Низомий ва Хусравдаги камчиликларни такрорламаганини фахр билан тилга олади. «Лайли ва Мажнун»нинг насрий баёнида бўлса ўқиймиз: «Ўйлаб кўрсам, олдинги иккитасини чуқур мулоҳаза билан ёзмаганман» («Ҳайратул-аброр» билан «Фарҳод ва Ширин» назарда тутилмоқда — *Н. К.*). Бу фикрни шоир ўзига нисбатан эмас, балки одоб доирасида туриб Низомий ва Хусрав дostonларига нисбатан билдирган:

Айтилгон икиси бетааммул,
Ул навъки айладим тахайюл.

«Ул икиси» деганда улуғ ўзбек шоири ўша икки устозини назарда тутган. Чунки шу бобда ўзидан илгари ёзил-

ган «Лайли ва Мажнун»ларнинг дарддан холилигини танқид қилади. Бир абзац аввал қоникшиш билан тилга олган ўз асарларини Навоий сал ўтмай шу тариқа камситиши мумкинмиди? Йўқ, албатта!

Баъзан унча мураккаб бўлмаган оддий байтлар ҳам насрда нотўғри ифодаланганини кўрамыз. Чунончи, Навоийда:

Яна илм таҳсили айлар киши,
Агар истаса рушд топқай иши.
Ишидан анга ҳосил ўлмас фароғ,
Емай кўп узун кеча дуди чароғ.
Ики бошда ёнса чароғи анинг,
Тун ўртаси тинғай димоғи анинг.

Яъни: «Илм таҳсил қиладиган одамлар агар камолот касб этишга умидвор бўлсалар, узун кечалар чироғ тутунини ютмасдан мақсадга етолмайдилар, агар уларнинг икки томонида чироғи ёниб турса, ярим кечага бориб фикрлари тиниқиши мумкин». Насрий баёнда: «Илм таҳсил қиладиган одамлар ҳам камолот топиш умиди бўлса, қилаётган ишини охирига етказмай қийналиб юрган пайтларида. Узун кечада чироғ дудини кўп ҳидламаслик учун, туннинг икки бошида чироғини ёндириб, ўртасида ётиб миясига ором берса дуруст бўлади» («Садди Искандарий», 100-бет). Кўри-ниб турибдики, бир қанча ортиқча сўзлар воситасида баён этилишига қарамай, тескари маъно келиб чиққан.

Шунга ўхшаш айрим сўзларнинг хато тушунилиши матн мазмунини чалкаштирган. Харчанг (қисқичбақа) — сув арслони («Фарҳод ва Ширин»), ғабғаб (ияк остидаги чуқурча) — юздаги кулгич («Сабъаи сайёра»), бадхоҳ (ёмон ниятли, душман) — олчоқ («Садди Искандарий»), рубъи маскун (дунёнинг одам яшайдиган тўртдан бир қисми) — дунёнинг сокин қитъаси («Фарҳод ва Ширин») деб хато шарҳланган. Навоийда: «Йигитлик ва ўрта ёшлик даврлари... айш-фароғат чоғи ҳисобланади» дейилса, насрий баёнда: «Ёшлик ва қарилик даврлари ҳам... айш-фароғат чоғи ҳисобланади», деб нотўғри тушунтирилган («Садди Искандарий», 100-бет). Насрлаштирувчилар шоир қўллаган таҳрир, озода, меҳнат сингари сўзларни ўзгартирмасдан келтираверганлар, ҳолбуки, уларнинг ҳозирги маъноси билан илгариги маъноси орасида катта тафовут бор: таҳ-

рир — ёзиш, яратиш, банддан озод қилиш; озод (озода) — эркин одам, хўжа, фориг, аслзода, феодал; меҳнат — машаққат, азоб, заҳмат, фаолият маъноларида қўлланиб келинган.

«Садди Искандарий»да Алишер Навоий Самарқанд табиатини жўшиб тасвирлар экан, Зарафшон дарёси ва унинг қирғоғидаги тепалик (ҳозирги Чўпонота) ҳақида ёзади:

Хамул пуштаки Кўҳак топди исм,
На пушта, жаҳон ганжи узра тилисм...
Ки мансуб эрур анга Кўҳак суви,
Нединким эрур жори андин қуйи.

Ҳамул тўпа олидин андоқ оқар,
Ки ошиқ-бошу, ашки дер, ким боқар.

Яъни: «Ул тепанинг номи Кўҳакдир (Чўпонота), йўқ, уни тепа дема, балки жаҳон хазинасининг тилсими де... Дарё шу тепалик пастидан оққани учун у ҳам кўҳак деб аталади. Дарё ўша тепалик ёнидан шундай оқадикки. Унга қараган одам тепаликни ошиқнинг бошию дарёни унинг кўз ёши деб тасаввур этади». Насрий ифода бўлса: «Бу Зарафшон дарёси тепаликда жойлашгани учун (?) «Кўҳак» деб ном бердилар. Йўқ, бу тепалик эмас, жаҳоннинг бойлиги устига қурилган тилсимдир... Шу тепаликдан пастга қараб қуйилгани учун ҳам (?) Зарафшонни Кўҳак дарёси дейдилар. Бу сув шу тепаликдан қуйига шундай оқардикки, кўз югуртирган киши тепаликни ошиқнинг бошию, сувини унинг кўз ёши деб тасаввур қиларди» (104-бет).

Самарқанд Африкада ёинки Америка қитъасида эмас, шундайгина икки қадам жойда, кўпчилигимиз уни кўрганмиз ва Зарафшоннинг қаердан, қандай оқишини биламиз. Ҳеч замонда дарё тепаликдан пастга қараб оққанми? Зарафшон ҳам, Чўпонота ҳам Навоий давридан бери ўз ҳолатини ўзгартирган эмас. Мазкур парча Навоийга бағишланган илмий адабиётларда бир неча бор шарҳланган. Бу насрлаштирувчининг ҳам, нашриёт редакторларининг ҳам диққатидан четда қолмаслиги керак эди.

«Садди Искандарий»нинг насрий баёнида Хуросон ва Кашмир тасвири ва Чин хоқони тadbирларига бағишланган бобларида ҳам ғализ, ноаниқ жумлалар анча. Олдий мисол: Навоий қофия тақозоси билан Кешни Каш

шаклида қўллаган бўлса, насрий баёнда ҳам у «Каш» деб келтирилган, ваҳоланки, Шаҳрисабзнинг қадимий номи Кеш эканини яхши биламиз. Ақалли, қисқача изоҳ берилса, китобхон чалғимайди. Хуллас, «Хамса»нинг насрий баёнини пухталаш учун ҳали анча-мунча ишларни амалга ошириш керак, шекилли. Камчиликлар устида кўпроқ тўхталаётганимиздан мақсад ана шу каттакон ишларнинг қиммати ва аҳамиятини камситиш эмас, албатта. Билимдон олимларимиз, адибларимизнинг бир неча йиллик машаққатли меҳнати самараси бўлган бу нашр Навоий сўзига ташна адабиёт мухлисларининг хонадонидан мустаҳкам жой олди. Йўл қўйилган камчиликларни кўрсатишдан мўрод — келажакдаги нашрларда уларни бартараф этиш ва насрий матнни янада такомиллаштиришга даъватдир.

Зеро, «Хамса» дostonлари ва уларнинг насрий баёни бундан кейин кўп марталаб нашр этилиши муқаррар. Улуғ Навоийнинг муборак таваллудига беш ярим асрдан ошди, унинг буюк ижоди бўлмиш «Хамса»нинг яратилганига ҳам 510 йилдан кўп бўлди. Шу муносабат билан уни тадқиқ ва тарғиб қилиш ишларини яна ҳам кучайтириш керак. Жумладан, дostonларнинг насрий матнини бир китоб ҳолида босиб чиқарилса дуруст бўларди. Шунда асрлар бўйи турли сабабларга кўра юзага келган маъно ноаниқликлари, ғализликлар эътиборли нусхаларга қараб тузатилишдан ташқари, улардаги насрий баён усулини ҳам муштарак бир тарзга келтириш, такрорий шарҳ-изоҳлардан қўтилиш имкони туғиларди. Чунки дostonларда такроран учраб турадиган тарихий номлар, ифодалар, ташбиҳ-образлар анча. Ҳар бир насрий баёнчи уларни ўзича шарҳлаган. Оқибатда чалкашлик ва кишини чалғитувчи хилма-хиллик юзага келган. Кейин, агар «Хамса» миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, бу такрорий шарҳлар кўп жойни эгаллаши ҳам бор. Масалан, Хизр «Ҳайратул-аброр» баёнининг 45-саҳифасида «яшил», «қўк» маъноларини билдиради, деб изоҳланса, 48-саҳифага келиб, «диний афсонага кўра, обиҳаёт сувини топган пайғамбар номи», дейилади. «Сабъан сайёра» баёнида эса «Хизр — ҳаёт рамзи» (80-бет) деб кўрсатилган. Сал ўтиб, Навоий тилидан «худди рост йўл кўрсатувчи Хизрдек» жумласи келтирилади. Эҳти-

мол, муаллиф тасвир мутаносиблигини таъминлаш учун образни қўллаганда ҳар сафар унинг шеърӣй мантиқ талаб этган қиррасинигина назарда тутати, шунга кўра насрлаштирувчи ҳам ўша жиҳатни изоҳлаб кўрсатишга ҳаракат қилган, дейишлари мумкин. Лекин бу тўғри эмас. Негаки, биринчидан, Навоӣй кўп маъноли образнинг бирон белгисини тажнисга олганида, қолган маъноларни назардан соқит қилмайди, иккинчидан, битта сўзга ҳар ерда ҳар хил изоҳ бериш яхши эмас. Келтирилган изоҳларнинг ҳаммасини йиққанда ҳам, шоир қўллаган образнинг маъноларини тўлиқ ифода этолмайди. Шу сабабли бундай бадиӣй унсур вазифасида келган афсонавий ва тарихий номлар, географик атамалар, махсус ибораларни бир ерга жамлаб, китоб охирида батафсил шарҳлаш қулай ва фойдалидир. Шунда Алишер Навоӣй маҳоратининг сеҳрли китобхон кўзи олдида янада равшанроқ намоён бўлади. «Хамса»нинг насрий баёни яхлит китоб ҳолида нашр қилинса, уни шоирнинг ғояларини ёрқинлаштирадиган чиройли, бамаъни расмлар билан безаш ҳам осонлаштиради. Нега легенда, мавжуд нашрлардаги безаклар кишини унчалик қаноатлантирмайди. «Ҳайрат ул-аброр» баёнига чизилган ифодали расмлар, чиройли муқовалаш кейинги дostonлар нашрида давом эттирилмади.

Улуғ Навоӣйнинг бебаҳо меросини чуқур илмӣй тадқиқ этиш, унинг ўлмас ғояларини оммалаштириш борасида тобора янги-янги ютуқлар қўлга киритилмоқда, совет даврида шакланган навоӣйшунослик фани жадал ривожланмоқда. «Хамса»нинг ҳар бир дostonи ҳақида алоҳида тадқиқотлар, монографик ишлар ёзилди, унинг илмӣй-танқидий матни тайёрланди. Бироқ ана шу буюк санъат обидасининг ҳали ўрганилмаган томонлари кўп, ёритилмаган масалалар талайгина. Аввало шуки, асарнинг тўлиқ изоҳ ва шарҳлар, илмӣй кўрсаткичлар билан таъминланган академик нашрига эга эмасмиз. Шунингдек, Навоӣй тилининг изоҳли луғатини нашр этиш ҳам чўзилиб кетди. Шоирнинг услуби, поэтикасини ўрганиш, лирикаси, дostonлари ва бошқа асарларини қиёсий-типологик таҳлилдан ўтказиш — навбатдаги вазифалардир. Ўрни келганда яна бир муҳим гапни айтиб ўтмоқчимиз: шоир асарларининг аксарият нашрларида дostonларнинг муқаддима ва

хотима боблари (баъзан ички боблар ҳам) ташлаб кетилган, ора-орадан парчалар, байтлар қисқартирилган. Шу нарсани насрий баёнларда ҳам кўрамиз. Бу ҳол қандайдир нохуш одат тусига кириб бормоқда. «Хамса» дostonларининг насрий нашрларини кўздан кечирганимизда «Ҳайратул-аброр»дан 21 боб, «Фарҳод ва Ширин»дан 8 боб, «Лайли ва Мажнун»дан 6 боб, «Сабъаи сайёра»дан 9 боб, «Садди Искандарий»дан 9 боб, хуллас, жами 53 боб тушириб қолдирилганини кўрамиз. Демак, яхлит бир дoston ҳажмидаги матн ташлаб кетилган. «Ҳайрат ул-аброр»нинг бутун боблари, ҳикоячалари бир-бири билан боғлиқ — бир мунтазамликдадир; ундаги қарашлар, фикрлар, ақидалар ўзаро узвий алоқадор. Мутафаккир шоир инсоннинг моҳияти нима, деган саволни қўйиб, тафаккур изланишлари, олам асроридан ҳайратланишни ажойиб бир тарзда ҳикматга тизади. Асарнинг «Ҳайратул-аброр» дея номланиши ҳам шундан. Лекин худди ана ўша боблар ва Навоий фалсафасининг мағзини ташкил этадиган нақшбандия тариқати боблари ўн беш томликда ҳам, насрий баёнда ҳам йўқ. Тўғри, шоир диний ақидаларни, идеалистик қарашларни баён қилган. Аммо бу фикрлардан у айнан гуманистик ғояларини, эзгу идеалларини тарғиб этиш йўлида фойдаланади, далил қидиради ва динни ниқоб қилиб олган риёкорларни фош этади. Шундай экан, шоир асарларини тўмтоқ тарзда босиб чиқариш, уни «яшириш»га энди ҳожат бўлмаса керак. «Садди Искандарий»нинг бир «Ҳикмат»ида кечаси ухламай чиқадиган уч тоифа кишилар, яъни: косиблар, илм таҳсил қилувчилар ва ибодат билан шуғулланувчи гўшанишинлар ҳақида ёзилган. Насрий баёнда кейинги тоифага оид парча йўқ. Нима сабабданлиги номаълум. Ахир, бу Навоийнинг даврга, замонасига қарашлари зиддиятли, «у ўз даврининг фарзанди» деймиз, шундай бўлгач, ҳар бир одам унинг меросини бутун ҳолида мутолаа қилиб, бунга ўзи қаноат ҳосил этса яхши эмасми? Агар «Худо», «дин», «иймон» сўзлари учрайдиган асарларни ҳадеб тарашлайверсак, ёки «қисқартириб» ташласак, унда «Илиада»ни, «Шоҳ Эдип»ни, «Илоҳий комедия»ни умуман ўқимаслигимиз керак. Данте поэмасининг «Жаннат» қисмида христиан дини ақидалари баралла ифодаланган. Лекин шоир бу билан худо-

жўйликни тарғиб этган эмас, балки буни буюк покликка даъват деб тушунган. Улуғ Навоий ҳам худди ана шу мақсадда қалам суради.

Алишер Навоий ижоди — улкан бадиий хазина, маънолар қони. Бу хазина ҳар бир авлод тақдири, ҳар бир давр мазмуни билан уйғунлашиб, мангу яшайди. Ҳар бир янги китобхон уни янада чуқурроқ эгаллашга, янада тўлароқ, муфассалроқ тушуниб, кўпроқ баҳраманд бўлишга интилади. Шу тариқа у халқ юрагига сингиб бораверади. Шоирнинг умри унинг асарларининг барҳаётлигида, асарларининг барҳаётлиги эса халқ муҳаббатининг чексизлигидадир.

НАВОИЙ НАФРАТИ¹

Меҳри буюк инсонларнинг қаҳри ҳам буюк. Адолат ва эзгулик, ишқ ва илоҳий покликни куйлаб, сахий қалбли, ҳалим ва меҳрибон, олиму оқил одамларни шарафлаган Алишер Навоий айни замонда зулм ва зўравонлик, қабохат ва разолат, бадкирдорликни қаттиқ қоралади. Золим подшолар, риёкор муфти-шайхлар, ришвахўр қозилар, борингки, халқ молига куз тикиб, талончилик, фирибу найранг билан кун кўришга одатланган жамики ҳаромхўрлар — улар қайси табақа ёки ижтимоий гуруҳдан эканидан қатъи назар — улуғ шоирнинг нафратига дучор бўлган². Замона зарбаларидан задаланиб, «басе иссиғ-совуғ кўрган», турли тоифадаги турли одамлар билан мулоқотда бўлиб, уларни обдон ўрганган, синаган Навоий умрининг охирларида яратган «Маҳбубул-қулуб» асарида ёзади: «Яхши-ямоннинг феълини билибмен ва ямону яхши хислатларин тажриба қилибмен». Шу ҳам аёнки, ҳақсизлик ва ҳамоқатга ички нафрат, ёмонликни бутун кўринишлари билан ёмон кўриш туйғуси унда ёшлигидан шаклланган эди, бу туйғу йилдан-йилга кучайиб, мустаҳкамланиб, аниқ ижтимоий муносабатга айланади. Даҳри буқаламуннинг фитналарини кузатган шоир шунга аминки, ҳар ерда хайрнинг ёнида шарр, карамли киши қаршисида

¹ Мақола 1988 йил «Муштум» журнали 6-сонида босилган.

² Навоийнинг сатирик асарлари А. Абдурашидовнинг икки жилдлик тадқиқотида яхши таҳлил қилинган (А. Абдурашидов. Навоий сатираси. «Фан» нашриёти, 1965).

лаим бор, кўнгилга малҳам бўладиган одамлар билан бирга наштардай захм етказувчилар, нўши жон дўстлар муқобаласида захри қотил тутиб турган ҳосид рақиблар яшайди. Яна шуни ҳам билдики, одилдан кўра золим кучлироқ, ростдан кўра ёлгоннинг қўли баланд. Шунда шоирнинг меҳри қаҳрга мубаддал бўлади, нафосатни куйлаган тили қабоҳатни тилка-пора қилувчи бурро тиг тусини олади. Воқеан, Навоийнинг беомон ҳажвиёти унинг улуғ инсоний муҳаббатининг адолат ва инсоф қамчисидир. «Маҳбул-қулуб»ни варақлаймиз: «Золим ва жоҳил ва фосиқ подшолар зикрида. Одил подшоҳ кўзгу ва бу (яъни, золим шоҳ) анинг учасидур (орқасидир), ул ёруғ субҳ, бу анинг қоронғу кечасидур. Мулк бузуғлуғидин замирига жамъият ва улус парешонлиғидин хотирига амният. Ободлар анинг зулмидин вайрона, кабутар токчалари бойқушга ошёна».

Улуғ адиб одил шоҳни Худонинг неъматини, золим ҳокимни эса Тангрининг улус бошига юборган жазосини деб таърифлайди, золимлик Навоийда мавҳум тушгунча эмас, унинг белгилари, аломати бор. Золим шоҳ бегуноҳларнинг қонини тўкиш, бераҳмлиқ, фисқу фасодни кучайтириш, талончилик, бедодликни авж олдириш билан машҳур бўлади. Ношоиста ва малъун, қаллоб кимсалар уни ўраб олади, халқ доим кўрқувда, таҳликали андишада яшайди. У ҳақ сўзга қулоқ солмайди, ҳақ сўзини айтганлардан шафқатсиз ўч олади: «Кўп хизмат оз саҳв била олида нобуд ва кўп ҳақ ва рост оз хато била илийда номавжуд». Агар тўғри одамлардан хато тополмаса, тухматни ишга солади, агар бу ҳам унга ёрдам бермаса, («Носавоб хаёли туз чиқмаса»), ҳеч бир асоссиз одамларни азоб исканжасига солиб, роҳатланади. У ўзини ҳаммадан доно, ҳаммадан оқил ва баланд ҳисоблайди, лаганбардор хушомадгўйлар атрофида парвона, «қора кўзгунни оқ туйғун, ёруқ кунни тийра тун» дегувчилар унинг ҳарифи, маслаҳатгўйи. Донишмандларни эса у ўзининг ашаддий душмани деб билади: «Чин дер элга жон хатарини, хайрга далолат қилғувчига ўлум зарари. Ҳақ анинг қошида ботил, хирадманд анинг ақида-сида жоҳил».

Ана шу тариқа, Ҳақ ва ҳақиқатни қувғин этган, хирадманд одамларга қирғин келтирган подшо, Навоийнинг кўрсатиши бўйича, ўзи ҳам доимо таҳликада яшайди,

ҳаммадан ҳадиксирайди. Гина, қасд, оммавий қатл унинг асосий шуглига айланади: «Қатл учун жон бермак шиори, эл молу жонига қасд шикори», яъни тирик, бегуноҳ кишиларни ўлдириш — унинг асосий мақсади, элнинг молу жонини тортиб олиш — унинг ови. Кўрииб турибдики, шоир подшони оддий бир одам сифатида олиб қараб (бундай дейишимизга сабаб шуки, дин аҳли шоҳларни Худонинг ердаги сояси, тил тегизиб бўлмайдиган мутлақ ҳоким деб тушунтирардилар), унинг золимлигини аввало ахлоқидаги қусурлар билан изоҳлайди. Золим подшода ёмон одамда бўладиган жамики салбий хислатлар мужассам: у фосиқ ва жоҳил, баднафс ва шаробхўр, раҳмсиз, калтафаҳм ва калтабин. Бундай шоҳ шариатни, дину диёнатни ҳам оёқ ости қилади, унинг учун муқаддас ёки муътабар нарса йўқ, унинг қасри мақбара ва масжидларнинг гиштидан тикланган, бу қасрнинг «пардалари риштаси эл жонидан, лаълию шингарфи (қизил нақшлари) улус қонидин». Ана шунинг учун, дейди шоир подшога хитоб қилиб, сен манманликни, такаббурни тарк эт, ўзингни бошқалардан баланд тутма. Сен наинки оддий одамлар қаторисан, балки «уларнинг кўпрагидин ожизу афғандасан» (бечора, ҳақирсан). «Хайратул-аброр»да Навоий подшони оддий одамлар билан қиёслаб ёзади:

Лек ҳунар ичра, камол ичра ҳам,
Хулқи хушу лутфи мақол ичра ҳам,
Ҳам равиши, адлу ҳам инсоф аро,
Ҳилму ҳаёю бари — авсоф аро,
Шаръ тариқида, ибодатда ҳам,
Ҳақ йўлида тақвию тоатда ҳам
Сен тушубон йўл наҳажидин йироқ,
Кўпраги сендин юрубон яхшироқ.

Бу улуғ жасорат эди — подшолар ахлоқини муҳокамага қўйиш, уларнинг саркаш хулқ-атвори, чекланмаган фаолиятига дахл этиш, халқ тарафида туриб, шоҳ ва ҳокимлар жабр-зулмини қаҳру ғазаб билан фош қилиш, уларни «сен дағи бир бандасен» деб аршдан ерга тушириш билан қаноатланмай, ақлий камолот, инсофу диёнатда оддий халқдан паст турасан, дейиш учун ҳазрат Навоийдай пайгамбарона журъат ва қаҳрамонлик лозим эди.

Алишер Навоий нафақат золим шоҳнинг ўзини, бал-

ки унинг муҳити, у раҳнамо бўлган ижтимоий табақаларнинг ҳар бирини, зинама-зина кўздан кечириб, «муносиб таърифини» келтиради. Мулкни вайрон этишдан хурсанд, раият азобидан роҳатланадиган шоҳнинг «вазири ҳам ямон, андоқки фиръавн наёбатида (ноиблигида) Ҳомон». Ҳомон — қадимги Миср подшоларининг золимликда ном чиқарган вазири, у элга жабр қилганидан ўзи ҳам охири ит азобида вафот этган. Золим вазирни Навоий авровчи илонга ва ниш санчадиган чаёнга ўхшатади, улар «мулкни барбод берувчилар ва мулк аҳли йиғиштурғонларни йитиргувчилар» (йўқотувчилар)дир. Вазирнинг мамлакат тақдири учун жавобгарлиги шоҳдан кам эмас, балки кўпроқ. Чунки вазир идора дастури, хазина ва девонга соҳибихтиёрдир; сиёсат тариқи, раияту лашкарийлар, ўзга амалдорлар билан муомала, солиқлар миқдори, хуллас, барча иқтисодий-маъмурий ишларни вазирлар бошқарар эдилар. Навоийнинг фикрича, вазир шоҳни тўғри йўлга бошлайдиган маслаҳатгўй, донишманд ва инсофли одам бўлмоғи лозим. Ҳолбуки, замона вазирлари ноинсофликда машҳур («инсоф гавҳари бу ноинсофлар жоасидин» нобуд). Шунинг учун ғазаби ичидан тошиб чиққан шоир жабр тигини халққа қаратган бундай ситамкорларга ўлим тилайди: «Неча бу ниш мазлумларга санчилғай, умид улки, бошлари ажал тоши била янчилғай...». Бу қаҳрли дуо Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асарида золим подшолар ҳақида айтган сўзларига ҳамоҳанг: «Мурданат беҳ, ки мардум озори» — элга озор бергандан кўра ўлганинг яхши! Ноқобил садрлар (юқори мансабли амалдорлар), «фосиқ ва бадмаош» лашкарбошилар, турли хизматларни адо этувчи тамагир мулозимлар, қозию муфти-фақиҳлар ҳам шоирнинг ёндирувчи ғазаби оташидан бебаҳра қолмаганлар. Чунончи, садр бедиёнат ва бидъатчи, «нокас ва омий», фисқу фужур ботқоғига ботган, талаба ва мударрисларнинг, муҳтож мусофирларнинг нонни тортиб оладиган, наҳс ва нажас кимса; баҳодирлик лофини урадиган лашкарбоши эса, куну тун майхўрликдан бош кўтармайдиган, худпараст, «худнамо ва худоро» ясан-тусан қиладиган киши; муфтин фақиҳ (қонун ҳимоячиси) эса «бир дирҳам учун юз ҳақни ноҳақ эттувчи... бир сабат узум учун бир боғни куйдирмакдан ғами йўқ ва бир ботмон бутдой учун бир

хирманни совурмоқдан алами йўқ» одам сифатида зикр этилади. Динини дунёга сотган муфти қандай қилиб шариат посбони, ҳақиқатнинг, адолатнинг ҳимоячиси бўлиши мумкин? Ёинки қозини олайлик: у ўз мавқеига кўра ҳаммадан юқори туриши керак, ҳукм қилурда ошною бегона, шоху гадо анинг қошида баробар бўлиши жоиз. У шаръий ҳийлаларни фош эта оладиган, «ришвахўр муфтиларни» ожиз этиб, ҳақни ўрнида қарор топтирадиган одам бўлсин, дейди Навоий. Лекин агар қози садру амалдорга дастёрлик қилса, «алар базмига май келтуруб», муҳтасибу муфти билан бодапаймолик қилса, бундай кишварда қонун забун, ўғрилар забардаст, «маноҳий (ношаръий, ман қилинган ишлар) мундоқ беҳисоб бўлғай, ислом ва шариатга не иззат ва не ҳисоб бўлғай!»

«Маҳбубул-қулуб»да шундай эҳтирос билан бозор олиб-сотарлари, шаҳна ва зиндонбонлар, тили бошқаю дили бошқа воиз-насиҳатчилар, тамагир созандалар, бесавод котиблару жоҳил, бешафқат муаллимлар ва ҳоказо қирққа яқин ҳар хил тоифа-табақа вакиллари, касб-кор эгалари мансаб-мавқеига қараб танқид нишонига олинган ва ҳажв тегирмонида туюлиб, улардаги иллатларнинг ижтимоий зарари дона-дона таъкидлаб ўтилган.

Аммо булар орасида Алишер Навоийнинг энг кўп нафратини келтирган ижтимоий тип — бу риёкор шайхлардир. «Ул шайхким, минбар уза афсунга берур йўл», «Хонақода ҳалқаи зикр ичра ғавғо қилди шайх», «Мени ишқдан ман этар сода шайх» деган мисралар билан бошланувчи ғазалларида, «Ҳайратул-аброр»нинг тўртинчи мақолотида ва «Маҳбубул-қулуб» асарининг ўттиз саккизинчи бобида («Риёи шайхлар зикрида» деб номланган) ташқи кўриниши билан ички олами бир-бирини инкор этадиган найрангбоз шайхларнинг ҳажвий қиёфаси яратилган. Хўш, Навоий нега шайхларни бунча ёмон куради? Аслида ким бу шайхлар? Шайхнинг вазифаси ўзи нимадан иборат? Шайх — пир, раҳнамо дегани. Араблар қабила бошлиқлари, кўпни кўрган, ўз қавминини тўғри йўлга бошлайдиган, донишманд қарияларни «шайх» деб эъзозлаганлар. Навоий даврида эса шайх деганда тасаввуф тариқатининг пешволарини назарда тутганлар. Улар дунё ишларидан ўзларини четта олиб, факру фано сулуқини ихтиёр этар, тану руҳларини пок этиб,

илоҳий дийдор ёдида тоат-ибодат билан машғул эдилар. Маърифат майидан сармаст бу муътабар зотлар ҳақида Навоий тўлқинланиб дейди:

Ҳар сориким ўлуб, Ҳақ кўруб,
Қилгувчини фоили мутлақ кўруб.
Туз йўл ила қотеъи водий алар,
Ким итуруб йўлини ҳодий алар...
Борлиқ асбобини фоний билиб,
Йўқлиқ ўти ичра ўзин кул қилиб.
Куйдурубон чун бу хаёлотни,
Ёрутуб ул кул била миръотни...

Тасаввуф шайхлари хонақо, работларда умргузаронлик қилиб, вақф ерлардан келган даромад ёхуд ўз касб-корлари эвазига ҳалол луқма билан қаноатланар; на сиёсат, на раёсат ишларига қизиқмас, салотину вузаро, амиру умаронинг туҳфа-инъомига эътибор қилмас, муридларга ҳам шуни таълим берадилар.

Бироқ шайхларнинг бари шунақа қалби тоза, дилдан ҳақ йўлида ўзлигини қурбон этган некахлоқ одамлар эмас эди. Халқнинг тариқат аҳлига эътиқодини кўрган нопок ниятли кимсалар бундан шахсий манфаатлари учун фойдаланиш пайига тушадилар. Улар хонақо, работларда уя қуриб олиб, ўзларини қошиф-каромат соҳиби қилиб кўрсатар, макру ҳийла тузоғини ёйиб, соддадил одамларни илинтирар ва текин даромад орқасида айшу ишратда яшардилар. Алишер Навоий айнан мана шу сохта, риёкор шайхларни танқид тиғи остига олган эди. Чунки булар маънавийёт руқиларини кемиришга чоғланган, иймон-эътиқодга чанг солган энг хавfli унсурлар эдилар. Ёлгон, мунофиқлик энг пок, муқаддас маскан — ибодатгоҳга кириб келди, кўнгил саждагоҳини булғади. Бу ҳол Навоийдай мутасаввуф, иймони пойдор шоирнинг қалбини қийнаб, ташвишга солиши муқаррар эди. У бундай шайхларни шайтон малайи, элни йўлдан оздирувчи иблис деб атайди, уларнинг алдамчилиги ва жоҳиллигини ғазаб билан фош қилади. Шоирнинг сўзлари аччиқ ва зарбали. Шайхнинг ташқи кўриниши, юриш-туриши, феъл-атвори нохуш ва номақбул экани масхарали оҳангда, кишининг нафратини келтирадиган ибора-ташбиҳлар билан қизиб берилган. Мана, диққат қилинг, Навоий шайхни қанақа

сўзлар билан «сийлайди»: «Шайхи риёи — раънолик жилванамое, мисдур олтин била рўкаш, таши хушнамо ва ичи нохуш, сурати дарвешваш ва маъниси саросар ғаш. Оросталиги барча қайд ва каромати барча шайд». Яъни олтин қопланган мисдай ясама, ичи пуч, сурати дарвешу сийрати фосид.

Шоир шайх таърифини келтирар экан, ёва (маъноси сўз), ях, зарқ (иккиюзламачилик) ҳарза (лаққи), ҳазён (сафсата), таблис (найранг), зуҳд, ёлгон, шайтанат (шайтонлик), идбор (бадбахтлик), ҳуққабоз (қиморбоз), ўғри, каззоб каби сўзлардан фаровон фойдаланди. Ҳар бир «таъриф-тавсиф»да, ҳар бир сўзда дарғазаб нафасидан сачраган ўт-аланга билиниб туради, у гўё душманини устма-уст найза санчиб маҳв этаётган ботир жангчига ўхшаб кетади. Навоийнинг тизма мусажжаълари тасвиридан ҳосил бўлган шайх қиёфасидан риё ёғилади. Унинг кўзи, нутқи, ҳаракатларида Риё. Риё уни зарпечакдай ўраб-чулғаб олган, етмиш икки томирига ёйилган. Навоийнинг бутун ғазоби, нафрати ва раддияси ана шу Риё сўзида мужассамлангандай. Риё — макр, риё — мунофиқлик, риё — фитна ва алдов. Салбий маъно англатувчи барча сўзларнинг мазмун-мундарижасига сарлавҳа бу сўз. Шунинг учун шайхни «таърифловчи» қолган ташбиҳлар йиғилиб, шу сўзга келиб боғланади ва маълум бўладики, бу ташбиҳлар шоир нафратини жамулжам этган «риёи хирқапўш» иборасининг шарҳ-изоҳидир. Чунончи, риёкор шайхнинг кийими — найранг, фириб нишонаси, унинг иглари — «макр риштаси», нақшлари — «наҳс фалакининг юлдузлари». Шайхнинг тасбеҳи — халқни алдаш тузоғи, ҳассаси — ҳийла уйига сутун ёхуд риё денгизи кемасининг эшкаги каби:

Риё баҳри ичра тамаъ заврақин
Солибдур асодин тутуб хода шайх.

Унинг оғзи нопок, сўзларидан қабоҳат ҳиди келиб туради, у ўғирлик қилиш, ҳаром ишлардан ҳам қайтмайди. Навоий ҳар бир асарида шайх риёкорлигининг турли томонларини янги-янги «сифат»лар билан очади. «Хонақоҳда ҳалқани зикр ичра ғавғо қилди шайх» деб бошланувчи ғазалда зикру самоъ (самоъ — сўфийларнинг рақсу кўшиқ билан давом этадиган ҳол мажлисларидир, бу алоҳида руҳий ёришиш, илоҳий қалбда илоҳий нурнинг порла-

шини яқинлаштирадиган восита деб қаралган. Аммо риёйи шайхлар буни куруқ ҳою ҳавас йиғинларига айлан-тирған эдилар) жазавасига тушган, ғавғою даъвосидан одамларнинг жонига теккан шайх тасвирланади. У оғзидан кўпик сочиб, бемаъни сўзлар айтиб, ёқимсиз овоз чиқаради, банги, девонага ўхшаб, ўзини ҳар кўйга солади, хилватда қорнини тўйғазиб олиб яна чилла ўтирибман, рўзаман, дея «асру кўп нодонни» ўз тузоғига илинтиради. «Мени ишқдан манъ этар сода шайх» ғазалида бўлса кўп тўполон қилмайдиган, ўзини соддаликка солган муғамбир риёкорнинг башараси очилган. Ғазалда қофия бўлиб келган сўзларнинг ўзи асар қаҳрамонининг ким эканини бизга аён этади: у ҳар қанча мулојим-содда бўлиб кўри-нишга тиришмасин, аслида дода. яъни ақлсиз, аҳмоқ одам, афтода. ожиз бўлиб туюлгани билан, лекин ношаръий ишларга омола(тайёр). ўзини эранлар қаторига кўшадию, аммо юриш-туриши, ороланиши модалар (хотинлар)га ўхшаш. Қўлида тасбеҳ, эгнида хирқа бу мўминқобил ва «содда» одамнинг агар жаҳли чиқса борми, уни «биҳим» — ҳайвондан фарқ қилолмайсиз. Хуллас, кўз олдингизда тили бошқаю дили бошқа, сўзи ишига тўғри келмайдиган авом фиреб, шаклу шамойил ичига яширинган шаҳватпараст мунофиқ бир кимса намоён бўлади. Бундай одамдан ёруғлик чиқмайди, чунки у маърифат тариқини залолат (гумроҳлик) тариқига алмаштирган дейди шоир:

Ёруғлик эмас мумкин андин, ки бор
Залолат тариқида афтода шайх.

Риёйи шайхнинг муридлари ҳам ўзига ўхшаган:

Ёва кўп айтурда бири чирчирак,
Чарх кўп урмоқда бири фирфирак.

Кейинги мисол «Ҳайрат ул-аброр»дан олинди. Кўри-ниб турибдики, бу ерда энди Навоий шайх кирдикорини фош этиш учун фақат қаҳру ғазабни сочиш билан чегараланмай, кулги усулидан ҳам фойдаланади, аммо бу оддий, беозор кулги эмас, балки заҳарханда, объектни яхлит салбий ҳодиса сифатида бутунлай инкор этувчи, шармандаи шармисор қилувчи аччиқ кулги. «Ҳайратул-аброр»да тасвирланишича, шайхнинг атрофида тўпланган кишилар ўзларини «муҳаққиқ» (Ҳаққа етган), «ориф» (илоҳий маъри-

фатни эгаллаган) сўфийлар деб, пирларини «Хизр паямбар» деб от қўйиб, овоза тарқатадилар. Шайх ҳам тўрда ўзини Зуннун ҳис этиб, керилиб ўтиради (Зуннун Мисрий назарда тутилади, у тасаввуфнинг атоқли пешволаридан бўлган). Шайхнинг бутун иши тақлидчиликдан иборат, у улуғ сўфийларга тақлид этиб, тариқат русумини амалга оширмоқчи бўлади. Лекин юраги тоза бўлмагани, асл ҳақиқат нима эканини англамагани учун барча ҳаракати сохта, ясама бўлиб чиқади. Навоий масхаралашни давом эттириб, риёи шайхни бозорларда ҳар хил ўйинлар кўрсатадиган кўзбўямачилар ва эчки ўйини ташкил қилиб одамларни кулдирадиган қўғирчоқбозларга қиёслайди:

Турфа соқолин осибон кулгудек,
Эгри яғоч узра чиқиб учкудек.
Учкуча ҳам йўқ ишида тўғрилиқ,
Ул тутуб ўғри, бу қилиб ўғрулик.

Ҳа, чинакам ҳажвий образ бу. Битта шайхнинг ўзи эмас, «водиин зулмат аро ул турфа хайл»нинг ҳам устидан ҳукм чиқарилган: шайх — деви лаин, «руҳни нафс олида қул айлаган» одам, у орқасидан эргашган қанмини тўппа-тўғри жаҳаннамга олиб боради, бироқ «кўнглида юз ит ўлубу гандараб» қолган, яъни ичи чирик, бадбўй бу қавмга томуғ ҳам ҳайф. Чунки:

Бу эл эрур борча ямондин ямон,
Кимки йўқ андин ямон — андин ямон.

Демак, ғазалларда ва «Маҳбубул-қулуб»да шайхнинг ички ва ташқи олами бир-бирига зид экани тазод таърифлар, қаҳрли, фош этувчи «сифатлашлар» воситасида очилган бўлса, «Ҳайратул-аброр»да бу усул масхаралаш, кулги-мазах усули билан қўшилиб, образ янада ёрқинлаштирилган, ҳажвнинг зарбаси, таъсир кучи ортган. Аммо «Ҳайратул-аброр» достонида яна бир жиҳат киши диққатини тортади. Бу — шайх риёкорлигининг асл сабаби, моҳиятини кўрсатиб беришдир. Дарҳақиқат, бунча худнамолик, сохта тоату ибодат, ғавғо-овозадан шайхнинг мақсади нима? Фақат нодон, жоҳил кишиларни атрофига йиғиб, муридни кўпайтиришми? Бу ҳам бор, албатта. Лекин Навоийнинг келтиришича, шайх ва унинг «хайли»нинг бундан ҳам «олийроқ» мақсадлари бор:

Борчага мақсуд буким, аҳли жоҳ
Кўрсалар ул шайх ила бу хонақоҳ.

Яъни, самоъ ва зикрга тушиб, вовайло қилиш, турфа найранглардан асосий мақсад шоҳу шаҳзодалар, юқори мансабли амалдорларнинг эътиборини қаратиш, улар кўзига ўзларини «фақру қаноат» гўшасидан жой олган тақводор дарвеш қилиб кўрсатиб, катта-катта инъомларга сазовор бўлиш эди. Шу тариқа, шайхнинг бутун ният-аъмоли, фикру хаёли бойлик жамлаш билан банд, у — нафс бандаси («Чангаки нафс олида хору залил» — нафс қармоғида ҳақиру забун), шу нафски уни турли найранглар ишлатишга мажбур этган, риё хирқасини кийдириб, турфа қиёфага киришга мажбур этган. Навоий буниники инсон зотиға ношоиста хулқ, балки улуғ бир азоб деб ҳисоблайди, инсон боласининг нафс олдидаги ожизлигига ачинади:

Субҳаноллоҳ, бу не нафси лаим,
Нафсни қўйгил, не азоби алим.
Рўзи учун мунча фусунсозлиқ,
Мансаб учун мунча дағобозлиқ!

«Лаим» — паст, ифлос; «алим» — аламли, тоқат қилиб бўлмайдиган дард; рўзи — ризқ, кун ўтқариш воситаси; фусунсозлик — афсун қилиш, найранг кўрсатиш; дағобозлик — фирибгарлик, макр қилиш.

Ҳа, шунча найранг, шайтон каби макр тўрини тўқишдан ғараз қорин тўйғузиш, кун ўтқазуш, мансаб — амалга чиқиб, керилиб юриш. Нақадар пастлик, нақадар шум ният! Бироқ риёкорлик фақат шайхга хос эмас, фақат шайх нафс учун ўзини дўзах ўтига ташлаган десак, Навоий умумлашмалари доирасини торайтирган бўламиз. Улуғ мутафаккир ҳажвиётининг қудрати шундаки, у ёмон хулқли бадният одамларнинг салбий жиҳатларини қаҳр ўтига ёндириш, уларнинг зарарини кўрсатиш баробарида, жамиятни ва одамларни таҳлил этиб, мазкур иллатлар қаердан келиб чиқишини ҳам излашга интилар экан, тасаввуф таълимотининг теран хулосаларига суяниб, нафс ҳамма тоифа ва даражадаги номақбул ишларнинг бош сабабчиси деган фикрга келади. Шоҳнинг золимлиги, жабр-ситамга берилиши, вазирнинг фитна билан шуғулланиши,

қозининг ҳақни ноҳақ деб қонунни бузиши, созанданинг камбағал тўйига эмас, бой хонадонига қараб йўрғалаши, назмбоз шоирнинг минг машаққат билан бир байт битиб, юз даъво пешкаш этиши, чайқовчининг Худо номи билан қасам ичиб, бирни ўнга пуллаши, хуллас, ҳамма-ҳаммаси «рўзи учун» қилинаётган «фусунсозлик»ларнинг турфа кўринишидир. Ҳаммасининг асосида тамаъ, молу дунёга ҳирс ётади. Ўша нафским, дажжолдай халқни аврайди, жунун чархипалагига солиб, гир-гир айлантиради. Алишер Навоий бу фалсафий умумлашмалар аро хаёл сурар экан, Аҳраман ва Ҳурмуз, Дев ва Инсон, Раҳмон ва Шайтон, Рост ва Ёлғон, Ёруғлик ва Зулмат курашининг рамузи, узоқ тарих қаъридан халқ хотирасида нақшланиб келган афсоналарнинг нечоғли ҳаётий ва азалийлигига иқрор бўлади. Аммо унинг инсонпарварлик туйғуси, эзгуликка, ҳақиқатга меҳри, жамиятда Яхшиликнинг ғалабаси учун курашишга иштиёқи, оламшумул инсоний қалби бу ҳол билан келишолмайди ва у Дажжол (Қуръонда айтилишича, охирзамонда ер остидан, яъни дўзахдан чиқиб, баҳайбат эшакка миниб одамлар орасида юрадиган, ўзининг қимматбаҳо матолари, ноз-неъматни билан кишиларни аврайдиган махлуқ. Нафс тимсоли), Ёлғон ва Зулматга аникроғи, шу кучларни мужассам этган одамларга қарши курашга бел боғлайди ва жамиятни тузатиш учун одамлар ахлоқини тузатиш керак, одамлар тийнатидан Нафс, Тамаъ, Ҳирс ва Зулмни суриб чиқариш, йўқ этиш шарт деб уқтиради:

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
 То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
 То зулму ситам жониға бедод ўлмас,
 Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Бу ажойиб рубоий Алишер Навоийнинг «Вақфия» асарида келтирилган. «Вақфия» — шоирнинг васиятномаси, шу асарда у бор ер-мулкини мадраса, хонақолар (буларни ҳам ўзи қурдирган), ихтиёрига топширгани, бу мулкдан келадиган даромадни қандай сарфлаш лозимлиги ҳақида кўрсатмалар ёзиб қолдиради ва баҳонада подшо билан ўзи орасидаги муносабатлар, ҳиммат, карам, адл, инсоф тўғрисида, дунёнинг бебақолиги, фано ва фақр хусусида фикр юритади. Гап орасида вазирлик даврида давлат мул-

кига заррача хиёнат қилмагани, Илоҳни ва инсофни ҳамиша ёдда тутиб «мусулмонлар маслаҳати» (яъни халқ фойдаси), подшонинг «муборак хотири учун» кўшиш қилганини қайд этиб, яна қуйидагиларни ёзади: «Бу жиҳатдин хирад ҳокими одили ҳукми била ростлик сиёсатгоҳида ғараз ўғрисини фано дорига осиб, инсоф дорул қасосида ҳирс қароқчиси бўйнин қаноат қиличи била уруб, вужуд шаҳрида муддао қасрини риёзат ёмғури била йиқиб, нафсоният боғида орзу ниҳолин инқитоъ илиги била кўнгариб, амал мазраида таваққуъ хирманин фақр ўти била куйдуриб, ул хирман кулларин фано елига совурдум». Бу парчани ҳозирги тилга таржима қилсак, қуйидагича бўлади: «Бу жиҳатдан (яъни, халқ ва давлат манфаатини ўйлаганим учун) ақлнинг одил ҳокими ҳукми билан ғараз ўғрисини фано дорига осдим, яъни шахсий манфаат — молпарастлик ниятини дунёга эътибор қилмаслик, дунё молини писанд қилмаслик эътиқодига қурбон этдим; инсоф қасосхонасида ҳирс қароқчиси бўйнини қаноат қиличи билан кесиб, вужуд — жисм шаҳрида дунёвий, жисмоний талаблар қасрини ранжу машаққат, яъни ўзини тийиш азоби ёмғури билан йиқдим; нафс боғидаги орзу-ҳавас ниҳолини юз ўгириш, яъни маишату масарратга эътибор қилмаслик кўли билан кўпориб, орзу-умид майдондаги ниятлар хирманини фақр-дарвешлик ўти билан куйдириб, ул хирман кулини фано — Аллоҳ ёдида ўзидан ва ўзликдан воз кечиш елига совурдим». Бошқача айтганда, Навоий тариқат йўлига кирганим, унинг нафсни маҳв этиш талабларини сўзсиз бажарганим учун шоҳ молига ва бошқа бойликларига эҳтиёж кўрсатмадим ва шу учун ҳам инсоф ва адолат йўлидан чекинмадим, демоқчи. Демак, ҳақиқий дарвешлик сулуки, тариқатга қалбан ва руҳан таслим бўлиш — инсофли ва одил бўлишнинг ягона йўли деб қаралган. Зотан, ўз нафсини жиловлай олмаган одам бошқалардан ҳалоллик ва тўғрилиқни талаб қила олмайди, ўзи покиза инсоф посбони бўлган кишигина мамлакатни, элни ҳалол, покиза, амну амонда сақлай олади; қароқчи ва ўғрининг, қиморбоз ва порахўрнинг жазосини беради. Дарҳақиқат, Алишер Навоий ва унинг ҳаммаслақлари тасаввуфнинг тарбиявий ролига алоҳида аҳамият бериб, жамият ахлоқини фақат шу йўл билан тозалаш мумкин деб

уйлаганлар. Шундай бўлгандан кейин тасаввуфни реакцион оқим, одамларни бадбинликка ўргатиб келди, дейишга ҳақлимизми? Йўқ, албатта. Ҳолбуки, бизга ўн йиллар давомида шундай деб ўргатиб келдилар. Навоий сатирасини тадқиқ этганда ҳам бу нарса эътиборга олинмади, аслида улуғ Ўзбек шоирининг бирон-бир асарини, жумладан, ҳажвий асарларини ҳам тасаввуфдан ажратиб таҳлил этиб бўлмайди. Тасаввуф — Навоий учун синов тоши, барча ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-эстетик масалалар келиб тасаввуфга тақалади ва у орқали изоҳланади, ўз баҳосини олади. Шу нуқтаи назардан қараганимизда «Реакцион руҳонийлар турли йўллар билан омманинг онгини захарлар, уларнинг феодал зулмига қарши қаратилган ҳаракатларига тўсқинлик қилар ва ўз «ваъз-насиҳат»ларида кишиларни тақдирга тан беришга чақирар эдилар» («Ўзбек адабиёти тарихи», 8-синф дарслиги, 72-б.) қабилдаги фикрларни Навоийга боғлаб баён этиш улуғ шоир ниётларини тушунмаслик ёинки тушуниб туриб, атайлаб нотўғри талқин қилиш, унинг шаънига гуҳмат гапни айтиш билан баробар. Буни Навоийга нисбат бериб, унинг обрўнуфузига таяниб, олға суриш, ўқувчилардан ҳақиқатни яшириш ўша улуғ шоир нафратига сазовор бўлган риёкор шайхнинг ишини такрорлашдир. Зеро, унда ҳам, бунда ҳам ғараз — манфаатга қараб одамларни алдаш бор, ҳақиқатдан юз ўгириш бор. Навоий ҳеч қандай «реакцион» (реакцион дегани тараққиётга зид одам дегани) руҳонийлар хусусида гапирмаган, унинг учун ёмон, имонсиз, фирибгар шайх ва яхши, ҳақиқий, имонли шайх бор; одил подшо билан бирга золим подшо бор; диёнатли қози баробарида бедиёнат, порахўр қозилар бор, вассалом. Навоий умуман руҳонийларни рад этган, умуман шоҳларни танқид қилган эмас; риёкор шайхни, золим шоҳни танқид этиб, дарвеш сўфини, одил шоҳни чин юракдан мақтаган, намуна қилиб кўрсатган. Боз устига Навоий халқни «хонақоҳларга яқинлашмасликка чақиради», деб ўргатиб келдик болаларга. Бу ноҳақ гап. Навоий риёкор шайхлар макрига учмаслик кераклигини уқтирган, аммо умуман хонақога, масжидга борманглар, шайхларга эргашманглар деб бирор жойда айтган эмас ва у бундай дейиши мумкин ҳам эмас эди. У ҳамма нарсада, ҳамма жойда ростлик,

тўғрилиқ амал қилишининг тарафдори; шоҳ ҳам, шайх ҳам, қози-мулло ҳам рост сўзласин, ҳақ йўлида туриб, рост аъмол кўрсатсин, дейди. Шунинг ҳам айтмоқчимизки, гарчи Алишер Навоий XV аср кишилари, шоҳлар, шайху қозилар ҳақида ёзган бўлса-да, унинг қарашлари умуминсоний ахлоқий қадриятлар билан алоқадор бўлиб, ҳамма даврларга тааллуқлидир.

Ҳа, улуғ Навоий ҳақ, бутун чоралар билан пок ахлоқли инсон учун, адлу диёнат, ҳақиқат ғалабаси учун курашиш лозим, баднафслар, ҳирсу ҳавас бандалари — нопок шахсларни фош этиш, Навоий каби уларни умумхалқ нафратига гирифторм қилиш шарт, шунда қонун ҳам ўз кучини кўрсата олади, жамият ҳам тузалади, чинданам:

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

(Хулоса ўрнида)

Алишер Навоий Шарқ мумтоз адабиётининг барча жанрида бемисл маҳорат кўрсатиб, ўлмас бадиият дурдоналарини яратгани ўз замонидаёқ улуғ адиблар, нуктасанж мунаққидлар томонидан эътироф этилган.

Чунончи, улуғ форс-тожик шоири Абдурахмон Жомий «Туркий тилда қалам тебратиб балоғат ва фасоҳат майдоида от сурган Навоий агар бу асарларни форс тилида яратганида, форсигўйларга сўз қолмасди» деса, султон ва шоир Ҳусайн Бойқаро Навоий ҳақида ёзган «Рисола» асарида «Назм тариқининг барча навъида соҳибқиронлик мақомини эгаллабдур», деб баҳо беради унга. Шарқнинг яна бир улуғ арбоби Бобур Мирзо бўлса туркийда ҳеч кимнинг «онча кўп ва хўб шеър» айтмаганини қайд этади.

Навоий даҳосининг буюклиги, аввало, шоирнинг ниятлари улуғворлигидан келиб чиқади. Навоийнинг нияти нима эди? Навоийнинг нияти ўз она тили — туркийнинг туганмас имкониятлари, қудрати ва қувватини намойиш этиш эди ва ул зот бу буюк ниятга эришди: туркий тилда қиёмига етган ва адабий чўққиларни забт этиб, ажойиб лирик шеърлардан тузилган тўрт девон («Хазойинул-маоний») ва «Хамса»ни яратди. Бундан ташқари, туркий тилда тарихий, илмий асарлар, «Лисонуг-тайр» каби рамзий-сўфиёна дoston, мактубот, Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад каби фанқулодда истеъдодли одамлар ҳақида «ҳолот» — маноқиблар ёзди.

«Хамсатул-мутаҳаййирин» асари Жомийга бағишланган. Шоир уни форс тилида ёзса ҳам бўларди. Аммо Навоий уни туркий тилда битди. Чунки туркий тилда хоҳ назм, хоҳ наср бўлсин, ҳар қандай жанр, усул ва оҳангда асар ёзиш мумкин ва зарур, деган фикрни шу тариқа исботламоқчи бўлди.

Улуғ шоир ўзининг тарихий вазифасини «Муҳокаматул-луғатайн» асарида яхши баён этган. Унда келтирилган фикрларнинг мазмуни шундан иборатки, салтанат араблар қўлида бўлганида араб тилида адабиёт гуллади, «сорт салотини (султонлари)» мустақил бўлганида форсигўй шуаро зуҳур қилдилар, «то мулк араб ва сорт салотинидин турк хонларга интиқол топди (ўтди — *Н.К.*)», турк тилида ёзадиган шоирлар пайдо бўлдилар. Бироқ Навоий эътирофича, «форсий... шуаро муқобаласида киши пайдо бўлмади».

Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро қалбида бу улуғ дард, ватан ва халқ олдидаги тарихий бурч бўлган. Улуғ шоир бутун истеъдоди, умрини шу муқаддас вазифани адо этишга бағишлаган. Навоий фикрларидан яна шу нарса ҳам аёнлашадики, то ўз давлати, шоҳу султони бўлмас экан, она тилининг қадру эътибори бўлмайди ва бу тилда шоҳона асарлар яратилмайди.

Буларни қайд этиб, шуни айтмоқчимизки, Алишер Навоийнинг буюклигини, аввало, туркий адабиёт майдонида, сўнгра эса Шарқ адабиёти ёки жаҳон адабиёти миқёсида олиб қараб аниқлаш лозим. Навоий — туркий халқларнинг, биринчи галда, ўзбекларнинг ифтихори, шу тилдаги адабиёт даҳоси, ўзбек адабий тилини ҳам амалий, ҳам назарий асослаб берган зот. Бу — унинг ҳеч қачон унутилмайдиган тарихий хизмати.

Навоий асарларида мусулмон Шарқида туғилган илғор ғоялар, ислом ва тасаввуф таълимоти жамулжам этилганки, бу асарларнинг ҳар бири абадулабад сўнмас маънавий хазина бўлиб қолади. Шу боис Навоий асарлари ўздан кейинги барча туркигўй шоир-ёзувчилар ижодига кучли таъсир этди. Бир ёғи Хитой, бир ёғи Ҳиндистон, бир ёғи Кичик Осиё, бир ёғи Кавказ, бир ёғи Волгабўйи ва Сибиргача чўзилган иқлимлар, мамлакатларда яшовчи туркий халқлар бу маънавият хазинасидан баҳраманд бўлиб, Навоий асарларини шарҳлаб, таржима қилиб ўрганди, ҳозиргача татаббуълар ёзиб келмоқда.

Навоийни Шарқ адабиёти майдонида олиб қараганда ҳам унинг салоҳияти юксаклигича қолади. Эрон, Покистон, Афғонистон, Тожикистон ва бошқа мамлакатларда Навоий форс-тожик адабиётининг жонкуяр ҳомийси ва

улуғ зуллисонан шoир сифатида адабиёт тарихида ҳур-мат билан тилга олинади. Шуниси маълумки, Алишер Навоий форсий тилда ҳам кўп ва ҳўб асарлар ижод этди. Айниқса, унинг газал ва қасидалари машҳур. Хоқоний, Хусрав Деҳлавий каби устозлар қасидаларига тенг келадиган ўн битта қасидаси сўз санъатининг ажиб дурдоналари ҳисобланади. «Фарҳод ва Ширин», «Мажолисун нафоис» асарларининг қайта-қайта таржима қилиб келинаётгани ҳам шoир ижодининг қанчалар эътироф этилаётганидан далолатдир.

Энди агар Навоий ижодини дунё адабиёти майдонида олиб қарайдиган бўлсак, улуғ шoиримизнинг мавқеи яна ҳам ортади. Улуғ зот тарихда тутган ўрни билан, ижодининг салоҳияти, кўлами, ранг-баранглиги билан, инсонийлик ғояларининг замонлар оша долзарб аҳамият касб этиши билан, энг асосийси, умумбашарий аҳамиятга молик таълимотнинг чуқур мазмунга эгаллиги билан улкан адиблар қаторида туради.

Албатта, ҳар бир даҳо санъаткорнинг ҳам ўз дунёси, ижодий йўналиши бор. Жумладан, Алишер Навоийнинг ҳам. Аммо, агар биз жаҳон адабиётини ўрганиб, барчасини бир-бир элақдан ўтказсак, Навоий ўрта аср бадиий тафаккури ва шеърояти тарихида алоҳида ўрин эгалладиган улкан сиймо бўлиб гавдаланади.

Алишер Навоий ижодининг жаҳон адабиётидаги мақомини тиклаш учун, менимча, қуйидаги энг муҳим ишларни амалга ошириш лозим:

а) шoир ижодини қиёсий усулда кенг ўрганишга киришиш, яъни уни туркий ва форс-тожик адабиёти билан изчил қиёсий таҳлил қилиб, Навоий кашф этган бадиий ютуқлар, унинг сўз оламига, фикр ва ғоялар дунёсига қўшган янгиликларини жаҳонга кўрсатиш;

б) Навоий ғояларининг умумбашарий моҳиятини очиб берадиган илмий асарлар яратиш;

в) дунё шарқшуносларининг шoир ижодига муносабатини яхлит ҳолда ўрганиш, бу ижодни камситишга қаратилган айрим фикрларнинг асоссиз эканини илмий иш-ботловчи тадқиқотлар яратиш ва уларни хорижий тилларга ўтириб, дунёга тарқатиш;

г) Навоий ижоди бўйича халқаро анжуманлар, йиғинлар ташкил этиш;

е) замонавий технологиядан фойдаланиб, Навоий асарларини тарғиб этиш;

ж) Навоий асарларини янгидан хорижий тилларга таржима қилиш, буни рағбатлантириш.

Навоий асарларининг ҳозирги китобхонлардан узоқлашиб бораётгани, ҳар қанча ачинарли бўлмасин, аччиқ ҳақиқат. Лекин шоир асарларига меҳр қўйган одам унга барибир яқинлашиб бораверади. Бу меҳрни ўқувчиларда шакллантириш учун биринчи галда, қийин бўлса ҳам, шоир асарларини асл ҳолида ўқиш ва ёдлашга эътибор қилинса, шоирнинг армони, орзулари, фикрлари тўғри тушунтирилса...

Бу соҳанинг оқсаётганига сабаб — Навоий асарларини тўғри тушуниб, яхшилаб ўқувчиларга етказиб берадиган ўқитувчилар кам. Ҳатто олий ўқув юртларида ҳам мумтоз адабиётни яхши тушунадиган мутахассислар тобора камайиб кетяпти. Ҳанузгача тасаввуф луғати йўқ. Навоийни эса бусиз тушуниш мумкин эмас.

Навоий ғояларининг туб моҳияти, илоҳий-тасаввуфий мағзи бир четда қолиб кетмоқда. Навоий оламини Аллоҳ яратган яхлит борлиқ, Яратувчининг қудрати ва гўзаллигининг кўзгуси деб биледи. Шоир инсонга ҳам, унинг ахлоқий такомилга ҳам шу нуқтаи назардан қарайди.

Шоир ижодини бутун таркибий қисмлари, мураккаблиги билан идрок этмас эканмиз, унинг буюклигини ҳам тасаввур қилолмаймиз. Шарҳлар, насрий баёнлар тузиш, изоҳли луғатлар ҳам яратиш керак.

Навоий ижоди — бир калит. Бу калитни қўлга киритган одам мумтоз адабиёт сирларини эгаллайди, ҳам Шарқ маънавияти хазинасига эшик очади.

Навоий — мен қайта-қайта мурожаат қиладиган, қайта-қайта ўқиб, лаззатланадиган, қалбим тўридан жой олган шоир. Гўдакликда биринчи бўлиб қулоғимга чалинган шеърлар Ҳофиз Шерозий билан Алишер Навоийники бўлган. Навоийнинг раҳматли онамдан қолган эски бир сайланма девонини мўътабар тутиб, ҳамон сақлаб юраман.

Навоий шеърларини ҳар гал ўқиганда, янги-янги маънолар топганимдан қувониб кетаман. Навоий ҳақида сўз

айтганим, айрим шарҳлар билан бул зоти шариф асарлари маъносига йўл топганимдан бахтиёрман.

Навоий ижоди — бамисоли бир обиҳаёт чашмаси. Ундан ичган сари қалбингиз тозаланиб, нурланиб боради, маънан ва руҳан улғаясиз, куч оласиз. Шундай буюк шоирни бизга ато этган Парвардигорга минг бора шукур қилиб, бу зоти муқаррамдан бир умр ибрат олиб яшаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

МУНДАРИЖА

Ўз вужудунгга тафаккур айлагил (Муқаддима ўрнида)	3
Қалбларнинг севгани	6
Навоий ва замонамиз	6
Тасаввуф ва бадийий ижод	27
Одамийлар одамийси	38
Ишқ кимёси	59
Тимсоллар тимсоли	59
Ишқ оташининг самандари	73
Сукрот – Комил инсон тимсоли	88
Шоҳ ва дарвеш ҳикмати	99
Ҳикмат ва ибрат достони	124
Факр – Комил инсон сифати	193
Форсийда суҳан пардоз айлаб	193
Пок руҳ мадҳида	205
Ҳаёт чашмаси	211
Тафаккур тухфалари	217
Таваккул талқини	228
Нажот йўли	234
Комиллик йўли	245
Татаббуъ – ижодий мусобақа	251
Илова («Насимул хулд» қасидаси)	263
«Насимул хулд» («Жаннат шабадаси») қасиданинг насрий таржимаси	271
Изоҳлар	281
Тафаккур ва нафосат хазинаси	283
Таржимами ё талқин?	283
Навоий нафрати	300
Оби ҳаёт (Хулоса ўрнида)	314

Адабий-бадиий нашр

НАЖМИДДИН КОМИЛОВ

ХИЗР ЧАШМАСИ

Тошкент «Маънавият» 2005

Муҳаррир У. Қўчқор

Рассом А. Баҳромов

Техн. муҳаррир Т. Золотилова

Мусаҳҳиҳ Ш. Илҳомбекова

Компьютерда тайёрловчи А. Турсунова

Теришга 29. 08. 2005 й. да берилди. Босишга 20. 10. 2005 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108/₃₂. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 16,80. Шартли кр.-отт. 17,22. Нашр т. 15,51. 3000 нуска. Буюртма № 2075 Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти Тошкент. Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 32-05.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. 700083. Тошкент. Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 2005.